

О. МАВЛОНОВ, А. ҚОСИМОВ, Ж. СИДДИҚОВ

БИОЛОГИЯ

(Маълумотнома)

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги академик лицей ўқувчилари ва олий ўқув юртларига кирувчилар учун қўлланма сифатида тавсия этган

Құлланмада ботаника, зоология, одам ға уннің саломатлиғи ҳамда умумий биологиядан умумтағым мектебларининг битирүчилари учун зарур бўлган барча маълумотлар қисқа ва тушунарли тиlda схемалар ва жадваллар ёрдамида баён этилган. Китоб ўқувчиларининг мактабда олган билимларини умумлаштириш ва чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Маълумотнома академик лицей ўқувчилари, олий ўқув юргига кирувчилар ва умумий ўрта тағым мектебларининг юқори синф ўқувчиларига мұлжалланған.

Тақризчилар:

ҰКТАМ ПРАТОВ — биология фанлари доктори, профессор (ботаника); .

КАРИМ АЛМАТОВ — биология фанлари доктори, профессор (одам ға уннің саломатлиғи);

АБДУКАРИМ ЗИКИРЯЕВ — биология фанлари доктори, профессор (умумий биология).

ISBN 5—645—03465—1

4306020110

©«Үқитувчи» нашриёти, 1999

МУҚАДДИМА

Биология фанни тирик организмлар ва табицій жамоаларнинг тузилиши, функцияси, тирик мавжудотларнинг келиб чиқиши ва тарқалиши, уларнинг ўзаро ва жонеиз табиат билан боғланишини ўрганади. Биологиянинг асосий вазифаси тирикликнинг намоён бўлиш қонуниятларини ва ҳаётнинг моҳиятини очиб бериш ҳамда тирик мавжудотларни системага солишдан иборат. «Биология» атамасини илк бор бир-биридан мустасно равишда француз олимиси Ж. Б. Ламарк ва немис олимиси Г. Р. Тревиранус таклиф этишган. Аммо биологиянинг фан сифатида ривожланиши ва шаклланиши жуда узоқ тарихга эга. Ибтидоий одамлар бошпана сифатида фойдаланилган горларга чизилган суратлар улар ҳайвонларнинг тузилиши ва ҳаётидан хабардор эканликларини кўрсатади.

Биология органик дунё ҳақидаги жуда кўп фанларни ўз ичига олади. Бу ҳол тирик организмлар ва уларни текшириш усуулларининг хилма-хиллиги билан боғлиқ. Биология, ботаника, зоология, одам анатомияси, микробиология, гидробиология (сувда яшовчи организмларни ўрганадиган фан) каби фанларга бўлинади. Бу фанлар ҳам ўз навбатида фан сифатида ўрганиладиган бир қанча соҳаларга ажратилади. Масалан, зоология соҳасида сутэмизувчи ҳайвонларни териология, яъни мамалология, қушларни орнитология, ҳашаротларни энтомология, бир ҳужайралиларни протозоология, яъни противистология ўрганади. Организмларнинг хилма-хиллиги ва уларни гуруҳларга бўлишни систематика, уларнинг ҳаётий функцияларини физиология, хатти-ҳаракатларини этология, индивидуал ривожланишини эмбриология, ҳужайравий тузилишини цитология, тарихий ривожланишини эволюцион таълимот, ирсият ва ўзгарувчанлик қонуниятларини генетика фанлари тадқиқ қиласади. Кейинги йиллар давомида биологиянинг бошқа фанлар билан қўшилиб кетиши туфайли биофизика, биокимё, бионика, радиобиология, биометрия, биологик инженерия каби янги фанлар вужудга келди.

Биология фанининг ривожланишида XVIII—XIX асрда амалга оширилган бир қанча кашфиётлар, айниқса ўсим-

ликлар ва ҳайвонлар сунъий системасининг ишлаб чиқилиши, жинсий ҳужайраларпинг кашф этилиши, ҳужайра назариясининг асослаб берилиши, эволюцион таълимотнинг яратилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. XX аср биология фанларининг жадал ривожланиши ва классик тадқиқотлар миқёсинини кенгайиши билан ажralib туради. Ана шу асрда генетика, цитология, физиология, биокимё, экология, биосфера ҳақида таълимот, микробиология, вирусология, гельминтология ва бошқа кўп фанлар шаклланиб жадал суръатлар билан ривожланди. XX асрда қилинган кашфиётлар орасида Г. Менделев очган қонунлар асосида мутация ва ирсиятнинг хромосома назариясининг ишлаб чиқилиши, ДНК структураси ўрганилиб, генетик коднинг кашф этилиши биологиянинг ривожланишида инқилобий аҳамиятга эга бўлди. Ана шу кашфиётлар туғайли XX асрнинг иккичи ярмида биологиянинг энг ёш соҳаси молекуляр биология дунёга келди ва тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Молекуляр биология соҳасидаги кашфиётлар исен инженерияси ва биотехнология каби амалий фанларнинг ривожланиши учун назарий асос бўлди. Қейинги йилларда по-пуляцион биология соҳасида тадқиқотлар кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Биология қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт фанларининг назарий асоси ҳисобланади. Биология қонуниятларини билиб олиш экинларнинг серҳосил навлари ва уй ҳайвонларининг сермаҳсул зотларини яратиш, биосферани ифлосланишдан сақлаш, табиий бойликларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш йўлларини кўрсатиб беради. Ген ва ҳужайра инженерияси соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган биологик фаол моддалар (гормонлар, ферментлар) ни саноат миқёсида кўплаб ишлаб чиқаришга, клонлаш ишларини амалга оширишга кенг имконият берди. XX асрнинг охири биология фанининг жадал ривожланиши унинг инсон фаолиятидаги аҳамиятининг бошқа табиий фанларга нисбатан кескин ортгандиги билан бўлгиланади. Эндилилкда биологик тадқиқотлар натижаларига кўра жамият моддий-техника базасининг ривожланиши тўғрисидат хулоса чиқариш мумкин.

Биология соҳасидаги билимлар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга, мустақил Республикамиз қудратини янада мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

I. Ботаника

БОТАНИКА ФАНИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Ботаника (грекча «ботане» — ўг, кўкат, «логос» — таълимот демакдир) — ўсимликлар тўғрисидаги фанлар мажмудир. Бу фан ўсимликларнинг тузилиши, ҳаёт кечириши, қўнашиши, ривожланиши, ташқи муҳит билан ўзаро муносабати тарқалиши ва келиб чиқишини ўрганади.

Ботаника бир қанча айрим фанлардан таркиб топган. Масалан, ўсимликлар морфологияси ўсимликлар ва улар органларининг ташқи тузилишини, ўсимликлар анатомияси уларнинг ички тузилишини, ўсимликлар физиологияси, ўсимликларда содир бўладиган жараёнларни ўрганади. Ўсимликлар географияси эса ер юзида ўсимликларнинг тарқалиш қонуниятларини, палеоботаника — қирилиб битган, ҳозир қазилма ҳолда учрайдиган ўсимликларни ўрганади. Ўсимликлар билан ташқи муҳит ўртасидаги муносабатларни экология, ўсимлик жамоаларининг таркиби, тузилиши ва тарқалишини геоботаника ўрганади. Фитопатология эса ўсимликларнинг касаллеклари ва зааркуиандаларини ўрганиб, уларга қарши кураш чораларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ботаника фани бошқа биология фанлари, қишлоқ хўжалиги ва кимё билан чамбарчас боғланган.

Ўсимликларнинг хилма-хиллиги. Ер юзида 500 мингга яқин ўсимлик тури мавжуд. Улар планетамизнинг турли иқлим шароитида яшаётга мослашган. Ўсимликларни тупроқда, чучук сув ҳавзаларидаги ва денгизларда учратиш мумкин. Ўлар орасида фақат микроскоп ёрдамида кўринадиган (бир ҳужайраги сув ўтлари) ва бир неча ўнлаб, ҳатто 100 метрга етадиган гигант турлари (даражатлар, лианлар) бор.

Тузилишига биноан ўсимликлар тубан ва юксак ўсимликларга ажратилади. Тубан ўсимликлар бир хил ҳужайралардан тузилган бўлиб, танаси таллом дейилади. Уларнинг алоҳида тўқималари ва органлари ривожланмаган (масалан, сув ўтлари). Ботаника бўлимида бактерия ва замбуруғларнинг тузилиши ва ҳаёти тўғрисида ҳам маълумот берилган.

Юксак ўсимликларнинг маҳсус тўқималари ва органлари ривожланган. Улар ҳам икки гуруҳ — *спорали* ва *уругли ўсим-*

ликларга бўлинади. Спорали ўсимликлар споралар ёрдамида кўпаяди. Уруғли ўсимликлар эса уруғ ҳосил қиласди. Уруғли ўсимликлар очиқ уруғилар ва ёниқ уруглилар, яъни гулли ўсимликларга бўлинади.

Гулли ўсимликлар табиатда жуда кенг тарқалган ва хизмат-хил бўлади. Улар дарахт, бута, чалабута, бутача ва ўт ўсимликлар деб аталадиган ҳаётий шаклларга ажратилади. Яшаш муддатига биноан гулли ўсимликлар бирйиллик, иккйиллик ва кўпийиллик бўлади. Бирйиллик ўсимликлар бир йил давомида ўсиб гуллайди ва уруг бергач, қуриб қолади. *Иккичиллик ўсимликлар* биринчи йил вегетатив масса (яшил тана) ҳосил қиласди, иккинчи йил гуллаб ҳосил беради. *Кўпийиллик ўсимликлар* икки йилдан кўпроқ яшайди. Улар вояга етгандан сўнг ҳар йили гуллаб ҳосил беради. *Дараалтлар* кўпийиллик ўсимликлар бўлиб, уларнинг битта асосий ёғоч танаси бўлади. *Буталлар* ҳам кўпийиллик ўсимликлар, лекин уларнинг бир хил катталиқдаги бир неча ёғоч поялари бўлади. *Чалабуталарнинг* ср устки қисми ёғочланмаган бўлиб, қишида қуриб қолади. *Ўт ўсимликлар* бирйиллик, иккйиллик ёки кўпийиллик бўлиши мумкин. Уларнинг пояси яшил бўлади ва гўла ёғочланмайди.


Ўсимликларнинг табиатда, ҳалқ ҳўжалиги ва инсон ҳаётидаги аҳамияти. Ўсимликлар тупроқдан сув билан бирга минерал моддаларни шимиб олади ва органик моддаларни фотосинтез жараёнида синтезланишида улардан фойдаланади. Ўсимликлар синтез қиласдиган органик моддалар барча тирик организмлар учун энергия манбай бўлиб ҳисобланади.

Фотосинтез жараёнида органик моддалар ҳосил бўлиши билан бирга ўсимликлар атмосферага кислород ҳам чиқаради. Ўсимликлар ажратиб чиқарадиган кислород ер юзида мавжул бўлган деярли барча организмларнинг нафас олиши учун жуда зарурдир. Шунинг учун яшил ўсимликларсиз тирик табиатни тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўсимликлар инсон учун асосий озиқ-овқат манбай, қимматли қурилиш материали ва ёқилғи бўлиб ҳисобланади. Ўсимлик маҳсулотлари тўқимачилик, қофоз, кимё ва тиббиёт саноатлари учун хомашё сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Маданий ўсимликлар, сабзавотлар, мевалар, ёғли, шакарли, толали, донли, доривор, манзарали ва ем-хашак экинларига ажратилади. Инсон ўз фаолиятида кўпгина ёввойи ўсимликлардан ҳам фойдаланади.

ГУЛЛИ ЎСИМЛИҚЛАР

Гулли ўсимликлар *вегетатив* (илдиз, поя, барг) ва генератив (гул ҳамда ундан ҳосил бўладиган уруғ ва мева) органлардан иборат (1-расм). Ўсимлик органлари ташқи ва ички тузилиши ҳамда бажарадиган вазифалари билан бир-биридан фарқ қиласди. *Вегетатив органлар озиқланиши*, вегетатив кўпайиш ва ўсиш, *генератив органлар* эса уруғдан кўпайиш учун хизмат қиласди.



1-расм. Ўсимликнинг тузилиши схемаси:

1 — асосий илдизи, 2 — ён илдизи, 3 — пол асоси, 4 — уругпалла барғи, 5 — бўғуми ораллиги, 6 — бўғуми, 7 — барғи, 8 — ён куртаги, 9 — учки куртаги.

Ўсимлик ҳужайраси. Ҳамма ўсимликлар ҳужайралардан тузилган. Ўсимлик ҳужайралари ташқи қаттиқ цеплюлоза қобиқдан ва унинг ичидаги қуюқ цитоплазмадан иборат. Цитоплазмада ядро, митохондриялар, эндоплазматик тўр, рибосомалар, Гольжи аппарати, пластидалар ва бошқа ҳужайра органоидлари ҳамда ҳужайра шираси билан тўлган вакуолалар жойлашган. Ҳужайра қобиги ҳужайрани ташқи таъсиридан ҳимоя қиласди, ядро эса ҳужайранинг ўсиши ва бўлиниб кўпайишида муҳим аҳамиятга эга. Митохондриялар ҳужайрада содир бўладиган жараёнларни энергия билан таъминлаб туради. Ўсимлик ҳужайраларида яшил хлоропластлар, сариқ ва пушти хромопластлар ҳамда рангсиз лейкопластлар учрайди. Ўсимлик органларининг ранги ана шу пластидалар билан бөғлиқ. Вакуолалар айниқса эски ҳужайраларда кўзга яхши ташланади. Вакуоланинг ширасида сувда эрийдиган ҳар хил углеводлар, тузлар, ранг берувчи ва бошқа моддалар бўлади. Тирик ҳужайраларда моддалар алмашинуви тўхтовсиз давом этади. Ҳужайралар ҳам доимо нафас олади, ўсади ва бўлиниб кўпаяди. Цитоплазманинг ҳаракати туфайли ҳужайрага келиб турадиган моддалар унинг бир қисмидан иккинчи қисмига ўтади. Ҳужайралар ҳужайра оралиги моддаси орқали ўзаро туташиб туради. Ҳужайраларнинг бўлиниши ва ўсиши туфайли ҳужайраларнинг сони орта боради, ўсимлик ўсади ва ривожланади.

Тўқималар. Тузилиши жиҳатидан ўхшаш бўлган ва бир хил вазифани бажарадиган ҳужайралар тўплами тўқима деб аталади. Ўсимликларда ҳосил қилувчи, қопловчи, ўтказувчи, механик ва асосий тўқималар фарқ қилинади (1-жадвал). Ҳосил қилувчи тўқима (меристема камбий) ихтисослашмаган майда, юпқа пўстли ва йирик ядроли ҳужайралардан иборат. Уларнинг бўлиниши натижасида ҳосил бўлган ҳужайралардан бошқа тўқима ҳужайралари шаклланади. Асосий тўқима, яъни

1-жадвал Ұсимлик тұқымалары

Тұқима	Түзилши	Үрәдиган жоғы	Вазифасы
Хоснال құлув- чи: 1. Үркін (меристема) 2. Ең (кам- бий)	Юпқа қобиқулы, ńирік ядроли шеш хұжайралар Митоз орқали бүлніб күнайды	Новда куртаги, илдізниңгін үчкі қысмада Поя ва илдізниң ғоңчиғы билан пүстілғын оралғыда	Органдарнан бүйінга үсады, илдіз, поя, барг, гул тұқымаларини хосил ғыллады Илдіз ва поянан йүгөнлаشتырады
Көплөвчи: 1. Эпидермис (пүст) 2. Гүлжак	Ташқы қалин деворли ва оғыз- чали, типіз жойлашған хұжайралар Девориң ғөсімін модда қолланған үлкін хұжайралар	Барг, яшил поя ва гүлтінің барча қынсларини қопшаб тұрады Билан Поя, тұтунақ, илдіздеу ва илдіз сирттінің қопшаб тұрады	Органдарни куриб қодып, нокулай харорат таъсирі ва жарохатланиш- дан сактайтын
Үтказувчи: 1. Найлар 2. Тұрсымон найнар	Девори ғоңданған, үлкін хұжайралар Күндалаңған тұсқыны тирик хұжайралар	Илдіз, поя ва барг томирлардан үтадынан кілемеда Илдіз, поя ва барг томирларни бүйілаб үтадын толалар (флюэма) да	Сұб ва минерал молддаларни түнрек- дан илдіз, ноя ва барларға үтказады Органың молддаларни барлардан поя, илдіз ва гулларға үтказады
Механик (толаптар)	Девори қалин ғоңчалған үлкін хұжайралар	Үтказувчи (най толалы) бойламлар агрофонда	Ұсаммлик органдарни үчүн таяң бұлды
Паренхима: 1. Ассимиля- ция құлув- чи	Күп міндердә хлоропластиларға ега бүлгелан устусимон 'ва ғовак тұқима	Барг мәтәні ва яшил пояларда	Фотосинтез за газ алмашинуви жараған кепады
2. Гаммовчи	Крахмал, оксил, доналари, еф томчилари, вакуолалар билан түлгап қопқа девориң құжайра- лар	Илдизмева, туутнақ, пиёзбөлі, мева ва үрүларда	Оксил, еғ за үтлеудөлар (крахмал, қанд, глюкоза, фруктоза) ғамлайды

паренхима (ассимиляция қилувчи, шимувчи, ғамловчи) фотосинтез қилиш ва тупроқдан сув ҳамда минерал тузларни шимиб олиш вазифасини бажаради. Ассимиляция тұқымаси ҳужайраларида фотосинтез жараёни боради. Ғамловчи тұқима (тугунак, уруғ, мева, илдизмева, поя ўзаги) ҳужайраларида органик моддалар ғамланади. Үтказувчи тұқима (үтказувчы наилар, тұрсымон наилар) ҳужайралари орқалы илдиздан шимилган сув ва минерал моддалар, шунингдек фотосинтез жараёнида синтез қилинган органик моддалар оқиб туради. Қопловчи тұқима (эпидермис, яғни қобиқ ва пүкак) ҳужайралари үсимликни ташқи нокулай шароит ва механик таъсирдан сақлады. Механик тұқима (ёғочлик ва луб толалари) үсимликтар органларини мустаҳкам ва пишиқ бўлишини таъминлайди.


ИЛДИЗ

Илдиз хиллари ва вазифаси. Илдиз үсимликларни тупроқда тутиб туриш, тупроқдан сув ва минерал моддаларни сўриб олиб, үсимликнинг турли органларига етказиб бериш, шунингдек айрим мухим органик моддаларни, масалан, гормонлар ва бошқа физиологик актив моддаларни синтез қилиш вазифасини бажаради. Бир қанча үсимликларнинг илдизлари ва баргларида органик моддалар (асосан углеводлар) түпланади (сабзи, шолғом, лавлаги). Айрим үсимликлар илдиз бачкилари орқали кўпайиш хусусиятига эга. Ташқи шаклига кўра *ўқ илдиз ва попук илдизлар* фарқ қилинади. Қўпчилик иккапаллали үсимликларнинг илдизи асосий ва жуда кўп ён илдизлардан ташкил топган. Бундай илдизлар *ўқ илдиз* дейилади. *Ўқ илдиз* уруғ униб чиқаётганида муртак илдизчасидан ҳосил бўлади. Ён илдизлар эса кейинчалик *ўқ илдизлардан* униб чиқади. Қўпинча поя ва барглардан ҳам илдизлар ҳосил бўлади. Бундай илдизлар *қўшимча илдизлар* дейилади. Бигта үсимликтарниң ҳамма илдизлари *илдиз системаси* дейилади.

Қўпчилик бир паллалиларда асосий илдиз бўлмайди, чунки асосий илдиз уруғ чиқишининг дастлабки даврларидаёқ ногуда бўлади. Унинг ўрнига эса жуда кўп бир хилда тузилган ён илдизлар ривожланади. Шундай қилиб, попук илдизлар ён илдизлар ҳамда қўшимча илдизлардан ташкил топади.


Үсимликларнинг илдизи тупроқда ҳар тарафга тарқалиб кетади. Баъзан үсимликлар илдизи ер устки қисмидан бир неча марта кўп бўлади. Маккажӯхори илдизи поясидан ён томонга 2 м гача, олма дарахти илдизи эса 15 м гача тарқалади. Буғдой илдизи 2 м гача, янтоқ илдизи эса 15 м гача чуқурликка кетади.

Илдизнинг тузилиши. Үсаётган илдизнинг учки қисми илдиз қини билан үралган. Илдиз узунасига 4 та зона: бўлиниш, ўсиш, яғни чўзилиш, шимиш ва үтказиш зоналаридан иборат. Бўлиниш зонаси жуда майда, юпқа пўстли ўш меристема ҳужайраларидан иборат (2- расм). Ҳужайралар тез ўсади. Бўлиниш



2-расм. Илдизнинг узунасига кесими:

1 — ўсиш зонаси, 2 — чўзилиш зонаси, 3 — илдиз тукчалари, 4 — ўтказиш зонаси, 5 — илдиз цинчаси, 6 — илдиз пустти ва илдиз тукчалари, 7 — илдиз пустлоги, 8 — илдизнинг марказий цилиндири.



3-расм. Илдиз сўриш зонасининг кўндаланг кесими:

1 — илдиз тукчаси, 2 — илдиз пустти, 3 — илдиз пустлоги, 4 — марказий цилиндири, 5 — бирчалик, 6 — луб қаватининг турганинг симонийларни.

зонасининг учки қисми (ўсиш нуқтаси) қалин пустли йирик ҳужайралардан ҳосил бўлган филоф билан ўралган. Филоф ўсиш нуқтасини ҳар хил механик таъсирлардан ҳимоя қилиб туради. Қўпайиш зонасининг кейинги қисми ўсиш, яъни чўзилиш зонасидан иборат. Бу жойда бўлиниш зонасида ҳосил бўлган ҳужайралар тез ўсиб йириклишади. Кейинги тукчали, яъни сўрувчи зонасида жуда кўп майдо тукчалар жойлашган. Бу зонадаги тукчалар (3-расм) орқали илдизга тупроқдан сув ва унда эриган минерал моддалар шимилади.

Илдиз тукчаларининг миқдори ҳамма ўсимликларда бир хил бўлмайди. Нўхат илдизнинг 1 mm^2 юзасида ўртача 230, маккажӯхори илдизида эса 425 та тукча бўлади. Тукчалар бир неча кундан 2—3 ҳафтагача яшайди. Нобуд бўлган тукчалар ўрнига бошқалари ҳосил бўлади. Ҳар бир тукча битта узун ва ингичка ҳужайрадан иборат.

Ўтказиш зонаси илдизнинг сўриш зонасидан кейинги поянинг асосигача бўлган қисмини ўз ичига олади. Ўтказувчи зонанинг ички қисмida қалин деворли узун — ўтказувчи наилар жойлашган. Найлар илдиз тукчалари орқали шимилган сув ва минерал моддаларни ўсимликнинг ер устки қисмiga узатиб беради.

Илдиз ташқи томондан пустлоқ билан қопланган, унинг

марказий қисмидә үтказувчи найлар (үтказувчи түқима) жойлашган. Үтказувчи найлар билан илдиз пүстлоғи ўртасыда ассоциативик ҳужайралардан иборат асосий түқима — *илдиз паренхимаси* жойлашган. Пүстлоқда тұрсымон найлар бор. Бу найлар орқали үсімлікнинг ер устки қисмидан пастга илдизнинг үсіши учун зарур бўлган органик моддалар эритмаси оқиб келади.

Тукчалар ёрдамида шимишган сув ва минерал озиқлар үтказувчи найлар орқали юқорига — поя томонга ҳаракатланади.

Сув ва минерал озиқ моддаларнинг илдизга шимилиши ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлмаган алоҳида жараёнлардир. Сув илдизга пассив шимилади. Бу жараён тупроқдаги сув билан тукчаларнинг тургорлик (цитоплазмадаги сув босими таъсирида ҳужайранинг таранглиги) ҳолати билан боғлиқ.

Сувнинг босим остида пояга узатилиши *илдиз босими* дейилади. *Илдизнинг сўриш кучи* ҳужайралардаги ва тупроқ эритмаларидаги моддалар концентрациясига боғлиқ. Минерал моддаларнинг үсімлікка сўрилишида илдизнинг актив сўриш хусусияти катта аҳамиятга эга. Сувнинг илдиз орқали сўрилиб, баргларга етиб бориш жараёни илдизнинг сўриш кучи, сув молекулаларининг бир-бирига илашиш хусусияти ва барглар орқали сувнинг буғланиши билан боғлиқ жараёндан иборат.

Шакли ўзгарган илдизлар. Илдиз озиқ моддаларни шимиб олиш, биологик фаол моддалар ажратиш каби асосий функциялардан ташқари озиқ моддалар түплаш, нафас олиш, таянч бўлиш каби қўшимча функцияларни бажарганлиги туфайли шу функцияларга мос ҳолда унинг тузилиши ва шакли ҳам ўзгаради. Масалан, илдизда заҳира озиқ (крахмал, шакар ва бошқа углевод)лар түпланганида илдиз йўғонлашади. Органик моддалар ўқ илдизга түпланганида *илдизмевалар* (сабзи, лавлаги, шолғом), ён илдизларида түпланганида эса *илдиз тугунаклар* (батат, картошкагул) ҳосил бўлади.

Илдизнинг тузилишига ташқи мұхитнинг омиллари ҳам катта таъсир кўрсатади. Кислород танқис бўлган тупроқларда, ботқоқликларда ўсадиган бир қанча тропик үсімліклар нафас олиш функциясини ўтовчи ҳаво *илдизлар* ҳосил қиласди. Бундай илдизлар еости қўшимча илдизлардан ривожланади ва тупроқ ёки сув устидан тепага қараб тик ўсади. Ҳаво илдизлар юпқа пўстли бўлиб, сиртида жуда кўп ясмиқчалар бўлади, илдизнинг ички қисмida эса ҳаво тўпловчи ҳужайралар аро бўшлиқ яхши ривожланган. Ҳаво илдизлар орқали ҳаводан намлик ҳам шимиб олинади.

Шамол эсиб турадиган очиқ жойларда ва дengiz суви кўтариладиган қирғоқларда ўсадиган тропик үсімліклар поянинг ерустки қисмida қўшимча *илдизлар* ҳосил қиласди. Қўшимча илдизлар юмшоқ тупроқда үсімлікнинг ерустки қисми учун таянч бўлиб хизмат қиласди.

Илдизнинг узунлиги иқлим шароитига кўп жиҳатдан боғлиқ. Қуруқ иқлимли чўл шароитида ўсадиган ёнтоқнинг ерустки қисми 50—60 см дан ошмайди, лекин унинг илдизи тупроқ қаърига 15 м ва ундан ҳам кўпроқ киради. Илдизнинг бундай ўсиши чўл ўсимликларига тупроқнинг чуқур қатламларидаги сувдан фойдаланиш имконини беради. Суғориладиган тупроқларда ўстириладиган буғдој ва арпа илдизлари тупроқнинг 2 м чуқурлигигача кириб боради.

Ўсимликларнинг илдиз системаси тупроқда горизонтал йўналишда ҳам жуда кенг тарқалган. Олма, ўрик каби мевали дараҳтларнинг илдизи дараҳт танасидан 15 м масофагача тарқалади.

Сувда ўсадиган ўсимликларнинг илдизларида тукчалар бўлмайди. Паразит ўсимликлар (шингил) илдизи бутунлай ўзгариб, сўрувчи органга айланади. Бундай илдизлар ўсимлик танасига маҳсус органик модда ишлаб чиқаради. Бу модда таъсирида ўсимлик пўстлоғи тўқималари емирилиб, паразит билан унинг хўжайини ўtkазувчи системалари бирга қўшилиб ўсади.

Ўсимликлар илдизи турли тупроқ организмлари билан ўзаро мураккаб муносабатга киришади. Айрим ўсимликлар (бурчакдошлар, қайнилар) илдизи тўқималарida азот фиксацияловчи бактериялар яшайди. Бактериялар илдиздаги органик моддалар билан озиқланиб, илдиз паренхимаси ҳужайраларининг бўлининини тезлаштириши натижасида илдиздан тугунаклар пайдо бўлади. *Тугунак бактериялари* атмосферадаги азот газидан ўсимликлар ўзлаштира оладиган бирикмалар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Тугунак бактерияларининг фаолияти туфайли тупроқда азот тўпланади, тупроқнинг ҳосилдорлиги ошади. Тугунак бактериялари билан ўсимлик илдизи ўртасида бундай ўзаро фойдали муносабат *симбиоз* (грекча «симбиозис» — биргаликда ҳаёт кечириш) деб аталади. Беда ва бошқа дуккаклилар илдизи бир йилда бир гектар майдонда 150—300 кг азот тўплайди. Кўпчилик гулли ўсимликлар илдизи билан замбуруғлар ҳам симбиоз ҳаёт кечиради.

Үғитлар. Ўсимлик тупроқдан ҳар хил минерал тузлар ва сувни илдизи орқали шимиб олади. Бу моддалар ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган органик моддаларни синтез қилиш учун сарф бўлади. Тупроқ таркибида минерал тузлар билан бирга қум, тупроқ, чиринди моддалар, сув ва ҳаво бўллади. Ҳаво илдизнинг нафас олиши учун зарур. Тупроқ қаттиқ ва зич, унда нам жуда кўп бўлган ҳолларда илдизга ҳаво етишмайди, бунда ўсимлик тупроқдан керакли озиқ моддаларни шимиб ололмайди. Ҳаво киришини яхшилаш учун экишдан олдин тупроқ ҳайдалади, илдиз атрофидаги тупроқ чопиб юмшатилади.

Ўсимлик тупроқдан калий, фосфор, азот ва бошқа элементларнинг сувда эрийдиган тузларини олади. Ўсимликларнинг нормал ривожланиши учун оз миқдорда бор, кальций, магний, олтингугурт, кобальт, марганец, мис, молибден, рух ва бошқа

Элементлар ҳам зарур. Ўсимликлар сўриб олаётган минерал моддаларнинг миқдори уларнинг тупроқдаги концентрацияси га ва ўсимликнинг турига боғлиқ. Масалан, нўхат илдизи калийни натрийга нисбатан уч марта, буғдој эса 20 марта кўпроқ олади.

Тупроқ таркибида жуда кўп минерал тузлар бор. Лекин ўсимликларнинг азот, фосфор ва калийга бўлган талаби анча юқори бўлади. Бу моддалар тупроқда етарли миқдорда бўлмаганида тупроққа ўғит сифатида солинади. Таркибида бу учта элемент бўлган ўғитлар комплекс ўғитлар дейилади.

Азотли ўғитларга аммиак селитраси, мочевина, аммоний сульфат, фосфорли ўғитларга суперфосфа, преципитет; калийли ўғитларга калий хлорид, калий сульфат ва бошқалар мисол бўлади. Сувда осон эриши учун ўғитлар гранулалар ҳолида ишлаб чиқарилади. Ўсимликлар вегетацияси даврида тупроққа ўғит солиш озиқлантириш дейилади. Ўғитлар тупроққа қуруқ ҳолда ёки сувда эритиб солинади. Минерал ўғитлар ўсимликка шимилиши учун сувда эриган бўлиши керак. Шунинг учун ўғитлаш билан бирга ўсимликни сугориш ҳам зарур.

Тупроққа гўнг, компост, паррандалар ахлати, торф ва бошқа чириндишлардан иборат органик ўғитлар ҳам солинади.


ПОЯ


Новда тўғрисида тушунча. Ўсимликларнинг ер усти қисми шохланган новдалардан иборат бўлади. Барг ва куртаклари бўлган поя новда деб аталади. Новда поянинг бир қисми бўлиб, барвлар билан илдизни туташтириб туради. Новдалар бирйиллик ва кўпийиллик бўлади. Бирйиллик ўсимликларнинг пояси ёғочланмаган бўлиб, ўт поялар дейилади. Кўпийиллик ўсимликларнинг пояси эса ёғочланган бўлади.

Новда униб чиқаётган уруғ муртаги куртакчасидан ривожланади. Кўпийиллик ўсимликлар новдасининг ривожланишини эрта баҳорда даражатларнинг куртак ёзиш даврида кузатиш мумкин. Куртаклар вегетатив ва генератив куртаклардан иборат. Вегетатив куртак бошланғич новда ҳисобланади. У қисқарган поя ва турли даражада ривожланган бошланғич барвлардан иборат (4-расм). Бошланғич поянинг учи ҳосил қилув-

4-расм. Барг куртакнинг тузилиши:

- 1 — тавғачасимон куртак барвлари, 2 — яшил барвлари, 3 — поянинг ўсип конуси,
4 — пояси.





5-расм. Гулқуртакининг тувилиши;

1 — пояси, 2 — тангачасимон куртак барглари,
3 — яшил барглари, 4 — бошланғич тұшгуллари.

чи тұқима — меристемадан иборат. Куртак ташқи томондан тифиз жойлашган тангачалар билан қопланған. Тангачалар үзгарған барглардан ҳосил бўлади: улар куртакни совуқ ва иссиқдан сақлади, куртакдаги намликтининг буғланиб кетишига, куртак ичига касаллик туғдирувчи бактериялар ва замбургулар тушишига йўл қўймайди.

Икки хил: учки ва ён куртаклар бўлади. Учки куртаклар поянинг учида жойлашган. Поянинг учки қисми ўсииш конуси дейилади. Ўсиш конуси тез бўлинниб кўпаядиган ҳосил қилувчи тұқима (меристема) ҳужайраларидан иборат. Бу ҳужайраларнинг бўлинниб кўпайиши орқали поя бўйига ўсади, кейинчалик барглар ва ён куртаклар пайдо бўлади. Учки куртаклардан асосий новда ўсиб чиқади, ён куртаклардан эса ён новдалар ҳосил бўлади.


Ён куртаклар ҳам икки хил: барг ва қўшимча куртакларга ажратилади. Барг куртаклар барг билан поя ўртасида жойлашган. Бу куртаклардан ён новдалар ўсиб чиқади ва ўсимликнинг шох-шаббалари шаклланади. Дараҳтларнинг баҳор фаслида ёзилмайдиган ён куртаклари уйқудаги куртаклар дейилади. Бу куртаклар бир неча йил давомида уйқуда бўлиши мумкин. Новдалар совуқ таъсирида заарланғанида ёки кесилганида уйқудаги куртаклар уйғониб, улардан ён шохлар ўсиб чиқади.

Қўшимча куртаклар ўсимликнинг турли қисмларида, хусусан илдизда, поянинг бўғим оралиғида ва ҳатто баргларда ҳам жойлашиши мумкин. Ўсимликларнинг ерусти қисми кесиб ташланса, қўшимча ва уйқудаги куртаклардан янги новдалар ҳосил бўлади.

Генератив куртаклар новданинг учида жойлашади, улардан гул ҳосил бўлади. Гул куртаклар ҳам бошланғич пояча барглар ва гуллардан иборат бўлиб, тангачасимон барглар билан қопланған (5-расм).

Кўпчилик ўсимликларнинг новдаси вегетатив куртакларнини ўсиш нұқтаси, яни бошланғич куртак пояча меристемаси ҳисобидан бўйига ўсади. Лекин ғалласимонлар ва қирқбўғимлар пояси бўғим оралиғи асосида жойлашган меристема ҳисобидан ўсади. Бу интеркаляр ёки қўшимча ўсииш дейилади.

Пояларнинг хилма-хиллиги. Поялар ўсиш хусусияти, ташқи кўриниши, ёғочланиш даражаси ва вазифасига кўра бирбиридан фарқ қиласи.



6-расм. Дарахт поясининг кўндаланг кесими:

1 — пўкаги, 2 — пўстлоқнинг тирик ҳужайралари, 3 — луб толалари, 4 — лубнинг тўрсимон вайлари, 5 — камбайси, 6 — ёғоҷлик найлари, 7 — йиллик ҳалқалари, 8 — узаги, 9 — пустлоги, 10 — ёғоҷлиги.

Ўсиш хусусиятига кўра поялар тик ўсадиган (ғўза, помидор, дарахтлар пояси), ўрмаловчи (қулупнай, маймунжон), чирмашувчи (қўйпечаклар, лианлар), илашувчи (ошқовоқ, узум, нўхат) типларга бўлинади. Айрим ўсимликларнинг пояси жуда қисқа бўлади (қоқиёт, сабзи, пиёз). Тик ўсуви пояларнинг механик тўқимаси яхши ривожланган. Чирмашувчи поялар тик ўсуви ўсимликлар поясига чирмашиб ўсади. Ўрмаловчи поялар ер бағирлаб ўсади, уларнинг бўғимларидан қўшимча илдизлар ўсиб чиқади. Илашувчи поялар эса гажаклари ёрдамида илашиб юқорига кўтарилади.

Ёғочланиш хусусиятига кўра поялар ёғочланган (дарахтлар, буталар) ва ўтларга бўлинади. Очиқ уруғли ўсимликлар орасида ўт поялилар учрамайди. Ёпиқ уруғлилар эволюциясида ўт ўсимликлар кейин пайдо бўлган бўлиб, уларнинг ривожланиши морфофизиологик прогресс орқали давом этмоқда. Ўт ўсимликлар гашқи муҳит таъсирида дарахтлардан табии танланиш натижасида келиб чиққан. Эволюция давомида уларда камбийнинг активлиги камайиши туфайли пояси ёғочланишдан тўхтаган. Ўт ўсимликларнинг *весегетация даври* қисқа, тез ўсиб ривожланиши туфайли совуқ ва қурғоқчилик шароитига кўпроқ мослашган. Улар қисқа баҳор ва ёз мавсумларида ҳам гуллаб, уруғ ҳосил қилишга улгуради.

Поянинг ички тузилиши. Дарахт поясининг кўндаланг кесимида учта: пўстлоқ, ёғочлик ва ўзак қаватини кўриш мумкин (6-расм). Пўстлоқ ва ёғочлик орасида юпқа ҳосил қилиувчи тўқима — камбий қавати жойлашган. Бир йиллик ўсимликларнинг пўстлоғи юпқа пуст (эпидермис) билан қопланган, бу пуст кейинчалик қалин пўкак қавати билан алмашинади. Пўкак кўп қават бўлиб жойлашган ўлик эпидермис ҳужайраларидан иборат. Пўкак поянинг ички қисмини ташқи муҳитнинг ноқулай шароитидан сақлайди. Пўкакда ясмиқчалар бўлади. Улар орқали сув буғланади ва газ алмашинуви содир бўлади. Қишида эса ясмиқчалар бекилиб қолади. Айрим ўсимликлар (чинор, терак, қайин) нинг бир йиллик пўкаги кўчиб тўкилиб туради.

Пўстлоқнинг ички қисми асосий тўқима—паренхима ҳужайраларидан тузилган бўлиб, улар орасида луб толалари ва тўрсимон найлар жойлашган. Луб толалари поянинг пишиқлигини таъминлайди. Тўрсимон найлар орқали баргларда синтез бўлган органик моддалар эритмаси оқиб туради.

Камбий қавати юпқа деворли тез бўлиниб турадиган, бир неча қават жойлашган ҳужайралардан иборат. Камбий ҳужайралари бўлинниб кўпайиш натижасида пўстлоқ ва ёғочлик қаватидаги ҳужайраларни ҳосил қиласди. Камбий ёғочлик ҳужайраларини кўпроқ ҳосил қилганлиги туфайли ёғочлик пўстлоққа нисбатан анча қалин бўлади. Камбий ҳужайралари баҳорда бўлина бошлайди, кузда эса бўлинишдан тўхтайди. Баҳор ва ёзда камбийдан юпқа деворли йирик ҳужайралар, кузда эса кўпгина қалин деворли майдага ҳужайралар ҳосил бўлади. Шунинг учун поянинг кўндаланг кесимида кузда ҳосил бўлган майдага ёғочлик ҳужайралар билан кейинги баҳорда ҳосил бўлган йирик ҳужайралар орасидаги чегара аниқ кўриниб туради. **Бу чегара йиллик ҳалқалар** дейилади. Йиллик ҳалқалар ёрдамида дарахтнинг ёшини аниқлаш мумкин. Эски йиллик ҳалқалар поянинг энг ички қисмидаги ўтказувчи найларга мум, ошловчи моддалар ва эфир ёёлари тўпланиб боради, ёғочлик ҳужайраларига озиқ моддаларнинг бориши қийинлашади. Моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида ҳужайралар ўлиб, уларнинг девори қалинлашади.

Поянинг асосий қисмини ёғочлик ташкил этади. Унда пояни маҳкам тутиб турувчи механик тўқима (ёғочлик толалари), ўтказувчи найлар (трахеидлар ва найлар) жойлашган.

Ўзак поянинг марказий қисмини эгаллаган бўлиб, паренхима тўқимасидан иборат. Ўзакда запас озиқ моддалар тўпланади. Эски дарахтлар пояси ўзаги ўник ҳужайралардан ҳосил бўлган ғовак тўқимадан иборат.

Ўт поя жуда кам ёғочланган, ёғочлик толалари ривожланмаган бўлади. Бир паллали ўсимликлар (пальма, лола, галласимонлар) поясида камбий бўлмайди. Барча ўт ўсимликларнинг поясида паренхима тўқимаси жуда яхши ривожланган.

Поя илдиз орқали шимилган сув ва унда эриган минерал моддаларни, баргларда синтезланган органик моддалар (асосан углеводлар) эритмасини ўзи орқали ўтказиш вазифасини бажаради. Бундан ташқари, пояда органик моддалар ҳам тўпланади. Бир йиллик ўсимликлар поясининг пўсти фотосинтез жараёнида ҳам иштирок этади. Қўпийиллик ўсимликлар пояси фақат ёш даврида (биринчи йили) фотосинтез жараёнида қатнашади. Поя ўсимликтининг ер устки қисми учун таянч вазифасини бажаради; илдизни бошқа органлар билан туташтириб туради.

Минерал ва органик моддаларнинг поядаги ҳаракатланиши. Сув ва унда эриган минерал тузлар ёғочлик қисмидаги ўтказувчи найлар орқали илдиздан баргларга қараб ҳаракатлана-

ди. Утказувчи найлар қалин деворли ичи бўш ўлик ҳужайралардан иборат. Найлар ёғочлик ҳужайралардан, улар орасида ги тўсиқ йўқолиб, бир-бири билан тулашиб кетиши натижасида ҳосил бўлади. Найларниң узунлиги бир неча метрга, лианларда эса бир неча ўн метрга етади. Илдиз босими, барглар орқали сувнинг буғланиши ва сув молекулаларининг бир-бирига илашиш хусусияти сувнинг поя орқали ҳаракатланишида катта аҳамиятга эга.


Баргларда синтез бўлган органик моддалар (углеводлар) ишинг сув эритмаси пўстлоқда жойлашган тўрсимон найлар орқали юқоридан пастга томон ҳаракатланади. Тўрсимон найлар юпқа деворли тирик ҳужайралардан тузилган. Найнинг ҳужайралари ўртасидаги тўсиқ пардасида майда тешикчалар бўлди. Бу тешикчалар орқали бир ҳужайрадан иккинчисига органик моддаларининг эритмаси оқиб ўтиб туради.

Шакли ўзгарган новдалар. Поялар моддаларни ўтказиш билан бирга бошқа бир қанча функцияларни бажаришга мослашганлиги туфайли уларниң тузилиши ҳам ўзгаради. Шакли ўзгарган поялар илдизпоялар, тугунаклар ва пиёзбошларга ажратилади. Бундай поялар қўшимча озиқ тўплаш билан бирга вегетатив кўпайиш вазифасини ҳам бажаради.

Илдизпоя (марваридгул, бугдоиқ, гумай) жуда кучли ўзгарган новда бўлиб, у бўғим ва бўғим оралиғига бўлинган. Бўғимлардан қўшимча илдизлар ўсиб чиқади, тангачасимон шакли ўзгарган баргларниң қўлтиғида эса барг куртаклари жойлашади. Худди новда сингари илдизпояда ҳам учки ва ён куртаклар жойлашган. Бу куртаклардан ўсимликнинг ер устки қисми ўсиб чиқади.


Тугунаклар еростки новда уч қисмининг йўғонлашувидан иборат. Тугунакда баргларда ҳосил бўлган углеводлар крахмал ҳолида тўпланади. Тугунакнинг бўғим оралиги жуда қисқа. Унинг куртаклари унча катта бўлмаган чуқурчалар тубида **жойлашганлигидан улар қўзчалар** дейилади (7-расм). Тугунаклар картошка ва топинамбурда учрайди. Кесилган тугунакни кузатиб у ташқи пўстлоқ, камбий, ёғочлик ва ўзакдан иборат эканлигини кўриш мумкин. Айрим ўсимликларда ерусти тугунаклар ҳам бўлади. Бундай тугунаклар колъраби карамида асосий поянинг йўғонлашуви, айрим орхидияларда эса ён новдаларниң йўғонлашуви туфайли ҳосил бўлади.

Пиёзбош (саримсоқ пиёз, лола, чучмома) жуда калта пояга эга бўлиб, шакли ўзгарган тангачасимон барглардан иборат ерусти новда ҳисобланади (8-расм). Унинг тангачалари икки хил; сувли ва қуруқ бўлади. Сувли тангачаларда запас озиқ (углеводлар) тўпланади. Қуруқ тангачалар эса пиёзбошини ташқи томондан ўраб туради. Пиёзбошнинг қисқа поясасининг учиди учки куртаги, сувли барглар орасида эса барг куртаклари жойлашган. Бу куртаклардан ерусти новдаси ўсиб чиқади. Пиёзбошнинг тубидан қўшимча илдизлар ҳосил бўлади.



7-расм. Картош-
ка түгүнаги:

1 — учки куртаги,
2 — ён куртаги, 3 —
қопловчи тұқимаси,
4 — пояси.



8-расм. Пиёз:


1 — пиёз туби, 2 — ён илдиз-
лари, 3 — қуруқ танғачасимон
барги, 4 — сувли танғачаси-
мон барги, 5 — ён куртаги, 6—
учки куртаги

Шакли ўзгарған новдаларга мисол қилиб ёввойи олма, нок
ва дўлананинг тиканларини, тоқ, қовоқ, бодринг ва қовуннинг
гажагини күрсатиш мумкин.

БАРГ


Баргнинг ташқы тузилиши. Барглар барг япроги ва барг
бандидан тузилган. Барг банди баргни пояда ушлаб туради.
Барглар бандсиз бўлса, ўтрок барглар дейилади. Барг япрогинин
тузилишига биноан барглар доирасимон, наштарсимон,
юраксимон, буйраксимон бўлади. Барг япрогида томирлар
бор. Томирлар ўтказувчи ва тўрсимон найлардан ҳамда меха-
ник тўқима (асосан луб толалар)дан иборат бўлиб, япроқ учун
таянич вазифасини ўтайди. Томирлар орқали баргларга сув ва
минерал тузлар келади, баргларда ҳосил бўлган органик мод-
далар бошқа органларга чиқиб кетади. Барг япроги тўрсимон
ёки патсимон (асосан икки паллали ўсимликларда), паралел
ёки ёйсимон (асосан бир паллали ўсимликларда) томирланади.

Оддий ва мураккаб барглар бўлади. Оддий барглар битта
барг япроги ва барг бандидан иборат. Мураккаб баргларда
битта барг бандида бир неча япроқчалар жойлашган бўлади.
Оддий барглар ҳам яхлит (тол, терак, олма, олча, ўрик) ёки
кесилган (эман, чинор, гўза) бўлиши мумкин. Мураккаб барглар
пашжасимон ёки патсимон бўлади. Пашжасимон барглар
(каштан) да бир неча барг япроқчалари битта жойга бирикади.
Патсимон баргларнинг япроқчалари барг бандида қатор бўлиб
жойлашади. Патсимон барглар ҳам икки хил: жуфт патсимон
ва тоқ патсимон бўлади. Жуфт патсимон баргларнинг барг
бандида япроқчалар жуфт бўлади (нұхат), тоқ патсимон баргларда
эса барг бандидаги охирги япроқча тоқ бўлади (малина,
акация).



9-расм. Баргнинг кўндаланг кесими:

1 — устки пўст (эпидермис), 2 — устунсимон тўқима, 3 — говак тўқима, 4 — остки пўст (эпидермис), 5 — барг оғизчалари, 6 — пуб, 7 — ёғочлиги, 8 — асосий тошиб.



10-расм. Барг оғизчалари:

а — ёпик ҳолати; б — очиц ҳолати.

1 — оғизчаларнинг туташтирувчи ҳужайралари, 2 — оғизчалар ёриғи, 3 — хлоропластлар, 4 — барг пустининг оғизчаларга ёндош ҳужайралари.

Оддий ва мураккаб барглар новдада бирин-кетин навбатлашиб (олма, атиргул, тол), бир-бирига қарама-қарши, яъни супротив (акация, настарин) ёки доира ҳосил қилиб (элодия) жойлашади.

Битта ўсимлик барглари бир-бирини қуёшдан пана қилмасдан жойлашади. Бу ҳодиса барг мозаикаси дейилади.

Баргнинг ички тузилиши. Баргнинг ички тузилиши унинг вазифасига мос келади. Баргда айрим ҳужайралар ва барг тўқималарининг тузилишига ташқи муҳит: намлик, ёруғлик, ҳарорат, тупроқнинг хоссалари таъсир кўрсатади. Ҳар хил ўсимликлар баргининг тузилиши ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Барглар барча органлар каби ҳужайралардан тузилган.

Барглар устки ва остки томондан бир қават ҳужайралардан тузилган юпқа ҳамда тиниқ пўст — эпидермис билан қопланган (9-расм). Пўст баргни қуриб қолишдан, физик ва механик таъсирдан сақлади, барг тўқималарнга микроорганизмларнинг киришига йўл қўймайди. Баргнинг остки томонидаги эпидермисда оғизчалар жойлашган. Оғизчалар орқали сув буғланади ва газ алмашинув содир бўлади. Оғизчалар иккита туташ ҳужайра орасидаги тор тирқишдан иборат (10-расм). Оғизчалар туташ ҳужайраларнинг таранглиги таъсирида очилади. Баргнинг 1 mm^2 юзасида 40 дан 300 гача оғизча бўлади. Оғизчалар ҳаво билан тўлган бўшлиқча очилади. Сувда ўсуви ўсимликларда оғизчалар баргининг устки қисмида жойлашган. Айрим ўсимликлар баргининг сирти сувнинг буғланинин камайтиришга ёрдам берадиган ва ҳароратнинг кескини ўзгариши таъсиридан баргларни ҳимоя қиласиган тукчалар билан қопланган.

Устки ва остки эпидермис оралиги *барг мезофили* (магзи) даи иборат. Мезофил ҳужайраларида фотосинтез жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган хлоропластлар жойлашган. Ме-

зофил ҳужайралари ҳар хил тузилишга эга. Устки эпидермис остида зич жойлашган 2—3 қават устунсимон ҳужайралар бўлади. Устунсимон ҳужайраларда фотосинтез жараёни жуда фаол кечади. Ута ёруғликда хлоропластлар устунсимон ҳужайраларнинг вертикал деворига жойлашиб ортиқча ёруғлик таъсиридан сақланади (кучли ёруғлик хлорофиллни емиради). Ёруғлик кам бўлганида хлоропластлар ҳужайраларнинг горизонтал деворига кўчиб ўтади ва барг сиртига параллел жойлашиб олади.

Остки эпидермис билан устунсимон ҳужайралар ўртасида сийрак жойлашган ҳужайралардан иборат ғовак тўқима жойлашган. Ғовак тўқима ҳужайраларида хлоропластлар кўп бўлмайди. Бу тўқима фотосинтез ва газ алмашинуви вазифасини бажаради. Оғизчалар орқали ғовак тўқима ҳужайралари орасига CO_2 гази бўлган ҳаво киради, сув буғи эса оғизчалардан ўтиб кетади.

Ғовак тўқима ҳужайралари орасида ўтказувчи найлар ва толалардан иборат барг томирлари жойлашган. Бу томирлар орқали сув, минерал тузлар ва илдиздан шимиладиган моддалар баргларга келади, баргдан эса фотосинтез маҳсулотлари ўсимликнинг турли органларига чиқиб кетади. Ёруғсевар ва қурғоқчилик иқлимида ўсадиган ўсимликларнинг ўтказувчи тўқималари яхши ривожланган, барг томирлари эса қалин бўлади.

Баргларнинг сув буғлатиши ўсимликлар ҳаётида катта аҳамиятга эга. Буғланиши сув ва унда эриган моддаларнинг илдиздан баргга ўтишига имкон беради, баргларни иссиқ ҳарорат таъсиридан сақлайди. Сувни тез буғлатадиган ўсимликлар баргига ҳарорат ҳаводагига нисбатан 15°C гача паст бўлиши аниқланган. Сувнинг буғланиши оғизчалар томонидан бошқарилиб турилади. Ёруғликда оғизчалар очилади, қоронгида ва жуда иссиқ кунлари эса ёпилади. Бу ҳодисани қўйидагича изоҳлаш мумкин. Кундузи фотосинтез жараёнида углеводлар синтез бўлганда осмотик босим кўтарилиши туфайли ҳужайраларга барг томирларидан кўп сув келади. Натижада оғизча ҳужайралари сувга тўлиб, уларнинг девори таранглашади ва оғизча тешиги очилади. Қоронгиликда фотосинтез жараёни тўхтайди ва барг оғизчалари ёпилади. Баргларда сув камайиб кетганида ҳам бундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Хазонрезлик. Хазонрезлик ўсимликларнинг ноқулай шаронитга мослашув хусусиятларидан бирни бўлиб ҳисобланади. Чунки хазонрезлик йилнинг ноқулай даврида сув буғланишини камайтириб, ўсимликни совуқ уришидан сақлайди. Кўпчилик ўсимликлар қиши кириши олдидан барг тўқади. Куз кириши билан барглардаги озиқ моддалар ўсимликнинг пояси ва илдизига оқиб ўта бошлайди, ҳужайралардаги хлорофилл пигменти емирилиб, барглар сарғая бошлайди. Барг бандининг пояга ёпишиб турган қисемпдаги тўқима емирилиб, барг тўкилади.

Иссиқ ва қуруқ иқлимда ўсадиган ўсимликлар ёзининг жазирама иссифида ҳам баргини тўқади. Кўпчилик ўсимликлар намлиқ етишмаганида ҳам баргларининг бир қисмини тўқиб юборади.

Қузги хазонрезлик кунининг узуи ёки қисқа бўлиши билан боғлиқ. Куз мавсумида кунларнинг қисқара бошлиши хазонрезлик учун сигнал бўлиб ҳисобланади. Кун узўнлигини сунъий қисқартириб бориш орқали ёзда ҳам ўсимликлар баргини тўқдириш мумкин.

Баргларниң аҳамияти. Барглар орқали ўсимликда учта муҳим жараён — фотосинтез, сув буғлатиш ва газ алмашиниуви амалга ошади. Фотосинтез жараёнида қуёш нўри таъсирида сувдан ва карбонат ангидрид газидан органик моддалар (углевод, глюкоза) синтезланади.



Фотосинтезда атмосферага эркин кислород; барглар нафас олганида эса атмосферага карбонат ангидрид чиқарилади. Кундузи фотосинтез ва нафас олиш жараёни иатижасида барглар ҳавога кислород ва карбонат ангидрид, кечқурунлари эса нафас олиш туфайли фақат карбонат ангидрид чиқаради.

Яшил барглар Ер юзидағи ҳаёт учун бекиёс аҳамиятга эга. Барглар орқали ерга келадиган қуёш энергияси органик моддаларнинг кимёвий энергиясига айланади. Ер юзидағи барча тирик организмларнинг ҳаёти яшил барглар билан боғлиқ. Фотосинтез жараёнида яшил барглар ҳосил қиладиган қислород ва органик моддалар барча тирик организмларнинг нафас олиши ва озиқланиши учун зарур. Инсон ҳаёти ҳам бошқа жониворлар сингари яшил барглар билан боғлиқ. Инсон ҳаёти учун зарур бўлган кислород, озиқ-овқат, ёқилғи, қурилиш материаллари, кийим-кечак, дори-дармонлар учун хомашёлар ва бошқа маҳсулотлар яшил баргларда кечадиган фотосинтез жараёни туфайли ҳосил бўлади.

ЎСИМЛИКЛАРНИҢ ВЕГЕТАТИВ КЎПАЙИШИ

Вегетатив кўпайиш ўсимликнинг синиб тушган ёки бирор сабабга кўра йўқолган қисмини қайта тиклаш (*регенерация*), яъни вегетатив органларнинг айрим қисмларидан яхлит ўсимлик пайдо қила олиш хусусиятидан иборат. Бир ҳужайрали ўсимликлар ҳужайраси иккига бўлиниш орқали вегетатив кўпаяди. Кўп ҳужайрали ўсимликлар эса вегетатив органлари — поя, илдиз, баъзан барглар орқали вегетатив кўпаяди. Вегетатив кўпайишнинг энг кўп тарқалган хиллари қўйидагилардан иборат.

1. Илдизпоядан кўпайиш кўп ийлиқ ёввойи ўсимликлар, масалан ажриқ, гумай, саломалайкум, буғдоиқ, қамиш, қиёқ, қирқ бўғимлар учун хосдир. Бу хилдаги кўпайишида ёш илдизпоядан илдиз ва куртаклар ўсиб чиқади, куртаклар новдага айланади.

2. Ерости тугунаклардан күпайиш картошка, топнамбур ва картошкагул каби ўсимликлар учун хосдир. Тугунаклар тупроққа экилганида, ундаги ҳар бир куртакдан алоҳида ўсимлик униб чиқади. Ёш ниҳол дастлаб тугунакдаги запас озиқ билан озиқланади.

3. Пиёзбошидан күпайиш асосан чўл ва тоғ ўсимликлари (лола, чучмома, саримсоқ, нарғиз, илонгул) учун хос. Кўпчилик пиёзбошли ўсимликлар майда пиёзчалар ҳосил қилиш орқали кўпаяди. Саримсоқда ана шундай пиёзчалар барт қўлтиғида ҳосил бўлади. Ҳар бир пиёзчадан янги ўсимлик пайдо бўлади.

4. Илдизбачкиларидан кўпайиш наъматак, терак, ёввойи олма, гилос, олча, акация, дўлана, печак, какра, қизилмия, қайрагоч каби ўсимликлар учун хос. Дастлаб уларнинг илдизида қўшимча куртаклар ҳосил бўлади, кейинчалик бу куртаклар ўсиб, илдизбачкиларга айланади.

5. Ерусти новдалар, яъни гажакларидан қулупнай, ғозпанжা каби ўсимликлар кўпаяди. Бу ўсимликларнинг ёш новдалари ер бағирлаб ўсади. Новданинг тупроққа тегиб турган қисми қўшимча илдиз ва куртак чиқариб, ёш ўсимликтин ҳосил қиласди. Бир туп қулупнайдан икки йилда 200 тагача ўсимлик ҳосил бўлади.

6. Тол, терак, анор, ток, анжирни *пархиши қилиши* орқали кўпайтириш мумкин. Бу хилда кўпайтиришда дастлаб ўсимлик шохини ерга эгиб, тупроққа новданинг бир учи ердан чиқиб турадиган қилиб кўмилади. Новданинг кўмилган жойидан илдиз пайдо бўлгач, пархиши бошқа, жойга кўчирилади.

7. Қаламчадан кўпайтиришда ўсимликтин вегетатив орғанларидан бир қисми кесиб олинниб, қаламча тайёрланади. Одатда қаламчалар ўсимлик поясидан олинади. Тол, терак, ток ва анор поя қаламчаси; олча, атиргул, настарин, наъматак илдиз қаламчалари; бегония барглар орқали кўпаяди.

8. Пайвандлаш билан кўпайтириш мевали ва манзарали маданий ўсимликлар етиштиришда кенг қўлланилади. Пайвандлаш кесиб олинган куртак ёки новданинг бошқа ўсимлик билан бирлашиб ўсиб кетишидан иборат. Кесиб олиб ўтказилидиган куртак ёки новда *пайвандуст*, пайванд қилинадиган ўсимлик *пайвандтаг* дейилади. Пайвандлаш кўпроқ қўшимча илдиз олиши қийин бўлган мевали дараҳтлар ва манзарали ўсимликлар (олма, шафтоли, нок, атиргул) да кенг қўлланилади. Пайвандлашнинг куртак пайванд, қалмча пайванд, исканан пайванд ва бошқа усуллари бор. Куртак пайванд, яъни кўзачалар билан пайвандлаш кўп қўлланилади. Бунинг учун пайвандтаггаг ётствложи «т» ҳарфи шаклида кесиб олинниб, кесилган жойга пайвандуст куртаги маҳкам боғлаб қўйилади. Иккала ўсимликнинг камбий ҳужайралари бирга қўшилиб кетиши туфайли куртак пайвандтагга туташиб ўсиб кетади.

Вегетатив кўпайиш янги навлар олиш ва етиштирилган навларнинг ирсий хусусиятларини сақлаб қолиш учун жуда


кatta амалий ақамиятга эга. Чунки жинсий күпайишида ота она ўсимликларнинг ирсий хусусиятлари наслда намоён бўлиши туфайли етиширилган новдаларнинг ижобиї хусусиятлари сақланиб қолмайди. Рус олими И. В. Мичурин бир-биридан узоқ формалар, ҳатто узоқ турларни ҳам вегетатив күпайириш ва ноқулай шароит таъсирига ўргатиш, яъни ментор усулини ишлаб чиқди ва кўплаб қимматбаҳо мева навларини яратди.

ГУЛ ВА МЕВА

Гулнинг тузилиши. Гул ўсимликларнинг уруғдан күпайиш органидир. Гул ўсиши чекланган, шакли ўзгарган новда ҳисобланади. Гуллар гулбанди ва гул қисмлари: косача ва тожбарглар, уруғчи ва чангчилардан иборат. Гул гулбанд орқали пояга бирикади. Гул органлари гул бандининг кентайган учки қисмидан ҳосил бўлган гул ўринида ўрнашган. Гулнинг марказий қисмida битта ёки бир неча уруғчи ҳамда чангчилар жойлашган (11-расм). Уларнинг атрофида икки қатор бўлиб жойлашган тожбарглар ва косабарглар гул қўргонини ҳосил қиласди. Тожбарглар рангли, косабарглар эса одатда яшил бўлади. Агар гулқўргон фақат косача ёки тожбарглардан иборат бўлса, оддий; косача ҳамда тожбарглардан иборат бўлса, мураккаб гулқўргон бўлади.


Гул қисқарган шакли ўзгарган новдадан иборат бўлиб, унда жинсий ҳужайралар — гаметалар шаклланади, чангланиш ва уруғланиш содир бўлади. Гулбанди ва гуллўрни қисқарган поядан; коса, тож, чангчи ва уруғчилар эса ўзгарган барглардан иборат. Косабарглар гулнинг ички қисмини ҳимоя қилиб турди. Косабарглар айрим гулларда ўзариб, мевани тарқатинига ёрдам берадиган мосламани ҳосил қиласди (тўзғоқ) ёки фотосинтез қилинда иштирок этади (қоқиёт). Гул иккитадан кўпроқ тенг бўлакка ажralадиган бўлса, тўғри, яъни *актиноморф*; иккита бўлакка ажralса ёки тенг бўлакка ажralмаса қийшиқ — *зигоморф* бўлади (беда,райхон).

Чангчилар чанг ипчаси (пояча) ва чангдонлардан ташкил топган. Чангдон икки бўлакдан иборат (12-расм). Ҳар бир



11-расм. Гулнинг тузилиши:


1 — гул банди, 2 — гул ўрни, 3 — косача барглари, 4 — тожбарглари, 5 — гул қўргони, 6 — уруғчиси, 7 — чангчи поячаси, 8 — чангдони, 9 — чангчиси.



12-расм. Чангдоннинг тузилиши (A) ва ўсими (B):

1 — вегетатив ҳужайраси, 2 — генератив ҳужайраси, 3 — спермийлари (иккита), 4 — чанг найчаси.

бўлагида иккитадан бўшлиқ — чанг халтачаси бўлади. Чанг халтачаси ҳужайраларининг кетма-кет бўлиниши натижасида тўртта гаплоид ҳужайралар — *микроспоралар* ҳосил бўлади. Чанг халтачаси ичидаги ҳар бир микроспора бошланғич чанг заррачасини ҳосил қиласди. Бу заррача яна бўлиниб, вегетатив ва генератив ҳужайраларга айланади. Кейинроқ генератив ҳужайралардан иккита уруг ҳужайра — *спермийлар* шаклланади.



13-расм.

Уруғчи ва уруг муртакниг тузилиши:


- 1 — туніка;
- 2 — інтін;
- 3 — туғунчаси;
- 4 — туғунча уяси;
- 5 — уруг куртаги;
- 6 — уругшоси;
- 7 — муртак халтаси.

Урғучи тумшуқча, устунча ва кенгайган тутунчадан тузилган (13-расм). Тумшуқча чангни тутиб қолишга мослашган. Тутунча ичидаги битта ёки бир неча уруғкуртак бўлади. Уруғкуртак ичидаги саккиз ядроли муртак халтаси жойлашган. Ҳужайралардан бирни йириклишади ва кетма-кет бўлиниб, тўртта гаплоид ҳужайрани ҳосил қиласди. Улардан учтаси емирилиб кетади, биттаси ўсиб бўлиниади ва иккита ядрони ҳосил қиласди. Бундан кейинги бўлинишлардан сўнг ҳар бир ҳужайрадан яна тўрттадан ҳужайра шаклланади. Улардан иккитаси қўшилиб, диплоид хромосомали марказий ҳужайрани ҳосил қиласди. Чанг йўлига яқин жойлашганида ҳужайраларининг биридан тухум ҳужайра ҳосил бўлади.

Гулларнинг уруғчиси битта (олча, камар, олхўри) ёки бир нечта (наъматак, малина) бўлади. Уруғчининг туғунчаси гул жойлашиши ёки унга ботиб кирган бўлиши мумкин. Тутунчадаги уячалар ва уруғкуртаклар сони ҳам ҳар хил бўлади.

Икки жинсли ва бир жинсли гуллар. Икки жинсли гулларнинг уруғчиси ва чангчилари битта гулнинг ўзида жойлашади. Қўпчилик ўсимликлар икки жинсли бўлади. Бир жинсли гулларда эса аксинча уруғчиси ёки чангчиси бўлади, яъни уруғчи ва чангчи ҳар хил гулларда жойлашади. Бир жинсли гуллар бир уйли ёки икки уйли бўлади. Бир уйли гулларнинг уруғчиси ва чангчили гуллари битта ўсимликда (қовоқ, бодринг, қовун, маккажўхори), икки уйли ўсимликларники эса ҳар хил ўсимликларда (терак, тол, исмалоқ, наша) жойлашади.

Гулнинг тузилишини формула ёрдамида ифодалаш мумкин. Бунинг учун гул қисмлари номлари бош ҳарфларининг индексида шу гул қисмларининг сони кўрсатилади. Масалан, сабзи гулиниг формуласи $K_5 T_5 4_5 Y_2$ ёзилади. Бу формула сабзи гулида бештадан косабарг, тожбарг, чангчи, иккита уруғчи борлигини кўрсатади. Гулнинг тузилиши ва унинг қисмлари сонини диаграмма орқали ҳам чизиб кўрсатиш мумкин (14-расм).







14-расм. Гул диаграммаси:

1 — қопловчи барг, 2 — гулбарглар, 3 — косача барглари,
4 — тожбарглари, 5 — чангчилари, 6 — уруучиси,
7 — гул банди.

Тўпгуллар. Одатда йирик гуллар гул ҳосил қилувчи новданинг учида якка-якка тарзда жойлашади. Кўпчилик ўсимликларнинг гуллари новдада тўп бўлиб жойлашади. Битта гулпояда жойлашган гуллар йифиндисига тўпгул дейилади (15-расм).

Тўпгуллар икки хил, яъни — оддий ва мураккаб бўлади. Оддий тўпгуллар умумий гулпоядан ва унда жойлашган майдагуллардан иборат. Оддий тўпгуллар шингил, қалқонча, соябон, бошоқ, саватча, ва сўта шаклида бўлиши мумкин. Оддий шингил тўпгул (карам, редиска, ачамбити)нинг гуллари умумий гулпояга узун гулбандлари орқали навбат билан жойлашади. Олма, нок ва олхўрининг қалқонсимон тўпгулларининг гулбанди ҳар хил узунликда бўлиб, умумий гулпояга навбат билан, лекин бир текис жойлашади. Олча, примула ва пиёзнинг оддий соябон тўпгули гулбанди жуда қисқа бўлиб, гуллари гулпоянинг устки қисмида жойлашади. Заптумнинг оддий бошоғида майда бандсиз гуллар бошоқда зич бўлиб жойлашади. Саватчада эса гуллар жуда кенгайган гул ўрнида жойлашган (кунгабоқар, бўтакўз). Сўта ҳам бошоққа ўхшаш, лекин унинг асосий гулпояси этли бўлади (макка-жўхори).

Мураккаб тўпгулларда гуллар иккиласми ёки учламчи тартибдаги гулпоя орқали умумий гул ўқида жойлашади. Мураккаб тўпгулларга мураккаб соябон, мураккаб бошоқ, рўвак мисол бўлади. Мураккаб соябонда умумий гул ўқида



15-расм. Тұпгуллар:

1 — олманиң қалқончасы, 2 — пиәз гулининг оддий соябони, 3 — карам гулининг оддий шингили, 4 — зуптурум гулининг оддий башори, 5 — маккажұхори гулининг сұтасы, 6 — бүгдой гулининг мураккаб башори, 7 — оқ ақация гулининг мураккаб шингили, 8 — шоли гулининг рұваги, 9 — сабзи гулининг мураккаб соябони, 10 — күнгабоқар гулининг саватчасы.

биринчи ва иккинчи тартибдаги оддий соябон түпгуллар жойлашади (сабзи, укроп). Мураккаб бошоқда оддий бошоқчалар асосий гулпояда жойлашади (буғдой, жавдар).

Түпгулларда бир түп майда ва күримсиз гуллар бирга түпланиши туфайли улар узоқдан күзга ташланади ва жула күп чанг ҳосил қиласи. Бундай гуллар ҳашаротларни тез жалб қилиши туфайли уларнинг чангланиши осонлашади. Шамол ёрдамида чангланадиган түпгулларнинг гуллари бир-бирига яқин жойлашганлиги, биргаликда күп чанг ҳосил қилиши ҳам чангланишини осонлаштиради.

Гулларнинг чангланиши. Чангланиш гул чангнинг чангчи чангдонидан уруғчи тумшуқчасига келиб түшишидан иборат. Икки хил чангланиш (ўзидан ва четдан) бўлади. Агар гул чангчи чангдондан шу гулнинг ургучиси тумшуқчасига тушса, ўзидан чангланиши бўлади (буғдой, арина, нўхат). Бундай гулларнинг чангчиси ва уруғчиси бир вақтнинг ўзида пишиб этилади.

Четдан чангланишда чангдондаги чанглар бошка ўсимлик уруғчиси тумшуқчасига бориб тушади. Бундай гулларнинг чангчилари ва уруғчилари бир вақтда пишиб етишмаслиги ёки чангчи ва уруғчиларнинг бир хил узунликда бўлмаслиги туфайли улар ўзидан чанглана олмайди. Четдан чангланадиган ўсимликлар ҳам ўз навбатида ҳашаротлар ва шамол ёрдамида чангланадиган гулларга бўлинади. Ҳашаротлар билан чангланадиган гуллар йирик, чиройли рангли, хушбўй ҳидли бўлади ва нектар ишлаб чиқаради. Хушбўй хид, ранг ва нектар ҳашаротларни жалб қиласи. Бундай гулларнинг чанглари ҳам йирик, ёпишқоқ ва ғадир-будур бўлиб, ҳашаротлар танасига яхши илашиб қолади (қовоқ, олма, нок, ўрик, акация).

Шамол ёрдамида чангланадиган гуллар (жавдар, макка, жўхори, тол, шоли) майда рангсиз ва хидсиз бўлади, чанглари эса жуда майда ва күп миқдорда ҳосил бўлади. Одатда шамол ёрдамида чангланадиган ўсимликлар катта массивлар ҳосил қиласи.

Уруғланиш. Уруғчининг тумшуқчасига келиб тушган чанглар тумшуқча ишлаб чиқарадиган ёпишқоқ суюклик ва тумшуқчанинг ғадир-будурлиги туфайли унга илашиб қолади. Тумшуқча ишлаб чиқарадиган моддалар ва ферментлар таъсирида чанг ўсиб, унинг пўстидан чанг найчаси ҳосил бўлади (1-схема). Бу найчадан дастлаб вегетатив хужайра, кейин иккита уруғ хужайра (спермийлар) уруғ-куртак томонга ҳаракатланади (16-расм). Вегетатив хужайра жинсий хужайралар учун озиқ муҳити бўлиб ҳисобланади. Спермийлар найчадан уруғ тешиги (микропил) орқали уруғ куртакка ўтади. Уруғ хужайраларидан бири уруғ халтасидаги гаплоид тухум хужайраси, иккинчиси марказий хужайра билан қўшилади. Уруғланишдан кейин тухум хужайрадан ҳосил бўлган зигота диплоид, марказий хужайра эса триплоид бўлиб қолади. Гулли ўсимликлар учун хос бўлган қўш уруғланишнинг моҳияти ҳам ана шундан

Уруг

Уруг муртаги

Үсімта

Етилган үсімлик
(спорофит)

Гул

Уругчи

Уругмуртак

Спорангий (муртак)

Мейоз

4 та йирик спора

1 та спора ривожланади

3 таси нобуд бұлади

Чангчи

Чанг халталари

Спорангий (чангдон)

Мейоз

Күп сонли майда споралар

Хамма споралар ривожланади

Уругмуртакда споралардан урғочи гаметофит (8 ядроли муртак халтаси) ҳосил бўлади.

Споралардан эркак гаметофит (икки ҳужайрали чанг зарраси) ҳосил бўлади.

Муртак халтасидаги ядролар ҳужайраларга айланади, тухум ҳужайра (n) ва марказий ҳужайра ($2n$) ҳосил бўлади.

Чанг уругчи тумшукласига түшиб, түгунча ичидә ўсади

Вегетатив ҳужайрадан чанг найчаси, генератив ҳужайрадан 2 спермий ҳосил бўлади

Муртак халтасига 2 спермий тушади

Қўш уругланиш содир бўлади: спермийлардан бири тухум ҳужайрани уруглантириб ($2n$) ҳосил бўлади


Спермийлардан иккинчиси марказий ҳужайра билан қўшилиб, триплоид ($3n$) ҳужайра ҳосил бўлади.

Қўш уруглангандан сўнг тутунчадан мева, уруг-куртакдан уруг; уруг-куртак қобигидан уруг пўсти; зиготадан уруг муртаги ($2n$), эндосперм ($3n$) ҳосил бўлади.

1-с х е м а. Гулли үсімликнинг ривожланиш цикли.

16-расм. Құш уруғланиш ва уругнинг ҳосил бўлиши:

1 — урги кириш тешиги, 2 — урги куртак қоплагачи, 3 — муртак халтаси, 4 — иккита ядродан ҳосил бўлаётган марказий ҳужайраси, 5 — тухум ҳужайраси ва йўлдош ҳужайралари, 6 — иккита спермитлари, 7 — урги қобиги, 8 — урги эндосперми, 9 — урги муртаги, 10 — ургапалла барглари, 11 — куртакчаси, 12 — поячари, 13 — илдизчаси.



иборат. Құш уруғланиши рус олими С. Г. Навашин аниқланған.

Мева ва уруғларнинг ҳосил бўлиши. Уруғланган тухум ҳужайрасидан гулли ўсимликларнинг муртаги, марказий ҳужайрадан уругнинг эндосперми ҳосил бўлади. Уруғланишдан кейин тез орада тожбарг ва косабарглар; чангчилар қуриб кетади; тугунча эса мевани ҳосил қиласди. Тугунча девори ҳисобидан меванинг этли ҳамда тухум ҳужайраси ҳисобидан муртак қисми, марказий ҳужайрасидан эса эндосперми ҳосил бўлади.

Мевалар ҳақиқий ва сохта бўлади. Ҳақиқий мевалар уругчининг тугунчаси ҳисобидан (олча, олхўри) ҳосил бўлади. Сохта меваларнинг ҳосил бўлишида тугунча девори билан бирга гулнинг бошқа қисмлари ҳам иштирок этади. Олма, беҳи, нокнинг сохта меваси гулурни, чангчилар, тожбарг ва косабарглар асосидан ривожланади.

Меваларнинг хилма-хиллиги. Мевалар жуда хилма-хил бўлиб, ҳўл (серэт) ва қуруқ меваларга ажратилади. Ҳўл меваларнинг мева эти яхши ривожланган бўлиб, ўз навбатида, резавор, олма, қовоқ, анор, данакли меваларга ажратилади. *Резавор мевалар* (узум, помидор, итузум, қорақат) майдада кўп уруғли бўлади. Узумнинг эти тугунча деворидан, уруғлари уруғкортакларидан ҳосил бўлади. *Олма мева* (олма, нок, беҳи) йирик, унинг эти гулқўргони асосидан, уяларда жойлашган уруғлари уруғчи тугунчасидан ҳосил бўлади. *Қовоқ* ҳам резаворга ўхшаёт, ундан мевасининг йириклиги ва мева пўстининг қалинлиги билан фарқ қиласди (тарвуз, бодринг, қовун). *Анор меванинг* қалин пўсти ичидағи уячаларда йирик қизил серсув уруғлари бўлади. Қулупнай, малина, тутнинг серсув эти гулўрнидан ҳосил бўлади. Мева этига жуда кўп уруғчалари ботиб турадиган бўлса, ертут мева дейилади. *Данакли меваларнинг* мева эти ичидаги битта уруги бўлади. Бу урги қаттиқ пўчоқ данак билан қопланган (ўрик, гилос, шафтоли).

Қуруқ меваларнинг эти бўлмайди. *Дон меванинг* мева девори юпқа, урги мевасини тўлдириб туради. *Писта меванинг* девори қалин бўлиши ва мағзидан осон ажралниши билан дондан фарқ қиласди (кунгабоқар). Ғўзанинг қўясак меваси қалин чаноқлардан иборат. Мева пишганида чокларидан ёрилиб,

унинг ичидағи уруғлари сочилиб кетади. Лола ва лолақиз-фалдоқ құсагининг устки қисмидә қопқоқчаси бўлиши билан фўздан фарқ қиласди. Мева пишганида қопқоқча очилиб, уруғлар тўкилади. Дуккаклиларнинг мева палласи четлари ёпишиб кетган барглардан ҳосил бўлади. Паллаларнинг ички юзасига уруғлар ёпишган. Мева пишганида паллалар ёрилиб, уруғлар сочилиб кетади. Қарам, редиска, қуртэнанинг қўзоқ меваси ҳам дуккакга ўхшаш икки палладан иборат. Лекин қўзоқ ичидә тўсиғи бўлиб, унда уруғлари жойлашган. Заранг, қайрағочнинг меваси қанотчали сохта мева бўлади. Қоқиёт, терак, тўзгоқ, такасоқол меваси учки қисмидаги бир тутам туклари ёрдамида учиди юради.


УРУҒ

Уруғнинг тузилиши. Уруғ уруғчининг тугунчаси ичидағи уруғкуртакдан ҳосил бўлади. Ҳамма уруғлар ташқи томондан қобиқ билан қопланган (17, 18-расмлар). Қобиқ остида муртак жойлашган. Қўпчилик ўсимликлар уруғида эндосперм ҳам бўлади. Уруғ қобиғи гул тугунчасидаги уруғ куртак пўстидан, муртак муртак халтачасининг уруғланган тухум ҳужайраси (зигота)дан, эндосперм эса унинг марказий ҳужайрасидан ҳосил бўлади. Эндосперм ҳужайраларида запас озиқ моддаси тўпланади. Бу озиқ униб чиқаётган уруғнинг муртаги учун сарфланади. Муртак илк ривожланиш давридаги бошланғич ўсимлик ҳисобланади, у битта ёки иккита уруғпалла (бошланғич барглар), илдизча (бошланғич илдиз)дан ва пояча (бошланғич поя)дан тузилган. Поячанинг учиди ўсиш конуси ҳам бўлади. Муртак эндосперм билан ўралган ёки унинг ён томонида жойлашган.

Бир паллали ва икки паллали ўсимликларнинг уруғи тузилишига кўра бир-биридан фарқланади. Бир паллалилар уруғида битта уруғ палласи бўлади (17-расм). Муртак эндосперм билан ўралган ёки унинг бир четида жойлашган (буғдойдошлар). Буғдойдошлар, масалан буғдой донининг ён томони бўйлаб эгатча ўтади, муртак эгатчанинг бир четидаги бурмача остида жойлашган. Эндосперм ягона уруғ палладан иборат қалқонга ёпишиб туради. Уруғ унаётганида озиқ моддалар ўсаётган органларга ана шу қалқон орқали шимилади.


Икки паллали ўсимликлар уруғи муртагида иккита уруғ палласи бўлади (18-расм). Айрим икки паллалилар уруғининг эндосперми уруғ ҳосил бўлиш даврида муртакнинг ҳамма органларига (қарамдошларда) ёки уруғ паллалиларига (бурчоқдошларда) ўтади.

Уруғларнинг таркибида ҳар хил органик (оқсил, крахмал, шакар, ёғ ва б.) ва минерал (сув ва б.) моддалар бўлади. Бу моддалар униб чиқаётган уруғнинг озиқланиши учун сарфланади. Бу моддаларнинг миқдори уруғларда турлича бўлади. Масалан, фалласимонлар донининг асосий қисмини крахмал



17-расм. Бұғдой урганынг түзилиши.

1 — уруг пүсти билан құшилиб кетгаптандырылған эндосперми, 2 — эндосперми, 3 — уруг барғи, 4 — куртаги, 5 — поячаси, 6 — илдизаси, 7 — уруг мұртаги.



18-расм. Ловия урганынг түзилиши:

1 — уруг қобиги, 2 — куртаги, 3 — поячаси, 4 — илдизаси, 5 — уруг палла баргалари, 2-5 — уруг мұртаги қисмлари.

ташкыл этади, зиғир ва кунгабоқар уруғида ёғ; мош, ловия каби дүккәклилар уруғида оқсил моддалар күпроқ бўлади.

Уруғларнинг униб чиқиши. Уруғнинг униб чиқиши мураккаб физиологик жараёнлардан иборат. Одатда уруғлар униб чиқиши олдидан тиним даврини ўтайди. Уруғнинг униб чиқиши учун ҳаво, намлик ва иссиқлик бўлиши зарур. Бу шаронтлар етарли бўлганида уруг таркибидағи моддалар мураккаб кимёвий жараёнлар таъсирида ўзгара бошлайди. Чунончи эндосперм крахмали ферментлар таъсирида парчаланиб, сувда әрийдиган ҳолатга ўтади ва бошқа моддалар билан муртакнинг ўсадиган қисмлари — илдизаси, поячаси ва куртакчасига оқиб ўта бошлайди ва муртакнинг ўсиши учун сарфланади. Унаётган уруғларга кўп сув щимилиши натижасида улар шишади ва уруг қобиги ёрилиб, илдизча тупроққа чиқади.

Униб чиқаётган муртак дастлаб уруғдаги запас озиқ ҳисобидан озиқланади. Бу даврда уруғларда содир бўладиган оксидланиш жараёни учун кўп кислород зарур бўлади. Шунинг учун уруғлар юмшатилган ва нам тупроққа экилади. Иккита паллали ўсимликлар униб чиқаётганида дастлаб иккита уруғпалла барглар тупроқ юзасига уруг пүстини кўтариб чиқади. Бир паллалиларнинг уруғпүсти эса тупроқнинг ичидаги қолади. Униб чиқаётган майса дастлабки даврда эндосперм ҳисобига озиқланади, кейинроқ чин барғ.ҳосил бўлиши билан қуёш нури энергияси ҳисобига фотосинтез қила бошлайди.

ЎСИМЛИК — ЯХЛИТ ОРГАНИЗМ

Ўсимлик организмининг асосий ҳәетий функциялари. Ўсимликлар ҳар бир тирик организм каби ҳужайралардан тузилган. Унинг ҳужайралари тўқималарни ва ўсимлик органларини ҳо-

сил қиласы («Гулли ўсимликларнинг тузилиши» мавзусига қаранг). Ўсимликлар ҳам озиқланади, нафас олади, ҳаракатланади, ўсади, ривожланади ва күпаяди. Яшил ўсимликларнинг озиқланиси бошқа организмлар озиқланишидан фарқ қиласы.

Ўсимликлар автотроф озиқланади. Улар илдиз орқали тупроқдан сув ва минерал моддаларни, ҳаводан карбонат ангидрид газини ютиб, қуёш нури таъсирида баргларда фотосинтез реакцияси кетиб углеводларни синтез қила бошлайди. Бу моддалар барглардан ўсимликнинг ҳамма органларига бориб, ўзлаштирилади. Ўлар ҳужайраларда бошқа хил моддаларга айланади. Яшил ўсимликлар ҳосил қилган моддалардан ҳайвонлар, бошқа организмлар фойдаланади. Баргларда ҳосил бўлган органик моддаларнинг бир қисми уруғларда, поядада ва ўсимликнинг бошқа қисмларида тўпланади.

Ўсимликларнинг ҳамма органлари ҳам нафас олади. Барча тирик организмлар сингари ўсимлик ҳам нафас олганида кислород ютиб, карбонат ангидрид гази чиқаради.

Ўсимликларнинг ҳаракатланиши ўсиш, яъни ўсимликлар танаси шаклининг ўзгариши, массасининг ортиши билан боғлиқ. Бундан ташқари, ҳарорат таъсирида кун ёки туннинг алмашиниши, қуёш нурининг ўзгариши билан ўсимлик гуллари очилиши ёки ёпилиши (қоқиёт, номозшомгул), қуёш томонга бурилиши (кунгабоқар) мумкин. Печакгул каби ўсимликларнинг ўсимликка чирмасиб ўсиши, мимоза баргининг бирор таъсир натижасида «сўлиши» ҳам ҳаракатланишдан иборат. Ўсимликлар ҳужайралар бўлиниши орқали ўсади. Ҳужайраларда цитоплазма ҳам доимо ҳаракатда бўлади. Ўсимликлар бутун ҳаёти давомида ўсади.

Ўсимликларнинг ривожланиши битта ҳужайра — зиготанинг бўлинишидан бошланади. Зиготадан бошланғич органларга эга бўлган уруғ ичидаги жойлашган муртак ривожланади. Уруғ униб чиққандан сўнг муртакдан яхлит ўсимлик ривожланиб чиқади, у ривожланиб гул ҳосил қиласы. Гул чангланиб уруглангандан сўнг уруғ ёки мева ҳосил бўлади. Бир йиллик ўсимликлар пишиб етишгандан сўнг қуриб қолади, кўп йиллик ўсимликлар ҳар йили ҳосил беради.

Ўсимлик ҳаётий жараёнлари учун сув, минерал моддалар, ҳаво, ёруғлик ва иссиқлик зарур. Масалан, ёруғлик ва ҳарорат камайиб борган сайн ўсимлик тўқималарида барча ҳаётий жараёнлар — нафас олиш, ўсиш, кўпайиш секинлаша боради ва ҳужайра шираси таркибига киради. Ҳужайрада барча ҳаётий жараёнлар сув муҳитида кечади; сув орқали фотосинтез натижасида ҳосил бўлган органик моддалар ва илдиз орқали минерал тузлар шимилади. Ўсимлик ҳаётида минерал моддалар ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Ўсимликлар эволюция жараёнида турли муҳит шаронтида яшашга мослашган. Масалан, дашт ва саҳро ўсимликлари сув таҳчили бўлган қурғоқчилик шароитига; сувда ва ботқоқлика ўсузви ўсимликлар ортиқча намгарчилик муҳитига мослаш-

ган. Еруғлик ва ҳароратга нисбатан ҳам ўсимликларда худди шунга ўхшаш мослашишлар бўлади. Тундра ўсимликлари ёруғлик кўп бўлган, лекин шимолнинг қаҳратон совуғига; қалин тропик ўрмонлардаги дараҳтлар остида ўсадиган ўсимликлар ёруғлик танқислигига ва юқори ҳароратга чидамли бўлади.

Ўсимлик органларининг ўзаро боғлиқлиги. Ўсимликларнинг барча органлари ва уларда кечадиган ҳаётий жараёнлар ўзаро чамбарчас боғлиқ. Илдиз тупроқдан сув ва унда эриган минерал моддаларни шимиб олиш; поя бу моддаларни баргларга ва баргларда синтез қилинадиган моддаларни бошқа органларга ўтказиш; барглар фотосинтез натижасида ўсимлик учун зарур органик моддалар синтез қилиш; гуллар эса кўпайиш вазифасини бажариши маълум. Ҳар бир органнинг ўзида кечаётган жараёнда бошқа органлар ҳам иштирок этади. Масалан, баргларда содир бўладиган фотосинтез жараёни илдиз ва поя иштирокида кечади. Чунки илдиздан шимишган сув ва минерал моддалар поя орқали баргларга узатилади. Шунинг билан бирга илдиз, поя ва бошқа органлардаги ҳужайраларга баргда ҳосил бўладиган органик моддалар келиб тургандагина ўсимлик яшай олади.

Ҳосил ўсимликнинг барча органлари томонидан биргаликда яратилади. Ўсимликларнинг ўсиши ва мева ҳосил қилиши даврида илдиз тукчалари орқали тинимсиз сув ва унда эриган минерал тузлар шимилиб туради. Бу моддалар ҳужайралардан ҳужайраларга ўтиб, илдизнинг ўтказувчи найчаларига етиб боради. Бу найчалардан пояга, поя найчалари орқали эса яна юқорига — баргларга кўтарилади ва барг томирлари орқали унинг ҳужайраларига тарқалади. Айни бир вақтда барг пўстидаги оғизчалар орқали барг ҳужайралари орасидаги бўшлиқларга ҳаво билан бирга карбонат ангидрид кириб туради. Еруғлик таъсирида барг ҳужайраларида хлоропластларда фотосинтез жараёни кечади. Бу жараён натижасида илдиздан шимишган минерал моддалар ва ҳаводан олинган карбонат ангидриддан баргларда органик моддалар ҳосил бўлади. Уз навбатида, баргларда ҳосил бўлган органик моддалар ҳам баргдаги томирлар, поя ва илдиздаги тўрсимон найлар орқали ўсимликнинг турли органларига етказиб берилади. Органик моддалар ҳосил бўлаётган мева ва уруғларга, айниқса, кўп миқдорда боради. Мева ва уруғларга илдиздан сув ва минерал тузлар ҳам кўп келиб туради.

Органик ва минерал моддалар мева ва уруғларда ҳам бир қанча ўзгаришларга учрайди. Масалан, буғдой уруғида углеводлардан крахмал; дуккақдошлар уруғида оқсиллар; зигир ва кунгабоқар уруғида ёғлар синтезланади. Ўсимликлар уруғининг таркиби ва меваси таъминнинг ҳар хил бўлиши ҳам уларда синтезланадиган органик моддалар таркибига боғлиқ. Ҳосил туғиши даврида ўсимликлар учун минерал ва озиқ моддалар билан бирга кислород ҳам зарур. Чунки барглар, уруғ

ва меваларда бораётган жараёнларда энергия сарф бўлади. Бу энергия кислород иштироқида кечадиган оксидланиш жарайёнида ҳосил бўлади.

ЎСИМЛИКЛАР СИСТЕМАТИКАСИ


Систематика морфологик тузилиши, кўпайиши, озиқланиши, тарқалиши, келиб чиқиши ва бошқа хусусиятларидағи ўхшашликка асосланаб ўсимликларни гуруҳларга ажратишдан иборат. Ана шундай гуруҳлар таксонлар ёки систематик бирликлар дейилади. Ўсимликлар систематикасида б та кенг тарқалган таксон: бўлим, синф, тартиб (қабила), оила, туркум ва тур қўлланилади. Морфологик тузилиши билан ўзаро яқин бўлган, бир-бири билан эркин чатиша оладиган, умумий ареал (тарқалиш майдони)га эга бўлган ва битта туркумга кирадиган индивидлар йиғиндиси тур деб аталади (Умумий биологиядаги «Тур ва унинг критерийлари» мавзусига қаранг). Ўзаро яқин турлар битта туркумни ташкил қиласиди. Бир неча туркумлар оиласа, оиласалар — тартибга, тартиблар — синфга, синфлар эса бўлимга бирлаштирилади. Шундай қилиб, тур тушунчаси энг кичик таксонни, бўлим эса энг йирик таксонни билдиради. Ўсимликлар тана тузилишининг умумий хусусиятларига кўра икки гуруҳга — тубан ўсимликлар ва юксак ўсимликларга ажратилади. Ботаника дарсларида анъанавий равишда бактериялар, замбуруғ ва лишайниклар тўғрисида ҳам маълумот берилади.

Тубан ўсимликларнинг танасида ихтисослашган тўқималава аъзолари бўлмайди. Уларнинг танаси **таллом** деб аталади. Тубан ўсимликлар (2-жадвал). Кўк-яшил, Сариқ, Сариқ-яшил, Диатом, Қўнғир, Қизил ва Яшил сув ўтлари ҳамда Лишайниклар ва Замбуруғлар каби бўлимларга бўлинади (ҳозирги замон систематикасида бактериялар ва замбуруғлар мустақил икки дунёга ажратилади).

БАКТЕРИЯЛАР БЎЛИМИ

Тузилиши. Бактериялар бир ҳужайрали содда тузилган микроскопик организмлар. Улар орасида бир неча ҳужайрадан иборат ипсимон шаклда тузилган турлар ҳам учрайди. Ҳужайраси шарсимон (кокклар), таёқасимон (бациллалар), спиралсимон (спириллалар), эгилган-ёйсимон (вибрионлар) шаклида бўлади. Ўз навбатида, шарсимон бактериялар ҳам биттадан, иккитадан (диплококклар), тўрттадан (тетракокклар), занжирсимон (стрептококклар) ёки узум бошига ўхшаш (стафилококклар) бўлиши мумкин.

Бактериялар — *прокариот* (лотинча «про» — олдин, — гача; грекча «арион» — ядро) организмлар бўлиб, ҳужайрасида шаклланган ядроси, митохондриялар, эндоплазматик тўр, Гольжи аппарати бўлмайди. Ҳужайра мембраниси цитоплазма



19-расм. Бактериялар ұжайрасининг түзилиши:

1 — ұжайра девори, 2 — хивчин, 3 — цитоплазматик мембрана, 4 — мембраннынг ботиб кирган жойы, 5 — мезосома, 6 — хромосома, 7 — рибосомалар, 8 — липид доначалари, 9 — гранулалар, 10 — волютины, 11 — ұжайра капсуласы, 12 — тилакоидлар.

ицига ботиб кириб, мезосома деб аталаған бурмаларни ҳосил қиласы (19-расм).. Мезосомалар митохондриялар, эндоплазматик түр ёки Гольжи аппарати функцияларини үтайды. Фотосинтез қылувчи бактериялар мембранаси бурмаларда маҳсус пигментлар ва ферментлар бўлади. Цитоплазма марказида ҳалқа шаклидаги қўш занжирли ДНК молекуласидан иборат *нуклеоид* жойлашган. Ҳамма прокариот организмлар сингари бактерияларда ҳам нуклеоид цитоплазмадан мембрана билан ажралмаган. Ана шу ҳалқасимон нуклеоид ядро функциясини бажаради.

Бактерияларнинг цитоплазматик мембранаси ташқи томондан полисахаридлар ёки гликопротеидлардан иборат капсула билан қопланган. Айрим бактериялар капсуласи устига шилимшиқ модда ҳам ишлаб чиқаради. Қўпчилик бактериялар ҳаракатсиз бўлади, лекин улар орасида хивчинли турлари ҳаракатланади. Айрим турлари эса танасидан ажратиб чиқарадиган шилимшиқ моддаси ёрдамида ҳам ҳаракатланади.

Қўпайиши. Қўпчилик бактериялар оддий иккига бўлинеш орқали қўпаяди. Қулай мұхитда бактерия ұжайраси ҳар 20 минутда бўлинниб туради. Айрим бактерияларда оддий жинсий қўпайиш ҳам учрайди. Бундай ҳолда иккита бактерия ұжайраси яқинлашиб, улар ўртасида цитоплазма қўприги ҳосил бўлади ва ҳар бир ұжайрадан ДНК нинг бир қисми бошқасига үтади. Шундан сўнг ұжайралар ажралиб кетади. Конъюгация деб аталаған бу жараённинг асосий мөхияти индивидлар ўртасида ирсий белгилар алмашинувидан иборат. Ноқулай шароитда, бактерия ұжайраси ортиқча сувини йўқотиб, юмалоқланади ва қаттиқ қобиқли спора ҳосил қиласы. Спора ичидә бактериялар узоқ вақт сақланади; қулай шароитта тушиб қолганида яна фаол ҳаёт кечиришга үтади.

Ҳаёт кечириши. Озиқланиш усулига кўра гетеротроф ва автотроф бактериялар бўлади. Гетеротроф бактериялар тайёр озиқ моддалар ҳисобига ҳаёт кечиради. Автотрофлар эса хи-

2-ЖАДАВАЛ. Бактерия, замбуруф ва тубан ўсимиликларнинг солинтирма таърифи

Бўйимлар	Тана тузилиши	Ониклини́зм чархадарлари	Кўнгалиши хиллари	Турлари	Аҳамияти
Бактерия-лар	Бир хужайарили, ядроисиз	Кўпчилини гетеротроф (паразит), сапрофит, аиримлари автотроф (хемосинтез-ловчи)	Асосан жинсий бўлшини, бавзан олди жинсий кўланниш (конъюгация)	Пичан таёқчаси ичбуруғ тақчаси, стафилококклар, туганак бактериялар	Органик моддаларни парчалаб, минераллаштиради, сут мансузлолари тайёрлашда фойдаланилади. Хаво азотини фиксиация кўлади. Одам, хайвонларда хавфли касалликлар келтириб чиқаради
Сувъ-үтларি	Бир хужайарили, кўп хужайарили	Автотроф (фотосинтезловчи)	Жинисиз (зо-осторалар хосил қўлиш)	Хамидомона-да, хлорела, синоригира, ламинария, харап	Сувъдаги организмлар учун кулаги муҳит (қислород, озик) яратади, атмосферани кислород билан бойитади. Йод, бром, агар-агар олини диди
Замбурур-лар	Бир хужайарили ва кўп хужайарили	Гетеротроф (санрофитлар, паразитлар)	Жинисиз кўпайиш (спорија Логил Килиш ва вегетатив), жинсиний кўпайиш	Моғор, пеницилл, азитки, коракуя, оқзамбуруғ, кўзикории	Органик моддаларни парчалайди. Одам ва хайвонлар учун озик, дараҳтлар нализида симбиоз, одам ва ўсимликлар паразити
Лишайник-лар	Замбурур мицелийиси ва бир хужайарили сувътари	Симбиоз: замбурур — гетеротроф (санрофит), сувъти — автотроф (фотосинтезловчи)	Жинисиз вегетатив (тана булакларидан) кўла-ниш	Кўйка, барг-симон, бута-симон (ягель испан моки)	Тупроқ, ҳосил қиласи. Бугуларнинг қишиги озиги: киме, фармачеттика, парфюмерия саноати учун хомаше.

миявий жараёнларда ажралиб чиқадиган энергиядан ёки қүёш энергиясидан фойдаланади. Гетеротрофлар органик моддаларнинг қолдиқлари билан озиқланадиган *сапрофитлар* ҳамда тирик организмлар ҳужайраси ҳисобига озиқланадиган *паратилларга* ажратилади.

Гетеротроф бактериялар ўз ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган энергияни нафас олиш ва ачиш жараёнида олади. Нафас олиш органик бирималарни кислород иштироқида карбонат ангирид ва сувгача парчаланишидан иборат бўлса, ачиш бу моддаларни кислородсиз муҳитда парчаланишидир. Кислородли муҳитда яшовчи бактериялар *аэроблар*, кислородсиз муҳитда яшовчилар эса *анаэроблар* дейилади.

Кўнчилик бактериялар анаэроб муҳитда ҳаёт кечиради. Кислородсиз муҳитда органик моддалар охирги маҳсулотлар гача парчаланмаслиги туфайли бирмунча оддий оралиқ органик моддалар ҳосил бўлади. Бактерияларнинг турига қараб ачиш натижасида этил спирти, сут кислотаси, ёг кислоталари, сирка кислотаси ёки бошқа кислоталар ҳосил бўлиши мумкин.

Автотроф бактериялар органик моддаларнинг синтези учун зарур бўлган энергияни анерганик моддаларнинг оксидланиши ва қайтарилиши жараёнида ажралиб чиқадиган энергиядан (*хемосинтез бактериялари*) ёки қүёш энергиясидан (*фотосинтез қўйувчи бактериялар*) олади. Хемосинтез бактерияларининг бир хил гуруҳи олtingугурт, водород, темир бирималари, аммиак ва бошқа анерганик моддаларни оксидласа, бошқалари нитрат тузларини азот ва аммиакка, сульфатларни сульфид ва водородга, карбонатларни метангача қайтаради. Бактерияларда фотосинтез жараёнида водород манбай сув бўлмасдан (яшил ўсимликлардаги сингари), балки водород сульфид, спиртлар ва ёғ кислоталариdir. Шунинг учун фотосинтез жараёнида эркин кислород ажралиб чиқмайди.

Бактерияларнинг тарқалиши ва аҳамияти. Бактериялар Ер юзида мавжуд бўлган барча муҳитларда тарқалган. Уларнинг спораси биосферанинг энг юқори чегарасида — 30 км баландликда ҳам топилган. Улар, айниқса, тупроқда ва ифлосланган сув ҳавзаларида кўп учрайди. Бактерияларнинг жуда кўп турлари одам ва ҳайвонлар организмида паразит ёки симбиоз бўлиб яшайди.

Бактериялар табиатда кимёвий элементларнинг даврий айланishiда, тупрок ҳосил бўлиши жараёнларида жуда катта аҳамиятга эга. Усимлик ва ҳайвонлар қолдиқларини чиритадиган бактериялар табиатда санитарлар вазифасини бажаради. Ер юзида бактериялар ёрдамида ҳар йили 1 млрд. тоннага яқин органик бирималар парчаланиб, углерод оксиди ва сувга айланади. Бу жараёнда, айниқса, чиритувчи бактерияларнинг аҳамияти катта. Дуккакли экинлар илдизида симбиоз яшайдиган тугунак бактериялари ва тупроқдаги нитрификация бактериялари ҳаводаги эркин азотни боғлаб,

ўсимлик ўзлаштира оладиган ҳолга келтириш хусусиятига эга.

Углеводларнинг бактериялар таъсирида парчаланиши ачиш дейилади. Бактерияларнинг турига қараб ачиш бир неча хил бўлади. Сут кислотали ачиш бактериялар иштирокида боради. Бу жараёнда сут таркибидаги лактоза шакари сут кислотасига айланади:



Хосил бўлган сут кислотаси сут таркибидаги казени оқсилини эримайдиган ҳолатга ўтказиши натижасида сут ивииди. Сут кислотали бактериялар сут маҳсулотлари тайёрлашда, шунингдек карам, помидор ва бодрингни тузлаш; чорва молларига силос тайёрлашда кенг фойдаланилади. *Сирка кислотали ачишда* этил спирти сирка кислотасига айланади. Ёф кислотали бактериялар углеводларни, ёф, уксус кислоталари гача парчалайди. Бу жараёнда карбонат ангидрид ва водород ҳосил бўлганлиги сабабли сут маҳсулотлари бузилади.

Паразит ва заарали бактериялар. Паразит бактериялар тирик организмларда яшаб, улар ҳисобига озиқланади. Паразит бактериялар организмда тез кўпайиб, заҳарли маҳсулотлар ишлаб чиқариши натижасида жуда оғир касалликларни юзага келтириб чиқаради. Мисол тариқасида сил, ұлат (чума), қорин тифи, бруцеллэз, вабо (холера), чечак каби касалликларни қўзғатувчи бактерияларни кўрсатиш мумкин. Чиритувчи бактериялар озиқ-овқат маҳсулотларини бузиши, улар ишлаб чиқарган заҳарли моддалар организмни оғир заҳарланишга олиб келиши мумкин.

Бактерияларни йўқотиш учун карбол кислотаси, формалин, хлорамин, спирт ва бошқа моддалар ёрдамида буюмлар дезинфекция ёки юқори температура таъсирида стерилизация қилинади. Озиқ-овқат маҳсулотлари бузилмаслиги учун 60—70° ҳароратда пастеризация қилинади. Тибиётда бактерияларга қарши биомицин, пенициллин, стрептомицин, эритромицин каби антибиотик препаратлар қўлланилади.

СУВ ЎТЛАРИ

Сув ўтлари—тубан спорали ўсимликларнинг йигма гуруҳи, кўпчилик турлари сувда ҳаёт кечиради. Улар орасида қуруқликда, хусусан дарахтлар пустлогида ва нам тупроқларда яшовчи турлари ҳам бор. Одатда сув ўтлари ҳужайраси бошқа ўсимликлар сингари целлюлоза қобиқ билан ўралган. Айрим вакилларининг ҳужайра қобиги пектиндан иборат.

Сув ўтлари ҳужайра цитоплазмасида турли органоидлар, шу жумладан, фотосинтез қилувчи пластиллар бўлади. Сув ўтларининг ранг берувчи пластиллари хроматофорлар дейилади. *Хроматофорларда* оқсилларга бой бўлган периноид таначалар жойлашган. Сув ўтлари Кўк-яшил, Диатом, Яшил,

Құнгир, Қызыл, Сариқ, Сариқ-яшил сув ўтлари бўлимларига ажратилади.


Қўк-яшил сув ўтлари прокариот организмлар, бошқа сув ўтлари эса ҳақиқий ядроли — эукариот организмлардир. Сув ўтлари бир ҳужайрали, ва кўп ҳужайрали бўлади. Ҳамма сув ўтлари фотосинтез қилувчи организмлардир.

Бир ҳужайрали яшил сув ўтларининг тузилиши. Бир ҳужайрали яшил сув ўтларининг танаси битта ҳужайрадан иборат. Улар денгиз ва чучук сувларда, тупроқда учрайди.

Хламидомонада оқмайдиган ҳовуз ва кўлмак сувларда учрайди. У микроскопик катталикда, танаси ноксимон шаклда бўлиб, олд томонида иккита хивчини бор (20-расм). Ҳужайраси пектин қобиқ билан қопланган. Қобиқ остида цитоплазмаси, ядроси, косачага ўхшаш битта пиреноидга эга бўлган жуда йирик хроматофори бўлади. Танасининг олд томонидаги хроматофор устида ёруғлик сёзувчи кўзчаси жойлашган. Хламидомонада хивчинлари ёрдамида ёруғлик тушадиган томонга қараб актив ҳаракат қиласи. Хламидомонада қулай шароитда фақат жинссиз кўпаяди. Бунинг учун у дастлаб хивчинларини ташлайди; кейин унинг ядроси 2, 4, баъзан 8 қисмга бўлинади, пектин қобиқ остида икки хивчинли зооспораларни ҳосил қиласи. Бўлинишдан сўнг ҳужайра қобиги ёрилиб, зооспоралар сувга чиқади ва улардан янги хламидомонадалар ҳосил бўлади. Ноқулай шароитда хламидомонадалар жинсий йўл билан кўпаяди. Унинг ҳужайраси бўлиниб, жинсий ҳужайралар — икки хивчинли гаметалар ҳосил қиласи. Хламидомонаданинг гаметалари бир хил катталикда бўлади. Гаметалар қўшилиши, яъни уруғланишдан кейин ҳосил бўлган зиготадан қулай шароитда яна хламидомонада ривожланиб чиқади.


Хлорелла чучук сувларда ва нам тупроқларда яшайди. Унинг шарсимон ҳужайрасида хивчинлари ва кўзчаси бўлмайди. Хроматофори косачага ўхшаш бўлади. Хлорелла ҳужайрасининг пўсти целлюлоза қобиқдан иборат. У оддий бўлиниш йўли билан ҳар суткада бир марта бўлиниб кўпаяди. Ноқулай шароитда танаси зич пўст билан ўралиб, спорага айланади.

Хлорелла ҳужайраси озиқ моддалар (углевод, оқсиллар, ёғлар) ва витаминлар (A, B, C, K) га бой бўлгани сабабли уни саноат миқёсида кўпайтириш йўлга қўйилган. У чорва моллари, паррандалар ва ҳовузларда боқиладиган балиқлар озиғига қўшиб берилади. Усиш даврида хлорелла жуда кўп



20-расм. Сув ўти
хламидомонада:

1 — пектин қобиги, 2 — хивчини, 3 — хроматофори, 4 — ядроси, 5 — вакуоли, 6 — кўзчаси.



21-расм. Улотрикс:

1 — ризоиди, 2 — хроматофори, 3 — зооспораларнинг сувга чиқиши, 4 — тўрт хивчинли зооспора, 5 — гаметаларнинг сувга чиқиши, 6 — икки хивчинли гаметаси ва гаметаларнинг қўшилиши.

кислород ишлаб чиқаради. Шунинг учун ундан сув ҳавзаларини тозалашда ва космонавтикада фойдаланиш мумкин.

Кўп ҳужайрали ипсимон сув ўтлари. Кўп ҳужайрали сув ўтларининг танаси бир хилдаги ҳужайралардан иборат бўлиб, органлар ва тўқималарга бўлинимайди. Ипсимон сув ўтлари (улотрикс, спирогира) чучук сувларда учрайди. Танаси узун ва ингичка ирга ўхшашиб, бир қатор жойлашган бир хилдаги ҳужайралардан иборат (21-расм). Ҳар бир ҳужайраси целялюзода қобиқ билан қопланган, унинг цитоплазмаси, ядрои ва белбоғчага ўхшашиб хроматофори бўлади. Улотрикс танасининг пастки томонидаги конусимон ўсимтаси — ризоиди ёрдамида сув тубига ёпишиб олади. Улотрикс бир мунча тинч оқадиган сув ҳавзаларида, кўлмак сув ва ҳовузларда учрайди.

Улотрикс танасидаги ҳамма ҳужайралар бўлиниш қобилиятига эга. У жинссиз ва жинсий кўпаяди. Жинссиз кўпайганида ҳар бир ҳужайрасидан тўрт хивчинли зооспоралар ҳосил бўлади. Зооспоралар сувда сузиб юради; бир қанча муддатдан сўнг сув тубига ўтириб, янги талломни ҳосил қиласди. Жинсий кўпайишида унинг ҳужайралари бўлиниш йўли билан зооспорага ўхшашиб, лекин икки хивчинли бир хил катталикдаги гаметаларни ҳосил қиласди. Гаметалар сувга чиқиб, жуфт-жуфт бўлиб қўшилади. Зигота қалин пўст билан ўралиб, тиним даврига ўтади. Қулай шароитда зигота ядрои бўлиниб, тўрт хивчинли тўртта спорани ҳосил қиласди. Бу ҳужайралардан янги улотрикс етишиб чиқади.

Сув ўтларининг аҳамияти. Сув ўтлари сув ҳавзаларида катта аҳамиятга эга. Улар асосий органик модда ҳосил қилув-

чи организмлар ҳисобланади. Фотосинтез жараёнида сув ўтлари сувдан углерод газини ютиб, сувни кислород билан бойитади. Бу жараён сувда яшайдиган организмлар учун муҳим аҳамиятга эга. Сув ўтлари балиқлар ва сувда яшайдиган қушлар учун озиқ ҳисобланади. Улар бактериялар билан бирга тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида актив иштирок этади. Денгиз сув ўтлари ҳайвонларга озиқ сифатида ва экинларни ўғитлашда ишлатилади. Улар пластмасса, синтетик материаллар тайёрлаш учун хомашё сифатида, кладофорадан эса қоғоз саноатида, денгиз карами — ламинариядан эса озиқ-овқат саноатида фойдаланилади. Қўнғир сув ўтлари кулидан йод олиниади. Бундан ташқари, сув ўтларидан калийли тузлар, бром, метил спирти, ацетон, смола, феноллар ҳам ишлаб чиқарилади.

Айрим сув ўтлари бирмунча зиён келтиради, ифлосланган сувларда сув ўтларининг жуда тез кўпайиб кетиши «сувнинг гуллаши»га сабаб бўлади. Сувнинг гуллаши сув ҳайвонларига катта зиён келтиради. Сув ўтлари сув иншоотларига тиқилиб қолиб, уларни ишдан чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

ЗАМБУРУҒЛАР БҮЛИМИ

Замбуруғлар — тайёр озиқ моддалар билан озиқланадиган гетеротроф организмлар. Улар ташки кўриниши, тузилиши, яшаш муҳити, физиологик хусусиятлари билан хилма-хил бўлади. Замбуруғларнинг вегетатив танаси *мицелий* деб аталади. Мицелий жуда кучли тармоқланган бўлиб, ингичка ишга ўхшаш гифлардан ҳосил бўлади. Мицелий орқали замбуруғлар сув ва унда эриган минерал моддаларни сўриб олади. Олий замбуруғлар мицелийси кўнлаланг тўсиқлар билан алохида ҳужайраларга бўлинган. Тубан замбуруғлардаги бундай тўсиқлар ривожланмаганлиги туфайли ҳар бир гиф жуда кучли тармоқланган кўп ядроли гигант ҳужайралан иборат. Одатда замбуруғлар танасининг фақат кичик бир қисми қўзга ташланади, мицелийнинг асосий қисми субстрат ичилади жойлашади.

Замбуруғлар ҳижайрасининг қобиғи хитин моддасидан иборат. Фақат тубан замбуруғларда целлюлоза қобиқ ривожланган. Замбуруғлар ҳужайрасида запас озиқ модда *гликоген* тўпландади.

Озиқланиши усулига биноан замбуруғлар сапрофитлар ва паразитларга бўлинади. Сапрофитлар органик моддалар қолдиги билан озиқланади. Паразитлар ҳайвон ва ўсимликлар организмида яшайди. Улар орасида гулли ўсимликлар иллизи билан симбиоз ҳаёт кечирадиган турлари кўп учрайди. Симбиоз ҳаёт кечирадиган замбуруғ ўсимликтан органик моддалар (углеводлар) олади; ўсимлик эса замбуруғ мицелийси ёрдамида сув ҳамда унда эриган минерал моддаларни турпроқдан шимиб олади. Юксак ўсимликлар билан замбуруғларнинг бирга ҳаёт кечириши — микориза деб аталади.


Замбуруғлар жинсиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Жинсиз кўпайиш вегетатив ёки споралар ҳосил қилиш орқали амалга ошади. Вегетатив кўпайиши замбуруғ мицелийсининг бир бўлагидан янги мицелий ҳосил бўлади. Бир қанча замбуруғларнинг вегетатив кўпайиши куртакланиш орқали ҳам амалга ошади. Жинсий кўпайиш хилма-хил бўлиб, асосан жинсий ҳужайралар — гаметалар, яъни уруғ ва тухум ҳужайраларининг қўшилиб, зигота ҳосил бўлишидан иборат.

Замбуруғлар — жуда хилма-хил муҳитда яшашга мослашган организмлар. Улар органик қолдиқлар бўлган ҳамма жойларда, хусусан дараҳтларнинг пўстлоғида, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда одам ва ҳайвонларнинг ичак бўшлиғида яшайди, тупроқнинг органик моддалар йифилиб қолган жойларида, айниқса, замбуруғлар кўп учрайди. Паразит замбуруғларни одам, ҳайвон ва ўсимликларнинг турли органларида учратиш мумкин.

Моғор замбуруғлари. Моғор замбуруғларига оқ моғор ёки мукор ва пеницилл замбуруғлари мисол бўлади. Моғор замбуруғи сапрофит бўлиб, уни гўнгли тупроқларда, нон, сабзавот ва меваларнинг устида, зах босган уйларнинг деворида учратиш мумкин. Моғор мицелийсидаги ҳар бир гиф жуда тармоқланган кўп ядроли битта гигант ҳужайрадан иборат (22-расм). Моғор фақат споралар ёрдамида кўпаяди. Ҳавода унинг споралари доимо бўлади. Бундай споралардан қуляй шароитда гифлар ҳосил бўлади. Гифлар илиқ ва намлик етарли бўлган органик субстратда тез ўсади ва жуда кўп тармоқланган оқиш момиқ кўринишидаги мицелийни ҳосил қиласди. Гифларнинг учки қисмидаги маҳсус спорангийларда жуда майдо қора споралар етишиб чиқади. Спорангийлар ёрилганида споралар тўкилади.


Пеницилл замбуруғи кўп ҳужайралари мицелийга эга бўлиб, унинг мицелийси кўндаланг тўсиқлар ёрдамида алоҳида ҳужайраларга бўлинган. Споралари маҳсус спора бошоқчаларида етилади.

Ачитқи замбуруғлари. Ачитқилар бир ҳужайрали замбуруғлар бўлиб, мицелий ҳосил қиласди. Танаси шарсизмон шаклдаги микроскопик тузилишга эга бўлған битта ҳужайрадан иборат. Ачитқи замбуруғлари



22-расм. Моғор замбуруғи:
1 — гифлари, 2 — спорасимон
бошчаси, 3 — бошча ичидаги
споралар, 4 — мицелий танаси,
5 — ризоидлар.

анаэроб организмлар бўлиб, ҳавосиз қандли суюқ муҳитда сапрофит ҳаёт кечиради. Улар суюқлик таркибидаги шакарни этил спирти ва карбонат ангидридгача парчалайди. Бу жараён бижғиши дейилади:



Ачитқилар куртакланиш орқали кўпаяди. Бу жараёнда дастлаб ҳужайранинг сиртида кичик бўртиқча ҳосил бўлади. Бўртиқча ўсиб, алоҳида ҳужайрага айланади ва она организмидан ажралиб кетади ёки ундан ажралмасдан кетма-кет куртакланиб, занжирсимон тузилган ҳужайралардан иборат колония ҳосил қиласи. Ачитқилар илиқ ва қандли муҳитда жуда тез кўпаяди. Нон ёпишда ачитқи (хамиртуруш) замбуруғларининг фаолияти туфайли ажралиб чиқсан карбонат ангидрид гази пуфакчалари хамирни кўпчишиб, уни ғовак қиласи. Ачитқилар нон маҳсулотлари, пиво ва вино тайёрлашда кенг қўлланилади. Чорвачиликда улардан озиқ ачитқилари тайёрлашда фойдаланилади.

Қалпоқчали замбуруғлар. Қалпоқчали замбуруғлар организм моддаларга бой нам тупроқларда кўп учрайди. Улар кўп ҳужайрали мицелийсининг асосий қисми тупроқнинг устки қатламида жойлашган. Ер юзасида эса зич жойлашган гифлардан иборат мева танаси ҳосил бўлади. Мева танаси тик жойлашган поядан ва унинг устида жойлашган кенг қалпоқчадан иборат. Қалпоқчали замбуруғлар сапрофит бўлиб, тупроқдаги чириётган ўсимлик қолдиқларини парчалайди.

Қалпоқчали замбуруғлар тузилиш хусусиятларига кўра икки гуруҳ: найсимон ва пластинкасимон замбуруғларга бўлинади. Найсимон замбуруғлар (қўзиқорин, оқ дала замбуруғи ва қайнин замбуруғлари) қалпоқчасининг остки қисми жуда кўп найдалардан иборат. Пластинкасимон замбуруғлар (шампиньон, яъни қўзидумба лисичка, рижик) қалпоқчасининг остига кўп қатор бўлиб жойлашган пластинкалари бўлади.

Қалпоқчали замбуруғлар спора ҳосил қилиб кўпаяди. Найларнинг ичида ёки пластинкаларнинг оралиғида миллионлаб споралар ҳосил бўлади. Споралар етилгач, замбуруғ мицелийси емирилади ва сон-саноқсиз споралар тупроқга тўклиди ёки шамол билан ҳавога тарқалади. Ўрмон замбуруғлари муайян бир турдаги даражалар билан боғланган. Ариқлар бўйида ва гўнг уюmlари устида заҳарли гўнг замбуруғлари кўп учрайди.

Ўсимлик паразит замбуруғлари. Замбуруғлар орасида маданий ўсимликларда паразитлик қилиб, ўсимлик ҳужайраларини емирадиган ҳамда уларни кучсизлантириб, ҳалок эта-диган турлари ҳам кўп учрайди. Вилт замбуруғи ғўза ва бошқа экинларда паразитлик қилиб, сўлиш касаллигини пайдо қиласи. Вилт билан касалланган ўсимлик барглари сўлийди ва қуриб, тўклиди кетади. Ғалла ўсимликларида қоракуя замбуруғлари паразитлик қиласи. Замбуруғ гул тугунчалари-

нинг органик моддалари билан озиқланади. Заарланган ўсимликларнинг уруғлари майда бўлади, баъзан гул умуман уруғ тугмайди. Касалланган ўсимликлар бошоғида дон ўрига жуда кўп миқдорда қора споралар ҳосил бўлади. Споралар ҳосил йигиб олинганида соғлом донларга ҳам ўтади. Ана шундай донлар экилганида замбуруғ споралари униб чиқади ва уларнинг гифлари ғалла пояси ичига кириб олиб, поянинг учки қисмига қараб ўсади. Бошоқ ҳосил бўлиши билан гул тугунчалари ичига кириб олади. Қоракуя замбуруғи макка-жўхори, буғдой, арпа, сули каби маданий ўсимликлар ҳамда ғумай, ажриқ каби ёввойи ўсимликларда паразитлик қиласди.

Дараҳтларнинг пўстлоқ замбуруғларининг туёқсимон мева танаси кўп учрайди. Замбуруғ мицелийси дараҳт танасининг ёғочлик қисмида паразитлик қиласди. Паразит замбуруғ ўсимлик танасига целлюлозани парчалайдиган ферментлар ишлаб чиқаради. Паразит замбуруғнинг мева танаси остидаги найчаларда споралар етилади. Споралар дараҳт пўстлоғининг заарланган жойига тушганида мицелий ҳосил қиласди. Замбуруғ дараҳтларнинг ёғочлик қисмини емиради.


Ўсимлик паразит замбуруғлари қаторига кенг тарқалган ун шудринг ва занг замбуруғлари ҳам киради.

Замбуруғларнинг хўжаликдаги ва табиатдаги аҳамияти. Табиатда сапрофит замбуруғлар, айниқса, катта аҳамиятга эга. Улар бактериялар билан бирга органик моддаларни парчалаб минераллашибиди, тупроқнинг ҳосилдорлигини оширади. Чиритувчи замбуруғлар табиатни ўсимлик ва ҳайвон қолдиқларидан тозалайди. Микориза замбуруғлари ўсимликлар илдизи билан бирга симбиоз яшаб, уларга тупроқдан сув ва минерал моддаларни шимиб олишга ёрдам беради. Қалпоқчали замбуруғлар таркибида кўп миқдорда оқсил бўлади. Уларнинг кўп турлари; қўзиқорин, дала оқ замбуруғи, груздъ, рижик, лисичка озиқ учун ишлатилади. Шампиньонлар ва лисичкалар иссиқхоналарда ўстирилади. Ачитқи замбуруғлари нон маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар тайёрлашда кенг фойдаланилади. Тиббиётда замбуруғлардан хилма-хил антибиотик дорилар тайёрланади, ачитқи замбуруғларидан поливитаминалар тайёрланади.

Замбуруғлар орасида зиён келтирувчи турлари ҳам кўп учрайди. Паразит замбуруғлар, айниқса, ўсимликларга катта зиён келтиради. Сапрофит замбуруғлар озиқ-овқат маҳсулотларининг тез бузилишига сабаб бўлади. Чиритувчи замбуруғлар ёғочлар ва бошқа органик моддаларни чиритади. Бир қанча замбуруғлар одам, ҳайвон ва ўсимликларда ҳар хил касалликларни келтириб чиқаради.

ЛИШАЙНИКЛАР БУЛИМИ

Тузилиши. Лишайниклар симбиоз яшовчи замбуруғлар ҳамда бир ҳужайрали яшил ва кўк-яшил сув ўтларидан иборат организмлардир. Лишайниклар танасида замбуруғ гифла-




23-расм. Лишайникларнинг тузилиши:

A — гомеоморф лишайник, *B* — гетероморф лишайник:
1 — сув ўтлари ҳужайралари, 2 — замбуруғ гифлари, 3 — ризоидлари,
4 — қобиги.

ри сув ўтларини ўраб олиб, у билан бирга қўшилиб ўсиб кетади. Айрим лишайниклар танасига сув ўтлари билан бирга азот фиксация қилувчи бактериялар (азотобактерлар) ҳам киради. Замбуруғ гифлари сув ўтларини сув ва минерал озиқ билан таъминласа, сув ўтлари замбуруғлар учун органик моддалар синтез қилиб беради. Азотобактер эса лишайникка азотли бирикмалар етказиб беради.

Ташқи қўриниши ва морфологик тузилишига биноан қуйқасимон, яъни пўстлоқсимон, баргсимон, яъни пластинкасимон ҳамда бутасимон, яъни шохланган лишайниклар бўлади (23-расм). Қуйқасимон лишайниклар содда тузилган, талломи юнқа қобиқча ўхшаш бўлиб, субстратга жуда маҳкам ёпишган; уларни субстратдан ажратиб олиш жуда қийин. Улар тошлар ва дараҳт пўстлоғига ёпишиб олиб яшайди. Баргсимон лишайникларнинг талломи оддий япроқча ўхшаш, субстратга ризоидлар ёрдамида ёпишиб олади; талломи устки томондан қобиқ билан ўралган. Бутасимон лишайникларнинг талломи мураккаб шохланган бўлиб, тик ўсади. Тоғ зонасида кўп учрайдиган кладония, тундрада ўсадиган буғу лишайниги ва ёлли лишайниклар бутасимон лишайникларга мисол бўлади.

Ички тузилишига биноан лишайниклар гомеомер ва гетеромер гуруҳларга бўлинади (24-расм). Гомеомер лишайниклар танаси устки ва остки пўстлоқдан, пўстлоқ остида жойлашган замбуруғ гифлари ва гифлар орасида бир текис тарқалган сув ўтларидан иборат. Гетеромер лишайниклар танасида сув ўтлари фақат устки қобиқ остида тўпланган бўлади. Лишайник субстратга ризоидлари ёрдамида ёпишиб олади. Табиатда лишайниклар асосан вегетатив усулда кўпаяди. Лишайник танасида замбуруғ гифлари билан ўралган сув ўтлари ҳужайраларидан иборат кичик тугунча ҳосил бўлади. Бу тугунчадан



24-расм. Лишайникларнинг хилма-хиллиги:

1 — қуйқа, 2 — баргсимон, 3 — бутасимон, 4 — күчіб юрувчи.

қулай шароитда лишайник үсиб чиқади. Лишайникларнинг мұрт талломи қуриганида осон майдаланиб кетади; шамол ва ҳайвонлар ёрдамида улар узоқ жойларга тарқалади. Шу билан бирга, лишайник танасидаги организмларнинг ҳар бири мустақил күпайиши ҳам мүмкін. Хусусан, замбуруғлар споралар ҳосил қиласы; сув үтлари эса бўлиниш ёки спора ҳосил қилиш йўли билан кўпаяди. Нам жойда замбуруғ спораси униб чиқади; унинг гифлари яшил ва кўк-яшил сув үтларини ўраб олиб, янги лишайник ҳосил қиласы.

Лишайниклар тупроқ ҳосил бўлишида жуда катта аҳамиятга эга. Бу жиҳатдан улар тирик организмлар орасида биринчилар ҳисобланади. Лишайниклар яланғоч қоялар ва унумсиз қум уюмлари устида биринчи бўлиб пайдо бўлади. Уларнинг гифлари гранит тошларни емирадиган кислоталар ишлаб чиқаради. Лишайникларнинг органик қолдиқлари бошқа организмларнинг яшаши учун шароит яратиб беради. Шимолий минтақаларда буғу лишайниги (ягель) буғуларнинг асосий озиғи бўлиб ҳисобланади. Исланд мохи эса истеъмол қилинади. Лишайниклар таркибида углеводлар кўп бўлади; шунинг учун улардан спирт, глюкоза олишда фойдаланилади. Лишайниклар ҳавонинг тозалигига жуда сезир бўлганидан, улардан ҳаво тозалиги индикаторлари сифатида ҳам фойдаланиш мүмкін.

ЮКСАК ҮСИМЛИКЛАР

Юксак үсимликларга мохлар, плаунлар, қирқбўғимлар, папоротниклар, очиқ уругли ва ёпиқ уругли үсимликлар киради (3-жадвал). Эволюцион тараққиёт давомида юксак үсимликларда алоҳида органлар — илдиз, поя, барг пайдо бўлган; барг юзаси ортиб борган; фотосинтез қилувчи аппарати такомиллашиб, қуёш нуридан фойдаланиш жадаллашган. Барг юзасиничг ортиши, ўз навбатида, илдиз системасининг

З-жада а.л. Юқсан үсімликтарнинг қиёсий тасифи


Бұлғын	Хаётті шактын	Ассоций бүгінни	Күштілешін	Вакиллары	Ахамияти
Моҳимон-лар	Үт	Гаметофит	Жинссиз (Спора) жинсіл (гаметалар)	Фұнария, кәккү зиггири, сагнум	Биоценозлар таркибига киради, түпноки ботқоқлаштиради, торғ қосыл қиласы
Папорот-никсимон-лар	Үт, тропика-даражалар	Спорофит	Жинссиз (Спора) жинсий (гаметалар)	Үрмөн панорнинг	Фармацевтика саноатыда гижжа ҳайдовчи дөри тайёрлашда ғойдаланылади. Кадимғы палеотниктар тошкүмір конлары қосыл қылған
Плауцілар	Үт	Спорофит	Жинссиз (Спора) жинсий (гаметалар)	Глаун	Долм қашыл үсімліктер, Спораларидан тиббеттде удаулар, металургияда колиңшар ва порттовчы маддалар тайёрлашда қылғанылады
Кирк-бүгімлар	Үт	Спорофит	Жинссиз (Спора) жинсий (гаметалар)	Дала жиркебүгімні	Далаарда бегона ўтлар. Биоценозлар таркибига киради
Очиқ үрүғ-лилар	Дарахтлар, бұталар	Спорофит	Жинсий (урұф)	Карағай, сарға, пихта, арча	Үрмөн қосыл қиласы. Хайнлондар учун озик, құрилыш материалы, ёқынғыл, қиме, фармацевтика саноатлардың учун ломаше.
Епік үрүғ-уруганлар	Үт, үста, дарахтлар	Спорофит	Жинссиз (вегетатив) жинсий (урұф)	Бүгдой, по-мидор, олма, нок	Ер юзида жуда кенг тарқалған. Маданий, озиқ-овқат, см-хаашак, техника, дорипор, декоратив үсімліктер. Қурилыш материаллары. Бегона ўтлар озик занжирдандағы ассоций продукенттар. Атмосфера кислороды мәнбаи.

такомиллашувига, поянинг шохланиши ҳамда ўтказувчи тўқи-
маларнинг ривожланишига сабаб бўлган. Ўсимлик танасининг
ириклашуви билан поя, барг ва илдиз пайдо бўлган; бунинг
натижасида ўтказувчи, механик, қопловчи ва бошқа хил тў-
қималар пайдо бўлган.

Юксак ўсимликларнинг танаси поя, барг, илдиз каби орган-
лардан иборат бўлиб бу органлар қопловчи, ўтказувчи, фам-
ловчи, механик ва бошқа тўқималардан ҳосил бўлган. Улар-
нинг ривожланиш циклида икки насли — гаметофит ва споро-
фит навбатлашиб туради (2-схема). Гаметофит жинсий бўғин
бўлиб, унда урғочилик жинсий орган — архегоний ва эркак-
лик жинсий органи — антеридий жойлашган. Уларда тухум
ва уруғ ҳужайралари ҳосил бўлади. Гаметалар қўшилиб, зи-
готага айланади. Зиготадан жинссиз бўғин — спорофит ривож-
ланади. Спорофитда жинссиз қўпайиш органлари — спорангийлар
жойлашган. Спорангийларда споралар етилади. Спо-
ралардан яна жинсий бўғин ҳосил бўлади. Гаметофит —
гаплоид, спорофит эса диплоид бўлади (2-схема).

Юксак ўсимликлар гаметофити икки хил — эркаклик ва
урғочилик бўлади. Эркаклик гаметофитида уруғ ҳужайрала-
ри, урғочилик гаметофитида урғочилик гаметалари — тухум
етилади. Гаметофит икки жинсли ёки фақат бир жинсли бў-
лиши мумкин. Эволюция жараёнида юксак ўсимликларнинг
жинсий ҳужайралари ихтисослашиб борган. Тухум ҳужайра-
сида запас озиқ тўпланганидан анча ириклашиб борган ва
ҳаракатчалигини йўқотган. Уруғ ҳужайралари озиқ модда-
лардан халос бўлган. Тубан юксак ўсимликларнинг уруғ ҳу-
жайраси ҳаракатчан бўлиб, сперматозоид дейилади. Очиқ
уругли ва гулли ўсимликларнинг спермий деб аталадиган
уруг ҳужайралари эса хивчинини йўқотиб, кам ҳаракатчан
бўлиб қолиши туфайли улар чанг найчалари орқали тухум
ҳужайрасига етиб боради. Эволюциянинг бир мунча қўйи
погонасида турадиган юксак ўсимликларнинг жинсий қўпайи-
ши сув билан боғлиқ. Чунки моҳлар, плаунлар, қирқбўғимлар
ва папоротниклар тухум ҳужайраси уруғланганида спермато-
зоидларининг ҳаракатланиши учун сув муҳити зарур.

Юксак ўсимликлар қуруқликка чиққанидан сўнг улар
ҳаётий циклининг эволюцияси икки йўналишда борган. Моҳ-
симонлarda вояга етган ўсимлик-гаплоид гаметофит; спорофит
эса унинг бир қисми бўлиб, гаметофит ҳисобига озиқланади.
Бошқа юксак ўсимликларда эса спорофит вояга етган барг
пояли мураккаб тузилишга эга бўлган ирик ўсимликтан
иборат. Папоротникларнинг гаметофити кичик майсадан ибо-
рат бўлиб, қисқа умр кўради. Очиқ уруғли ва ёпиқ уруғли
ўсимликлар гаметофити кучли редукцияга учраган бўлиб,
хлорофиллини йўқотган. Уларнинг гаметофити спорофит тўп-
лаган озиқ моддалар ҳисобига ўсади. Ёпиқ уруғли ўсимли-
кларда эркак гаметофит чанг зарраларидан, урғочи гаметофит
муртак халтачасига тўғри келади.



2-с х е м а. Спорали ўсимликларнинг ривожланиш цикли.

Юксак ўсимликлар кўпайиш хусусиятига кўра спорали (мохлар, плаунлар, қирқбўғимлар, папоротниклар) ва уруғли (очиқ уруғли ва ёпиқ уруғлилар) га бўлинади.

МОХСИМОН (ИЎСИН)ЛАР БУЛИМИ

Моҳсимонлар — сув ўтларидан қуруқликда яшашга мослашиш натижасида келиб чиқсан спорали юксак ўсимликлар. Ер юзининг мўътадил иқлимли нам ва салқин жойларида, шуинингдек тундра ва тоғ зоналарида тарқалган. Улар лишай-


никларга ўхшаб сувсизликка жуда чидамли бўлганидан узоқ вақт сувсизликдан кейин қулай шароит келиши билан яна кўкариб кетади. Моҳсимонлар одатда паст бўйли, кўпчилиги микроскопик кўринишга эга бўлиб, танаси қисқа ўт поя ва жуда оддий тузилган барглардан иборат. Жигарсимон моҳларнинг танаси ясси талломдан иборат; поя ва баргларга бўлинмайди. Моҳларнинг ҳақиқий илдизи бўлмайди. Улар ерга бир ҳужайрали ёки кўп ҳужайрали ризоидлари (илдизсимон ўсимталари) билан ёпишиб туради. Ризоидлар поянинг ташқи қават ҳужайраларидан ҳосил бўлган илдиз вазифасини бажарувчи ўсимталар бўлиб, бир хилдаги ҳужайралардан тузилганлиги ва ўтказувчи тўқнамаларининг бўлмаслиги билан илдиздан фарқ қиласди. Кўпчилик моҳларнинг поясида ўтказувчи ва мёханик тўқима ривожланган.

Моҳсимонлар жинсий бўғини гаплоид гаметофити жинссиз бўғин диплоид спорофитидан устунлик қиласди. Улар ўзининг бу хусусияти билан бошқа барча юксак ўсимликлардан ажralиб туради. Гаметофит вояга етган ўсимлик бўлиб, фотосинтез, сувни ва минерал озиқни шимиш вазифасини бажаради. Ана шундай гаметофит бир ҳужайрали спорадан ривожланади. Гаметофит икки жинсли ёки бир жинсли бўлиши мумкин. Гаметофитининг жинсий кўпайиш органлари — антеридий ва архегонийда ҳаракатчан уруғ ҳужайралари ва ҳаракатсиз тухум ҳужайралари ҳосил бўлади. Уруғ ҳужайраси фақат сув муҳитида ҳаракатланиб, тухум ҳужайраси билан қўшила олади. Зиготадан жинссиз бўғин — диплоид спорофит ҳосил бўлади (2-схема). Спорофит кўсакча (*спорангий*) дан иборат. Спорофит мустақил организм бўлмасдан гаметофит устида жойлашган ва унинг ҳисобига озиқланади. Спорофитининг кўсакчаларида споралар ҳосил бўлади.

Моҳсимонлар бўлимни учта синфдан иборат. Улар орасида баргпояли ёки ҳақиқий моҳлар кенг тарқалган. Бу синфга яшил моҳлар (фунария, какку зигири) ва оқ моҳлар (ботқоқ моҳи) киради.

Яшил моҳлар. Какку зигири. Какку зигири игна баргли ўрмонлар, ўтлоқ ва ботқоқликларда учрайди. Баландлиги 20 см дан ортиқ бўлиб, танаси поядан ва унда зич жойлашган яшил барглардан иборат. Поянинг еrosti қисмидан кўп ҳужайрали ризоидлар ҳосил бўлади. Ризоидлар илдиз функциясини, яъни ўсимликни тупроқда ушлаб туриш ва сув ҳамда минерал озиқларни шимиб олиш вазифасини бажаради. Баргларида фотосинтез қилувчи хлоропластлар жойлашган.

Какку зигирининг вояга етган танаси гаплоид жинсий бўғин гаметофит бўлиб ҳисобланади. Гаметофит айрим жинсли, яъни икки уйли бўлиб, жинсий органлар — антеридий ва архегоний бошқа-бошқа ўсимликларда жойлашган. Эркак ўсимликнинг учки қисмидаги барглари орасида патсимон ва халтасимон ўсимта — антеридий жойлашган. Унинг ичидаги икки хивчинли сперматозоидлар ривожланади. Ургочи ўсимликларнинг



25-расм. Фунария мохи:

1 —мохнинг ташқи кўрниши, 2—етилган кўсакчалардан спораларнинг тўкилиши, 3 — споранинг унио чиқиши, 4 — спорадан униб чиқсан яшил ипча, 5 — яшил ипчадан униб чиқсан куртакча, 6 — куртакдан униб чиқсан ёш ўсимлик.

учки қисмидаги ноксимон халтача — архегонийда тухум ҳужайраси ривожланади. Сув тошганида, ёмғир ёки қор эриб, мохни сув қоплаганида хивчинли сперматозоидлар сув орқали ҳаратланиб, тухум ҳужайрасини, уруғлантиради. Уруғ ва тухум ҳужайралар гаплоид, уруғланишдан кейин ҳосил бўладиган зигота диплоид бўлади. Зиготадан ургочи ўсимликнинг устида диплоид спорофит ҳосил бўлади. Спорофит поячадан ва кўсакчадан иборат. У гаметофит ҳисобига озиқланади. Кўсакча ичида спорангий, спорангийларда эса жуда кўп споралар ҳосил бўлади. Кўсакча устидаги маҳсус қопқоқча очилиб, споралар ерга тўкилади. Споралардан нам тупроқда сув ўтларига ўхшаш яшил ипча ҳосил бўлади. Ипчанинг бир қисми тупроқга ўтади ва хлорофиллини йўқотиб, ризоидларга айланади. Унинг ерустки қисми эса куртакчаларни ҳосил қиласди. Куртакчалардан эркак ва ургочи ўсимлик ҳосил бўлади.

Фунария мохи. Фунария 1—3 см баландликдаги яшил ўсимлик бўлиб, баҳор фаслида дараҳтларнинг пўстлоғида, уйларнинг заҳ босган деворида, ариқ бўйларида, сув тушиб турдиган тарновлар остида яшил чим ҳосил қиласди.

Танаси калта поячадан ваунда эзж жойлашган бир нечта ингичка оч яшил тусдаги баргчалардан иборат (25-расм). Фунария икки жинсли, яъни бир уйли ўсимлик бўлиб, эркаклик ва ургочилик жинсий органлари битта гаметофитда жойлашган. Кўпайиш ва ривожланиш хусусиятларига кўра какку зириги ўхшаш.

Оқ мохлар. Сфагнум мохи. Шимолий минтақалардаги бот-қоқликларда сфагнум мохи кенг тарқалган. Пояси анча узун ва сершоҳ, лекин заиф бўлиб, майдада кўп сонли барглар билан қопланган. Баргларида сийрак жойлашган хлорофилли майдада ҳужайралар билан бирга уларнинг орасида йирик, рангсиз, ичи бўш ўлик ҳужайралар ҳам бўлади. Сфагнумнинг пояси

ҳам ўлук ҳужайралар билан қопланған. Барғдаги ва поядаги ўлук ҳужайралар бұшлығига күп миқдорда сув шимилганилиги туфайли сфагнум оқиши тусда бўлади. Унинг ризоидлари бўлмайди. Сфагнум поясининг учки қисми доимо ўсиб боради; поянинг остки қисми эса аста-секин ўлиб, сувга тушади, лекин сувда кислород етишмаслиги туфайли тўла чиримасдан торф ҳосил қиласди. Анаэроб парчаланишда ҳосил бўладиган органик кислоталар эса чиритувчи бактерияларнинг кўпайышига йўл бермайди.

Торф ёқилғи сифатида ишлатилади; ундан ҳар хил кимёвий моддалар (карбон кислота, спирт, смолалар) олинади. Қишлоқ хўжалигига ўғит сифатида, молларнинг остига тўшаш учун ишлатилади. Торфли ботқоқликлар намликни сақловчи манба сифатида атроф муҳит оби-ҳавосига таъсир кўрсатади. Лекин моҳлар тундра шароитида ўтлоқларни ботқоқлаштириб зиён келтиради. Ўрта Осиёning қумлик чўлларида ўсадиган тортула (кампирқўрсоқ) деб аталаған саҳро мохи ҳам яйловларнинг бузилишига сабаб бўлади.


ҚИРҚБЎҒИМЛАР БЎЛИМИ

Қирқбўғимлар — кўп йиллик ўтлар, танаси поя, барглар ва илдизпоядан иборат. Илдиз пояси яхши ривожланған бўлиб, бўғимларга ва бўғим оралиқларига бўлинган. Бўғимларда барглар тўп-тўп бўлиб жойлашган. Бу барглар шакли жуда ўзгариб кетган ён новдалардан иборат. Илдизпоядан қўшимча илдизлар ҳосил бўлиб туради. Қирқбўғимлар танасига кўп миқдорда кремний шимади.

Қирқбўғимларнинг турлари унча кўп эмас (30 дан ортиқ), асосан нам жойларда учрайди.

Дала қирқбўғими. Дала қирқбўғимининг ерустки қисми 0,5—1 м га яқин бўлади. Уни экинлар орасида, ариқлар яқинида; ўтлоқларда ва ўрмон четларида учратиш мумкин. Қирқбўғимнинг илдизпоясидан баҳорги ва ёзги новдалар ўсади (26-расм). Баҳорда илдизпоялардан қизғиши тусли спора ҳосил қилувчи баҳорги новдалар ўсиб чиқади. Новдаларнинг учидаги спорангийларда гаплоид споралар етилади. Споралар нам тупроққа тушганида улардан ипсизмон таначалар ривожланади. Уларнинг биридан антеридийли эркак гаметофит, иккинчисидан архегонийли урғочи гаметофит ҳосил бўлади. Сперматозоиди кўп хивчинли бўлиб, сув орқали тухум ҳужайрасига боғиб қўшилади. Зиготадан диплоид спорофит ўсимлик ривожланади (2-схема).

Қирқбўғимнинг ёзги новдалари яшил тусда бўлиб, унинг бўғим оралиғига барглари тўп-тўп бўлиб жойлашган. Ёзги новдаларда синтез қилинган органик моддалар илдизпояда тўпланди. Шундай қилиб, қирқбўғимларнинг ривожланиш циклида диплоид спорофит устунлик қиласди.



26-расм. Даала қирқбүгими:

1 — ёғи новда, 2 — баҳорги новда, 3 — спорали бошоқ, 4 — спорангийли спорабоща, 5 — спора, 6—7 — споранинг униси чиқиши, 8 — архегонийлик ургочи ўсимта, 9 — аитеридийлик эркак ўсимта.

Қирқбүгимларнинг 32 тури маълум, Уларнинг амалий аҳамияти катта эмас. Даала қирқбүгими бегона ўт сифатида зиён келтиради. Унинг ёзги новдаларидан сийдик ҳайдовчи дорилар тайёрланади.

ПЛАУНЛАР БҮЛИМИ

Плаунлар энг қадимий юксак ўсимликлардан ҳисобланади. Тошқўмир даврида баландлиги 30 м га етадиган дараҳтсизмон плаунлар кенг тарқалган. Ҳозирги плаунлар кўп йиллик ўтлардан иборат.

Тўғноғиҳсизмон плаун нина баргли ва аралаш ўрмонларда кенг тарқалган. Унинг ер бағирлаб ўсадиган пояси 3 м гача боради. Пояси қорамтири яшил майда тангачасизмон барглар

билин қопланган бўлиб, ундан қўшимча илдизлар ҳосил бўлади. Ёзда плауннинг ўтган йилги новдаларининг учидаги тўғноғисимон қўш «бошоқлар» ҳосил бўлади. Бу бошоқчаларда плауннинг споралари етилади. Спора ерга тушгач, ундан ипча шаклидаги жинсий бўғин — гаметофит ҳосил бўлади. Гаметофит икки жинсли, лекин унданаги эркак ва урғочи жинсий ҳужайралар бир вақтда етилмаганлиги сабабли ўзидан уруғланиш содир бўлмайди. Плаунлар — жуда секин ўсади. Споралардан гаметофитнинг ҳосил бўлиши ва ундан спорофитнинг ривожланишига қадар 20 йилдан кўпроқ вақт ўтади. Плаунлар вегетатив усулда поясининг бир қисмидан ҳам кўпаяди.


Плаунларнинг 400 дан ортиқ тури маълум, кўпчилик турлари тропик ўрмонларда ўсади. Плаунлардан саноатда металларни қолипга қўйиш ва силлиқлаш ишларида, тиббиётда эса ҳар хил упалар тайёрлашда ишлатилади.

ПАПОРОТНИКЛАР (ҚИРҚУЛОҚЛАР) БЎЛИМИ

Папоротниклар — энг қадимги юксак ўсимликлар. Кўпчилик турлари кўп йиллик ўтлар бўлиб, ҳар хил муҳитда тарқалган. Улар орасида баландлиги бир неча мм дан тортиб 20 м га етадиган дараҳтсимон турлари ҳам мавжуд. Дараҳтсимон турлари нам тропик ўрмонларда учрайди. Папоротникларнинг поя ва барглари ривожланган, илдиз системаси поядан ҳосил бўлган қўшимча илдизлардан иборат. Кўпчилик турлари илдизпоя ҳосил қиласди, барглар ана шу илдизпоядан ўсиб чиқади. Папоротникларнинг барглари фотосинтез ва спора ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Аммо бир қанча турларида фотосинтез қилувчи ва спора ҳосил қилувчи барглар алоҳида бўлади. Папоротникларнинг гаметофити кичкина пластинкадан иборат.

Эркак папоротник, яъни ўрмон шитовниги. Ўрмон шитовниги кўп йиллик ўт бўлиб, дараҳтлар соясида ўсади. Илдизпояси йирик (1—1,2 см), патсимон мураккаб барглари тўптуп бўлиб жойлашган. Бу барглар илдизпоянинг учки қисмидаги ҳосил бўлади. Ўрмон шитовнигининг тупроқни ёриб чиқаётган жигарранг ёш барглари гажаксимон буралган бўлганидан унга «эркак папоротник» деган ном берилган. Пояси жуда калта, тупроқ остида жойлашган, илдизпоясидан жуда кўп қўшимча илдизлар ҳосил бўлади (27-расм).

Ез мавсумида баргларнинг остки қисмидаги қўнғир бўртмачаларда спорангийлар ҳосил бўлади. Спорангийларда гаплоид споралар етилади. Споралар қулай муҳитга тушганида улардан 5 мм катталикдаги юраксимон яшил ясси пластинка — гаметофит ҳосил бўлади. Гаметофитнинг остки қисмидаги ризоидлари бўлади. Гаметофит икки жинсли, унда эркаклик ва урғочилик жинсий органлари — антеридий ва архегонийлар ривожланади (2-схемага қаранг). Антеридийларда сперматозоид-



27-расм. Эркак папоротник.

1 — етук ўсимлик, 2 — соруслик баргнинг бир қисми, 3 — соруснинг кесими, 4 — ўсимта, 5 — ўсимта устида ривожланган ёш спорофит.

лар, архегонийда тухум ҳужайраси ҳосил бўлади. Ёмғир ёғса ёки шудринг тушганида сперматозоидлар архегонийларга ўтиб, тухум ҳужайрасини уруғлантиради. Ҳосил бўлган диплоид зиготадан эса янги ўсимлик — диплоид спорофит ривожланади. Шундай қилиб, папоротникларда спорофит вояга етган ўсимлик бўлиб, гаметофит спорофитдан мустақил ривожланади.

Папоротниклар катта амалий аҳамиятга эга. Эркак шитовник илдизпоясидан тиббиётда паразит чувалчангларни туширадиган дори сифатида фойдаланилади. Тошқўмир даврида дараҳтсимон папоротниклар қалин ўрмонларни ҳосил қилган.

Иқлимининг ўзгариши билан уларнинг кўплаб нобуд бўлган қолдигидан ҳозирги тошкўмир конлари ҳосил бўлган.


ОЧИҚ УРУҒЛИ ҲСИМЛИКЛАР БУЛИМИ

Очиқ уруғлилар яхши ривожланган илдиз системаси, поява барглари бўлган дараҳтлар, баъзан буталардан иборат. Илдизи ўқ илдизли бўлиб, жуда кўп ён илдизлар ҳосил қиласди. Пояси юпқа пўстлоқ ва яхши ривожланган ёғочликдан иборат. Марказий цилинтри яхши ривожланмаган. Кўпчилик очиқ уруғлиларнинг пўстлоғида смола ва бошқа моддалар ишлаб чиқарадиган найлар бор. Смола дараҳтни микроорганизмлар ва зааркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қиласди.

Очиқ уруғлилар — Ер юзида кенг тарқалган ӯсимликлар. Кўпчилик турлари нинабарглилар синфига киради. Бу синфнинг кенг тарқалган вакиллари оддий қарағай, қора қарағай, тилағоч (лиственница), оқ қарағай (пихта), арча, кипарис, сарв ҳисобланади. Нинабарглиларнинг барглари ингичка бўлиб, кутикула билан қопланган, барг оғизчалари эса жуда кичкина, қишида оғизчалар смола билан ёпилганидан сув деярли бугланмайди. Нинабарглилар доимо ям-яшил ӯсимликлардир, фақат тилоғоч ҳар йили баргини тўқади, оддий қарағай 2—3 йилда, қора қарағай 5—7 йилда барг тўқади.

Қарағай — бир уйлик ӯсимлик бўлиб, бўйи 50 м га, поясининг диаметри 1 м га етади. У кўпайиш даврида икки хил қуббаларни ҳосил қиласди. Эркаклик қуббалари жуда майда, бошоққа ўхшаш бўлиб, баҳорда ӯсиб чиқсан новдаларнинг асосида тўп-тўп бўлиб жойлашади (28-расм). Қуббалар майда тангачалар билан қопланган ўқдан иборат. Ҳар қайси тангача асосида иккитадан чанг халтачаси бўлади. Халтачаларда чанг ҳосил қилувчи гаплоид *микроспоралар* жойлашган. Микроспоралар эркак гаметофит ҳисобланади. Ҳар қайси микроспора икки қават қобиқ билан ўралган. Бу қобиқлар орасида бўшлиқ — ҳаво камералари жойлашган. Ҳаво камералари чангни шамолда узоқ учиб юришига ёрдам беради. Микроспоранинг ядроси бўлинниб, генератив ва вегетатив ҳужайраларни ҳосил қиласди (3-схема). Генератив ҳужайраларнинг ўзи яна бўлиниши натижасида иккита уруғ ҳужайраси ҳосил бўлади. Очиқ уруғлиларнинг эркаклик ҳужайралари хивчинсиз, кам ҳаракат бўлиб, спермийлар дейилади. Микроспоранинг вегетатив ҳужайраси чанг найчасини ҳосил қилишда иштирок этади (4-жадвал).


Урғочилик қуббалар бошқа баҳорги шохчаларнинг учида якка-якка бўлиб жойлашган. Улар эркак қуббаларга нисбатан бирмунча йирикроқ бўлиб, ташқи ва ички тангачалар (урғочи тангачалар) билан қопланган. Ташқи уруғчи тангачалар қуруқ, пуштсиз, ички тангачалар эса серсув бўлади. Урғочи тангачалари қўлтиғида иккитадан уруғкортак жойлашган. Ҳар қайси уруғкортак қобиқдан ва кўп ҳужайрали мағиздан



28-расм. Қарағай:

1 — әрқак ва ургочи гүддали спорофит шохчаси, 2 — ургочи гүдда кесими, 3 — уруғ куртакли уруғ тангача, 4 — уруғ куртакнинг бўйига кесими, 5 — әрқак гүдда бир қисмининг узунасига кесими, 6 — микроспорангийлар, 7 — чанглар, 8 — уругнинг бўйига кесими, 9 — икки уруғлик уруғ тангача, 10 — ўтган йилги гүддаси.

ташкил топган. Қобиқда уруғ йўли — микропил бор. Уруғкуртак ҳужайраларидан бири йириклилашиб бўлинниб, тўртта ҳужайра ҳосил қиласди. Улардан учтаси смирилиб кетади, қолган биттаси эса кўп марта бўлинади. Уруғкуртак ҳужайраларидан эндосперм — запас озиқ модда ҳосил бўлади. Эндосперм ургочи гаметофит ҳисобланади. Унда иккита архегоний ривожланади. Лекин улардан фақат биттасида тухум ҳужайраси етилади. Баҳорда чанглар шамол билан учиб келиб уруғ куртакка тушади ва уруғ йўли орқали унинг ичига ўтади. Чангланишдан кейин ургочи қубба тангачалари смола билан бекилади. Шу ҳолатда келгуси йилнинг баҳоригача сақланади. Чангланишдан бир йил кейин уруғланиш содир бўлади. Бу вақт ичиди тухум ҳужайра етилади. Чангдан эса чанг



Ургланиш натижасида уругқұртакдан уруг, уругқұртак қобигидан урүғ пўсти, зиготадан урүғ мұртаги ҳосил бўлади. Эндоспермда запас озиқ моддалар тўпланади.

3-с х е м а. Қарағайнинг ривожланиш цикли.

4-ЖАДАВАЛ. ҮСИМЛИКТАР ДУНССИННИГ ЕР ЮЗИДА РИВОЖЛАНИШИ

Эралар (ёши, млн ийл хисобнада)	Даврлар	Пайдалуудаган үсимликтар	Хукмронлик килгэн үсимликтар	Кирлилб кетаётган үсимликтар
Кайназой (62—70)	Антрапоген Неотен Палеоген	Маданий үсимликтар, хозирги ёник ургулилар	Хозирги флора	Биологик ретрессга учраган түрлар
Мезоэй	Бур	Кадимги ёник ургулилар	Хозирги очик ургулилар	Очик ургулилар, папоротниктар
	Юра	Дастлабки ёник ургулилар	Очик ургулилар	Кадимги очик ургулилар, уруги папоротниктар
	Триас	Хозирги очик ургулилар	Кадимги очик ургулилар	
Палеозой (570)	Пермь	Кадимги очик ургулилар	Уруги папоротниктар, ўт папоротниктар	Дарахтсыз папоротниктар. Киркбүгимлар, плауналар
	Тошкүмир	Уруги папоротниктар	Тигант папоротниктар, киркбүгимлар, плауналар	Псилофитлар
	Девон	Замбурулар, мохлар, папоротниктар, кирдүүнлелар , плауналар	Псилофитлар, сув ўтлари	
	Сиулур	Псилофитлар	Сув ўтлари	Күпчилик сувўлари
	Ордовик Кембрый	Иирик күп хужайрали сувўларни	Бактериялар, яшил, кўк-яшил, кизил сувўлари	
Протерозой (2600)	—	Яшил ва қизил сувўлари	Яшил, кўк-яшил сувўлари, бактериялар	—
Архей (3500)	—	Кўк-яшил сувўлари, бактериялар	—	—

найчаси ҳосил бўлади, генератив ҳужайра бўлинниб, иккита спермий ҳосил қиласи. Улардан бири тухум ҳужайраси билан қўшилади ва зиготани ҳосил қиласи, иккинчиси эса нобуд бўлади. Зиготадан уруғпаллалар, илдизча, пояча ва куртакчалардан иборат муртак ривожланади, уруғкуртак бутунлай уруғга айланади. Қарағай уруғи иккинчи йил қиши фаслида пишиб етилади. Пишиб етилган қуббалар ерга тушганида очилади ва улардаги етилган уруғлар тўкилади. Шундай қилиб, ёпиқ уруғлилар уруғининг борлиги ҳамда кўпайиши сувга боғлиқ бўлмаслиги билан спорали ўсимликлардан устун туради.

Қора қарағай сояга чидамли ўсимлик, у пирамида шаклида шохланади. Тузилиши ва кўпайиш хусусиятлари билан оддий қарағайга ўхшаш, лекин барглари ва қуббалари майда, сояпарвар бўлади.

Арчанинг баландлиги 18 м гача боради. У Тяншань ва Помир тоғларининг дengiz сатҳидан 1000—3000 м баландликдаги зоналарда ўсади. Арча ёруғсевар, қурғоқчиликка чидамли икки уйли ўсимлик. Чангчи қуббалари майда, уруғчилик қуббалари шарсимон йирикроқ (0,5—1 см) бўлади. Уруғлангандан сўнг уруғчи қубба тангачалари ўсиб, этдор пўст ҳосил қиласи.

Нинабаргли ўрмонлар (қарағай) асосий қурилиш материали ҳисобланади. Уларнинг ёғочидан ҳар хил мусиқа асбоблари тайёрланади. Нина баргли дарахтлар қоғоз, сунъий ипак, спирт олиш учун хомашё бўлиб ҳисобланади. Дарахтларнинг баргидан тиббиётда ишлатиладиган скипидар ва қарағай мойи олинади. Бундан ташқари, қарағай дарахтлари бактерияларни ўлдирадиган эфир мойлари ишлаб чиқарганини туфайли қарағайзорлар атрофининг ҳавоси мусаффо бўлади.

ЁПИҚ УРУҒЛИЛАР, ЯЪНИ ГУЛЛИ ЎСИМЛИКЛАР БЎЛИМИ

Ёпиқ уруғлилар ўсимликлар дунёсининг энг катта бўлими бўлиб, 250 мингга яқин турни ўз ичига олади. Улар мураккаб тузилиши ва турлар сонининг кўплиги билан бошқа ҳамма юксак ўсимликлардан кескин фарқ қиласи. Бу ўсимликлар ер юзида кенг тарқалган бўлиб, жуда хилма-хил экологик шароитларда ҳаёт кечиришга мослашган. Уларни қуруқ жазира маисиқ чўлларда, совуқ Тундрада, баланд тоғларда ва сув муҳитида учратиш мумкин. Ёпиқ уруғлиларнинг кенг тарқалганилиги уларнинг эволюция жараёнида мураккаб тузилишга эга бўлганлиги билан bogлиқ.

Ёпиқ уруғлилар уруғи папоротниклар билан бирга битта умумий аждод — сув ўтларидан келиб чиққан. Бу ўсимликлар мезазой эрасининг бўр даврида пайдо бўлган (29-расм). Уша даврда геологик ўзгаришлар натижасида иқлимининг қуруқлаша бориши туфайли очиқ уруғлилар ва бошқа ўсимликларнинг кўп


турлари шароитга яхши мослаша олмасдан қирилиб кетган, уларнинг ўрнини бўр даврининг ўталаридан бошлаб ёпиқ уруғлилар эгаллай бошлаган (5-жадвал).

Вегетатив ва генератив органларнинг мураккаб тузилганини гулли ўсимликларнинг Ер юзида кенг тарқалишига сабаб бўлди. Гулли ўсимликлар тўқималарининг жуда яхши ихтинослашганлиги, барг юзасининг катта бўлиши туфайли уларда моддалар алмашинуви жадал кетади, фотосинтез жарёнида органик моддалар тез тўпланади. Ўларнинг уруғ куртаги тугунча ичидаги ноқулай шароитдан яхши ҳимояланган. Ёпиқ уруғлилар тузилишининг бундай хусусиятлари уларнинг тез ўсиши, кўп миқдорда уруғ ҳосил қилиши ва ҳар хил шароитга мослашиш имконини беради.

Ёпиқ уруғлилар асосий икки ҳаётини гуруҳ: дарахт ва ўт ўсимликларга ажратилади. Улар орасида ўтлар прогрессив тузилишга эга бўлиб, хилма-хил яаш мухитига яхши мослашган. Ўтлар дарахтлардан камбийсининг редукцияга учраши ва ҳаётий циклининг қисқариши туфайли келиб чиқсан.

Ёпиқ уруғлиларнинг уруғ куртаги тугунча ичидаги жойлашган. Урғочи гаметофит (муртак халтаси) ва эркак гаметофит (етилган чанг заррачаси) жуда оддий, антеридий ва архегонийлари бўлмайди. Қўш уруғланиши хусусияти билан улар бошқа ўсимликлардан кескин фарқ қиласи («Гул» мавзусига қаранг). Гулли ўсимликларнинг уруғи меванинг ичидаги жойлашган, шунинг учун улар ёпиқ уруғлилар деб аталади.

Гулли ўсимликлар табиатда катта аҳамиятга эга. Улар қуруқлик биомассасининг асосий қисмини ташкил қиласи. Ер юзида мавжуд бўлган тирик организмларнинг ҳаёти асосан гулли ўсимликлар ёки уларнинг қолдиқлари билан боғлиқ. Бу ўсимликлар инсон ҳаётида ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Деярли барча маданий ўсимликлар, шу жумладан, сабзавот, полиз ва донли экинлар, мевали дарахтлар, гуллар, манзарали ўсимликлар бўлимига мансубdir. Бу ўсимликлар ёғочсозлик ва қурилиш саноатида кенг қўлланилади; улар қофоз, кийим-кечак (пахта, зиғир толаси) ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш учун асосий ҳомаше бўлиб ҳисобланади. Шифобахш ўсимликлар тибиётда турли касалликларни даволашда фойдаланилади. Фармацевтика саноатида улардан ҳар



29-расм. Дастлабки қуруқликка чиқсан ўсимлик псилофит:

Б-ж а д в а л. Епик уруғындағы оңалардың солиши турма тавсифи

Оңаларни	Хаёттіл шакан	Гүл формулалары	Менаси	Вакиддаты	Ахамияти
Буттулдошлар	Үт	K ₄ T ₄ —Ч ₄ —Ч ₄	Күзок, құзокта	Караң, шојлом, түрл, жағ-жаз	Озиқ, ем-хашашаң экинилари. Асал беруучи, Бегона үтлар
Раъногулдошлар	Дарахт, бута, үт	K ₄ T ₅ Ч ~ Ч _{1,5}	Олма, да-нам, күп-данаклы соқта месва	Олма, ғок, олаң, олкуры, күлнай, атпиргуд, наыматай, ўрник	Мевали дарахттар, буталар, ғұр. Доривор, эфир ёғли, манаразали үсімліктер.
Бурчқондошлар	Үт, бута, дарахт	K ₅ (₆) T ₆ Ч _{5—5} Ч ₁	Дуккак	Нұхат, мош, ловия, беда, себарга, қашқар беда, акация	Озиқ-овқат, ем-хашашаң экинилари, асал беруучи. Манаразали, доривор үсімліктер. Алмашлаб экиші да мұумын ахамиятта зета.
Иттәузмодошлар	Үт	K ₅ T ₅ Ч ₅ Ч ₉	Резавор, құсакча	Картошка, помидор, ғалаки, баңгидевона, қаша, итүзүм	Озиқ-овқат, ем-хашашаң экинилари, манаразали үсімліктер. Доривор мөдделдер тайёрлашып фойдаланыладын заңдары үсімліктер
Лоладошлар	Үт	O _{r3-3} Ч _{3—3} V(3)	Құсакча	Лола, алоз, ширач	Манаразали үсімліктер
Бүгдейдошлар	Үт, базын дарахт	Мураккаб босшок, сута, рұвак	Дон	Бүгдей, шоли, маккажүхорай, ажрик, гүмай бәмбүк, тарик	Ассоций озиқ-овқат ва ем-хашашаң экинилари. Ажрик, гүмай на саломалайкүм, берона үтлар.
Пиёэдошлар	Үт	O _{3—3}	Құсакча	Пиёз, саримсок	Озиқ-овқат үчүн ишпательді.

хил дори-дармонлар тайёрланади. Ёпиқ уруғлилар иккى паллалилар ва бир паллалилар синфига бўлинади (4-жадвал).

ИККИ ПАЛЛАЛИ ҮСИМЛИҚЛАР СИНФИ

Икки паллали үсимликлар тузилишининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: 1) муртакда иккита уруғ палласи бўлади; 2) илдизи ўқ илдиз; 3) барглари патсимон ёки тўрсимон томирланган; 4) гул қисмлари кўпинча бешта, баъзан тўртта бўлади; 5) поясида камбий бўлади, поя иккиламчи йўғонлашув хусусиятига эга. Бу синфнинг асосий оиласлари — карамгулдошлар, атиргулдошлар, бурчоқдошлар, итузумдошлар, қоқидошлардир (5-жадвал).

Карамгулдошлар оиласининг кўпчилик турлари ўт, айрим вакиллари чала бута үсимликлардир. Гуллари тўғри, шингилсимон ёки баъзан супургисимон тўпгулларга тўпланган, гулқўргони мураккаб, гул формуласи $K_4T_4C_4 - 2$ У₍₂₎, яъни кося ва тожбарглари тўрттадан бўлиб, улардан бири иккincinnининг устида бутга ўҳшаш жойлашган. Чангчилари олтита, улардан иккитаси ташқи бўлиб, уларнинг устунчаси бошқаларини кига нисбатан қисқароқ бўлади. Уруғчиси битта бўлиб, иккита мевабаргининг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлади. Гуллари ҳашаротлар ёрдамида чангланади. Меваси қўзок, қўзоқча шаклида бўлади.

Карамгулдошлар оиласига мисол тариқасида ёввойи үсимликлардан: қурттэна, жағ-жағ, читирни; сабзавот экинларидан карам, турп, шолғомни; манзарали ва бўёқ берувчи үсимликлардан ўсманни келтириш мумкин.

Карам икки йиллик бўлиб, унинг бош карам, брюссель карами, барг карам, савой карами, колъраби карами деб номланувчи навлари мавжуд. Улар орасида бош карам кенг тарқалган. **Карамгулдошлар** оиласига редиска ҳам киради.

Раънггулдошлар оиласи кўп йиллик ўт, бута ёки дараҳтлардан иборат. Барглари новдада кетма-кет жойлашади. Гуллари ҳар хил тўпгулларга жойлашган ёки оддий гулдан иборат. Косяча ва тожбарглари бештадан, гулқўргони мураккаб; чангчилари кўп; уруғчиси битта (олча, олхўри), бир нечта (олма, нок, беҳи) ёки жуда кўп (наъматак, малина) бўлади. Мевалари ҳар хил: олма(олма), данакли (дўлана, ўрик, олча, бодом, шафтоли, гилос), кўп данакли (малина), сохта мева (наъматак) дейилади. Кўпчилик раънггулдошлар мева берувчи маданий үсимликлардир. Улар орасида манзарали (атиргул, дўлана) ва доривор (наъматак) вакиллари ҳам бор. Гул формуласи $K_5T_5C \sim U_{1,5} \sim$

Бурчоқдошлар (дуккақдошлар) оиласи. Бу оиласага бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик ўтлар, буталар, баъзи дараҳтлар киради. Барглари патсимон ёки панжасимон мураккаб тузилган, баъзан оддий барглардан иборат. Гуллари

қийшиқ, каллак ёки панжасимон түпгүлларда ўрнашган ёки оддий гулдан иборат. Косача ва тож барглари бештадан, гул-құрғони мураккаб тузилган. Тожбарглар капалак ёки қайиқ-ча шаклида жойлашган, улардан битта йириги елканни, иккита ён томондагилари эшкакларни ва иккита остикиси бирикиб, қайиқчани ҳосил қиласы. Чангчилари ўнта бўлиб, тўққизастининг ипчалари бир-бири билан қушилиб кетган. Ўруғчиси битта бўлади. Гул формуласи $K_5T_5C_{10}C_1$. Меваси дуккак шаклида.

Бурчоқдошлар оиласига мансуб ўсимликларнинг илдизида тугунаклари бўлади. Бу тугунакларда симбиоз ҳолда яшовчи тугунак бактериялар атмосферадаги эркин азотни тўплаб, ўсимлик ўзлаштира оладиган бирикма ҳолига келтириш хусусиятига эга. Шунинг учун бурчоқдошлар оқсилга бой бўлади, тупроқ эса илдизнинг чириши туфайли азотли ўғит билан боййиди.

6-жадвал, Икки паллали ва бир паллали ўсимликларнинг солиштирма таърифи

Белгилари	Икки паллали	Бир паллали
Уруғ муртаги-даги уруғ паллалар сони	Иккита	Битта
Илдиз системаси-нинг шакли	Үқ илдизли, баъзан попук илдизли	Попук илдизли
Қамбий	Бўлади	Бўлмайди
Барги	Оддий, мураккаб; япроғи яхлит, кесилган	Оддий, япроғи яхлит
Пояси	Үт, ёғочпоя, йўғонлашади	Қўпчилиги ўт, йўғонлашмайди
Баргининг томирланиши	Тўрсимон, патсимон, яъни панжасимон	Параллел, ёйсимон
Гул қисмлари сони	Кўпинча бешкарра, баъзан тўрткарра миқдорда	Уч карра миқдорда
Асосий оиласлари	Карамдошлар Шўрадошлар Гулхайридошлар Раънодошлар Бурчоқдошлар Итузумдошлар Токдошлар Қовоқдошлар Қоқидошлар	Лоладошлар Буғдойдошлар

Озиқ-овқат әкинларидан: нұхат, ловия, мош, ерәнгоқ; ем-хашак әкинларидан беда, себарга; ёвойи үсимликлардан: қашқарбеда, янтоқ бурчоқдошлар оиласига мансуб. Бурчоқдошлар сунъий яйловлар ташкил әтишда ва үт далали алмаш-лаб әкинша катта аҳамиятта эга.

Итузумдошлар оиласи. Бу оиласынг күпчилик вакиллари ёвойи үтлардан иборат. Барглари пояды навбат билан жойлашган, гул құрғони мураккаб, гул қисмлари (коса барг, тоғи барг, чанғчилар) бештадан, гули қийшиқ ёки түғри, урғочиси битта бўлиб, иккита мева баргчалардан ҳосил бўлган. Меваси резавор мева ёки кўсакча шаклида, гул формуласи К₍₅₎Т₍₅₎Ч₍₅₎-У₍₂₎. Уруғчининг тугунчасида уруғ куртаги кўп бўлади.

Итузумдошлар оиласига мансуб муҳим сабзавот әкинларидан, помидор, бақлажон, картошка, қалампирни; алкалоидли үсимликлардан тамаки, мингдевона ва бандидевонани; ёғ берувчи донли үсимликлардан пистани, ёвойи үсимликлардан итузумни кўрсатиш мумкин.

Қоқидошлар (мураккабгулдошлар) оиласи турларга бой бўлиб, 19 мингга яқин хилма-хил бир йиллик ёки кўп йиллик үт ҳамда бута ёки чала бута үсимликларни ўз ичига олади. Гуллари майда бўлиб, саватчада тўпланган. Саватча шакли ўзгарган яшил барглар билан ўралган. Айрим үсимликларда косачабарглари ўзгариб, парашют вазифасини бажарувчи узун тукчалар ҳосил қилади. Гулларининг формуласи турлича, энг кенг тарқалган гулларининг формуласи К₀-5Т₍₅₎Ч₍₅₎У₍₂₎ бўлади.

Қоқидошларнинг гул қисмлари бештадан, икки жинсли бўлади. Гулкоса барглари кучли редукцияга учраган бўлиб, рангли ипчага айланган. Тожбарглар эса бир-бирига қўшилиб кетган, ҳар хил шаклда: найсимон, воронкасимон ёки тилсимон бўлади. Саватчада тўпланган майда гуллари битта гулга ўхшаб кўзга ташланади. Меваси писта (кунгабоқар, астра) ёки тўзғоқли пистадан иборат.

Қоқидошлар орасида кунгабоқар мойли үсимлик тариқасида жуда кенг тарқалган. Бу оиласа кўргина манзарали (дастаргул, хризантема, картошкагул, мойчечак), доривор (мойчечак, қоқиёт, сасратқи, бўйимадорон), ёвойи (шувоқ, андиз) үсимликлар ва бегона үтлар (какра, бўзтикан) киради.

БИР ПАЛЛАЛИ ҮСИМЛИКЛАР СИНФИ

Бир паллалиларнинг муртагида битта уруғ палласи, уруғида эндосперми бўлади. Кўпчилик вакиллари попук илдизли, поя ва илдизларида камбий бўлмаганидан йўғонлашмайди. Барглари оддий тузилган, параллел ёки ўйсимон томирланади. Гул қисмлари учтадан бўлади. Бир паллалилар синфи ҳозирги замонда фанга маълум бўлган үсимликларнинг чорак қисмини ташкил этади. Кўпчилик турлари үтсимон ҳи-собланади (4 ва 5-жадвалларга қаранг).

Пиёздошлар оиласи иккى йиллик пиёзбошли ўтлар. Барглари оддий ёйсимон томирланган. Түпгуллари мураккаб соябонни ҳосил қиласы. Гулқұргони оддий, гуллари түғри (актиноформ), косача, тожибарг ва чангчилари учтадан иккى қатор бўлиб жойлашган. Меваси кўсакча. Бу оиласа пиёз туркумига мансуб бош пиёз, саримсоқпиёз кабилар киради.

Лоладошлар оиласи манзарали (лола, бойчечак) ёки доривор кўп йиллик ўсимликлар (алоэ)дан иборат. Гул формуласи О₁з-з Ч₃₋₃ У₍₃₎. Гуллари якка жойлашган. Меваси кўсак шаклида.

Буғдоидошлар оиласига асосан бир йиллик ва иккى йиллик ўт ўсимликлар киради. Айрим вакиллари кўп йиллик дараҳтлар (бамбук) ҳисобланади. Илдизлари попуксимон, пояси сомонпоя бўлиб, бўғим ва бўғим оралиқларига бўлинади. Поя бўғим оралиғи орқали бўйига ўсади. Буғдоидошлар пояларининг бўғим оралиғи бўш, барглари барг япроғи ва барг қинидан иборат. Гуллари ҳар хил түпгуллар (бошоқ, рӯвак ва сўта)да жойлашган. Гуллари остки ва устки гулқипиқлар билан ўралган. Остки гул қипиғи қалин ва яшил рангда, қилтиқли ёки қилтиқсиз; устки гул қипиғи эса пардасимон бўлади. Гул қипиқларининг остида гул қўрғонининг ўзгаришидан ҳосил бўлган иккى қават юпқа парда жойлашган. Чангчилари учта, баъзан олтита, уруғчиси битта бўлади. Чангдонларида жуда кўп чанглар етилади. Кўпчилик турлари шамол ёрдамида, айрим вакиллари эса ўз-ўзидан (арпа, сули, шоли, буғдои, тариқ) чангланади. Меваси дон ҳисобланади.

Буғдоидошлар энг муҳим озиқ-овқат экинларидан буғдои, жавдар, арпа, шоли, сули, маккажұхори туркумлари вакилларини бирлаشتиради. Улар орасида ем-хашак экинлари (судан ўти, тимофеевка), бегона ўтлар ва ёввойи ўсимликлар (ажриқ, құнғирбуш, ғумай, қамиш, буғдоинқ, ялтирибуш) ҳам бор.

II. Зоология

Ер юзида тузилиши ва ҳаёт кечириш тарзи билан бир-бидаридан фарқ қиласидиган 2,5 млн.га яқин ҳайвонлар тури маълум. Зоология (грекча «зоо» — ҳайвон, «логос» — фан, таълимот) фани ҳайвонларнинг тузилиши, кўпайиши, ривожланиши, умуман олганда ҳайвонот оламининг хилма-хиллиги ва тараққиётини ўрганади. Ҳайвонларнинг Ер юзида тарқалиши, табиятда ва инсон фаолиятидаги аҳамиятини ўрганиш ҳам зоология фани вазифаларига киради.

Зоология фани соҳасида олиб борилган текширишлар фойдалари ҳайвонларни асраш, ноёб ҳайвонларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш, зааркунанда ҳайвонларга қарши курашни түғри ташқил этиш учун асос бўлиб хизмат қиласиди.

Ҳайвонларнинг табиятдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамияти. Ҳайвонларнинг ҳаёти ўсимликлар билан чамбарчас боғлиқ. Яшил ўсимликлар ўтхўр ҳайвонлар учун озиқ ҳисобланади. Ўз навбатида ўсимликларнинг ҳаёти ҳам ҳайвонлар билан боғлиқ. Чунки ўсимлик қолдиқларининг майдаланиб чириши ва ўсимликларнинг ўсиши учун зарур бўлган минерал моддаларга айланишида бактериялар ва замбуруглар билан бир қаторда ҳайвонлар ҳам катта аҳамиятга эга. Ин қазиб яшовчи ҳайвонлар: ёмғирчувалчанглари, захкашлар, чумолилар, ҳашаротлар ва айрим сутэмизувчилар (чумолихўрлар, кемирувчилар) тупроқни аралаштириб юмшатади, кислород билан бойитади ва унга сув шимилишини яхшилади. Ҳашаротлар эса ўсимликларни чанглатиб, ҳосилдорликни оширишга ёрдам беради.

Ҳайвонлар табиятда санитарлар вазифасини ҳам бажаради. Бирқанча ҳайвонлар мурдалар, ўсимлик қолдиқлари, тўкилган барглар ва бошқа ҳайвонларнинг чиқиндилари билан озиқланиб, ер юзини улардан тозалайди. Сувда ҳаёт кечиравчи кўпчилик ҳайвонлар сувдаги майда организмлар ва органик қолдиқлар билан озиқланади ва сувни ифлосланишдан сақлади.

Ҳайвонлар инсонлар фаолиятида ҳам жуда катта аҳамият-

га эга. Энг қадим замонлардан бошлаб ҳайвонларнинг гүшти инсон учун асосий озиқ, териси эса кийим-кечак бўлиб хизмат қилган. Инсонлар ҳайвонлардан ишчи кучи ва улов сифатида фойдаланиб келганлар. Ана шу мақсадларда 40 дан зиёд ҳайвонлар тури хонакилаштирилган. Ҳозирги даврда ҳам ҳайвон маҳсулотлари инсон учун қимматли озиқ, тўқимачилик, пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика ва бошқа бир қанча саноат тармоқлари учун қимматли хомашё бўлиб ҳисобланади. Бир қанча ҳайвонлардан эса илмий текшириш ва ўқув ишларида фойдаланилади.

Ҳайвонлар орасида инсон саломатлигига, чорва моллари ва қишлоқ хўжалик экинларига зиён келтирадиган турлари ҳам кўп. Улар экинларни еб, ҳосилдорликни камайтиради; озиқ-овқат маҳсулотлари, жун, тери, ёғоч ҳамда улардан тайёрланган буюмларни буэйиб, катта зиён келтиради. Бир қанча ҳайвонлар одам, чорва моллари ва уй ҳайвонлари организмида паразитлик қилиб ҳаёт кечиради ва турли хил касалликларни келтириб чиқаради. Айрим ҳашаротлар ва каналар одам ва ҳайвонларга вабо, терлама, безгак ва бошқа хавфли касалликларни юқтиради.

ҲАЙВОНЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО УХШАШЛИК ВА ФАРҚ

Ҳайвонлар ҳам ўсимликлар сингари тирик организмидир. Шунинг учун улар орасида жуда кўп ўхшашликлар бор. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳужайралардан ташкил топган; бир қанча ҳужайра органоидлари ва ҳужайранинг таркнига кирувчи химиявий моддалар, шунингдек ҳужайралардаги кўпгина ҳаётний жараёнлар ҳам ўхшаш. Ҳайвонлар ва ўсимликлар орасидаги бундай ўхшашлик ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг негизи бир хил эканлигини, яъни уларнинг битта умумий аждоддан келиб чиққанлигини кўрсатади.

Шунинг билан бирга ҳайвонлар билан ўсимликлар ўртасида жуда кўп тафовутлар ҳам мавжуд. Ҳайвонлар ҳужайрасида қалин қаттиқ целялюзоза пўст ва фотосинтез қилувчи яшил хлоропластлар бўлмайди. Яшил ўсимликлар ёруғлик таъсирида фотосинтез орқали атроф муҳит (тупроқ, ҳаво, сув) даги анорганик моддалардан органик моддалар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Деярли барча ҳайвонлар ўсимликлар ҳосил қилган органик моддалар ёки бошқа ҳайвонлар ҳисобига ҳаёт кечиради. Аммо содда тузилган бир ҳужайрали ҳайвонлар орасида ўсимликлар сингари ёруғлик ёрдамида органик моддалар ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлган вакиллари ҳам бор. Бу ҳодиса ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсининг умумий аждодлари бор эканлигини яна бир марта исбот этувчи далиллариди.

Бундан ташқари, кўпчилик ҳайвонлар бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиб ўта олиш ва ҳар хил ҳаракатлар қила

олиш хусусиятлари билан ҳам ўсимликлардан фарқ қиласи. Кўпчилик ҳайвонларнинг маҳсус ҳаракат қилиш, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш, айирув, сезги ва бошқа органлари ривожланган.

Ҳайвонлар классификацияси. Ҳайвонлар ўзаро ўхшашлиги ва қариндошлигига қараб айрим гуруҳларга ажратиб ўрганилади. Хилма-хил ҳайвонларни гуруҳларга ажратиш классификация дейилади. Ҳайвонларнинг классификацияси билан систематика фани шуғулланади. Ўсимликлар сингари ҳайвонлар классификациясида ҳам энг кичик гуруҳ тур ҳисобланади. Ҳайвонларнинг ўзаро яқин турлари авлодга, яқин авлодлар — оиласа, оиласа — туркумга, туркумлар — синфга, синфлар — типга, типлар — кичик оламга, кичик оламлар эса битта ҳайвонот оламига бирлаштирилади.

Ҳайвонот олами иккита кенжак олам: бир ҳужайралилар ва кўп ҳужайралиларга бўлинади. Бир ҳужайралилар кенжак оламига мансуб бўлган ҳайвонларнинг танаси мустақил ҳаёт кечириш хусусиятига эга бўлган битта ҳужайрадан иборат. Кўп ҳужайралиларнинг ҳужайралари эса организмнинг бир бўлаги бўлиб бирор вазифани бажаришга мослашган. Улардан бир гурухи озиқни ушлаш ёки ҳазм қилиш вазифасини бажарса, бошқалари — ҳаракатланиш, учинчи гурухи эса муҳофаза қилиш ёки сезиш вазифасини бажаради. Кўп ҳужайралиларнинг ҳужайраси организмдан мустақил ҳолда яшай олмайди. Бундан ташқари, ҳайвонот олами умуртқа поғонаси ёки хорданинг бўлишига кўра иккита йирик гуруҳ — умуртқасизлар ва умуртқалилар гуруҳига ажратилади. Умуртқали ҳайвонларга фақат битта хордалилар типи, умуртқасиз ҳайвонларга 20 дан ортиқ тип киради.

БИР ҲУЖАЙРАЛИЛАР

Бир ҳужайралиларга танаси битта ҳужайрадан иборат бўлган микроскопик ҳайвонлар киради. Бир ҳужайралиларнинг ҳужайраси кўп ҳужайралиларнинг ҳужайрасидан мустақил равишда ҳаёт кечира оладиган организм эканлиги билан фарқ қиласи. Бундай ҳужайра модда алмашинув, таъсирланиш, ҳаракатланиш, кўпайиш каби тирик организм учун хос бўлган барча функцияларни бажариш хусусиятига эга. Ҳамма бир ҳужайралиларнинг цитоплазмаси бирмунча тиниқ ва қуюқроқ ташқи актоплазмага ҳамда донадор ички эндоплазмага ажралади. Ҳужайра эндоплазмасида митохондриялар, Гольджи аппарати, ядро ва бошқа ҳар қандай ҳужайралар учун хос бўлган органоидлардан ташқари, овқат ҳазм қилиш, ажратиш ва ҳаракатланиш ва бошқа функцияларни бажаришга мослашган маҳсус органоидлар ҳам бўлади. Айрим вакиллари (вольвокслар) колония ҳосил қилиш хусусиятига эга.

Бир ҳужайралилар 70000 га яқин турни ўз ичига олади. Улар денгиз ва чучук сув ҳавзаларида, тупроқда кенг тарқал-

7·жадвал. Бир хужайралар синфларининг чоғиштиurma тасвиғи

Синфлар ва уларнинг асосий вакиллари			
Белтиси	Соҳта беклилар (оддий имбаб)	Хизматчилар (яшил зигзаг)	Инфузориялар (туфелька)
Тана тузилиши	Хужайра мембраннынг каттиқ пусті бүлмайды. Цитоплазмасидан хосил бүлдиган сохта оқталар ёрдамда харакатланади ва озиқланади. Цитоплазмасида яро, овқат хазм қалпш, кискаручи вакуолалари бор Чүчук сувда яшайды	Танаси дұксимон, одд томоннда битта хивчини, кизил дөф күзаси, биғи қаттық бүліб, киприклар болдан кискаруучы вакуоли бор. Хужайра-сан қаттиқ хитин гүст билан копшаклида. Цитоплазмасида органдарды, кагта ва кичик ядролари, иккита қискаруучы, овқат хазм қалпш, вакуолалары, ён томоннда оғиз олди чукурчаси бор	Мураккаб түзилтән, Хужайра копшаклида. Озиғи оғизолди чукурчанади. Озиғи өзінде чукурчаси киприклари өрдемшада оғанға, кейінн цитоплазмасына тушади, у ердің қилишін вакуоли хосил бүллади. Каттық озиқ колдиклары маҳсус қискаруев тешигидан чиққиб кетади
Озиқланыш	Бактериялар, бир хужайралар сув-үтилер. Фагоцитоз орқали овқат бүллади. Хазм қилиш вакуолалари хосил бүллади. Хазм қилиш моддалар шигомиазмага сурьлады, каттық озиқ вакуолалары бүлмайды Колдиклары цитоплазманинг түғри келганд жойдан чиқарыб ташаплади	Ергулника автотроф (фотосинтез) озиқланади. Ергулник бүлмага ныда гетеротроф (санрофит — сув-бүллади) озиқ моддалары билан) озиқланынга үтади. Хазм қилиш Амёба каби нафас олади	Бактериялар билан (гетеротроф) озиқланади. Озиғи оғизолди чукурчаси киприклари өрдемшада оғанға, кейінн цитоплазмасына тушади, у ердің қилишін вакуоли хосил бүллади. Каттық озиқ колдиклары маҳсус қискаруев тешигидан чиққиб кетади
Нафас олиши	Хужайраннин ташки мембраннынси орқали газ алмапинуви содир бүллади. Нафас олни ва энергия мағази митохондриялар ҳисобланади	Амёба каби нафас олади	Сув вә моддалар алмашынунинг охиди маусулыларды иккита қискаруучы вакуолаларға йигінади
Ажратиши	Сув ва моддалар алмашынуни махсус қискаруучи вакуолага инфилядиди ва ташқарига чиқарылади	Амёба каби нафас олади	Сув вә моддалар алмашынунинг охиди маусулыларды иккита қискаруучы вакуолаларға йигінади

Сиифлар на уларнинг асосий вакиллари

Белгиси	Сохта оёклилар (оддий амбас)	Хивчилилар (иншил эвглене)	Инфузориялар (түфелька)
Таъсирлаштирилди	Озиқка, сұрулікка ижобий таксис, туз әртүрласыга салбый таксис хосил қыллади	Амбасдаги сингари бўлади	Жинисиз кўлашнида митоз орқали кўндалғанга иккига бўлинади. Жинсий кўйанишда иккита турфелька үзаро шитоплазма куприкчачари орқали ядро бўлакчалари билан алмашинади
Кўпайшили	Факат жинисиз кўяяди, Хужайраси митоз орқали бўйтга бўлинади	Факат жинисиз кўяяди, Хужайраси митоз орқали иккига бўлинади	Фойдаси: озиқланни заажири биопсияни таркибига киради. Успилик ва Ҳайдарининг умумий аждодларини аниқлашда назарий асос бўлади. Зарар: сув гуллашнилар олам беради. Зарар: Ҳайдарининг өдам ва Ҳайвонлар Конклав, штагида наразитлик қилиб, турли касаллик қаради
Аҳамияти	Фойдаси: озиқ заажири таркибига киради. Денгиз сохтаоёклилари чиганоги қолдиги оҳактош, бўр каби тоз жинислари хосил қиласади. Айрим сохтаоёклилар ёрдамдан нефть конлари қидириб тошилади. Зарар: тиббурур амбасдан ичбурур каталгини коттириб чиқаради	Фойдаси: озиқланни заажири биопсияни таркибига киради. Успилик ва Ҳайдарининг умумий аждодларини аниқлашда назарий асос бўлади. Зарар: сув гуллашнилар олам беради. Зарар: Ҳайдарининг өдам ва Ҳайвонлар Конклав, штагида наразитлик қилиб, турли касаллик қаради	

ган. Бир қанча вакиллари одам ва ҳайвонлар организмидә паразитлик қиласы. Құпчилик бир ҳужайралилар нокулай шароит түғилғанда (масалан, ҳаво совуганда ёки нам камайғанда) тана сиртига қалин пүст ҳосил қилиш, яғни цистага айланиш хусусиятига эга. Циста уларни нокулай шароитдан ҳимоя қиласы ҳамда тарқалишига ёрдам беради. Бир ҳужайралилар сохтаоёқ хивчинлилар, инфузориялар, споралилар каби бир неча типларга бўлинади (7-жадвал).

СОХТАОЁҚ ХИВЧИНЛИЛАР ТИПИ

Сохтаоёқ хивчинлиларнинг ҳаракатланиш органоидлари цитоплазма ўсимтасидан ҳосил бўладиган сохтаоёқлар (псевдоподийлар) ва хивчинлар ҳисобланади. Бу тип сохтаоёқлilar ва хивчинлилар синфларига бўлинади.


Сохтаоёқлilar 10000га яқин энг содда тузилган бир ҳужайрали ҳайвонларни ўз ичига олади. Улар ҳужайрасининг сиртида қаттиқ ҳужайра қобиги бўлмайди. Цитоплазма сиртида ҳосил бўлиб турадиган сохтаоёқлар деб аталувчи ўсимтасалар ёрдамида ҳаракатланади ва улар ёрдамида озиғини қамраб олиб ҳазм қиласы. Сохтаоёқлilar чучук сув, тупроқ, айниқса денгизларда кенг тарқалган. Айрим турлари паразитлик қилиб ҳаёт кечиради.

Оддий амёба чириётган ўсимлик қолдиқларига бой бўлган саёз чучук сув ҳавзаларининг тубида ҳаёт кечиради. Каттаги 0,2—0,5 мм бўлиб, танаси дилдироқ цитоплазмадан ва цитоплазма ичиде жойлашган қисқарувчи вакуола ва битта пуфаксимон ядро ва бошқа ҳужайра органоидларидан иборат. Цитоплазма сиртида қаттиқ қобик бўлмаслиги туфайли амёба танасининг сиртида доимо сохта оёқлар ҳосил бўлиб туради. Амёба сохта оёқлари ёрдамида ҳаракатланади (30-расм).

Амёба бактериялар, бир ҳужайрали сув ўтлари ва бошқа содда ҳайвонлар билан озиқланади. Озиғини сохта оёқлари ёрдамида қамраб олиб, ҳужайра ичиде овқат ҳазм қилиш вакуоласи ҳосил қиласы. Озиқ цитоплазмадан ажralадиган ферментлар ёрдамида ана шу вакуола ичиде ҳазм бўлади. Ҳазм бўлмаган озиқ қолдиқлари эса цитоплазманинг тўғри келган жойидан чиқарип юборилади. Озиқнинг ҳужайра ичи-

30-расм. Оддий амёба:

1 — сохта оғри, 2 — цитоплазмаси, 3 — овқатни қамраб олиши ва ҳазм вакуолининг ҳосил бўлиши, 4 — қисқарувчи вакуоли, 5 — ядроси, 6 — овқат ҳазм қилиш вакуоли.



да бундай ҳазм бўлиши, фагоцитоз дейилади. Фагоцитоз хусусияти деярли барча бир ҳужайрали ва тубан тузилган кўп ҳужайрали ҳайвонлар учун хосдир.

Амёба ҳужайрасига юпқа мембранаси орқали ташқи муҳитдан сув тўхтовсиз цитоплазмага сизиб ўтиб туради. Ажратиш вазифасини битта қисқарувчи вакуола бажаради. Сувнинг ортиқча қисми ва моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган карбонат ангидрид гази ва бошқа маҳсулотлар цитоплазмадаги қисқарувчи вакуола орқали чиқарилади. Вакуола қисқарганида бу моддалар ҳужайрадан ташқарига чиқарип ташланади. Тана босимининг бу усуlda бошқарилиши *осморегуляция* дейилади.

Амёба ҳамма ҳайвонлар сингари таъсиrlаниш хусусиятига эга. Агар амёба бўлган сувга ош тузи эритмасидан бир томчи ташланса, у сохта оёқларини тортиб олиб, юмaloқланади.


Амёба митоз усулида иккига бўлиниш йўли билан жинсий кўпаяди. Бунда дастлаб ядрои чўзилиб иккига бўлинади; унинг танаси ҳам ўртасидан ингичкалашади. Ядролар икки томонга ажралгандан сўнг амёба танаси ҳам иккига бўлинади. Амёба баҳор ва ёз мавсумида бир кеча-кундузда бир неча марта бўлиниши мумкин. Ноқулай шароит (совуқ ёки қурғоқчилик) таъсирида амёба ҳаракатланишдан тўхтаб, юмaloқланади ва танаси сиртида қалин пўст ҳосил қилиб, цистага айланади. Циста ҳайвонни ноқулай шароитдан сақлади. Қулай шароит туғилди дегунча циста қобиғи ёрилиб, ундан амёба чиқади ва яна озиқланиб кўпая бошлади.

Денгизларда оҳак ёки кремний (қум) чиганоқли сохта оёқлилардан ҳар хил фораминифералар ва нурсимонлар кенг тарқалган. Қадимги фораминифералар чиганоги сув тубига чўкиб, катта оҳактош конларини ҳосил қилган. Одам ва сут-эмизувчи ҳайвонлар ичагида яшайдиган ичбуруғ амёбалари оғир ичбуруғ касаллигини келтириб чиқаради.

ХИВЧИНЛИЛАР СИНФИ

Хивчинлилар синфи қилга ўхшаш битта ёки бир неча хивчинлар ёрдамида ҳаракатланадиган 8000 дан кўпроқ турни ўз ичига олади. Кўпчилик турлари чучук сув, тупроқ ва денгизларда эркин ҳаёт кечиради. Бир қанча турлари яшил рангда бўлиб, ўсимлик сингари ёруғлик таъсирида фотосинтез усулида озиқланади. Айрим турлари одам ва ҳайвонларнинг ҳавфли паразитлари ҳисобланади (лейшмания, трипаносомалар). Хивчинлиларнинг эктоплазмаси ташқи томондан қаттиқ пўст билан қопланган, танаси ҳар хил шаклда бўлади. Айрим хивчинлилар кўп ҳужайрали колония ҳосил қилиш хусусиятига эга (вольвокслар). Кейинги маълумотларга биноан хивчинлилар сохтаоёқлилар билан бирга саркомастигофоралар (сохтаоёқ хивчинлилар) типини ташкил этади.

Яшил эвглена туриб қолган кўлмак сув ва ҳовузларда кўп



31-расм. Япил эвглена:

1 — хивчин, 2 — күзча, 3 — қисқарувчи вакуоли, резервуари, 4 — қисқарувчи вакуоли, 5 — йигувучи вакуоллар, 6 — парамила доначалари, 7 — хроматофорлар, 8 — ядро.

учрайди. Танаси 0,05 мм катталиктада, дүкка ўхшаш, эктоплазмаси ташқи томондан эластик пелликула пүст билан қопланган (31-расм). Олд томонида битта узун ингичка хивчинни бор. Хивчинни пармага ўхшаб буралиши билан эвгленанинг танаси айланиб олдинга томон сузид кетади. Эвглена цитоплазмасида битта йирик ядро, қисқарувчи вакуол, 20 га яқин яшил ранг берувчи хроматофор ва битта доғсимон қизил күзча жойлашган. Хроматофорларда яшил пигмент хлорофилл бўлади. Шунинг учун эвглена ёруғликда яшил ўсимлик сингари фотосинтез қилиш, яъни автотроф озиқланиш хусусиятига эга. Фотосинтез жараёнида эвглена цитоплазмасида таркиби ўсимлик крахмалига ўхшаш бўлган запас озиқ модда — *парамила доначалар* шаклида тўпланади.

Эвглена хивчинининг асосига яқин жойдаги қизил доғ кўзчаси ёрдамида ёруғликни сезади. Шунинг учун у ёруғлик тушадиган томонга қараб ҳаракатланади. Агар эвглена узоқ вақт қоронги жойда қолиб кетса, яшил пигментини йўқотиб, бутуни тана юзаси орқали сувда эриган органик моддаларни шимиб, ҳайвонлар учун хос бўлган сапрофит озиқланишга ўтади.

Эвглена танасида қизил доғ кўзчаси яқинида жойлашган қисқарувчи вакуоли осморегуляция вазифасини бажаради. Эвглена ҳам амёба сингари бутун танаси орқали сувда эриган кислород билан нафас олади.

Яшил эвглена митоз йўли билан иккига бўлиниш орқали кўпаяди. Аввал цитоплазмадаги ядро, шундан сўнг эвглена танаси бўйламасига иккига бўлинади. Бўлиниш бошланганда эски хивчин ёнида иккинчи хивчин ҳосил бўлади. Бўлиниш шу икки хивчин ўртасидан ва ядролар ўртасидан бутун тана бўй-

лаб ўтади. Натижада эвглена танаси тенг иккига бўлинади. Ноқулай шароитда эвглена хивчини тушиб кетади, танаси юмaloқланади ва тана сиртига қалин қобиқ чиқариб циста ҳосил қиласди.

Яшил эвглена ёруғликда ўхшаш фотосинтез орқали автотроф озиқланса ҳам хивчинлари ёрдамида фаол ҳаракат қилиши, ёруғлик етишмаганида тайёр озиқ билан сапрофит озиқланниши уни ҳайвонот дунёсига яқинлаштиради. Бу ҳол ўсимлик билан ҳайвонларни битта умумий аждоддаги келиб чиқсанлигини кўрсатади.


Вольвокс колония бўлиб яшовчи хивчинлилардан ҳисобланади. Вольвокснинг шарга ўхшаш колонияси 1000 га яқин хламидомонада сингари ноксимон икки хивчинли ҳужайралардан иборат. Ҳужайралар колония сиртида жойлашган, колониянинг ички қисми қуюқ елимсимон модда билан тўлган. Хивчинларининг бирваракайига тебраниши туфайли вольвокс думалаб ҳаракат қиласди. Колониядаги ҳужайралар ўзаро цитоплазматик ипчалар ёрдамида қўшилган бўлиб, мустақил яшаш хусусиятини йўқотмаган. Вольвокс жинссиз йўл билан кўпайганида унинг айрим ҳужайралари колония ичига тушиб, бўлина бошлиди ва янги колонияларни ҳосил қиласди. Вольвоксга ўхшаш колония бўлиб яшовчи хивчинлилар кўп ҳужайрали ҳайвонларнинг келиб чиқишини тушунтиришда катта назарий аҳамиятга эга.

Ўрта Осиёнинг айрим жанубий ҳудудларида учрайдиган лейшманія одамлар юзи ва терининг бошқа очиқ жойларида яшаб, «ёмон яра», яъни «пашшахўрда» деб аталадиган тери касаллигини пайдо қиласди. Чўл минтақаларида тарқалган бу касалликни исказбтопарлар юмронқозиқлардан одамга юқтиради. Кон зардобида паразитлик қиласдиган *трипаносомалар* тропик Африкада хавфли уйқу касаллигини пайдо қиласди. Одамнинг ўт пуфаги ва ўт йўлларида ламблия паразити яшайди. Лейшманія, трипаносома ва ламблия ҳақиқий ҳайвонлар бўлиб, фақат паразитлик қилиб ҳаёт кечиради.

ИНФУЗОРИЯЛАР

Инфузорияларнинг 7000 дан ортиқ тури маълум. Кўпчилик инфузориялар чучук сувларда, айрим турлари денгизларда яшайди. Улар бактериялар, бир ҳужайрали сув ўтлари ва жуда майдага ҳайвонлар билан озиқланади. Айрим турлари ўтхўр ҳайвонларнинг ошқозонида яшаб, уларга ўсимлик клетчаткасининг ҳазм бўлишида ёрдам беради. Инфузориялар мураккаб тузилган бир ҳужайрали ҳайвонлардир. Уларнинг танаси жуда кўп майдага киприкчалар билан қопланган. Киприкчалар ҳаракатланиш органоидлари ҳисобланади. Инфузорияларда икки хил — катта (макронуклеус) ва кичик (микронуклеус) ядро бор.

Туфелька инфузорияси чиринди моддаларга бой бўлган



32-расм. Туфелька:

1 — ұхжайра оғиз тешігі, 2 — чиқариш тешігі, 3 — киприклар, 4 — кичик ядро, 5 — катта ядро, 6 — цитоплазма, 7 — ҳазм вакуоли, 8 — қисқарувчи вакуол.

чучук сувларда учрайди. Узунлиги 0,1—0,3 мм, танасининг шакли пойабзалнинг тагчармига ұхшайды (32-расм). Киприкчалари тана сиртида бир неча қатордан бир текис бўлиб жойлашган. Киприкчаларнинг бир меъёрда тўлқинсимон ҳаракатланиши туфайли туфелька тўмтоқ томони билан олдига қараб сузади.

Туфелька танасининг ён томонида чети киприклар билан қопланган чуқурчаси тубида оғиз тешикчаси жойлашган. Бу тешикча қисқа ҳалқумга очилади. Чуқурча четидаги, киприкчалар тебранганида туфельканинг озиғи (бактериялар) ҳалқумнинг тубига тўпланади. Озиққа цитоплазмадан ҳазм шираси ажралиб чиқиб, ҳазм вакуола ҳосил бўлади. Бу вакуол цитоплазмада ҳаракатланиб, озиқни ҳазм қиласи. Озиқ қолдиги эса танасининг кейинги қисмидаги маҳсус чиқариш тешиги орқали ташқарига чиқариб юборилади.

Туфельканинг нафас олиши ва осморегуляция хусусияти бошқа бир ұхжайралиларга ұхшаш. Қисқарувчи вакуоллари иккита. Туфелька цитоплазмасидан ортиқча сув ва алмашинув маҳсулотлари маҳсус найчалар орқали қисқарувчи вакуолларга тўпланади ва вакуолалар қисқариши билан ташқарига чиқариб юборилади.

Туфельканинг катта ядроси битта ловиясимон, кичик ядро-си битта ёки бир нечта (думалоқ) бўлади. Қулай шароит юзага келиши билан туфелька кўндалангига тенг иккига бўлиниш орқали жинссиз кўпаяди. Бунда аввал кичик ва катта ядролар кетма-кет иккига бўлинади, туфельканинг танаси ўрта қисмидан ингичкалашиб, ядролар икки томонга биттадан ўтади. Сунгра туфелька танаси ингичкалашган жойидан иккига ажралади ва иккита туфелька ҳосил бўлади. Шу билан бирга туфелька жинсий йўл билан ҳам кўпаяди. Жинсий кўпайишда иккита туфелька бир-бирига яқинлашганидан сунг уларнинг кичик ядролари бўлинади. Инфузориялар ўзаро ядролар алмашинувидан кейин яна ажралиб кетади. Бу жараённинг асосий моҳияти туфелькаларнинг бир-бири билан ирсий информация алмашинувидан иборат.

Туфелька бошқа бир ұхжайралиларга нисбатан кучли таъсирланади. Инфузория сувнинг кимёвий таркиби ва ҳароратини яхши сезади. Бундан ташқари, туфелька пелликула қобиғи остидаги эктоплазмасида калта таёқчасимон куйдирувчи таначалар жойлашган. Куйдирувчи таначалар туфельканни душманлардан ҳимоя қиласи. Туфелькага бошқа йиртқич ҳайвонлар ұхжум қилганида таёқчалар отилиб чиқиб, йиртқич танасига санчилади ва уни чўчитади.


Балантидий инфузорияси одамнинг йўғон ичагида, *ихтиофтириус* инфузорияси чўчук сувда яшовчи балиқларнинг жабраси ва терисида паразитлик қиласи. *Совутли инфузориялар* эса кавшовчи туёклиларнинг ошқозонида яшаб, ўсимлик клетчаткасини ҳазм қилишга ёрдам беради. Сигир ошқозони 1 см³ суюқлигидаги 2 млн гача инфузория бўлиши аниқланган.

СПОРАЛИЛАР

Споралилар фақат паразит яшовчи бир ҳужайралиларни ўз ичига олади. Паразит яашаш таъсирида уларнинг тузилиши жуда соддалашган бўлиб, ҳаракатланиши, ҳазм қилиш, қисқарувчи вакуолалари йўқолиб кетган. Споралиларнинг ҳаёт цикли жуда мураккаб бўлиб, кўпинча хўжайн алмаштириш орқали ривожланади. Кўпчилик турлари ривожланишининг охирги даврида спора ҳосил қиласи. Споралилар орасида кокцидиялар айниқса кенг тарқалган бўлиб, деярли барча ҳайвонлар ва одам ичаги эпителийсида паразитлик қиласи.

Тут ипак қурти танасида паразитлик қилувчи нозема паразити ипак қуртида қорасон касаллигини, асалари ноземаси эса асалариларда ичбуругни пайдо қиласи. Споралилардан беззак паразити айниқса кенг тарқалган ва хавфли ҳисобланади.

Беззак паразити (33-расм) одам қони эритроцитлари ва жигар тўқимаси ҳужайралари ичидаги паразитлик қиласи. Паразитни беззак чивини қон сўрганда одамга юқтиради. Паразит дастлаб жигарда кўпая бошлайди. Фақат икки ҳафтадан сўнг



33-расм. Беззак паразитининг ривожланиши:

A — одам организмидаги:
1 — жигар ҳужайраларида жинсиз кўпайипи, 2 — қизил қон ҳужайраларида жинсиз кўпайиш, 3 — шаклла наетгаён эркак ва тухум ҳужайралари;

B — чивин организмидаги:
4 — жинсий ҳужайраларнинг қўшилиши (жинсий кўпайиш), 5-6 — ошқозон деворида жинсиз кўпайиш, 7 — сўзлак безидаги паразитлар, 8 — паразитни одамга юқиши.

жигардан қон эритроцитлари ичига кириб олади ва жинссиз бўлиниш орқали жуда тез кўпая бошлайди. Бу давр касаллик аломатлари билинмайдиган яширин давр ҳисобланади. Ҳар доим эритроцитлардан бирданига жуда кўп паразитлар қон плазмасига чиққанидан заарланган кишида безгак хуруж қиласди. Касалга чалинган кишичинг ҳарорати кескин ошиб, боши қаттиқ оғрийди. Эритроцитларнинг кўплаб емирилиши оғир кам қонлик касаллигини келтириб чиқаради. Одам қонида безгак паразитининг жинссиз кўпайиши ҳар 24 ёки 48 соатда такрорланиб турганидан безгак хуружи ҳам такрорланиб туради. Чивин касал одамини чақиб, паразитни яна соғ одамга юқтиради. Чивин организмида паразит жинсий йўл билан кўпаяди. Шундай қилиб, одам организмида безгак паразити фақат жинссиз кўпайганидан у оралиқ хўжайин, чивин эса асосий хўжайин ҳисобланади.

Яқин йилларга қадар безгак жанубий районларда, айниқса, Урта Осиё республикаларида жуда кенг тарқалган эди. Безгакка қарши кенг кўламда олиб борилган кураш натижасида асримизнинг 60-йилларида касаллик бизнинг мамлакатимизда батамом тутатилди. Ҳозирги пайтда беъзак Осиё, Африка ва Австралияning нам ва илиқ иқлимли ҳудудларида кенг тарқалган.

БЎШЛИҚЧЛИЛАР ТИПИ


Бўшлиқчилар типига танаси икки қават бўлиб жойлашган ҳужайралардан ташкил топган 9 мингга яқин кўп ҳужайрали денгиз ва чучук сув ҳайвонлари киради. Уларнинг танаси нурли симметрияли бўлади. Ягона тана бўшлиғи ичак вазифасини ҳам бажаради. Бу бўшлиқ ташқи муҳит билан фақат оғиз тешиги орқали боғланган. Нерв ҳужайралари танада тарқоқ жойлашган. Ҳамма бўшлиқчиларнинг отувчи ҳужайралари бўлади. Кўпчилик тұғлари денгизларда ўтроқ яшайди.

Гидра (34-расм) тиниқ сувли дарё, кўл ва ҳовузларнинг қирғоги яқинида сув ўсимликларига ёпишиб олиб яшайди. Цилиндричесимон танасининг узунлиги 5—7 мм бўлиб, остки томони товон дейилади. Товонининг қарама-қарши томонида оғиз тешиги бўлади. Оғзи атрофидә жойлашган 6—12 та узун ригидика пайпаслагичлари ўлжани тутиш учун хизмат киласди. «Полип» сўзи кўпёёқ маъносини англатади. Гидра каби сув тубига ёпишиб яшовчи кўп пайпаслагичлари бўлган бўшлиқчилар полиплар дейилади. Гидра ва ҳамма бўшлиқчилар радиал ёки танаси симметрик ҳайвонлар. Чунки уларнинг танасини тана ўқи бўйлаб тенг бўлакларга бўлиш мумкин.

Гидра танасини ичи бўш цилиндрга ўхшатиш мумкин. Бу бўшлиқни икки қават бўлиб жойлашган ҳужайралар ўраб туради. Иккала қаватни ҳужайрасиз оралиқ моддадан иборат юпқа парда ажратиб туради. Ташқи қават — эктодерма тери-

34-расм. Чучук сув гидраси:
A — бүйінша кеоми, B —
күйдалапш кесими:

1 — оғиз тәшиги, 2 — ичак бұшылғы, 3 — эктодерма, 4 — эндодерма, 5 — мезоглея, 6 — сперматозоидли бұртма, 7 — түхум ұжайраси бұлған бұртма, 8 — отувчи ұжайра, 9 — нерв ұжайраси, 10 — куртак, 11 — пайпаслагич, 12 — товон.



мускул, отувчи, нерв ва майдада оралық ұжайралардан иборат. Тери-мускул ұжайралари эктодермада зич жойлашган бұлиб, қисқарыш хусусиятига эга. Улар ёрдамида гидра пайпаслагичлар ва танасини әгіб қисқартыриши ҳамда одимлаб ёки үмбалоқ ошиб ҳаракатланиши мүмкін. Эктодерма қаватида, айниңса пайпаслагичларда отувчи ұжайралар күп бўлади. Отувчи ұжайралар ичидә күйдирувчи ингичка толалари бўлған отувчи капсула бўлади. Гидра йиртқич ҳайвон. Майдада жониворлар (балиқ чавоқлари, дафния, циклоп ва бошқалар) пайпаслагичларига тегиб кетганда капсуладан толалар отилиб чиқиб, ҳайвон танасига санчилади ва уни фалажлайди. Эктодермада юлдузсимон нерв ұжайралари тарқоқ жойлашган. Улар ўваро ўсимталари орқали туташиб, нерв түрини ҳосил қиласади. Нерв ұжайралари механик таъсир, ҳарорат ва бошқа ташқи муҳит таъсирини сезади. Таъсиirlар нерв ұжайраларида қўзғалиш пайдо қиласади. Қўзғалиш нерв ўсимталари орқали тери-мускул ұжайраларига узатилиб, уларнинг қис-

қаришига сабаб бұлади. Нерв системаси орқали ташқи мұхит таъсирига бериладиган бундай жавоб рефлекс дейилади. Гидра танасидаги ҳамма ҳужайралар эктодермада жойлашган майда ва думалоқ оралық ҳужайралардан ҳосил бўлади.

Ички қават — эктодерма овқат ҳазм қилиш вазифасини бажаради. Бу қават икки хил — безли ва хивчинли ҳужайралардан иборат. Безли ҳужайралар тана бўшлиғига ҳазм шираси ишлаб чиқаради. Шира таъсирида тана бўшлиғига озиқ қисман ҳазм бўлади. Иккинчи хил ҳужайраларда 1—3 та хивчин бўлиб, улар соxта оёқлар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Соxта оёқлари қисман ҳазм бўлган озиқ зарраларини қамраб олади. Озиқ-овқат ҳазм қилиш вакуолалари ичиде батамом ҳазм бўлади. Ҳазм бўлмаган озиқ қолдиғи оғиз орқали чиқарилади. Эктодерма ҳужайралари айириш функциясини ҳам бажаради. Гидра бутун танаси юзаси орқали нафас олади.

Гидра жинсий ва жинссиз кўпаяди. Жинссиз кўпайиши куртакланиш орқали содир бўлади. Қулай баҳор ва ёз мавсумида гидранинг ён томонида эктодермадаги оралық ҳужайралари кичик бўртиқ — куртак ҳосил қиласи. Куртакнинг учидаги аввал пайпаслагичлар, сўнгра оғиз пайдо бўлади. Кейин ёш гидралар ажралиб кетиб, мустақил яшай бошлайди. Кузда бирмунча ноқулай шароитда гидра жинсий кўпая бошлайди. Гидралар айрим жинсли ёки гермафрорит бўлиши мимкин. Жинсий ҳужайралар гидра танасининг ён томонидаги кичик бўртмачаларда ҳосил бўлади. Тухум ҳужайраси йирик амёбасимон, уруғ ҳужайралари — сперматозоидлар хивчинли ҳаракатчан майда ҳужайралардан иборат. Етилган сперматозоидлар сув орқали келиб, тухум ҳужайрасига киради ва унинг ядрои билан қўшилади. Уруғланган тухум ҳужайра пўст билан қопланади ва қишлиб қолади. Қишида гидра ҳалок бўлади, тухум ҳужайрадан баҳорда ёш гидра ривожланиб чиқади.

Гидрада регенерация, яъни тананинг жароҳатланган ёки узилиб тушган қисмининг қайта тиклаш хусусияти яхши ривожланган. Гидра танаси бир неча бўлакка ажратилганда ҳам ҳар қайси бўлакдан янги гидра ҳосил бўлиш хусусиятига эга.

ДЕНГИЗ БЎШЛИҚЧИЛАРИ

Денгизларда яшовчи бўшлиқчилар орасида сув тубида якка яшовчи актиниялар, колония бўлиб яшовчи коралл полиплар ва планктон таркибида эркин яшовчи медузалар кенг тарқалган.

Актиниялар — сув тубида якка ҳолда яшовчи полипларга киради. Уларнинг кўрининиши гидрага ўхшашиб, лекин йирик (диаметри 0,5 м гача) бўлади. Оғиз тешиги атрофида жуд кўп пайпаслагичлари бир неча қатор бўлиб жойлашган. Улар ҳам гидралар сингари йиртқич бўлиб, майда сув ҳайвонлари билан озиқланади.

Коралл полиплар — колония бўлиб яшовчи бўшлиқчилар.

Колония гидрага ўхшаш тузилган, жуда күп полиплардан иборат. Уларнинг тана девори қаттиқ оҳак скелет ҳосил қиласди. Коралл полиплар колониясидаги индивидлар гидра сингари куртакланиб кўпаяди. Лекин ёш полиплар она танасидан ажралиб кетмайди, бир неча вақтдан кейин ўзлари ҳам куртаклана бошлайди. Шу тариқа жуда йирик дараҳтсимон ёки юмалоқ колониялар ҳосил бўлади. Колониядаги ҳамма индивидлар бир-бири билан умумий тана бўшлиги орқали боғланган. Улар сув планктони таркибидаги майда организмлар билан озиқланади. Тропик денгизларнинг қирғоққа яқин бўлган ва саёс жойларида коралл полиплар колонияси айниқса зич жойлашиб, *коралл рифларини* ҳосил қиласди. Коралла рифлари қирғоқ ва барьер рифлари ҳамда *атоллар* (ороллар)га бўлиниади. Энг йирик барьер рифлари Австралиянинг шимолий соҳиллари бўйлаб 12 минг км. га чўзилган. Кораллардан қурилиш материали—оҳактош сифатида фойдаланилади. Рифлар балиқлар ва бошқа денгиз ҳайвонлари учун қулай пана жой ҳисобланади. Шунинг учун коралл рифлари тарқалган жойларда қўриқхоналар ташкил қилинган.

Медузалар—планктон таркибida эркин яшовчи ҳайвонлар. Улар танасининг диаметри бир неча см дан 2 м гача келадиган соябонга ўхшаш бўлиб, бирмунча тиниқ шишасимон, лекин дилдироқ моддадан иборат. Соябон остки томонининг ўртасида оғиз тешиги жойлашган. Соябоннинг четларида жуда күп пайпаслагичлари осилиб туради. Медузалар соябон деворининг қисқариши ва кенгайиши туфайли сузуб юради. Овқат ҳазм қилиш системаси оғиз, қисқа ҳалқум, кенгайган тўрт камерали ошқозон ва ундан кетувчи радиал найлардан иборат. Медузалар қисқиҷбақасимонлар,чувалчанглар, балиқ чавоқлари ва бошқа майда сув ҳайвонлари билан озиқланадиган йиртқичлар. Улар ўз ўлжасини отилувчи толачалари ёрдамида фалажлайди.

Медузаларнинг нерв системаси гидрага нисбатан бирмунча мураккаб тузилган. Нерв ҳужайралари соябон четида тўп-тўп бўлиб жойлашган. Бундан ташқари, уларда ёруғ сезувчи қўзчалари ва мувозанат органлари бўлади.

Медузалар айрим турларининг отилувчи толалари заҳарли моддалар ишлаб чиқаради. Узоқ Шарқ денгизларида учрайдиган бутли медуза ва Қора денгиздаги илдизориз медузасининг заҳарли толалари одам организмини фалажлаш хусусиятига эга. Ҳамма денгизларда тарқалган денгиз ликопчаси ёки аурелия медузаси эса зарарсиз ҳисобланади. Медузалар балиқларга жиддий зарар келтиради. Заҳарли медузалар денгиз соҳилида чўмилувчи кишиларга хавф туғдиради.

ЯССИ ЧУВАЛЧАНГЛАР ТИПИ


Ясси чувалчанглар типига танаси орқадан қорин томонга яссилашган, баргсимон ёки тасмасимон шаклдаги *икки томонлама симметрияли* 12500 га яқин чувалчанглар тури киради.

Биринчи марта ҳақиқий ихтисослашган түқима ва органлар ясси чувалчангларда пайдо бўлган. Бу органлар эмбрионал ривожланиш даврида учта эмбрион япроқ — эктодерма, энтодерма ва мезодермадан ҳосил бўлади. Тана бўшлиғи бўлмайди. Ички органлари оралиғи ғовак түқима билан тўлган. Овқат ҳазм қилиш системаси найининг учи берк бўлади. Тасмасимон чувалчанглар бир қанча вакилларининг ичаги бўлмайди. Жинсий системаси гермафродит. Бу тип киприкли чувалчанглар, сўргичиллар, тасмасимон чувалчанглар каби бир неча синфга бўлиниди.

КИПРИКЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР СИНФИ

Киприкли чувалчангларнинг танаси баргга ўхшаш ясси бўлиб, киприклар билан қопланган. Улар асосан денгизларда, айрим вакиллари чучук сувларда яшайди. Қўйида оқ планария мисолида киприкли чувалчанглар билан танишиб чиқамиз.

Оқ планария узунлиги 2—3 см бўлган баргсимон оқиш тусли ҳайвон бўлиб, кўл ва дарёлар тубида фаол ҳаракат қилиб ҳаёт кечиради. Унинг танаси симметрик тузилган. Планария танаси бўйлаб ҳаёлан ўтказилган бир чизик уни тенг икки бўлакка бўлади. Бундай симметрия планариянинг фаол ҳаракатланиши туфайли келиб чиққан. Планария танасининг олд учида жойлашган иккита ён ўсимталар ва иккита кўзчалар сезги аъзолари бўлиб ҳисобланади (35-расм). Танаси бир қават киприкли ҳужайралар билан қопланган. Киприкли қоплогичи остида ҳалқасимон ва бўйлама мускул қавати жойлашади. Киприклар ва ҳалқа мускуллар тананинг эгилишига ёрдам бе-



35-расм. Оқ планария:

1 — оғиз төшиғи, 2 — ҳалқуми, 3 — ичакнинг олдинги шохчаси, 4-5 — ичакнинг ўнг ва чап орқа шохчаларми, 6 — бош нерва тугуни, 7 — чап ён нерва стволи, 8 — кўзчаси.

ради. Бундан ташқарй—планария танасида орқа қорин йұналишида жойлашған тик мускуллар тананинг яссилинишига имкон беради. Планариянинг овқат ҳазм қилиш системаси оғиз тешиги, мускулли қисқа ҳалқум ва уч шохли учи берк ичакдан иборат. Ичакнинг ҳар қайси шохи үз навбатида яна күп марта ён шохларни ҳосил қиласы. Оғзи қорин томонда жойлашған. Планария — йиртқич, у майда сув ҳайвонлари билан озиқланади. Озиқланганда ҳалқумини ташқарига чиқарип ҳайвон танасиға санчиди ва уни сүради. Озиқ ичакда ҳазм бўлади. Ҳазм бўлмаган озиқ қолдиги яна оғиз тешиги орқали чиқарип юборилади.


Нафас олиш ва айриш системаси. Планария тана юзаси орқали нафас олади. Айриш системаси танасининг икки ёнида жойлашған иккита найчадан ва бу найчалар билан туташиб кетган, танада тарқоқ жойлашған жуда күп сонли ингичка найчалардан иборат. Айриш маҳсулотлари тананинг кейинги қисмида жойлашған иккита чиқарув тешигидан чиқарип юборилади. Нерв системаси танасининг олд томонида жойлашған иккита нерв тугуни ва улардан тана бўйлаб кетувчи иккита ийрик нерв стволидан иборат. Нерв стволлари ўзаро кўндаланг нерв толалари билан туташади.

Кўпайиши. Планария—гермафрорит ҳайвон. Ургочилик жинсий аъзолари танасининг олдинги томонида жойлашған иккита овал тухумдан, эркаклик жинсий аъзолари эса бутун тана бўйлаб тарқоқ жойлашған пуфакчага ўхшаш *уругдонлардан* иборат. Планария тухумларини пилла ичига тўп-тўп қилиб қўяди. Тухумдан чиқсан ёш планариялар пилла қобигини ёриб ташқарига чиқади. Планарияда регенерация хусусияти яхши ривожланган. Ноқулай шароит юзага келди дегунча (масалан, кислороднинг камайиши, ҳароратнинг ошиши) планария танаси жуда майда бўлакларга бўлинниб кетиши, шароит яхшиланиши билан ҳар қайси бўлакдан янги организм тикланиши мумкин.

СЎРГИЧЛИЛАР СИНФИ

Сўргичлилар — одам ва турли ҳайвонларда паразитлик қилиб яшовчи ясси чувалчанглар. Паразит яшаш таъсирида киприклари йўқолиб кетган. Танасининг олдинги учидаги сўргичи ва ундан пастроқда қорин сўргичи жойлашған. Оғиз тешиги оғиз сўргичи ўртасида жойлашған. Сўргичлилар синфида жигар қурти, ланцетсимон сўргичли, мушук сўргичли ва бошқалар киради.

Жигар қуртининг катталиги 3—4 см бўлиб, танаси баргсимон шаклда (36-расм). У турли қора моллар, баъзан одам жигарининг ўт йўлларига олд оғиз ва кейинги қорин сўргичлари ёрдамида ёпишиб олиб ҳаёт кечирали. Жигар қурти қон ва жигар ҳужайралари билан озиқланади. Овқат ҳазм қилиш системаси оқ планарияникига ўхшаш, лекин ўрта ичаги икки шохли бўлади. Жигар қурти бошқа ясси чувалчанглар сингари



36-расм. Жигар құртипінг ривожланиши:

A — тухуми, *B* — әркін сувзид юрувчы личинкаси, *C* — ичиник сув шиллигі танасида личинканың ривожланиши, *D* — личиннаның әркін яшовчи яңғы бүгини, *E* — ұйт үстида цистага айланған личинка, *F* — ұйғаридаги вояга етган паразит.

термафродит. Үннің тухумлари үт ійді ва ичак орқали ахлат билан ташқы муҳитга чиқады. Тухумлар сувга тушганда улардан киприкли микроскопик личинкалар чиқады. Личинкалар бундан кейинги ривожланиши учун чучук сув шиллиги танасига ўтиши зарур. Моллюска танасида личинка яна құпаяди ва үсіб иккінчи личинкалик даврига ўтади. Бу личинкалар сувга чиқиб циста ҳосил қиласы. Қорамоллар күлмек сувдан ичиб ёки сув яқинидеги үтларни еганида цистані юқтирады. Ичакда цистадан чиққан ёш паразит қон орқали жигарга бориб вояга етады.

Ланцентсимон сүргичлининг узунлиғи 1 см гача, үтхүр ұйвонлар жигарыда паразитлық қиласы. Биринчи личинкалик даври қуруқликда яшовчы моллюскалар, иккінчи личинкалик даври чумолилар танасида ривожланады. Ұйвонлар заарлланған чумолиларни ем-хашак билан* еганида паразитни үзиге юқтиради.

Мушук сүргичлисі ит, мушук ва ёввойи сутэмизувчилар, баъзан одам жигарыда паразитлық қиласы. Узунлиғи 13 мм гача. Личинкаси дастлаб битиний моллюскасида, сүнгра ба-

лиқларда паразитлик қиласы. Сутәмизувчилар заарланаған балиқни еб, паразитни юқтиради.

ТАСМАСИМОН ЧУВАЛЧАНГЛАР СИНФИ


Тасмасимон чувалчанг умуртқали ҳайвонлар ва одамда паразитлик қиласы. Танаси ясси лентасимон, бир қанча бүгімларга бўлинган. Танасининг олдинги учидаги сўрғичлари, баъзан илмоқлари ёрдамида хўжайини ичаги деворига ёпишиб олади. Паразит яшаш таъсирида уларнинг ҳазм қилиш системаси йўқолиб кетган, лекин жинсий системаси жуда кучли ривожланган. Жинсий аъзолари ҳар бир тана бўғимида такрорланиб туради. Асосий вакилларидан қорамол ва чўчқа тасмасимонлари, эхинококкни кўрсатиш мумкин.

Қорамол тасмасимони танаси кичкина бошча, қисқа бўйин ва 4—10 м келадиган жуда кўп бўғимларга бўлинган гавдадан иборат. Паразит бошидаги тўртта мускулли думалоқ сўрғичлари ёрдамида одамнинг ичак деворига ёпишган бўлади. Паразитнинг овқат ҳазм қилиш системаси бўлмайди. У ингичка ичакда ҳазм бўлаётган озиқ моддаларни бутун тана юзаси ёрдамида сўриб олиб яшайди.

Қорамол тасмасимони—гермафродит. Унинг ҳар бир бўғимида биттадан тухумдан ва жуда кўп уруғдонлар бўлади. Тухумлари фақат танасининг энг охирги бўғимларида етилади (37-расм). Бундай бўғимлар паразит танасидан узилиб, ахлат билан чиқиб туради. Қорамоллар тухумларни ем-хашак билан бирга юқтиради. Ҳайвон ичагида тухумдан чиққан личинкалар ичак деворидан қонга ўтади ва турли органларга, айниқса

37-расм. Қорамол тасмасимонининг ривожланиш цикли:

А — етишган бўғими, **Б** — личинкали тухуми, **В** — илмоқли личинкаси, **Г** — финнаси, **Д** — пуфакдан чиққан финнаси.



жигар ва мускулларга бориб, ўтириб қолади. Органларда ли-чинкалар атрофига суюқлик билан тұлған нұхат катталигидаги пұфакчалар, яъни финна ҳосил бўлади. Одам яхши пиширилмаган финнали гўштни истеъмол қилганида паразитни юқтиради.

Эхинококк. Эхинококк вояга стган даврида ит, бўри ва қашқирлар ичагида паразитлик қиладиган 1—2 мм катталикдаги яссичувалчанг. Унинг финнаси жуда йирик, баъзан одам бошидек катталикда бўлиб, қорамоллар ва баъзан одамнинг ички органлари, кўпинча жигарида ривожланади. Итлар ҳайвонларнинг заарланган органларини еганда паразит личинкасини юқтиради. Қорамоллар паразит тухумлари билан ифлосланган ем-хашак орқали, одамлар эса итлар юнгига ёпишган тухумлардан заарланади.

Чўчқа тасмасимонининг узунлиги 2—8 м, тузилиши қорамол тасмасимонига ўхшаш. Ундан бошида сўрғичлари билан бир қаторда илмоқлари ҳам бўлиши билан фарқ қиласди. Чўчқа тасмасимони вояга етган даврида одам ингичка ичагида, пұфак даврида чўчқалар жигари ва гўштида учрайди.

ТУГАРАК ЧУВАЛЧАНГЛАР ТИПИ

Тўгарак чувалчанглар танаси дуксимон ёки ипга ўхшаш бўлиб, кўндаланг кесими тўгарак, яъни доира шаклини ҳосил қиласди. Уларнинг тана бўшлифи суюқлик билан тұлған. Ички органлар ана шу бўшлиқда жойлашган. Тўгарак чувалчангларда овқат ҳазм қилиш системаси яхши ривожланган бўлиб, орқа чиқарув тешиги бор. Улар айрим жинсли. Улар денгиз, чучук сув ва тупроқда кенг тарқалган эркин яшовчи ҳамда одам, ҳайвон ва ўсимликларда паразитлик қиласиган 20 мингтacha турларни ўз ичига олади. Бу тип вакиллари орасида аскарида, болалар гижжаси ва ришта ҳаммага маълум.

Одам аскаридаси оқиши тусли, дуксимон шаклдаги ичак паразити (38-расм). Урғочисининг узунлиги 20—40 см, эркаги 15—25 см келади. Эркаги думининг учки қисми қорин томонга қайрилган. Аскаридалинг ёпишув органлари бўлмайди. Шунинг учун улар тушиб кетмаслик учун ичак деворига танаси ёрдамида тираги туради, личинкалари эса ичакда озиқнинг сўрилишига қарши томонга ҳаракатланиб туради. Тана девори ташқи томондан кутикула, унинг остида жойлашган бир қават эпителий ва ички бўйлама мускул ҳужайралари қаватидан ҳосил бўлган. Бўйлама мускуллар фақат танани эгишга имкон беради. Тана девори тана бўшлигини ўраб туради.

Оғиз тешиги танасининг олдинги учида жойлашган бўлиб, учта лаб билан ўралган. Овқат ҳазм қилиш системаси оғиз тешиги, қисқа ҳалқум, қизилўнгач, ўрта ичак ва орқа ичакдан иборат. Аскарида одамнинг ингичка ичагида яшайди; у ерда ҳазм бўлётган озиқни сўриб олади. Айриш системаси оқ планарияникига ўхшаш. Нерв системаси ҳалқумни ўраб

турадиган нерв ұалқаси ва ундан тана бүйлаб олдинга за орқа томонға кетадиган нерв томирларидан иборат. Бүйлама нервлар ўзаро қўндаланг нерв толалари билан қўшилган.


Аскариданинг жинсий системаси бир учи берк ингичка найчага ўхшайди. Ургочилик жинсий органи иккита тухумдондан, эркагиники битта уругдондан иборат. Аскарида жуда серпушт, бир суткада одам ичаги бўшлиғига 240000 тагача уругланган тухум қўяди. Ахлат билан ташқарига чиқсан тухумлар ичидан кислород ва етарли ҳарорат бўлган шароитда личинкалар ривожланади. Бундай тухумлар ифлос қўл ва ювилмаган сабзавотлар ва мевалар билан ичакка тушганида улардан личинкалар чиқади. Личинкалар ичак девори орқали қонга ва қон орқали ўпкага, сўнгра балғам билан оғиздан яна ичакка тушиди. Ичакда личинка ривожланиб вояга етгач, яна тухум қўйиб кўпая бошлади.

Аскарида одам ичагида заҳарли моддалар ишлаб чиқаради. Бу моддалар қонга сўрилиб, бутун организмни заҳарлайди. Аскарида билан касалланиш аскаридоз дейилади. Аскаридоз билан кўпинча болалар касалланади. Қасал одамнинг ранги сўниқ бўлади ва озиб кетади; унинг қорнида мунтазам оғриқ наидо бўлади.

Болалар гижжаси 5—10 мм катталиктаги оқиш паразит; тўгаракчувалчанглар типига киради. Одамларнинг йўғон ичагида паразитлик қиласади. Ургочи гижжалар орқа чиқарув тешиги атрофига чиқиб, терига ўз тухумларини қўяди. Бу вақтда тери қаттиқ қичишади. Гижжалар айниқса болаларда кўп-

38-расм. Ургочи аскарида:

1 — лаблар, 2 — ұалқум, 3 — ўрта ичак, 4 — тухум нўли, 5 — бачадон, 6 — тухумдон, 7 — жинсий қин, 8 — гиподерманинг қорин йўғонлашуви.



роқ учрайди. Гижжа тухумлари ифлосланган бармоқ, ўйинчоқлар, кийим-бош орқали юқади.

Паразит чувалчангларга қарши кураш. Қўпчилик паразит чувалчанглар одам ва ҳайвонларда оғир касалликларни келтириб чиқаради. Уларга қарши курашда сувнинг тозалиги, гўшт маҳсулотларини яхши пишириш, кушхоналарда санитария назоратини ўрнатиш ва айниқса шахсий гигиена чораларига қатъий риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Гельминтология (паразит чувалчангларни ўрганадиган фан) нинг ривожланишида ва гельминтларга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишида академик К. И. Скрябин ва унинг шогирдларининг хизмати катта бўлди.

ҲАЛҚАЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР ТИПИ


Ҳалқали чувалчанглар тупроқда, чучук сув ва денгизларда эркин яшовчи 7000 га яқин турни ўз ичига олади. Танаси ташқи томондан жуда кўп ҳалқалардан иборат. Тана бўшлиғи ҳам тўсиқ парда билан алоҳида бўлмаларга ажralган. Ташқи томондан танасининг икки ёнида ҳаракат қилиш вазифасини бажарувчи оёқлар, яъни *параподийлар* ёки туклар жойлашган. Айриш системаси ҳар бир бўғимда бир жуфтдан жойлашган найдалардан иборат. Қон айланиш системаси ёпиқ. Нерв системаси ҳалқум атрофи ҳалқа нерв томири ва қорин нерв занжиридан ташкил топган.

Ҳалқали чувалчанглар типи кам туклилар, кўп туклилар ва зулуклар синфига бўлинади.

КАМ ТУКЛИЛАР СИНФИ

Кам туклилар тупроқ ва сув ҳавзаларида яшайди. Параподийларни йўқолиб кетган, уларнинг ўрнида танасининг икки ёнида бир неча туклари сақланиб қолган. Боши танасидан ажралиб чиқмаган. Жинсий системаси гермафрорит, ўзгаришсиз ривожланади. Бу синфга тупроқда яшовчи ёмғир чувалчанглар, оқ гултувак чувалчанглари (Энхитреидлар) ва чучук сув тубидаги балчиқда яшовчи қизил чувалчанглар (тубификс) мисол бўлади.

Ёмғир чувалчангиги кам тукли ҳалқали чувалчанглар синфиға киради. У нам ва чириндига бой тупроқда ҳаёт кечиради. Узунлиги 6—15 см бўлиб, танаси 100—180 та ҳалқаларга бўлинган. Танасининг олд томонига яқин жойлашган бир неча бўғимлари йўғонлашиб, белбоғча ҳосил қиласи. Ҳар қайси бўғимида жойлашган тўрт жуфт қиллари ҳаракатланганида таянч вазифасини бажаради. Чувалчанг танаси ташқи томондан бир қават эпителий ҳужайраларидан иборат тери билан қопланган. Тери юзасидаги шилимшиқ модда чувалчангнинг сирпаниб ҳаракатланишини осонлаштиради. Тери остида ҳалқали ва бўйлама мускуллар қавати, уларнинг остида эса яна ички эпи-



39-расм. Ёмгир чувалчанги:

1 — оғиз тешиги, 2 — ҳалқумусті нерв түгүні, 3 — ҳалқа қон томири, 4 — орқа қон томири, 5 — тана бүшлиги, 6 — ошқозони, 7 — жиғилдони, 8 — қорин қон томири, 9 — қорин нерв занжири, 10 — қызилұнғач, 11 — ҳалқумусті нерв түгүні, 12 — ҳалқум.

төлөй қавати жойлашган. Тери, мускуллар ва ички әпителій қаватлари *тери-мускул халтасини* ҳосил қиласы. Ҳалқа мускуллари тананинг чүзилиши ва ингичкалашувига, бүйлама мускуллар эса қисқариши ва йўғонлашувига имкои беради. Улар туфайли чувалчангинг ҳаракати хилма-хил ва мураккаб бўлади.

Овқат ҳазм қилиш системаси танасининг олд учida жойлашган оғиз тешиги, мускулли ҳалқум, ўрта ва орқа ичак ҳамда орқа чиқарув тешигидан иборат (39-расм). Ёмгир чувалчангиги чириндига бой тупроқни ичагидан ўтказиб озиқланади.

Қон айланиш системаси ўзаро ҳалқа қон томирлари билан туашган иккита йирик орқа ва қорин қон томирларидан иборат. Қон орқа томирдан олдинга, қорин томирдан орқага оқлади. Ҳалқум атрофидаги ҳалқа қон томирлари девори қисқариш хусусиятига эга бўлиб, юрак вазифасини бажаради. Йирик қон томирлари бирмунча кичикроқ қон томирларига, улар эса ўз навбатида майда капиллярларга ажралади. Қон айланиш системаси кислород ва озиқ моддаларни ташиб вазифасини бажаради. Чувалчанг қалин капилляр томирлар билан қопланган териси орқали нафас олади. Кислород нам тери орқали капиллярлардаги қонга осон шимилади.

Айриш системаси ҳар бир бўғимда бир жуфтдан жойлашган найчалар бўлиб, тана бўшлигидан бошланади ва сиртмоққа ўхшаб буралиб, тери юзасига очилади. Модда алмашинувидан ҳосил бўладиган заарарли маҳсулотлар тана бўшлиги суюқлигига тўпланади ва у ердан айриш найчалари орқали организмдан чиқариб юборилади.

Нерв системаси ҳалқум усти ва ҳалқум ости жуфт нерв тугунлари ҳамда қорин нерв занжиридан иборат. Қорин нерв занжирининг ҳар бир бўғимида биттадан нерв тугунлари бўла-

ди. Ҳамма нерв тугунларидан органларга нерв толалари чиқади. Ёмғир чувалчанганинг махсус сезги органлари бўлмайди. Лекин терисида жойлашган сезгири хужайралар ёруғлик, ҳид ва тупроқнинг кимёвий таркибини сезишга ёрдам беради.

Ёмғир чувалчангари гермафродит ҳайвон, лекин иккита чувалчанг бир-бирини уруғлантиради. Чувалчанглар тухумларини белбоғча безлари ишлаб чиқарадиган шилимшиқ моддадан ҳосил бўладиган пилла ичига 2—3 тадан қўяди. Пиллада бир ой давомида ёш чувалчанглар етишиб чиқади. Ёмғир чувалчанглари ҳам регенерация хусусиятига эга.

Ёмғир чувалчанглари қазиган инлар тупроқни юмшатиб, говак қиласи, унга сув шимилиши ва ҳаво ўтишини яхшилайди. Улар ўсимлик қолдиқларини ичагидан ўтказиб, тупроқни чиринди моддалар билан бойитади, уни донадор қилиб, унумдорлигини оширади. Ёмғир чувалчанглари жуда фойдали ҳайвонлар сифатида муҳофаза қилинади.

ҚЎПТУКЛИЛАР СИНФИ

Қўптуклиларнинг танаси кўп сонли бир хил тузилган ҳалқаларга бўлинган. Ҳар бир тана бўғимида бир жуфтдан туклар билан қопланган ҳаракатланиш органи — параподийлар бўлади. Бош қисми танасидан аниқ ажралиб туради. Бошида оғиз тешиги, сезги органлари (мўйловлар, пайпаслагичлар) жойлашган. Қўптуклилар айрим жинсли; метаморфоз орқали ривожланади. Асосан денгизларда учрайди. Қўптуклилар — энг қадимги ҳалқали чувалчанглар бўлиб, улардан типнинг бошқа синфлари келиб чиқсан. Бу синфга мисол қилиб денгизларнинг унча чуқур бўлмаган тубида ўрмалаб юрувчи нереисни, қумда кўмилиб яшовчи қум чувалчангини, сув тубидаги махсус най — уячада яшовчи серпулани кўрсатиш мумкин. Қўптуклилар балиқлар ва бошқа денгиз ҳайвонларининг асосий озиғи ҳисобланади. *Метаморфоз* орқали ривожланади. Личинкаси эркин сузиг юради.

ЗУЛУКЛАР

Зулукларнинг танаси бироз яссилашган, боши танасидан аниқ ажралмайди. Танасидаги ташки ҳалқалари ички ҳалқалари сонидан бир неча баравар кўп. Зулукларнинг кўпчилиги турли ҳайвонларда эктопаразитлик қилиб, қон сўради. Паразит яшашга мослашиши туфайли танасининг олд ва орқа қисмida биттадан сўрғичлари ривожланган, танаси сиртида туклари йўқолиб кетган, тана бўшлиғи редукцияга учраган. Гермафродит, ўзгаришсиз ривожланади. Чучук сувларда тибиёт зулуги, сохта от зулуги ва балиқ зулуги тарқалган. Тибиёт зулуги қон томирлари касалликларини даволашда амалий аҳамиятга эга.

МОЛЛЮСКАЛАР

Моллюскалар деңгиз, чучук сув ва қуруқликда яшовчи 140000 дан ортиқ турни ўз ичига олади. Танаси бўлимларга бўлинмаган, кўпчилиги бош, гавда ва оёқ бўлимларидан иборат. Ҳаркатланиш аъзоси қорин томонида жойлашган ягона оёқдан ёки бош қисми атрофида жойлашган пайпаслагичлардан иборат. Танасининг асосий қисми мантия тери билан ўралган. Мантия билан танаси ўртасида мантия бўшлиқлари бор. Бу бўшлиқларда ички органларнинг йўллари очилади. Мантия тери тана сиртида чифаноқ ҳосил қиласди. Қон айланиш системаси очиқ. Деңгиз моллюскалари жабра, чучук сув моллюскалари жабра ёки ўпка, қуруқлик моллюскалари эса ўпка орқали нафас олади. Бу тип қориноёқлилар, икки паллалилар, бошоёқлилар ва бошқа бир қанча синфларга бўлинади.

ҚОРИНОЁҚЛИЛАР СИНФИ


Қориноёқлиларнинг танаси бош, гавда ва оёқ бўлимларидан иборат. Оёғи қорин томонининг яссиланишидан ҳосил бўлган. Ясси оёғида сирпаниб ҳаракатланади. Кўпчилик қорин-оёқлиларнинг спирал чифаноги бўлади, танаси асимметрик буралган. Бошида 1—2 жуфт пайпаслагичлари ва қўзлари жойлашган. Жабра ёки ўпка орқали нафас олади. Деңгиз, чучук сув ва қуруқликда кенг тарқалган.

Гермафродит. Қуруқлик ва чучук сув қориноёқлилари ўзгаришсиз, деңгиз қориноёқлилари метаморфоз орқали ривожланади. Қуруқликда яшовчи турлари ўсимлик зараркунандалари ҳисобланади. Бир қанча турлари паразит чувалчанглар (мас., жигар қурти, ланцетсимон сўргичли)нинг оралиқ хўжайини сифатида зиён келтиради.

Чучук сув шиллиғи ҳовуз ва кўлларда ҳамда дарёларнинг тинч оқадиган жойларида яшайди. Танасининг асосий қисми ва ички органлари спиралсимон буралган чифаноқ ичидаги жойлашган (40-расм). Чифаногининг кенгайганди очиқ томонидан

40-расм. Оддий сув шиллиғи:

- 1 — оғзи, 2 — циргичли тили, 3 — ҳалқуми, 4 — қиавил ўнгачи, 5 — ошқозони, 6 — ҳалқасимон ичаги, 7 — анал теншиги, 8 — ўпкаси, 9 — юраколди бўлмаси, 10 — юрак қоринчаси, 11 — юраги, 12 — пайпаслагичи, 13 — оёғи.



боши ва оёғи чиқиб туради. Чиганоги четидан мантия бурмаси кўриниб туради. Оёғи кенг ва ясси бўлиб, қорин томонида жойлашган ва мускуллар билан таъминланган. Мускулари-нинг тўлқинсимон қисқариши туфайли моллюска оёғида сирпаниб ҳаракатланади. Бошининг тагида оғиз тешиги бор; унинг икки ёнидаги бир жуфтдан пайпаслагичлари ва кўзлари сезги органлари бўлиб ҳисобланади.

Овқат ҳазм қилиш системаси оғиз бўшлиғи, ҳалқум, қизилўнгач, ошқозон ва ичакдан иборат. Ичак мантия четида анал тешиги билан ташқарига очилади. Ҳалқумида майдада тищчалар билан қопланган тилчаси, яъни қирғичи бор. Бу тилча ёрдамида шиллиқ сув ўсимлигидан бир парчасини узиб олиши ёки сувдаги нарсалари ёпишган бактериялар ва майдада сув ўтларини қириб олиши мумкин. Сув шиллиғида овқат ҳазм қилиш шираси ишлаб чиқарадиган бир жуфт сўлак бези ва жигари бўлади. Озиқ ҳалқум ва қизилўнгач орқали ошқозонга тушади ва у ерда ҳазм бўла бошлайди. Озиқнинг ҳазм бўлиши жигарда давом этади ва ичакда батамом ҳазм бўлади. Ҳазм бўлмаган озиқ қолдиқлари анал тешиги орқали чиқарип ташланади.

Сув шиллиғи атмосфера ҳавосидан нафас олади. Нафас тешиги чиганогининг четида жойлашган бўлиб, халтасимон мантия бўшлиғи ўпкага очилади. Ўпка девори майдада капилляр томирлар билан қопланган. Ҳаво нафас тешиги орқали ўпкага киради. Бу ерда газ алмашинув содир бўлади, яъни ўпка бўшлиғида ҳаводан капиллярдаги қонга кислород ўтади, қондаги карбонат ангидрид эса ўпка бўшлиғига чиқади.

Қон айланиш системаси очиқ бўлиб, икки камерали юракдан ва у билан боғланган томирлардан иборат. Юраги танасининг орқа томонида жойлашган бўлиб, олд бўлма ва қоринчадан иборат. Юрак олд бўлмаси ва қоринча галма-гал қисқарганда қон бўлмадан қоринчага, ундан эса томирларга ўтиб, ҳаракат қиласи. Қон томирлари жуда кўп марта шохланиб, майдада томирчаларга ажралади. Бу томирчаларнинг учи очиқ бўлгани сабабли қон ички органлар атрофидаги бўшлиққа қўйилади. Бу ерда кислородини тўқималарга бериб, карбонат ангидрид билан бойийди. Органлар оралиғидан қон яна томирларга йиғилиб ўпкага келади. Ўпкада кислород билан тўйингач, юраколди бўлмасига келиб қўйилади. Қон орқали озиқ моддалар ҳам ташилади.

Ягона буйрак айриш вазифасини бажаради. Буйрак найчага ўхшаш бўлиб, унинг кенгайган учи юрак олди бўлмасига, иккинчи учи эса мантия четига очилади. Буйрак орқали қондан заҳарли моддалар чиқарип юборилади. Нерв системаси танасининг турли қисмларида жойлашган беш жуфт нерв тугунидан ва улардан ҳамма органларга қараб тарқалувчи нерв стволаридан тузилган. Нерв тугунлари ўзаро нерв томирлари билан боғланган.

ИККИПАЛЛАЛИЛАР СИНФИ

Иккипаллалиларнинг чиганоғи иккита палладан иборат. Танаси икки томонлама симметрик, боши бўлмайди. Оёғи понага ўхаш ёки редукцияга учраган. Пластинкага ўхаш жабралари мантия бўшлигига оёғининг икки ёнида жойлашган. Фақат сувда, асосан денгиз тубида ҳаёт кечиради. Кам ҳаракат ёки ёпишиб яшайди. Пассив, яъни сув билан мантия бўшлигига кирадиган озиқ зарраларини фильтрлаб озиқланади. Айрим жинсли, лекин жинсий диморфизм ривожланмаган. Чучук сувда яшовчи айрим турлари ўзгаришсиз, кўпчилик турлари метоморфоз орқали ривожланади. Чучук сувларда бақачаноқ тарқалган. Денгизларда тарқалган устрикалар, мидиялар, денгиз тароқчалари озиқ-овқат учун овланади. Улардан консервалар тайёрланади, чиқиндилари эса чорва моллари озиғига қўшиб берилади. Бир қанча мамлакатларда мидиялар сунъий равишда кўпайтирилади. Денгиз марвариддорлари эса марварид олиш мақсадида кўпайтирилади. Қема қурти (шашен) кемаларнинг ёғочлик қисмлари ва порт иншоотларини емириб, зиён келтиради.

БОШОЁҚЛИЛАР СИНФИ

Бошоёқлилар—икки томонлама симметрияли, жуда ҳаракатчан моллюскалар. Танаси бош ва гавдадан иборат. Бошидаги 8—10 та кўп сўргичли пайпаслагичлари оғзини ўраб туради. Оғзида одатда мугуз тумшуғи бўлади. Бошида йирик бир жуфт кўзи бор. Кўп турларининг чиганоғи редукцияга учраб, фақат танасининг орқа қисмida териси остида сақланиб қолган. Мантия бўшлиги тирқишига ўхаш тешик орқали ташқарига очилади. Бу тешикдан олдинроқда битта йирик воронкаси бўлади. Моллюска мантия бўшлигини сувга тўлдириб, унинг тешигини ёпиб олади ва воронкаси орқали сувни мантия бўшлигидан куч билан отиб чиқариб, кейинги томони билан олдинга сузиб кетади. Кўпчилик моллюскаларнинг мантия бўшлигига сиёҳ халтаси очилади. Хавф туғилганида моллюска сиёҳини отиб чиқариб, кўздан ғойиб бўлади.

Бошоёқлилар умуртқасиз ҳайвонлар орасида нерв системаси энг мураккаб тузилган ҳайвонлардан. Уларда шартли рефлекслар осон ҳосил бўлади. Кузатишлардан маълум бўлиншича осъминоглар шиша банка қопқогини бураб очиб, унинг ичидаги қисқичбақани олиб ейишади. Барча бошоёқлилар йиртқич ҳайвонлар. Қальмар ва осъминоглар овланади. Уларнинг гўштидан консерва тайёрланади. Бошоёқлилардан қимматбаҳо қора бўёқ (тушь) олинади.

БЎҒИМОЁҚЛИЛАР ТИПИ

Бўғимоёқлилар типи ер юзининг барча экологик мухитларида тарқалган; 2 млн.дан ортиқ умуртқасиз ҳайвонлар турини ўз ичига олади. Оёқлари ва умуман танаси бўғимлардан


иборат. Танаси бош, кўкрак ва қорин бўлимларидан иборат. Бўғимоёқлилар тасаси қаттиқ хитин ўст билан қопланган. Хитин ўст юриш оёқлари ва бошқа органлар учун таянч скелет вазифасини бажаради. Лекин қаттиқ хитин ўсиш учун халақит беради. Шунинг учун бўғимоёқлилар фақат туллаш орқали ўсади. Аксарият қўпчилик турларида яхши ривожланган очиқ қон айланиш системаси бўлади. Қуруқликда яшовчи турлари ўпка ёки трахея билан, сувда яшовчилари жабралар орқали нафас олади. Бўғимоёқлилар қисқичбақасимонлар, ўргимчаксимонлар ва ҳашаротлар каби бир неча синфга бўлинади.

ҚИСҚИЧБАҚАСИМОНЛАР СИНФИ

Қисқичбақасимонлар синфи жабра билан нафас олувчи 30000 га яқин бўғимоёқлиларни ўз ичига олади. Қўпчилик турлари денгизларда ва чучук сувларда яшайди. Фақат айрим вакиллари (масалан, захкашлар) қуруқликда яшашга мослашган. Қисқичбақасимонлар танаси бошкўкрак ва қорин бўлимларига бўлинган. Бош қисмида икки жуфт ўсимтаси: узун мўйловлари — антенналар ва калта мўйловлар — антеннулалар ривожланган. Дарё қисқичбақаси қисқичбақасимонларнинг типик вакили ҳисобланади.

Дарё қисқичбақаси. Тоза сувли кўллар ва тинч оқадиган дарёларда яшайди. Сув ўтлари, моллюскалар, ҳашаротлар личинкаси ва ҳайвонларнинг мурдалари билан озиқланади. Кундузи пана жойларда бекиниб олади, фақат кечаси ов қилишга чиқади.

Қисқичбақаминг бош ва кўкрак бўлими қўшилиб, яхлит қалқон билан қопланган бошкўкракни ҳосил қиласди (41-расм). Бошкўкрак қалқонининг олд учida ўсимта бўлади. Бу ўсимтанинг икки ёнида пояча устида бир жуфт ҳаракатчан мураккаб (фасеткали) кўзлари жойлашган. Ҳар қайси кўз жуда кўп (3000 гача) майда кўзчалардан ташкил топган. Ҳар бир кўзча буюмнинг фақат бир қисмини кўради. Ҳамма кўзлар эса биргаликда яхлит тасвир ҳосил қиласди. Бундай кўриш фасеткали кўзга эга бўлган ҳамма бўғимоёқлилар учун хос бўлиб, мозаик кўриш дейилади. Қисқичбақанинг фасеткали кўзлари ҳаракатчанилиги туфайли кўзларининг кўриш майдони ҳам анча катта бўлади. Бошкўкракнинг олд учida кўзларнинг ёнида бир жуфт узун мўйловлари — антенналар ва калта икки шохли мўйловлар — антеннулалар жойлашган. Мўйловлар ҳид билиш ва туйғу билиш вазифасини бажаради. Антеннулаларнинг асосида эшитиш ва мувозанат сақлаш органлари бўлади. Мўйловлардан пастроқда бошкўкракнинг остки томонида тана бўғимлари ўсимталарининг ўзгаришидан ҳосил бўлган 6 жуфт оғиз органлари жойлашган. Улардан биринчи жуфти юқори жағлар, иккинчи ва учинчи жуфти пастки жағлар, қолган 3 жуфти эса оёқжаглар ҳисобланади. Бошкўкракнинг кейинги 5 жуфти ўсимталари юриш оёқлари бўлиб, улардан би-



41-расм. Дарё қисқиңбақаси:

A — ташқи тузилиши, *B* — ички тузилиши:
1 — узун мүйлов, 2 — калта мүйлов, 3 — юқори ва пастки жағлар, 4 — оең-жаглар, 5 — қисқиң, 6 — юриш оёқлари, 7 — юрин оёқлари, 8 — дум сузгичи, 9 — бошкүрак, 10 — юрин, 11 — овқат ҳазам қилиш системаси, 12 — қон айланыш системаси, 13 — жабралар, 14 — аириш органи, 15 — ҳалқум усти нерв түгүни, 16 — ҳалқумости нерв түгүни, 17 — юрин нерв занжири, 18 — жинсий бэзи.

Ринчи жуфтининг жуда йирик қисқиңлари бўлади. Бу қисқиңлар озиқни ушлаш вазифасини бажаради.

Юрин бўлими 7 та алоҳида бўғимлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир бўғимда бир жуфтдан оёқлари ва дум сузгичи бўлади. Урфочилари юрин оёқларида тухумларини илаштириб олиб юради. Энг сўнги бир жуфт юрин оёқлар дум пластинкаси билан қўшилиб, дум сузгичини ҳосил қиласди. Қисқиңбақа одатда бошкўракдаги юриш оёқлари ёрдамида аста-секин ҳаракатланади. Лекин хавф туғилиши билан дум сузгичларини олдинга — юрин қисми остига томон силтаб, орқа томоига сизиб кетади.

Қисқиңбақанинг жағлари озиқни майдалаш учун хизмат қиласди. Озиқ қисқа ҳалқум ва қизилўнгач орқали икки бўлмали ошқозонга ва ундан ичакка тушиб ҳазм бўлади. Ичакка жигар найларининг йўли очилади.

Нафас олиш органлари — жабралар, бошкўракнинг икки ёнида юриш оёқларининг асосидаги маҳсус жабра бўшлигига жойлашган. Жабраларни устки томонидан бошкўрак қалқони ёпиб туради. Оёқ ва жағларининг ҳаракати туфайли жабра бўшлигидан сув ўтиб туради. Жабралардаги капилляр қон томир-

ларига сувдан кислород ўтади, қондаги карбонат ангирид чи-
киб кетади.

Қисқичбақасимонларнинг қон айланиш системаси очиқ бў-
либ, бошкўрак бўлимининг орқа томонида жойлашган икки
бўлмали юрак ва ундан кетувчи қон томирларидан иборат.

Нерв системаси йирик ҳалқумости ва ҳалқумости нерв ту-
гунларидан, ҳалқум атрофи, ҳалқа томири ва қорин нерв зан-
жиридан иборат. Айирув системаси бош томонида жойлашган
бир жуфт яшил безлардан иборат. Безлар тана бўшлиғи би-
лан боғлиқ. Улар орқали алмашинув маҳсулотлари тана суюқ-
лигидан мўйловларининг асосида жойлашган тешикча орқали
ташқарига чиқариб ташланади.


Қисқичбақалар айрим жинсли. Қишида урғочилари қўйган
тухумни қорин оёқларида олиб юришади. Баҳорда тухумлар-
дан ёш қисқичбақачалар чиқади.

Қисқичбақасимонларнинг сув ҳавзаларида ва инсон ҳаёти-
даги аҳамияти катта. Дарё қисқичбақалари, денгизларда яшов-
чи **краблар**, **омарлар**, **креветкалар** озиқ-овқат учун кўплаб ов-
лаиади. Чучук сувларда яшовчи дафния, ёнсузарлар ва **цикло-**
лар ҳамда денгизлардаги **креветкалар**, **балануслар** ва бошқа-
лар балиқлар учун озиқ бўлади. Дарё қисқичбақаси сувни мур-
далардан тозалаб, ифлосланишдан сақлайди. Балиқларда па-
разитлик қилувчи қисқичбақасимонлар, шунингдек, паразит
чувалчангларнинг оралиқ **хўжайини** — **цикlopлар** зиён кел-
тиради.

ЎРГИМЧАКСИМОНЛАР СИНФИ

Ўргимчаксимонлар синфи ҳақиқий қуруқликда яшашга
мослашган 70000 дан ортиқ турни ўз ичига олади. Уларнинг хе-
лицера ва педипальпа деб аталадиган сезги ва жағ вазифа-
сини бажарадиган икки жуфт ўсимталари ва тўрт жуфт юриш
оёқлари бўлади. Кўпчилик ўргимчаксимонлар танаси бошкў-
рак ва қоринга бўлинади (ўргимчаклар, чаёнлар), бошқалари-
ники эса яхлит бўлиб, бўлимларга бўлинмайди (каналар).
Упка ва трахеялар нафас олиш органлари ҳисобланади. Кўп-
чилик ўргимчаксимонлар йиртқич ҳаёт кечиради, фақат ка-
налар орасида ҳар хил озиқланадиган турлари (йиртқич, ўсим-
ликхўр, паразит, сапрофит) мавжуд. Ўргимчаксимонлар синфи
ўргимчаклар, фаланглар, чаёнлар, каналар каби бир қанча
туркумларга бўлинади.

Ўргимчаклар туркуми. Танаси яхлит бошкўрак ва қорин
бўлимларидан иборат. Хелицераси икки бўғими, учки бўғими
тироноқга ўхшаш ўткир. Хелицераси асосида заҳар безлари
жойлашган. Ўргимчаклар хелицераси ёрдамида ўлжаси танаси-
ни тешиб, заҳар солади. Педипальпаси узун, кўп бўғими,
унинг асосий бўғими жағ вазифасини бажаради, энг охирги
бўғими эса қўшилиш органи ҳисобланади. Қориннинг учки
қисмида ўргимчак безлари бор. Безларнинг суюқлиги ҳавода



42-расм. Бутли ўргимчак:

1 — заҳар беzi, 2 — ошқозон, 3 — ичакнинг кўр ўсимтлари, 4 — юрак, 5 — тухумдон, 6 — тухум йўли, 7 — ўргимчак безлари, 8 — ўнка, 9 — жигар, 10 — юрак тешиги, 11 — малъилигий найдалари, 12 — хелицера, 13 — хелицеранинг асосий бўғими, 14 — педипальпа, 15 — педипальпанинг жағ бўғими, 16 — пастки лаб.

Қотиб, ип ҳосил қиласди. Бу ипдан ўргимчаклар тутқич тўр тўқииди, тухум қўйиш учун пилла ясади. Иплар ёрдамида ўргимчаклар баланд дараҳтлардан пастга тушади. Ёш ўргимчаклар ипларга осилиб олиб, шамол ёрдамида узоққа тарқалади. Ургочи ўргимчаклар иплардан пилла ясади.

Бутли ўргимчак танаси бошкўрак ва думалоқ қорин бўлимларидан иборат (42-расм). Бошкўракнинг олд қисмида оғиз органлари, яъни бир жуфт юқори жағлар — хелицералар ва педипальпа — оёқ пайпаслагичлари, унинг устки қисмида 4 жуфт оддий кўзчалар жойлашган. Юқори жағларининг устки бўғими тирноқсимон ўткирлашган бўлиб, унинг учиға заҳар безларининг йўли очилади. Жағлар ўлжасини ўлдириш ва душманлардан муҳофаза қилиш учун хизмат қиласди. Оёқ пайпаслагичларининг асосий бўғими озиқни сўриш учун хизмат қиласди, уларнинг устки бўғими тукчалар билан қопланган бўлиб, туйғу вазифасини бажаради.

Қорин бўлимининг ҳамма бўғимлари бирлашиб кетган; унинг устки томонида оқиши бутсимон шаклдаги доғи бўлади. Қорин бўлимининг кейинги томонида уч жуфт ўргимчак сўгалчалари жойлашган. Сўгалчаларга ўргимчак безларининг йўли очилади. Безлар ажратиб чиқарадиган суюқликдан ўргимчак тўри ва пилла ҳосил бўлади. Ўргимчаклар йиртқич ҳайвонлар бўлиб, ўргимчак тўри ёрдамида ўз ўлжасини тутади. Бутли ўргимчак қалин ўт-ўланлар орасида фидираксимон шаклдаги вертикал тўр қуради. Тўрга тушган майдада ҳашаротларни ёпишқоқ тўри билан ўраб олади ва унинг танасига овқат ҳазм қилиш хусусиятига эга бўлган заҳарли суюқлигини тўқади. Ўргимчакнинг шу суюқлиги таъсирида ўлжанинг ички органлари суюқ ҳолга келади. Ўргимчак эса ана шу қисман ҳазм бўлган озиқни сўриб олади.

Нафас олиш органи қорнининг олд томонида жойлашган

бўлиб, жуфт ўпка халталари ва қорнининг орқа томонида жойлашган икки тутам ингичка найчалар — трахеялардан иборат. Ўпка халталари ва трахеялар алоҳида нафас олиш тешиклари билан ташқарига очилади. Қон айланиш системаси очиқ бўлиб, дарё қисқичбақасиникига ўхшайди.

Үргимчаклар айрим жинсли. Үргочиси кузда пилла ичига анча кўп тухум қўяди. Баҳорда тухумлардан ёш үргимчаклар чиқади.

Барча үргимчаклар йиртқич бўлиб, пашша, чивин ва бошқа зарарли ҳашаротларни қириб, фойда келтиради. Марказий Осиё чўлларида заҳарли үргимчаксимонлардан қорақурт ва тарантул (бий) учрайди. Қорақурт ернинг устида үргимчак тўрини тўқыйди. Унинг заҳари туялар, отлар ва одам учун хавфли. Тарантул заҳ жойлардаги чуқур уядга яшайди, тутқич тўртўқнмайди. Тунда ов қиласиди. Унинг заҳри қорақуртникига нисбатан кучсизроқ бўлганидан одам учун хавф туғдирмайди.

Чаёнлар туркуми. Чаёнларнинг бош ва кўкрак бўлимлари бирга қўшилиб, яхлит бошкўракни ҳосил қиласиди. Қорин бўлими бўғимларга бўлинган. Қориннинг олд қисми кенгайган, кейинги қисми узун ва ингичкалашган. Қориннинг кейинги учидаги ўткир наштари, наштари асосида заҳар бези бўлади. Йирик чаёнлар заҳари ҳатто одам учун хавфли. Оғзи олдида кичикроқ қисқичсимон хелицераси ва жуда йирик, уни қисқичга айланган педипалпаси озиқни ушлаб туриш вазифасини бажаради.

Чаёнлар тропик ва субтропик ўлкаларда тарқалган. Ўрта Осиё ҳудудида чипор чаён ва сариқ чаён кенг тарқалган. Чәён кечаси ов қилиб, кундузи тошлар остида, ёриқларда яшириниб олади. Ҳар хил ҳашаротларни қириб, фойда келтиради.

Фалангалар туркуми. Анча йирик үргимчаксимонлар. Танаси бошкўрак ва бўғимларга бўлинган қорин бўлимидан иборат. Кўкрагининг олд бўғимлари бош билан қўшилиб кетган, охирги икки бўғими эркин бўлади. Хелицераси йирик, педипалпаси юриш оёқларига ўхшайди. Трахея орқали нафас олади. Үргимчак бези бўлмайди. Фалангалар иссиқ ва қуруқ жойларда тарқалган. Тунда ов қиласиди. Фаланглар—жуда очкўз йиртқичлар, чигиртка ва бошқа зааркунанда ҳашаротларни кўплаб қиради. Йнсектарийда боқилган фаланга қорни ёрилиб кетса ҳам олдига ташланган ҳашаротларни еяверган.

Ўрта Осиё ҳудудида йирик мовийранг ва сариқ фалангалар тарқалган. Фалангалар заҳарсиз, лекин уларнинг хелицерасида қоладиган овқат қолдиқлари терининг жароҳатланган жойини яллиғлантириши мумкин.

Каналар туркуми. Кўпчилик каналарнинг ҳамма тана бўғимлари бирга қўшилиб кетганлиги учун тана бўлимларини фарқ қилиб бўлмайди. Улардан бирқанча тури тупроқда эркин яшайди ва ўсимлик қолдиқлари билан озиқланади ёки йиртқич ҳаёт кечираади. Бошқалари одам ва ҳайвонларнинг қонини сўради ёки ўсимликларнинг ширасини сўриб зиён келтиради.

Қон сұрувчи каналарнинг оғиз органлари санчыб сұрувчи хартумга айланған. Үрта Осиёning құл ва саҳро миңтақаларидә чорва молларига ва уй ҳайвонларига мол каналари катта зиән келтиради. Үлар ҳайвонлар терисининг юнгсиз қисмiga ёпишиб олиб қон сұради. Үрғочи каналар қонға түйингандан сұнг тупроққа тушиб, пана жойларға бир неча мингтагача тухум құяди. Тухумдан чиққан личинкаларининг оёқлари уч жуфт бұлади. Личинкалари туллагандан сұнг вояға етган даврига үхаш нимфага айланади. *Нимфа* яна туллаб, вояға етган канага айланади. Каналар одатда майда умуртқасиз ҳайвонлар (кеми्रувчилар, калтакесаклар, құшлар) қонини сұради. Вояға етган каналар эса йирикроқ ҳайвонларнинг қонини сұришга үтади.

Қон сұрувчи каналар айниқса чорва молларига катта зиён келтиради. Улар моллар маҳсулдорлигининг кескин камайишига сабаб бұлади. Бундан ташқари, қон сұрувчи каналар одамларға нерв системасининг оғир касалликлари — энцефалит, туляремия, терлама (тиф) ва бошқа касалликларни юқтиради. Тарқатувчилар орқали юқадыган касалликлар трансмиссив касалликлар дейилади. Рус олимлари академик Е. Н. Павловский ва З. А. Зильбер трансмиссив касалликларнинг табиий манбаълари түғрисидаги таълимотни яратди. Бу таълимотта күра трансмиссив касалликларнинг табиий манбаълари ёввойи ҳайвонлар билан боғлиқ.

Қон сүрүвчи каналардан чорва молларини сақлаш учун молхоналарни доимо тоза тушиш, молларни текширувдан ұтказыб туриш, моллар танаңған каналарни олиб ташлаш зарур. Құтилған каналарни юқтирмаслик учун шахсий гигиена қойдаларында амал қилиш талаб қилинади. Айрим трансмиссив касаллуктар (масалан, энцефалит)ни юқтирмаслик учун әмлаш Ұтказылади.

ХАШАРОТЛАР СИНФИ

Ҳашаротлар — энг мураккаб тузилишга эга бўлган умуртқасиз ҳайвонлар. Уларнинг танаси бош, кўкрак ва қорин бўллимларидан иборат. Бошида бир жуфт мўйловлари, мураккаб фасеткали кўзлари ва жуфт оғиз органлари, кўкрагида уч жуфт бёклари ва кўпинча икки жуфт қаноти бўлади. Бу ор-


ғанлар хилма-хил күринишга эга бўлиб, уларнинг тузилиши ҳашаротларнинг систематик туроҳларини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Ҳашаротларнинг мўйловлари қилсимон, ипсимон, еллигичсимон, пластинкасимон, тӯғноғичсимон ёки патсимон; оёқлари юргувчи, сакровчи, кавловчи, йиғувчи-тутувчи, сузувчи хилларга бўлинади. Оғиз органлари қаттиқ озиқ билан озиқланувчи ҳашаротларда кемиравчи (сувараклар, қўнғиз, чигирткалар, чумолилар, ниначилар, капалакларнинг қуртлари), суюқ озиқ билан озиқланадиган ҳашаротларда кемиравчи-сўрувчи (арисимонлар), санчувчи (қандалалар, пашшалар, қонхўр чивинлар), сўрувчи (капалаклар) ёки яловчи (уй чивинлари) типда тузилган.

Ҳашаротларнинг қанотлари иккинчи ва учинчи кўкрак бўғими қоплөгичидан ҳосил бўлади. Томирлар орқали қанотларга трахея, нервлар ўтади. Томирлар қанотлар учун таянч бўлади. Қанотларнинг тузилиши ҳам ҳашаротлар турларини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Қўнғизларда олд қанот қаттиқ ва қалин бўлиб элитра деб аталувчи устқапотни ҳосил қиласди.

Ҳашаротларнинг қорин бўлими 6—12 бўғимдан иборат, қорин оёқлари бўлмайди. Айрим ҳашаротлар урғочиси қорин қисмининг учида тухум қўйгичи бўлади (чигирткалар, яйдоқчилар). Нафас олиш органлари—трахеялар, айриш органлари—мальпиги найчалари. Тухумдан чиқкан личинкаси чала ўзгариш ёки тўлиқ ўзгариш орқали ривожланади. Чала ўзгариш билан ривожланадиган ҳашаротларда тухум, личинка ва вояга етган даври; тўлиқ ўзгариш билан ривожланадиганларида эса тухум, личинка, ғумбак ва вояга етган даврлари бўлади. Ҳашаротлар синфи бир-биридан тузилиши ва ҳаёт кечириш тарзи билан фарқ қиладиган 1,5 млн. га яқин турни ўз ичига олади. Кўпчилик ҳашаротлар қуруқликда; бир қанча турлари тупроқ ва мучук сувларда яшайди. Ҳашаротлар орасида одам ва ҳайвонларда паразитлик қилувчи турлари ҳам кўп учрайди.

Яшил бронза қўнғиз — 2—3 см катталикдаги ялтироқ яшил тусли ҳашарот (43-расм). Танаси қаттиқ хитин қопланган. Бу қоплағич қўнғиз танасини ҳимоя қилиш ва ташқи скелет вазифасини бажаради. Бош қисмида оғиз органлари, хусусан оғзининг устки томонида юқори лаб, икки ён томонида бир жуфтдан юқори лаблар ва пастки жағлар, оғзининг остки томонида эса пастки лаб жойлашган. Пастки жағлари ва пастки лабида бир жуфтдан туйғу ва таъм билиш органлари, жойлашган. Бу типдаги оғиз органлари ҳамма қаттиқ озиқ билан озиқланадиган ҳашаротлар учун ҳос. Бошининг икки ёнида бир жуфт мураккаб фасеткали кўзи ва уларнинг олдида пластинкасимон кенгайган мўйловлари жойлашган. Мўйловлар ҳид билиш органи ҳисобланади.

Май қўнғизининг кўкрак бўлими ҳамма ҳашаротлар сингари уч бўғимдан иборат. Бу бўғимларнинг ҳар қайсисида бир жуфтдан юриш оёқлари бор. Ўтра ва орқа бўғимларда эса бир жуфтдан қанотлар жойлашган. Қўнғизларнинг биринчи



43-расм. Май құнғизи: А — ташқы тузилиши, В — юраги, В — трахеясы:

1 — ҳалқум, 2 — омматидон, 3 — ичак, 4 — мальпиги нағычалары, 4 — трахеялар, 5 — ҳалқум атрофи нерв ҳалқасы, 6 — күкрап нерв түгүнләри, 7 — тухымдони.

жуфт қаноти жуда қалин ва қаттық бўлиб, улар устқанотлар дейилади. Устқанотлар остики иккинчи жуфт юпқа пардасимон остики қанотларни ҳамда юмшоқ пўстли қорин қисмини ҳимоя қилиб туради.

Қўнғизларнинг қорин қисми 8 та бўғимдан иборат бўлиб, кўкрагига ҳаракатсиз бирлашган. Қорнининг иккى ёнида устқанотларнинг остида бир жуфтдан нафас олиш тешиклри жойлашган. Бу тешикчалар тана ичига кетадиган ингичка нағчалар — трахеяларга туташган. Трахеялар тармоқланиб кетган ва барча тўқималарга, ҳаттоқи, айрим ҳужайраларгача етиб боради. Қорин мускулларининг қисқариши туфайли трахеяларда ҳаво алмашинади.

Овқат ҳазм қилиш системаси ҳалқум, қизилўнгач, мускулли ошқозон, ўрта ва орқа ичакдан ташкил топган. Қўнғизлар юқори жағлари ёрдамида дараҳт баргларини узиб олади ва настки жағлари ёрдамида майдалайди. Оғиз бўшлиғида озиқ сўлак билан ҳўлланади ва ошқозонга тушиб у ерда хитин тошчалар ёрдамида эзилади. Озиқ ўрта ичакда ҳазм бўлади ва қонга сўрилади. Озиқ қолдиғи анал тешиги орқали чиқариб юборилади.

Қон айланиш системаси очиқ ва жуда оддий. У қорин бўлимининг орқа томонида жойлашган ингичка нағсимон юрак ва ундан кетувчи битта калта қон томиридан иборат. Юраги бир неча камерали. Қон камералардан томирга чиқади ва ундан тана бўшлиғига қўйилади; ички органларни ювиб ўтганидан сўнг бир жуфт кичик тешикчалар орқали юрак камераларига қайтиб келади. Ҳашаротларнинг қони фақат озиқ моддаларни ташиш вазифасини бажаради. Қон таркиби тана суюқлигига ўхшайди.

Айриш органи тана бўшлиғида жойлашган ингичка маль-

пиги найчаларидан иборат. Найчаларнинг бир учи берк, иккинчи учи ўрта ва ингичка ичак чегарасида ичак бўшлиғига очилади. Заҳарли моддалар тана суюқлиги (қон)дан мальпиги найчалари орқали ичакка ва ундан ташқарига чиқариб юборилади. Айриш функциясини мальпиги найчаларидан ташқари ёғ тана ҳам бажаради. Ёғ тана ҳужайраларида оғрганизм учун кераксиз моддалар тўпланади.

Нерв системаси ҳалқум атрофи нерв ҳалқаси ва қорин нерв занжиридан иборат. Бош қисмидаги нерв тугунлари бирлашиб бош мияни ҳосил қиласди. Бош мия уч (олд, ўрта ва орқа) қисмдан иборат. Бош миядан бошдаги органлар (мўйловлар, кўзлар)га нервлар чиқади. Қорин нерв занжирининг учта кўкрак нерв тугунлари яхши ривожланган. Улардан қанотлар ва оёқларга нерв томирлари кетади. Ҳашаротларнинг кўриш, ҳид билиш ва таъм билиш органлари яхши ривожланган. Айрим ҳашаротларнинг (асаларилар) кўзи рангни ажратади. Қапалакларнинг эркаги ургочисини ҳиди ёрдамида 11 км масофадан топиб келиши мумкин.

ҲАШАРОТЛАРНИНГ КЎПАЙИШИ ВА РИВОЖЛANIШИ

Ҳашаротлар фақат жинсий йўл билан кўпаяди. Улар айрим жинсли бўлиб, жинсий диморфизм (эркак ва ургочисининг тузилиши ўртасидаги фарқ) яққол кўзга ташланади. Қўпчилик ҳашаротларнинг ургочиси уруғланган тухум қўяди. Лекин бир қанча ҳашаротлар масалан, асаларилар, шира битларида партеногенез (уруғланмаган тухум қўйиш орқали кўпайиш) ҳам кузатилади.

Аксарият ҳашаротларнинг тухумидан чиққан личинкаси ўзгариш — метаморфоз орқали ривожланади. Метаморфоз ривожланиш икки хил — чала ва тўлиқ ўзгариш орқали содир бўлиши мумкин.

Чала ўзгаришли ҳашаротлар (чигирталар, қандалалар, ниначилар, шира битлари) тухумдан чиққан личинкасининг тузилиши ва ҳаёт кечириш тарзига кўра вояга етган ҳашаротга бирмунча ўхшаб кетади. Личинка кетма-кет бир неча марта туллаб ўсади ва вояга етади (8-жадвад).

Тўлиқ ўзгаришли ҳашаротлар (қўнғизлар, қапалаклар, пашшалар, арилар, чивинлар, чумолилар) тухумдан чиққан личинкаси чувалчангсимон ёки қуртга ўхшаш бўлиб, тузилиши ва ҳаёт кечириш тарзига кўра вояга етган ҳашаротлардан кескин фарқ қиласди. Масалан, қапалаклар хартуми билан гул нектарини сўриб озиқланади; уларнинг тухумдан чиққан қуртлари эса қаттиқ озиқ (яшил ўсимликларнинг барги, меваси ва бошқа органлари) билан озиқланади. Тўлиқ ўзгариш билан ривожланадиган ҳашаротларнинг личинкалари кетма-кет туллаб ўсгандан сўнг фумбак даврига ўтади. Фумбаклик даврида личинкалик тўқималар ва органлар бутунлай қайтадан тикланади. Фумбакдан вояга етган қанотли ҳашарот чиқади.

ЧАЛА ҰЗГАРИШ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНДИГАН ҲАШАРОТЛАР ТУРКУМЛАРИ

Тұғриқанотлилар. Жанубий ҳудудларнинг дашт ва чўлларида кенг тарқалган. Уларнинг олд қанотлари энсиз, узун, тўғри ҳамда дағалроқ, орқа қанотлари кенг елпифичсимон бўлиб, орқа қанотлари остига йиғилиб туради. Мўйловлари ингичка инсимон, кейинги оёқлари узун ва йўғон сакровчи типда. Тўғри қанотлар орасида кўм-кўк ўтлар орасида турли хил **темирчаклар**; дашт ва чўл минтақаларида осиё чигирткаси, яъни кўчманчи чигиртка, **туркман чигирткаси** кўп учрайди. Кейинги икки тур айрим йиллари жуда тез кўпайиб кетганида экинларга катта зиён келтиради.

Чигирткалар тухумларини тупроққа махсус кўзача ичига қўяди. Личинкалар ва вояга етган чигирткалар жуда очкўз бўлиб, дуч келган ўсимликларни еяверади. Кўпчилик турларида овоз чиқариш ва эшишини органлари ривожланган. Темирчаклар чигирткалардан узун мўйловлари ва ургочисининг тухум қўйгичи яхши ривожланганлиги билан фарқ қиласди. Тўғриқанотлиларнинг 20000 дан ортиқ тури маълум.

Ниначилар табиатда тиниқ сувли сой ва ариқларнинг яқинида кўп учрайди. Бош қисмида жуда йирик кўзлари ва калта мўйловлари бор. Қорин қисми ингичка ва узун. Иккала жуфт қаноти бир хилда тўрсимон тузилган бўлиб, танасининг икки ёнига ёйилиб туради. Личинкаси сувда яшайди. Ниначилар ва уларнинг личинкалари йиртқич ҳаёт кечиради. Вояга етган ниначилар турли заарли ҳашаротлар, айниқса чивинларни қириб фойда келтиради. Ниначиларнинг 4500 га яқин тури маълум.

Суваракларнинг табиатда 50 дан ортиқ тури учрайди. Хонадонларда 10—13 мм узушилкдаги сариқ суварак ва ундан йирикроқ (18—30 мм) қора суварак учрайди. Суваракларнинг танаси ясси, ургочиларининг қаноти калта ёки умуман бўлмайди. Ҳамма сувараклар учолмайди, лекин тез югуради. Хонадонларда нон увоқлари, сабзвотлар ва турли овқат қолдиқлари билан озиқланади. Улар касаллик тугдирувчи бактериялар (масалан, ичбуруғ таёқкаси) ва баъзи паразит чувалчанглар тухумларини тарқатади.

Қандалалар. яъни **чала қаттиқ қанотлилар**. Қандалаларнинг кўкракка туташган қисми хитинлашган. Оғиз органи суюқ озиқни сўриб олишга мослашган хартумдан иборат. Кўпчилик турлари яшил ўсимликларнинг ширасини сўриб озиқланади. Үрта Осиёда донли экинларга **хасва қандаласи** катта зиён келтиради. Хонадонларда учрайдиган тұшак қандаласи қон сўриб озиқланади.

8-жадвал. Ҳашаротлар асосий түркүмларининг тасвиғи

Түркүм	Турларни	Хусусиятлари	Ахамияти
Тұғри қанот-лилар	Осиё чигирткаш, темирчак, көра чигиртка	Цала үзәгари билан ривожланиш	Экиншарнинг заражуналдалары, үсімлік барғалари, ёш майсалар навдалар билан озиқланады
Танғача қанот-лилар	Карам калалаги, тут ипак курти, гүза түнлами, хона күсін	Канотлар 2 жұфт, танғачалар билді, параллел түрләнгән, Кейнінг күннен көңір, радикал түрләнгән, оғиз органдары көмірүвчи тілда	Капалаклар гүлдарини чаптандыра-ди, куртлар хавфли зараркүнандалар. Тут ипак курти хонаклаштырылған, ипак олиш учун бокылады
Күшқанотлы-лар	Үй чивинин, бұқа чивинлар, беззак пашшасы, сұна	Канотлардың биңр жұфт. Оғиз органдары яловчы екінші типта	Чивиншар түрли ішак касаллікшарни, бесзак пашшасы—беззак шара-зитини қоюлады. Пашшалар вакыттарда одам да хайвонлар қонын сүрады, бұқалар курти халаптар танасыда паразитлік қылады.
Пардақанотлы-лар	Асалары, сарық, арилар, түкلى арилар, чумолилар, яйдоқчилар	Канотлардың тиник, одд қанотлардың ириккөр, оғиз органдары ариларда көмірүвчи-сүрүрүвчи, башқаларда—жемірүвчи, Арилар, чумолилар, жамбоға бүйін яшайды	Күшмекілердин чаптатуучылар. Асаларлар асад, мұм, прополис берады. Чумолилар үрмөнни затарар күнданда Ҳашаротлардан химия қылады. Яйдоқчилар үстімлік заражуналдаларынан күргіларда параситтегі таржыры таржыга кирады, уларнинг күртлары органик мөдделалар, қолдикларининг парча-линишида қатнашады.

ТҮЛИҚ ҰЗГАРИШ ОРҚАЛЫ РИВОЖЛАНДИГАН ХАШАРОТЛАР ТУРКУМЛАРИ

Капалаклар, яғни тангақанотлиларнинг қаноти ва танаси майды тангачалар билан қопланган, хилма-хил рангли ҳашаротлардир. Капалакларнинг 140000 га яқин түри бор. Оғиз органи сұрувчи хартумдан иборат бўлиб, бошининг остки томонида спирал шаклида тахланиб туради. Капалаклар гул нектари билан озиқланади. Чувалчангсимон личинкаларнинг танаси бўғимларга бўлинган бўлиб, қурт деб аталади. Қуртининг оғиз органлари кемирувчи типда; кўкрак оёқларидан ташқари 5 жуфт сохта қорин оёқлари ҳам бўлади. Кўпчилик капалакларнинг қуртлари ғумбакка айланиш олдидан пилла ҳосил қиласди. Капалак қуртлари орасида хавфли зааркунандалар ҳам бор.

Карам капалаги оқ рангли, қанотларининг четида қора доғлари бўлади. Капалак карам, шолғом, турп, ачамбити каби карамгулдошлар баргининг остки томонига тухум қўяди. Тухумдан чиққан қуртлар ўсимлик баргларини кемиради. Қуртлар бир неча бор туллаб ўсади ва дараҳтларга ўрмалаб чиқиб ғумбакка айланади.

Тут ипак қурти эрамиздан 3000 йил аввал хонакилаштирилган ҳашарот. Унинг капалаги учиш қобилиятини йўқотган. Табиатда ҳозир учрамайди. Қурти дараҳт барглари билан озиқланади. Ғумбакка айланишдан олдин қурт ипак безлари суюқлигидан пилла ўрайди. Тут ипак қурти Япония, Хитой, Жанубий Корея, Бразилия, Хинди-Хитой, Жанубий Европа, Ўрта Осиё ва Кавказда боқилади.

Тут ипак қурти ипак стиштириш мақсадида махсус хоналарда қурилган сўкчакларда боқилади. Матълум вақтдан кейин қуртлар пилла ўрайди ва пилла ичидаги ғумбаги иссиқ ҳарорат таъсирида ўлдирилади. Йигирув дастгоҳларида пилладан ип йигирилади. Ҳар бир кг пилладан 90 г ип йигириб олинади. Ипакдан турли газламалар тўқилади, авиация учун парашютлар тайёрланади ва стратостатлар ясаш учун фойдаланилади. Мамлакатимиэда кўп ва сифатли пилла берадиган ипак қуртлари зотларини яратишда ва ипакчиликнинг ривожланишида Б. А. Астауровнинг хизматлари жуда катта. Тошкентда ипакчилик илмий текшириш институтида ҳам ипакчиликни ривожлантириш соҳасида катта тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Икки қанотлилар кенг тарқалган, турлари жуда хилма-хил бўлган ҳашарётлар туркуми. Уларнинг фақат олд жуфт қанотлари ривожланган. Қанотларининг кейинги жуфтидан фақат калта ўсимталар сақланиб қолган. Учаётган ҳашаротларда бу ўсимталар тана мувозанатини сақлаш ёки тебраниб овоз чиқариш вазифасини бажаради. Икки қанотлиларнинг 100000 га яқин түри маълум.

Үй чивини—танаси майды тукчалар билан қопланган, жуда

ҳаракатчан ҳашарот. Унинг пастки лабларининг учки қисми кенгайиб қалин ва юмшоқ ёстиқчани ҳосил қиласди. Чивин суюқ озиқни лаблари билан ялаб олади. Озиқ таъмини эса олд оёқларининг панжасидаги тукчалар ёрдамида аниқлади. Чивинлар ахлатхоналар, ҳожатхоналар ва ҳайвонлар тезагига тухум қўяди. Қуртининг бош томони тўмтоқ кесилган; оёқлари ва боши бўлмайди. Тана сиртидаги ҳалқасимон бўртмачалари ёрдамида судралиб ҳаракатланади. Қуртлар чирнётган бирмунча суюқ озиқни ейди. Уй чивини жуда серпушт бўлиб, личинкаси жуда тез ўсади. Чивиннинг тухумдан вояга етгунга қадар ривожланиши 8—10 кун давом этади. Бир чивиннинг авлоди қулай шароитда бир йил давомида 5 триллионга етиши мумкин.

Чивинлар ичбуруг, қорин тифи, вабо, сил, дифтерия каби юқумли касалликлар микроблари ҳамда гижжаларнинг тухумларини тарқатиш билан одамлар соғлиғига катта зиён келтиради. Чивинларнинг кўпайиб кетиши ва касаллик тарқатишининг олдини олиш учун турар жойларни доимо озода сақлаш ва ахлатларни ўз вақтида чиқариб туриш зарур.

Бўкалар личинкалик даврида чорва молларига зиён келтиради. Тери бўкаси қора молларнинг юнгига тухум қўяди. Тухумдан чиқсан личинкалари молларнинг териси остига кириб олиб, терида оқма яра ҳосил қиласди. **От бўкасининг** личинкаси отларнинг ошқозон деворида паразитлик қиласди. **Қуй бўкасининг** личинкаси эса қўйларнинг бурун бўшлиғида паразитлик қиласди.

Пардақанотлиларнинг қанотлари пардақанотли, олд жуфт қанотлари кейингиларидан йирикроқ. Бир қанча пардақанотлилар (чумолилар)нинг қанотлари бўлмайди. Кўпчилик пардақанотлилар жамоа бўлиб яшайди. Ҳар бир оиласда битта ёки бир неча маликаси (урғочиси), бир нечта эркағи ва жуда кўп сонли ишчилари бўлади. Пардақанотлилар орасида заҳарли турлари ҳам кўп. Улар думининг кейинги учидаги наштари жойлашган. Наштарига заҳар безининг йўли очилади. Пардақанотлилар жуда хилма-хил бўлиб, 150.000 дан кўпроқ турни ўз ичига олади.

Асаларилар. Асаларилар жамоа бўлиб яшовчи наштарли пардақанотлиларга киради. Асаларилар оиласида 10.000—50.000, баъзан ундан ҳам кўпроқ ишчи ари, битта она ари ва бир неча юз эркак ари (трутен) бўлади. Асаларилар оиласи ёғочдан ясалган маҳсус қутиларда боқилади. Қутиларда арилар мумдан олти қиррали катақчалар қуришади.

Асалари оиласида она ари, ишчилари ва трутенлар тузилиши ҳамда бажарадиган вазифаларига кўра бир-биридан фарқ қиласди. Она ари бирмунча йирик, қорин қисми йўғонроқ, қанотлари яхши ривожланган бўлади. Трутенларнинг мўйловлари ва кўзлари йирик бўлади, наштари бўлмайди. Она ари ва трутенлар кўпайиш вазифасини бажаради. Ишчи арилар вояга етмаган урғочи арилар бўлиб, бироз кичикроқ, танаси майда

ва калта туклар билан қопланган; оғиз органи яхши ривожланған; юқори жағлари кеми्रувчи, пастки жағлари эса сүрүвчи типда. Ишчи ариларнинг қанотлари яхши ривожланған; орқа оёқларида гул чангини түплашга мослашган саватчаси бўлади. Ишчи арилар оиласа инни тозалаш ва қўриқлаш, она ари; трутенлар ва қуртларини озиқлантириш, гулчангни ва нектар йиғиш каби уядаги ва уядан ташқаридаги ҳамма ишларни ба-жаради. Нектар асаларининг ошқозонида овқат ҳазм қилиш безлари таъсирида парчаланиб, асалга айланади. Асалари шу асални катакларга жойлади. Ишчи арилар бир-бирлари билан турли хатти-ҳаракатлар ёрдамида информация алмаши-нишади. Ариларнинг ин қуриш ва тозалаш, нектар йиғиш ва қуртларни боқиш каби хатти-ҳаракатлари туғма хусусият бў-либ, инстинкт дейилади.

Чумолилар ҳам оила бўлиб яшовчи наштарли пардақанот-лиларга киради. Лекин чумолилар наштари жуда калта бўлга-ни туфайли чақа олмайди. Оиласа бир неча юз минг, баъзан миллионтагача чумоли бўлади. Чумолилар оиласи қанотсиз ишчилар, йирик бошли навкарлар, бир неча она чумоли ва қанотли эркак чумолилардан иборат. Ишчи чумолилар жи-ғилдонида чала ҳазм бўлган озиқ билан қуртлар, навкарлар ва она чумолини озиқлантиради. Чумолилар бир-бирлари билан доимо озиқ алмашиниб туришади. Шунинг учун озиқ ҳамма оила аъзолари ўртасида тенг тақсимланади. Чумолилар тупроққа, тошлар остига, чириётган тўнкалар остига жуда кўп камера ва йўлаклардан иборат ин қуради. Қўпинча ин-нинг юқори қисми гумбазсимон кўтарилилган бўлади. Чумолилар хилма-хил усулда озиқланади. Ўрта Осиё чўлларида кенг тар-қалган чопқир от чумолиси майдага ҳашаротлар, ўсимликлар меваси, дони ва ҳатто нектари билан озиқланади. **Қир** чумоли-лари ҳар хил ўсимликларнинг урувлари ва дони билан, хонадон-ларда кўп учрайдиган **сариқ чумолилар** озпқ-овқат маҳсулот-лари билан озиқланниб, бирмунча зарар келтиради. **Қора боғ** чумолилари эса шира битлари танасидан ажралиб чиқадиган ширани ялаб озиқланади. **Сариқ ўрмон чумолилари** ҳар хил ҳашаротларни ейди.

Яйдоқчилар одатда жуда майдага ҳашаротлар. Улар қорини бўлимининг учки қисмida илга ўхшаш узун тухум қўйгичи бўлади. Улар бошқа заараркунанда ҳашаротлар қуртлари тана-сига ёки тухумига ўз тухумини қўяди. Тухум қўядиган урғочи яйдоқчини қуртни миниб олган чавандозга ўхшатиш мумкин. Шу сабабли бу пардақанотлиларга яйдоқчилар деб ном берил-ган. Тухумдан чиқсан яйдоқчи қуртчалари ўз хўжайини тана-сининг тўқималарини ёки тухумини аста-секин еб вояга етади. Яйдоқчи заарлаган ҳашарот эса ўлади. Оқ капалаклар яйдоқ-чиси ўз тухумини карам, дўлана ва бошқа заараркунанда ка-палаклар қуртига қўяди.

ЗАРАРКУНАНДА ҲАШАРОТЛАРГА ҚАРШИ БИОЛОГИК КУРАШ

Ҳашаротларнинг табиий кушандалари — йиртқич ва паразит ҳашаротлар, қушлар, бақалар ва ҳашаротхўр сутэмизувчилардир. Улар орасида йиртқич қўнғизлар (хон қизи), пашшалар ва айниқса яйдоқчи пардақанотлилар катта аҳамиятга эга. Ёзға тунлами ва бошқа тунлам капалакларга қарши трихограмма ва габрабракон яйдоқчилари; шира битларига қарши йиртқич тиллакўздан ва инкарзия паразитидан фойдаланиб келинмоқда. Зааркунанда ҳашаротларга қарши курашда уларнинг табиий кушандаларини сақлаб қолиб уларнинг кўпайишини таъминлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Шу мақсадда алмашлаб экишни кенг кўламда жорий этиш ва заҳарли моддаларни қўллашни кескин чеклаш зарур.

ҲАШАРОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳашаротларнинг табиатдаги ва инсонлар ҳаётидаги аҳамияти жуда хилма-хилдир (8-жадвал). Ҳашаротлар озиқ занжирни орқали табиатдаги барча тирик организмлар билан боғланган, улар кўпчилик қушлар, судралиб юрувчилар, сувда ҳам қуруқликда яшовчилар ва бир қанча умуртқасиз ҳайвонлар ҳамда сутэмизувчиларнинг асосий озиғи ҳисобланади. Энтомофаг (бошқа ҳашаротлар билан озиқланувчи паразит ва йиртқич) ҳашаротлар табиатда зааркунанда ҳашаротлар сонини чеклаб туради. Ўсимлик ва ҳайвонлар қолдиги ва мурдалар билан озиқланувчи ҳашаротлар табиат санитарлари сифатида ҳам катта аҳамиятга эга. Улар тупроқни ўсимлик ва ҳайвонлар қолдиғидан тозалайди. Тупроқда яшовчи ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари, ўсимлик қолдиқларини ўзлаштириб, тупроқнинг органик ва минерал таркибини яхшилади, тупроқ қатламларини аралаштириб, юмшатади.

Кўпчилик пардақанотлилар, айрим капалаклар, қўнғизлар, гул чивинлари гулларни чанглатиб, ўсимликларнинг ҳосилдорлигини оширади. Бир қанча ўсимликлар (кунгабоқар, греҷиха, дуккакли ўсимликлар) фақат ҳашаротлар ёрдамида чангланади.

Ҳашаротларнинг маҳсулотлари, масалан асалари асали ва заҳари, ипак қуртининг илаги инсонлар учун, озиқ-овқат саноати учун қимматбаҳо хомашё сифатида фойдаланилади.

Ҳашаротлар орасида инсон соғлиғига, чорва моллари ва қишлоқ ҳўжалиги экинларига зиён келтирувчи турлари ҳам жуда кўп. Битлар, бургалар, пашшалар, тўшак қандаласи ва бошқа ҳашаротлар одам ва ҳайвонлар қонини сўриб катта зиён келтиради. Бундан ташқари, битлар тепки, терлама; бургалар вабо, ўлат; чивинлар қөрин терламаси ва ичбуруғ бактерияларини; пашшалар безгак паразитини тарқатиши туфайли

инсон саломатлигига катта зиён келтиради. Ҳашаротлар орасыда зиён келтирадиган турлари ҳам күп.

ХОРДАЛИЛАР ТИПИ

Хордалилар танаси бўйлаб ўтувчи ўқ скелет—хордаси бор. Хорданинг остида ичак жойлашган. Ичакнинг олд қисми — ҳалқум деворида жабра ёриқлари бор. Сувда яшовчиларда жабра ёриқлари ҳайвоннинг ҳаёти давомида сақланиб қолади. Қуруқликда яшашига мослашган ҳайвонларда эса жабра ёриқларни фақат эмбрионал ривожланиш даврида бўлади. Хорданинг устида унинг орқа томонида марказий нерв системаси — нерв наийи жойлашган (9-жадвал).

Хордалилар типи 43 000 га яқин кенг тарқалган ҳайвонлар турини ўз ичига олади. Бу тип бошқутисизлар, юмалоқофизилар ва бошқутилилар, яъни умуртқалилар кенжа типларига бўлинади. Бошқутисизлар бош мияси ва мия қутиси бўлмайдиган тубан хордалиларни бирлаштиради. Уларда ўқ скелети—хорда бутун ҳаёт давомида сақланиб қолади. Бош қутилиларда нерв наийининг олд қисми йўғонлашиб, бош мияни ҳосил қилади. Бош мия бош қутиси билан ҳимояланган. Уларда ўқ скелет—хорда ўрнига тоғай ёки суяқдан иборат умуртқа пофонаси ривожланган. Бош қутилизлар кенжа типи ланцетниклар синфини; бош қутилилар, яъни умуртқалилар кенжа типи тоғайли балиқлар, суяқли балиқлар сувда ҳам қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар, қушлар ва сутэмизувчилар синфларини ўз ичига олади (10-жадвал).

БОШ ҚУТИСИЗЛАР КЕНЖА ТИПИ

ЛАНЦЕТНИКЛАР СИНФИ

Бу синфга илиқ сувли денгизларда тарқалган 20 турга яқин содда тузилган хордалилар киради.

Ланцетник. Ланцетникнинг бироз қизғиши тусли танаси ланцетга ўхшаш шаклда, узунилиги 4—8 см. Танаси икки ён томондан сиқилган, олдинги ва кейинги учи ингичкалашган. Бош томонида пайпаслагичлар билан қопланган оғиз тешиги жойлашган. Танасининг орқа томони бўйлаб ўтган орқа сузгични дум сузгичга туташиб кетган. Бундан ташқари, битта думости ва иккита ён сузгичлари ҳам бўлади. Танаси бир қават ҳужай-ралардан иборат эпителий тери билан қопланган (44-расм).

Ланцетникнинг бош қутиси бўлмайди. Скелети ички бўлиб, тана бўйлаб ўтувчи эластик хордадан иборат. Мускуллари бўғим-бўғим бўлиб хорданинг икки ёнида жойлашган. Хорда ланцетникнинг бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади.


Овқат ҳазм қилиш системаси оғиз тешиги, оғиз бўшлиғи,

9- жадвал. Үмуртқасыз ва хордали ҳайвонларнинг фарқ қилувчи белгилари

Белгилар	Үмуртқасылар	Хордалилар
Скелети	Ташқи	Ички: хорда, тогай ёки сүяк
Нерв системаси	Нерв түгунлари тинида. Нерв стволлари	Орқа мия наисимои. Бош мия бешта бўлимдан иборат. Тубан хордалиларда марказий нерв системаси наисимон бўлимларга бўлинмаган
Нафас олиш органдарни	Тана юзаси, жабралар, трахеялар ёки ўпка	Сузгич пуфаги (қадимги үмуртқалилар) жабралар, ўпка, тери
Юракнинг тузилиши ва жойлашиши	Юраги бўлмайди ёки бир камерали, ёки кўп камерали, орқа томонда	2,3—4 камерали, тана бўшлигига. Тубан хордалиларда бўлмайди
Қон айланиш системаси	Туташмаган (очиқ), ҳалқали чувалчангларда ёпиқ (туташ)	Туташган (ёпиқ)
Сезги органларининг жойлашиши	Тананинг ҳар хил қисимида	Бонда, баъзан танада (балиқларда ён чизиги)
Тутувчи органи	Оёқларга ўхшаш ўсимталаар	Жағлар, айрим ҳолларда оёқ ёки қўллар
Тана бўшлиги	Бирламчи ёки иккиламчи, баъзан бўлмайди	Бўлади, доимо иккиламчи
Тана мускуллари	Асосан силлиқ, бўғим-оёқлиларда кўндаланг чизикли	Скелет мускуллари кўндаланг чизикли, ички аъзоларда силлиқ

10-ЖАДВАЛ. ХОРДАЛЛАР ТИПИ СИНФЛАРИНИНГ СОЛИШТИРМА ТАСИФИ

Синф	Тана түзилиши				Хазм күлдеш системаси	Кон алданыш системаси
	Тана бўлишлар	Тана коллагачи	Скелети	оёқлар		
Лапшетник-лар	Гавда, дум, суватич канот	Терп	хорда	бўй	Оғиз, ҳалқум, ичак, жигар, анал тешити	Битта доира, совукконли. Юраги 1 камерали
Балиқлар	Бош, гавда, дум, суғиҷ қанотлар	Терп, сувик тангаchalар, шилимшик беззар	Бош кутиси, умуртка поғонаси: гавда ва дум. Қовурғалар	Жуфт сунтири қанотлар камари—спика чанок. Сузгич канотлар	Оғиз, ҳалқум, қизилүнга, ошқозонисти бези, ичак, ошқозонисти бези, ичак, анал тешити	Битта доира. Совукконли. Юраги 2 камерали
Сувда ҳам куруклиқда яшовчилар	Бош, гавда, олд ва кешиниги оёқлар	Терп, кўнгакватли шилимшик беззар	Бош кутиси, умуртка поғонаси: гавда, дум думғази, дум	Олд ва кейинги оёқлар ва уларнинг камари	Оғиз, ҳалқум, қизилүнга, ошқозонисти бези, ичак, клоака	Иккита доира. Совукконли. Юраги 3 камерали
Судралиб юрувчиilar	Бош, бўйни, гавда, дум, олд ва орқа оёқлар	Курук ва гулаб турадиган терп, музуз тангаchalар	Бош кутиси, умуртка поғонаси: бўйни, кўкрак, бел, думғази, дум; кўкрак қафаси	Юқоридагига ўхшаш	Юқоридагига ўхшаш	Юқоридагига ўхшаш
Кушлар	Бош, бўйни, гавда, канотлар, оёқлар	Курук тери, мугуз патлар	Юқоридагига ўхшаш	Шунга ўхшаш, лекин олд оёқлар қанотларга айланган	Юқоридагига ўхшаш	Иккита кон алданши доираси. Юраги 4 камерали, иссиқконли
Сутэмизувчиilar	Бош, бўйни, гавда, дум, олд ва орқа оёқлар	Терп, тер, ёғ, сут бозлари. Соғ (мутуз мозда)	Юқоридагига ўхшаш	Олд ва кейинги оёқлар қауларга ўхшаш	Юқоридагига ўхшаш, лекин клоака ўрнига анал тешити, сўзлак беззарни	Юқоридагига ўхшаш



44-расм. Ланцетник:

1 — пайпаслагиличлар билан ўралган оғиз тешиги, 2 — жабра тешиклари бўлган ҳалқум, 3 — жигар, 4 — ичак, 5 — анал тешик, 6 — мускуллар, 7 — хорда, 8 — нерв наийи.

ҳалқум, ўрта ичак, орқа ичак ва анал тешигидан иборат. Ўрта ичакка жигар наий очилади. Ланцетник сув оқими билан оғиз бўшлиғига тушадиган турли планктон организмлар билан озиқланади.

Ланцетникнинг нафас олиш системаси ҳалқум деворида жойлашган 100 жуфтга яқин жабра ёриқларидан иборат. Жабра ёриқлари атрофида жуда кўп қон капиллярлари жойлашган. Жабра ёриқлари жабра олди бўшлиғи билан туташган. Бу бўшилик қорин томонида жойлашган тешик орқали ташқарига очилади. Ланцетникнинг оғиз бўшлиғида майдага киприкчалар жойлашган. Киприкчаларнинг ҳаракати туфайли сув ҳалқумга ҳайдалади. Сувдаги озиқ бўладиган майдага организмлар ичакка ўтказилади, сув эса жабра ёриқлари орқали жабраолди бўшлиғига ўтади. Шундай қилиб, ланцетникнинг озиқланиши нафас олиши билан бирга боради.

Қон айланиш системаси туташ, орқа ва қорин қисмидаги жойлашган иккита йирик, жуда кўп майдага қон томирлари ва капиллярлардан иборат. Юраги бўлмайди. Қорин қон томири қисқариш хусусиятига эга. Қон қорин қон томиридан жабраларга оқади. Қони рангсиз бўлиб, газ алмашинув ва озиқ моддаларини ташиб вазифасини бажаради.

Айрим системаси ҳалқали чувалчангларнига ўхшаш тузилган ва бўғим-бўғим бўлиб жойлашган найлардан иборат. Ҳар бир найнинг бир учи тана бўшлиғига, иккинчи учи жабра олди бўшлиғига очилади. **Нерв системаси** хорданинг устида жойлашган узун найдан иборат. Ҳар бир тана бўғинида нерв найдан бир жуфтдан нервлар чиқади. Сезги органлари жуда содда тузилган. Нерв наийи бўйлаб ёруғлик сезувчи ҳужайралар, терининг сиртида эса химиявий таъсиirlарга сезгир таъм ва ҳид билиш ҳужайралари жойлашган.

Ланцетниклар — айрим жинсли ҳайвонлар. Ургочи ва эркак ҳайвонларнинг 25 жуфтга яқин жинсий безлари бўлиб, бўғим бўлиб жойлашган. Жинсий ҳужайралари жабраолди бўшлиғи орқали сувга чиқарилади. Тухумлари сувда уруғланади. Тухумдан чиқсан личинкаси сувда фаол ҳаёт кечиради, турли зоопланктон организмлар билан озиқланади. Қейинчалик сув тутика тушуб, пассив ҳаёт кечира бошлайди. Вояга етган ланцетниклар сув тубидаги қумга кўмилиб ҳаёт кечиради.

Шундай қилиб, ланцетник хордасининг бўлиши, нерв сис-

төмаси ва жабраларнинг тузилиши ҳамда жойланиши билан ҳақиқий хордали ҳайвон бўлиб ҳисобланади. Лекин айриш, қон айланиш, овқат ҳазм қилиш системалари ва мускулларининг тузилиши ланцетникларни умуртқасиз ҳайвонлар, айниқса, ҳалқали чувалчанглар билан яқинлаштиради.

БАЛИҚЛАР ҚАТТА СИНФИ

Балиқлар ҳақиқий сувда яшовчи умуртқали ҳайвонлар бўлиб, уларнинг тана шакли ва тузилиши ҳам сувда фаол ҳаракат қилиш ва яшашга мослашган. Уларнинг ҳаракат органлари сузгич қанотлардан иборат. Оғиз бўшлиғида жағлари бўлади. Жабралар ёрдамида сувда эриган кислород билан нафас олади. Қон айланиш системаси туташ битта доирадан иборат. Юраги икки камерали бўлиб, юраколди бўлмаси ва қоринчадан иборат. Бу катта синфга 20 мингдан ортиқ туркиянига мөнадиёт ишлайди.


Зоғора балиқ. Ўзбекистондаги дарё ва кўлларда учрайди. Танаси сўйри шаклда, икки ён томондан ясилашган бўлиб, бош, гавда ва дум қисмлари ўзаро ҳаракатсиз туташган. Зоғора балиқнинг кўкрак ва қорин жуфт сузгич қанотлари ҳамда орқа, дум ва анал (думости) тоқ сузгич қанотлари бўлади. Жуфт сузгичлари бурилиш, олдинга секин ҳаракатланиш, мувозанатини сақлаш ва тўхташ, тоқ сузгичлари эса олдинга ҳаракатланиш ва тез бурилиш вазифасини бажаради.

Зоғора балиқнинг териси сүяк тангачалар ҳамда безлари ажратиб чиқарадиган шилимшиқ модда билан қопланган. Бу модда терининг сувда ишқаланишини камайтиради. Танасининг орқа томонида тангачалар қорамтири, икки ёнида йўл-йўл, қорин томонида эса оқиш-сарғиш тусда бўлади.

Скелети бош, умуртқа погонаси, қовурғачалар ва сузгич қанотларидан иборат. Бош скелети мия қутиси, жағ, жабра ёйлари ва жабра қопқоқчалари сүякларидан ташкил топган (45-расм). Сузгич қанотлар юзасини ҳам нурсимон жойлашган сүяклар тутиб туради. Жуфт сузгич қанотлар камар сүяклари ёрдамида умуртқа погонасига туташади. Скелет мускуллар учун таянч бўлиб хизмат қиласи; ички органларини ҳимоя қилиб туради.

Балиқлар мускулатураси бўғим-бўғим бўлиб жойлашган бир хил тинда тузилган мускуллардан иборат бўлиб, сузгич қанотлари, жабра қопқоқчалари ва жағларни ҳаракатга келтириш вазифасини бажаради. Орқа ва дум мускуллари, айниқса яхши ривожланган.

Балиқларнинг ички органлари тана бўшлиғида жойлашган **Овқат ҳазм қилиш системаси** оғиз бўшлиғи, ҳалқум, қизилўнгач, ошқозон, ингичка ичак ва орқа ичакдан иборат. Окуннинг жағларидаги ўткир тишлари бўлади. Ингичка ичакка жигар ва ошқозоности безининг йўли очилади. Окунъ йиртқич балиқ, у турли сув ҳайвонлари, шу жумладан балиқлар билан ҳам озиқла-



45-расм. Балиқнинг ички тузилиши:

1 — бурун тешиги, 2 — кўз чуқурчаси, 3 — бош мия,
4 — буйрак, 5 — ўт пуфаги, 6 — сузгич пуфаги, 7 — орка
сузгич, 8 — орқа мия, 9 — дум сузгич, 10 — тил, 11 —
ҳалқум, 12 — жабралар, 13 — юрак, 14 — жигар, 15 —
ошқозон, 16 — ичак, 17 — ургудон, 18 — клоака, 19 —
қовуқ, 20 — анал сузгичи, 21 — сийдик чиқарувчи най.

нади. Сузгич пуфаги қорин бўлимида жойлашган бўлиб, турли газлар аралашмаси билан тўлдирилган. Ёш балиқчаларда сузгич пуфаги ичакка туташган, кейинчалик эса у ичакдан ажралади ва жуда қалин қон капиллярлар билан ўралган бўлади. Сузгич пуфаги балиқнинг сув тубига тушишига ёки кўтиарилишига ёрдам беради.



Балиқларнинг жабралари жабра япроқлари ва уларнинг ёйларидан иборат. Балиқлар оғзи орқали сувни ютиб, жабралари орқали ўтказади. Жабраларда газ алмашинуви содир бўлади. Сувда эриган кислород жабра япроқлари капиллярларидаги қонга ўтади. Қондаги углерод оксиди сувга чиқарилади.

Қон айланиш системаси туташ бўлиб, битта доирадан иборат (46-расм). Юраги икки камерали бўлиб, юрак олд бўлмаси ва юрак қоринчасидан иборат. Танадан келадиган веноз қон юрак орқали ўтиб, аорта ва артерияга боради. Артерия жабраларига келгач, кўп марта шохланиб капиллярларни ҳосил қиласди. Жабраларда қон кислород билан тўйиниб артериал қонга айланади. Бу қон капиллярлардан йирик вена қон томирларига тўпланади; танадаги хужайраларга кислород оксид берабер, углерод оксидини олган қон вена қон томирлар юраколди бўлмасига келади. Балиқларда моддалар алмашинуви секин боради. Шунинг учун улар тана температураси доимий бўлмаган пойкилотерм (совуқ қонли) ҳайвонлар қаторига киради.

Айриш органи умуртқа пофонаси бўйлаб жойлашган бир жуфт тасмасимон буйраклардан иборат. Улардан сийдик найчалари бошланади. Сийдик найчалар орқали қовуқга, ундан эса алоҳида тешик орқали ташқарига чиқариб юборилади.

46-расм. Балиқнинг қон айланиш системаси (А) ва бош мияси (Б):

1 — орқа артерияси, 2, 3 — юрак (2 — қоринча, 3 — юраколди бўлмаси), 4 — вена, 5 — тана капиллярлари, 6 — жабра капиллярлари, 7 — олд мия, 8 — ўрта мия, 9 — мияча, 10 — узунчоқ мия, 11 — оралиқ мия, 12 — ҳид билиш нервлари.



Балиқларнинг марказий нерв системаси ҳам ланцетникнига ўхшашиб симон шаклда тузилган. Лекин унинг олд қисми йўғонлашган бўлиб, мия қутиси ичда жойлашган бош мияни ҳосил қиласади. Нерв системасининг умуртқа погонаси найи ичидаги жойлашган кейинги қисми орқа мия дейилади. Умуртқалар оралиғида жойлашган орқа миядан тана органларига қараб бир жуфт нервлар чиқади. Балиқлар ва барча умуртқали ҳайвонларнинг бош мияси олд, оралиқ, ўрта ва узунчоқ мия ҳамда мияча деб аталувчи бешта бўлимдан иборат (46-расм). Бош миянинг ҳар бир бўлими маълум вазифани бажаришга мослашган. Масалан, мияча ҳаракатни координациялаш вазифасини бажаради. Узунчоқ мия бош мияни орқа мия билан бирлашириб туради, ҳамда нафас олиш, овқат ҳазм қилиш ва қон айланиш вазифасини бажаради.

Балиқларнинг кўриш, эшитиш, ҳид билиш органлари ривожланган. Кўз гавҳари ясси бўлганидан балиқлар фақат яқин масофани кўра олади. Эшитиш органи ички қулоқдан иборат бўлиб, калла суюгининг ички қисмида жойлашган. Ҳид билиш органлари бурун бўшлиғида, таъм билиш органлари оғиз бўшлиги ва лабларда жойлашган. Балиқларнинг маҳсус сезги органлари уларнинг ён чизиқларидир. Ён чизиқлар тананинг икки ёнида — терида жойлашган қатор тешикчалардан иборат. Улар ёрдамида балиқлар сувнинг оқим кучини, йўналишини, сувдаги нарсаларни сезади.

Балиқлар — айрим жинсли ҳайвонлар. Урғочи ва эркакларининг жинсий безлари бир жуфтдан; уруғланиши ташқи бўлади. Урғочиси тухумларини сув тубига ташлайди. Эркаги эса тухумларнинг устига уругини сепиб кетади. Уруғланган тухумлардан 1—2 ҳафта ичидаги балиқ личинкалари етилиб чиқади.

Балиқларда авлоди түғрисида ғамхұрлык инстинкти ҳам ривожланған. Масалан, тикан балиқ тухум құйиши учун уя ясайды ва тухумларини құриқлады. Күчманчи балиқлар тухум құйиши учун денгиздан дарёга (кета, горбуша, лососсымонлар), бошқалари эса ақсингча дарёлардан денгизга (угоръ) чиқади. Личинкалар дастлаб ўз танасидаги сарық модда ҳисобига, кейинроқ бир ұжайралы организмлар билан озиқланади. Бир қанча ўзгаришлардан кейин личинкалар үсіб балиқ чавоқлары га айланади. Окунь икки йилда вояга етади. Балықлар (треска, белуга) 10—11 йилда вояга етади. Балиқлар жуда серпушт бұлади. Масалан, окунь бир мавсумда 330 мингтагача, треска бир неча миллионтагача тухум құяды.

БАЛИҚЛАРНИҢ ХҰЖАЛИҚДАГИ АҲАМИЯТИ. СУНЬЙИ БАЛИҚ ҮРЧИТИШ

Балиқлар турли сув ҳавзаларыда ва сув ҳавзаларининг турли қисміда яшаңға мослашған. Уларнинг асосий қисми денгиз ва дарёларда қаёт кечиради. Айрим вакиллари иссиқ булоқларда ва гор сувларыда яшайды. Сув тубида яшаңға мослашған балиқларнинг танаси япалоқ, сув қаърида яшайдығанлари эса сүйри шаклида бұлади. Яшаң мұхити балиқларнинг рангиға ҳам катта таъсир күрсатади.

Балиқлар ҳар хил сув ўтлари, майда умуртқасыз ҳайвонлар билан озиқланади. Улар орасыда йильтқыч турлари ҳам бор.

Балиқлар табиатда сув ҳавзалари биогеоценозларининг озиқ занжирида ва халқ хұжалигыда катта аҳамиятта эга. Улар тюлень, морж, денгиз мушуклари, сув құшлари ва судралиб юрувчиларнинг асосий озиғи ҳисобланади.

Балиқ гүшти ва икраси қимматли озиқ ҳисобланади. Осётр-симон балиқлардан қора икра, лососсымонлардан эса қизил икра олинади. Балиқ икраси ва мойи ҳар хил витаминларга бой. Балиқ уни чорва учун оқсилга бой ем сифатида ишлатылади.

Кейинги йилларда түғонлар, гидроэлектростанциялар ва сув омборларининг барпо этилиши билан балиқлар үрчидиган майдонларнинг камайиб кетиши ва сув ҳавзаларининг ифлосланиши балиқчиликка катта путур етказди. Чунки сув омборлари ва түғонлар барпо этилишида қурилған махсус балиқ ўтказувчи иншоотлар етарлы натижә бермаяпты. Ҳозирғи даврда балиқларни мұхофаза қилиш учун балиқ овлашни чеклаш, балиқни фақат маълум бир мавсумдагина овлаш, ов қилиш қуролларидан фойдаланишни тартибға солиш ишлари амалға оширилмоқда. Ноёб балиқлар турларининг сонини тиклаш ва құпайтириш мақсадида улар заводларда сунъий құпайтирилиб, сув ҳавзаларига құйиб юборилмоқда. Балиқчилик хұжаликларыда эса зогора балиқ, гулмойи, дүңгешона ва оқ амур балиқлары

кўпайтирилади. Балиқларни кўпайтиришда интродукция ишларини амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Айрим ўтхўр балиқлар (масалан, оқ амур) ариқ ва зовурларни ёввойи ўсимликлардан тозалаб беради.

БАЛИҚЛАРНИНГ АСОСИЙ ГУРУХЛАРИ

Скелетининг тузилишига кўра балиқлар икки гуруҳга — тогайли ва сүякли балиқлар синфларига бўлинади.

Тоғайли балиқлар синфи. Тоғайли балиқлар скелети тоғайдан иборат бўлиб, хордаси ҳаёти давомида сақланиб қолади. Танаси конуссимон тишчали тангачалар билан қопланган, жабра қопқоқлари бўлмайди, жабра ёриқлари 5—7 та. Дум сузгичининг бўлаклари ҳар хил катталиқда бўлади. Сузгич пуфаги ривожланмаган. Тоғайли балиқларга **акулалар ва скатлар** туркumlари киради. Ҳамма тоғайли балиқлар тирик туради. Уларнинг 450 га яқин тури маълум.

Акулалар асосан очиқ денгизларда яшайдиган йирик (узунлиги 15—18 м гача) йиртқич балиқлардир. Дум сузгичи яхши ривожланган.

Скатлар — денгиз тубида яшашга мослашган танаси ўялоқ балиқлар. Дум сузгичи узун ипга ўхшайди. Турли моллюскалар билан озиқланади.

Сүякли балиқлар синфи. Балиқларнинг бу синфига 19500 дан ортиқ тур киради. Скелети қисман ёки бутунлай сүяқдан иборат. Жабра ёриғи бир жуфт бўлиб, жабра қопқоғи билан ёпилиб туради. Кўпчилик турларида сузгич пуфаги бор. Асосий туркumlаридан осётрсимонлар, карпсимонлар, сельдсимонлар, трескасимонлар ва панжақанотлиларни кўрсантиш мумкин.

Осетрсимонлар туркуми. Скелетининг асосий қисми тоғайдан иборат, сүяқ скелет фақат бош қисмидан бўлади. Боши узун тумшуққа айланган, танаси бўйлаб бир қатор орқа, 2 қатор ён ва 2 қатор қорин, яъни ҳаммаси бўлиб 5 қатор йирик ва қалин ромбсимон сүяқ тангачалар жойлашган. Осётрсимонларга осётр, белуга, стерляд ва севрюга киради. Кўпчилик осётрсимонлар тухум ташлаш учун денгизлардан дарёларга ўтади. Осетрсимонлар қимматли гўшти ва икраси учун овланади.

Карпсимонлар туркуми. Асосан чучук сувда яшовчи балиқлар. Туркумга оқ илонбош, хумбош, амур, қора балиқ, зофора балиқ, плотва, карась, леща, карп ва бошқа кенг тарқалган турлар киради. Улар турли ўсимликлар ва умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади. Жағларида тишлари бўлмайди ёки бундай тишлар бўлганида ҳам кучсиз ривожланган; халқумдаги тишлари озиқни майдалаш учун хизмат қилади. Карпсимонлар овланади. Илонбош, оқ амур, хумбош Ўзбекистондаги сув ҳавзаларида иқлимлаштирилган. Карпсимонлар маҳсус балиқчилик хўжаликларида кўпайтирилади.

Сельдсимонлар туркуми. Сельдсимонлар денгизларда гала-

гала бўлиб ҳаёт кечиради. Майдо қисқичбақасимонлар билан озиқланади. Асосий вакилларидан сельд ва горбуша (букри балиқ) кўплаб оваланди.

Панжақанотлилар туркуми. Танаси суяқ тангачалар билан қопланган. Сузгич қанотларининг асосий қисми йўғонлашган этдор бўлиб, қуруқликда яшовчи ҳайвонларнинг оёқларига ўхшаб кетади. Кўпчилик панжақанотлилар бундан 70—100 млн йил илгари қирилиб битган. Ҳозирги тирик вакилии латимерия биринчи марта 1938 йилда Ҳинд океанининг Африка қирғоқлагрига яқин жойда, сувнинг чуқур қисмida топилган.

СУВДА ҲАМ ҚУРУҚЛИКДА ЯШОВЧИЛАР СИНФИ

Сувда ҳам қуруқликда яшовчилар — дастлабки қуруқликда яшашга ўтган ҳайвонлар. Қуруқликда яшашга ўтиш умуртқали ҳайвонлар эволюциясида жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳамма органлар системасининг такомиллашувига сабаб бўлган. Хусусан, скелет таянч-ҳаракат вазифасини бажаришга ўтиши билан биринчи марта узун найсимон суяклар пайдо бўлган. Бунинг натижасида ҳақиқий юриш оёқлари келиб чиққан. Қуруқликда яшаш атмосфера ҳавоси билан нафас олишга имкон берувчи орган—ўпканинг ривожланишига, қон айланиш ва нерв системалари ҳамда сензги аъзоларининг мураккаблашувига олиб келган.


Шу билан бирга сувда ҳам қуруқликда яшовчилар сувда ҳаёт кечиришга имкон берадиган бир қанча содда тузилган белгиларини ҳам сақлаб қолган. Хусусан, уларнинг териси жуда юпқа ва доимо нам бўлиб турганлигидан нафас олишда ҳам иштирок этади. Тухумлари ташқи уруғланиш хусусиятига эга бўлиб, фақат сув муҳитидаги ривожланади. Тухумдан чиққан итбалиқлари эса жуда содда тузилган бўлиб, балиқларнинг личинкасига ўхшаш бўлади.

Сувда ҳам қуруқликда яшовчилар синфига 3600 дан ортиқ тур киради. Ҳамма турлари нам ва бирмунча мўътадил иқлимда тарқалган.

Кўл бақаси. Бақалар тропик ва ўрта минтақалардаги чучук сув ҳавзалари яқинида учрайди. Баҳор ва ёзнинг илиқ кунларида фаол ҳаёт кечиради, турли ҳашаротлар, моллюскалар, ўргимчаклар билан озиқланади.

Бақанинг танаси бош, гавда ва юриш оёқларида иборат. Боши қисқа бўйин орқали гавдага қўшилган ва қисман ҳаракатчан бўлади. Бош қисмida бир жуфт кўзи, бурун тешиги, эшитиш органининг ноғора пардаси жойлашган. Танаси юпқа тери билан қопланган. Терида жойлашган кўп сонли шилимшиқ безлари терини доимо намлаб туради.

Оёқлар тўрт бармоқли, бармоқлар орасига сузгич парда тортилган. Кейинги оёқлари бирмунча узун бўлиб, сакраш учун хизмат қиласиди. Скелети бош, умуртқа поғонаси, олд ва кейинги оёқлар скелетидан иборат (47-расм). Умуртқа поғонаси



47-расм. Бақа скелети:

1 — бош скелети сүяклари, 2 — курак, 3 — умуртқа погонаси, 4 — дум сүяги, 5 — чаноқ сүяги, 6 — сон, 7 — товон сүяклари, 8 — болдир сүяк, 9 — ўмров, 10 — елка, 11 — билак, 12 — панжа, 13 — тин сүли.


битта бўйни, 7 та гавда, битта думгаза умуртқаларидан ва битта узун дум сүягидан иборат. Қовурга сүяклари ва кўкрак кафаси бўлмайди. Олд оёклари скелети битта елка, иккита билак (тирсак ва билак) ва панжа (кафтоди, кафт, бармоқ) сүякларидан иборат. Бу сүяклар олд оёқ камари сүяклари деб аталувчи бир жуфт курак, кўкрак тиргак, ўмров ва битта тўш сүяги орқали умуртқа погонасига туташган. Кейинги оёқлар сон (катта ва кичик болдир, товон, кафт ва бармоқ) сүяклардан иборат. Сүяклар кейинги оёқ камари сүяклари деб аталувчи бир-бери билан ҳаракатсиз бириккан чаноқ сүяклари орқали умуртқа погонасига бирлашган.

Бақада жаг, олд оёқ ва, айниқса, кейинги оёқларнинг мускуллари яхши ривожланган.

Овқат ҳазм қилиш системаси, оғиз тешиги, оғиз бўшлиғи, ҳалқум, қизиллўнгач ва ичакдан ташкил топган. Оғиз бўшлиғида сўлак безлари бўлади. Ичаги эса ўн икки бармоқ ичак, ингичка ичак ва орқа ичакка бўлинади. Ўн икки бармоқ ичакка ошқозоности бези ва жигар йўли очилади. Орқа ичак халтага ўхшаш кенгайган клоакага очилади. Клоакага сийдик ва жинсий безлар йўли ҳам очилади.

Нафас олиш системаси халтага ўхшаш катак деворли иккита ўпкадан иборат. Ўпка девори қон капиллялари билан қопланган, унда газ алмашинуви содир бўлади. Нафас йўллари бурун, оғиз бўшлиғи, ҳиқилдоқ ва ўпкадан иборат. Нафас олишда тери ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қон айланиш системаси органлари уч камерали юрак ва қон томирларидан иборат. Юраги иккита бўлмача ва битта қоринчадан ташкил топган. Катта ва кичик қон айланиш доира-лари мавжуд (48-расм). Иккала қон айланиш доироси ҳам юрак коринчасидан бошланади. Ўнг юрак бўлмасида кислороди кам бўлган вена қони, чап юрак бўлмасида кислородга тўйинган артерия қони бўлади. Юрак бўлмачалари ва қоринчаси навбат билан қисқаради. Иккала юрак бўлмаси бирданига қисқарга-



48-расм. Бақанинг қон айланиш схемаси:

1 — ўнг юрак бўлмаси, 2 — чап юрак бўлмаси, 3 — юрак қоринчаси, 4 — аорта, 5 — ўпка артериялари, 6 — ўпка венаси, 7 — артерия, 8 — вена, 9 — ўпка капиллярлари, 10 — органлардаги капиллярлар.

нидан юрақ қоринчасида вена ва артерия қонлари маълум даражада аралашиб кетади. Қоринчадан 3 та артерия қон томири чиқади. Улардан бири бош мияга, иккинчиси органларга, учинчиси ўпка ва терига кетади. Артерия томирлари шундай жойлашганки, юрак қоринчаси қисқарганида бош мия артерияга фақат кислородга тўйинган артерия қони, органларга аралаш қон, ўпка ва терига вена қони кетади. Катта қон айланиш доираси бўйлаб қон қоринчадан бош мия ва органларга кетувчи артерияларга, улардан тўқималардаги капиллярларга ўтади. Тўқималарда газ алмашинуви содир бўлади. Қон кислородни тўқималарга бериб, углерод оксидини олади ва веналарга йиғилиб, ўнг юрак бўлмасига келиб қуйилади. Қичик қон айланиш доираси бўйлаб вена қони қоринчадан ўпка ва терига кетувчи артерияга, ундан ўпкадаги капиллярга ўтади. Ўпкадаги газ алмашинуви натижасида қон углерод оксидини бериб, кислородга тўйинади, яъни артерия қонига айланади. Бу қон ўпка веналари орқали чап юрак бўлмасига келиб қуйилади.

Шундай қилиб, сувда ҳам қуруқликда яшовчиларда катта ва кичик қон айланиш доиралари батамом мустақил бўлмайди. Юрак қоринчасида артерия ва вена қони аралашган бўлади. Уларда модда алмашинув жараёни анча секин кечади. Шунинг учун сувда ҳам қуруқликда яшовчилар ҳам балиқлар сингари *пойкилотерм* (совуқ қонли) ҳайвонлар ҳисобланади.

Айриш системаси икки узунчоқ буйраклар, сийдик чиқариш найи, қовуқдан иборат. Буйракларда қондаги ортиқча сув, тузлар ва кераксиз модда алмашинув маҳсулотлари чиқарилади ва сийдик ҳосил бўлади. Бу сийдик қовуқда тўпланади ва клоака орқали чиқариб юборилади.

Нерв системаси бош ва орқа миядан ҳамда улардан кетувчи нервлардан иборат. Бош мия 5 бўлимдан иборат. Сувда ҳам қуруқликда яшовчиларнинг олд мияси бирмунча яхши ривожланган бўлиб, чап ва ўнг яримшарларни ҳосил қиласиди. Миячаси эса балиқларнига нисбатан кучсиз ривожланган. Кўзининг тузилиши қуруқлик муҳитига мослашган, пастки ва устки қовоқлар билан ҳимояланган. Эшлиш органи ички ва ўрта

қулоқдан иборат. Урта қулоқ тешигига ташқи томондан ноғора парда тортилган, ташқи қулоқ бўлмайди.

Сувда ҳам қуруқликда яшовчилар—айрим жинсли ҳайвонлар. Тухуми сувда уруғланади. Тухумлари балиқлар тухумига ўхшаш, эркаги тухумлар устига уруғини сепиб кетади. Кўл бақаси тухумини сувга тўп-тўп қилиб қўяди. Уруғланган бақа тухумидан икки ҳафта давомида итбалиқ чиқади. Итбалиқнинг ташқи кўриниши, тузилиши ва ҳаёт кечириши балиққа ўхшаб кетади. Ҳусусан унинг узун думи, жабралари ва ён чизиқлари бўлади; юраги икки камерали, қон айланиш доираси битта, оёқлари бўлмайди. Итбалиқ метаморфоз орқали 2—3 ойдан сўнг ёш бақага айланади.

Сувда ҳам қуруқликда яшовчиларнинг хилма-хиллиги ва аҳамияти. Сувда ҳам қуруқликда яшовчилар синфи 3600 дан ортиқ турни ўз ичига олади. Уларнинг ҳаёти икки хил муҳит, яъни сув ва қуруқлик билан боғлиқ. Кўпчилик турлари иссиқ ва нам иқлимли минтақаларда тарқалган. Бу синфнинг асосий вакиллари 2 туркум — думсизлар ва думлиларга ажратилади.

Думсизларнинг думи бўлмайди, орқа оёқлари олд оёқларига нисбатан кучли ривожланган. Уларга турли бақалар (кўл бақаси, яшил бақа, вақилдоқ бақа) ва қурбақалар киради. Кўл бақасининг вақиллаб сайрашини баҳор кунлари сув бўйида эшлиши мумкин. Бақа кундузи фаол ҳаёт кечиради.

Қурбақалар бақалардан терисининг бирмунча дагаллиги, орқа оёқларининг бироз калталиги билан фарқ қиласди. Улар ерда қадамлаб юради. Терисида бадбўй заҳарли суюқлик чиқарувчи безлари бор. Қурбақалар кундузи нам ва салқин жойларда яшириниб ётиб, фақат кечаси овга чиқади. Турли ҳашаротлар ва шиллиқ қуртлар билан озиқланиб, катта фойда келтиради. Ёзда қурбақаларнинг қуруллашини тунда узоқдан эшлиши мумкин. Улар тухумини узун ипга чизиб кўлмак сувларга қўяди.

Думлиларининг думи яхши ривожланган, оёқлари калта ва кучсиз. Думлиларга **тритон** ва **саламандралар** киради. Тритонлар Шарқий Қозогистонда тарқалган. Баҳорда улар кўпроқ сувда ҳаёт кечиради, ёзда эса қуруқликка чиқиб, турли пана жойларда яшириниб ётади. Саламандралар Карпат тогларидаги ўрмонлар ва Кавказда учрайди. Тритонлар аквариумда боқилади.

Сувда ҳам қуруқликда яшовчилар жуда фойдали ҳайвонлар. Улар ҳар хил ҳашаротлар (қўнғизлар, чивинлар, пашшалар ва бошқалар) ҳамда уларнинг личинкалари, шунингдек шиллиқ қуртлар билан озиқланади. Битта бақа ёз давомида 1200 тага яқин ҳашаротни ейди. Бу жиҳатдан айниқса қурбақалар жуда фойдали ҳисобланади. Улар кечаси ов қилиб, турли зараркунанда ва касаллик тарқатувчи ҳашаротлар, шиллиқ қуртларга қирон келтиради. Сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг ўзи ҳам турли ҳайвонлар, ҳусусан қушлар, балиқлар, илонлар,

типратиканлар ва қундузлар учун озиқ ҳисобланади. Бир қанча мамлакатларда бақа гүшти истеъмол қилинади. Медицина ва биология соҳасида ўтказиладиган тажрибаларда бақалардан кенг миқёсда фойдаланилади.

СУВДА ҲАМ ҚУРУҚЛИКДА ЯШОВЧИЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Сувда ҳам қуруқликда яшовчилар кўпайиши ва ҳаёт кечиришининг сув билан боғлиқлиги, итбалифининг тузилиши ва ҳаётининг балиқларга ўхашлиги уларнинг балиқлардан келиб чиққанлигини кўрсатади. Дастлабки сувда ҳам қуруқликда яшовчилар бундан 300 млн йил аввал палеозой эрасининг девон даврларида пайдо бўлган. Тошга айланган қолдиқларига қараб, уларнинг тузилиши (терининг танғачалар билан қопланганлиги, калла суяги) ҳозирги панжа қанотли балиқ — латимерияга ўхаш бўлган деб айтиш мумкин. Дастлабки сувда ҳам қуруқликда яшовчилар қадимий қирилиб кетган чучук сувда яшовчи панжақанотлилардан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Қирилиб битган панжақанотлилар сузгич пуфагидан келиб чиққан ўпка ҳамда жабраси билан нафас олган. Улар этдор сузгич қанотлари ёрдамида қуриб қолган сув ҳавzasидан бошқасига ўрмалаб ўтган. Аста-секин панжақанотлар балиқларнинг жуфт сузгич қанотлари кейинроқ қуруқликда ҳаракатланишга мослашган юриш оёқларига айланган. Шу тариқа дастлабки қуруқликда яшовчи ҳайвонлар — стегоцефаллар пайдо бўлган. Стегоцефаллар анча йирик (5—6 м) бўлиб, ботқоқларда яшаган. Бундан 200 млн. йил ылгари ер юзининг қуруқлик қисмини ботқоқлклар қоплагани учун дастлабки қуруқликда яшашга ўтган ҳайвонлар жуда кенг тарқалган. Иклимининг аста-секин қуруқлаша бошлаши билан қадимги сувда ҳам қуруқликда яшовчиларнинг кўпчилиги қирилиб кетган. Улар орасидан табиий танланиш туфайли бирмунча кичикроқ вакиллари сақланиб қолган. Кейинчалик улардан ҳозирги сувда ҳам қуруқликда яшовчилар келиб чиққан.

СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР СИНФИ

Судралиб юрувчилар — ҳақиқий қуруқликда яшашга мослашган хордали ҳайвонлар. Ўпка билан нафас олади; териси қуруқ бўлиб, нафас олишда қатнашмайди. Қон айланиш доираси иккита, юраги уч камерали, лекин юрак қоринчаси чала парда билан қисман иккига ажралган. Шунинг учун юрак қоринчасида артерия ва вена қонлари қисман аралашади. Судралиб юрувчиларда уруғланиш ички бўлиб, тухумларини қуруқликка қўяди.

Илдам калтакесак. Илдам калтакесакнинг узунлиги 15—20 см бўлиб, у қуруқ, қуёш нури яхши тегиб турадиган дашт, ўрмон ва тоғолди минтақаларида тарқалган. Танаси бош, бўйин, гавда

ва думга бўлишади. Оёқлари бақаникига ўхшаш тузилган, лекин панжаси беш бармоқли, бармоқлари орасида пардаси бўлмайди. Бармоқлари учидаги тирноқлари бўлади. Териси қуруқ бўлиб, шоҳсимон тангачалар билан қопланган. Ўсиш даврида туллайди, яъни эски пўстини ташлайди.

Скелети калла суюги, умуртқа погонаси, олд ва кейинги оёқлари скелетидан иборат. Умуртқа погонасининг бўйин қисми олтида умуртқадан иборат. Кўкрак ва бел қисмига қовургалар биришиб, кўкрак қафасини ҳосил қиласди. Дум умуртқаси узилиб тушиш хусусиятига эга. Олд ва кейинги оёқлари бақаникига ўхшаш суюклардан иборат. Судралиб юрувчиларнинг олд оёғи елка суюги ва кейинги оёғининг сон суюклари умуртқа погонасига икки ён томонидан бирикканлиги учун бу суюклар ер юзасига нисбатан параплел жойлашган. Шу сабабдан судралиб юрувчилар ҳаракатланганида уларнинг танаси ерда судралади.

Мускуллари бирмунча яхши ривожланган. Нафас олишда иштирок этувчи қовурға оралиғи мускуллари ҳам бўлади.

Овқат ҳазм қилиш системасининг тузилиши бақаникига ўхшаш.

Нафас олиш органи катак деворли иккита ўпкадан иборат. Нафас ўтказиш йўллари бурун, ҳиқилдоқ, кекирдак, иккита бронхдан ташкил топган.

Қон айланиш системаси катта ва кичик донрани ўз ичига олади. Юраги З камерали бўлиб, чап ва ўнг юрак бўлмаси ҳамда юрак қоринчасидан иборат. Юрак қоринчасидаги чала тўсиқ парда уни қисман иккига бўлиб туради. Юрак қоринчасининг чап томонидан бош мия томонга кетувчи ўйқу артерияси, ўрта қисмидан танага кетувчи аорта ёйи, ўнг томонидан ўпкага кетувчи артерия бошланади. Шунинг учун бош мияга артерия қони, танага аралаш қон, ўпкага эса вена қони боради.

Айриш системаси чаноқ қисмida жойлашган бир жуфт буйракдан иборат. Сийдик буйраклардан сийдик наий орқали қовуққа тўпланади. У ердан клоака орқали ташқарига чиқарилади.

Судралиб юрувчиларнинг нерв системаси сувда ҳам қуруқликда яшовчиларга нисбатан бирмунча мураккаб тузилган. Олд мия яримшарлари анча йирик бўлиб, уларда сиртқи қобиқ пайдо бўлади. Мияча яхши ривожланган. Нерв системасининг ривожланганилиги улар хулқининг мураккаблашуви ва рефлексларининг хилма-хиллигига ўз ифодасини топади. Судралиб юрувчиларнинг кўзини учта қовоқ (юқори, пастки ва пирпировчи) химоя қиласди. Эшлиш органи бақаникига ўхшаш тузилган. Оғиз бўшлиғидаги узун ва айри тили туйғу вазифасини бажаради.

Судралиб юрувчилар айрим жинсли, уруғланган тухуми анча йирик, сариқ моддага бой бўлади. Тухум ташқи томондан қаттиқ оҳак пўст билан муҳофаза қилинган бўлиб, ташқи муҳитда ривожланади.

Илдам калтакесак май-июнь ойларида қуруқ ва яхши исий-диган жойларга (тупроққа ёки тошларнинг орасига) 5—15 та йирик тухум қўяди. Қўёш ҳарорати таъсирида тухумларда ёш калтакесаклар етилади. Тухумдан чиқсан насли ўзгаришез ривожланади.

Калтакесакларда регенерация хусусияти яхши ривожланган. Улар душман ҳавф солганида думини узиб қолдиради ва шу пўл билан душмандан қутулиб қолади. Кейинчалик думи яна қайтадан ўсиб чиқади.

СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ

Судралиб юрувчилар иссиқ иқлимли ўлкаларда кенг тарқалган 7 мингга яқин турни ўз ичига олади. Кўпчилик турлари қуруқликда ҳаёт кечиради. Сувда яшайдиган вакиллари ҳам атмосфера ҳавоси билан нафас олади ва қуруқликда кўпаяди. Улар совуқ қонли ҳайвонлар бўлганидан кун илиқ пайтида жуда фаол бўлади. Жуда иссиқ ёки совуқ ҳавода бирор пана жойда яшириниб олиб, караҳт ҳолатга ўтади.

Судралиб юрувчилар синфи тангачалилар, тошбақалар ва тимсоҳлар туркумларига бўлинади.

Тангачалилар туркуми вакилларининг танаси шоҳсимон тангачалар билан қопланган. Бу туркумга калтакесаклар ва илонлар киради. Эски иморатларда гекконлар, даштлардэ сцинклар, қулоқли юмалоқбош ва эҷкемар учрайди. Сариқ илон ва урчуқ илон оёқсиз калтакесакларга киради.

Илонларнинг қовоқлари шаффоф бўлиб, кўз билан бирга қўшилиб кетган ва кўзини худди соат ойнаси сингари қоплаб олган. Шу сабабдан улар кўзини юммайди. Илонларнинг оёғи бўлмайди, танасини эгиб ҳаракатланади. Тўш суюги бўлмаганидан қовурғалар қорин томонида эркин туради. Қўкрак қафаси ҳам бўлмайди, ўпкаси битта. Пастки жағлари калла суюги билан маҳсус чўзилувчан пайлар орқали қўшилганлигидан илонларнинг оғзи кенг очилиб, ўз танасидан ҳам анча йўғонроқ ўлжани юта олади. Кўпчилик илонлар ўз ўлжасини тириклийн ютади.

Заҳарли илонлардан бизнинг ўлкамизда капча илон (кобра), кўлвор илон (гюрза), қалқонтумшуқ, чарх илон ва қора илон учрайди. Заҳарли илонлар юқори жагининг икки томонида биттадан заҳар тишлари жойлашган. Бу тишлар маҳсус найча ёки эгатча орқали заҳар безига туташган. Илонларнинг заҳари ўлжанинг перв системасига ёки юрак қон томирлари система-сига таъсири қиласи. Илонларга ўз ўлжасини топишда уларнинг бош қисмида жойлашган маҳсус сезги органлари — термолокаторлар ёрдам беради. Бу орган ҳайвонлардан тараладиган иссиқликини сезади ва уларни бехато топишга ёрдам беради. Бизнинг даштларимизда қум бўғма илони, эски иморатларда чипор илон, сув ҳавзаларида сувилон учрайди. Энг йирик илонлардан питонлар тропик ўлкаларда учрайди. Жануби-шар-

қий Осиёда тарқалган түрсимон питоннинг узунлиги 10 м гача, жанубий Америкада учрайдиган анаконданинг узунлиги 11 м дан ортиқроқ бўлади.

Тошбақалар. Танаси устки ва остки томондан шоҳсимон моддадан ҳосил бўлган қаттиқ ва қалин қалқон билан қопланган. Жағлари тиҳсиз бўлиб, шоҳсимон пластинкалар билан қопланган. Ўмуртқа погонасининг дум ва бўйин бўлимлари ҳаракатчан, бошқа қисмлари эса орқа қалқонига ҳаракатсиз қўшилиб кетган.

Кўпчилик тошбақалар қуруқлиқда анча иссиқ мамлакатларда тарқалган. Ўрта Осиёда учрайдиган чўл тошбақасининг узунлиги 20—25 см келади. Уни баҳор ва кузда учратиш мумкин. Қишида ва ўсимликлар қуриб қоладиган жазирاما ёз кезлари тошбақа уйқуга кетади. Денгизларда узунлиги 2 м, оғирлиги 300 кг га яқин бўлган денгиз тошбақаси учрайди. Ў эшкакка айланган оёқлари ёрдамида сузади. Қирғоққа фақат тухум қўйиш учун чиқади.

Тимсоҳлар — сувда ҳаёт кечиравчи ҳайвонлар. Орқа оёқларининг бармоқлари орасида сузгич пардаси бўлади. Қўзлари ва бурун тешиги бошиннинг устида маҳсус дўнгликда жойлашганлиги сабабли тимсоҳ сувда туриб, сувдан ташқаридаги ҳайвонларни бемалол кузатиб туриши мумкин. Териси қалин шоҳсимон қалқон билан қопланган. Ҳозирги мавжуд судралиб юрувчилар орасида тимсоҳлар энг мураккаб тузилган. Юраги 4 камерали, лекин вена ва артерия қони юрақдан чиққандан сўнг қисман аралашади. Тимсоҳлар тухумини қирғоққа қўяди. Тимсоҳлар асосан балиқлар билан озиқланади. Улар сувлоққа келган йирик ҳайвонларга ҳам ҳужум қиласиди. Африкада нил тимсоҳи, Осиёда (Хиндистон) гавиал, Америкада аллигаторлар тарқалган.

Судралиб юрувчилар табиатда ва инсонлар ҳаётида катта аҳамиятга эга. Қалтакесаклар ҳар хил зараркунанда ҳашароглар ва моллюскалар билан озиқланиб фойда келтиради. Илонлар турли ҳашаротларни ва касаллик тарқатувчи кемирувчиларни қиради. Бир қанча судралиб юрувчилар (тошбақа ва илонлар) гўшти истеъмол қилинади. Тимсоҳлар терисидан қимматбаҳо чарм буюмлар тикилади. Илонлар заҳаридан фармацевтиқада турли дори-дрмонлар тайёрланади. АҚШ ва Кубада миссисипи аллигатори, айрим мамлакатларда тошбақаларни кўпайтирувчи фермалар ташкил этилган.

Қадимги судралиб юрувчилар. Қадимги судралиб юрувчилар жуда хилма-хил бўлиб, палеозой эрасиннинг охири ва мезозой эрасиннинг бошларида ер юзида кенг тарқалган. Улар орасида динозаврлар ёки баҳайбат қалтакесаклар ҳамда йиртқич тишли қалтакесаклар палеонтологик қазилмаларда кўп учрайди. Динозаврлар орасида айрим вакиллари жуда йирик бўлган. Масалан, бронтозаврларнинг бўйи 18 м, диплодоксларники эса 27 м гача етган. Йирик динозаврлар асосан ўтхўр ҳайвон бўл-

ған. Динозаврлар орасида йиртқичлари, шунингдек унча йирик бўлмаган (узунлиги 1 м гача) вакиллари ҳам бўлган.

Йиртқич тишли калтакесакларнинг тишлари курак, қозиқ ва озиқ тишларга ихтисослашган, орқа оёқлари анча кучли ривожланган, юрганда думига таяниб, орқа оёқларида сакраб ҳаракатланган. Кейинчалик иқлимнинг ўзгара бориши, қушлар ва сутэмизувчилар ҳукмронлиги бошланиши билан қадимги судралиб юрувчилар бундан 70—90 млн. йил илгари ёппасига қирилиб кетган; фақат ташки муҳитга кўпроқ мослашган, бир-мунча кичикроқ турлар сақланиб қолган ва насл қолдирган.

Судралиб юрувчиларнинг келиб чиқиши. Сувда ҳам қуруқликда яшовчилар ва судралиб юрувчиларнинг тузилишини ўзаро таққослаб судралиб юрувчиларнинг сувда ҳам қуруқликда яшовчиларга ўхшашлигини кўрсатиш мумкин. Қазилма ишлари олиб борилганда топилган дастлабки судралиб юрувчилар умуртқа поғонасининг бўйин бўлими бақаларнига ўхшаш калта бўлган; тўш суюги ва кўкрак қафасига эга бўлмаган. Буларнинг ҳаммаси судралиб юрувчиларнинг қадимги сувда ҳам қуруқликда яшовчилардан келиб чиққанлигини кўрсатади. Бу жараён бундан 250 млн. йил илгари содир бўлган. Судралиб юрувчилар қуруқликда яшашга яхши мослашганликлари туфайли ер юзида кенг тарқала бошлаган ва сувда ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонларни сиқиб чиқарган.

ҚУПЛАР СИНФИ

Қушлар умуртқалилар орасида мураккаб тузилган ҳайвонлардан. Уларнинг тузилиши учишга мослашган. Хусусан олд оёқлари қанотларга айланган. Бутун танаси пат билан қопланган, суяклари енгил ва пишиқ, жағларида тиш бўлмайди. Жағлар мугуз модда билан қопланган узун тумшуққа айланган. Қушлар найсимон суякларининг ичи бўш бўлиб, уларда ҳаво бўлади. Нафас олишда ўпка билан бирга ҳаво халтачалари ҳам иштирок этади.

Қушлар иссиқ қонли (*гомойотерм*) ҳайвонлар. Юраги тўрт камерали.

Кўк капитар. Кўк капитарлар шаҳар ва қишлоқлардаги иморатларнинг томларида гала бўлиб яшайди. Турли ўтлар ва уларнинг уруги, пон увоқлари ва бошқа овқат қолдиқлари билан озиқланади.

Каптарнинг танаси бош, бўйин, гавда ва думга бўлинади. Олд оёқлари қанотга айланган. Кейинги оёқларида тўртта бармоги бўлади. Жағлари узун шоҳсимон модда билан қопланган тумшуқни ҳосил қиласди. Танаси пат билан қопланган. Патлар қоқиши (қанотларда), бошқариш (думда) ва қөпловчи (танада) бўлади. Патларнинг остида момиқ парлар жойлашган. Патлар таянч ўзакдан ва еллигичдан ташқил топган. Пат еллигичи илгакчалар ёрдамида мустаҳкам спишган биринчи ва иккинчи

тартибли ўсиқчалардан ҳосил бўлади. Парларнинг елтиричи майин ва сийрак жойлашган, таянч ўзаги бўлмайди.


Скелети бош, умуртқа поғонаси, қанот ва оёқ суюкларидан ташкил топган (49-расм). Бош скелети бош қутиси, юқори ва пастки тумшуқдан ташкил топган. Умуртқа поғонаси 5 бўлим: бўйин, кўкрак, бел, думғаза ва думдан иборат. Қушларда фақат бўйин ва дум умуртқалари ҳаракатчан бўлади. Бўйин 11 та

умуртқадан иборат. Кўкрак қафаси 5 жуфт қовурғадан ҳосил бўлган. Тўш суюгининг пастки қисми кенгайиб, тож суяги (кил) ни ҳосил қиласди. Қанотларининг скелети елка, билак ва тирсак ҳамда уч бармоқли панжа суюклардан; кейинги оёқлари эса сон, калта ва кичик болдир, билак ва 4 бармоқли панжа суюклардан иборат. Қанот камари бир жуфтдан курак, ўмров ва тик суюклардан; оёқ камари эса умуртқа поғонасининг думғаза ва бел қисми билан ҳаракатсиз қўшилиб кетган жуфт чаноқ суюклардан ҳосил бўлган. Қушларнинг суюклари юпқа, сингил ва пишиқ бўлади. Найсимон суюкларнинг ичи ҳаво билан тўлган.

Қушларда кўкрак мускуллари жуда кучли ривожланган. Бу мускуллар тўш суяги ва унинг ўсимтасига бириккан бўлиб, қанотларини тушириш учун хизмат қиласди. Ўмровости мускуллари эса қанотларни кўтаради. Оёқ, бўйин ва қовурға оралиги мускуллари ҳам яхши ривожланган.


Овқат ҳазм қилиш системаси (50-расм) оғиз бўшлиғи, ҳалқум, қизилўнгач, жигилдон, икки бўлмали (безли ва мускулли) ошқозон, ўникки бармоқ ва ингичка ичак ҳамда орқа ичакдан иборат. Орқа ичак кенгайиб клоакани ҳосил қиласди. Оғиз бўшлиғида тили бор, ўникки бармоқ ичакка эса жигар ва ошқозон ости бези ўйлари очилади. Қушларнинг жағида тишлар бўлмайди. Жағлар шоҳсимон модда билан қопланган.

Нафас олиш системаси органлари бурун, бурун бўшлиғи, ҳиқилдоқ, кекирдак, бронхлар, иккита ғовак ўпка ҳамда ҳаво ҳалтачаларидан иборат. Кекирдакнинг пастки қисмида овоз пайлари бор. Бронхларнинг бир қисми ўпка орқали ўтиб, ички органлар



49-расм. Қантар скелети:

1 — юқори жағ, 2 — пастки жағ, 3 — мия қутиси, 4 — бўйин умуртқалари, 5 — кўкрак умуртқалари, 6 — думғаза, 7 — дум умуртқалари, 8 — елка, 9 — билак, 10 — панжа, 11 — қовургалар, 12 — ўмров, 13 — тик суюк, 14 — тўш, 15 — кўкрак тож суяги, 16 — чаноқ, 17 — сон, 18 — болчир, 19 — илий суяги, 20 — оёқ бармоқлари.



50-расм. Каптарнинг ички тузилиши:

1 — баш мия, 2 — жирилдон, 3 — ошқозон, 4 — ошқозоности беви, 5 — жигар, 6 — иекирдак, 7 — ўшка, 8 — ҳаво пуфаги, 9 — юрак, 10 — буйрак, 11 — сийдик түкиш наи, 12 — клоака.

Орасида юпқа деворли ҳаво халтачаларини ҳосил қиласи. Улардан айримлари найсимон суюклар ичида ҳам жойлашади. Ҳаво халтачалари бўлиши туфайли қушлар бир марта олинган ҳаводан икки марта (ҳаво ўпкага кирганда ва ҳаво халтачаларидан ўпка орқали чиқаётганда) нафас олади.

Қушларнинг юраги 4 камерали бўлиб, чап ва ўнг бўлма ҳамда чап ва ўнг қоринчадан иборат. Чап бўлмача ва қоринчада артерия қони бўлади. Иккита қон айланиш доираси бир-биридан тамомила мустақил бўлганидан артерия ва вена қонлари аралашмайди. Катта қон айланиш доираси чап юрак қоринчаси, аорта, артериялар, тўқималардаги капиллярлар, юракка келувчи веналар ва ўнг юрак бўлмасини ўз ичига олади. Кичик қон айланиш доираси, яъни ўпка доираси ўнг юрак қоринчаси, ўпка артерияси, ўпкадаги капиллярлар, веналар ва чап юрак бўлмасини ўз ичига олади. Қушлар организмида модда олмашинуви жуда тез кечади.

Айириш системаси бир жуфт буйрак ва сийдик йўлини ўз ичига олади. Қовуғи бўлмайди. Сийдик тўғридан-тўғри клоакага тўқилади. Шунинг учун сийдик ахлат билан аралашиб, ташқарига чиқарилади.

Нерв системаси бош ва орқа миядан ҳамда улардан кетувчи нервлардан тузилган. Қушларда олд мия яримшарлари ва айниқса мияча яхши ривожланган. Шу туфайли уларнинг мурракаб ва ҳар хил рефлекслари бўлади. Қушларнинг кўриш ва эшлитиш органлари жуда яхши ривожланган. Айниқса йиртқич қушларда бу органлар кучли ривожланган. Эшлитиш органи ички, ўтра ва ташқи қулоқдан иборат. Ташқи қулоқ патлар билан қопланган. Қўзлари учта (юқориги, пастки ва пирпировчи тиниқ) қовоқ билан таъминланган.

Урғочи қушларда битта чап тухумдан ва тухум йўли; эркакларида жуфт уруғдан, уруғ йўли ва уруғ пуфаги бўлади. Эркакларида кўпинча ташқи жинсий органлари бўлмайди; уруғ пуфаги клоакасида жойлашган. Тухуми тухум йўлида уруғла-

нади. Үруғланган тухум құшимча озиқ ҳисобига тез йирикlasseshadi va қаттиқ пүчөк билан қопланади. Қушлар тухумининг сариқлиги суюқ оқсил ичида жойлашган. Гүхум қаттиқ оذاқ пүчөк билан қопланган. Етилган тухум клоакага тушади ва уердан ташқарига чиқарилади.

Тухум сариқлиги устида муртак диски бўлади. Қушлар тухумини босиб уни иситганида муртак дискидан эмбрион ривожлана бошлайди. Тухум ичидаги эмбрион ривожланиб, жўжага айлангач, у тумшуғи билан тухум пўчоғини ёриб ташқарига чиқади.

Каптарлар жуфт бўлиб яшайди; урғочиси одатда 2 та тухум қўяди. Тухумдан чиқсан жўжаси яланғоч, кучсиз, кўзлари юмуқ бўлади. Жўжаси ҳақида ота-онаси ғамхўрлик қиласди. Дастрлаб жўжаларни жиғилдонида ишлаб чиқариладиган «қуш тути» деб аталувчи суюқлик билан, кейинроқ жиғилдонда юмшатилган озиқ билан боқади.

Жўжа очиши ва жўжанинг ривожланиши. Жўжа очиши ва унинг ривожланишига кўра ҳамма қушлар икки гуруҳга: жиш бола очувчи ва жўжа очувчи қушларга бўлинади. Ўрдак, фоз, товуқ, бедана, каклик, оққушларнинг тухумидан чиқсан жўжаларнинг кўзи очиқ, танаси пат билан қопланган бўлади ва урғочиси орқасидан эргашиб юради. Каптар, мусича, қарға, қизилиштон, булбул, чумчук, лайлак ва ҳамма йиртқич қушлар жиш бола очади. Уларда тухумдан чиқсан боласининг кўзи юмуқ, тумшуғи сариқ, қулоқ тешиклари берк, танаси яланғоч (патсиз) бўлади. Уларни ота-онаси узоқ вақт боқади. Жиши бола очувчи қушлар уя қуради. Жўжа очувчи қушлар уя қурмайди.

Қушлар ҳаётида мавсумий ўзгаришлар. Йил давомида фаслларнинг алмашиниб туриши қушлар ҳаётига, хусусан уларнинг озиқ қидириши ва кўпайишига катта таъсир кўрсатади. Баҳорда қушлар жуфт ҳосиҳ қилиб, уя қуради; тухум қўйиб бола очади. Баҳор ва ёзда болаларини боқиб, учирма қиласди. Мавсумий ўзгаришларнинг ҳаёт фаолиятига таъсир кўрсатиш даражасига биноан ҳамма қушлар ўтроқ, кўчманчи, учиб ўтувчи ва учиб кетувчи қушларга бўлинади.

Ўтроқ қушлар (чумчук, читтак, мусича, каптар, майна) йил давомида маълум бир жойда яшайди. Кўчманчи қушлар (затча, гўнгараға, қизилиштоннинг айрим турлари)нинг доимий қишлиш жойи бўлмайди. Улар совуқ тушиши билан озиқ қидириб, бошқа иссиқроқ жойларга аста-секин кўчиб юради. Учиб кетувчи қушлар (лайлаклар, булбуллар, қалдирғочлар, зарғалдоқ, ўрдак, фоз) қишида гала бўлиб иссиқ мамлакатларга учиб кетади. Баҳорда эса бола очиш учун яна ўз ватанига қайтади. Қушлар доимо битта йўлдан учиб кетади ва ўша йўлдан қайтади.

Қушларнинг учиб кетиш йўллари ва қишлиш жойини аниқлаш учун уларнинг оёғига номерли ҳалқалар тақилади. Шу йўл билан қалдирғочларнинг Африканинг жанубида ва Ҳиндистонда; булбулларнинг жануби-шарқий Африкада; Ўрта

Осиёда ва Қавқаздағы оқ лайлакларнинг Ҳиндистонда; Европа оқ лайлакларининг тропик ва Жанубий Африкада қишлиши аниқланған.

Қушларнинг күзги учеб кетиши озиқнинг камайиши, ҳавонинг совий бошлаши, бағорда яна ўз ватанига қайтиши эса улар организмидаги физиологик ўзгаришлар (кўпайиш инстинкт) билан боғлиқ. Кузда кунларнинг қисқариши кўпчилик қушлар учун учеб кетишга сигнал бўлади. Қушларнинг мавсумий учеб кетиши уларнинг ўз ватанида қишида озиқ-овқат танқислиги натижасида қирилиб кетишидан сақлаб қолади. Учеб кетиш эволюция давомида бир неча миллион йиллар илгари пайдо бўлган ва наслда сақланиб қолган шартсиз рефлекс (инстинкт)дан иборат.

Қушларнинг келиб чиқиши. Қушлар ҳайвонот дунёси ичida судралиб юрувчиларга яқин туради. Ҳусусан, ҳар иккала синф вакилларида ҳам терисида безлар бўлмайди. Қушлар оёғининг патсиз жойлари (бармоқлар, билаги) шохсимон тангачалар билан қопланған. Тангачалар ва патлар шохсимон моддадан иборат бўлиб, келиб чиқиши билан бир-бирига ўхашаш бўлади. Судралиб юрувчилар ва қушлар тухумининг тузилиши, кўпайиши, ривожланиши ва эмбрионларининг тузилишида ҳам жуда кўп ўхашликлар бор. Бундан ташқари, ер пўстлоғининг қадимги қатламларида бундан 150 млн йил илгари яшаган «археоптерикс» (қадимги қуш) деб аталган қушнинг тошга айланған скелети ва патларининг тошдаги изи топилған. Үнинг катталиги олақарға (затизфон) дек бўлиб, тузилишида судралиб юрувчилар ва қушларнинг белгиси бўлган. Ҳусусан, жағидаги тишлар, бош суюгининг йирик бўлиши, 20 та умуртқали узун думи судралиб юрувчиларга ўхшаса, танасининг (бошидан ташқари) пат билан қопланиши, қанотлари, оёқларининг тўрт бармоқли бўлиб, улардан биттасининг орқага ва қолганларининг олдинга қараши қушларга ўхашаш бўлган. Археоптерикс дараҳтларда яшаган, шохдан-шохга сакраб юрган; бармоқларининг жойлашиши уларни дараҳт шохларини маҳкам чангалашига имкон берган. Лекин археоптерикс думидаги бошқарув патлари ҳозирги қушлардагидек еллиғич сингари жойлашмасдан ҳар бир умуртқага жуфт-жуфт бўлиб жойлашган, кўкрак тож суюги бўлмаган. Археоптерикс дараҳтлардан пастга қараб парвоз қилған ёки қанотларини қоқиб унча узоқ бўлмаган масофага учган. Археоптерикс қушлар синфининг энг дастлабки вакили бўлиб, ўрмонларда яшаган. Кейинчалик улар турли экологик муҳитга мослаша борган.

Эволюция жараёнда қушлар организмининг тузилиши та-комиллаша борган. Чунончи, қушларнинг нафас олиш, қон айланиш ва айниқса нерв системаси судралиб юрувчиларнига нисбатан мураккаб тузилған. Турқ-атвори (учеб кетиши, уя қуриши, тухум босиши, боласини боқиши) ҳам хилма-хил ва мураккаб бўлади.

Қушларнинг ҳар хил муҳитга мосланиши. Қушлар ер юзи-

да кенг тарқалган ва барча әкологик мұхит: қуруқлик, сув, ҳавони әгаллаган. Яшаш мұхити қушлар танаси, қанотлари, оёқларининг тузилиши, ҳаракатланиши, овқат қидириб топиши ва насл қолдиришига катта таъсир күрсатған. Құпчилик қушлар бир неча биогеоценозларда ҳаёт кечиради. Шунинг билан бирга, ҳар бир биогеоценоз учун маълум билан турдаги қушлар тури ва миқдори хос бўлади.

Хиёбонлар, боғлар, ўтлоқ ва дала қушлари күпроқ одамларга яқин жойда яшашига мослашган. Улар орасида чумчук-симонлар туркуми вакиллари күпчиликни ташкил этади. Умуман, чумчуқсимонларга 5000 дан ортиқ тур киради ва улар барча қушларнинг ярмидан күпрогини ташкил этади. Чумчуқсимонлардан хиёбонлар, боғлар ва далаларда чумчуқ, читтак, чуғурчук, майна, зағизон, булбул, гүнгәрган; каптарсимонлардан каптар, мусича ва ғурракни күп учратиш мумкин. Озиқланиш усулига кўра уларни ҳашаротхўр ва донхўр қушларга ажратиш мумкин. Қўпчилик ҳашаротхўр қушларнинг тумшуғи ингичка ва ўткир бўлиб, ҳашаротларнинг личинкасини чўқиб олишга мослашган. Ҳашаротларни ҳавода тутадиган қушларнинг тумшуғи калта, лекин оғзи кенг очиладиган бўлади. Қалдирғочнинг узун ва ингичка қанотлари ҳавода тез ва узоқ учишга мослашган; оёқлари калта бўлиб, ерда юришга яхши мослашмаган. Қалдирғочлар ҳавода учеб юриб озиқланади, чўмилади ва сув ичади.

Донхўр қушлар (чумчуқ)нинг тумшуғи калта ва мустаҳкам бўлиб, дон ва уругларни чўқишига мослашган. Қўпчилик чумчуқсимонлар ҳар хил озиқлар, хусусан мева ҳамда ҳашаротлар билан озиқланади.

Ўрмон ва тўқай қушлари. Ўрмонда яшовчи қушлар жуда ҳам хилма-хил бўлиб, улар қизилиштонлар, товуқсимонлар, чумчуқсимонлар, йиртқич қушлар ва бошқа туркумларга киради. Қизилиштоннинг тузилиши тик дараҳт танасида чақон ҳаракат қилиб, пўстлоқ остидан ҳашаротларни қидириб топишига мослашган. Қизилиштоннинг ўткир тирноқли бармоқларидан бири бошқаларидан узун бўлиб, орқага, иккитаси икки ён томонга қаратилган. Қаттиқ думи дараҳт танасида ўрмалаётган гавдаси учун таянч вазифасини бажаради. Қизилиштон боғларда ҳам учраб туради.

Товуқсимонлардан аралаш ва нинабаргли ўрмонларда карқурлар яшайди. Уларнинг қаноти калта бўлгандан яхши учолмайди. Эрта баҳор урчиш пайтида эркаги дараҳтларнинг шохига қўниб олиб ёки ерда сайрай бошлайди. Сайраётган қуш ҳеч парсага эътибор бермайди.

Урта Осиё тўқайларида товуқсимонлардан қирғовул учрайди. У ҳашаротлар ва ўтлар билан озиқланади. Эркак қирғовул баланд овоз билан сайрайди. Тропик ўрмонларда (Хиндистон, Жануби-Шарқий Осиё) ҳозирги хонаки товуқларнинг аждоди—ёввойи банкив товуқлари тарқалган.

Йиртқич қушлар. Йиртқич қушлар, асосан бошқа умуртқа-

ли ҳайвонлар билан озиқланади. Йиртқич құшлар қундузғы йиртқичлар ва кечкі йиртқичлар, яғни бойқушлар түркүмінша киради. Ҳамма йиртқичлар яхши учади; учганида деярли овоз чиқармайды. Уларнинг күзи узоқни яхши күради; түмшүғи эса қайрилган ва ўткир. Йиртқишиларнинг күпчилиги (лочин, бургут, қирғи) фақат тирик ҳайвонлар (кемириувчилар ва майдароқ құшлар) билан озиқланади. Шунинг учун уларнинг тирноқлари ўткир ва жуда тез учади. Бошқа бир қанча құшлар (жүрчи, калхат) ҳайвонлар мурдаси билан озиқланади. Уларнинг түмшүғи бақувват, учи қайрилган, лекин тирноқлари тұмтоқ бўлади. Шунинг учун тирик ўлжани ушлай олмайди.

Тунги йиртқичлар (бойқуш, укки) тунда ов қиласади. Уларнинг күзлари йирик бўлиб, фира-ширада ҳам кўра олади. Қулоқлари яхши эшигади. Пат қоплами майнин ва юмшоқ бўлиб, овоз чиқармасдан уча олади. Майда кемириувчиларни овлайди.

Ботқоқлик ва сув ҳавзаларида яшовчи құшлар. Сувда яшовчи құшларнинг тузилиши сувда ҳаракат қилиші ва озиқ топишга мослашган. Оёқ панжаларининг орасидаги пардаси уларнинг сувда сузишига ёрдам беради. Пат қопламаси жуда зич бўлиб, думғазасидаги безлари ажратадиган ёғ билан ёғланиб туради. Шунинг учун пат сув ўтказмайди. Сув құшларнинг күпчилик турлари ғозсимонлар оиласига мансуб.

Ғозсимонлар түркүмі ҳар хил ғозлар, ўрдаклар, оққушлар киради. Улар түмшүқларининг четида шох пластинкаси бор; түмшүғининг учи эса ясси бўлади. Ўрдаклар сув тубидаги лойдан майда ўсимликлар ва турли ҳайвонларни териб ейди. Сувга яқин ўсимликлар орасига ва бошқа пана жойларга тухум қўйиб жўжа очади. Ғозлар фақат ўсимликлар билан озиқланади. Ўткир қиррали түмшүқлари билан ўсимлик барги ва пояларини узиб олади. Оққушлар ғозсимонлар орасида энг йирик құшлардан бўлиб, оғирлиги 12 кг га етади. Улар ўрдаклар сингари саёз сув ҳавзаларида сув тубидаги лойдан майда умуртқасиз ҳайвонлар ва ўсимликларни териб олиб озиқланади.

Пингвинлар түркүми. Пингвинларнинг қаноти калта ва ингичка бўлиб, сувда сузишга мослашган эшкакка айланган; оёқ панжалари орасида сузгич пардаси бўлади. Пингвинлар учолмайди; сувда яхши сузади ва шўнғиди. Оёқлари танасининг орқа томонида жойлашганидан қуруқликда ҳаракатланганида танаси тик туради. Улар сувда соатига 30 км тезликда шўнғиши ва сувдан ташқарига 1 м баландликка сакраши мумкин.

Пингвинлар ҳар жил балиқлар, бошоёқли моллюскалар ва қисқибакасимонлар билан озиқланади. Асосан Антарктидада яшайди. Улар колония бўлиб яшайди. Энг йирик император пингвиннинг бўйи 120 см га, оғирлиги 45 кг га етади.

Дашт ва чўл құшлари. Дашт ва чўлларда пана жойлар кам учрайди. Шунинг учун бу ерда яшовчи құшларнинг оёғи

ва бўйни узун бўлиб, душманини узоқдан сезади. Айрим турлари жуда тез чопа олади. Ранги атроф мухитга мос бўлади. Чўл қушларидан турналар, тувалоқлар ва түяқушсимонларни кўрсатиш мумкин.

Турналар туркуми. Турналар кўпинча ботқоқлашган жойларда яшайди. Улар орасида гўзал турна чўл минтақаснда яшайди ва тўғридан-тўғри ер устига уя қуради. Турналар асосан ўсимлик билан озиқланади.

Тувалоқлар туркуми. Тувалоқлар йирик қушлардан бўлиб, оғирлиги 16 кг гача етади. Асосан очиқ чўлларда яшайди. Ҳар хил ҳашаротлар, калтакесаклар ва майдада кемирувчилар, шунингдек ўсимлик барги, новдаси ва уруғлари билан озиқланади. Жўжа очиб кўпаяди. Жўжаси асосан ҳашаротлар билан озиқланади.

Түяқушсимонлар. Улар йирик қушлар бўлиб, тропик саванналарда яшайди. Қанотлари кучсиз ривожланган, уча олмайди, лекин бёёклари кучли бўлиб соатига 60—70 км тезликда югура олади. Донлар, йирик ҳашаротлар ва майдада кемирувчилар билан озиқланади. Африка түяқушининг бўйи 3 м га, оғирлиги 100 кг га, тухуми 1400 г га етади. Жанубий Америкадаги Нанду, Австралиядаги Эму түяқушлари Африка түяқушларига нисбатан анча кичикроқ бўлади.

Қушларнинг табиятдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамияти. Қушлар ҳамма қитъалар ва океан оролларида учрайди. Айрим вакиллари умрининг кўп қисмини очиқ денгизларда ўtkазади (чайкалар). Қушларнинг 9000 дан ортиқ вакиллари бор, уларнинг кўпчилиги тропик ўрмонларда яшайди.

Қушлар сон жиҳатидан қуруқликда яшовчи умуртқали ҳайвонлар орасида кўпчиликни ташкил қилигани сабабли тирик табиятга катта таъсир кўрсатади. Улар айниқса зааркунанда ҳашаротлар ва кемирувчиларни қириб, улар сонини чеклашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўсимликлар билан озиқланадиган қушлар ўсимликлар уруғининг узоқ жойларга тарқалишига ёрдам беради. Айрим қушлар (колибрилар, нектарчилар) тропик ўсимликлар гулини чанглатади. Қушларнинг ўзи табиятдаги бошқа ҳайвонлар учун озиқ бўлганидан улар озиқланиш занжирида мухим аҳамиятга эга.

Инсон ҳаётида айниқса ҳашаротхўр қушлар катта аҳамиятга эга. Улар ўсимлик зааркундаларини қириб, ҳосилни сақлаб қолишига ёрдам беради. Йиртқич қушлар экинларнинг зааркунандаси ва касаллик тарқатувчи кемирувчиларни қириб, катта фойда келтиради. Кўпчилик қушлар гўшти учун овланади (ўрдаклар, ғозлар, каклик, булдуруқ, қирғовул). Йирик денгиз ўрдаги — гагалар ва бошқа бир қанча қушларнинг парлари енгил саноат учун хомашё ҳисобланади. Қушлар ахлати эса қимматбаҳо ўғит ҳисобланади.

Қушларни муҳофаза қилиш учун аввалимбор уларга ва уларнинг уясига зарар етказмаслик зарур. Ҳайвонот дунёсини

муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш түғрисидаги қонунлар қушларни ўлдириш ва уясини бузишни қатъяян ман қилади. Қушларнинг тухум қўйиши ва бола очиши учун уларни жалб қиласиган дараҳтзорлар барпо этиш зарур. Очиқ майдонда яшовчи ва йиртқич қушларнинг уя қуриши ва дам олиши учун маҳсус мосламалар ўрнатиш зарур. Қаҳратон қишида қушлар учун маҳсус донхўраклар қўйилади.

Қушларнинг ноёб турларини муҳофаза қилиш учун қўриқхоналар ташкил қилинади. Волга дельтасидаги қўриқхонада оққушлар ва сақоқушлар муҳофаза қилинади. Ўзбекистоннинг жанубида Ҳисор қўриқхонасида каклик ва йиртқич қушлар, Термиз яқинидаги қўриқхонада эса қирғовул муҳофаза қилинади.

Паррандачилик. Паррандачилик — чорвачиликнинг муҳим тармоқларидан бири. Парранда гўшти ва тухуми қимматли озиқ-овқат. Тухум озиқ-овқат саноатида ҳар хил озиқ маҳсулотлари, медицинада дори-дармонлар тайёрлашда ишлатилади. Паррандалар паридан ёстиқ ва партўшаклар тайёрланади.

Инсон ўз эҳтиёжи учун уй паррандалари — товуқ, ўрдак, ғоз, курка ва бошқаларнинг ҳар хил зотларини яратган. Бундан 4500 йил илгари қадимги Ҳиндистонда яшовчи халқлар ёввойи банкив товуқларини хонакилаштирганлар. Ҳозирги товуқлар бир-биридан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиласиди. Товуқларнинг тухум берувчи, тухум-гўшт берувчи, гўшт берувчи ва урушқоқ зотлари бор. Ҳар бир тухум берувчи товуқдан бир йилда 200—270 дона тухум олиш мумкин. Гўшт берувчи зотларнинг оғирлиги 4 кг ва ундан ортиқ бўлади.


Ўрдаклар ҳам бундан 3000 йил илгари хонакилаштирилган. Улар асосан гўшт учун боқиласиди. Ўрдакларни балиқчилик хўжаликларида боқиш қулай. Чунки ўрдакларнинг ахлати сувда балиқлар учун озиқ бўладиган турли организмларни кўпайтиради.

Куркалар Мексика ҳиндулари томонидан хонакилаштирилган. Улар уй паррандалари орасида энг йириги бўлиб, оғирлиги 16 кг га етади.

Аҳолини гўшт ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш учун паррандалар (асосан товуқлар) маҳсус паррандачилик фермаларида боқиласиди. Бинолардаги ҳарорат, намлиқ ва ҳаво таркибини автоматлар бошқариб туради. Қишида кун узунлигини ошириш билан товуқларнинг тухум қўйишини кўпайтириш мумкин. Паррандачилик фермаларида жўжалар маҳсус инкубаторларда очирилади.

СУТЭМИЗУВЧИЛАР СИНФИ

Сутэмизувчилар энг мураккаб тузилган ҳайвонлар ҳисобланади. Уларнинг танаси юнг билан қопланган; терисида безлар ривожланган; тана температураси доимий. Сутэмизувчилар тирик бола туфиши; сут безларининг бўлиши ва боласини



51-расм. Ит скелети.

сүт билаи боқиши; тана бўшлиги диафрагма билан кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғига ажралганлиги; гишларининг ихтинослашганлиги ва нерв системасининг мураккаб тузилганлиги билан бошқа умуртқали ҳайвонлардан фарқ қиласди.

Хонаки ит. Итнинг танаси бош, бўйин, гавда ва думга бўлинади. Бошида қулоқ супраси, кўзи, чўзиқ бурни жойлашган. Териси юнг билан қоплангаи. Жун тана ҳароратини сақлаш вазифасини бажаради. Жун ҳам патга ўхшаш шоҳ моддадан иборат. Кўпчилик сутэмизувчилар каби ит ҳам бир йилда икки марта туллайди. Бунда жунининг бир қисми тушиди кетиб, янгиси чиқади. Сутэмизувчилар терисида соч халтачалари (соҷ ўсиб чиқадиган жой), ёғ безлари, тер безлари ва ҳид безлари жойлашган. Сут безлари эса тер безларининг ўзгаришидан келиб чиқсан.

Скелети бош, умуртқа поғонаси, кўкрак қафаси, олд ва кейинги оёқлар ҳамда уларнинг камар скелетидан иборат.

Бош скелети мия қутиси ва юз (пастки ва юқориги жағлар) скелетидан иборат (51-расм). Сутэмизувчиларнинг тишилари тузилишига кўра курак, қозиқ ва озиқ тишиларга бўлинади. Умуртқа поғонаси 7 та бўйин. 12 та кўкрак, 6 та бел, 3—4 та думғаза ва ҳар хил сондаги дум умуртқаларидан иборат. Бўйин ва дум умуртқалари бир-бири билан ҳаракатчан қўшилган. Кўкрак қафаси кўкрак умуртқалари, 12 жуфт қовурға ва тўш суюгидан ҳосил бўлган. Олд оёқлар скелети бир жуфт курак ва тик суяклардан иборат. Ўмров суяклари ривожланмаган. Олд оёғи елка, билак, тирсак, панжа (кафтоди, кафт, бармоқ суякларидан), орқа оёғи эса сон, катта ва кичик болдир, кафтоди, товоң ва оёқ кафти суякларидан иборат.

Итларда чайнаш, орқа мускуллар, олд ва кейинги оёқ мускуллар ҳамда нафас олишда муҳим бўлган диафрагма мускуллари ривожланган.

Овқат ҳазм қилиш системаси оғиз бўшлиғи, ҳалқум, қизил-

ўнгач, ошқозон, ингичка, ўрта ва тўғри ичакдан иборат. Оғиз бўшлиғида тишлар, тил ва сўлак безлари бўлади. Ингичка ичакнинг олд қисми — ўнинки бармоқ ичакка жигарнинг ўт ўли ва ошқозоности безининг йўли очилади.

Нафас олиш системаси бурун бўшлиғи, ҳиқилдоқ, трахея, иккита бронх ва ўпкадан ташкил топган. Бурун бўшлиғида ҳид билиш рецепторлари, ҳиқилдоқда эса овоз пайлари, ўпкада бронхиоллар ва альвеоллар бўлади. Ит кўкрак қафаси ва диафрагмасининг ҳаракати туфайли ҳаво ўпкага киради ва ўпкадан чиқади.

Юраги тўрт камерали. Қон айланиш донраси иккита бўлиб, чап қоринчадан чап аорта ёйи чиқади. Аортадан органларга артериялар кетади. Итнинг юраги бир минутда 120 марта уради.

Айираву системаси иккита буйрак, сийдик чиқарувчи найлар, битта сийдик пуфаги ва сийдик тўкувчи найдан иборат. Терисидаги тер безлари ҳам айриш вазифасини бажаради.

Нерв системасининг марказий қисми бош мия ва орқа миядан; периферик қисми эса улардан кетувчи нервлардан тузилган. Катта яримшарларнинг пўстлоқ қисми яхши ривожланган бўлиб, олий нерв фаолияти маркази ҳисобланади. Мияча ҳам яхши ривожланган. Итларда шартли ва шартсиз рефлекслар жуда хилма-хил ва мураккаб бўлади. Сезги органлари—ҳид билиш, туйғу, таъм билиш, эшитиш ва кўриш жуда яхши ривожланган. Эшитиш органи—қулоқнинг ташқи, ўрта ва ички бўлимлари яхши ривожланган. Итлар рангларни фарқ қилолмайди.

Тухум ҳужайралари жуда кичик, сариқлиги жуда кам бўлади. Етилган тухум тухум йўлида уруғланади. Тухумдон ва тухум йўли иккита. Иккала тухум йўли халтага ўхшаш бачадонга очилади. Уруғланган тухумлар бўлина бошлайди ва бачадонга тушиб, унинг деворига ёпишиб олади. Ривожлананётган ҳомила атрофида парда ҳосил бўлади. Парданинг бир томони қалинлашиб, бачадон деворига ёпишиб кетган жойи йўлдош дейилади. Эмбрион киндик орқали йўлдош билан бодланган. Эмбриондан киндик орқали йўлдошга қон томирлари келади. Йўлдошдаги эмбрион қон томирлари бачадон девори қон томирларига зич тегиб туради. Шу туфайли она қонидан кислород ва озиқ моддалар эмбрион қонига осон ўтади ҳамда эмбрион қонидан углерод оксиди ва бошқа модда алмашинув маҳсулотлари она қонига чиқиб кетади. Ҳомиладорлик итларда 2 ой давом этади. Бола туғилганида йўлдош ҳам ташқарига чиқади. Киндик узилиб, туғилган бола мустақил нафас ола бошлайди.

Итлар 3—8 та бола туғади. Туғилган болаларини сут билан боқади. Итларда 8 та сут бези бор. Итлар ва ҳамма сутэмизувчилар боласи тўғрисида ғамхўрлик қиласи. Йиртқич сутэмизувчилар ҳамда кўпчилик майдага кемирувчиларнинг боласи кўзи юмуқ, кўпинча жунсиз туғилади. Бундай ҳайвонлар ту-

ғишдан өлдин уя қуради. Ўтхўр сутэмизувчиларнинг кўпчилиги тўлиқ шаклланган бола туради.

Сутэмизувчиларнинг келиб чиқниши. Сутэмизувчилар скелети, мускуллари, ҳазм қилиш, қон айланиш, нафас олиш, айриш системаларининг тузилиши кўп жиҳатдан судралиб юрувчиларга ўхшаб кетади. Сутэмизувчиларнинг жун қатлами келиб чиқниши билан судралиб юрувчиларнинг шохсимон тангачаларига боғлиқ. Сутэмизувчилар билан судралиб юрувчилар тирноқларининг ўхшашлиги, айрим сутэмизувчилар думида мугузсимон тангачаларнинг бўлиши ҳам буни исботлайди. Сутэмизувчилар эмбриони, айниқса даствлаки ривожланиш босқичида судралиб юрувчилар эмбрионига ўхшаш бўлади. Бундан ташқари, тубан тузилган сутэмизувчилар орасида судралиб юрувчиларга ўхшаш вакиллари ҳам учрайди. Бу далиллар сутэмизувчилар билан судралиб юрувчилар ўзаро қариндош эканлигини кўрсатади.

Сутэмизувчиларнинг қазилма аждодлари — йиртқич тишлар калтақесаклар бундан 200—230 млн йил аввал яшаган. Уларнинг оёқлари сутэмизувчиларнига ўхшаш гавдасининг остида бўлган, тишлари илдизли бўлиб, курак, озиқ ва қозиқ тишларга ихтиослашган. Даствлабки сутэмизувчилар каламуш катталигида бўлиб, боласини сут билан боққан. Ерда иқлимининг совий бошлиши билан йирик судралиб юрувчиларнинг кўпчилиги қирилиб кетган. Сутэмизувчилар эса иссиқ қонли бўлганлиги сабабли Ер юзида кенг тарқала бошлаган.

Даствлабки сутэмизувчилар туркуми. Даствлабки сутэмизувчилар Австралия, Тасмания ва Янги Гвинея оролларида яшайди. Улар тузилиши ва кўпайиш хусусиятига кўра сутэмизувчилар билан судралиб юрувчилар ўртасида туради. Ўрдакбурун ва ехидна бу ҳайвонларнинг вакиллари бўлиб, улар тухум қўйиб кўпаяди. Лекин боласини сут билан боқади. Шунинг учун улар тухум қўювчи сутэмизувчилар деб ҳам аталади. Ўрдакбурун сувда яшайди, унинг яssi мугуз тумшуғи бўлади. Кисқичбақасимонлар, моллюскалар ва бошқалар билан озиқланади. Ехиднанинг бир неча тури маълум, улар қуруқликда яшайди, териси тиканли ниналар билан қопланган, мугуз филофли тумшуғи ўтқир бўлиб,чувалчанглар, чумолилар ва бошка хашаротлар билан озиқланади.

Ўрдакбурун ва ехиднанинг судралиб юрувчиларга ўхшаш клоакаси бор. Ўрдакбурун 1—2 та тухумини қирғоқдаги уясига қўйиб, босиб ётади. Ехидна эса битта тухум қўйиб, унни махсус тери халтасида олиб юради. Уларнинг сут безлари ва сўрғинчи яхши ривожланмаган. Тухумдан чиқсан боласи онасининг юнгидан оқиб тушаётган сутни ялади.

Даствлабки сутэмизувчиларнинг тана ҳарорати ҳам анча паст—25—30° бўлиб, ташқи муҳит ҳароратига қараб бирмунча ўзгариб туради.

Қўлқанотлилар туркуми. Қўлқанотлилар туркуми вакиллари тунги ҳайвонлар бўлиб, ҳавода учишга мослашган. Узун

олд оёқ бармоқлари орасида, шунингдек олд оёқлари билан кейинги оёқлари ҳамда думи орасида юпқа тери парда тортилган. Бу парда учиш учун хизмат қиласди. Улар ультрато-вуш чиқарип бу товуш ёрдамида ўз йўлидаги тўсиқларни ёки учиб бораётган ўлжани сезиш хусусиятига эга. Бу ҳодиса эхолокация дейилади.

Қўлқанотлилар туркумiga кўршапалаклар, вампирлар ва шалпангқулоқлар киради. Кўршапалаклар ҳамма жойларда кенг тарқалган, кеч кириши билан ҳаводаги ҳашаротларни овлайди. Кундуз кунлари ҳар хил пана жойларда: хусусан биноларнинг томида; ертўлалар ва горларда; дараҳтларнинг ковагида яшириниб ётади. Қишида улар уйқуга кетади. Урғочи кўршапалаклар биттадан бола туғади.

Кўршапалаклар заараркунанда ва қон сўрувчи ҳашаротлар билан озиқланниб, фойда келтиради. Тропик мамлакатларда вампирларнинг дараҳт мевалари ва ҳайвонлар қони билан озиқланадиган турлари ҳам бор.

Кемирувчилар туркуми. Кемирувчилар туркуми 2000 га яқин турни ўз ичига олади. Ҳамма вакилларининг озиқ тишлари яхши ривожланган бўлиб, улар илдизсиз бўлади. Бу тишлар бутун ҳаёти давомида ўсиб туради. Улар турли ўсимликлар билан озиқланади; озиғини курак тишлари ёрдамида қирқади ва жағ тишлари ёрдамида чайнайди. Кемирувчилар жуда серпушт бўлиб, ҳар йили бир неча марта болалайди. Кемирувчиларга сичқон, олмахон (тыйин), юмонқозиқ, каламуш ва ондатраларни мисол қилиб келтириш мумкин. Сичқонлар ва каламушлар озиқ-овқат заҳираларига зиён келтиради. Улар ўлат, вабо, туляремия каби касалликларни тарқатувчиси ҳисобланади. Ондатра қимматли мўйнаси учун овланади; уларни кўпайтириш учун мўйначилик фермалари ташкил қилинган.

Йиртқичлар туркуми. Йиртқичлар туркумiga киравчи ҳайвонлар гўшт билан озиқланади. Улар табиатда кемирувчилар, түёқлилар ва бошқа ҳайвонлар билан озиқланниб, улар сонининг чекланишида катта аҳамиятга эга.

Йиртқичларнинг йирик тишлари ва жағ тишлари кучли ривожланган. Бу туркумга бўрисимонлар, мушуксимонлар, сувсарлар ва айнқлар онласи киради.

Бўрисимонлар оиласига бўри, тулки, ит киради. Уларнинг нерв системаси жуда яхши ривожланган; ҳидни яхши ажрата олади; мураккаб ва хилма-хил шартли рефлекслар ҳосил қилиш хусусиятига эга. Тулкилар кемирувчиларни ва бошқа майдада умуртқали ҳайвонларни овлайди. Оила бўлиб ҳаёт кечирали. Урғочиси 4—6 та бола туғади. Баъзан уй паррандаларига ҳужум қиласди.

Бўрилар анча йирик ҳайвонларни овлайди. Қишида улар одатда тўда бўлиб ов қиласди. Улар уй ҳайвонларига ҳам ҳужум қиласди.

Мушуксимонларнинг панжалари остида юмшоқ ёстиқчаси бўлади; тирноқлари ўткир бўлиб, юрганда маҳсус халтача

ичига кириб туради. Улар товуш чиқармасдан ҳаракат қила-ди. Ўлжасига пана жойдан тұсатдан ташланиб, уни аввал тирноқлари, сұнгра тишлари билан ушлайди. Мушуксимонлар-га мушук, йұлбарс, сиртлон, арслон, леопард, гепард мисол бұлади. Күпчилик мушуксимонлар — сиртлон, леопард, си-ловсин, қорақулоқ ва бошқалар халқаро ва Ўзбекистон Республикаси «Қызил китоб»ига киритилган.

Куракоёқлилар түркүми. Куракоёқлилар сувда яшашга мослашған. Үмрининг күп қисмини сувда ўтказади. Фақат болалаш учун қуруқликка ёки муз устига чиқади. Уларнинг танаси сүйри шаклида; оёқлари балиқларнинг сузгич қанот-ларига ўхшаш кураксимон сузгичга айланған. Жұн қатлами йўқолиб кетган. Териси остидаги ёғ қатлами тана ҳароратини сақлашга ёрдам беради. Қуруқликда улар бесұнақай юради. Куракоёқлиларга тюленлар, денгиз мушуги, моржлар киради.

Гренландия тюлени Артика денгизларида яшайды, балиқ-лар, моллюскалар ва қисқиңбақасимонлар билан озиқланади. Қиша тюленлар галаси муз устига чиқиб, урғочиси битта бола туғади. Боласининг оқ жун қатлами бұлади. Жуни кейин-чалик тўқилиб кетади.

Денгиз мушуги Узоқ Шарқ денгизларида яшайды. Уларнинг мўйловлари ва қулоқ супралари бұлади. Денгида 2000 м гача чуқурликка шўнғийди. Асосан, моллюскалар билан озиқланади. Эз бошларида денгиз мушуклари галаси оролларга чиқади.

Моржлар йирик ҳайвон; оғирлиги 2 т гача, узунлиги 2 м келади. Узун қозиқ тишлари (90 см гача) ёрдамида денгиз тубидаги моллюскаларни топиб ейди. Моржлар дам олиш ва кўпайиш учун тўда-тўда бўлиб муз устига чиқишиади.

Китсимонлар түркүми. Китсимонлар доимо сувда яшайды ва сувда кўпаяди. Олд оёқлари сузгичга айланған; кейинги оёқлари йўқолиб кетган. Лекин чаңоқ суюклари қолдиқлари уларнинг аждодларида оёқлар бўлганини кўрсатади. Китси-монларда жун қатлами бўлмайди. Улар сувда тўлиқ шаклланган бола туғади. Бу туркумга китлар ва дельфинлар кира-ди.

Кўк китнинг узунлиги 30 м, оғирлиги 150 т га етади. У ти-сиз китларга киради Майда планктон организмлар билан озиқланади. Юқори жағининг четидан шокилага ўхшаш жуда кўп, тўрга ўхшаш мугуз пластинкалар — кит мўйлови осилиб туради. Кит оғзини катта очиб мўйлови орқали оғзига кирган сувлан қисқиңбақасимонларни тутиб олади. Бир кеча-кундузда 2—4 т озиқ ейди.

Кашалотлар йиртқич тишли китларга киради. Боши йирик ва тўмтоқ. Жағларида 240 гача бир хил тузилган конуссимон тишлиари бор. Узунлиги 13—20 м, оғирлиги 80 т гача бўлади. Балиқлар, бошоёқли моллюскалар ва бошқа ҳайвонлар билан озиқланади.

Дельфинлар ҳам тишли китсимонларга киради. Тумшуғи

узун ва ингичка. Қора денгизда оқ биқин дельфин учрайди. Унинг узунлиги 2,5 м гача бўлади. Жағларида 150 га яқин бир хил шаклдаги тишлари бор. Балиқлар билан озиқланади. Дельфинларда товуш сигналлари яхши ривожланган. Ультратовуш ёрдамида ўз ўлжасини топади, бир-бири билан алоқа боғлайди, хавф түғрисида хабар беради. Улар қўлга яхши ўрганади.

Жуфт туёқлилар туркуми. Жуфт туёқлилар йирик ёки ўртacha катталиқдаги ўтхўр ҳайвонлар. Оёқлари узун, тўрт бармоқли бўлади. Бармоқлардан иккитаси (иккинчи ва учинчи) яхши ривожланган бўлиб, туёқ (қалин мугуз модда) билан қопланган. Жуфт туёқлилар кавш қайтарадиган (туя, буғу, қўй, эчки, антилопа, зубр ва жирафлар) ҳамда кавш қайтармайдиган (чўчқа, тўнғиз, бегемотлар) ҳайвонларга ажратилади.

Кўпчилик кавш қайтарувчи жуфт туёқлиларнинг бошида мугуз шохи бўлади. Улар қийин ҳазм бўладиган целлюлозага бой озиқ билан озиқланади. Шунинг учун ошқозони мураккаб, тўрт камерали, ошқозонида овқат ҳазм қилишга ёрдам бера, диган бактерия ва инфузориялар бўлади. Еган озиғи дастлаб катта қоринга тушиб, ошқозон шираси ва микроорганизмлар таъсирига учрайди. У ердан тўрқоринга ўтади ва оғиз бўшлиғига яна қайтирилади. Оғизда озиқ қайта чайналади, сўлак билан аралашиб, суюқланади. Бундай озиқ энди қатқоринга тушади. Қатқоринда целлюлоза ҳазм бўлади ва у ердан озиқ ошқозоннинг охирги бўлими — ширдонга ўтади. Ширдонда оқсил моддалар ҳазм бўлади.

Жуфт туёқлилар кўзи очиқ, танаси жун билан қопланган бола туғади. Боласи туғилгандан сўнг онаси орқасидан эргашиб кета олади.

Тоқ туёқлилар. Тоқ туёқлиларда бармоқлар сони тоқ (1 ёки 3 та) бўлиб, кўпинча учинчи бармоғи кучли ривожланган. Бармоқлари туёқ билан қопланган. Кўпчилик тоқ туёқлилар — ўтхўр йирик ҳайвонлар. Уларга от, эшак, зебра, каркидон мисол бўлади.

Тоқ туёқлилар жуда ҳаракатчан ва чопқир бўлиб, очиқ дашт ва чўлларда ҳаёт кечиради. Яқин даврларда Марказий Осиё (Муғулистон ва Хитой) чўлларида ёввойи Пржевальский оти яшаган. Унинг жуни теварак атроф муҳитига мос сарғишкаулранг бўлган. Пржевальский оти ҳозир табиатда қирилиб кетган, фақат ҳайвонот боғларида сақланиб қолган. Ҳозирги хонаки отлар Европада яшаган, 19 асрда қирилиб кетган тарпандан келиб чиқкан. Қорақумда ёввойи эшак ва қулон учрайди.

Приматлар туркуми. Приматлар ҳайвонлар орасида энг юксак тузилган (примат — биринчи маъносини англатади). Бош мияси мураккаб тузилган. Кўзи юзининг олд томонида жойлашган бўлиб, бинокуляр кўриш (бир нуқтага икки кўз билан қараш) хусусиятига эга. Рангларни яхши ажратади. Тирноқлари ясси, бош бармоқлари қолган тўрт бармоғига қа-

рâма-қарши жойлашган бўлиб, дараҳт шохларини ушлашга ёрдам беради. Приматлар, асосан тропик ўрмонлардаги дараҳтларда ҳаёт кечиради. Турли майда ҳайвонлар ва ўсимликлар билан озиқланади. Боласи кўзи очиқ, лекин нимжон туилади. Гала бўлиб яшайди.

Тропик Америка қитъасида яшайдиган кенг бурунли маймунларнинг думи узун бўлиб, дараҳтлар шохларига осилишга ёрдам беради. Африка ва Осиёда тарқалган тор бурунли маймунлар (мартишкалар)нинг думи дараҳтда осилишга имкон бермайди. Одамсимон маймунлар (горилла, орангутан, шимпанзе)нинг думи бўлмайди.

Одамсимон маймунларнинг бош мияси юксак ривожланганини, олд мия яримшарлари йирик ва бурмаларининг жуда кўп бўлиши ҳамда мураккаб хулқи билан бошқа ҳайвонлардан фарқ қиласди. Улар кўпинча дараҳтларда яшайди. Ерда орқа оёқларида ҳам юра олади. Мимиқаси яхши ривожланган. Оддий иш қуроллари (чўп, тош)дан фойдаланишни билишади. Одам одамсимон маймунлар оиласи-приматлар туркумининг энг юксак тузилишига эга бўлган битта туридир.

III. Одам ва унинг саломатлиги

Анатомия одам танаси органлари ва органлар системаларининг тузилишини уларнинг бажараётган функциялари билан боғлаб ўрганади. Физиология фани эса тана ва уни ташкил этувчи органларнинг ҳаётий функцияларини текширади. Органларнинг тузилишини уларнинг функциясини ўрганмасдан туриб тушуниб олиш қийин. Шунинг учун бу иккала фан ҳам ўзаро чамбарчас боғланган. Органлар ва органлар системасининг тузилиши ва функцияларини билиб олиш меҳнат қилиш ва дам олишинг, гигиеник шарт-шароитларини асослаб бериш; шунингдек соғлиқни сақлаш, инсон меҳнат қобилияти-нинг ошиши ҳамда умрни узайтириш учун касалликларнинг олдини олиш имконини беради.

Анатомия фани комплекс фан бўлиб, нормал анатомия, патологик анатомия, топографик анатомия ва бошقا бир қанча фанларга бўлинади. Нормал анатомия соғлом одам организмини; патологик анатомия эса касалланган киши организмини ўрганади. Топографик анатомия одам танасида органларнинг жойланишини текширади. Анатомия фанига яқин бўлган гистология тўқималарнинг тузилишини, эмбриология жинсий ҳужайраларнинг ҳосил бўлиши, уруғланиши ва организмларнинг муртакдан ривожланиши билан шуғулланади.

Физиология ҳам организмларни муҳит таъсирида ўзгаришини ўрганувчи умумий физиология фани; ҳар хил турларга мансуб бўлган организмлар, тўқималар ва ҳужайраларнинг, шунингдек яхлит бир бутун организм фаолияти хусусиятларини ўрганадиган солиштирма физиология фани ҳамда алоҳида органлар фаолиятини ўрганувчи маҳсус фанлар (масалан, юрак, буйрак, жигар физиологияси)га ажралади.

Анатомия ва физиология медицина фанларининг асоси бўлиб ҳисобланади.

ОДАМ ОРГАНИЗМИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Тўқималар. Келиб чиқиши, тузилиши ва бажарадиган функциялари билан бир-бирига ўхшаш бўлган ҳужайралар ҳамда

11-Жадвал. Одан организмни тұқымалары

Тұқымалар группи	Түрн	Тұзалиши	Үчралыған жөнні	Функциясы
Эпителлий	Ясси	Сирити спіллик, ұхжайралари бір-бірге тегіб турған сұлаларн	Тері усти, оғиз бүшілиғи, ҳал-кум, альвеоллар, иефрои кап-сулаларн	Коплаб туриш, ҳимоя, айир-жартиш
	Безли	Секрет ажратылған безли ұх-жайралар	Тері, ошқозон, інчак, инчи секреция ва сұлак беззларн	Айирни (тер, әш ажратын), секкеторлық (сұлак, ошқозон) ва інек ширағаси, гормондар ишлаб чыгарыны
Хиландловчи (түклен)	Жуда күп түклен ұхжайралар	Нафас ішүлларн	Айирни (түкчазар чамг зар-рачаларин түнб қолади ба-чиқарып таштайди)	Ҳимоя (түкчазар чамг зар-рачаларин түнб қолади ба-чиқарып таштайди)
	Гигиэ толали	Тигіз жойлашған толали ұх-жайралар, ұхжайра оралиғи молдасы бүлмайды	Чип тері, пайлар, кон томир-пардаған	Коплаш, ҳимоя, ҳаракат
Бириктирувчи	Фовак толали	Чагишиб кеттеган ғовак тола-ли ұхжайралар. ұхжайралар-аро молдасы структурасы	Териности ёғ клетчаткасі, ларда халтасын, нерв спи-лемасыннің ўтказуучи ішүлларн	Тері билан мускулларни бирлаштырыш, органлар ора-лигини тұлдиріш. Тана терморегуляциясы
	Тогай	Капсулалы думалоқ ёки овал шаклады тирик ұхжайралар. ұхжайралар оралиғи молда-си тигіз за тиник	Ұмурткаштар оралын диски, ұхжайлодқа трахса тоғай-лары, құлқор чигаюғы, бүгим-лар юзасы	Сүйкіларинн ишкеланадыған сирттін сиялік қылыш, нафас үйлары ва құлқор чиганоги-ни ҳимоя қылыш
Сүйк	Узун үсімжаты туттаң тирик ұхжайралар. ұхжайра оралиғи молдасы минерал гуздар	Скелет сүйкіларн	Таянч, ҳаракатлашыншы, ҳимоя	
	Кон за ли-фа	Шакалый элементтер «ұжай-ралар» дан ҳамда шлазма системасы (органик ва минерал молда-	О ₂ на CO ₂ озник молдадарни ташып, жа диссимиляция маҳсулоттарини йигиши. Ор-	

Түбіншілар группа	Түрн	Түзілши	Ураалдиган жоғын	Функциясы
Мұскул	Күндаланғ— чилик	Жарға ға фибронген оқсилі- га әга бұлған зардоб даң ташкил топған суюқ тұқима	Скелет мұскуллары, крак мұскуллары	Ганимиди мұхити, кимбейін- ва газ тарқибини доимий сақ- лаш, Ҳимоя (иммунитет), гуморал бошқарыш
Силлик	Уштарн инигіншілесінші	Күнделіктан, йүл-йүл чизиклі, узунлығы 10 см гача бұлған нилиндерсізмен күп ядролы хужайралар	Ичеклар, қон ва лимфа томирлары дөвөри, тері ^{мұскуллары}	Тана ва унинг турлы қисм- лариншіг шахтейрій ҳарқат- ланышы, юз мимикасы, нұтқ, Юрак мұскулларының иштеге- беніз қисқариши (автоматика- си). Құзғалыш ва қисқариши
Нерв	Нерв хужай- ралар (ней- ронлар)	Шакли ва үлчамы ұз- лығы 0,5 мм гача бұлған бір ядролы хужайралар танағы	Бош мия ва орқа мияның кулрант мұддастини қосыл- ылады	Олай перв фәолияти. Органды- змнің ташшы мұхит билан бөр- лаш. Шартты ва шартсыз рефлекстар. Құзғалуучындык ва үтказувчандык
	Нейронларнің калта үсім- тасы — дендритлар	Ендопт ұжайраларнің үсімталарини бирлаشتырыш	Күзғалынын бир нейроидан иккіншисінде үтказыши, орган- ларни бир-біри білап бола- лады	Нерв системаси үтказмын ійл- лары. Күзғалының ішерін Ху- жайрасдан марказдан қо- щувчи, рецепторлардан марказ- га интилувчи нейронынша; құшымда церронлар орқадан сезуғаң нейронлардан ҳарадаға жантыруучы нейронларға үт- кашы

хужайра оралиғи моддаси тұқималарні ҳосил қиласы. Организмда *Эпителий* (грекча — «эпи» — устида ва лотинча «тели» — тұқима), *Бириктирувчи*, мускул ва *Нерв тұқималари* мавжуд (11-жадвал). Эпителий, яғни чегараловчи тұқималар тери ва безлар таркибига киради. Эпителий органларнинг ички юзаси ҳам қоплаб туради. Терининг устки қавати, ичак, нафас йүлларининг ички девори эпителий билан қолланған. Бу тұқимада хужайралар тифиз жойлашган, хужайра оралиғи моддаси жуда кам бұлади. Эпителий тұқимасынинг бир қаватли (ичакнинг ички юзаси), күп қаватли (тери юзаси, оғиз бұшлиғи, күзнинг шохсимон қавати) ҳамда ұлпировчи (бурун бұшлиғи, трахея ва бронхларнинг ички юзасыда) хиллари мавжуд. Эпителий тұқимасы эмбрионал ривожланиши даврида эктодермадан ва эндодермадан ҳосил бұлади. Бу тұқима организмни зарарлы моддалар ва микроорганизмлар таъсиридан сақтайтын ҳамда организм билан ташқи муҳит ўртасыда моддалар алмашинувини таъминлады.

Бириктирувчи тұқиманың хужайра оралиғи моддаси күп бұлади, хужайралари тифиз жойлашмайды. Бу тұқимага мисол қилиб ретикуляр, ғовак толали, тифиз толали, тоғай, сұяқ, қон ва лимфани күрсатыш мүмкін. *Ретикуляр тұқима* бир-бири билан туташиб кетған юлдузсимон хужайралардан иборат бұлиб талоқ, үпка ва бошқа ички органларда учрайди. *Ғовак толали тұқиманың* хужайра оралиғи моддаси суюқ бұлиб, унда күп миқдорда толалар жойлашган. Бу тұқима органлар ва теріости клетчаткаси таркибига киради. *Тифиз толали* бириктирувчи тұқима эса бир-бирига тифиз чатишиб кетған толалардан иборат. Бу тұқима терининг остық қаватиды ва мускулларнинг скелет билан туташиб жойыда учрайди. *Тоғай тұқимасы* капсула ичидағы тифиз моддада жойлашган. Тоғай тұқимасы сұякларнинг бүйім қисміда, умуртқалар оралығыда ва қулоқ супрасида жойлашган. *Сұяқ тұқимасы* сұякни ҳосил қиласы. Унинг оралық моддаси толалар ва минерал моддаларни сақловчи структурасыз аморф моддадан иборат. Қон ва лимфа суюқ бириктирувчи тұқиманы ҳосил қиласы. Бириктирувчи тұқималарнинг ҳамма хиллари мезодермадан келиб чиққан. Ұлар таянч (тоғай ва сұяқ), озиқлантириш ва ҳимоя вазифасини бажаради.

Мускул тұқимасы силлиқ ва күндаланг чизиқли мускуллардан ташкил топған (52-расм). Силлиқ мускуллар ички органлар таркибига киради, ичак ва қон томирлари деворини қоплаб туради. У битта ядроли ёйсімөн 0,1 мм гача узунликдагы хужайралардан ташкил топған. Бу хужайралар жуда секин, ритмик равишда қысқариш хусусиятнің эга. Ұлар күндаланғ чизиқли мускулларға нисбатан кам қарчайды, лекин қысқариш күчи кам бұлади. Күндаланг чизиқли мускуллар скелет, тил, күз, ҳалқум, бүғиз мускуллари таркибига киради. Бу тұқима 10—12 см узунликдагы алоқида толалардан иборат. Ҳар бир тола күп ядроли хужайра бұлиб, унинг цитоплазмасыда жуда



52-расм. Мускул түқимаси:

А — сиплиқ мускул ҳайкалары, Б — күндаланг тарғыл мускул ҳайкалары.

53-расм. Нейроннинг тузилиши:

1 — ҳайкана танаси, 2 — дендритлар,
3 — миелин қобиқ, 4 — нервниң аксони, 5 — мускул, 6 — аксон.

майда толачалар — миофибриллар жойлашган, миофибрилларда қорамтири ва оқиш күндаланг чизиқлар кўринади. Миофибриллар бирга қўшилиб бойламларни, бойламлар эса мускулларни ҳосил қиласди. Мускул түқимаси қўзғалиш ва қисқариш хусусиятига эга. Уларнинг бу хусусиятлари туфайли организмнинг ички органларида ҳаракатланиш юз беради. Организм ва унинг қисмлари бир-бирига нисбатан кўчади. Мускул түқимаси мезодермадан келиб чиқсан.

Нерв түқимаси нерв ҳайкаларни — нейронлардан ҳамда нейроглиядан ташкил топган (53-расм). Нейронлар ҳайкана танасидан ва икки хил цитоплазматик ўсимтадан иборат. Улардан бири узун, шохланмайдиган ўсимта — аксондан; иккинчиси эса шохланган ўсимталар — дендритлардан иборат. Қўзғалишини дендритлар нерв ҳайкаси танасига, аксон эса қўзғалишини нейронлардан бошқа ҳайкаларга ва түқималарга узатади. Аксон оқ моддадан иборат миелин қобиқ билан қопланган. Юзлаб, ҳатто минглаб аксонлар биргаликда нерв стволини ҳосил қиласди. Нейронлар уч хил бўлади. Улардан бири — қўзғалишини қабул қиласдиган сезувчи (афферент), яъни марказга интилевчи нейронлар, иккинчиси қўзғалишини ишчи органларга ўтказадиган ҳаракатлантирувчи, яъни марказдан қочувчи (эфферент), учинчиси нерв импульсини бир нейрондан иккинчисига ўтказадиган оралиқ, яъни интернейрон дейилади. Қўзғалишини нерв учидан органга ўтказилиши туташтирувчи қисмлар —

синапслар орқали амалга ошади. Нейроглия нейронлар оралығынни тұлдириб турувчи құшимча майда ҳужайралардан иборат. Нейроглия таянч, озиқланиш ва ҳимоя функциясini бажаради. Нерв тұқымасининг асосий хусусияти құзғалувчанлик ва үтказувчанликдан иборат.

Орган ва органлар системаси. Организмда хар хил тұқималар үзаро бирикіб органларни ҳосил қиласы. Орган одам организмининг бир қисми бўлиб, ўзига хос муайян шаклга ва тузилишга эга ҳамда маълум бир функцияни бажаришга мослашган. Органни ташкил этувчи тұқималардан бири унинг асосий функциясini белгилаб беради, бошқалари эса бу функцияни бажаришга күмаклашади. Организмдаги барча органларнинг фаолияти нерв системаси ва қон орқали бошқарилиб турилади.

Организмда келиб чиқиши ва бажарадиган функцияси билан үхшаш бўлган органлардан органлар системаси таркиб топади. Масалан, озиқ моддаларни чайнаб ҳазм қилиш функциясini бажарадиган органлар (офиз, ҳалқум, ичак, жигар ва бошқалар) ҳазм қилиш системасини; моддалар алмашинуви жараёнида ҳосил бўладиган заарарли маҳсулотларни организмдан чиқариб юбориш функциясini бажарадиган органлар (буйрак, сийдик наилари, қовуқ) айириш органлари системасини ҳосил қиласы. Одам организми нерв, қон айланиш, нафас олиш, ҳазм қилиш, айириш, ички секреция безлари, қопловчи, таянч-харакат, жинсий органлар системасидан ташкил топган (12-жадвал).

Организмда умумий функцияни биргаликда бажарадиган турли органлар ва органлар системаси өзгөнчелік бирлашиб функционал системани ҳосил қиласы. Масалан, тез чопиш нерв системаси, ҳаракат, нафас олиш, қон айланиш, тер ажратиш ва бошқа органларни ўз ичига оладиган функционал система орқали амалга оширилиши мумкин.

ТАЯНЧ-ХАРАКАТ СИСТЕМАСИ

Таянч-харакат системасининг аҳамияти. Скелет ва мускулар организм учун таянч ва ҳаракатланиш ҳамда ҳимоя функцияларини бажаради. Масалан, юрак ва ўпкани күкрап қафаси; қорин бўшлиғидаги ошқозон, жигар ва буйракни умуртқа поғонаси ҳамда чаноқ сүяклари; бош мияни мия қутиси сүяклари; орқа мияни умуртқа поғонаси ҳимоя қилиб туради. Сүяклар бўғимлар орқали ҳаракатчан бириккан бўлиб, мускуллар ёрдамида ҳаракатланадиган ва нерв системаси орқали бошқарилиб турладиган ричаг системасини ҳосил қиласы. Ана шу система туфайли организм ҳаракат қиласы. Ҳаракатланиш организмнинг ташқи муҳитга мосланишининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.


Суяк түқимаси ўзида кальций, фосфор ва бошқа минерал моддаларни түплөвчи депо сифатида минерал моддалар ал-машинуvida ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, суяклар қон ҳосил қилиш функциясини ҳам бажаради. Қизил суяк илигида қон ҳужайралари шаклланади.

ОДАМ СКЕЛЕТИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Одам скелети 200 дан ортиқ суякдан иборат бўлиб, улар умуртқа погонаси, кўкрак қафаси, бош скелети, қўл ва оёқлар камари скелети ҳамда оёқ ва елка камари скелетини ҳосил қиласди (54-расм).


Умуртқа погонаси гавда учун таянч вазифасини бажаради. У кўкрак қафаси билан бирга гавда скелетини ҳосил қиласди. Умуртқа погонаси 33—34 та умуртқадан иборат бўлиб, бўйин (7 та умуртқа), кўкрак (12), бел (5), думгаза (5) ва дум (4—5) дан иборат 5 бўлимга бўлинади. Умуртқа погонаси S шаклида бўлади, унда тўртта эгиглик (бўйин, кўкрак, бел, думгаза) мавжуд. Умуртқа погонасининг бундай тузилиши бош мияни қаттиқ механик таъсирлардан сақлади,

Ҳар бир умуртқа тана, ёй ва еттита (битта ўқ, иккита кўндаланг, тўртта юқори ва пастки бўғим) ўсимтадан ташкил топган (55-расм). Ўқ ўсимтага орқа мускуллар ва пайлар бирикади. Кўндаланг ўсимталарга қовурғалар келиб туташади.



54-расм. Одам скелети: олд ҳомондач қўришини:

1 — бош; 2,7 — умуртқа погонаси, 3 — ўмров, 4 — кўкрак қафаси, 5 — тўш, 6 — кўкрак суюяги, 8 — билак, тиргак, 9 — билак, 10 — панжа, 11 — бармоқлар, 12 — билакнинг суннинклари, 13 — оёқ бармоқлари, 14 — оёқ кафти, 15 — кафтоди, 16 — катта болдир, 17 — кичик болдир, 18 — тизза қопқоги, 19 — сон, 20 — чаноқ, 21 — қўймич.




55-расм. Күкрак умуртқаларининг тузилиши.
A — ёндан, B — олд томондан кўриши:

1 — танаси, 2 — ёйи, 3 — умуртқа тешиги, 4 — пастки чуқурчаси, 5 — устки чуқурчаси, 6 — ўқ ўсимтаси, 7 — кўндаланг ўсимтаси, 8 — устки бўғим ўсимтаси, 9 — пастки бўғим ўсимтаси.

Бўғим ўсимталари орқали эса умуртқалари бир-бiri билан бирикади. Биринчи ва иккинчи бўйин умуртқалари ҳалқа шаклида бўлиб, бошни буриш учун хизмат қилади. Бел умуртқалари анча йирик бўлиб, думғаза билан ҳаракатсиз қўшилиб кетган. Дум умуртқалари яхши ривожланмаган.

Кўкрак қафаси олд ва орқа томондан сиқилган бўлиб, икки ён томондан 12 жуфт қовурға, орқа томондан кўкрак умуртқалари, олд томондан эса тўш суюги билан чегараланган. Қовурғаларнинг бир уни кўкрак умуртқалари билан бириккан, 1—7-жуфт қовурғалар олд томондан тоғайлар орқали тўш суюги билан бириккан. Саккизинчи жуфт қовурға эса тоғай орқали олдинги еттинчи жуфт қовурға билан бириккан. Қолган икки жуфт қовурғалар тўш суюги билан бирикмаганилиги учун стим қовурғалар деб аталади.

Бош скелети (56-расм) мия қутиси ва юз скелетларига бў-



56-расм. Бош скелети: А — олд томондан, Б — ён томондан кўриши:

1 — пешона, 2 — тепа, 3 — чекка, 4 — энса, 5 — яноқ, 6 — юқори жаг, 7 — пастки жаг суюклари.

линади. Мия қутиси 8 та сүякдан, хусусан жуфт тепа ва чакка сүяклари, ҳамда тоқ энса, асосий, яъни понасимон, пешона ва панжара сүяклардан иборат. Юз скелети ҳаракатсиз қўшилиб кетган иккита юқори жаг, бурун сүяклари, тиргаксимон бурун тўсиқ сяги, жуфт ясси яноқ, танглай сүяклари ҳамда битта пастки жағдан иборат.


Қўл скелети елка, иккита билак (билак ва билак-тирсак) ва панжа сүякларидан иборат. Панжа сүякларига 8 та майда билакузук, 5 та кафт ва 14 та бармоқ сүяклари киради.

Елка камари сүякларига иккита ясси курак ҳамда ингичка ўмров сүяклари киради. Курак сяягига ён томондан елка сяги, тепа томондан ўмров сүяклари ботиб кирган. Ўмров сүякларининг иккинчи учи тўш сяги билан тулашган.

Оёқ скелети сүяклари сон, иккита (кatta ва кичик болдири) ва панжа сүякларидан иборат. Панжа сүякларига 7 та кафттолди, йирик товон, майда кафт ва панжа сүяклари киради. Оёқ кафттолди сүяклари ўзаро гумбаз шаклида бириккан бўлиб, танага ва биринчи навбатда ҳарактланганда бош мияга бериладиган зарбани сўндириш вазифасини бажаради.

Оёқ камари скелети иккита йирик чаноқ сяигидан иборат. Ҳар бир чаноқ сяги оралиқ, қўймуч ва қов сүякларининг ҳаракатсиз бирикишидан ҳосил бўлган. Чаноқ сүяклари думга-за умуртқалари билан ҳаракатсиз қўшилиб кетади.

Сүякларнинг тузилиши. Ташқи тузилишига кўра сүяклар найсимон, ясси ва аралаш сүякларга бўлинади. Найсимон сүяклар ҳам узун ва калта найсимон сүяклар бўлади. Узун найсимон сүяклар (сон, болдири, елка, билак)нинг танаси (ўрта қисми)да сариқ сяяк илиги билан тўлган коваги бор (57-расм). Икки учи эса тоғай билан қопланган. Калта найсимон сүяклар оёқ ва қўл панжаларида жойлашган, ясси сүяклар (курак, мия қутиси, тўш, чаноқ) юпқа ва катталиги ҳар хил сүяклар-



57-расм. Узун найсимон сүякнинг тузилиши:

1 — бошчаси, 2 — чуқурчаси, 3 — тогайи, 4 — қизил сяяк илиги, 5 — сяяк усти пардаси, 6 — тигиз сяяк тўқимаси, 7 — сариқ сяяк илиги.

12. ЖАДВАЛ. ОДАМ ОРГАНЗИМНИ ОРГАНЛАРИ СИСТЕМАСЫ

Органлар системасы	Органлар сис- темасының қисымшалы	Органдар ва уларнинг қисымлари	Функциялар
Таяңч- Харакат	Скелет	Бош күтпеси, умуртка погонаси, кўрак қафаси, кўл ва осёклар ҳамда ӯларнинг камарни	Танага таяңч, ҳимоя, ҳаракатланиш, қон шаклий элементларини ҳосил қилиш
	Мускуллар	Бош, гавда, оёқ ва кўйл скелетлари мус- куллари. Диафрагма, ишқи органлар де- вори мускулларни	Тана ҳаракати, мимика, нутқ. Ички ор- ганлар девори ҳаракати
Қон айла- ниш	Юрак	Тўрт камералли юрак, юғаролиди ҳалтаси	Органларнинг ўзаро алоқаси. Ташқи мұ- хиг билан бөлгәнини, ишқи мұхиг
	Қон томир- лари	Артериялар, веналар, капиллярлар, ғим- фатик томирлар	Ўпка, бүйрак, тери орқали ажратиш. Ҳимоя (иммунитет). Гуморал регуляция. Организмни озик ва қиспород билан таъ- минлаш
Нафас олиш	Үнка	Чап үнка — иккита, ўн үнка — учга бу- лак. Иккита шеврал ҳалтаси	Ҳаво ва кон ўртасида газ алмашинын моддалар атмашинуви маңсулоттарни ажратиш
Нафас ўйли	Бурун, бўғиз, ҳиқилдок, трахея, брохлар, бронхиоллар, алъвесоллар	Нафас олинганда ва чиқарилганда ҳаво ва сув буғларни ўтказиш	
Ҳазм қилиш	Ҳазм қилиши безлари	Сұнак безлари, ошқозон, жигар, ошқозон- ости бэзи, ишқалаги майдай безлар	Ҳазм қилиш инраси, ферментлар, гормон- лар ажратиш ва ҳазм қилиш
	Ҳазм қилиш найи	Оғиз, ҳалум, қизилўнгач, ошқозон, ин- гичка ичак (ўн ишқи бармоқ ичак, об ичак, ёнбон ичак), йўғон ичак (кўрик, ча- бар ичак, тўғри ичак), ашал тешиги	Ҳазм қилиш, ўтказиш ва ҳазм бўлган ов- қатни шимиши. Нажас ҳосил қилиш ва уни чиқариш
Копловчи	Тери	Эпидермис, чин тери, тери ости ёғ ки- чаткаси	Коплаш, ҳимоя, терморегуляция, ажратиш, туйту
Сийдик ажратиш	Бүйрак	Иккита бүйрак ва сийдик түкувчи биттадан қовуқ ва сийдик чиқариш нағи	Диссимиляция маңсулотларни чиқариш, ишки мұхиг ғонимийтитин саклаш, орга- низмнинг ўз-үзидан заҳарланышидан ҳи-

Органлар системаси	Органлар сис-темасининг кисмлари	Органлар ва уларнинг қисмлари	Функцияси
Жинсий	Аёллар жин-сий орган-ларни	Ички (тухумдоцлар, тухум йўли, батадои) ва ташқи жинсий органлар	Моя қилиши, сув-туз алмашинишни амалга ошириш
Эркаклар	Эркаклар жинсий оргаплари	Ички (уругдоцлар, уруг йўли) ташки жинсий органлар	Ургочлик жинсий хужайралар (тухумлар) ва гормонлар ҳосил қилиш, ривожланishi
Эндокрин		Гипофиз, айрисимон, эпифиз, калконси мон, буйрак устни, ошқозоности, белдер	Эркаклик жинсий хужайраларни (сперматозидлар) ва гормонлар ҳосил қилиш
Нерв	Марказий	Бош мия, орка мия	Организм ва органлар фаолиятини гуморал бошшарни ва ўзаро мувоффиклаштириш
	Периферик	Соматик нерв системаси, вегетатив система	Олий нерв фаолияти, Организмни ташки мухит билан боглаш, Ички органлар ишини регуляция қилиш, ички мухит донимиyllигини саклаш. Ихтиёрий ва ихтиёриз (шартли ва шартсиз) регуляцияларни амалга ошириш


дан иборат. Араш сүяклар (чакка ва понасимон сүяклар) калта ва ясси сүяклар тузилишининг айрим хусусиятларига эга бўлади. Сүякларнинг функцияси уларнинг шаклига боғлиқ. Масалан, ясси сүяклар юмшоқ тўқималарни ҳимоя қиласди, наисимон сүяклар эса ҳаракатланиш вазифасини бажаради.

Ҳамма сүяклар қаттиқ тифиз моддадан ва ғовак моддадан иборат. Узун наисимон сүякларнинг қаттиқ моддаси сүякнинг ўрта қисмини, ғовак моддаси эса унинг икки учини эгаллаган. Ғовак модда сүяк бўйлаб жойлашган сүяк пластинкаларидан ташкил топган. Сүякнинг наисимон тузилиши ва ғовак моддалардан иборат бўлиши унинг пишиклигини ошириб, оғирлигиги камайтиради. Ғовак модда ичидағи майдада тешиклар қизил сүяк илиги билан тўлган. Қизил иликда қон ҳужайралари ҳосил бўлади. Янги туғилган чақалоқларда наисимон сүяклар бўшлиғи ҳам қизил илик билан тўлган бўлиб, қон ҳужайралари ҳосил қиласди. Ёш ўтиши билан қизил илик ўрнини сариқ илик эгаллайди ва илик қон ҳосил қилиш хусусиятини йўқотади.

Сүякларнинг сирти юпқа, аммо пишиқ бириктирувчи тўқимадан иборат сүяк пардаси билан қопланган (58-расм). Бу парда сүяк моддаси билан мустаҳкам бирикиб кетган. Сүяк пардасининг ички қавати бўлиниб кўпайдиган ҳужайралар -- остеобластлардан иборат. Сүяк ана шу сүяк пардаси ҳужайраларининг бўлиниши туфайли йўғонлашади. Сүяк тўқиманинг ички қавати қон томирлари ва нерв толаларидан тузилган. Қон томирлари ва нерв толалари сүяк моддасидаги тешикчалар орқали сүякнинг ичига ҳам ўтади. Сүяк парданинг бириктирувчи тўқимадан иборат устки қатлами ҳимоя вазифасини бажаради. Ёшлик даврида узун сүякларнинг учки томонлари тоғай билан қопланган бўлади. Ана шу тоғай ҳужайраларнинг бўлиниб кўпайиши туфайли сүяк бўйига ўсади. 20—25 ёшлардан кейин сүяк ўсишдан тўхтайди.

Сүякнинг кимёвий таркибида органик модда оссенин ва кальций ҳамда фосфор бирикмаларидан иборат минерал моддалар киради. Сүякнинг пишиқ ва мустаҳкамлиги оссенин билан; унинг қаттиқлиги эса минерал модда билан боғлиқ. Ёш болалар сугида органик моддалар кўпроқ бўлганидан уларнинг суги эгилувчан ва эластик бўлади. Ёш ўтиши билан сүякда минерал моддаларнинг миқдори ортиб боради; сүяк ҳам мурт ҳамда тез синадиган бўлиб қолади. Ўрта ўшдаги кишилар сугининг учдан икки қисми минерал моддалардан иборат.

Сүякларнинг бирикиши. Скелет сүяклари бир неча хил усулда бирикади. Бажарадиган функцияларига биноан сүяклар



58-расм. Бўғимнинг тузилиши:

1 — наисимон сүяк чукурчаси, 2 — наининг суюнчилиги, 3 — тоғай, 4 — бўғим суюнчилиги, 5 — бўғим халтаси, 6 — сүяк усти пардаси.

бир-бири билан ҳаракатсиз, чала ҳаракатчан бирикиши мумкин (13-жадвал). Суякларнинг ҳаракатсиз бирикиши чоксиз (думғаза суяклари) ва чок орқали (мия қутиси суяклари) бўлиши мумкин. Чала ҳаракатчан бирикиш тогайлар ёрдамида (умуртқалар), ҳаракатчан бирикиш эса бўғимлар орқали (оёқ ва қўл) бўлади. Бўғимлар орқали бирикадиган суякларнинг бир учида бўртифи, бўғим бошчаси, иккинчи учида эса бўғим чуқурчаси бўлади. Бўғим бошчаси бирикадиган суякнинг чуқурчасига кириб туради (58-расм). Суякларнинг бирикадиган юзаси силлиқ тогай билан қопланган бўлганидан суяклар орасида ишқаланиш жуда кам бўлади. Пишиқ бўғим халтаси суякларнинг бирикадиган қисмини ўраб олади. Суяк халтаси бўшлиғи ёпишқоқ суюқлик билан тўлдирилган. Суюқлик бўғимларниң ишқаланишини камайтиради.

МУСКУЛЛАР

Аҳамияти. Мускуллар тана ҳаракатини таъминлайди; уни тик ушлаб туриш вазифасини бажаради; скелет билан бирга тана шаклини белгилаб туради. Айрим органлар, хусусан нафас олиш, ҳазм қилиш, қон айланиш органларининг фаолияти, нутқнинг юзага чиқиши ҳам мускуллар билан боғлиқ.

Тузилиши. Танада силлиқ ва кўндаланг — чизиқли, яъни скелет мускуллар мавжуд. («Одам организмининг умумий таърифи» мавзусига қаранг.) Одам танасида 600 га яқин скелет мускуллари бор (14-жадвал). Улар тана оғирлигининг бешдан икки қисмини ташкил этади. Силлиқ мускуллар киши ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда қисқаради; скелет мускулларининг қисқарishi эса киши ихтиёрига боғлиқ бўлади. Лекин юрак мускуллари булардан мустаснодир. Чунки улар кўнлаланг — чизиқли мускуллар бўлса-да, ихтиёrsиз қисқариш хусусиятига эга.

Скелет мускуллари ташқи томондан тифиз бириктирувчи тўқимадан иборат парда билан қопланган. Бу парда мускулнинг ортиқча чўзилиб кетишига имкон бермайди. Мускул толалари орасидан қон томирлари ва нервлар ўтади. Мускулларнинг учки қисми пай билан тамом бўлади. Пайлар жуда пишиқ бўлса-да, қисқариш хусусиятига эга эмас. Пайлар орқали мускуллар иккита ёнма-ён жойлашган суякларга бирикади.

Мускуллар шаклига биноан қисқа ва узун (умуртқа пофонаси ёнида), узун ва ингичка (қўл ва оёқларда) ҳамда кенг ва ясси (гавданинг турли жойларида) мускулларга бўлинади.

Танадаги мускуллар жойлашишига кўра гавда, бош, қўл ва оёқ мускулларига ажратилади (59-расм).


Гавда мускуллари. Гавда мускулларига кўкрак, елка, корин ва бўйин мускуллари киради. Кўкрак мускуллари қўл камари ва қўлни ҳаракатга келтирувчи кучли мускуллардан ҳамда калта нафас олиш (қовурға оралиғи ва гумбазсимон диафрагма) мускулларидан иборат. Катта кўкрак мускуллари

13-ЖАДВАЛ. Одам скелети

Тана күнслары	Скелет бүлмәләре	Скелет сүйкәләри	Сүйк тилләри	Бирниш хүснүнти
Бөй скелети	Мия күтиси скелети	Жүфт сүйкәләр: шона, энса, панжарасимон, понасимон	Ясси	Харакатенә чокли
Юз скелети	Жүфт сүйкәләр: юбори жагтар, ёноң, бурун, ёш, тангтай. Төк сүйкәләр: пастки жаф, тиргак, тилости суюги	Ясси	Харакатенә чокли	Харакатенә чокли жаф — харакат-чан
Тана скелети	Умуртка погоннаси	7 та бүйин, 12 та күкрак, 5 та бел. 5 та думба-за, 4—5 та дум	Калта	Чала Харакатчан. Думгаза умурткала-ри — харакатенә
Күкрак қафа-чи	Күкрак үмурткалары, 12 та жүфт қовура-ға, түш суюги	Калта, ясси	Калта	Чала Харакатчан
Күл ва оёклар скелети	Елка камари: 2 та күрак ва 2 та ўмров Күл: елка суюги, билак (билак ва тирсак), панжада — кафтоди, кафт, бармоқлар	Ясси	Найсимон узун. Найсимон калта (панжа)	Харакатчан
Оёк скелети:	Чапоқ камари: жүфт сүйкәләр — оралык күй-мич, қов	Күй	Ясси	Харакатчан
	Оёк: сол суюги, болдиң (ката ва кичик болди), кафтоди, үзовы, кафт, бармоқлар		Найсимон узун. Найсимон калта (кафтоди)	Харакатенә

14-ЖАДВАЛ. ОДАМ ОРГАННАМЫ МУСКУЛЛАРИ

Тана қысмалари	Мускулларнинг точка	Мускулларнинг биринши	Ишлаш ку- суснати	Функцияси
Ботт	Чайнаш мускуллари	Бир учи мия қутисининг чек- ка қўсмига, иккинчи учн — жагларга	Ихтиёрий	Жагларнинг ҳаракатланиши
	Мизинка мускуллари	Бир учи мия қутиси сукяла- рига, иккинчи учн терига	Ихтиёрий	Озининг минимика ҳаракатларни
	Оғиз атрофи ҳалқа мускуллари	Факат терининг ички юзасига	Ихтиёрий	Оғизининг ҳаракатланиши
Гавда	Энса, орқа, кўкрак, корин, диа- фрагма, нобурга оралти	Сукяларга	Ихтиёрий	Танани тик ушлаб туриш, бушш ва ёзиш. Тана ҳаракати. Нафас олиши ҳаракатларни
Кўл ва оёқ	Кўл мускуллари: икки бошли, уч бошли, панжа Оёқ мускуллари: икки бошли ва турт бошли, болидир, кафт	Оёқ ва кўл скелетларига, оёқ ва кўл камари скелет- ларига	Ихтиёрий	Кўл ва оёқларни букувчи ҳам- да ёзувчи мускуллар. Оёқ ва кўлларнинг ҳаракатланиши
Ички ор- ганлар	Юрак мускуллари	Сукяларга биринчмаган	Ихтиёрисл	Юракнинг қисқариши
	Қон томирлари, ичак, ошқозон, тери ва бошча органлар мускул- лари	Сукяларга биринчмаган	Ихтиёрисл	Қовак ички органдар деворининг қисқариши, қонининг ҳаракатлани- ши, овқат массасининг сўрниши



59-расм. Одам танаси мускуллари:

1 — икки бошли мускул, 2 — уч бошли мускул, 3 — билак мускуллари, 4 — панжы мускуллари, 5 — болдир мускуллари, 6 — құймич мускуллари, 7 — елка мускуллари, 8 — катта күкрап мускули, 9 — қорин мускуллари, 10 — юздаги мимика мускуллари, 11 — дельтасимон мускуллари.

Әлкани айлантириш ва құлни тушариш вазифасини бажаради. Ташқи қовурға оралығи мускуллари қисқарып, қовурғалар күтариlgанида күкрап қафаси кенгайиб нафас олинади; ички қовурға оралығи мускуллари эса қовурғаларни туширатында нафас чиқарылады. Күкрап қафасини қорин бүшлиғидан ажратып туратын диаграмманиң гумбазсимон мускуллари қисқарғанида диаграмма тушады, күкрап қафаси кенгаяды нафас олинади.

Елка мускуллари юза (тери остида) ва чуқур жойлашган мускулларга бўлинади. Юза жойлашган мускуллар ясси ва кенг бўлиб, уларга трапециясимон, кенг орқа мускули ҳамда куракни күтаришга ёрдам берувчи мускуллар киради. Чуқур жойлашган мускуллар умуртқалар орасида ва қовурғалар ёнида жойлашган. Улардан айримлари умуртқа поғонасининг ростланишига ёрдам берса, бошқалари бўйиннинг бурилиши ва бошнинг орқага эгилишига ёрдам беради.

Қорин мускуллари кенг ташқи ва ички қийшиқ ҳамда күндаланған түғри мускуллардан ташкил топган. Бу мускуллар қорин прессини ҳосил қиласы.

Бўйин мускуллари орасида энг йириги түш-ўмров — эмиз-

гичсимон мускуллари қўлни кўтариш, бошни олдинга ва икки ёнга эгиш вазифасини бажаради.

Юз мускуллари чайнаш ва мимика мускулларига бўлинади. Чайнаш мускулларининг бир учи яноқ суяги, иккинчи учи пастки жағ билан бириккан. Мимика мускулларининг ички юзасига бирикади. Айрим мимика мускуллари, масалан, кўз ва лаб айлана мускуллари, пешона мускулларининг икки четлари скелет ёки терига эмас, балки бир-бири билан бирикади. Мимика мускуллари кишининг руҳий ҳолати (хурсандчилик, хафақонлик, аччиғланиш)ни ифодалайди, нутқ ҳосил қилишда ва нафас олишда иштирок этади.

Қўл мускуллари бир қанча йирик ва майда мускуллардан иборат бўлиб, уларни елка камари ва қўлнинг ўз мускулларига бўлиш мумкин. Елка камари мускуллари *делътасимон катта ва кичик кўкрак мускулларидан* иборат бўлиб, улар қўлни елка бўғимидан айлантириш ва кўтариш вазифасини бажаради. Қўлнинг ўз мускуллари қўлни тирсакдан букувчи *икки бошли* ва ёзувчи уч бошли мускуллар, билак суяги, панжа ва бармоқларнинг устида жойлашган букувчи мускуллар, шунингдек, қўлнинг тескари томонидан жойлашган ёзувчи мускуллардан иборат.

Оёқ мускуллари чаноқ камари ва оёқнинг ўз мускулларидан иборат. Чаноқ камари мускуллари: қўймич — бел ва ўтиргич мускуллари умуртқа пофонаси ва сонни белдан букиш учун хизмат қиласи. Катта ўтиргич мускули эса сонни ёзиш вазифасини бажаради. Соннинг орқа томонида жойлашган икки бошли, пайли ва пардасимон мускуллар оёқни тизза бўғимидан букади. Сон суягининг олд томонидаги тўрт бошли сон мускули катта болдир суягининг олд юзасига бирикади. Бу мускул болдирни ёзишга ёрдам беради. Болдир суягининг олд томонида оёқни товондан ва бармоқлардан ёзувчи мускуллар, болдирнинг орқа томонида букувчи мускуллар бор. Бу мускуллардан энг муҳими — болдир мускуллари оёқ кафтини кўтариб ҳаракат қилишга ёрдам беради, танани тик тутишда иштирок этади.

Мускулларнинг иши. Бажарадиган функциясига кўра мускуллар бир-бирига қарама-қарши ишловчи (антогонистик) букувчи ва ёзувчи гуруҳларга ажратилади. Букувчи мускуллар қисқариши билан бир вақтнинг ўзида ёзувчи мускуллар бўшашади, ёки аксинча. Ташқи муҳитдан келадиаги механик, кимёвий ва физик таъсиротларга жавобан мускулларда қўзғалиш пайдо бўлади, қўзғалишга жавобан мускуллар қисқаради. Организмда ҳеч вақт битта ягона мускулнинг ўзи қисқариб қолмайди. Чунки марказий нерв системасидан мускулларга кетмакет нерв импульслари оқими келиб гуради. Бу импульсларга мускулларнинг бирданига узоқ қисқариш билан жавоб бериши «титаник қисқариш» деб аталади.

Тирик организмда мускуллар ҳеч қачон тўлиқ бўшашган

бүлмайди. Балки бирмунча тонус (таранглик) ҳолатида бүлди. Мускул тонуси марказий нерв системасидан келиб турадиган сийрак ва кучсиз импульслар таъсирида юзага келди. Мускул тонуси туфайли организм ҳәти давом этади ва тана мувозанати сақланиб қолади.

Мускуллар ишлаганда моддалар алмашиниши тез кечади ва күп миқдорда энергия сарф бүлди. Бу энергия мускулларда углевод гликогенни глюкозага, глюкозани сут кислотасига, сут кислотасини эса охирги маҳсулотлар — сүв ва углерод оксидигача парчаланиши натижасида ҳосил бүлди. Бу жараён кислород иштирокида боради ва күп миқдорда энергия ажралиб чиқади. Энергиядан аденоцитрифосфат (АТФ) синтезланади. АТФ мускулнинг ишлаши учун энергия манбаи бўлиб ҳисобланади. Таъсиранганида мускул ҳужайраси мембранасининг кальций ионига (Ca^{+}) ўtkazuvchалиги ошиб кетади. Кальций мускул толасига ўтиб, мускул оқсили миозинни фаоллаштиради. Миозин ферменти иштирокида АТФ дан бир молекула фосфор кислотаси ажралиб, у АДФ (аденоzin дифосфат кислотаси) га айланади ва энергия ажралиб чиқади. Бу энергия мускулнинг қисқаришига сарф бўлди. Мускулларда АТФ нинг парчаланиши ва синтез тўхтовсиз давом этиб туради.

Мускулларнинг иши рефлекторлик хусусиятига эга. Мускуллар икки хил нервлар: марказга интилувчи ва марказдан қочувчи нервлар орқали марказий нерв системаси билан боғланган. Марказга интилувчи нервлар орқали мускул рецепторларидан қўзғалиш марказий нерв системасига боради. Марказдан қочувчи нервлар орқали эса қўзғалиш марказдан мускулларга келади, қўзғалиш таъсирида мускуллар қисқаради. Ана шу тарзда мускулларнинг иши нерв системаси томонидан бошқариб турилади. Нерв регуляцияси туфайли мускуллар ишлаганида нафас олиш ва қон айланиш органларининг иши кучаяди. Натижада мускуллар кислород ва озиқ моддалар билан кўпроқ таъминланади.

Мускуллар узоқ вақт ишлаганида уларнинг ишлаш қобилияти сусайди ва толиқади. Толиқиш энг аввало бош миядан келадиган қўзғалишни, хусусан нейронлар ўртасидаги ёки ҳаракатлантирувчи (марказдан қочувчи) нервлар билан мускуллар ўртасидаги нерв импульслари ўtkaziliшининг бузилишидан келиб чиқади. Нерв импульслари олмаган мускулларнинг қисқариши тўхтаб қолади.

Мускуллар қисқарганида уларда оралиқ парчаланиш маҳсулотлари (масалан, сут кислотаси) тўпланиб қолади. Бу маҳсулотлар нерв толасидан мускулларга нерв қўзғалишининг ўтишига тўқсинглик қиласи.

Мускулларнинг ишлашида ритм катта аҳамиятга эга. Агар икки қисқариш ўртасида мускулларнинг дам олиши учун вақт етарли бўлса, мускулларнинг толиқиши тез сезилмайди. Дам олиш даврида парчаланиш маҳсулотлари кислород ёрдамида

оксидланиб, мускуллардан қон билан бирга чиқиб кетади ва уларнинг ишчанлик қобилияти қайта тикланади.

ҚОН

Қоннинг аҳамияти. Қон нафас олиш органларидан ҳужайраларга кислород етказиб беради; ҳужайралардан углерод оксидини олиб чиқиб кетади; овқат ҳазм бўлиш жараёнида ичакдан қон томирларига ўтадиган озиқ моддаларни организма тарқатади; ҳужайраларда ҳосил бўладиган моддалар алмашинуви маҳсулотларини организмдан чиқариб юбориша иштирок этади, органларнинг ўзаро гуморал боғланишини таъминлайди; организмни касаллик туғдирувчи микроорганизмлардан ҳимоя қиласди.

Организмнинг ички муҳити. Қон, лимфа ва тўқима суюқлиги организмнинг ички муҳитини ҳосил қиласди (15-жадвал). Ички муҳит ҳазм қилиш, нафас олиш ва айриш органлари билан организм ҳужайраларини боғлаб туради. Чунки ички муҳит орқали озиқ моддалар ва кислород овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш органларидан ҳужайраларга етказиб берилади, углерод оксиди ва моддалар алмашинуви маҳсулотлари ҳужайралардан чиқариб юборилади.

Тўқима суюқлиги ҳужайралар оралигини тўлдириб турадиган тиниқ суюқликдан иборат. Бу суюқлик қон гомирлари орқали ўтадиган қон зардобидан ҳосил бўлади, шунинг учун унинг таркиби қон зардобига яқин. Организмда 20 л га яқин тўқима суюқлиги бўлади. Қон билан келадиган озиқ моддалар ва кислород капилляр қон томирларидан диффузия йўли билан тўқима суюқлигига, ундан ҳужайраларга ўтади. Худди шу усулда углерод оксид ва парчаланиш маҳсулотлари ҳам ҳужайралардан капиллярларга, улардан вена қон томирлари орқали буйрак, ўпка ва теридан ташқи муҳитга чиқариб юборилади.

Тўқима суюқлигига лимфа капиллярларининг найлари жойлашган. Тўқима суюқлиги лимфа капиллярларига ўтиб, лимфа суюқлигига айланади. Бу сарғиш рангли суюқлик бўлиб, асосан сувдан (95%) иборат. Унинг таркибига оқсиллар, тузлар, углеводлар ва ёғлар ҳамда лимфоцит ҳужайралар (лейкоцитларнинг бир хили) киради. Лимфа таркиби қон плазмасига яқин бўлади. Фақат ундан оқсил миқдорининг камлиги ва тананинг турли қисмларида таркиби бир хил бўлмаслиги билан фарқ қиласди. Ичак яқинидаги лимфада ёғ моддалари кўп бўлганидан у оқиш тусда бўлади.

Қон — суюқ биринтирувчи тўқима бўлиб, суюқ плазмадан (ҳужайралар оралиғи моддаси) ва қон ҳужайралари, яъни шаклий элементлардан ташкил топган. Шаклий элементлар қизил қон таначалари — *эритроцитлар*, оқ қон таначалари — *лейкоцитлар* ва қон пластинкалари — *тромбоцитлардан* ташкил топган (16-жадвал). Одам организмида 4,5—5 л қон бўлади.

15-ЖАДАЛА. ОРГАНІЗМНИНГ ИЧКИ МУХТИ

ИЧКИ МУХТИ	Таркыт	Урайдиган жойнан	Хосил бүлүш шайбаси	Функцияси
Кон	Плазма (кон хажми- ниң 50—60% : сув— 90—92%, оксил—7%, әрзар—0,8%, глюкоза— 0,12%, мочина—0,05 %, минерал түзлар— 0,9%)	Кон томирлари: арте- риялар, веналар, ка- шильярлар	Оксиллар, ёфлар, ур- леводлар хамда овкат таркибылалы минерал моддалар на сүйнинг сүрилиши чисобига хосил бўлади	Органлар билан ташки мухит ўр- тасидаги боғланниш; озиқ моддалардан ни ташиш; дисимилияция маҳсулот- лари ва CO_2 ни организмдан чиқа- риш; химоя (иммунитет), кон иви- ши, гуморал бошқариш
Шаклли элементлар	Кон плазмаси	Кизил суюк илгич, та- лод, лимфа тугуллари, лимфоид түқимада хосил бўлади	Транспорт (нафас олиш) — эритро- цитлар O_2 кисман CO_2 ни таший- ди. Химоя — лейкоцитлар микроор- ганизмларни зарарсизлантиради, тромбоцитлар Конининг ивишини амал- га оширади	
Тўқима суюк- лиги	Сув, унда эриган озик ва аниорганик мод- далар, O_2 , CO_2 . Хужай- ралардан чиқадиган дис- симилияния маҳсулот- лари	Хамма тўқималардаги хужайралар оралнида организмдаги умимий хажми 20 л	Кон плазмаси ва дис- симилияция маҳсулот- лари хисобига хосил бўлади	Кон билан хужайралар ўртасидаги орзалик мухит. Кондан хужайра- ларга O_2 , озиқ моддалар, минерал тузлар ва гормонларни ўтказади. Лимфа орқали Конга сув ва дис- симилияция маҳсулотларини қайтана- ди. Хужайралардан ажралиб чиқ- кан CO_2 ни Конга ўтказади.
Лимфа	Сув, унда эриган ор- ганик моддаларнинг парчаланиш маҳсулот- лари	Лимфатик система: лим- фа капиллярлар ва томирлари 2 та томирни хосил қиласади, унар бўйин яқинидага ковак веналарга кўшилади	Лимфа капиллярлари учидаги хаттадан сўрилиб ўтган тўчи- ма суюклиги хисобига хосил бўлади	Конга тўхима суюклигини олиб ке- лади. Лимфа тутуларнида лимфо- цитлар хосил қиласади. Лимфоцитлар ва лимфа тутуллари, тўхима суюк- лиги фільтрланади ва зарарсизла- тирилади

16-жада. Коннинг шаклий элементларин

Шаклий элементлар	Түзилиши	Хосил бүлш жоми	Яшаш муддати	Емнилдиган жой	Кондаган мисдари	1мкг ²	Функцияси
Эритроцит-лар	Икки томондама ботик ядроизз қизил кон хайяллари, таркибиди гемоглобин оксидли бор	Суяк комити (қизайл илик)	3—4 ой	Талок, Гемоглобин жигарда емирилади	4,5—5 мин	O ₂ ни ўпкадан тўхималарга, CO ₂ ни тўхималардан ўпка-га ташиди	
Лейкоцит-лар	Ядроли амёба-симон оқ кон хужайралари	Сук илиги, талок, лим-фатик туви-лар	3—5 кун	Жигар, талок, йиринланга-ган жойларда	6—8 минг	Фагоцитоз орқали организми касаллик тугдирувчи микроблардан муҳофаза киласди. Анитела ишлаб чиқаруб, иммунитет ҳосил қиласди	
Тромбоцит-лар	Ядроизз кон танаачалари	Суяк илиги	5—7 кун	Талок	300—400 минг	Коннинг ивицида иштирок этади. Кон томирлари жаро-рахатланганида фибриноген оксилининг толали фибрин оксилига айланышига сабаб бўлиши билан коннинг ивицига ёрдам беради	

1 мм³ қон таркибіда 4,5—5 млн эритроцит, 5—8 минг лейкоцит ва 200—400 минг тромбоцит бұлади.

Эритроцитлар ядросыз ұжайралар бўлиб, цитоплазмасыда гемоглобин бұлади. Гемоглобин таркибига глобулин оқсили ва қизил гемпигменти киради. Қоннинг ранги ана шу пигмент билан боғлиқ. Эритроцитлар 120—130 кун яшаб, жигарда ва талоқда емирилади, гемоглобин қолдифидаги гем моддаси билурубин моддасига айланади, ўт пигменти ҳосил бўлишида фойдаланилади. Эритроцитлар найсимон сүяклар кўмигида ва ясси сүякларда қизил иликнинг ядроли ұжайраларидан ҳосил бўлади. Етилиш даврида уларнинг ядроси йўқолади.

Лейкоцитлар — ядролик, лекин доимий шаклга эга бўлмаган ұжайралар. Сүякнинг қизил илигида ва лимфатик тугуларда ҳосил бўлади. Улар 2—4 кун яшаб, талоқда емирилади. Лейкоцитлар амёбасимон ҳаракат қиласади. Улар қон томирлари деворлари орқали жароҳатланган органларга ўтиб олиши, ҳатто қон оқимига тескари ҳаракат қилиши мумкин. Лейкоцитлар организмда ҳимоя вазифасини бажаради. Организмга тушиб қолган моддаларни улар ажратадиган кимёвий модда орқали сезади. Лейкоцитлар организм учун бегона моддаларни қамраб олиб ұжайра ичидә ҳазм қиласади. И. И. Мечников лейкоцитларни *фагоцитлар*, уларнинг бегона моддаларни қамраб олиш хусусиятини эса *фагоцитоз* деб атаган.

Қон зардоби қон ҳажмининг 55—60% ни (шаклий элементлари 40—45%) ни ташкил этади. Зардоб сарғиш, бироз тиниқроқ суюқлик бўлиб, унинг таркиби 90—92% сув, 8—10% минерал ва органик моддалардан иборат. Минерал моддалари натрий, калий, олтингурут, фосфор анионларидан иборат. Плазмада бу элементлардан натрий ва хлор ионлари, айниқса кўпроқ бўлади. Шунинг учун кўп қон йўқотилганда венага изотоник эритма (0,85% ли ош тузи) юборилади. Қон зардоби органик моддаларига оқсиллар (глобулин, альбумин, фибриноген), углеводлар (глюкоза), ёёлар, сийдик кислотаси, липоидлар, аминокислоталар, сут кислотаси ва бошқалар киради.

Қон гуруҳлари. Одамларда тўрт хил қон гуруҳи учрайди. Қон ва умуман ички муҳитнинг физик-кимёвий хусусиятлари: қон босими, тана ҳарораги, қоннинг ва тўқима суюқлигининг осмотик босими, улардаги оқсил, глюкоза ва ҳар хил ионларнинг миқдори нисбатан доимий бўлади. Ички муҳитнинг доимийлиги ҳазм қилиш, нафас олиш, айриш органларининг тўхтовсиз ишлаши орқали таъминланади. Бу органларнинг иши эса нерв системаси томонидан бошқариб турилади.

Қоннинг ивиши. Қон тромбин ферменти иштирокида ивийди. Одатда, қон плазмасида бу фермент бўлмайди. Шунинг учун томирдаги қон ивимасдан суюқ бўлиб туради. Лекин қон плазмасида доимо актив бўлмаган фермент протромбин бўлади. Протромбин жигар ва сүяк илигида К витамини иштирокида ҳосил бўлади. Бу фермент кальций тузлари бўлганида тромбо-пластин ферменти таъсирида фаол тромбинга айланади. Тромбо-

пластин эса тромбоцитларнинг плазмасида бўлади. Қон томирла-ри жароҳатланганида тромбоцитларнинг қобиги ёрилиб, тромбо-пластин ферменти қон зардобига чиқади. Бу фермент таъси-рида протромбин активлашиб, тромбинга айланади. Тромбин қон зардобида эриган фибриноген оқсилини эримайдиган оқ-сил фибринга айлантиради.

Са тузлари, тромбопластин


Протромбин → тромбин → фибриноген → фибрин (қон ивийди)

Фибрин оқсили ингичка толалар ҳолида қон томири жароҳатланган жойини тўрга ўхшаш қоплаб олади. Қоннинг ивиши организмнинг ҳимоя реакцияси бўлиб, уни кўп қон йўқотишдан сақлайди. Қони ивимайдиган кишилар оғир гемофилия касаллигига учрайди.

Қон гуруҳлари. Одамларда тўрт хил қон гуруҳи учрайди. Қон гуруҳлари бир-биридан эритроцитларида агглютиноген, қон зардобида агглютинин оқсилларининг бўлиши ёки бўлмаслиги билан фарқ қиласиди. Бу моддалар икки хил: агглютиноген А ва Б ҳамда агглютинин α ва β шаклда учрайди. Биринчи (О) қон гуруҳида эритроцитларда агглютиноген бўлмайди, зардобра α , β агглютинин бўлади. Иккинчи гуруҳ (А) да А агглютиноген ва β агглютинин, учинчى гуруҳ (В) да В агглютиноген ва α агглютинин учрайди. Тўртинчи гуруҳ (AB) да эритроцитларда бирданига А ва В агглютиноген учрайди, қон зардобида эса агглютинин учрамайди.

Қон қуйиш. Кўп қон йўқотилганида организм ички муҳити доимийлиги бузилади, қон босими пасаяди, гемоглобин камайиб кетади. Бундай ҳолларда қон йўқотган одамга соғ одамдан олинган қон қуйилади. Қон берадиган киши *донор*, қон оладиган киши эса *реципиент* дейилади. Қон қуйиш учун донор ва реципиентнинг қон гуруҳлари бир-бирига мос келиши зарур. Чунки зардодаги агглютинин эритроцитлардаги агглютиногенни елимлаб қўйиш хусусиятга эга. Агар А агглютиногенга α агглютинин, В агглютиногенга β агглютинин тўғри келса қон ивиб қолиб, қон томирларини тўсиб қўяди. Бу ҳодиса қон агглютинацияси дейилади. Бу жиҳатдан айниқса А ва В агглютиногенли донор қонини α ва β агглютинини реципиент қонига қуйиш, яъни донор қонининг реципиент қонида ивиб қолиши жуда катта хавф туғдиради.

Келтирилган схемадан қон қуйиш пайтида қон гуруҳларининг ўзаро мос келиши акс этирилган: I гуруҳга эга бўлган донор қонини ҳамма гуруҳга қуйиш мумкин, II гуруҳ эса ўз гуруҳига ва IV гуруҳга қон бера олади. III гуруҳдан ўз гуруҳига ва IV гуруҳга қон қуйиш мумкин, IV гуруҳ фақат шу гуруҳнинг ўзига қон бера олади. Шундай қилиб, I гуруҳ — *универсал* донор, у



Ҳамма гуруҳга қон бора олади, лекин фақат ўз гуруҳидан қоп олади. IV гуруҳ эса универсал рецепиент бўлиб, ҳамма гуруҳдан қон олади, лекин фақат ўз гуруҳига қон бера олади. Қон гуруҳлари ирсийланади ва ҳаёт давомида ўзгармасдан қолади.

Иммунитет. И. И. Мечников лейкоцитлар микроорганизмларни ютиб, ҳазм қилиши — фагоцитоз хусусияти туфайли организмни турли касалликлардан ҳимоя қилишини биринчи марта кўрсатиб берган. Лейкоцитлар касаллик туғдирувчи микроорганизмларни ҳазм қилиб емириши билан бирга ўзлари ҳам кўплаб ҳалок бўлади.

Иммунитет (лотинча «иммунис» — халос бўлиш) организмни инфекция касалликлари ҳамда антигенлик хоссасига эга бўлган моддалар таъсирига берилмаслик хусусиятидир. Организмнинг иммунлик реакциясида фагоцитар ҳужайралар — лейкоцитлар билан бирга организмнинг ўзида бегона оқсили моддаларга қарши ишлаб чиқариладиган иммуноглобулин оқсилидан иборат антитаналар ҳам иштирок этади. Антитаналар қон плазмасидаги бегона оқсилларни ёпишириб олиб парчалайди. Микроблар ишлаб чиқарган заҳар (токсинлар) нинг заарсизлантирадиган антитаналар антитоксинлар дейилади. Ҳамма антитаналар специфик хусусиятга эга бўлиб, фақат муайян микроблар ва уларнинг токсинларига таъсир кўрсатади.

Иммунитет туғма ва ҳосил қилинган бўлади. *Тугма иммунитет* битта турга кирувчи ҳайвонларнинг барча индивидлари учун ҳос бўлиб, ирсийланиш хусусиятига эга. Унинг антитаналари эмбрионнинг ривожланиш даврида она организмидан болага йўлдош орқали ёки она сути билан берилади. Тугма иммунитет тур индивидларини туғилган заҳотиёқ у ёки бу касалликларга берилмаслигини таъминлайди. Масалан, қорамолларда вабо касаллигини қўзғатувчи микробларга одамлар чидамили бўлади.

Ҳосил қилинган иммунитет табиий ва сунъийга бўлинади. Бу икки хил иммунитет ҳам ўз навбатида фаол ва пассив бўлади. Фаол табиий иммунитет одам инфекцион касалликка чалингандан сўнг ҳосил бўлади. Масалан, болалигида қизамиқ билан оғриган кишиларнинг қонида қизамиқ антитаналари

борлиги туфайли улар бу касаллик билан бошқа оғримайды. Пассив табиий иммунитет қон ёки сут орқали она организмидан болага қизамиқ, дифтерия, скарлатина касаллклари антителаларининг ўтишидан иборат. Бундай иммунитет 1—2 йилдан сўнг антитананинг емирилиши туфайли йўқолиб көгади.

Сунъий актив иммунитет соғлом одамларни кучсизлантирилган микроблар ёки уларнинг кучсизланган токсинлари, яъни вакциналари билан эмланиши (вакцинация)дан сўнг пайдо бўлади. Одатда, вакцинация енгил касаллик келтириб чиқарди ва организмда антителалар ҳосил қиласди. Худди шу мақсадда болалар қизамиқ, дифтерия, полиомиелит, силь ва кўйкўтал касаллкларига қарши эмланади.

Сунъий пассив иммунитет одамларни антитана ёки антитоксинли қон зардоби билан эмлаш орқали пайдо бўлади. Бундай зардблар, асосан касал туғдирувчи микроблар токсини билан эмланган отларнинг қонидан олинади. Сунъий пассив иммунитет жуда тез ҳосил бўлади ва атиги бир ойгача сақланиб қолади. Зардоб билан эмлаш жуда тез ривожланадиган касаллклар (масалан, дифтерияга) га қарши қўлланилади.

Сунъий иммунитет ҳар бир индивиднинг ўзига хос бўлади ва ирсийланмайди.

ҚОН АЙЛАНИШ СИСТЕМАСИ

Қон айланиш қоннинг юрак-қон томирлари системаси бўйлаб ҳаракатланишидан иборат. Қон айланиш системаси орқали қон кислород, озиқ моддалар, сув, минерал тузлар, витаминлар ва гормонларни танадаги турли орган ва тўқималарга етказиб беради, моддалар алмашинуви маҳсулотларини организмдан чиқариб ташлайди.


Қон айланиш системаси органлари юрак ва барча органлар ҳам тўқималарда учрайдиган жуда кўп қон томирлар — артерия, вена ва капиллярлардан иборат.

Юракнинг тузилиши. Юрак қон айланиш системасининг марказий органи, у қоннинг организмдаги томирлар бўйлаб ҳаракатини таъминлайди. Юрак кўкрак қафасининг чап томонида жойлашган бўлиб, конуссимон шаклдаги ичи бўш халтачага ўхшаш. Юрак девори уч қаватли бўлиб, ички қавати эндокард эпителий ҳужайралардан, ўрта қавати миокард мускул, ташқи қавати эпикард биринкитирувчи тўқимадан ҳосил бўлади. Ташқи томондан юракни биринкитирувчи тўқимадан ҳосил бўлган юрак олди халтаси ёки перикард ўраб туради. Юрак миокарди ўзига хос кўндаланг тарғил мускул тўқимасидан иборат бўлиб, ихтиёrsиз қисқариш хусусиятига эга.

Юрак бўшлиғи яхлит парда билан чап ва ўнг бўлимга бўлинган. Ҳар қайси бўлим ўз навбатида иккита бўлма — қамерани ҳосил қиласди (60-расм). Камералардан бири юрак бўлмаси, иккинчиси юрак қоринчаси дейилади. Бўлма ва қоринчалар бир-бири билан маҳсус тешикчалар орқали туташган. Бу тешикчалар очилиб-ёпилувчи қопқоқчалар — клапанлар би-

60-расм. Юракнинг тузилиши:

1 — чап юрак бўлмаси, 2 — ўнг юрак бўлмаси, 3 — чап қоринча, 4 — ўнг қоринча, 5 — аорта, 6 — ўпка артериялар, 7 — ўпка веналари, 8 — ковак веналар (стрелкалар қоннинг оқимини кўрсатади).



лан таъминланган. Юракнинг чап томонида клапанлар икки тавақали, ўнг томонида эса уч тавақали бўлади. Қопқоқчалар фақат бир томонга — юрак қоринчалари бўшлиғига очилади. Клапанларнинг очилиши маҳсус пайлар билан боғлиқ. Пайларнинг бир учи клапанларнинг тавақаларига, иккинчи учи юрак қоринчалари деворига ёпишган бўлади. Қоринча мускуллари қисқарганида пайларнинг иллари клапанларнинг бўлма томонга очилишига тўсиқлик қиласди.

Ўнг юрак бўлмасига қон учта венадан: юқори ва пастки ковак веналар ҳамда юракнинг ўз венасидан, чап юрак бўлмасига эса тўртга ўпка веналаридан келиб қўйилади. Ўнг юрак қоринчасидан ўпка стволи бошланади, бу ствол иккига тармоқланиб чап ва ўнг ўпкаларга, яъни кичик қон айланиш доирасига вена қони оқиб чиқади. Чап юрак қоринчасидан чап аорта ёйи чиқади. Ундан қон орқа аортага чиқади. Аорта органлар яқинида артерияларга ажралади. Қон улар орқали органларга, яъни катта қон айланиш доирасига чиқади. Чап юрак қоринчаси билан аорта ҳамда ўнг қоринча билан ўпка стволи орасида биттадан уч тавақали яримойсизмон клапанлар қон томирлари бўшлиғига очилади ва қоннинг орқага — қоринчага қайтиб тушишига йўл қўймайди.

Юракнинг ишлаши. Юрак мускуллари юрак деворининг ўзида пайдо бўладиган импульслар гаъсирида қисқариш хусусиятига эга. Бу ҳодиса *юрак автоматияси* дейилади. Юрак автоматияси юрак мускулларида жойлашган маҳсус нерв ҳужайраларидан ритмик тарзда ҳосил бўлиб турадиган қўзғалишлар билан боғлиқ. Бунда юракнинг бирон нуқтасида пайдо бўлган қўзғалиш ҳамма юрак мускулларига тарқалади ва мускуллар бирданига қисқаради. Юракнинг қисқариши юрак организмдан ажратиб олинганидан кейин ҳам бирмунча вақт давом этади.

Қоннинг юрак бўшлиғида ва юрак қон томирлари бўйлаб ҳаракати юрак мускулларининг навбатлашиб қисқариши ва

бұшашиш туфайлы содир бұлади. *Юрак цикли* уч фазадан иборат: биринчи фазада бұлмалар, иккінчи фазада қоринчалар қисқаради, учинчі фазада эса бұлмачалар ва қоринчалар бұшашади. Юрак мускулларининг қисқариш фазасы *систола*, бұшашиш фазасы пауза ёки *диастола* дейилади. Диастола даврида бұлмалар қон билан тұлади. Бу фазада тавақали клапанлар очық бұлади. Диастоладан кейин иккита юрак бұлмасы бирданиңа қисқаради ва ҳамма қон бұлмалардан қоринчаларға үтади. Ана шундан сұнг бұлмалар бұшашыб, улар яна қон билан тұлади. Қоринчалардаги қон босими таъсирида эса клапанларнинг тавақалари ёпилиб, қоннинг бұлмаларга чиқиб кетишига йўл қўймайди. Ўз навбатида иккала қоринчалар бирданиңа қисқарганида аорта ва ўпка стволовидаги клапанлар томирлар томонга очилади, қон катта ва кичик қон айланиш доираларни ташкил этувчи қон томирларига қараб оқади. Бундан кейин қоринчаларнинг бұшашиш фазасы — диастола бошланади. Бу даврда қон босими таъсирида яримойсимон клапанлар ёнилиб, қоннинг юрак қоринчаларига қайтиб тушишига йўл бермайди. Паузадан кейин яна бұлмаларнинг сұнгра қоринчаларнинг қисқариш фазасы келади. Юрак бұлмаларининг бир марта қисқариши билан иккінчи марта қисқариши орасида ўтган давр юрак цикли дейилади. Бу цикл 0,8 сек. давом этади, шу жумладан бұлмаларнинг қисқариши 0,1 сек., қоринчаларнинг қисқариши — 0,3 сек., умумий пауза — диастола даври 0,4 сек. давом этади. Юракнинг қисқариши туфайлы юрак цикли ҳам қисқаради. Бир марта қисқарганида иккала юрак қоринчалари биргаликда 70 мл га яқин қонци ҳайдаб чиқаради. Юрак бир минут давомида 60—80 марта қисқаради.


Юрак ишининг нерв ва гуморал регуляцияси. Юракнинг фаолияти ҳам бошқа ички органдар сингари вегетатив нерв системаси томонидан бошқарылар туралади. Юрак мускулларига иккى хил: марказдан қочувчи нервлар келади. Улардан бир жуфти — симпатик нерв толаларидаги таъсирот юрак қисқариш тезлигини кучайтиради ва қисқариш кучини оширади. Иккінчиси — парасимпатик (адашган) нервлар импульсларининг таъсирида юрак фаолияти сусаяди. Юрак фаолияти нерв регуляциясида қон томирлари девори, тери, талоқ, буйрак, ўпка, мускуллар ва бошқа органлардаги рецепторларда пайдо бўладиган импульслар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Юрак фаолияти гуморал йўл билан ҳам регуляция қилинади. Масалан, буйрак уети ички секреция бези гормони адреналин ҳам симпатик нервларга ўхшаш таъсир кўрсатади. Қонда калий миқдорининг ортиб кетиши эса парасимпатик нерв каби таъсир қилиб, юракнинг қисқариш кучини камайтиради. Юрак фаолиятига CO_2 , O_2 ва бошқа моддаларнинг қондаги концентрациясининг ўзгариши ҳам таъсир қилади.

Қон томирларининг тузилиши Қон томирлари артерия, капилляр ва венага бўлинади. Артериялар юракдан органларга

61-расм. Қон томирлари деворининг тузилиши:
A — артерия, B — капилляр, В — вена:

1 — бириктирувчи түқима қавати, 2 — мускул қавати,
3 — эпителий қавати.



Қон олиб боради. Артерия қон томирларининг девори анча қалин ва пишиқ бўлиб, ташқи эластик бириктирувчи түқима, унинг остидаги энг қалин ўрта силлиқ мускуллар ва энг ички бир қатор жойлашган ясси эпителий ҳужайраларидан ҳосил бўлган учта қаватдан иборат (61-расм).

Артерия қон томирларини ҳам катта-кичиклигига биноан аорта ва артериолларга ажратилади. Аорта — чап юрак қоринчасидан бошланадиган энг йирик аргерия қон томири, артериоллар эса органларда жойлашган майдада қон томирларидан иборат.


Капилляр қон томирлари органлар ва түқималарда жойлашган бўлиб, артериолларнинг кўп марта шохлананишидан ҳосил бўлади. Капиллярларнинг диаметри 4—20 мкм келади, улар органларда қалин тўр ҳосил қиласди. 1 mm^2 мускул түқимасида 2000 гача капилляр бўлади. Бу капиллярларнинг девори фақат бир қават ясси эпителийдан иборат.

Вена қон томирлари орқали қон органлар ва түқималардан юракка оқиб келади. Вена томири девори ҳам артерияларга ўхшаш уч қаватли бўлади, лекин эластик бириктирувчи түқимадан иборат сиртқи ва мускулли ўрта қавати яхши ривожланмаган.

Одам организмида барча артерия, капилляр ва вена қон томирлари катта ва кичик қон айланиш доираларини ҳосил қиласди (62-расм).

Катта қон айланиш доираси. Катта қон айланиш доираси чап юрак қоринчасидан бошланади. Қоринча девори қисқарганида қон аортага ўтади. Аорта дастлаб олд томонга йўналади, кейин чапга ва орқага эгилиб аорта ёйини ҳосил қиласди. Аорта ёйи умуртқа погонаси бўйлаб тананинг кейинги гомонига йўналади. Аортанинг кўкрак қафаси ичидаги қисми кўкрак аортаси, қорин бўшлиғидаги қисми эса қорин аортаси дейилади. Аортанинг бу қисмларидан органларга қараб бирмунча майдароқ қон томирлари — артериялар бошланади. Хусусан, аорта ёйиниаг кўкрак қисмидан бош томонга уйқу артерияси, кўкрак қафаси ва қўлга ўмров ости ва қўл артериялари, қорин аортасидан ички органларга артериялар кетади. Аортанинг бел қисми қўймич артерияларига бўлинади, бу аргериялар ҳам ўз

62-расм. Қон айланиш системасининг схемаси:



1 — аорта, 2 — ўпка капиллярлари түри, 3 — чап юрак бўлмаси, 4 — ўпка веналиари, 5 — чап қоринча, 6 — ички органларнинг артериялари, 7 — қорин бўшлиғи органлардаги капиллярлар түри, 8 — тана капиллярлари түри, 9 — орка ковак вена, 10 — жигар дарвоза венаси, 11 — жигар капиллярлари түри, 12 — ўнг юрак бўлмаси, 13 — ўпка артерияси, 14 — ўнг қоринча, 15 — олдинги ковак вена.

навбатида майдароқ оёқ артерияларига ажралади. Органлар ва тўқималарда эса артериялар яна-да майда артериолларга шохланади. Артериоллар ўз навбатида капиллярларга бўлиниб кетади. Капиллярларнинг жуда юпқа девори орқали қон билан тўқима суюқлиги ўртасида моддалар алмашинуви содир бўлади. Капиллярлар орқали ўтаётган артерия қони аста-секин кислородни тўқималарга беради ва углерод оксиди билан тўйиниб, вена қонига айланади.

Тананинг кейинги томонидаги органлардан вена қони сон

веналарига йигилади. Бу веналар бирмунча йирик қўймич веналарига бирлашиб, кейинги ковак венага келиб қўшилади. Ичакдан ва ошқозондан вена қони жигарга ўтиб, жигар дарвозасини ҳосил қиласди ва жигар венаси ҳамда кейинги ковак венага бориб қўшилади. Тананинг олд томонида жойлашган органлардан вена қони бош ва ўмров ости веналарига тўпланди .Бу веналар олд ковак венага туташади. Ковак веналар эса ўнг юрак бўлмасига келиб қўйилади. Шундай қилиб, катта қон айланиш доираси чап юрак қоринчасидан бошланади; органлар орқали ўтиб, ўнг юрак бўлмаси билан тамом бўлади.

Кичик қон айланиш доираси. Кичик қон айланиш доираси ўнг юрак қоринчасидан бошланади ва ўпка орқали ўтиб, чап юрак бўлмасида тамом бўлади. Вена қони ўнг қоринчадан ўпка стволига чиқади. Ундан қон иккита ўпка артериялари орқали ўпкага келади ва бу ерда майда қон томирлари — артериолларга, улар ўз навбатида жуда майда капиллярларга шохланади. Капилляр жуда қалин тўр ҳосил қилиб, ўпка альвеолларини ўраб олади. Альвеолалар бўшлиғи билан капиллярлардаги қон ўртасида модда алмашинув жараёнда альвеолалардаги ҳаводан кислород қонга ўтади, қондаги углерод

гази альвеолалар бүшлигига чиқарилади. Кислородга түйинган қон түртта үпка веналари орқали чап юрак бўлмасига келади.

Қоннинг қон томирларида ҳаракатланиши. Қон юракнинг кетма-кет қисқариши, қоннинг юракдан чиқаётган ва юракка келиб қуйилаётган даврида артерия ва вена қон томирлари-даги босим ўртасидаги фарқ қоннинг қон томирларида ҳаракат қилишини таъминлайди. Юрак қоринчалари девори қисқарганида қон катта босим остида аортага ва үпка стволига чиқарилади. Аорта ва үпка стволида қоннинг босими 150 мм симоб устунига тенг бўлади. Қон томирларида ҳаракат қилаётган қоннинг босими пасайиб, артерияларда 120 мм гача, капиллярларда 20 мм гача тушади. Веналарда босим жуда паст, ковак веналарда эса атмосфера босимидан ҳам пастроқ бўлади. Қон томирнинг босим юқори бўлган жойидан босим паст бўлган жойига қараб ҳаракат қиласиди.

Юрак қоринчалари қисқарганида қон юрак қоринчаларидан босим остида чиқиб артерия қон томирларининг эластик деворини кенгайтиради, қоринчалар бўшашганида эса қон томирлари девори яна ўз ҳолига қайтади ва қопни томирлар бўйлаб ҳайдайди. Шундай қилиб, қоринчалардан дамба-дам чиқиб турадиган қон артерия деворларининг эластиклиги туфайли тўхтовсиз ҳаракатланиб туради. Артерия деворларининг ритмик қисқариб туришини томир уриши, яъни *пульс* дейилади. Пульс юрак қисқаришларининг сонига тўғри келади. Ўрта ёшлардаги одамнинг пульси минутига 60—70 марта томир уришига тўғри келади. Турли касалликлар туфайли пульснинг бир текис бўлмаслиги *аритмия* дейилади.

Қоннинг томирларда ҳаракатланиш тезлиги қон томирларининг ҳар хил қисмида турлича бўлади. Масалан, аорта кони энг юқори — секундига 0,5 м тезликда, артерияларда 0,25 м, капиллярларда эса 0,5 мм бўлади. Қоннинг ҳаракатланиш тезигидаги бундай фарқ қон томирларининг кўндаланг кесимига боғлик. Чунки ҳамма капилляр томирларнинг умумий кўндаланг кесими аортанинг кесимига нисбатан 600—800 марта кўп бўлади. Қоннинг секин оқиши ва капиллярларнинг жуда узун бўлиши туфайли модда алмашинув жараёнига имкон туғилади. Одам организмидаги капиллярларнинг умумий узунлиги 100 минг км га етади.

Вена томирларида қоннинг ҳаракатланишида кўкрак қафасининг сўриб олиш қобилияти катта аҳамиятга эга. Чунки кўкрак қафасида босим доимо атмосфера босимидан паст бўлади. Қоннинг вена томирларида ҳаракатланиши, скелет мускуларнинг қисқаришига ҳам боғлиқ. Бу мускуллар қисқарганида вена томирларини сиқади ва қоннинг юракка қараб оқишига ёрдам беради. Иирик вена томирларида чўнтаксимон клапанлар қоннинг тескари томонга оқишига тўқсинглик килади. Вена қон томирларининг сони ва умумий кесмаси артерияларга нисбаган бир неча баравар ортиқ. Юрак яқинида ҳар бир артерияга иккитадан вена қон томири тўғри келади.

Шу туфайли қоннинг тезлиги вена қон томирларида 2 баравар кам бўлади.

Қон ҳаракатланишининг нерв ва гуморал регуляцияси. Қон томирлари девори мускулларида томирларни кенгайтирувчи парасимпатик ва торайтирувчи симпатик нервлар жойлашган. Бу нервларга нерв импульслари орқа мия ва узунчоқ миянинг томирларни ҳарактлантирувчи марказидан келади. Нервлардан келадиган қўзғалиш томирларни кенгайтириш ёки аксинча, торайтириши юрак қисқаришини кучайтириш ёки камайтириши мумкин. Одатда, нерв импульси марказдан қон томирлари деворига тўхтовсиз келиб туради. Шунинг учун қон томирлари девори доимий тонусга, яъни тарангликка эга бўлади. Бундан ташқари, қон томирлари деворларидағи рецепторлар қоннинг босими ва химиявий таркиби ўзгариши таъсирида ҳам қўзғалиш ҳосил қиласди. Бу қўзғалиш марказий нерв системасига узатилади.

Қон томирлари деворининг қисқариши ёки кенгайнishi турли гуморал омиллар, яъни овқат ва ички секреция безларидан қонга ўтган моддалар таъсирида ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, гипофиз гормони вазопрессин, буйракусти бези гормони адреналин ва қалқонсимон без гормони тироксин қон томирлари деворини торайтириш, ичак деворида ва бошқа ишлаб турган органларда ҳосил бўладиган гистамин эса тескари таъсир кўрсатади.

Қон томирларининг кенгайши ва торайиши қоннинг организма қайта тақсимланишига таъсир қиласди. Ишлаётган органлардаги қон томирларининг кенгайши туфайли қон бу ерга кўпроқ оқиб келади. Жигар, талоқ, териости ёғ қавати қон сақланадиган депо бўлиб ҳисобланади. Организмда қон камайиб кетганида ана шу органлардаги қон томирларга қўйилади.

НАФАС ОЛИШ СИСТЕМАСИ

Нафас олишнинг аҳамияти. Нафас олиш организм билан ташқи муҳит ўртасида газ алмашинувидир. Нафас олишнинг моҳияти организмга ташқи муҳитдан кислороднинг тўхтовсиз ўғиб туриши, ундан органик моддаларни биологик оксидланиш учун фойдаланиш ва оксидланиш жараёнида ҳосил бўлган карбонат ангидрид — углерод оксидини организмдан чиқариб ташлашдан иборат. Биологик оксидланиш натижасида ҳужайраларда энергия ажралади ва бу энергия организмнинг ҳаёт фаялиятларида сарф бўлади ёки кимёвий энергия ҳолида тўпланаади.

Нафас олиш органлари. Организм билан ташқи муҳит ўртасида газ алмашинув нафас олиш системаси орқали амалга ошади. Бу система нафас ўтказувчи йўллари — бурун бўшли-


ғи, ҳиқилдоқ, бүғиз, кекирдак, бронхлардан ҳамда газ алмашынуб органи — ўпкадан иборат.

Бурун бўшлиғи юз суюклари ва тоғайдан ҳосил бўлган бўлиб, суяқ тоғай тўсиқ орқали икки бўлимга бўлинган. Унинг ҳар қайси бўлмасида юқори, ўрта ва қуий бурун йўллари деб аталағиган эгри бурун чифаноқлари жойлашган. Қуий бурун йўлига бурун-ёш найнинг йўли очилади. Бу най орқали ёш суюқлигининг ортиқча қисми оқиб чиқади. Бурун бўшлиғининг ички юзаси шилимшиқ қобиққа эга. Бу қобиқда жуда кўп майдо қон гомирлари бўлади. Қон томирларидан бурун бўшлиғига чиқадиган лейкоцитлар бу жойга тушган микроорганизмларни қамраб олиб зарарсизлантириш (фагоцитоз) хусусиятига эга. Шилимшиқ қобиқнинг сирти киприкли эпителий ҳужайраларидан иборат. Киприкларнинг ҳаракати туфайли бурунга тушган чанг зарралари шилимшиқ модда билан бирга чиқариб юборилади. Ҳаво бурун бўшлиғидан ўтаётгандан намланади, илийди ва чанг ҳамда турли микроблардан тозаланади. Бурун бўшлиғининг юқори томонида ҳид билиш нервларининг рецепторлари жойлашган. Ҳаво бурун бўшлиғидан ўтиб, бурун-гомоққа, ундан бўғиз, кекирдак ва бронхлар орқали ўпкага боради.

Овоз аппарати. Бўғиз ўзаро ҳаракатчан биринчкан қалқонсимон, узуксимон, иккита чўмичсимон ва бўғизусти тоғайларидан иборат. Бўғизусти тоғайи овқат ютилаётгандан бўғиз йўлини бекитиб туради, Шунинг учун овқат бўғизга ўтиб кетмайди. Чўмичсимон тоғай ўсимталаридан қалқонсимон тоғайнинг ички юзасига овоз пайлари торгилган. Бу пайларнинг орасида товуш тирқиши бўлади. Ўпкадан чиқаётган ҳаво овоз пайларини тебратиб товуш чиқаради. Овоз пайларининг тараанглиги уларга биринчкан мускулларнинг қисқариши туфайли ўзгариб туради, айни бир пайтда товуш чиқариш тирқиши ҳам кенгаяди ёки тораяди. Товушининг баланд ёки пастилиги (тэмбри) овоз

63-расм. Нафас олиши системасининг тузилиши:

1 — бурун бўшлиғи, 2 — бурун-томоқ, 3 — бўғиз, 4 — кекирдак, 5 — бронх, 6 — бронхиола, 7 — алвеолалар, 8 — диафрагма, 9 — кўкрак қафасига ёндош плевра, 10 — ўнка плевраси, 11 — ўпка бўлаклари




пайларининг тебраниш тезлигига, яъни уларнинг тараанглигига ва узуунлигига боғлиқ. Тебраниш қанча тез бўлса, *товуш тембри ҳам шунча баланд* бўлади. Товушнинг маъноли нутқа айланишида овоз резонаторлари — тил, лаблар, юмшоқ танглай, бўғизусти тоғайи, бурун ва оғиз бўшлиғи катта аҳамиятга эга.

Кекирдак 6—7 бўйин умуртқалари яқинидан бошланади. Унинг девори 16—20 та ярим ҳалқасимон тоғайдан иборат. Ярим ҳалқа тоғайлар кекирдак деворларининг пучайиб нафас олиш йўлининг бекилиб қолишига имкон бермайди. Кекирдак девори ҳам ички томондан киприкли эпителий билан қопланган. Қекирдакнинг пастки учи иккита *бронхга* ажралади. Бронхларнинг девори ҳалқасимон тоғайдан гузилган бўлиб, киприкли эпителий билан қопланган. Бронхлар ўпкага киргандан сўнг кўп марта шохланади. Бу шохлардан энг ингичкаси *бронхиоллар* дейилади. Бронхиол шохчаларининг учки қисмида жуда кўп майда ўпка пуфакчалари — *альвеолалар* бор. Альвеолаларнинг девори жуда юпқа бир қават ясси эпителий ҳужайралардан иборат бўлиб, қалин капилляр қон томирлари билан ўраб олинган. Альвеолалар ва капиллярлар девори орқали газ алмашинуви содир бўлади.

Ўпка кўкрак қафаси бўшлиғида жойлашган ғовак орган бўлиб, жуда кўп эластик толалар ҳамда қон томирлари билан таъминланган. Қон томирлари ўпкага қизғиши ранг бериб турди. Ташқи томондан ўпка икки қавати *плевра пардаси* билан қопланган. Плевранинг ташқи қавати кўкрак қафасига ёпишган, ички қавати эса ўпкани ёпиб туради. Ҳар икки қават ўтасидаги плевра бўшириғида оз миқдорда *сероз* суюқлиги бўлади. Бу суюқлик нафас олиш жараёнида плевра қаватларида ишқаланишни камайтиради. Ўпка ўнг ва чап қисмларга бўлинган. Ҳар бир ўпканинг марказий қисмида *ўпка дарвозаси* бўлиб, бу жойдан ўпкага бронхлар, ўпка артерияси, нервлар киради ва ўпка веналари чиқади. Ўнг ўпка уч бўлакдан, чап ўпка эса икки бўлакдан иборат.

Ўпка ва тўқималарда газ алмашинуви. Ўпкада мускул тўқимаси бўлмайди. Шунинг учун нафас олинганда ўпка пассив кенгаяди ва нафас чиқарганда яна тораяди. Нафас олинганда ўпкага ўтадиган ҳаво таркибида 79% азот, 21% кислород ва 0,03% углерод оксиди бўлади. Альвеолалар ҳавосида эса кислород 14—15%, углерод оксиди 5—6%, азот 80% атрофида бўлади. Шундай қилиб, альвеолаларга ўтган ҳаводаги кислороднинг концентрацияси капиллярдаги кислород концентрациясига нисбатан юқори бўлади. Газлар концентрациясидаги фарқ ўпкада газ алмашинувининг асосини ташкил этади. Шу бўлади. Шундай қилиб, альвеолаларга капилляр девори орқали қонга ўтиб, уни тўйинтиради ва эритроцитлардаги гемоглобин билан бирикиб, муваққаг бирикма — *оксигемоглобинни* ҳосил қиласди. Бу жараёни қоннинг кислород билан тўйингунича давом этади (64-расм).



64-расм. Үпка ва тўқималарда газ алмашинуви схемаси:

1 — тўқима суюқлиги, 2 — вена қони бўлган капилляр, 3 — вена қони бўлган альвеол капилляри, 4 — артерия қони бўлган альвеол капилляри, 5 — артерия қони бўлган тўқима капиллярлари.

Кислород билан тўйинган қон капилляр томирлар орқали органлар ва тўқималарга боради. Тўқима суюқлигига кислороднинг концентрацияси қондагига нисбатан паст бўлади. Шунинг учун кислород қондан аввал тўқима суюқлигига, ундан ҳужайраларга ўтади. Ҳужайраларда эркин кислород деярли бўлмайди. Шунинг учун бу газ бирданига оксидланиш реакциясига киришади. Бу жараёнда ажralиб чиқадиган карбонат ангидрид худди юқорида келтирилган қонуниятга асосан капилляр қонига ўтиб, муваққат бирикма — оксигемоглобинни парчалайди ва гемоглобин билан бирикиб, карбоксигемоглобин ҳосил қиласди. Тўқималарда кетадиган вена қонида CO_2 гемоглобин билан бириккан ва қон зардобида эриган кўмир кислотаси H_2CO_3 ҳолида бўлиши мумкин. Кўмир кислотаси зардобдаги тузлар билан бирикиб, бикарбонаглар ҳосил қилиш хусусиятига ҳам эга. Үпкада карбонат кислотаси сув ва карбонат ангидридга осон парчаланади. Үпкада вена қони яна кислород билан тўйиниб, артериал қонга айланади, карбонат ангидрид эса концентрациядаги фарқ туфайли қондан үпка альвеолаларига ўтади ва нафас йўллари орқали ҳавога чиқиб кетади.

Нафас олиш ҳаракатлари. Үпка ва тўқималарда нафас олиш меъёрида кечиши учун ўпкадаги ҳаво доимо янгиланиб турилиши зарур. Бу жараён нафас олиш ва нафас чиқариш түғри алмашиниб тургандагина амалга ошади. Үпкага ҳаво кириши ва чиқарилишида нафас олиш мускулларининг аҳамияти катта. Нафас олинганида гашқи қовурғалараро мускуллар ва кўкрак диафрагмасининг қисқариши туфайли қовурғалар кўтарилади ва кўкрак қафаси кенгайиб, унинг ҳажми ортади.

Натижада кўкрак қафасидаги босим пасайиб, атмосфера босимидан паст бўлиб қолади. Ўпка тўқималари ҳам кенгайиб, альвеолалардаги босим камаяди ва атмосфера ҳавоси ўпкага киради. Нафас чиқаришда эса ташқи қовурғалараро мускулларнинг бўшиши билан қовурғаларнинг тушиши сабабли кўкрак қафасининг ҳажми камаяди, плевра бўшлиғида босим ошади. Ўпка ҳам бирмунча пасайганлиги туфайли ундаги ҳаво ташқи муҳитга чиқиб кетади.

Чуқур нафас олинганида кўкрак диафрагмаси ва ташқи қовурғалараро мускуллар билан бирга бошқа бир қанча мускуллар ҳам қисқариши туфайли кўкрак қафаси тинч нафас олгандагига нисбатан ҳам кўпроқ кегаяди. Чуқур нафас чиқаришда эса бу мускуллар бўшашади; шу билан бирга ички қовурғалараро мускуллар қисқариб, қовурғаларни яна ҳам кўпроқ туширади, қорин мускуллари ҳам қисқариб, ички органларни сиқади. Ички органлар кўкрак диафрагмасини пастдан босади. Диафрагма юқорига кўтарилиб, кўкрак қафаси ҳажмини кичрайтиради.

Ўпканинг тириклик сифими. Тинч ҳолатда бир марта нафас олинганида ўпкага кирадиган ва нафас чиқарилганида ўпкандан чиқадиган ҳавонинг миқдори **нафас ҳавоси ёки нафас олиш ҳажми**, яъни **нафас олиш чуқурлиги** дейилади. Бу ҳажм 500 мл га (300 мл дан 600 мл гача) teng бўлади. Чуқур нафас олганда одам яна 1500 мл ҳаво олиши мумкин, бу қўшимча ҳаво ҳажмини ташкил этади. Нафас чиқаргандан сўнг чуқур нафас чиқарилса, яна 1500 мл ҳаво чиқарилади, бу **резерв ҳаво ҳажми** бўлиб ҳисобланади. Чуқур нафас олинганидан сўнг чиқариладиган ҳавонинг миқдори ўпканинг тириклик сифимини ташкил этади. Ўпканинг тириклик сифими эркак кишида 3500—4000 мл га teng бўлиб, тинч ҳолатда нафас олиш, резерв ва қўшимча ҳаво ҳажмларидан иборат.

Тинч ҳолатда одамда нафас олиш ҳаракатларининг тезлиги бир минутда 16—20 марта тенг. Бир марта нафас олинганида 500 мл ҳаво олинадиган бўлса, бир минутда 8—10 л ҳаво олинади. Бир минут давомида ўпка орқали ўтадиган ҳавонинг миқдори ўпканинг **вентиляция** ҳажми дейилади.

Ўпканинг тириклик сифими маҳсус спирометр прибори ёрдамида ўлчанади. Тириклик сифимининг миқдори киши жисмоний саломатлигининг кўрсаткичи бўлиб, жисмоний машқ қилган кишиларда катта бўлади.

Нафас олишнинг нерв ва гуморал регуляцияси. Нафас олиш ва нафас чиқариш ҳаракатларининг такрорланиб туриши марказий нерв системасининг регуляцияси билан боғлиқ. Нафас олиш узунчоқ мияда жойлашган нафас олиш марказлари томонидан бошқарилиб туради. Бу марказлар нафас олиш ва нафас чиқариш марказларини ўз ичига олади. Нафас олиш ва нафас чиқариш марказларини ўзаро чамбарчас боялиқ жараёнлар бўлиб, доимо биридан кейин иккинчиси такрорланиб туради.

Нафас чиқарилганида ўпка тұқималари бироз пучайиб, альвеолалардаги рецепторларга таъсир этади. Рецепторларда ҳосил бўлган қўзғалиш парасимпатик (адашган) нервлар орқали нафас олиш марказларига узатилади. Марказда нерв импульслари орқа мияга, у ердан марказдан қочувчи нервлар орқали ташқи қовурғалараро мускулларга ва кўкрак диагфрагмаси мускулларига узатилади. Бу мускулларнинг қисқариши билан кўкрак қафаси кенгайиб нафас олиш содир бўлади. Бу даврда альвеолаларнинг рецепторларида қўзғалиш ҳосил бўлиши тўхтайди, нафас олиш маркази эса мускулларга нерв импульслари юбормай қўяди, натижада нафас олиш мускуллари бўшашиб, қовурғалар тушади, кўкрак қафаси тораяди ва нафас чиқарилади. Нафас олинганида эса ўпка тўқимаси чўзилиб, альвеолалардаги бошқа рецепторлар қўзғалади. Қўзғалиш рецепторлардан нафас чиқариш марказига узатилади. Марказдан эса нерв импульслари парасимпатик нервларнинг марказдан қочувчи толалари орқали ички қовурғалараро мускулларига узатилади. Бу мускуллар қисқарганида кўкрак қафаси ҳажми яна ҳам тораяди. Шундай қилиб, нафас олиш нафас чиқариш таъсирида вужудга келадиган рефлексдан, нафас чиқариш эса аксинча нафас олиш таъсирида вужудга келадиган рефлексдан иборат.

Нафас олиш марказининг фаолияти гуморал йўл билан ҳам бошқарилади. Бош мияга келадиган қон таркибида CO_2 гази концентрацияси уйқу артерияси деворидаги рецепторларни қўзғатади. Қўзғалиш узунчоқ миядаги нафас олиш марказини қўзғатади ва унда ҳосил бўлган нерв импульслари таъсирида нафас олиш мускуллари қисқарип, нафас олишни гезлаштиради. Нафас олиш CO_2 нинг қондаги концентрацияси меъёрга келгунга қадар давом этади. Чақалоқ туғилганидан кейин содир бўладиган биринчи нафас олиш ҳам худди шу тариқа юзага чиқади. Бола йўлдош орқали она қонидан кислород олиб туради. Чақалоқ туғилиб она организмидан ажралгандан сўнг унинг қонида CO_2 гази концентрацияси ошиб кетиб, нафас олиш марказида қўзғалиш пайдо қиласади. Бу қўзғалиш нафас олиш мускулларига таъсир қилиб, нафас олиш пайдо қиласади. Туғилган чақалоқнинг биринчи йигиси унинг нафас ола бошлиганидан дарак беради.

ҲАЗМ ҚИЛИШ СИСТЕМАСИ

Озиқ моддалар ва озиқ маҳсулотлар. Барча ҳайвонлар сингарип одам организмни ҳам овқат билан бирга ташқи мухитдан турли озиқ моддаларни олиб туради. Бу моддалар турли органик бирикмалар, асосан углеводлар, оқсиллар, ёғлардан иборат. Озиқ моддалар қурилиш материали бўлиб ҳисобланади. Улар ҳисобига организм ўсиш ва кўпайиш жараёнида янги

хужайраларни ҳосил қиласи. Бундан ташқари озиқ моддалар организмнинг ҳаёт фаолиятида сарф бўладиган энергиянинг манбаси ҳам бўлиб ҳисобланади («Моддалар алмашинуви» мавзусига қаранг). Ҳаёт фаолиятининг нормал кечиши учун организмга турли витаминалар, минерал моддалар ва сув ҳам зарур. Витаминалар ҳар хил ферментлар таркибида киради; минерал моддалар организмнинг ички муҳитини ҳосил қиласи; сув эса моддаларни эритувчи ҳисобланади.

Одам ўз организми учун зарур бўлган моддаларни овқат билан бирга олади; озиқ маҳсулотларининг таркибида юқорида келтирилган органик моддалар турлича нисбатда бўлади. Масалан, ўсимлик маҳсулотлари: буғдој, гуруч, картошка, помидор, узум ва бошқа дон ҳамда меваларда углеводлар; ҳайвон маҳсулотлари: гўш, сут ва қаймоқда оқсилилар ва ёғлар кўп бўлади. Витаминалар эса ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида киради. Озиқ маҳсулотлари ҳазм бўлишидан оддин ҳазм қилиш системасида механик ва кимёвий таъсирига учрайди. Бу жараёнлар ҳазм қилиш системасида бажарилади.

Ҳазм қилиш овқатни ҳазм қилиш найида механик равишда қайта ишланиши ва овқат таркибидаги озиқ моддаларни ферментлар таъсирида организм ўзлаштира оладиган бирмунча оддий моддаларга парчаланишидан иборат.

ФЕРМЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ


Ферментларни овқат ҳазм қилиш системаси безлари ишлаб чиқаради. Улар иштироқида овқат таркибидаги органик моддалар парчаланади. Ҳужайра таркибидаги ферментлар эса янги органик моддаларни синтезлашда иштирок этади.

Барча ферментлар оқсилилардан иборат, улар жуда оз миқдорда реакцияга киришади ва реакциядан кейин ўзгармасдан қолади. Ферментлар ихтинослашган бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум бир реакцияга таъсири қиласи. Масалан, оқсилиларни парчалашда иштирок этадиган ферментлар углеводлар ва ёғларга таъсири этмайди. Ҳар бир фермент органик моддалар парчаланиши реакциясининг маълум бир погонасида иштирок этади ва муайян ҳароратда (асосан 38—40° С да) таъсири этади. Ҳароратнинг ошиши билан ферментлар активлиги пасаяди ва ҳатто улар емирилиши ҳам мумкин. Ферментларга кимёвий муҳит ҳам катта таъсири кўрсатади. Бир хил ферментлар кислотали, бошқалари эса ишқорий муҳитда фаол бўлади. Масалан, кислотали муҳитда оқсилиларнинг парчаланишида иштирок этадиган пепсин ферменти ишқорий муҳитда таъсири этади. Птиалин ферментининг крахмалга таъсири эса аксинча ишқорий муҳитда фаол кечади.

Ҳазм қилиш системаси органлари ҳазм қилиш найи ва ҳазм қилиш безларидан иборат. Ҳазм қилиш найининг узун-

65-расм. Овқат ҳазм қилиш системасининг тузилиши:

1 — оғиз, 2 — томоқ, 3 — ҳалқум, 4 — ошқозон, 5 — ошқозонисти беzi, 6 — жигар, 7 — сийдик чиқариш найи, 8 — ўт пуфаги, 9 — ўн икки бармоқ ичак, 10 — йўғон ичак, 11 — ингичка ичак, 12 — тўғри ичак, 13 — тил ости сўлак беzi, 14 — жагости сўлак беzi, 15 — қулоқ олди сўлак беzi, 16 — аппендице.



лиги 8—10 м бўлиб, бир неча бўлимга, хусусан оғиз бўшлиғи, ҳалқум, қизилўнгач, ошқозон, ингичка ва йўғон ичакка бўлиниди (65-расм). Ҳазм қилиш найининг девори ички, ўрта ва ташқи қаватлардан иборат. Ички қаватининг ичак бўшлиғига ўтирилган томони шилимшиқ парда билан қопланган. Бу парда ҳужайралари шилимшиқ модда ишлаб чиқаради. Шилимшиқ парда остида эса ҳазм қилиш безлари жойлашган. Ички қават жуда кўп қон томирлари билан ҳам таъминланган. Ўрта қавати силлиқ мускуллардан иборат. Силлиқ мускулларнинг қисқариши киши ихтиёрига боғлиқ бўлмайди. Бу мускулларнинг фаолияти ичак перисталтикаси (тўлқинсизмон қисқариш)ни пайдо қиласди ва овқатлик моддаларни ҳазм қилиш найи бўйлаб олдиндан орқага суримишига ёрдам беради.

Ҳазм қилиш системаси деворининг ташқи қавати биритиувчи тўқимадан иборат. Бу тўқима сероз қобиқни ҳосил қиласди.

Ҳазм қилиш системаси секреторлик, мотор (ҳаракат) ва сўриш функцияларини бажаради. Унинг секреторлик функцияси ҳазм суюқлиги, яъни сўлак, ошқозон ва ичак шираси ҳамда ўт ажратишдан иборат. Мотор функцияси эса овқатининг механик майдаланиши, ҳазм қилиш найи бўйлаб суримиши ва ҳазм бўлмай қолган моддаларнинг ичакдан чиқариб юборилишидан иборат. Ҳазм қилиш системасининг сўриш функцияси овқат таркибидаги турли минерал моддалар ва сувни, шунингдек ферментлар таркибида парчаланган оқсил, ёғ, карбонсув

ва бошқа моддаларни ичак девори орқали сўриб олиб қонга ўтказишдан иборат.

Ҳазм қилиш безлари ошқозоности бези, сўлак безлари, жигар, оғиз бўшлиғида, шунингдек ошқозон ва ичак деворла-рида жойлашган безлардан иборат.

Оғиз бўшлиғида овқатнинг ҳазм бўлиши. Оғиз бўшлиғида овқат дастлабки механик таъсирга учрайди. У тишлар ёрдамида майдаланади ва тил ёрдамида аралаштирилиб, луқма шаклига келтирилади. Оғиз бўшлиғи олд томондан жағлар ва тишлар билан чегараланган, унинг устки томони қаттиқ ва юмшоқ танглай дейилади. Юмшоқ танглайнинг кейинги томони тилчани ҳосил қиласи.

Тишлар юқори ва пастки жағларнинг маҳсус чуқурчаларида жойлашган. Ҳар бир жағда 4 тадан курак, 2 та қозиқ, 4 та кичик озиқ ва 6 та катта озиқ тишлар жойлашган. Тиш денгин моддасидан иборат. Тишнинг жағ чуқурчасига кириб турдиган қисми илдизи, милкдан оғиз бўшлиғига чиқиб турдиган қисми коронкаси, коронка билан илдиз ўртаси эса бўйин дейилади. Коронка қаттиқ эмаль билан қопланган бўлиб, тишларни емирилишдан сақлайди. Тишларнинг ичида қон томирлари ва нерв тўқимаси билан тўлдирилган бўшлиғи — пульпаси бўлади.

Тил қўндаланг тарғил мускуллардан иборат бўлиб, шилимшиқ парда билан қопланган. Унинг ўзаги, танаси ва уни бўлади. Тил овқатни аралаштириш ва овқат луқмасини ҳосил қилишда иштирок этади. Унинг юзасида таъм билиш рецепторлари жойлашган. Тилнинг илдизидаги рецепторлар аччиқни, тил учидаги рецепторлар ширин ва тилнинг икки ёнидаги рецепторлар эса нордон ва шўрни сезади.

Оғиз бўшлиғи деворида шилимшиқ ишлаб чиқарувчи жуда кўп майдабезлар жойлашган. Оғиз бўшлиғига қулоқолди, тилости, жағости, йирик сўлак безлари ҳамда жуда кўп майдабезларнинг йўли очилади. Сўлак ишқорий реакциясига эга. Унинг таркиби 98—99% сувдан иборат. Сўлақда птиалин ва малтаза ферментлари бўлади. Птиалин овқат таркибидаги крахмални оралиқ маҳсулот — дисахарид малтозага, малтоза ферменти эса малтозани оддий глюкозага парчалайди. Бу ферментлар фақат ишқорий муҳитда таъсир қиласи.

Ютиш. Оғиз бўшлиғи орқа томонда воронкасимон ҳалқум билан туташган. Ҳалқумда ҳазм қилиш ва нафас олиш йўларининг найлари кесишган. Хусусан, бу ерга оғиз ва бурун ҳалқум йўллари, ҳалқум, бўғиз ҳамда иккита свастахиев найлари очилади. Яхшилаб чайналган ва сўлак билан намланган овқат луқмаси тилнинг ўзагига тушганида у ердаги рецепторларга таъсир қиласи. Рецепторлардаги қўзғалиш ютиш рефлексини пайдо қиласи. Оғиз бўшлиғи деворининг кейинги томонида жойлашган мускуллар рефлектор тарзида қисқаради.

Бир вақтнинг ўзида бўғизусти тоғайи тушиб, бўғиз йўлини тўсади; оғиз бўшлигининг кейинги томонида жойлашган юмъоқ танглай тилчаси қўтарилиб, бурун-ҳалқум йўлини ёпди. Мускулларнинг қисқариши туфайли овқат ҳалқумга итарилади. Овқат луқмаси ҳалқум ва қизилўнгач орқали ошқозонга тушади.

Сўлак безларининг фаолиятини ўрганишида И. П. Павлов ишларининг аҳамияти. Атоқли рус олимни И. П. Павлов сўлак безлари фаолиятини ҳайвонларнинг сўлак безларига фистула қўйиш билан ўрганиш усулини ишлаб чиқкан. Бунинг учун ўрганилаётган сўлак безининг йўли уни ўраб турган шилимшиқ парда билан бирга кесиб олиниб, лунждан очилган тешик орқали ташқарига чиқариб қўйилади. Сўлак йўлининг тешигини ўраб турган шилимшиқ парда лунж терисига тикиб қўйилади. Сўлак безидан ажралиб чиқаётган сўлак ташкарига очиладиган тешик — фистула орқали чиқа бошлайди. Ана шу йўл билан И. П. Павлов итларда сўлак ажралиши рефлектор равишда содир бўлишини аниқлаган.

Сўлак ажралиш рефлекси қўйидагича содир бўлади. Оғизга овқат тушганида тилда жойлашган рецепторларда қўзғалиш пайдо бўлади. Қўзғалиш рецепторлардан марказга интилувчи нейронларнинг ўсимталари орқали узунчоқ миядаги сўлак ажратиш марказига, у ердан марказдан қочувчи нейронларга ва бу нейронларнинг ўсимталари орқали сўлак безларига боради. Безларнинг мускуллари қисқарип, сўлак ажрала бошлияди.

Итларда фақат овқат истеъмол қилинаётганда эмас, балки овқатни кўрганда ёки ҳидини сезганда хам сўлак ажралиши мумкин. Бундай рефлексларни И. П. Павлов шартли рефлекслар деб атаган. Шартли рефлексларнинг хосил бўлиши бош мия яримшарлари пўстлоги билан боғланган («Олий нерв фаолияти» мавзусига қаранг).

Овқатнинг ошқозонда ҳазм бўлиши. Оғиз бўшлиғида майдаланиб, сўлак таъсирида қисман ҳазм бўлган овқат луқмаси қисқа ҳалқум ва қизилўнгач орқали ошқозонга тушади.

Қизилўнгач узунлиги 25 см келадиган найдан иборат. Қизилўнгач кўкрак диафрагмасидан ўтиб, ўн биринчи жуфт ковурғалар яқинида ошқозонга очилади. Қизилўнгач мускулларининг тўлқинсимон қисқариши туфайли овқат луқмаси ошқозонга қараб сурилади.

Ошқозон қорин бўшлигининг юқори қисмида диафрагма остида жойлашган мускулли қалин деворли халтадан иборат. Ошқозоннинг ҳажми 2—3 л га тенг; шилимшиқ қаватли девори жуда кўп бурмалардан ташкил топғанлиги туфайли унинг ҳажми овқат миқдорига қараб кенгайиб бориш хусусиятига эга. Ошқозон деворида жуда кўп майда микроскопик безлар бўлади. Бу безлар ошқозон ширасини ишлаб чиқаради. Ошқозон шираси таркибида пепсин ва липаза ферментлари ва

хлорид кислотаси бўлади. Ошқозон деворини қоплаб турган шилимшиқ модда уни ферментлар ва кислота таъсиридан ҳимоя қилиб туради. Ошқозоннинг ингичка ичакка туташган жойида махсус мускуллар билан таъминланган сфинкстр бўлади.

Ошқозонда овқат 4—8 соат давомида сақланади. Ошқозон шираси таъсирида овқат таркибидаги оқсиллар ва ёғлар парчаланади. Шира таркибидаги пепсин ферменти кислотали шароитда оқсиллар денатурациясини вужудга келтиради ва сутни ивишга олиб келади. Бу фермент мураккаб молекулали оқсилларни бирмунча оддий молекулали пептидларга парчалайди. Оқсиллар дастлаб овқат луқмасининг юза қисмида парчаланади. Унинг ишқорий муҳитга эга бўлган ички қисмида эса сўлак ферментлари таъсирида крахмалнинг парчаланиши давом этади. Ошқозон шираси овқат луқмасига шимишган сари оқсилларнинг парчаланиши тезлаша боради.

Ошқозон ширасидаги липаза ферменти эмульсия ҳолидаги (сут таркибидаги) ёрни парчалайди.

Ошқозон шираси ажралишини нерв-гуморал йўл билан бошқарилиши. Ошқозон шираси ҳам сўлак сингари рефлектор йўли билан ажралади. Шира ажралишининг икки фазаси мавжуд. Унинг биринчи фазаси овқат массасини оғиз бўшлиғи ва ҳалқумда жойлашган рецепторларга ҳамда кўриш, ҳид билиш, эшитиш рецепторларининг қўзғалиши (овқатни кўриш, ҳидини сезиш ва овқат тўғрисида эшитиш, ҳис қилиш) натижасида бошланади. Чунки рецепторларда пайдо бўлган қўзғалиш марказга интилувчи нервлар орқали узунчоқ миянинг овқат ҳазм қилиш марказига, ундан марказдан қочувчи нервлар орқали ошқозон безларига боради. Оғиз ва ҳалқумдаги рецепторларнинг қўзғалиши натижасида шира ажралиши шартсиз рефлекс бўлади. Ҳид билиш ва кўриш рецепторларидаги қўзғалиш таъсирида шира ажралиши эса шартли рефлекс ҳисобланади. И. П. Павлов бу хилдаги рефлекслар натижасида ажраладиган ширани иштаҳа шираси деб атаган эди. Ошқозон ширасининг рефлектор тарзда ажралиши икки соат чамаси давом этади.

Ошқозон шираси ажралишининг гуморал йўл билан бошқарилиши шира ажралишининг иккинчи фазасини ташкил этади. Гуморал йўл билан шира ажралиш ошқозон шираси таркибидаги биологик фаол моддалар таъсирида содир бўлади. Бундай моддалар сабзавот, балиқ, гўштли шўрва ва бошқа озиқ-овқатлар таркибида ҳам кўп бўлади. Биологик фаол моддалар ошқозон деворидан қонга сўрилади ва қон орқали ошқозон безларининг фаоллигини оширади.

Овқатнинг ошқозонда ҳазм бўлишини ўрганишда И. П. Павлов ишлари. Ошқозонда овқатнинг ҳазм бўлишини фистула қўйиш орқали ўрганишни биринчи марта рус хирурги В. А. Басов ишлаб чиққан. Бунинг учун итнинг териси ва


қорин мускуллари кесилиб, ошқозон деворида тешик очилади ва бу тешикка найча тикиб қўйилган. Бундай фистула орқали ошқозон шираси ажратиб олишган.

Тоза ошқозон шираси ажратиб олиш учун И. П. Павлов ит ошқозонига фистула ўрнатиш билан бирга унинг қизилўнгачини ҳам кесади ва кесилган учларини ташқарига очиладиган қилиб тикиб қўяди. Бундай ит овқатланганида унинг овқати ошқозонга тушмасдан қизилўнгачдан ташқарига чиқиб кетади. Бундай бўлишига қарамасдан ошқозонга ўрнатилган фистуладан соф ошқозон шираси оқиб чиқа бошлаган. Шира ажралиш ит овқат еганидан сўнг ҳам икки соатга яқин давом этган. Шира ажралиш ит овқатни кўрганида ёки уни ҳидини сезганида ҳам содир бўлади. Бу тажриба ошқозон шираси рефлектор тарзда ажралишини кўрсатади.

Ошқозон ширасининг гуморал таъсири орқали ажралишини ўрганиш учун И. П. Павлов ошқозоннинг бир қисмини кесиб олади, лекин уни ошқозондан бутунлай ажратиб олмасдан ёпиқ халтacha шаклида тикади. Бундай халтacha кичик ошқозон ёки И. П. Павлов ошқозони дейилади. Кичик ошқозонга фистула ўрнатилган, овқат эса асосий ошқозонда ҳазм бўлган. Асосий ошқозонда овқат қанча вақт турса, кичик ошқозондан ҳам шунча вақт шира ажралиб турган.

Ошқозонига фистула ўрнатилган иккита итнинг қон томирлари ўзаро туташтирилганида эса улардан бирининг ошқозонига фистула орқали юборилган овқат таъсирида иккала итнинг ҳам ошқозонидан шира ажрала бошлаган. Бу тажриба ошқозон ширасини қонга сўрилган биологик актив моддалар таъсирида гуморал йўл билан ҳам ажралишини кўрсатиб берди.

Ичакда озиқ моддаларнинг ўзариши. Бирмунча суюлган овқат ошқозондан ингичка ичакка ўтади. Ингичка ичак 5—7 м узунликда бўлади. Унинг бошланғич қисми ўн икки бармоқ ичак, ўрта қисми оч ичак ва кейинги қисми ёнбош ичак дейилади. Ингичка ичакнинг шилимшиқ девори ичак шираси ажратувчи жуда кўп наисимон безларга эга бўлиб, жуда майда ўсимталар — ворсинкалар билан таъминланган (66-расм). Ворсинкаларнинг баландлиги 1 мм, умумий сони 4 млн га яқин бўлиб, умумий юзаси эса 4—5 м²ни ташкил этади. Ворсинкаларнинг сирти бир қават эпителий билан қопланган, уларнинг ичидан лимфа томири ва артерия қон томири ўтади. Артерия



66-расм. Ичак ворсинкалари-нинг тузилиши:

1 — ворсинкалар, 2 — лимфа томири, 3 — шилимшиқ қаватнинг мускулли тўқимаси, 4 — вена, 5 — артерия.

ворсинка ичида күп марта шохланиб капиллярларга айланади. Ворсинкаларда мускуллар ва нерв толалари бўлади, мускуллари рефлектор йўли билан ишлайди. Суюқ овқат зарралари теғиб кетганида мускуллар рефлектор тарзда қисқариб, ворсинкалардаги қон ва лимфа алмашинувини тезлаштиради. Ўн икки бармоқ ичак ошқозоности безини тақа шаклида ўраб туради. Унинг узунилиги ўн иккита бармоқнинг кенглиги (таксминан 25—30 см) га teng. Ўн икки бармоқ ичак бўшлиғига ошқозоности бези ва жигарнинг ўт йўли очилади. Ўн икки бармоқ ичак шираси ишқорий реакцияга эга. Ичакнинг бу бўлимида ошқозоности бези ва ичак деворидаги майдада безлар ишлаб чиқарадиган безларнинг шираси ва ўт суюқлиги таъсирида овқат таркибидаги деярли барча органик моддалар парчаланади. Ошқозоности бези ферментлари трипсин оқсилларга, липаза ёғларга, лактаза ва малтаза углеводларга таъсири этади.

Ошқозонда ва ўн икки бармоқ ичакда қисман парчаланган овқат оч ичакка ўтади. Оч ичак шираси таркибида оқсиллар, ёғлар, нуклеин кислоталарни парчалайдиган ферментлар бўлади. Ичак шираси овқат массасининг ичак деворига таъсири натижасида рефлектор равишда ҳамда овқатнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган моддалар таъсирида ажralиб чиқади.

Ичакка тушган овқат бир вақтнинг ўзида ичак бўшлиғида ҳамда ичак деворида ҳазм бўлади. Овқат ҳазм бўлишининг бу икки йўли бир-бирига боғланган бўлади. Овқатни ичак деворида ҳазм бўлишида ҳужайралар мембранныи юзасидаги ферментлар иштирок этади. Ингичка ичакда овқат таркибидаги оқсиллар аминокислоталарга, мураккаб углевод — полисахаридлар монасахаридларга, ёғлар ёғ кислоталари ва глицеринга парчаланади. Ичак ворсинкаларининг эпителийси яrim ўтказиш хусусиятига эга бўлганидан улар орқали аминокислоталар ва моносахаридлар сўрилиб қонга ўтади. Ёғларнинг сўрилишида ўт суюқлиги катта аҳамиятга эга. Ёғ кислоталари ўт таркибидаги ишқорлар ва ўт кислоталари билан бирикиб, сувда эрийдиган тузлар (совун) ҳосил қиласди. Бу тузлар ворсинкалар эпителийсига осон сўрилади. Ворсинкаларда ёғ кислоталари ва глицериндан одам организми учун ҳосил бўлган ёғлар синтезланади. Бу ёғ томчилари ворсинкалардаги лимфа капиллярларига сўрилиб, лимфа билан организмнинг турли тўқималарига боради. Органик моддаларнинг ичак девори орқали сўрилиши осмос ва диффузия йўли билан амалга ошади. Шунинг билан бирга бу моддалар ичак деворига АТФ энергияси ҳисобига актив сўрилиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, ингичка ичакда овқатнинг ҳазм бўлиши асосан тутгалланади. Овқатнинг ҳазм бўлмаган қисми йўғон ичакка ўтади.

Йўғон ичакнинг узунилиги 1,5—2 м келади. Ичакнинг бу қисми кўричак, чамбар ичак ва тўғри ичакдан иборат. Кўрничакнингчувалчангисимон ўсимтаси бўлади. Чамбар ичак эса

ингичка ичакни ўраб турати. Йўғон ичак деворида ворсинкалар бўлмайди.

Йўғон ичакдан асосан овқат таркибидаги сув қонга сўрилади ҳамда ахлат ҳосил бўлади. Ичакнинг бу қисмида жуда кўп миқдорда бактериялар яшайди. Улар иштироқида ичакда парчаланмайдиган (клетчатка) парчаланади. Бундан ташқари бактериялар организм учун зарур бўлган В группа витаминалари ва К витамини синтез қилади. Тўғри ичакдаги чиритувчи бактериялар оқсиллар қолдигини парчалайди. Парчаланиш натижасида ҳосил бўлган бир қанча заҳарли моддалар қонга шимилади. Бу моддалар жигарда заарсизлантирилади. Йўғон ичакнинг охирги қисми — тўғри ичакда ахлат батамом шаклланади ва орқа чиқариш тешиги орқали чиқарилиб юборилади.

Ошқозоности бези, жигар ва уларнинг ҳазм қилишдаги аҳамияти. Ошқозоности бези тўсиқлар билан бир неча бўлакка бўлинган. Безнинг ўн икки бармоқ ичак ўраб турган томони унинг бошчаси, ўрта қисми танаси ва чап буйрак ҳамда талоққа тегиб турадиган қисми эса думи дейилади. Ошқозоности безининг бутун узунаси бўйлаб унинг секрет чиқариш найи ўтади, бу най ўн икки бармоқ ичакка очилади. Ошқозоности безида икки хил ҳужайра бор. Улардан бирни ҳазм қилишга ёрдам берадиган ошқозоности шираси ёки панкреатик шира ишлаб чиқаради. Бу шира ишқорий хусусиятга эга бўлиб, унинг таркибида оқсил, углевод ва ёғларнинг парчаланишига таъсир этувчи трипсин, амилаза ва липаза ферментлари бўлади. Безнинг лангерганс оролчаси қонга инсулин гормони ишлаб чиқаради.

Жигар — одам организмидаги энг йирик без. Жигар қорин бўшлигининг ўнг томонида диафрагманинг остида жойлашган бўлиб, иккита бир-бирига тенг бўлмаган бўлаклардан иборат. Унинг чап бўлаги ошқозоннинг кўп қисмини ёпиб турати. Ташқи томондан жигар сероз қобиқ билан ўралган, бу қобиқ остида тифиз биритиравчи тўқимадан иборат капсуласи бор. Жигар дарвозасида капсула йўғонлашади ва қон томирлари билан жигарнинг ичига киради. Жигар дарвозаси орқали қон томирлари, нервлар ва ўт йўли ўтади. Жигар организмда қўйидаги асосий функцияларни бажаради:

1. Жигар организм учун жуда ҳам муҳим бўлган ўт суюқлиги ишлаб чиқаради. Жигарнинг асосий массаси ана шу суюқликни ишлаб чиқарувчи эпителий ҳужайраларидан иборат. Ўт суюқлиги ўт йўли орқали ўт пуфагига қўйилади. Ўт пуфаги йўли эса жигар йўли билан бирга қўшилиб ўн икки бармоқ ичакка тўклилади. Жигар тўхтовсиз ўт суюқлиги ишлаб чиқариб турати. Ҳазм қилиш бўлмаганида бу суюқлик ўт пуфагига тўпланаверади ва фақат зарур бўлганида ичакка чиқарилади. Ўтнинг сариқ-қўнгир ранги унда билорубин пигментининг бўлиши билан боғлиқ. Бу пигмент гемоглобиннинг емирилиши натижасида ҳосил бўлади. Ўтнинг таъми аччиқ, унинг 90%

сув ва 10% органик ҳамда минерал моддалардан иборат. Ўт ёғ кислоталари, Д, Е, К витаминалари, аминокислоталар, холестерин ва кальций тузларининг ичак девори орқали сўрилишига таъсир қиласди. Ўт ишлаб чиқариш бузилганида ёки ўт ўйлари бекилиб қолганида организмда углеводлар, ёғлар, витаминалар, сув, пигмент ва электролитик моддалар алмашинуви бузилади. Ўт суюқлиги бактерияларнинг ривожланишига ва ичакда озиқ моддаларнинг чиришига тўсқинлик қиласди. Бу суюқлик ёғларни эмульсиялаш, яъни майдада томчилар ҳолига келтириш хусусиятига эга. Бундан ташқари ўт суюқлиги таъсирида ошқозоности бези ферменти — липаза активлашади, ичак девори мускулларининг қисқариши (перисталтика) тезлашади. Бир сутка давомида жигар 1 л ўт суюқлиги ишлаб чиқарди.

2. Жигар организмда ҳимоя функциясини ҳам бажаради. Жигарда фагоцитоз хусусиятига эга бўлган юлдузсимон хужайралар бўлади. Ичак, ошқозон, талоқ ва ошқозоности беиздан чиқадиган вена қони жигар дарвоза венаси орқали ўтади. Жигарда озиқ моддаларнинг парчаланиши натижасида ичакда ҳосил бўлган заҳарли моддалар заарсизлантирилади. Бундан ташқари жигарда аминокислоталар парчаланиб, амиак ҳосил бўлади, амиак бу ерда заарсиз мочевинага айланниб, организмдан буйрак орқали чиқиб кетади. Жигарнинг овқат моддалар парчаланиши натижасида ҳосил бўлиб, қонга сўрилган ва организмда моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган заҳарли моддаларни заарсизлантириш хусусияти унинг баръер функциясини ҳосил қиласди.

3. Жигар моддалар алмашинуvida, хусусан қанд моддасининг қондаги концентрациясини регуляция қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Организмдаги ортиқча углевод жигарда гликоген (ҳайвон крахмали) ҳолида тўпланади. Гликоген бу ерда глюкозагача парчаланади ва зарур миқдорда қонга сўрилади.

4. Жигарда айрим оқсиллар, масалан қоннинг ивишида иштирок этадиган протромбин оқсили ва қон зардоби таркиби-га кирувчи оқсиллар синтезланади.

МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИ

Моддалар алмашинуви организмда моддаларнинг кетмат-кет келадиган жараёнлар натижасида ўзгаришидан иборат. Бу жараён орқали организм ҳужайраларнинг тузилиши учун зарур бўлган моддаларга ва ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган энергияга эга бўлади.

Организм билан ташки муҳит ўртасида моддалар ва энергия алмашинуви жараёни организмга сув, минерал моддалар ва озиқ-овқат маҳсулотлари киришидан бошланади. Ичакда мураккаб органик бирикмалар бирмунча оддий моддаларга парчалангандан сўнг организмнинг ички муҳити — қон ва

лимфага ўтади. Ҳужайраларда эса мураккаб кимёвий реакциялар натижасида организм учун хос бўлган моддалар синтез бўлади ва мураккаб органик моддалар парчаланиб, организмнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган энергия ҳосил бўлади. Моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган кераксиз маҳсулотлар сийдик, ахлат, тер ва нафас йўллари орқали чиқиб кетади.

Сув ва минерал тузлар алмашинуви. Сув одам организми массасининг 65—70% ини ташкил этади. Сув қон, лимфа, тўқима суюқлиги ҳамда ҳужайра цитоплазмасининг асосий кисмини ташкил этади. Сув организмда жуда мухим функцияларни бажаради; ҳар хил моддалар учун эритувчи ҳисобланади. Организмнинг ҳаёт фаолиятининг асосини ташкил этувчи кўпгина кимёвий реакциялар ҳам сув мұхитидага ўтади. Озиқ моддаларнинг ичакда сўрилиши, ҳужайра ичига ўтиши ҳамда кераксиз алмашинув маҳсулотларининг чиқариб юборилиши учун улар сувда эриган бўлиши зарур. Сув организмда терморегуляция (тана ҳароратини бошқариш) жараёнида ҳам иштирок этади. Шунинг учун организм сувсиз узоқ яшай олмайди. Бир суткада одам ўртача 2,5—3 литр сув ичади.

Организмга сув асосан овқат орқали ва сув ичганда киради. Ингичка ва йўғон ичакларда сув қонга шимилади, қон орқали тўқима ва ҳужайраларга ўтади. У ердан эса кераксиз моддалар алмашинуви маҳсулотлари билан бирга қонга чиқарилади. Сув организмдан буйрак, тери, ўпка орқали чиқиб кетади.

Минерал моддалар тўқималар таркибига киради. Улар моддалар алмашинуви жараёнида қатнашиши билан бирга организм ички мұхити нисбий доимийлигини сақлаш вазифасини бажаради. Минерал моддалар организм учун жуда зарур бўлган ҳар хил органик моддалар таркибига киради. Масалан, темир моддаси гемоглобин, йод қалқонсимон без гормони, олтингугурт ва рух ошқозоности бези гормонлари таркибига киради. Қон ҳосил бўлиш жараёнларида темир, кабальт, мис иштирок этади, кальций ва фосфор суюк таркибига киради. Калий ва натрий ҳужайра мембраннынинг ҳар икки томонида муайян ионлар концентрациясини ҳосил қилиш билан нерв ҳужайраларида қўзғалишнинг пайдо бўлишида мұхим аҳамиятга эга. Натрий зардоб ва тўқима суюқлигига ионларининг муайян концентрациясини ҳосил қиласида. Кальций қоннинг ивишида иштирок этади. Хлор эса ошқозон шираси (хлорид кислота) таркибига киради.

Минерал моддалар организмга сув ва овқатлик моддалар билан бирга киради. Натрий ва хлор ош тузи таркибида организмга ўтади.

Оқсилилар алмашинуви. Оқсилилар ҳужайра ва тўқималар учун қурилиш материали ҳисобланади. Мураккаб оқсилилар ошқозонда бирмунча оддий пептидларга, ўн икки бармоқ ичакда эса аминокислоталарга парчаланади. Ингичка ичакдан сў-

рилган аминокислоталар қон орқали органлар ва түқималарга ўтади. Ҳужайраларда эса улардан муайян түқима учун хос бўлган оқсиллар синтезланади. Масалан, мускул ҳужайраларида миозин, сут безларида эса казеин оқсили синтезланади. Организмдаги оқсилларнинг ва овқат билан организмга ўтган аминокислоталарнинг бир қисми парчаланиб, энергия ҳосил қиласди.

Оқсиллар парчаланганда ҳосил бўладиган охирги маҳсулотлар: углерод оксиди, аммиак, мочевина ва бошқалар сийдик, тер ва қисман нафас йўллари орқали организмдан чиқиб кетади. Организмда оқсиллар тўпланмайди, ортиқча оқсиллар ёғлар ва гликогенга айланади. Бир суткада организм учун 100—120 г оқсил зарур. Организм ўсиш даврида оқсил кўпроқ талаб қилинади. Шунинг учун болалар оқсилли озиқ-овқатларни кўпроқ истеъмол қилишлари зарур.

Ёғлар алмашинуви. Овқат таркибидаги ёғлар ингичка ичакда ёғ кислоталари ва глицеринга парчаланади. Улардан ичак ворсинкаларининг эпителий ҳужайраларида ёғлар яна синтез бўлади. Ёғлар дастлаб лимфага ва у билан қонга тушади, қон орқали түқималарга ўтади. Ёғларнинг кўп қисми тери остида ва ички органлар атрофидаги бириктирувчи түқималарда тўпланади. Ёғларнинг бир қисми эса ҳужайрага ўтиб, ёғсимон моддалар (липоидлар) билан бирга ҳужайра ва унинг органидлари мемранаси таркибига киради. Ёғлар организмда асосий энергия манбаи ҳисобланади. 1 г ёғ парчаланганида 38,9 кЖ энергия ажralиб чиқади. Ёғлар организмнинг ўзида ёки оқсиллардан синтез қилиниши мумкин.

Ёғлар организмда ҳимоя вазифасини ҳам бажаради. Улар тери остидаги ва органлар атрофидаги бириктирувчи түқималарда тўпланиб, органларни механик таъсирдан ҳимоя қиласди. Бундан ташқари терности ёғи тана температурасини доимий саклашга ёрдам беради.

Ўсимлик мойлари таркибida ўзига хос компонентлар бўлади. Овқат таркибida ҳайвонлар ёғи билан бирга ўсимлик мойин ҳам бўлиши лозим.

Углеводлар алмашинуви. Мураккаб углеводлар ичакда оддий углеводсиз (глюкоза)га парчаланиб, қонга ўтади ва органларга тарқалади. Қонда глюкоза миқдори нисбатан доимий бўлиб, 0,10—0,12% ни ташкил қиласди. Қондаги ортиқча глюкоза жигарда ҳайвонот крахмали гликоген ҳолида тўпланади. Гликоген зарур бўлганида яна глюкозага парчаланиб, қонга ўтади. Глюкозанинг гликогенга ўзгариши ошқозоности бези гормони — инсулин орқали бошқариб турилади. Организмда инсулин етишмаганида глюкоза қонда тўпланиб қолиб, қандли диабет касаллиги пайдо бўлади. Бу касаллик асоратининг олдини олиш учун қонга инсулин юборилади, беморга эса углеводсиз овқат берилади.

Углеводлар организмда энергия манбаи бўлиб ҳисобланади. 1 г глюкоза парчаланганида 17,6 кЖ энергия ажralиб

чиқади. Бу энергиянинг бир қисми иссиқлик энергияси сифатида сарфланади, қолган қисми ҳисобига АТФ молекуласи синтезланади. Жисмоний иш билан машғул бўлганда углеводлар, айниқса кўп сарфланади. Углеводларнинг ортиқча қисми организмда ёғларга айланади. Организм бир сутка давомида 450—500 г углевод истеъмол қилиши зарур.

Организмда оқсил, ёғ ва углеводлар алмашинуви бир-бигрига боғлиқ. Бу моддалардан бирининг меъёрий алмашинуви нинг бузилиши, бошқа моддалар алмашинувининг бузилишига ҳам сабаб бўлади. Масалан, углеводлар алмашинуви бузилиши натижасида ҳосил бўлган оралиқ маҳсулотлар оқсил ва ёғлар алмашинувини ҳам бузади ва бу моддаларнинг парчаланиши ҳам охиригача бормасдан заҳарли оралиқ моддалар ҳосил бўлади.

Хужайрада органик моддаларнинг парчаланиши ва оксидланиши. Йчак орқали сўрилган озиқ моддалардан ҳужайраларда организмнинг муайян тўқимаси учун хос бўлган моддалар синтез бўлишини биламиз. Ҳужайраларнинг ҳаёт фаолияти энергия сарф бўлиши орқали кечади. Ҳужайралардаги органик бирикмалар, айниқса углеводлар ҳужайранинг асосий энергия манбай ҳисобланади. Бу энергия органик бирикмаларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлади. Ҳужайраларда энергия алмашинуви орқали содир бўладиган оксидланиш жараёнлари митохондрияларда кечади. Бу жараёнда энергиянинг бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиши кузатилади. Масалан, глюкоза ва бошқа органик бирикмалар оксидланиши ва парчаланиши натижасида ҳужайраларда ажralиб чиқсан кимёвий энергиянинг бир қисми АТФ энергияси ҳолида жамғарилса, қолган қисми эса иссиқлик энергияси ҳолида танани иситишга сарфланади ёки атроф-муҳитга тарқалиб кетади.

Ёғлар ва углеводлар оксидланиши ва парчаланишининг охириги маҳсулотлари **сув ва углерод** оксиди ҳисобланади. Оқсиллар парчаланганида **эса сув** ва углерод оксиди билан бирга организм учун жуда заҳарли ҳисобланган аммиак ҳосил бўлади. Аммиак жигарга келиб, бирмунча заарсиз модда — сидик кислотасига айланади ва буйрак орқали чиқариб ташланади. Углерод оксиди ўпка орқали, ортиқча сув эса буйрак ва тери орқали чиқариб юборилади.

Ассимиляция ва диссимилияция — моддалар алмашинуидаги ягона жараённинг икки томони. Ассимиляция — ташқи муҳитдан кирадиган моддалар ҳисобидан ҳужайраларда организм учун хос бўлган моддаларнинг синтез бўлишидир. Бу жараён пластик алмашув ҳам дейилади. Ассимиляция жараёнида ҳужайра органик моддаларга бойиidi ва энергия (АТФ) тўпланади.

Диссимилияция ёки энергетик алмашинув органик бирикмаларнинг оксидланиши ва парчаланишидан иборат бўлиб, ассимиляцияга қарама-қарши жараёндир. Бу жараёнда органик моддаларнинг парчаланиши натижасида энергия ажralиб чи-

қади ва охирги парчаланиш маҳсулотлари — углерод гази, аммиак, сув ва бошқалар ҳосил бўлади. Ажралиб чиққан энергия эса ассимиляция учун зарур бўлган АТФ синтезланишига сарфланади.

Шундай қилиб, ассимиляция ва диссимилияция бир-бирига қарама-қарши, аммо ўзаро боғланган ягона жараён — моддалар алмашинувининг ийғи томонидир. Ассимиляция ва диссимилияциянинг бузилиши моддалар алмашинувининг издан чиқишига олиб келади. Чунки органик моддаларнинг парчаланиши ва оксидланиши тўхтовсиз бориши учун ҳужайрада сарф бўлган моддаларнинг ўрни доимо тўлдириб турилиши лозим. Демак, ассимиляция диссимилиясиз, диссимилияция ҳам ассимиляциясиз содир бўлиши мумкин эмас.

Организм билан ташқи муҳит ўртасида моддалар алмашинуви. Организм таркибидаги ҳар қандай органик бирикмалар табиатдаги анерганик бирикмалардан ҳосил бўлиши ҳаммага маълум. Организмда органик бирикмалар парчаланиши натижасида яна анерганик моддалар ҳосил бўлади. Организм бутун ҳаётى давомида ташқи муҳитдан керакли моддаларни олади ва ҳаёт фаолиятида ҳосил бўлган охирги маҳсулотларни ташқи муҳитга чиқаради. Оқсилилар, ёғлар, углеводлар организмга овқат билан ташқи муҳитдан киради, ҳазм қилиш органларида бирмунча оддий моддаларга парчаланиб, қон орқали ҳужайраларга боради ва у ерда ўзлаштирилади. Организм ҳужайраларда оксидланиш жараёни учун зарур бўлган кислородни ҳам ташқи муҳитдан олади. Диссимилияция натижасида ҳосил бўлган углерод оксиди, сув, мочевина ва бошқа моддалар, шунингдек ортиқча иссиқлик ҳам ташқи муҳитга чиқарилади.

Шундай қилиб, организм билан ташқи муҳит ўртасида моддалар ва энергия алмашинуви узлуксиз давом этади. Бу жараённинг тўхташи билан ҳаёт ҳам тўхтайди.

Овқатланиш меъёри. Соғлом бўлиш ва иш қобилиятини сақлаб қолиш учун организмнинг овқатланиш орқали оладиган энергия миқдори сутка давомида сарфланадиган энергия миқдорининг ўрнини қоплаши лозим. Бунинг учун озиқ моддалардаги энергия миқдорини билиш лозим. Овқатланиш нормасини ҳисоблаб чиқариш учун организмни ҳамма озиқ моддалар (оқсилилар, ёғлар углеводлар, минерал моддалар, витаминлар)га бўлган эҳтиёжи аниқланади. Бир кечакундузда одам организмига 85 г гўшт, 100—104 г ёғ ва 380 г углевод зарур.

Ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотларида организм учун зарур бўлган органик моддалар миқдори бир хилда бўлмайди. Масалан, гўшт таркибида организм учун зарур бўлган барча аминокислоталар мавжуд бўлса-да, минерал моддалар ва витаминлар етишмайди. Нон таркибида углеводлар кўп, лекин бошқа моддалар жуда кам бўлади. Шунинг учун овқат хилма-хил бўлиши зарур. Овқат таркибига оқсилил маҳсулот-

лар, ўсимлик ва ҳайвонлар ёғи, витамин ва минерал моддаларга бой бўлган сабзавотлар киритилиши лозим.

Овқатланишнинг тўғри ташкил қилинмаслиги оқибатида турли ошқозон-ичак касалликлари, ортиқча семизлик келиб чиқади.

Витаминлар. Битаминалар (лотинча «вита» — ҳаёт) организминг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган биологик фаол моддалар ҳисобланади. Улар биринчи марта рус врачи Н. И. Лунин (1853—1937) томонидан кашф этилган. Ҳозир кимёвий хусусиятлари жиҳатидан ҳар хил бўлган 40 дан ортиқ витаминалар борлиги аниқланган. Улар кўлчилик ферментларнинг актив маркази таркибига кириб, биокатализаторлар сифатида моддалар алмашинувини тезлаштиради. Витаминалар етишмаслиги туфайли вужудга келган касалликлар авитаминоз дейилади. Организмда витаминалар етишмаганида ферментларнинг активлиги пасайиб кетади. Моддалар алмашинуви жараёнлари кескин бузилиши туфайли организм оғир хасталикка учрайди ва ҳатто ҳалок бўлиши ҳам мумкин.

Организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун бир суткада атиги бир неча миллиграмм ҳар хил витаминалар ўсимлик ҳужайраларида синтез бўлади, шу билан бирга ҳайвон маҳсулотларида ҳам витаминалар мавжуд.

Витаминалар лотин алфавитининг А, В, С, Д, Е, К, РР, Н ҳарфлари билан белгиланади. В витамини B_1 дан B_{25} гача бўлган гуруҳни ўз ичига олади. B_1 , С, РР витаминалари сувда эрийди. А, Д, Е, К витаминалари эса ёғларда эрийди (17-жадвал)

А витамини асосан ҳайвонлар маҳсулотида, масалан, балиқ ёғи, сут, тухум сарифи, жигар, буйрак ва балиқ икрасида бўлади. Сабзи, ўрик, помидор, қизил қалампир ва бошқа ўсимлик маҳсулотларида организмда А витамини ҳосил қиливчи каротин моддаси бўлади. Бу витамин организмнинг ўсишига таъсир қиласди. А витамини етишмаганида болаларнинг бўйи яхши ўсмайди, тиши ва сочнинг шаклланиши бузилади. Катта ёшдаги одамларда эса тери қуришади ва кўз гавҳари хирадашади. Айрим одамларда учрайдиган шапқўрлик (қоронфида кўрмаслик) ҳам А витамини етишмаслиги туфайли келиб чиқиши мумкин. Одам бир суткада овқат билан ўртacha 1 мг витамин қабул қилиши зарур.

В группасига кирувчи витаминалар (B_1 , B_2 , B_6 , B_{12} ва бошқалар) оқсиллар, аминокислоталар, нуклеин кислоталар ва бошқа моддалар алмашинувига таъсир қиласди. Овқат таркибида B_1 витамини етишмаганида оғир хасталик — бери-бери пайдо бўлади. Қасаллик нерв системасининг фаолиятига таъсир қилиши туфайли томир тортиши бошланади ва киши фалаж бўлиб қолади. B_1 витамини донларнинг пўстида, тухум сарифида, карам, пиёз, сабзи ва олмада бўлади. Бери-бери касаллиги илгари Тинч океан оролларида яшовчи, асосан оқланган гуручдан тайёрланган овқатларни кўпроқ истеъмол

17- жадвал. Витаминлар

Номи	Авитаминоз белгилари	Витаминили озиқ маҳсулотлари	Суткалик меъери; мг
Ёнда эрийдиган витаминлар			
1. А—ретинол	Ёш организм ўсишининг секинлашуви, кўз шох пардаси ва терининг зарарланиши, шапкўрлик	Ҳайвонот ёғи, балиқ, тухум, сут, жигар, сабзи, помидор ва бошқ.	1,5
2. Д—эргокалъ циферол	Болаларда ракит касаллиги	Балиқ мойи, жигар, тухум сарифи, терида қуёш нури таъсирида синтезланади ўсимлик мойлари, кўкатлар, тухум ва бошқалар	0,025
3. Е—токоферол	Скелет мускуллари дистрофияси, жинсий функцияниң кучсизланиши	Ичакдаги микроорганизмлар синтезлайди	10—12
4. К—филлохинон	Қон ивишининг бузилиши, ошқозон ва ичакдан қон кетиши, терига қон қуилиши	Меъёр талаб этилмайди	
Сувда эрийдиган витаминлар			
5. С—аскорбин кислота	Цинга, қон томирлари деворининг зарарланиши, терига қон қуилиши, милярнинг қонаши, тез чарчашиб, иммунитеттинг пасайиши	Қалампир, лимон, қорақат, наъмтак меваси, кўк пиёз, сут ва бошқ.	50—100
6. В ₁ —Тиамин	Бери-бери касали, оёқ-қўллар параличи, мускуллар атрофияси, нерв системаси зарарланиши	Шоли, буғдоӣ, жавдар донлари кепаги ва муртаги, жигар, буйрак, юрак ва бошқаларда	2—3
7. В ₆ —Рибофлавин	Ёш организм ўсишининг секинлашуви, кўз катаракти, оғиз бўшлиги шиллик қаватининг зарарланиши	Пиво ачитқиси, бугдой дони, жигар, юрак, сут, тухум, помидор, карам, исмалоқ ва бошқ.	2
В ₈ — пиридоксин	Юз дерматити, иштаҳанинг йўқолиниши, нерв қўзгалувчалигининг ортиши, кўп ухлаш	Дон ва дуккакли экинлар, мол, қўй ва чўчқа гўсти, жигар, балиқлар, пишлоқда ҳамда ичак микрофлораси синтезлайди	4—2
В ₁₉ — цианкобаламин	Үтқир анемия касаллиги	Балиқ, чўчқа, мол жигари, ичак микрофлораси синтезлайди	0,001—0,003
РР — никотин кислота	Пеллагра касаллиги, тери яллиғланиши, ич кетиши, оғиз бўшлиги ва тил шиллик қаватининг зарарланиши, психиканинг бузилиши	Мол гўсти, жигар, буйрак, юрак, балиқ (сельд, лосось); буғдоӣ муртаги	15

қилувчи халқлар орасида тарқалган эди. Бир сутка давомида организм учун 2—3 мг В₁ витамини зарур.

В₂ витамини етишмаганида одамнинг кўриш қобилияти пасаяди, оғиз бўшлигининг шилимшиқ пардаси жароҳатланади. В₂ витамини дон, жигар, гўшт, тухум ва сут маҳсулотларида бўлади.

С витамини ёки аскорбин кислотаси ўсимликлар ҳужайрасида синтез қилинади, наъматақ меваси, лимон, қора смородина, кўк пиёз, помидор, саримсоқ, картошка, карам ва ўсимликларнинг яшил қисмида учрайди. Организмда С витамини етишмаганда цинга касаллиги пайдо бўлади. Бу касалликда тишилки қонайди, тишлар тўкилиб кетади, суяклар мўрт бўлиб қолади ва бўғимларда оғриқ пайдо бўлади, камқонлик келиб чиқади, организмнинг инфекцион касалликларга қаршилик кўрсатиши қобилияти сусайиб кетади. Организм бир сутка давомида 50—78 мг С витамини қабул қилиши зарур.


Д витамини организмда кальций ва фосфорнинг алмашинувида умуман суякларнинг ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. Витамин етишмаганида болаларда *рахит* касаллиги пайдо бўлади. Бу касалликда кальций ва фосфор суякларга тўплансадан организмдан чиқариб юборилади. Натижада боланинг ўсиши сусаяди, суяклари тўғри шаклланмайди. Раҳитга, учраган болаларнинг оёқлари қийшиқ ўсади. Боши ва қорни катта бўлиб ўсади. Д витамини балиқ жигари, сариёғ, икра ва тухум сарифида бўлади. Ўсимликларда ва одам терисида бўладиган *эрогострин* моддаси ҳам қўёш ультрабинафша нурлари таъсирида Д витаминини ҳосил қиласи.

Бунинг учун болаларни қўёшга чиқариб туриш керак.

АЙРИШ


Сийдик айриш системаси органлари иккита буйрак, улардан чиқадиган найча — сийдик йўли, қовуқ ҳамда сийдик чиқариш найидан иборат (67-расм).

Буйракнинг тузилиши ва функцияси. Буйрак ловия шаклида бўлиб, қорин бўшлигининг бел қисмида, умуртқа поғонасининг икки ёнида жойлашган. Умуртқа поғонасига ўгирилган ботиқ томони буйрак дарвозаси дейилади. Буйрак дарвозаси орқали сийдик йўли, қон ва лимфа томирлари ҳамда нервлар ўтади. Ташқи томондан буйрак бириткирувчи тўқимадан иборат юпқа парда билан қопланган. Қесмада буйрак ташқи қорамтири қизғиши пўст қаватдан ва ички оқиши магиз қаватдан иборат эканлигини кўриш мумкин. Микроскопда қаралганида ташқи қаватда қадоқ шаклидаги капсулаарни кўриш мумкин. Ҳар қайси капсула икки қават бўлиб жойлашган эпителий ҳужайраларидан иборат. Унинг иккала қавати ўртасидаги бўшлиқ узун ва ингичка сийдик найчалари билан туташган. Сийдик найчалари девори ҳам бир қаватли эпителийдан иборат.



67-расм. Сийдик айириш системасининг тузилиши:

1 — буйрак усти бези, 2 — дарвазаси, 3 — аорта, 4 — вена, 5 — сийдик чиқариш йўли, 6 — қовук, 7 — чиқарип шайи, 8 — буйрак пўсти, 9 — буйрак магзи, 10 — пирамидалар, 11 — буйрак жомми, 12 — буйрак артериялари ва веналари.



68-расм. Нефроннинг тузилиш схемаси:

1 — капиллялар чигали, 2 — капсула, 3 — буралган буйрак найлари эпителийси, 4 — йигувчи найча, 5 — олаб келувчи артериола, 6 — юлиб кетувчи артериола, 7 — вена, 8 — буралган буйрак найи, 9 — қон фильтрацияси, 10 — бирламчи сийдикдан қонга сув, глюкоза ва аминокислоталарниң қайта сўрилиши (реабсорбция).

Сийдик найчалари буйракнинг ички қаватида пирамидалар ҳосил қиласди. Пирамидалар кенгайган томони ташки қаватга, торайган томони эса буйракнинг марказига ўгирилган. Буйракнинг марказида буйрак жоми жойлашган. Жомнинг торайган томони сийдик йўли билан боғланган.

Нефрон (68-расм) буйрак тузилиши ва функциясининг асосни ташкил қиласди. Ҳар қайси буйракда 1 млн га яқин нефрон бўлади. Ҳар қайси нефрон қадаҳ ичига ботиб турган капилляр чигалидан бошланади. Бу капиллялар майдага қон томирлари—артериолалар орқали буйрак артерияси билан боғланган бўлиб, капсула ичига жуда кўп (50 га яқин) чигални ҳосил қиласди. Капиллялардаги қондан капсулага кўп миқдорда суюқлик ажralиб чиқади. Бу суюқлик капсула деворидан фильтрланиб капсула деворлари ўтасидаги бўшлиқка, ундан эса сийдик найчаларига ўтади. Сийдик найчалари буйракнинг ташки қаватида жуда кўп марта буралиб жойлашган; ички қаватга ўтгандан сўнг найчалар дастлаб тўғриланади; кейин бир марта буралган Генле ҳалқасини ҳосил қиласди. Генле ҳалқасидан чиқсан сийдик найчаси яна буйракнинг ташки қаватига қайтиб келиб, иккинчи тартибдаги сийдик найчасига

туташади. Ана шунга ўхшаш бир қанча найчалар бирлашиб, умумий буйрак сўрғичлари орқали пирамиданинг учига очилади.

Буйрак қон томирлари системаси ўзига хос хусусиятга эга. Буйрак артерияси буйракнинг ичига киргандан сўнг жуда майдада артерияларга, артериялар эса артериолаларга шохланади. Артериолалар капсула ичидаги капиллярларга ажралиб, малнигий чигалини ҳосил қиласди. Сўнгра капиллярлар яна қайтадан битта ягона артерияга бирлашади ва капсула ичидан чиқиб яна капилляр тўрни ҳосил қиласди. Капиллярлар тўри бирламчи ва иккиламчи тартибдаги сийдик найларини қалин ўраб олади. Сўнгра ҳамма капиллярлар туташиб, буйрак венасини ҳосил қиласди. Буйрак венаси кейинги ковак венага келиб қўйилади.

Буйракда сийдик ҳосил бўлиши икки фазадан иборат. Сийдик ҳосил бўлишининг биринчи фазаси капсула ичидаги кечади. Қон орқали келган моддалар капилляр деворидан капсула бўшлиғига фильтрланиб ўтади. Капсулага келадиган қон томирлари диаметри ундан чиқадиган қон томири диаметридан анча катта бўлади. Капилляр босим анча катта бўлиши моддаларнинг капиллярлардаги қон плазмасидан капсулага ўтишига сабаб бўлади. Капиллярдан фильтрланиб капсула бўшлиғига ўтган бундай суюқлик бирламчи ёки фильтрланган сийдик дейилади. Бу сийдикнинг таркиби қон плазмасига яқин бўлади. Бирламчи сийдикда сув билан бирга унда эриган ҳар хил тузлар, мочевина, сийдик кислотаси, глюкоза, аминокислоталар бўлади, лекин оқсиллар бўлмайди.

Сийдик ҳосил бўлишининг иккинчи фазаси сийдик найчалари билан боғлиқ. Бу ерда бирламчи сийдикдан сув, глюкоза, аминокислоталар ва натрий тузининг бир қисми қайтадан қонга сўрилиб, ҳақиқий сийдик ҳосил бўлади. Чунончи, иккиламчи сийдикда углеводлар, аминокислоталар бўлмайди, лекин мочевинанинг концентрацияси 60—70 марта ошади. Сутка давомида буйракда 150—170 л бирламчи сийдик ҳосил бўлади. Бу сийдикдан фақат 1—1,5 л ҳақиқий сийдик ҳосил бўлади. Сийдик буйрак жомига оқиб тушади ва ундан сийдик йўли орқали қовуқга тушади. Қовуқ чаноқ бўшлиғида жойлашган, ҳажми 500—750 мл бўлган мускуллик халтадан иборат. Қовуқ мускуллари қисқарганида сийдик чиқариш найи орқали организмдан чиқариб юборилади.

Буйрак функцияси парасимпатик ва симпатик нервлардан келадиган импульслар орқали бошқарилади. Парасимпатик нервлар қон томирларини кенгайтирганлиги сабабли сийдик ҳосил бўлишини кучайтиради, сув ва натрийнинг бирламчи сийдикдан сўрилишини тезлаштиради. Симпатик нерв системаси эса акс таъсир кўрсатади. Бирламчи сийдикдан сувнинг сўрилишига гипофиз безининг антидиуретик гормоник ва буйрак усти безининг гормони андреналин ҳам таъсир этади. Антидиуретик гормон сийдик ҳосил бўлишини кучайтиради,


адреналин эса қон томирларини торайтиргани сабабли сийдик ҳосил бўлишни камайтиради.

Моддалар алмашинуви маҳсулотларини айиришнинг аҳамияти. Буйрак орқали моддалар алмашинуви натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар: минерал тузлар, аммиак, мочевина, сийдик кислотаси ва бошқа кераксиз моддалар, шунингдек ортиқча сув организмдан чиқариб юборилади. Буйрак фаолияти туфайли организмдаги сув баланси ва қондаги pH даражаси доимий сақланиб туради. Шундай қилиб, буйрак организм ички муҳитини доимий сақлашда ҳамда организмни моддалар алмашинувининг заҳарли маҳсулотларидан тозалашда катта аҳамиятга эга.

Аччиқ озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса спиртли ичимликлар буйрак фаолиятининг бузилишига, пировард натижада организмни моддалар алмашинуви маҳсулотлари билан заҳарланишига олиб келади.

ТЕРИ

Терининг тузилиши ва функцияси. Тери уч қаватли бўлиб, ташқи эпидермис, ўрта чин тери, яъни дерма ҳамда ички теристи ёғ клетчаткасидан иборат. Эпидермис кўп қаватли эпителий ҳужайраларидан ташкил топган (69-расм). Эпидермиснинг сиртқи қавати ядросиз шохсимон яssi ўлик ҳужайралардан иборат. Бу ҳужайралар ташқи муҳит таъсирида доимо уваланиб туради, уларнинг ўрнига остки қаватдан янги ҳужайралар ҳосил бўлади. Эпидермиснинг остки ўсувчи қавати цилиндриモン йирик ядроли тирик ҳужайралардан иборат. Ўсувчи қаваг ҳужайралари, устки шох қаватни ҳосил қиласди. Эпидермис



69-расм. Терининг тузилиши:

1 — эпидермис, 2 — чинтери, 3 — тери ости ёғ клетчаткаси, 4 — соч толаси, 5 — ёт бези, 6 — соч халтаси, 7 — соч илдизи, 8 — тер безлари, 9 — тери артерияси, 10 — тери венаси, 11, 14 — нерв учлари (рецепторлар), 12 — ёғ ҳужайралари, 13 — говак биректирувчи түқима.

билиндерма қавати чегарасида жойлашган ўсуви қават хужайраларида меланин пигменти түпланади. Терининг ранги ана шу пигмент миқдорига боғлиқ. Пигмент кўп бўлса тери қора, кам бўлганида оқ рангда бўлади. Қўёш нури таъсирида терида пигмент миқдори ошади. Пигмент организм учун зарарли бўлган ультрабинафша нур таъсиридан организмни ҳимоя қиласди..

Кўй ва оёқ бармоқларининг учида тирноқлар бўлади. Тирноқлар эпидермиснинг шохсимон тангачаларидан ҳосил бўлган. Улар бармоқларнинг учини ҳимоя қилиб туради.

Дерма қавати бириктирувчи тўқимадан ҳосил бўлган. Бу тўқима ҳужайралари орасидаги моддасида қайишқоқ толалар жойлашган. Толалар терини эластик қилиб туради. Дерма эпидермисга ботиб турадиган дўмбоқчалар ҳосил қиласди. Терининг бу қавати орқали жуда қўп капилляр қон ва лимфа томирлари, нерв толалари ўтади. Нерв толалари чин терида рецепторларни ҳосил қиласди. Чин терида тер ва ёғ безлари, соч халтачалари ҳам жойлашган.

Тер безлари узун найчалардан иборат бўлиб, уларнинг пастки қисми буралиб, чигални ҳосил қиласди. Безларнинг йўли эпидермис сиртига очиласди. Тер безлари капилляр қон томирлари билан ўралган ва мускуллар билан таъминланган. Капиллярлардаги қондан тер безларига сув ва айрим минерал моддалар киради. Мускуллар қисқариши туфайли безлардан тер ажralиб чиқа бошлайди. Тер орқали қисман ош тузи, мочевина ва баъзи бошқа моддалар ҳам ажralиб туради. Тер ажralиши тана ҳароратини бир меъёрда сақлаб туришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тери соч билан қопланган. Сочларнинг ўзаклари чин терида жойлашган бўлиб, соч халтачалари билан ўралган. Соч ўзаклари капилляр қон томирлари ва нерв толалари билан таъминланган. Ўзакнинг учи ўйғонлашиб, пиёзча ҳосил қиласди. Пиёзча сиртидаги ҳужайраларнинг кўпайиши ҳисобига соч ўсади. Соч халтачаларига силлиқ мускул толалари бириккан. Мускуллар қисқарганида соchlарнинг тери юзасига нисбатан оғиш бурчаги ўзгариб, соchlар тик бўлади. Лекин одамда бу мускуллар яхши ривожланмаган. Мускуллар атроф мухитдаги ҳарорат пасайганида ҳам рефлектор равишда қисқаради ва тери юзасида доначалар пайдо бўлади. Соch халтачасига ёғ безларнинг йўли очилган. Бу безларнинг секрети сочни ва терини ёғлаб туради. Сочлар ҳам тирноқлар каби терининг шох моддасидан ҳосил бўлган.

Терининг энг ости қавати — териости ёғ клетчаткаси бириктирувчи ёғ тўқимасидан иборат. Бу қават тана ҳароратини сақлаш ҳамда ички органларни механик таъсиридан ҳимоя қилиш вазифасини бажаради. Териости ёғ клетчаткаси заҳира озиқ бўлиб ҳам ҳисобланади.

Терининг тана ҳароратини бошқаришдаги аҳамияти. Одам танаси ҳарорати терморегуляция туфайли ташқи мухит ҳаро-

ратининг доимо ўзгариб туришига қарамасдан доимий сақланиб қолади. Тери юзасининг ёғланиб туриши ва териости ёғклетчаткаси организмни ташқи мұхиттінің ноқулай ҳароратидан ҳимоя қиласы. Тана ҳароратининг бошқарылышыда тери-даги қон томирларыда қоннинг қайта тақсимланиши ҳам катта аҳамияттаға эга. Сөвүқ ҳавода теридағи қон томирлары тораяды ва қоннинг күш қисми ички органлардаги қон томирларыга ўтиб, уларда доимий ҳароратни сақлаб туради. Иссик ҳавода әса қон томирлары рефлектор равишда кенгайиб, ортиқча ҳарорат тери орқали сувнинг буғланишига, яъни терлашга сарғ бўлади.

Юқори ҳарорат ва нам ҳавода тери терморегуляция функциясининг бузилиши туфайли организм ортиқча қизиб кетади, кишини иссиқ уради. Иссик урган кишида бош оғриғи пайдо бўлади; кўзи тиниб, қулоги шангиллайди; томир уриши ва нафас олиши тезлашади; кўнгли айниб, қайт қиласы; ҳарорати кўтарилиб, хушдан кетиши мумкин.

Қуёшда узоқ вақт бош яланг юрган одамни әса «офтоб уруши» мумкин. Офтоб урганида миядаги қон томирларининг кенгайнини туфайли бошда қон босими ошади ва тана ҳарорати кескин кўтарилади.

Иссик ёки офтоб урган киши врач келгунча салқин жойга ётқизилиб, боши ва юраги устига совуқ сувда ҳўлланган сочиқ қўйилади ва совуқ сув ичирилади.

Совуқ урганда терининг совуқ таъсир қилган жойида сезигирлик йўқолади, бу жойнинг ранги оқариб қолади. Бундай пайтда совуқ урган жойнинг терисини яхшилаб ишқалаш орқали қон айланишини тиклаш лозим.

Организмни чиниқтириш. Организмни чиниқтириш температура ва ўзгариб турадиган бошқа иқлим шароитига организмнинг тез мосланиш хусусиятларини ҳосил қилишдан иборат. Чиниқтириш организмни машқ қилдириш ва иссиқ алмашинув механизмларини такомиллаштириш туфайли амалга оширилади. Сув, ҳаво ва қуёш организмни чиниқтиришнинг асосий воситалари ҳисобланади. Чиниқтириш муолажалари секин-аста, ҳар бир организмнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, **меъёрида ва ҳар куни олиб борилиши зарур.**

Сув муолажалари (**танага** сув қўйиш, сувда ҳўлланган сочиқ билан артиниш, душ қабул қилиш, чўмилиш)ни сув ва ҳаво ҳарорати 20°C дан юқори бўлганида бошлаш зарур. Ҳаво ванналари ҳаво ҳарорати $18-20^{\circ}\text{dan}$ юқори бўлганида бошланниб, дастлаб бир кунда $15-20$ минут, аста-секин $2-3$ соат давом этади. Қуёш ванналари әса бир кунда $4-5$ минутдан бошланниб, $40-50$ минутча давом эттирилади.

Чиниқтириш организмни ҳар хил касалликларга, шу жумладан шамоллашга чидамли қиласы, соғлиғини мустаҳкамлайди ва меҳнат қобилиятини оширади.

Тери ва кийим гигиенаси. Тери гигиенасининг асосий талаби— уни тоза тутишдан иборат. Уваланиб турадиган ўлик эпителий

хужайралари, тери юзасига ажралиб чиқадиган тер ва ёғ, шунингдек ҳар хил органик қолдиқлар турли микроорганизмларнинг кўпайиши учун қулай шароит яратади. Ифлос терида тер ва ёғ безларининг функцияси бузилади. Натижада терни қуруқлашиб, ёрила бошлади.

Кийим жуда қулай ва енгил, ҳаво ва сув буғларини яхши ўтказадиган бўлиши зарур.

ИЧКИ СЕҚРЕЦИЯ БЕЗЛАРИ

Ички секреция безларининг аҳамияти. Ички секреция безларининг чиқариш йўли бўлмайди. Бу хусусияти билан улар чиқариш йўлига эга бўлган ташқи секреция безлари (сўлак, ошқозон, тер, ёғ безлари) дан фарқ қиласди. Ички секреция безлари ишлаб чиқарадиган гормонлар қонга чиқарилади. Ташқи секреция безлари (сўлак, ҳазм шираси, ёғ, тер) ишлаб чиқарган моддалар эса ички органлар бўшлиғига ёки ташқи муҳитга чиқарилади (18-жадвал).

Организмда ички ва ташқи секреция безлари билан бир қаторда аралаш секреция безлари ҳам бўлади. Бу безларга ошқозоности ва жинсий безлар мисол бўлади. Аралаш секреция безлари бир вақтнинг ўзида ички ва ташқи секреторлик функциясини бажаради. Масалан, ошқозоности безининг гормонлари қонга, ферментлари эса ўникки бармоқ ичак бўшлиғига тушади.

Ички секреция безлари организм фаолиятини идора қилувчи биологик актив моддалар — гормонлар ишлаб чиқаради. Бу безларга гипофиз, буйракусти бези, қалқонсимон без, эпифиз, айрисимон без, қалқонолди безлар киради (70-расм).

Гормонлар тўғрисида тушунча. Гормонлар — органлар функциясининг гуморал йўл билан бошқарадиган биологик актив моддалардир. Улар организм фаолиятини жадаллаштиради ёки аксинча секинлаштиради; унинг ўсиши ва ривожланишига таъсир этади; моддалар алмашинуви жараёнининг интенсивлигини ўзгартиради.

Гормонлар кимёвий тузилиши ва функциясига кўра жуда ихтисослашган бўлади. Ҳар қайси гормон муайян моддалар алмашинуви жараёнига ёки маълум бир орган фаолиятига таъсир кўрсатади. Кимёвий таркибига кўра гормонлар уч гурухга: оқсил ва пептилар, аминокислоталарнинг ҳосилалари ва ёғсимон моддалар, яъни стероидларга бўлинади. Оқсил гормонларга инсулин ва гипофизнинг олд бўлаги гормони мисол бўлади. Қалқонсимон без гормони тироксин ва буйракусти гормони адреналин аминокислоталарнинг ҳосилаларига киради. Жинсий безлар ва буйракусти қобиги гормонлари стероидлар ҳисобланади.

Гормонлар жуда оз концентрацияда таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Улар ҳужайрага турли йўл билан таъсир кўрсатади. Айрим гормонлар ҳужайра мембранныдан ўтмасдан,

18-жадвал. Ички ва аралаш секреция безлари, гормонлари ва

улааринг функцияси

Номи	Без			Организмга таъсир		
	Жойлашган шрини	Түзилши	Гормони	Менбэрда	органика	Кам
1	2	3	4	5	6	7
Гипо- физ безни	Боши мия кўтариғи устидаги	Олдинги, ора- лик ва кейин- ги бўлакар- дан иборат мия ўсимтаси. Вазни 0,5— 0,6 г	Соматотроп	Ёш организм ўси- ши, оқсизлар син- тезини бошқарни.	Ёшликла—тигантизм, вояга стапандаги — ак- ромегалия пайдо килади	Бўй ўчиши секин- лашади (паканалик), бирор тана пропор- цияси месъерда бў- лади
Гонадотроп,	Лактотроп, ти- реотроп, адreno- кортиктроп,	Жинисий, суп, кал- қонсими, ва бўйрак усти безлари фоа- лити, хомилланинг ривожланиши бача- дун мускулларни кис- карниши, пигмент ва сув алмашупини бошқарди	Хамма секреция без- лари фаолиятни кучайтиради	Бирламичи сифидик*- епинг қонига сўрили- шик (реабсорбция) бузилади, кўп сув йўқотиш (қансиз диабет) пайдо бў- лади		
Калкон- симон без	Узаро туташ- ган иккита пушфакчалар- дан иборат. Вазни 1 г дан (чекалок- ларда), 25— 30 г гача	Иодли тирок- сини	Моддалар алмаши- нуви, нерв система- си функцияси, юрак иши, ўсиш ва ри- вожланишини бош- қарди	Тиреотоксикоз— мод- далар алмашинуви тезлашади, нерв системаси кўззалин- ши кучаяди бўйқ пайдо бўлади (ба- зедов касаллиги)	Гипотиреоз — мод- далар алмашинуви тезлашади, нерв системаси кўззалин- ши сусядли (эндемик буқок), ешликда пастибўйлик, занфлик ва тана- нинг шишиб кетини (микседема) балгина- лари пайдо бўлади	

Без					Организма талсыри		
Номи	Жойлашган үрні	Тұманиш	Гормони	Метадра	Органика	Пам	
4	2	3	4	5	6	7	
Бүйрак усти без- лари	Чап ва Үнг бү- ралар устіда	Пүтслок ва ици магиз каватлардан иборат. Вазни 10—20 г	Пүтслок қана- ти; минерало- кортикоид, глю- коритикоид, аи- дроген, эстено- ген Магиз қаваги катехоламин (вօрадреналин, адреналин)	Тұз, оқсил ва угле- вод алмашының конда канд, жигар- да гликотен міндерди ва жинисін гормон- дарды Артериал босым, юрак қыскарушы ва моддалар алма- шинынни бошқара- дЫ	Тұз, оқсил ва угле- вод алмашының конда канд, жигар- да гликотен міндерди ва жинисін гормон- дарды Көн босымда ошади: юрак үрнін тезла- шады; моддалар ал- манишынни күчайды	Пүтслок қысми олип ташланғанда нағ- рий күп міндердә йүккеліши үйімді олып келеді Аллисон, янын брон- за касаллігі (дар- монсизлик, озиш, терининг броиза- райт), кандын диа- бет пайдо болады	
Ошқозон ости бези	Ошқозон- ниң остықи ва орқа соқасыда	Безлинг	Глюкаген, инсулин, гастрин	Жигар ва мускуль- ларда гликоген ал- машының, конда канд міндерди тү- файлы үшінде ке- тиш, қалтырқ пай- до бұлады	Жигар ва мускуль- ларда гликоген, ка- майнбектіннің ту- файлы үшінде ке- тиш, қалтырқ пай- до бұлады	Гликогенинг глюко- зага айланышы ёки глюкозанин глико- гепига айланыш бузлады, кандын диабет (кандда канд міндерди ор- тиши, сиптика канд) пайдо бу- лады	
Жинисий безлар	Жинисий органлар (мояқ ва тұхумдо-	Эркаклик жинисий безлар (мояқ), уро- цилик (тұхум	Тертостерон жинисий протестерон, эстерон, эс-	Вактидан олдин балогатта стишии, никіламчи жинисий белгилілар пайдо бу- лиши, уруг ва тұхум белгилар эрта пай- до болады	Балогатта стишии, никіламчи жинисий белгилілар пайдо бу- лиши, уруг ва тұхум	Кеч балогатта ега- ди, иккіламчы жин- исий белгилілар көч пайдо бұлады, фар-	

Без						Организмта тасири					
Номи	Жойланған үркі	Тұзбакшылық	Гормони	Мезегіра	Оригина	Кам					
4	2	3	4	5	6	7					
	дә)	Донлар), Мояқ вазни 20—36 г	тереал (ур- гочник)	Хужайралар етили- шини бошқаради	до бүлдан	зандызыл (пүшт- сизлик) пайдо бу- лади					
Этифир бези	Бош мия асоснда, үрга мия устиды	Конуссимон ўсимта, ваз- ни 0,2 г	Мелатонин	Пигмент алмашинуви, гипофизинг гона- дотрол (интерме- дин) гормонин тор- мозлауды	Гонадотрол гормони функциясы сусайды ёки бутунлай түх- тайды	Гонадотрол гормон функциясы күчаяди					
Айрисимон без	Тұш сүйги орқа юза- сада	2—3 бұлакдан жамда мағаз ва пүстілек кисмдан ибо- рат вазни 30—40 г	Тімозин	Болаларда үсіші, жинсий белзлар функциясы ва им- мун системасының карады	Жинсий белзлар функциясы сусайды	Жинсий безлар функциясы күчаяди, жекелемчи жинсий белгілер эрта пай- до булады, иммун истема пасайды					
Калжон- олди бездар	Калжон- симон бе- здин орқа юзасыга әншішган	4 та бездан иборат, ваз- ни 10—12 г	Паратиреондин паратормон	Кальций фосфор ат- манинувиның болықа- ради	Нерв-мускул системасы күзегелувчан: лиги, мускуллар тонусы пасайды, тез шарчайды	Нерв-мускул системасы күзегелувчан: лиги орто, тұтка- ноқ (тетания), күл қалғираши пайдо бұлады, соң түкіла- ва, сүйкілар мұрт- қолады					


мембранадаги ферментларнинг фаолигини ўзgartиради. Бошқалари ядрога ўтиб, маълум бир генларни фаолластиради ва ферментлар синтези орқали алмашув жараёнларига таъсир кўрсатади.

Ошқозоности бези гормонлари.

Ошқозоности безининг ҳужайралар тўпламидан иборат лангерганс оролчаси қонга гормонлар ишлаб чиқаради. Ана шу гормонлардан бири — инсулин қондаги ортиқча глюкозани гликогенга айлантириб, қондаги шакар миқдорининг камайишига ёрдам беради. Бу без ҳужайраларининг бошқа гормони глюкагон эса гликогенин глюкозага айлантириш билан қонда шакар мoddасининг миқдорини оширади. Инсулин миқдори қўпайганида ҳужайраларда глюкоза сарфи ошиб кетади, гликоген синтезланиш жараёни тезлашади, пировард натижада қонда глюкоза миқдори камайиб, қон босими пасайиб қолади. Инсулин етишмаса қонда шакар миқдори ошиб кетиб, қандли диабет касаллиги пайдо бўлади. Гастрин гормони ошқозоннинг фермент ажралиши функциясига таъсир кўрсатади.

Буйракусти бези гормонлари. Буйракусти безлари буйрак юқори қисмининг устида жойлашган. Бу безининг магиз қисми ишлаб чиқарадиган адреналин ва норадреналин гормонлари юрак қисқаришини тезластиради, қон томирларини торайтириш орқали қон босимини оширади, бундан ташқари, бу адреналин гормони гликогеннинг глюкозага айланшини тезластириш орқали углевод алмашинувига таъсир қилади. Бу гормонлар етишмаса Адисон, яъни бронза касаллиги келиб чиқади. Буйракусти безининг пўстлоқ қисми ишлаб чиқарадиган минералокортикоид гормонлари организмда сув ва тузларнинг алмашинувига таъсир кўрсатади. Бу безининг устки қобиги олиб ташланганида натрий тузи қондан сийдик орқали чиқиб кетиши натижасида организм ҳалок бўлади. Бундан ташқари, пўстлоқусти глюкокортикоид гормонлари организмда оқсил ва углеводлар алмашинувига таъсир кўрсатади. Андроген ва эстероген гормонлари жинсий безлар фаолиятини кучайтиради.

Қалқонсимон бези гормонлари. Қалқонсимон без қалқонсимон тоғай сиртида жойлашган. Бу без гормони тироксин таркибида йод мoddаси бўлади. Тироксин организмда модда алмашинувини тезластиради, нерв системаси қўзғалишини кучайтиради. Тироксин етишмаганида ёш болалар ўсиши, ақлий ва



70-расм. Одам организмидагички секреция безларининг жойланиши:

1 — гипофиз, 2 — қалқонсимон без, 3 — бўқоқ бези, 4 — буйракусти бези, 5 — ошқозонность бези, 6 — жинсий безлар.

жисмоний вояга етиши жуда секинлашиб кетади (кретинизм хасталигиги). Катта ёшдаги одамларда тироксин етишмаганида никседема касаллиги пайдо бўлади. Бу касалликда моддалар алмашинуви секинлашади, нерв системасининг қўзғалиши сусаяди ва қовоқлар шишиб кетади. Баъзи жойларда сув таркибида йод моддаси кам бўлганида қалқонсимон без йириклишиб, бўйиннинг олд қисмида шиш пайдо бўлади. Бу касаллик эндемик бўқоқ дейилади.

Тироксин ортиқча ишлаб чиқарилганида эса организмда моддалар алмашинуви кучайиб кетади, нерв системасининг қўзғалувчанлиги ошади, киши озиб кетади. Кўпинча касалланган одамнинг кўзлари нотабиий чақчайган бўлади. Бу ҳол *Базедов касаллиги* дейилади.

Гипофиз бези организмдаги кўпчилик безларнинг фаолиятини бошқариб турадиган асосий без. Бу безнинг *соматотроп гормони* бўйининг ўсишига таъсир қиласди. Ёш болаларда бу гормон кўп ишлаб чиқарилганда уларнинг бўйи баланд бўлиб ўсади (*гигантизм*). Катта ёшдаги кишилар организмидагормоннинг ортиқча ишлаб чиқарилиши панжа суюкларининг нотабиий йўғонлашуви ҳамда юмшоқ тўқималар (тил, бурун)нинг тез ўсишига сабаб бўлади. Бу касаллик *акромегалия* деб аталади. Гипофизнинг *адренокортикоид гормони* буйракусти безни ишини, *тиреотроп гормони* қалқонсимон бездан тироксин ишлаб чиқаришни, *гонадотроп гормони* жинсий безлар функциясини, *лактотроп гормони* сут ажralишини, *интермедиин гормони* терида пигмент ҳосил бўлишини бошқаради. Гипофизнинг орқа бўлаги ишлаб чиқарадиган антидиуретик гормон *вазопрессин* сув алмашиниши, *окситоцин гормони* бачадон мускуллари қисқаришини бошқаради.

Эпифиз бези бош мия асосида ўрта мия бўлимида жойлашган. У ишлаб чиқарадиган *мелатонин гормони* интермедиин сингари одам организмидаги пигмент алмашинувига таъсир кўрсатади. Эпифиз гормони гипофизнинг гонадотроп гормонига таъсир этиб, болаларнинг вақтидан олдин балоғатга етишини секинлаштиради. Эпифиз функцияси бола 7 ёшга етгунча кучайиб боради, кейин аста-секин пасайиб, балоғат даврида тўхтайди.

Айрисимон без, **бўқоқ бези**, яъни *тимус* кўкрак қафасида, тўш суюгининг орқа юзасида жойлашган. Чақалоқда 12 г, 14—15 ёшда 30—40 г га етади, кейин яна кичиклашиб боради. Без ишлаб чиқарган *тимозин* гормони жинсий безлар функциясини пасайтириб, болани вақтидан олдин балоғатга етишига йўл қўймайди. Функцияси балоғатга етишдан олдин бузилса, вақтли балоғатга етиш (8—10 ёшдан соқол чиқиши, кўкрак безлари пайдо бўлиши) кузатилади. Тимозин лимфоцитлар ҳосил бўлишини кучайтириб, организмда иммунитет ҳосил бўлишига ёрдам беради.

НЕРВ СИСТЕМАСИ

Нерв системасининг аҳамияти. Организмда барча органлар фаолияти ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлганидан у яхлит бир бутун система ҳисобланади. Органлар ишини бундай мувофиқлаштириб турилиши нерв системаси орқали амалга ошади. Бундан ташқари, нерв системаси организм билан ташқи муҳит ўртасидаги боғланиш ва органлар фаолиятини бошқариш вазифасини ҳам бажаради.


Нерв системасининг тузилиши. Нерв системаси марказий қисми бош мия ва орқа миядан, периферик қисми эса улардан кетувчи нервлар ҳамда мия қутиси ва умуртқа поғонасидан ташқарида жойлашган бошқа элементлардан иборат. Ҳамма нерв системаси соматик ва вегетатив (автоном) нерв системасига ажратилади. **Соматик** нерв системаси организмни ташқи муҳит билан боғлаш, қўзғалишни бошқариш ва бошқа вазифаларни бажаради. Вегетатив нерв системаси эса моддалар алмашиниши ва ички органлар ишини бошқариш (масалаан, юрак уриши, ичакнинг перисталтик қисқариши, безлар секрецияси) вазифасини бажаради. Бу нерв системалари ўзаро чамбарчас боғлиқ тарзда ишлайди. Лекин вегетатив нерв системаси бирмунча мустақил (автоном) ишлаш хусусиятига эга ва организмнинг киши ихтиёрига боғлиқ бўлмаган функцияларини бошқариб туради.

Марказий нерв системаси (бош ва орқа мия) кулранг ва оқ моддадан иборат. Кулранг моддаси нейронлар ва уларнинг майда ўсимталари тўпламидан, оқ моддаси эса қобиқ билан қопланган узун ўсимталар тўпламидан иборат. Кулранг модда орқа миянинг марказида, бош мия эса миянинг сиртида жойлашган. Нерв толалари ўзаро қўшилиб нерв бойламларини, бир неча нерв бойламлари эса биргаликда алоҳида нервларни ҳосил қиласди. Қўзғалишни марказий нерв системасидан органларга узатадиган нервлар **марказдан қочувчи**, қўзғалишни органлардан узатадиган нервлар эса **марказга интилувчи** дейилади.

Бош ва орқа мия уч қават: қаттиқ, тўрсимон ва томирли қобиқ билан қопланган. Қаттиқ қобиқ бириткирувчи тўқимадан иборат бўлиб, умуртқа поғонаси наий ва мия қутиси бўшлиғининг ички юзасини қоплаб туради. Тўрсимон қобиқ қаттиқ пўстнинг остида жойлашган, унда оз миқдорда нерв ва қон томирлари бўлади. Томирли қобиқ мия билан қўшилиб кетган бўлиб, унда жуда кўп қон томирлари бўлади. Томирли ва тўр қобиқлар ўртасидаги бўшлиқда мия суюқлиги бўлади.

Рефлекс ва рефлектор ёйи. Нерв тўқимаси ташқи ва ички муҳит таъсирида қўзғалиш ҳолатига ўтади. Бу қўзғалиш таъсирида органлар ишchan ҳолатга ўтади ёки уларнинг фаолияти кучаяди. Нервларнинг қўзғалишни ўтказиш хусусияти **қўзғалувчанлик** дейилади. Қўзғалишнинг ўтиш тезлиги 0,4 дан 10⁰ м сек. гача етади.

Нерв системасининг фаолияти рефлекторлик хусусиятига эга. Организмнинг муҳит таъсирига мос келадиган жавоб реакцияси рефлекс дейилади. Рефлекс ҳосил бўлишида нерв қўзғалишининг қабул қилинадиган ва ишчи органларга ўтказиладиган йўли рефлектор ёйи дейилади. Рефлектор ёйи қўйидаги бешта бўлимдан иборат: 1) таъсирини қабул қиласидиган рецепторлар; 2) қўзғалишни марказий нерв системасига узатидиган марказга интилувчи (*сезувчи*) нерв; 3) қўзғалишни марказга интилувчи нейронлардан марказдан қочувчи (*ҳаракатлантирувчи*) нейронларга узатадиган *оралиқ нейронлар*; 4) қўзғалишни марказдан ишчи органларига етказадиган марказдан қочувчи (*ҳаракатлантирувчи*) нервлар; 5) таъсирига мувофиқ жавоб берадиган ишчи органлар (71-расм).



71-расм. Рефлектор ёйи схемаси:

- 1 — рецептор;
- 2 — марказга интилувчи нерв тодаси,
- 3 — орца мия түгуни,
- 4 — оралиқ нейрон,
- 5 — марказдан қочувчи нейрон,
- 6 — нервнинг мускулда жойлашган учки қисми,
- 7 — орца миянинг оқ моддаси,
- 8 — орца миянинг куярнг моддаси.

лари у ёки бу рефлексларнинг ҳосил бўлишига монелик қиласиди. Шундай қилиб, қўзғалиш ва тормозланиш ўртасидаги ўзаро боғланиш органлар ва бутун организмнинг мутаносиб ишлашини таъминлайди. Масалан, ҳаракатланиш букувчи ва ёзувчи мускуллар навбатлашиб қисқариши туфайли амалга ошади. Чунки букиш нерв марказида қўзғалиш ҳосил бўлганида нерв импульслари букувчи мускулларга узатилади, бир вақтнинг ўзида ёзувчи нерв маркази тормозланиб, ёзувчи мускулларга нерв импульслари юбормасдан қўяди ва бу мускуллар бўшади. Ёзувчи нерв марказига келадиган импульслар ўз навбатида букувчи нерв марказини тормозлайди.

Органлар фаолиятининг нерв системаси томонидан бошқарилиши. Марказий нерв системаси билан органлар ўртасида боғланиш икки томонлама бўлади, яъни нерв импульслари ишчи органларга томон ўтказилиши билан бир вақтнинг ўзида иш органларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумот ҳам мар-

казий нерв системасига келиб туради. Марказий нерв система билан органлар ўртасидаги икки томонлама боғланиш органлар фаолиятининг нерв системаси томонидан бошқарилиши, яъни нерв регуляциясини амалга оширишга имкон беради. Нерв регуляцияси қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари орқали амалга ошади. Юқорида ҳаракатланиш букувчи ва ёзувчи мускулларнинг навбатлашиб қисқариши орқали амалга ошиши тўғрисида айтилган эди. Нафас олиш, қон айланиш, айриш, овқат ҳазм қилиш каби жараёнлар ҳам шу тариқа амалга ошади.

Марказий тормозланиш ҳодисаси 1862 йилда И. М. Сеченов томонидан кашф қилинган.


МАРКАЗИЙ НЕРВ СИСТЕМАСИ

Орқа миянинг тузилиши. Орқа мия умуртқа погонаси ичida жойлашган, диаметри 1 см бўлган оқишипга ўхшайди. Унинг сиртида олд ва кейинги эгатлар, марказида орқа мия суюқлиги билан тўлган марказий най жойлашган (72-расм). Орқа миянинг ички кулранг моддаси қўшимча ва ҳаракатлантирувчи нейронлардан, ташқи оқ моддаси нейронларнинг узун ўсимталаридан ҳосил бўлган. Оқ моддадаги ўсимталар юқорига ёки пастга томон йўналган бўлиб, юқорига ёки пастга қараб кетувчи нерв йўлларини ҳосил қиласди.

Орқа миядан ҳар қайси умуртқа тўғрисида бир жуфтдан олд ва орқа томирлар чиқади. Орқа томирларда сезувчи нейронларнинг аксонлари жойлашган. Бу нейронларнинг таналари орқа миянинг ёнида тўпланиб, орқа мия нерв тугунларини ҳосил қиласди. Олд томирларда эса ҳаракатлантирувчи нейронларнинг аксонлари жойлашган. Нерв қўзғалишлари орқа томирлар орқа органларидан орқа мияга, ундан қўшимча нейрон орқали олд томирдаги ҳаракатлантирувчи нейронларга ва улардан иш органларига ўтказилади. Олд ва орқа

72-расм. Орқа миянинг кўндаланг кесими:


- 1 — орқа мия нервининг олдинги илдизи, 2 — орқа мия нерви, 3 — орқа мия тугуни, 4 — орқа мия нервининг орқа илдизи, 5 — орқа бўйлама эгатчasi, 6 — орқа мия найи, 7 — оқ моддаси, 8 — кулранг моддаси, 9 — олдинги бўйлама вгатчаси.



томирлардаги ҳаракатлантирувчи ва сезувчи нервлар умуртқа поғонасинг иккى ёнида құшилиб, 31 жуфт орқа мия аралаш нервларини ҳосил қиласы. Бу нервларнинг ҳар қайсиси маълум бир гурух мускуллар ёки терининг муайян бир қисмини идора қиласы.

Орқа мия функциялари. Орқа мия рефлекторлик ва үтказыш функциясини бажаради. Орқа мияда юрак, ошқозон, қовуқ, қон томирлари, скелет мускуллари, жинсий безлар ва бошқа органлар ишини идора қилип турадиган марказлар бўлади. Нерв марказлари жуда кўп қўшимча нейронлардан ташкил топган. Нерв маркази орқали рефлектор ёйи үтади, рецепторлардан келадиган ахборот қайта таҳлил қилинади ва нерв импульсларига айлантирилиб, ишчи органларга узатилади. Орқа миянинг бел қисмидә тизза рефлекси, кўкракнинг юқори қисмидә кўз қорачигини кенгайтирувчи, думгаза қисмидә сийдик ажратиш рефлексларининг марказлари жойлашган. Орқа мия рефлекслари бош бўлимлари ва яримшарлар пўстлоғи томонидан идора қилиниб турдиганидан аниқ содир бўлади. Умуртқа поғонаси жароҳатланиб, орқа мия билан бош мия ўртасида алоқа узилиб қолганида маркази жароҳатланган жойдан пастроқда жойлашган орқа мия рефлекслари ҳосил бўлмайди. Бундай одамлар танасининг пастки қисми ҳаракатсиз бўлиб қолади.

Бош миянинг тузилиши. Бош мия мия қутиси ичидаги жойлашган бўлиб, узунчоқ мия, кўпприк, мияча, ўрта мия, оралиқ мия, олд мия катта яримшарлари бўлимларини ўз ичига олади (73-расм). Бош мия ҳам оқ ва кулранг моддадан ибораг. Оқ модда нерв импульсларини үтказиш вазифасини бажаради, у бош моянинг турли бўлимларини ва бош мия билан орқа мияни боғлаб туради. Кулранг модда мия яримшарлари ва миячанинг ташқи қобиғини ҳосил қиласы. Миянинг бошқа бўлимларига кулранг моддаси оқ модда ичидага алоҳида доначалар — ядролар ҳолатида жойлашган. Бош миянинг ички қисмидаги бир-бири билан туташ 4 та бўшлиқ — мия қоринчалари бўлади. Ўз бўшлиқлар орқа мия суюқлиги билан тўлғи-



73-расм. Бош миянинг бўйига кесими:

1 — узунчоқ мия, 2 — кўпприк, 3 — мия пояси ичидан үтадиган най, 4 — ўрта мия, 5 — оралиқ мия, 6 — гипофиз, 7 — ўнг яримшар, 8 — мияча.

зилган. Узунчоқ мия, күпприк, ўрта мия биргаликда бош мия дастасини ҳосил қиласы. Мия дастасидан 12 жуфт бош мия нервлари чиқады. Улар орасыда күриш, эшитиш ва ҳид билиш, сезиши нервлари бўлиб, улар қўзғалишни рецепторлардан бош мияга ўтказади; бир жуфт ҳаракатлантирувчи нервлар эса кўз мускулларини идора қиласы. Қолган нервлар эса аралаш нервлар ҳисобланади. Улардан бир жуфт адашган нервлар мияни юрак, ўпка, ошқозон, ичак ва бошқа ички органлар билан боғлайди.

Узунчоқ мия ва мия кўпприги орқа миянинг давоми бўлиб, рефлектор ва ўтказиш вазифасини бажаради. Уларнинг кулранг моддасида овқат ҳазм қилиш рефлекслари ҳамда қусиш, акса уриш, йўталиш, йиглаш каби муҳофаза рефлекслари миянинг ана шу қисми билан боғлиқ.


Мияча узунчоқ миянинг устида жойлашган бўлиб, ҳаракатни бошқаради. Мияча зарарланганда мускуллар тонуси пасаяди, ҳаракатнинг аниқлиги ўйқолади; тана мувозанати бузилади, бош, оёқ ва қўллар қалтирайди; ошқозон-ичак ва юрак қон томирлари системаларининг иши бузилади. Мияча жуда кўп нервлар орқали миянинг бошқа бўлимлари билан боғланади.

Ўрта мияда скелет мускуллари тонуси (таранглик) ни бошқариш маркази жойлашган. Бу ерда тик туриш ва юриш рефлекслари амалга оширилади. У орқали эшитиш ва кўришни, чамалаш рефлексларининг рефлектор ёйи ўтади. Чамалаш рефлекслари бош ва тана қўзғатувчи томонга бурилганда содир бўлади.

Оралиқ мия иккита кўриш дўмбоқчаси (таламус) ва дўмбоқча ости қисми (гипоталамус)дан иборат. Кўриш дўмбоқчасига ҳамма тана рецепторлари (кўриш, эшитиш, таъм билиш, тери) дан нерв импульслар ўтиб, бош мия яримшарларига келади. Гипоталамусда эса моддалар алмашинуви, овқатланиш, тана ҳарорати ва ички муҳит доимийлигини сақлаб туришини бошқарувчи вегетатив система маркази жойлашган.

Унинг олд қисмida парасимпатик, кейинги қисмida симпатик нервлар маркази жойлашган. Оралиқ миянинг айrim нейронлари организмда гуморал бошқаришни амалга оширадиган биологик актив моддаларни ҳам ишлаб чиқади.

Вегетатив нерв системаси. Вегетатив нерв системаси ички органлар ва тўқималарга кетувчи (марказдан қочувчи) нервларни ўз ичига олади. Вегетатив нерв системаси марказлари ўрта, узунчоқ ва орқа мияда жойлашган. Периферик қисми эса нерв тугунчаларидан ва нерв толаларидан иборат. Вегетатив нерв системаси икки нейронлик бўлади. Марказий нерв системасида жойлашган биринчи нейрон танасидан узун нерв ўсимтаси (аксон) кетади. Аксон периферик нерв тугунида жойлашган иккинчи нейронга келиб туташади. Иккинчи ней-



74-расм. Бош мия катта яримшарлари:

1 — пешона бўлими, 2 — тепа бўлими, 3 — энса бўлими, 4 — чекка бўлими, 5 — ҳидлов зонаси, 6 — мускуллар ҳаракати, 7 — марказий этати, 8 — кўриш зонаси, 9 — ён эгати, 10 — эшитиш зонаси, 11 — мияча, 12 — узунчоқ мия, 13 — сезиш зонаси, 14 — тери — севиш зонаси.

рондан эса органларга томон нерв толалари кетади. Вегетатив нерв системасининг иши киши хоҳишига боғлиқ бўлмайди.

Вегетатив нерв системаси симпатик ва парасимпатик қисмларга бўлинади.

Симпатик вегетатив нерв системаси биринчи нейронлари танаси орқа мияда жойлашган. Иккинчи нейронларнинг танаси эса ана шу симпатик нерв тугуларида жойлашган. Улардан чиқсан нервлар ишчи органлар билан бевосита боғланган.

Парасимпатик нервлар узунчоқ мия ва орқа миянинг охирги қисмидан чиқади. Нейрон таналари жойлашган нерв тугулари эса тўппа-тўғри органларнинг ўзида жойлашган. Симпатик нерв системаси моддалар алмашинуви ва органларнинг қўзғалишини кучайтиради. Парасимпатик нерв системаси эса аксинча модда алмашинувини сусайтиради ва органлар ишини кучизлантиради.

Бош мия катта яримшарлари. Катта яримшарлар иккита (чап ва ўнг) яримшарлардан иборат бўлиб, ўрта ва оралиқ мияни қоплаб туради (74-расм). Яримшарларнинг сирти кулранг моддадан ташкил топган бўлиб, пўстлоқни ҳосил қиласди. Пўстлоқ остидаги оқ модда нейронларнинг узун ўсимтасидан ташкил топган бўлиб, ўтказиш йўлларини ҳосил қиласди. Ўтказиш йўллари иккала яримшарларни ёки яримшарлардаги турли марказларни яримшарлар билан миянинг бошқа бўлимларини боғлаб туриш учун хизмат қиласди. Яримшарлар пўстлоғи жуда юпқа (2,5—3 мм) бўлиб, 14 млрд.дан ошиқ ҳужайралардан ташкил топган, умумий юзаси 2000—2500 см², массаси бош миянинг 80% ташкил этади. Яримшарларнинг ҳар бири *марказий*, ён ва энса эгатчалар ёрдамида *пешона*, *тепа*, энса ва чекка бўлимларга бўлинади. Органлардаги рецепторлардан келадиган ахборот мия пўстлоғининг маълум бир қисми—зонасида таҳлил қилинади. Масалан, кўриш маркази—энса бўлимида, эшитиш — чекка бўлимида, ҳид ва таъм билиш — чекка бўлимининг олд қисмида, тери-мускул сезиш — энса бўлимининг кейинги қисмида, ҳаракатланиш ва ёзиш маркази пешона бўлимида жойлашган. Бу зоналарга сезги органлари, тери, ички органлар, мускул ва пайлардан нерв импульслари келиб туради. Бу зоналардаги нейронлар қўзғалганида сезги

ҳосил бўлади. Одамнинг ташқи дунё билан алоқаси ва уни билиб олиши ҳам ана шу зоналар билан боғлиқ. Агар бош мия яримшарлари пўстлоғининг бирор қисми зааралсанса, ўша жойдаги сезиш зоналари бузилади. Масалан, мия пўстлоғининг бўлаги жароҳатланганида киши товушларни бир-биридан фарқ қила олмайдиган бўлиб қолади.

Яримшарлар пўстлоғининг ҳамма қисмлари ўзаро боғлиқ. Яримшарлар пўстлоғи организмдаги турли системалар, органлар, тўқималар ва ҳужайраларнинг ишини ўзаро мувофиқлаштириши ҳамда организм билан ташқи муҳит ўртасида боғланишни амалга ошириш вазифасини бажаради. Ҳар бир кишининг ўзига хос бўлган психик фаолияти, яъни хулқи, нутқи, зеҳни, фикрлаш ва ҳунар ўрганиш қобилияти катта яримшарлар пўстлоғи фаолияти билан боғлиқ.

Олий нерв фаолияти. Олий нерв фаолияти бош мия катта яримшарлари фаолиятидан иборат бўлиб, пўстлоқнинг рефлексаторлик функцияси билан боғлиқ. Миянинг рефлексаторлиги тўғрисидаги foяни биринчи марта 1868 йилда И. М. Сеченов «Бош мия рефлекслари» асарида кўрсатиб берган. Бироқ, олий нерв фаолияти тўғрисидаги замонавий таълимотни И. П. Павлов шартли рефлексларни ўрганиш асосида яратган. Олий нерв фаолияти одамлар ва олий ҳайвонлар учун хос бўлиб, у ўзгариб турадиган муҳит шароитларига организмнинг индивидуал мослашувига олиб келади. Олий нерв фаолияти шартли ва шартсиз рефлекслар орқали намоён бўлади.


Инсоннинг олий нерв фаолияти ҳайвонларнидан нутқ ва идрок қилиши билан фарқланиб туради. Нутқ орқали кишилар мантиқий фикрлайди. Нутқ — таъсирловчи сифатида жуда хилма-хил шартли рефлекслар пайдо қиласди. Нутққа асосланниб тарбия, илм, меҳнат тажрибалари ва турли кўникмалар ҳосил бўлади.

Шартли ва шартсиз рефлекслар. Шартсиз рефлекслар бирор таъсиротни рецепторлар орқали тўппа-тўғри таъсир этиши натижасида организмда юзага келадиган жавоб реакциясидир. Масалан, оғиз бўшлиғидаги овқат сезувчи нерв учлари — рецепторларга таъсир этиб, уларда қўзғалиш (нерв импульслари) пайдо қиласди. Қўзғалиш сезувчи (марказга интилувчи) нерв орқали узунчоқ миядаги сўлак ажратиш марказига, ундан сўлак безларига кетадиган ҳаракатлантирувчи (марказдан қочувчи) нервга ўtkазилади. Қўзғалиш таъсирида безларнинг фаолияти активлашиб, сўлак ажрала бошлайди.

Шартсиз рефлекслар туғма ва наслдан-наслга ўтади. Улар турнинг ҳамма индивидлари учун умумийdir ва организмнинг бутун ҳаётি давомида йўқолиб кетмайди. Лекин организмни атроф муҳитнинг доимо ўзгариб турадиган шароитига мослашиб бориши учун фақат шартсиз рефлексларнинг ўзи кифоя қilmайди.

Шартли рефлекслар бирор шартли (бефарқ) таъсирловчи-ни шартсиз таъсирловчи билан бир вақтда ва кўп марта ор-

75-расм. Шартсиз ва шартли рефлексларнинг ҳосил бўлиш схемаси:



1 — тилдаги рецепторлар, 2 — сезувчи нерв, 3 — узунчоқ миядаги овқатланиш маркази, 4 — ҳаракатлантирувчи нерв, 5 — сўлак бези, 6 — мия яримшарлари пўстлоғидаги овқатланиш маркази, 7 — эшитиш маркази, 8 — мия пўстлоғининг овқатланиш ва эшитиш маркази ўтасидаги вақтнинчалик боғланиш, 9 — қулоқдаги рецепторлар (стреликалар билан нерв импульсларининг йўналиши кўрсатилган).

ганизмга таъсир қилиши туфайли ҳосил бўлади. Бу рефлекслар организмнинг индивидуал ҳаёти давомида аста-секин ҳосил бўлгани учун индивидуал хусусиятга эга ва наслдан-наслга ўтмайди. Шартли рефлекслар ҳосил бўлиши учун шартли қўзғатувчининг таъсир вақти шартсиз қўзғатувчи таъсир вақтига тўғри келиши, тўғрироғи бир оз олдин таъсир кўрсатиши зарур. И. П. Павлов итларда шартли рефлекслар ҳосил қилиш учун овқат бериш (шартсиз таъсирловчи) дан 30 сек. олдин чироқ (шартли таъсирловчи) ёқиб қўйган. Бу ҳодиса бир неча марта такрорланганидан кейин чироқ ёқилганидан сўнг овқат берилмаса ҳам итда сўлак ажралиши кузатилган.

Шартли рефлекслар ҳосил бўлиши бош мия пўстлоғининг турли бўлимлари ўтасида ҳамда мия пўстлоғи ва пўстлоқ ости марказлари ўтасида ҳам бўладиган вақтнинчалик боғланишлар орқали юзага чиқади. Буни соддароқ кўринишда схема орқали тушунтириш мумкин (75-расм). Масалан, овқагланиш шартсиз рефлекслари ҳосил бўлишида оғизга тушган овқат оғиз бўшлиғидаги нерв учлари — рецепторларга таъсир қилиб, уларда қўзғалиш пайдо қиласди. Қўзғалиш сезувчи нервлар орқали узунчоқ миядаги сўлак ажратиш марказига серилади. Шу билан бирга қўзғалиш бош мия сопининг ўтказиши йўллари орқали мия пўстлоғининг овқатланиш марказига ҳам боради. Марказлардаги қўзғалиш ўз навбатида ҳаракатлантирувчи нервлар орқали сўлак безларига берилади ва сўлак ажрала бошлайди. Агар овқат беришдан олдин чироқ ҳам ёқилса, кўриш ва овқатланиш марказлари бир вақтнинг ўзида қўзғалади. Бу ҳол бир неча бор такрорланадиган бўлса кўриш ва овқатланиш марказлари ўтасида боғланиш ҳосил бўлади. Бундан кейин чироқ ёқилса, лекин овқат берилмаганида ҳам кўриш марказида ҳосил бўлган қўзғалиш овқатланиш марказига узатилиб, унда қўзғалиши пайдо қиласди ва шартли рефлекс йўли билан сўлак ажрала бошлайди.

Шартли рефлексларнинг тормозланиши. Ташқи муҳитнинг организмга таъсири мия пўстлоғида шартли рефлекслар пайдо қилиш билан бирга уларни тормозлаши (сўндириши) ҳам мумкин. Шартли рефлексларнинг тормозланиши икки хил — ташқи ва ички бўлади.

Ташқи, яъни шартсиз тормозланиш бошқа бир кучли таъсириловчининг таъсири натижасида пайдо бўлади. Масалан, чироқ ёнганида итда ҳосил бўлган шартли рефлекс қаттиқ товуш таъсирида (қўнғироқ чалинганида) сўнади, яъни сўлак ажралиши тўхтайди. Одатда, бир рефлекснинг сўнини иккинчи рефлекснинг пайдо бўлишига олиб келади. Масалан, йиртқун ҳайвоннинг пайдо бўлиши ўтхўр ҳайвонларнинг ўт ейини (овқатланиши) рефлексини сўндириб, ҳимоя рефлексини ҳосил қиласиди. Ташқи тормозланиш бирданига тез содир бўлади.

Ички тормозланиш бош мия пўстлоғида ҳосил бўлган шартли рефлексларни шартсиз рефлекслар билан мустаҳкамланиб турмаганлиги оқибатида аста-секин сўна боришидан иборат.

Нутқнинг аҳамияти. Шартли рефлексларнинг одамлар ва ҳайвонларда ҳосил бўлиш механизми жуда ўхшаёт. Шу билан бирга олий нерв фаолияти механизмларининг ўзига хос бўлиши билан одам ҳайвонлардан кескин фарқ қиласиди. Олий нерв фаолиятининг одамлар учун хос бўлган хусусиятлари: нутқ, онг, тафаккур, меҳнат туфайли пайдо бўлган ва ривожланган. Ўз навбатида бу омиллар одам меҳнатини ҳам бутунлай ўзгартириб юборган, кишилар табиатга онгли равишда таъсири кўрсатиш имконига эга бўлган. Кишилик жамиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ундаги қонуниятларнинг мавжудлигига ҳам нутқ бекиёс аҳамиятга эга.

Нутқ меҳнат жараённида, социал, маънавий ва шахсий ҳаётда одамлар ўртасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қиласиди. Нутқ, сўз ва тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши олни нерв фаолиятининг янада такомиллашуви, уни ўтган аждодлар тажрибаси билан бойитишга олиб келади. Нутқнинг ривожланишига асосланиб, И. П. Павлов биринчи ва иккинчи сигнал системаси тўғрисидаги таълимотни яратди.

Биринчи сигнал системаси орқали одам ва ҳайвонлар ташқи муҳитдан аниқ бир предмет ва ҳодисалар тўғрисида маълумот олади ва фикрлайди. Иккинчи сигнал системаси одамнинг нутқи ёки ёзма фаолияти билан боғланган ва фақат инсон учун тегишилдири. Одамлар сўзлар орқали предмет ва ҳодисаларнинг моҳияти тўғрисида умумий тушунча ҳосил қиласиди. Умумлаштириш субъектив фикрлашнинг моҳиятини ташкил этади. Шунинг учун сўз инсон учун бутунлай янги таъсириловчи — сигналлар сигнални бўлиб хизмат қиласиди. Фикрлаш бош мия пўстлоғининг фаолияти натижасидир. Нутқ ва у билан чамбарчас боғланган фикрлаш марказлари бош мия яримшарлари пўстлоғида жойлашган.

Уйқу. И. П. Павлов ва бошқа бир қанча олимларнинг таълимотига кўра, уйқу нерв ҳужайраларни толиқишидан сақлайдиган чуқур ҳимоя тормозланишидан иборат. Уйқу катта яримшарларни ҳамда ўрта ва оралиқ мияни қамраб олади. Тўлиқ уйқуда кўпчилик физиологик жараёнларнинг фаоллиги сусаяди, фақат ҳаёт учун муҳим бўлган нафас олиш, юрак

уриши каби бош мия сопида ва узунчоқ мияда жойлашган марказлар ишлаб туради, лекин уларнинг фаолияти ҳам сустлашган бўлади. Уйқу маркази оралиқ мия гипоталамуснинг олд ядроларида жойлашган. Гипоталамуснинг кейинги ядролари эса уйғониш ва тетикликни идора қиласи.

Тўлиқ бўлмаган уйқуда катта яримшарлар пўстлоғининг айрим марказлари тормозланмаган бўлади. Масалан, она бола йиғисини уйқуда ҳам бошқа шовқинлар орасида тез аংглаб олади. Уйқу нерв системаси қўзғалишини сусайтиради. Ўн гўдаклар 20—22 соат, болалар 9—11 соат, катта ёшдаги кишилар 7—8 соат ухлаши керак.

Уйқу бир-бiri билан алмашиб турадиган 4—5 циклдан иборат. Ҳар қайси уйқу цикли секин ва тез кечадиган фазаларни ўз ичига олади. Одам уйқуға кетганидан сўнг бошланадиган секин уйқуда қон томирлари уриши ва нафас олиш тезлиги камаяди, мускуллар бўшашади, танада моддалар алмашинуви ва ҳарорат пасаяди. Тез уйқу секин уйқудан 1—1,5 соат ўтгандан кейин бошланади ва 10—15 минут давом этади. Бу даврда ички органлар фаолияти, хусусан нафас олиш, юрак уриши, моддалар алмашинуви тезлашади, айрим мускулларнинг тонуси кучаяди, уйқудаги қиши туш кўра бошлайди.

Бир қанча усуллар ёрдамида бош мия яримшарларидаги бир неча марказларни қўзғалган ҳолатда сақлаб, бошқаларида сунъий тормозланиш пайдо қилиш мумкин. Бу ҳолат гипноз дейилади. И. П. Павлов гипнозни бош мия пўстлоғи қисмими қисман муайян зоналар чегарасида тормозланиши дейди. Гипноз қилинган кишиларда одатда нутқ ва ҳаракат зоналари тормозланмаган бўлади. Гипнознинг чуқур даврида ҳатто кучиз таъсирловчи масалан, сўз ҳам самарали таъсир кўрсатади.

Туш кўриш. Туш кўришнинг моҳияти И. П. Павлов таълимоти асосида очиб берилган. Киши уйроқлик даврида мияда қўзғалиш жараёни устунлик қиласи. Бош мия яримшарлари пўстлоғининг ҳамма қисмлари тормозланганда қиши тўлиқ уйқуга кетади. Бу ҳолатда ҳеч қандай туш кўриш бўлмайди. Лекин чала тормозланиш ҳолларида бош мия пўстлоғининг тормозланган қисмлари ва нерв ҳужайралар ўзаро ҳар хил муносабатларга киришади. Бундай тормозланмаган ҳужайраларнинг фаолияти туш кўришга сабаб бўлади. Тушда ҳақиқатда содир бўлган, баъзан қиши эслаб қололмаган воқеалар аралаш-қураш намоён бўлади. Баъзан туш ташқи таъсирлар билан ҳам қўшилиб кетиши мумкин. Масалан, уйқуда оёқни қорда совуқ қотиши, иссиқлаб кетиши эса иссиқда юргандек бўлиб тушда кўринади.

АНАЛИЗАТОРЛАР

Одам организмида жуда кўп хилма-хил рецепторлар учрайди. Улар ички ва ташқи муҳитдаги жуда оз ўзгаришларни ҳам сезади. Ташқи муҳитни сезадиган рецепторлар терида,

мускул таранглигини сезувчи рецепторлар мускуллар ва пайларда жойлашган. Рецепторлардан құзғалиш нервлар орқали мия пүстлоғининг керакли сезиш зоналарига юборилади. У ерда импульсларга мос келадиган күриш, ҳид билиш, эшитиш сезгиси ҳосил бўлади.


Анализаторлар рецепторлар, сезувчи нерв йўли ва бош мия яримшарлари пүстлоғидан иборат. Анализаторлар ташқи ва ички муҳитдан келаётган таъсиротни қабул қилиш ва таҳлил қилиш вазифасини бажаради. Анализаторларнинг периферик бўлими рецепторлардан, узатиш бўлими марказга интилувчи нейронлар ҳамда рецепторлар билан яримшарлар ўртасидаги нерв толаларидан, марказий бўлими рецепторлардан қўзғалишни қабул қилиб, уни таҳлил қиладиган мия пүстлоғининг бир қисмидан иборат. Анализаторларнинг барча бўлимлари бир бутун ишлайди.

Кўриш анализатори. Кўзнинг асосий функцияси жисмларнинг ранги, катта-кичикилиги, шаклини аниқлашдан иборат. Бундан ташқари, кўз тананинг ҳолатини ва жисмгача бўлган масофани аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кўз анализатор сифатида таъсиротни қабул қилувчи бўлими — кўзнинг тўрсимон пардаси рецепторлари, кўриш нервлари ҳамда мия пүстлоғининг энса қисмida жойлашган кўриш марказидан иборат.

Кўз калла суюгининг юз қисмida кўз соққасида жойлашган. Кўз олмаси шарсизмон шаклда бўлиб, унинг сиртига кўзни ҳаракатга келтирувчи мускулларнинг бир учи бирикади. Кўзни ҳимоя қилиб турувчи тузилмаларга қовоқ билан киприклар ва ёш безлари ҳам киради. Ёш безлари кўзни намлаб туради ва кўзга тушадиган нарсалардан ҳимоя қиласди.

Кўз олмаси учта парда: ташқи оқсил ёки склера, ўрта томирли, ички тўрсимон пардадан иборат (76-расм). Ташқи оқсил парда кўзнинг олд қисмida тиниқ шохсизмон парда ҳосил қиласди. Ўрта парда қон томирлари ва пигментли ҳужайралардан иборат. Бу парда кўзнинг олд томонида қалинлашиб, киприкли танани ҳосил қиласди. Киприкли тана мускуллари ёрдамида кўз гавҳари эгиклиги ўзгариб туради. Киприкли тананинг олд томонида пигментли камалак парда жойлашган. Кўз ранги камалак



76-расм. Кўзнинг тузилиш схемаси:

1 — киприн мускуллари, 2 — камалак пардаси, 3, 4 — оптик ўқи, 5 — қорачиги, 6 — шох пардаси, 7 — кўз гавҳари, 8 — шишиасизмон тана, 9 — оқсил пардаси, 10 — томир пардаси, 11 — тўр пардаси, 12 — кўриш нерви, 13 — кўзни ҳаракатлантирувчи мускуллар.

пардадаги пигмент миқдорига боғлиқ. Камалак парда ўртасида кўз қорачиги бор. Қорачиқ четларида жойлашган ҳалқа мускуллари кўз қорачишини торайишига, камалак пардадаги мускул эса қорачиқнинг кенгайишига ёрдам беради.

Ички тўрсимон пардада ёруғликка сезгир бўлган таёқчалимон ва қадаҳсимон ҳужайралар жойлашган. Бу ҳужайралардан кўриш нерви чиқади. Тўрсимон парданинг кўриш нервлари чиқадиган жойи *кўр доғ* дейилади. Таёқчалимон ва қадаҳсимон ҳужайралар кўриш анализаторининг периферик бўлими — рецепторлари ҳисобланади. Одам кўзида 130 млн. таёқчалимон ва 7 млн қадаҳсимон ҳужайралар бўлади. Таёқчалимон ҳужайралар кечки кучсиз ёруғликни қабул қилиш хусусиятига эга, лекин рангни ажратса олмайди. Улардаги кўриш моддаси — қизил *родопсин* кучли ёруғликда парчаланади, қоронғида эса 30 мин. давомида қайта тўлиқ тикланади. Шунинг учун киши ёруғликдан қоронғига ўтганида дастлаб ҳеч нарса кўролмайди.

Қадаҳсимон ҳужайралар кўр доғдан ташки төмонда жойлашган бўлиб, бу жой *сариқ доғ* дейилади. Бу ҳужайралар кундузи кучли ёруғлик таъсирида қўзғалиш хусусиятига эга Улардаги иодопсин моддаси қоронғида парчаланиб, ёруғлик таъсирида қайта синтезланади. Қадаҳсимон ҳужайралар қизил, яшил ва кўк рангларга сезгир бўлади. Бошқа рангларни ҳис қилиш ҳужайралардаги қўзғалиш кучига ҳамда қизил, яшил ва кўк рангларни қандай нисбатда таъсири кўрсатишига боғлиқ.

Камалак парданинг орқасида икки томонлама қавариқ линза — кўз гавҳари жойлашган. Кўз гавҳари ёруғликни синдириб ўтказадиган тиниқ танаҷаддан иборат. Гавҳар маҳсус капсула ичиди жойлашган. Капсулага Цинков пайлари ёпишган. Бу пайларга киприкли мускуллар бирикади. Мускуллар қисқарганида пайлар бўшашиб, кўз гавҳарининг қавариқлиги ортади. Кўз гавҳари ортидаги кўз олмаси бўшлиги шишилимон суюқлик билан тўлган бўлади.

Кўриш жараённида ёруғлик нурлари шох қават ва кўз гавҳари орқали синиб ўтиб, қадаҳсимон ва таёқчалимон ҳужайралар жойлашган сариқ доғга тушади. Бу жойда буюмнинг кичрайтирилган тесвари тасвири ҳосил бўлади. Тасвир бош мия пўстлоғида қайта ишланганлиги туфайли табиий ҳолда тасаввур қилинади. Кўз гавҳарининг қавариқлиги буюмнинг яқин ёки узоқда жойлашганига мос ҳолда ўзгариши мумкин. Бу ҳодиса *кўз аккомодацияси* дейилади.

Туғма узоқни кўриш хусусияти кўз соққасининг кичикроқ бўлиши, шох қават ва кўз гавҳари синдириш кучининг камайиб кетиши билан боғлиқ. Узоқни кўрадиган кишиларда буюм тасвири сариқ доғдан кейинда ҳосил бўлади. Бундай ҳолларда қавариқ кўзойнак тасвирни олдинга — тўрли қаватга суришга ёрдам беради. Қариликда келиб чиқадиган узоқни кўриш эса


кўз гавҳари эгилувчанлигининг пасайиши, унинг яссироқ бўлиши ва кўзнинг аккомодация қобилиятининг пасайиб кетиши кўз олмасининг кенгайиб қолганлиги билан боғлиқ. Бундай пайтда буюмнинг тасвири сариқ доғдан олдинда ҳосил бўлади. Бундай ҳолларда ботиқ линзали кўзойнак тасвирни орқага — сариқ доғга туширишга ёрдам беради.

Эшлиш анализатори. Эшлиш анализаторининг периферик сезувчи қисми қулоқдан, ўтказувчи қисми эшлиш нерви ва марказий қисми бош мия яримшарлари пўстлоғи чакка қисмидаги эшлиш зонасидан иборат.

Эшлиш органи — қулоқ З бўлим: ташқи, ўрта ва ички қулоқдан иборат (77-расм). Ташқи қулоқ қулоқ супраси ва 3 см узунликдаги товуш ўтказиш йўлидан ташкил топган. Товуш ўтказиш йўли тери билан қопланган, унда олтингугурт ишлаб чиқарувчи безлар бўлади. Ташқи ва ўрта қулоқ орасида овал шаклидаги *нофора пардаси* жойлашган. Нофора парда таранг тортилганлиги туфайли товуш тўлқинлари таъсирига мос ҳолда тебраниш хусусиятига эга.

Урта қулоқ бўшлиғида болғача, сандонча ва узангича деб аталадиган З та суячка жойлашган. Болғачанинг дастаси нофора парданинг ўртасига, иккинчи томони эса сандончага бириккан. Сандонча эса узангича билан туташган. Узангича ички қулоққа ўтувчи овал туйнукчани бекитиб туради. Ўрта қулоқ билан ички қулоқ ўртасидаги деворда овал туйнукчадан ташқари тери билан қопланган доирасимон туйнукча ҳам бор.

Ички қулоқ чакка суяги ичида жойлашган қўш деворли лабиринт бўлиб, унинг *пардасимон лабиринти* суяк лабиринти ичида жойлашган. Бу иккала лабиринт ўртасидаги бўшлиқ — тирқиши тиниқ суюқлик *перилимфа* билан, пардасимон лабиринт бўшлиғи *эндолимфа* билан тўлдирилган. Ички қулоқ лабиринти *йўлакдан* унинг олд томонида жойлашган қулоқ *чиғаноғи* ҳамда кейинги томонидаги ярим доира шаклидаги найлардан ташкил топган. Чиғаноқ юпқа парда тортилган доира



77-расм. Қулоқнинг тузилиши:

- 1 — қулоқ супраси, 2 — ташқи эшиштиш йўли, 3 — нофора пардаси, 4 — болғача, сандонча ва узангича, 5 — Евстахиев найи, 6 — чиғаноқ, 7 — ярим доира наилари, 8 — эшлиш нервлашри.

түйнук орқали ўрта қулоқ бўшлиғи билан, овал тирқиши орқали йўлак билан туташган.

Эшитиш органи вазифасини чиғаноқ бажаради, ички қулоқ нинг қолган бўлимлари *мувозанат сақлаш* органи ҳисобланади. Чиғаноқ спирал буралган бўлиб, унинг бўшлиғида бошидан охирингача тўсиқ — асосий парда жойлашган. Бу тўсиқ 24 мингга яқин махсус толачалар — эшитиш торларидан ташкил топган. Толачалар ҳар хил узунликда бўлиб, чиғаноқ йўлига кўндаланг жойлашган. Энг узун толалар чиғаноқ учди, энг калта толалар унинг асосида жойлашган. Толалар устидаги эса рецепторлар — тукли эшитиш ҳужайралари, яъни *кортиев органи* осилиб туради. Рецептор ҳужайраларининг туклари чиғаноқ бўшлиғи — эндолимфага ботиб киради. Ҳужайраларнинг ўзидан эса эшитиш нерви бошланади.

Овоз тўлқинлари таъсирида нофора пардасида ҳосил бўлган тебраниш ўрта қулоқдаги эшитиш сүякчалари орқали овал түйнук пардасига, ундан чиғаноқ йўлагига узатилади. Тебраниш перилимфа ва эндолимфадаги суюқликни ҳаракатга келтиради. Суюқликдаги тебранишини асосий парда толалари қабул қиласи. Толалар фақат бир хил, ўзига мос частотага эга бўлган товуш тўлқинларини қабул қиласи. Юқори частотали баланд товушлар асосий парданинг қисқа толалари ёрдамида қабул қилинади ва кортиев органи ҳужайраларининг тукчаларига берилади ва тукчаларда қўзғалиш пайдо қиласи. Қўзғалиш эшитиш нерви орқали бош мия пўстлоғи чакка бўлимидаги эшитиш марказига узатилади. Бу жойда товуш таҳлил қилинади.

Мувозанат сақлаш органлари. Мувозанат сақлаш органлари, яъни *вестибуляр аппарат* тана ҳолатини, ҳаракати ва ҳаракат тезлигини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Мувозанат сақлаш вазифасини ички қулоқ лабиринти йўлаги ва ярим доира шаклидаги учта най бажаради (қаранг: 77-расм). Каналлар бир-бирига перпендикуляр жойлашган бўлиб, уларнинг бўшлиғида эндолимфа бўлади. Йўлак эндолимфасида думалоқ овал қопчалар жойлашган. Бу қопчалар ичидағи оҳак тошчалар *статолитлар* вазифасини бажаради. Тана нормал ҳолатда бўлганида статолитлар қопчалар тубидаги ҳужайраларга — рецепторларга таъсир қиласи. Тана ҳолати ўзгарганида таначалар ҳам ўз ўринида силжиб, бошқа рецепторларга таъсир қила бошлайди. Қўзғалиш рецепторларидан бош мияга узатилади. Қўзғалиш таъсирида тана мускуллари тонуси рефлектор тарзда ўзгариб, тананинг ҳолати яна тикланади. Ярим доира каналлар тана ҳаракати тезлигини аниқлашга ёрдам беради. Тана ҳолатининг ўзгариши каналларда суюқликни ҳаракатга келтиради, бу эса ўз навбатида рецептор ҳужайраларда қўзғалишни пайдо қиласи.

III Умумий биология

Умумий биология органик олам түғрисида фанлар маж-муидан иборат бўлиб, тирик мавжудотларнинг тузилиши, ҳаёт фаолияти, келиб чиқиши, кўпайиши ва ривожланиш қонуниятларини, шунингдек уларнинг яшаш муҳити билан ўзаро муносабатларини ўрганади.

Ер юзида 500 мингдан ортиқ ўсимлик ва 2,5 млн. га яқин ҳайвон тури мавжуд. Биология соҳасидаги маълумотлар тирик табиатни ташкил этувчи ҳамма организмлар тарихий тараққиёт давомида ўзгариши ва мураккаблашиб боришини кўрсатади. Ўсимликлар, ҳайвонлар, замбуруғлар ва микроорганизмлар қанчалик хилма-хил бўлишига қарамай, уларнинг тузилиши ва ҳаётида бир қанча ўхшашликлар бўлади. Аввало ҳамма тирик организмлар битта ёки бир неча ҳужайрадан тузилсан. Ҳужайралар орғонондлардан тузилган бўлиб, турли организмлар ҳужайрасининг тузилишида ҳам жуда кўп умумий ўхшашликлар бор. Биология ҳаётнинг ниҳоятда хилма-хил бўлган барча кўринишларини ҳужайра, популяция, тур, биогеоценоз ва биосфера даражасида ўрганади.

Ҳар бир орғанизм теварак атроф муҳит билан чамбарчас боғланган. Организм билан муҳит ўртасида узлуксиз содир бўлиб турадиган моддалар ва энергия алмашинуви ҳастнинг асосини ташкил этади. Моддалар ва энергия алмашинуви туфайли организмлар ўз-ўзини, бошқариш хусусиятига эга бўлади, яъни ўз ички муҳитининг доимийлигини сақлаб қолади. Бу нарса тирик организмлар ҳаёти давомида уларнинг тузилиши, кимёвий таркиби ва ҳаётий хусусиятларининг турғун-бўлишини ифодалайди. Бир ҳужайрал ҳайвонлар танасида ёки кўп ҳужайралалиларнинг ҳар бир ҳужайрасидаги моддалар миқдорининг ва ҳужайра цитоплазмаси физик хусусиятларининг доимийлиги ҳамда иссиқ қонли ҳайвонлар тана температурасининг теварак атроф муҳитга боғлиқ бўлмаган ҳолда доимий бўлиши моддалар ва энергия алмашинуви билан боғлиқдир.

Кейинги йилларда биологиянинг кимё ва физика билан боғланган тармоқлари молекуляр биология, генетика ва биотех-

нология жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Молекуляр биологиянинг вазифаси ҳужайра таркибига қирадиган асосий органик моддаларнинг тузилиши ва хусусиятларини ва ҳужайраларда содир бўлиб турадиган биологик жараёнлар (моддалар ва энергия алмашинуви, ўсиш, ривожланиш, тўқималарчинг ихтисослашуви) ни молекуляр миқёсда ўрганишдан иборат. Бу фан соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳужайрада содир бўлиб турадиган кимёвий жараёнларни бошқариш учун катта имкониятлар яратиб беради.

Генетика фани тирик организмларнинг ирсий хусусиятлари ва ўзгарувчанлигини молекуляр миқёсда ўргачиши соҳасида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ҳозирги замон генетикиси амалда ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмларнинг мавжуд навлари, зотлари ва штаммларини яхшилаш ҳамда янгиларини яратишда улар селекциянинг назарий асоси бўлиб қолади. Генетика фанининг ривожланиши билан медицинада кўпгина ирсий қасалликларни олдиндан башиборат қилиш ёки аниқлаш ва уларни даволашнинг имкони туғилди.

Ҳозирги даврда организмларнинг атроф муҳит билан боғланишини ўрганадиган экология фани ҳам тез суръатлар орлан ривожланмоқда. Экология соҳасида олиб борилган текширишлар биосферада содир бўладиган мураккаб жараёнларчи ва инсон фаолиятининг биогеоценозларга таъсирини яққол кўрсатиб беради. Ҳозир инсоният олдида биосферани, шунингдек инсоннинг ўзини атроф муҳитнинг ифлосланишидан муҳо фаза қилиш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди.

Биология қонуниятларини билиш табиатда содир бўлиб турадиган жараёнларни тўғри тушунниб олиш ва уларни инсон фаолиятида фойдаланиш имконини беради. Биология соҳасидаги билимлар табиий ресурслардан медицина, соглиқни сақлаш ишларида ва фармацевтика саноатида тўғри фойдаланишга ёрдам беради.

ЦИТОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

Ҳужайра назарияси. Ҳужайрани ўрганиш микроскоп кашф қилингандан сўнг бошланди. XVII асрда (1665 йил) инглиз олими Роберт Гук микроскоп остида пўкақнинг тузилишини ўрганиб, уни катакчалар, яъни ҳужайралардан тузилганлигиги кўрсатиб берди. Кейинчалик чех олими Я. Пуркинье тирик ўсимлик ҳужайралари ичida суюқлик — цитоплазма борлигиги исботлаб берди.

1680 йилда голланд олими Антон Левенгук бир ҳужайрали ҳайвонларни кашф этди. Кейинчалик микроскопик тузилишининг мукаммаллашиб бориши билан ўсимлик ва ҳайвон ҳужайралари тузилиши тўғрисида янги маълумотлар тўплана бошлиди.

1833 йилда Р. Броун биринчи бўлиб ҳужайраларда ядро мавжудлигини аниқлади ва бу ядро барча тирик ҳужайралар-

нинг зарурй қисми эканлигини исботлаб берди. Бу маълумотлар асосида 1838—39 йилларда немис олимлари ботаник М. Шлейден, зоолог Т. Шванн барча тирик организмлар ҳужайралардан тузилганлик назариясини ишлаб чиқдилар. Кейинчалик немис шифокори Р. Вирхов ҳужайралар бўлиниш орқали дастлабки ҳужайрадан ҳосил бўлишини, рус олими К. Бэр сутэмизувчиларнинг тухум ҳужайрасини аниқлаб кўрсатиб бериши ҳужайра назариясини янги далиллар билан бойитди. Ҳужайра назариясининг ҳозирги қондалари қўйидагилардан ибораг:

1. Ҳаёт асосан ҳужайра шаклида мавжуд, барча организмлар ҳужайрадан ташкил топган. Ҳужайра тирикликтининг тузилиши, функцияси ва ривожланишининг энг кичик бирлигидир.


2. Ҳужайралар фақат бўлиниш орқали кўпаяди. Ҳаётнинг узвийлиги ҳужайра билан боғлиқ. Ҳужайра умумий ирсийликнинг асосий бирлигидир.

3. Барча тирик организмлар ҳужайраларининг тузилиши, кимёвий таркиби, ҳаёт фаолияти ва моддалар алмашинувининг асосий хусусиятлари ўхаш.

4. Ҳужайра биологик информация ҳосил бўладиган, қайта ишланадиган, энергия йигиладиган, сарфланадиган ва бошқа хил энергияга айланадиган мураккаб қурилмадир. Ҳужайравий тузилиш ирсий ахборотнинг сақланиши, кўпайиши ва узатилишининг амалга оширилишини таъминлайди.

5. Мураккаб тузилган кўп ҳужайралиларнинг ҳужайралари функциясига биноан ихтисослашиб, тўқималарни ҳосил қилиди; тўқималардан органлар ҳосил бўлади.

Органик олам ўзининг ҳужайравий тузилиши билан аиорганик оламдан фарқ қиласа ҳам кимёвий таркиби билан унга ўхшайди; ўсимлик ва ҳайвон ҳужайралари тузилишида кўп ўхашликлар мавжуд: Бу далиллар органик ва аиорганик олам ўртасида узвий боғлиқлик борлигини, ўсимлик ва ҳайвонларнинг келиб чиқишидаги умумийликни кўрсатади. Шундай қилиб, 19-асрда ва 20-асрнинг биринчи ярмида олиб борилган тадқиқотлар туфайли ҳужайранинг тузилиши ва таркибида доир маълумотлар кўпайди. Бу эса ҳужайрани ўрганувчи цитология (грекча «цито» — ҳужайра, логос—фан) Фанининг вужудга келиши ва ривожланишига олиб келди. Цитологияда тадқиқотлар турли хилдаги объектларни 3000 марта ва ундан кўпроқ катталаштириб бера оладиган ёруғлик микроскоплари ёрдамида олиб борилади. Бир неча юз минг марта катталаштирадиган электрон микроскопларнинг кашф этилиши ва қўлланилиши ҳужайранинг кўпчилик субмикроскопик тузилмаларни ўрганиш имконини берди. Ҳозирги вақтда ҳужайра структураларини ажратиб олиб ўрганишда минутига юз минг марта гача айланма тезланиш ҳосил қиладиган ультрацентрифугалар ишлатилади. Ҳужайрадаги кимёвий моддаларнинг аҳамияти замонавий биокимёвий усуслар ёрдамида аниқланади.



78-расм. Усимлик ҳужайрасининг тузилиши схемаси:


1 — Голжи комплекси, 2 — цитоплазмадаги рибосомалар, 3 — хлоропластлар, 4 — митохондриялар, 5 — лизосомалар, 6 — гадир-будур эндоплазматик түр, 7 — силлик эндоплазматик түр, 8 — пластидлар, 9 — цитоплазматик мембрана, 10 — ҳужайра девори, 11 — ядро қобиги, 12 — ядро, 13 — ядроча, 14 — ядро қобиги пүстидаги тепинчалар, 15 — вакуоль.

ҲУЖАЙРАНИНГ ТУЗИЛИШИ

Барча тирик организмлар ҳужайралардан таркиб топган. Ҳужайраларнинг шакли ва тузилиши ҳар хил. Лекин уларнинг тузилишида ўхшашликлар ҳам бор. Ҳамма ҳужайралар қобиқ, ядро, цитоплазма ва унда жойлашган органоидлардан тузилган (78—79-расмлар).


Ҳужайра қобиги. Ҳужайра қобиги мураккаб тузилган бўлиб, ташқи қават ва унинг остида жойлашган плазматик мембрана — плазмолеммадан иборат. Ҳайвон ҳужайраси қобиги жуда юпқа ва эластик, ташқи томондан гликопротеин комплекс — гликокаликсдан иборат. Гликокаликсдаги рецепторлар ҳужайранинг ташқи муҳит ва бошқа ҳужайралар билан бояннишини таъминлайди. Усимлик ҳужайраси қобиги ташқи томондан қалин целлюлозадан иборат бўлиб, таянч вазифасини ўтайди (19-жадвал).

Плазмолемма — ҳамма ҳужайралар учун бир хил бўлган элементар биологик мембрана. Унинг таркибига липидлар, оқисиллар, мураккаб органик бирикмалар — гликопротеинлар, гликолипидлар ва бошқа бирикмалар киради. Кўпчилик олимлар томонидан тан олинган *суюқлик* — мозаика моделига кўра плазмолемманинг асосини икки қатор жойлашган липид мо-



79-расм. Ҳайвон ҳужайрасининг тузилиш схемаси:

1 — цитоплазматик мембрана, 2 — вакуоль, 3 — центросома, 4 — Голжи комплекси, 5 — ядро мембранныси, 6 — ядро, 7 — ядроча, 8 — митохондрия, 9 — эндоплазматик түр, 10 — цитоплавма, 11 — рибосомалар.



80-расм. Цитоплазматик мемрананинг тузилиши:

1 — элиокаликс қобиқ (полисахаридлар), 2 — липид молекуласининг иккита қавати, 3 — оқсиллар, 4 — цитоплазма.

лекулалари ташкил этади. Молекулаларниң сувда әримайдыган гидрофоб қисми мембрана ички томонида, сувда әрйайдыган гидрофил қисми мембрананинг иккни ташқи томонида жойлашган. Оқсил молекулалари мембранада ҳар хил тартибда жойлашади; жойларини ўзгартыриб, суюқ липид қаватида сузиб юради (30-расм). Мембрана сиртидаги оқсил молекулалари углеводлар билан бирикиб, гликопротеинлар ва гликокаликсни ҳосил қилиши мумкин. Ҳужайралар бир-биридан ўзларининг гликопротеинлари билан фарқ қиласи ва улар орқа-

19- жадвал. Үсімлік ва ҳайвон ұжайрасини солиши

Белгілары	Үсімлік ұжайраси	Ҳайвон ұжайраси
Пластидлар	Хлоропластлар, хромопластлар, лейкопластлар	Бұлмайди
Озиқланиш усули	Автотроф, фототроф	Гетеротроф (фитофаг, паразит, йүртқыч, сапрофаг)
АТФ синтезлаңиши АТФ парчаланиши	Хлоропластлар ва митохондрияларда Хлоропластларда ва ұжайраннинг энергия сарф қилинадиган барча қисмларда	Митохондрияларда
Ҳужайра марказы Ҳужайра қоғанғининг сиртқи қавати Ҳужайра киритмалари	Тубан үсімліклар ҳужайрасида Целлюлозадан иборат	Ҳамма ҳайвонлар ҳужайрасида Гликокаликсдан иборат
Вакуоллар	Крахмал, оқсил доначалары, ёғ томчилари шаклидаги захира моддалари: ҳужайра шираси бұлған вакуоллар; тузлар кристаллары	Доначалар ва томчилар шаклидеги озиқ моддалар (оқсиллар, ёғлар, гликоген) модда алмашинуви охирги маҳсулотлари, туз кристаллари, пигментлар Қисқарувчи ва ҳазм қилувчи. Айриш вакуоллари одатта майда бұлади
Лизосомалар Хусусий органоидлар	Захира озиқ ёки моддалар алмашинуви охирги маҳсулотлари эритмасидан иборат ҳужайра шираси билан тұлған йирик бұшлықтар Замбуруг ҳужайралариде бұллади Микронайчалар, хивчинлар	Ҳамма ҳайвонлар ҳужайрасида бұлади Микрофибрillар, хивчинлар, киприклар, миофибрillар, нейрофибрillар, тонофибрillар Диффузия, пиноцитоз, фагоцитоз
Сув ва озиқ моддаларининг ҳужайра ичиги үтиши	Диффузия, пиноцитоз	

ли бир-бирини танийди. Гликопротеинлар ҳужайраларни бириктириб, тұқима ҳосил қилишда иштирок этади.

Плазматик мембрана ҳужайра ички мұхити учун ҳимоя—түсік, унинг сиртидеги гликокаликс эса рецепторлық вазифасини бажаради (19-жадвал). Мембрана орқали ҳужайра ічки мұхити билан ташқи мұхит ўртасида моддалар алмашиниб туради. Мембрана چала ўтказуучанлик хусусиятига эга. У орқали молекула массаси кичик моддалар пассив, яъни диффузия ҳамда актив транспорт йўли билан үтиши мумкин. Биринчи ҳолда моддалар сувда эриган ҳолда концентрацияси кам бўлган томонга ўтади. Сувнинг мембрана орқали үтиши осмос

дейилади. Актив транспорт эса АТФ энергияси ҳисобига моддаларнинг концентрацияси паст томондан кўп томонга ўтишидан иборат. Масалан, Na^+ ионларининг ҳужайрадан ташқариға чиқарилиши, K^+ ионларининг ҳужайра ичига киритилиши худди шу тарзда содир бўлади.

Ҳужайра мембранаси орқали йирик молекулали моддалар ёки зарралар эндоцитоз орқали ўтади. Бу жараён фагоцитоз ёки циноцитоз усулда содир бўлади. Фагоцитоз фақат ҳайвон ҳужайралари учун хос. Бу йирик қаттиқ моддалар мембранага яқин келганида уларнинг ўраб олиниши ва ҳужайра ичига киритилиши (эндоцитоз)дан иборат (бир ҳужайралилар, лейкоцитлар). Пиноцитозда эса сувда эриган моддалар майдатомчилар ҳолида қопчиқ (мембрана)га ўралиб, ҳужайра ичига ўтади. Пиноцитозда барча ҳайвон ва ўсимлик ҳужайралари учун хос. Эндоцитозга тескари жараён экзоцитоз дейилади. Унда ҳазм бўлмасдан қолган моддалар ҳужайрадан ташқарига чиқарилади.

Ўсимлик ҳужайралари мембранныда жуда ингичка найчалар бўлади. Улар орқали ҳужайралар орасида моддалар алмашинуви содир бўлади. Плазматик мембраннынг ички қисмида ҳужайрага шакл берадиган, таянч ва қисқариш функциясини бажарадиган микронайчалар ва микрофибрillар мавжуд.

Цитоплазма органоидлари. Цитоплазма — ҳужайранинг ички муҳити, ҳужайранинг барча таркибий қисмларини бир бутун қилиб боғлаб туради. Унинг таркибида оқсилилар, ферментлар, РНК, полисахаридлар, липидлар бўлади. Ҳужайранинг буферлик хусусияти ҳам цитоплазма билан боғлиқ. Цитоплазмада органоидлар жойлашган. Органоидлар ҳужайрада муайян функцияни бажарадиган, доимий шакл ва тузилишга эга бўлган ҳужайра қисмларидан иборат. Барча ҳужайраларда учрайдиган органоидлар умумий, фақат айрим ҳужайралар учун хос бўлган органоидлар эса хусусий органоидлар деб аталади. Масалан, хивчинлар ва киприклар уруғ ва эпителий ҳужайралари ҳамда бир ҳужайралилар учун хос бўлса, миофibrilllar мускуллар, нейрофибрillар нерв ҳужайралари учун хос бўлган хусусий органеллалар ҳисобланади.

Органоидлар бир мембранали (эндоплазматик тўр, Голжи комплекси, лизосома), икки мембранали (митохондрия, пластида) ва мембранасиз (рибосома, центриолалар) бўлади.

Эндоплазматик тўр жуда кўп шоҳланган найчалар ва цистерналар системасидан иборат. Найчалар органоидлар ва ҳужайра қисмларини ўзаро боғлаб туради. Найчалар донадор ва силлиқ бўлади. Донадор найчаларда рибосомалар жойлашган бўлиб, оқсилилар синтезланади. Силлиқ қисмида эса рибосомалар йўқ; у ерда ёғлар, углеводлар ва пигментлар синтезланганлиги туфайли жигар, мускул ва ўсимлик ҳужайраларида кўп бўлади. Эндоплазматик тўр асосан органик моддалар-

ни синтез қилиш ва шу синтез маҳсулотларини турли органоидларга етказиб бериш вазифасини бажаради.

Рибосомалар. Рибосомалар мавжудлигини француз олим Г. Палладе (1953) аниқлаган. Рибосомаларда пептид (P) ва аминокислота (A) фаол марказлари бор. Рибосомалар эндоплазматик түр мембраннысида боғланган ёки эркин ҳолда тұп тұп *полисома* күринишида учрайди. Уларда мембраннылар бұлмайди; таркиби 50% оқсил ва 50% р-РНК дан иборат. Рибосомалар ҳужайра ядросида ҳам топилған, улар оқсиллар синтезида иштирок этади. Рибосомалар ядрочада синтезләніб, цитоплазмага чиқарылади.

Митохондрийлар. Митохондрийлар катталиги 0,2—7 мк, ҳар бир ҳужайрада уни бажарадиган вазифасига боғлиқ рационалда 2—3 дан 1000 гача митохондрийлар бұллади. Электрон микроскопда митохондрийлар иккі қават—ташқи ва ички мембрана билан үралғанлыгын күриш мүмкін. Ички мембранны митохондрия бұшлиғыда күп марта букилиб, кристаллар ҳосил қиласы. Улар орасида суюқ масса — матрикс билан тұла катақталар бұллади. Митохондрийларда углеводлар, аминокислоталар, ёғ ва органик кислоталар парчаланади, нафас олиш жараёни бошқарылып турилади. Митохондрийлар ҳужайрада борадиган оксидланиш-қайтарилиш жараёнларини амалға оширади ва шу жараёнда ажралиб чиққан энергияни АТФ ҳолидегі тұплайди, яъни ҳужайранинг «электр станциясы» ҳисоблады.

Лизосомалар — ҳужайранинг жуда кичик (0,25—0,8 мк) органоидлари. Уларда оқсиллар, углеводлар, нуклеин кислоталар ва бошқа озиқ моддаларни парчаловчи 40 га яқин гидролитик ферментлар жойлашған, аммо ёғларни парчаловчи ферментлар бұлмайди. Шунинг учун ҳам ёғлар ҳужайрада тұпланды. Бирламчи лизосомалар дастлаб Гольжи аппаратыда ҳосил бўллади. Уларнинг ферментлари ноактив бўллади. Кейинчалик улар фагоцитоз ёки пиноцитоз вакуоллари билан қўшилганидан сўнг ферментлари активлашиб, иккиламчи лизосомалар, яъни ҳазм қилиш вакуолларига айланғандан сўнг ҳазм қилиш жараёни бошланади. Лизосомаларнинг асосий вазифаси ҳужайрага фагоцитоз ёки пиноцитоз орқали ўтган озиқ моддаларни парчалаб ҳазм қилишдан иборат. Ҳаёт жараённан нобуд бўлған ҳужайралар ёки уларнинг қисмлари ва ўз аҳамиятини йўқотган органларнинг парчаланиши, ҳазм бўлиши ҳам лизосомаларга боғлиқ. Масалан, итбалиқнинг бақага айланыш даврида уларнинг думи лизосомалар ферменти ёрдамида астасекин парчаланиб ҳазм бўллади. Озиқ моддалар танқис бўлганида лизосомалар ҳужайра органоидларини *автолиз* (орган ва тўқималарнинг ўз-ўзидан емирилиши) қиласы. Ўсимликларда содир бўладиган автолиз туфайли ўлик пўкак тўқимаси ва ёғочлик найлари ҳосил бўллади.

Пластидлар фақат ўсимлик ҳужайраларида бўллади. Уларнинг уч хили (хлоропластлар, хромопластлар, лейкопластлар)

мавжуд. Хромопластлар рангли бўлиб, ўсимлик гули, меваси ва бошқа органларида мавжуд. Лейкопластларда крахмал, ёф ва оқсил моддалар тўпланади. Хлоропластлар асосан баргларда жойлашган, яшил рангли органоид бўлиб, уларда фотосинтез жараёни амалга ошади. Пластидларнинг биринчиси га айланиши мумкин.

Хлоропластлар — икки мембранали. Уларнинг ички қисми — стромасида жуда кўп ферментлар жойлашган. Стромасида мембрана билан чегараланган тилакоид бўшлиқлар бўлади. Тилакоидларда хлорофилл пигменти бўлади. Тилакоидлар устма-уст жойлашган тангаларни эслатади, улар баъзан гранулар деб ҳам аталади. Хлоропластларнинг ҳам авнотом оқсил синтезловчи аппарати, яъни, ДНК, РНК, рибосомалари, ферментлари бўлади. Хлоропластларда ёруғлик энергияси ҳисобиға фотосинтез амалга ошади, АТФ ва углеводлар синтезланади.

Вакуолларда сув ва минерал моддалар тўпланиб, ҳужайра шираси ҳосил бўлади. Вакуол ўсимлик ҳужайраларининг катта қисмини эгаллайди. Ҳайвон ҳужайраларида улар жуда кичик бўлади. Бир ҳужайрали ҳайвонларнинг вакуоллари ҳазм қилиш, айриш ва қисқариш вазифасини бажаради.

Гольжи аппарати италиялик олим К. Гольжи (1898) томонидан очилган, ядро атрофида жойлашган ва мураккаб тузилишга эга бўлган орган. Гольжи аппарати ясси бўшлиқлар ва пуфакчалардан иборат. Бўшлиқлар эндоплазматик тўр найдачлари билан қўшилиб кетади. Эндоплазматик тўрда синтезланган моддалар Гольжи аппарати бўшлиғига ўтади, у ерда концентрланиб, муайян шаклга киради ва ҳужайрадан ташқариға чиқарилади ёки ҳужайрада сарфланади. Гольжи аппарати углеводлар синтезида, лизосомалар ва ҳужайра мембранныси ҳосил қилишда иштирок этади. Бу органоид ҳужайрадаги сув режимини тартибга солиш, ҳужайрадаги чиқинди ва заҳарли моддаларни тўплаш ҳамда вакуол ҳосил бўлишида фаол иштирок этади.

Ҳужайра маркази бир-бирига перпендикуляр жойлашган иккита танача центриоллардан ташкил топган. Диаметри 0,4—0,9 мк атрофида бўлади. Ёпиқ уруғиллар ҳужайрасида бўлмайди. Ҳужайра маркази ҳужайра бўлинишида муҳим аҳамиятга эга.

Махсус органоидлар ҳужайранинг алоҳида бир қисми бўлиб, қисқариш (миофибриялар) таъсиротни ўтказиш нейрофибриллар) ва ҳаракатланиш (хивчинлар, киприклар) вазифасини бажаради.

Ҳужайра киритмалари ҳужайранинг доимий элементлари бўлмасдан фақат ҳужайра ҳаёт фаолиятининг маълум бир даврларидагина ҳосил бўлади. Киритмаларга крахмал, ёф томчилари, гликоген, оқсил ва бошқалар киради.

Ядро. Ядро ҳужайранинг энг асосий таркибий қисми бўлиб, инглиз олими Р. Броун (1833) томонидан аниқланган. Ўдеяр-

20- жадвал. Ҳужайра таркибий қисмларининг түзилиши ва функцияси

Таркибий қисмлар	Түзилиши	Функцияси
1	2	3
Ҳужайра қобиги	Сиртқи гликокалис ёки цеиллюзоза, ости плазматик мембранадан иборат	Таянч, тургор, ҳимоя, ҳужайраларни ўзаро боғлаш, рецепторлик
Плазматик мембрана	Икки қават жойлашган липид ва улар орасида сузиб юрадиган оқсил молекулалардан иборат	Ҳимоя-тўсиқ, ҳужайрага моддаларнинг ўтишини бошқариш, фагоцитозда иштирок этади
Цитоплазма	Таркиби сув ва органик моддалардан иборат қуюқ модда	Ҳужайра таркибий қисмларини бир бутун қилиб боғлаб туради
Эндоплазматик түр	Найчалар, бўшлиқлар, пухфакларни ҳосил қилувчи силлиқ ва донадор мембраналар системасидан иборат	Моддаларни ҳужайра ичада ва ҳужайралар ўртасида ташиш. Оқсил синтезида қатнашиш, липидлар ва углеводлар синтезлаш; АТФ ташиш Эндоплазматик түр, цитоплазма, қисман митохондрия ва хлоропластлар таркибига киради. Оқсиллар синтезлайди
Рибосомалар	Думалоқ, мембранасиз катта ва кичик бирликлардан иборат. Таркиби оқсиллар, р-РНК киради	Ҳужайрага кирадиган синтезланган ва парчаланиш маҳсулотларини пухфакчалар ҳолида чиқариш, углевод синтезлаш, ҳужайра мембранаси ва лизосомалар ҳосил қиласди
Гольжи комплекси	Бир мембранали ясси бўшлиқлар, ўроқсимон тапачалар, йирик ва майдада пухфакчалардан иборат ҳаракатчан ва ўзгариб турадиган органоид	Ҳайвон ва айрим тубан ўсимликлар ҳужайраси бўлинishiда бўлиниш дукини ҳосил қиласди
Ҳужайра маркази	Мембранасиз иккита центриол. Ҳар бир центриол 9 тадан микронайчадан тузилган	Ҳазм қилиш, кераксиз ҳужайра қисмларини автолиз қилиш, ҳазм ва қуолаларини ҳосил қилиш
Лизосомалар	Бир мембранали думалоқ органоид	Нафас олиш ва энергетик марказ. Органик моддаларни кислородли парчаланишида ҳосил қилинган энергиядан АТФ синтезлайди. Ўз оқсилини синтезлайди
Митохондриялар	Икки мембранали, ташки мембранаси силлиқ, ички мембранасиз кристаллар ҳосил қиласди. Ўз ДНК, РНК ва оқсилларига эга	Ўсимлик ҳужайраларида анорганик мөддалардан ёруғликда фотосинтез орқали углевод ва эркин кислород ҳосил қиласди. Ўз оқсилини синтезлайди
Хлоропластлар	Икки мембранали. Ички мембранаси строма ва гранлар тилакоидларини ҳосил қиласди. Гранлар тилакоидларида хлорофилл пигменти бор, Ўз ДНК, РНК ва оқсилларига эга	Ўсимликларда учрайди, гулларга ранг беради. Пиши
Хромопластлар	Икки мембранали, қизил, пушти ёки сариқ рангли	

	Түзилиши	Функциялары
1	2	3
Лейкопластлар	дұмалоқ танача. Хлоропластлардан каротиноид кристаллары шаклида ҳосын бұлады Иккى мембраниалы рангсиз танача, иккى мембранасы 2—3 та үсікчалар ҳосил қиласы	ган мева ва күзги барғаларда каротинонд кристаллары шаклида бұлады
Киприкчалар	Мембрана юзасидаги күп соңлы үсімталар	Үсімликларда учрайди. Пропластилар ҳосил бұлады. Озиқ маддалар (крахмал) түплайды. Еруғында хлоропластларға айналады. Нафас олиш үйінде — өнгөннен тутып қолады, бир жүжайралыларда қарақаланыш вазифасини бажарады
Хивчинлар	Мембрана юзасидаги цитоплазматик үсімталар	Сперматозоидлар, зооспоралар ва бир жүжайралыларда қарақаланыш вазифасын бажарады
Миофибриллар	Ингіліска ишталар	Мускуларнинг қысқарышыни таъминнайды
Сохта оёқлар	Цитоплазманиң вақтинге қалыптырылған мембранның үсімталары	Хайвондарда озиқ маддаларни қамрап олувчи ва қарақалантирувчи органоидлар

ли барча ўсимлик ва ҳайвон ҳужайраларининг доимий қисми ҳисобланади. Қўпчилик ҳужайралар бир ядроли бўлади. Ядроларнинг шакли шарсимон, тухумсимон, урчуқсимон, линзасимон бўлиши мумкин. Ядро суюқлиги цитоплазмадан кескин фарқ қилиб, қуюқ ва ёпишқоқ бўлади. Унинг кимёвий таркиби мураккаб оқсиllар, ДНК, РНК, липидлар, сув, кальций ва магний каби элементларга бой бўлади. Ядро ядро мембронаси, ядро шираси, хроматин ва ядрочалардан иборат (20-жадва).

Хроматин ДНК ва оқсилнинг мураккаб бирикмасидир. Улардан хромосомалар шаклланади. Хромосомалар немис олими Валдер (1888) томонидан аниқланган. Одатда хромосомалар ҳужайраларнинг бўлиниш даврида кўринади. Ўларнинг сони доимий бўлиб, соматик (жинссиз) ҳужайраларда диплоид (жуфт), жинсий ҳужайраларда гаплоид (тоқ) бўлади. Ҳужайрадаги хромосомалар сони ҳар бир тур организмларнинг узига хос бўлган характеристики белги ҳисобланади.

Ядро ядронинг ичидаги жойлашган, фақат интерфаза ҳолидаги ҳужайраларда бўлади. Митоз жараёнида йўқолиб кетади; митоздан сўнг яна шаклланади. Ядрочанинг шакли юмалоқ. Ҳар бир ядрода битта ёки бир неча ядроша айрим РНК синтезловчи хромосомалар таркибига киради. У оқсил ва РНК

21- жа двал. Ядронинг тузилиши ва функцияси

Ядро структураси	тузилиш схемаси,	Функцияси
Ядро қобиги	Икки мембрани, майда тешикчалари бор. Гашқи мембранаси бевосита эндоплазматик ғүр билан боғланган. Фақат әукариот ҳужайраларда бўлади. Ҳужайра бўлинганида эриб кетади	Ядрони цитоплазмадан ажратиб туради. РНҚ ва рибосомалар бўлагини ядродан цитоплазмага ўтишини, оқсиллар, ёғлар, углеводлар, АТФ, сув ва ионларнинг ядрога ўтишини бошқариб туради
Хромосомалар	Интерфазада ипсимон шаклдаги ДНҚ ва оқсилдан ибораг. Бўлинаётган ҳужайраларда спираллашиб хромосомалар ҳосил бўлади. Хромосомалар бўлинниш олдида икки хроматидли, бўлиннишдан сўнг бир хроматидли бўлади.	Хроматинлар ирсий белгиларни ташувчи ДНҚга эга. Хромосомалар ДНҚси орқали ирсий белгилар наслдан-наслга ўтади. Хромовомаларда ДНҚ ва иРНҚ синтезланади
Ядроча	Оқсил ва РНҚдан иборат шарсими танача. Айрим хромосомаларнинг иккиламчи белбогида ҳосил бўлади. Ҳужайра бўлиннишида йўқолиб кетади	Оқсил ва РНҚдан рибосомаларнинг ярим бўлагини ҳосил қиласди
Ядро шираси	Оқсиллар, нуклеин кислоталар, углеводлар ва минерал тузларнинг коллонд эритмасидан иборат қуюқ модда	Моддалар ва ядро структурасини ташиш; ядро структуралари оралигини тўлдириши.

га бой бўлиб, моддалар синтезланадиган актив марказ ҳисобланади; уларда рибосомалар шаклланади.

Прокариотлар ва әукариотлар. Прокариотлар — ҳужайраси майда ва содда тузилган бир ҳужайрали организмлар. Мембрана билан чегараланган ядроси бўлмайди. Генетик системаси — *генофор* ҳужайра мембранаси билан бириккан битта ҳалқасимон оддий хромосомага мос келади. Хромосома таркибига қўш спиралли ДНҚ молекуласи, оқсиллар ва РНҚ киради. Прокариотларда митоз содир бўлмайди. Ҳужайра бўлинишида генофори ҳам икки ҳисса ошади ва ҳужайра мембронасига илашиб янги иккита ҳужайрага тақсимланади. Прокариотларда кўпчилик ҳужайра органоидлари бўлмайди. Цитоплазмасида жуда кўп (5000—50000) рибосомалар жойлашган. Прокариотларнинг рибосомалари таркибидаги оқсилларнинг миқдори ва бошқа хусусиятлари билан әукариотларнидан фарқ қиласди. Прокариотларга бактериялар ва кўк-яшил сув ўтлари (цианобактериялар) киради.

Бактериялар 0,5—100 мкм, ташки томондан ҳужайраси қаттиқ қобиқ билан ўралган, баъзан қобиқ устида шилимшиқ капсуласи ҳам бўлади. Айрим бактерияларнинг ҳаракатланиш

органоиди — хивчинлари ҳам ривожланган. Ҳужайрасида эндоплазматик түр, митохондриялар, Гольжи аппарати каби органоидлари бўлмайди, митохондриялар функциясни цитоплазматик мембрана бажаради. Иккига бўлиниш орқали кўпаяди. Жинсий кўпайиш конъюгация орқали амалга ошади.

Қўқ-яшил сув ўтлари (цианобактериялар) бактерияларга ўхшаш тузилган. Уларнинг ҳужайрасимон хлорофиллдан ташқари кўк ранг берувчи *фикоциан*, қизил ранг берувчи *фикоэритрин* ва сариқ ранг берувчи *каротин* пигментлари бор. Уларнинг шаклланган ядролари бўлмайди. ДНК молекулалари цитоплазмада жойлашган. Хлоропластлари йўқ, хлорофилл ушловчи мембраналар — *ламеллалар* цитоплазмада бўлади. Қўқ-яшил сув ўтларида митохондрийлар ва эндоплазматик түр бўлади. Бу эса уларнинг бактерияларга нисбатан эволюцион тараққиётнинг бирмунча юқори поғонасида турганилигини кўрсатади. Қўқ-яшил сув ўтлари ҳам ўсимликлар сингари органик моддалар синтез қилиш хусусиятига эга.

Ҳаётнинг ҳужайрасиз шакллари. Вируслар ва фаглар ҳаётнинг ҳужайрасиз шаклларига киради. Вируслар жуда маъда (20—300 нм) бўлганидан чинни фильтрлардан ҳам ўта олади; шунинг учун улар фильтрланувчи вируслар ҳам дейилади. Вируслар ўзининг метаболизм системаси бўлмаслиги билан бошқа организмлардан фарқ қиласди. Улар оқсил қобиқ *капсид* билан ўралган нуклеин кислоталардан ташкил топган. Ўзининг метаболизм системаси бўлмаганидан вируслар фақат тирик ҳужайра ичидаги кўпая олади. Вирусларнинг *генома* — генетик аппарати бир хилда тузилган бўлиб, ДНК ва РНК дан иборат. Бу билан улар генетик аппарати икки хилда тузилган бошқа организмлардан фарқ қиласди. Вируслар ирсий даражадаги паразитлар ҳисобланади. Ҳужайрага кириб олган вирус геноми *редупликацияланади* (икки ҳисса ортади); ҳар қайси геном оқсил қобиқ билан ўралади. Вирус заррачалари тўпланиб бориб, ҳужайра ёрилади ва улар ташқарига чиқади. Ҳужайрадан ташқарига вируслар кристалл кўринишга эга. Вируслар ўсимликлар, ҳайвонлар ва одамларда жуда кўп хавфли касалликларни пайдо қиласди. Масалан, қизамиқ, грипп, полиомиелит, гепатит, чечак худди шундай касалликлардан ҳисобланади. Ўсимлик вирусларидан тамаки мозаикаси вируси яхши ўрганилган бўлиб, таёқча шаклидаги ичи бўш цилиндрдан иборат. Цилиндрнинг девори оқсилдан тузилган, унинг ичидаги ирсий аппарати — РНК жойлашган. Бу вирус тамаки, нўхот ва бошқа ўсимликлар баргларидаги хлоропластларни емиради.

Бактериофаглар вируслардан ташқи тузилиши билан фарқ қиласди. Уларнинг шакли итбалиқча ўхшаш бўлиб, танаси бошча, дум ва бир неча ўсиқчадан иборат. Ташқи томондан танаси оқсил билан ўралган. Боши ичидаги геноми — ирсий аппарати, яъни ДНК жойлашган. Бактериофаг бактерияга «ҳужум» қилганида унинг деворини эритиб, ҳужайра ичига ўз

ДНҚ сини юборади. Натижада бактерия ҳужайрасида унга хос бўлмаган оқсил (бактериофаг оқсили) синтезланади ва оқибатда бактерия нобуд бўлади. Ана шу хусусиятларидан фойдаланиб бактериофаглардан тиббиётда ичбуруғ, терлама, вабо каби касалликларни даволашда фойдаланилади.

Эукариотлар—органоидлари яхши ривожланган ростмана йирик ҳужайралар. Уларга барча ҳайвонот дунёси вакиллари, замбуруглар, лишайниклар билан бирга кўк-яшил сув ўтларидан бошқа барча сув ўтлари ва яшил ўсимликлар киради.

ҲУЖАЙРАНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Ҳужайра таркибида Менделеев даврий системасининг 104 элементидан 60 таси топилган. Ҳужайра таркибига кирган элементлар *асосий элементлар, макроэлементлар ва микроэлементларга бўлинади*. Асосий элементларга кислород, углерод, водород ва азот; макроэлементларга калий, фосфор, олтингугурт, магний, темир, хлор, кальций, натрий; микроэлементларга рух, мис, молибден, йод, барий, литий, бром ва бошқалар киради. Бундан ташқари, ҳужайра таркибида жуда кам миқдорда учрайдиган ультрамикроэлементлар ҳам мавжуд. Ҳужайра таркибига кирадиган моддаларни анерганик (сув ва минерал тузлар) ва органик (оқсиллар, углеводлар, ёғлар, нуклеин кислоталар, витаминлар, гормонлар) моддаларга ажратиш мумкин.

АНОРГАНИК МОДДАЛАР

Сув. Анерганик моддалар орасида сув алоҳида аҳамиятга эга. Ҳужайрада сув миқдори ҳар хил бўлади. Масалан, ўсимлик уруғларида 8—14 %, баргларда 82 %, мускул тўқималарида — 76 %, одам бош миёсида — 86 %, ўт суюқлиги ва қон плазмасида 90 %, одам ва ҳайвон эмбрионлари, айрим мевалар таркибида эса 95 % гача сув бўлади. Сув организмда жуда катта аҳамиятга эга. Ҳужайранинг физик хоссалари, ҳажми ва *тургор* (таранглик) ҳолати сув билан боғлиқ. Ҳужайрадаги молекулаларнинг кўпчилиги сувда эриган ёки сувдан иборат қобиқ билан үралган. Кўпчилик кимёвий реакциялар сув муҳитида боради. Сувнинг ўзига хос физик-кимёвий хоссаси молекуласининг *биполяр* (икки қутбда) бўлиши билан боғлиқ. Биполярлик туфайли сув молекулалари бир-бири билан ва бошқа моддалар молекуласи билан *водород боғлар* ҳосил қиласди. Сув молекулаларининг қутбланиши туфайли кўп моддаларнинг молекулалари сувда эритма ҳолатига ўтиб, кимёвий реакцияларда иштирок этади. Озиқ моддалар, ионлар, турли метаболитлар, гормонлар ва физиологик фаол моддалар сув орқали ташилади. Ҳужайрада кечадиган кимёвий реакцияларнинг сув муҳитида ўтиши ҳаётни сувда пайдо бўлганидан дарак беради. Ниҳоят, сув организмда парчаланиш реакцияларида қатнашади.

Молекулаларининг қутбланиши туфайли сув жуда кўп моддалар билан электростатик, яъни водород боғлар ҳосил қиласиди. Сув молекулалари билан моддалар молекулалари ўртасидаги тортилиш кучи сув молекулалари ўртасидаги тортилиш кучидан ортиқ бўлса, модда сувда яхши эрийди ва *гидрофил* (гречка «гидро» — сув, «филео» — севаман) деб аталади. Гидрофил моддаларга минерал тузлар, кислоталар, спиртлар, алдегидлар, кетонлар, аминлар, оқсиллар, углеводлар ва **бошқалар** киради. Сув молекулалари билан моддалар молекулалари ўртасидаги тортилиш кучи сув молекулалари ўртасидаги тортилиш кучидан кам бўлса, моддалар сувда яхши эримайди ва *гидрофоб* (гречка «фобос» — қўркув) бўлади. Уларга ёғлар, холестрин, Д витамини, стероидлар, целлюлоза, каротиноидлар, каучук ва бошқалар киради. Ҳужайрадаги сув икки хил, яъни боғланган ва боғланмаган (эркин) ҳолатда бўлади.


Минерал тузлар. Ҳужайра таркибига кирувчи минерал тузлар диссоциланган катионлар (Na^+ , K^+ , Ca^{2+} , Mg^{2+}) ёки анионлар (HPO_4^{2-} , H_2PO_4^- , Cl^- , HCO_3^-) ҳолида учрайди. Ҳужайра мембранаси танлаб ўtkазиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳужайра ташқарисидаги муҳит билан ҳужайра таркибидаги элементларнинг миқдори бир хил бўлмайди.

Ҳужайра таркибига кирадиган элементлар турли вазифани бажаради. Масалан, фосфор тиш ва скелет сүякларининг ўсиши, моддалар ва энергия алмашинувида, ДНК синтези ва бошқа жараёнларда иштирок этади. Магний элементи хлорофилл пигменти таркибига киради. Ҳайвон ҳужайларидаги магнийнинг кам бўлиши юрак фаолиятининг бузилиши, мускулларнинг тез-тез тортишиб қолиши ва нерв системаси қўзғалувчалигининг ортиб кетишига сабаб бўлади.

Ҳужайра таркибига кирувчи анионлар унинг ички муҳити доимиyllиги (кучсиз ишқорий ёки нейтрал) ва буферлик хусусиятларини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.


ОРГАНИК МОДДАЛАР

Оқсиллар. Оқсиллар биополимерлар бўлиб, 20 хил аминокислотадан ташкил топган. Аминокислоталар амино ва карбоксил гурӯҳларидан иборат. Аминокислоталарнинг умумий формуласини қўйидагича ёзиш мумкин.



Ҳар хил аминокислоталар бир-биридан радикаллари билан фарқ қиласиди. Масалан, радикал — CH_3 аланин, — CH_2-COOH бўлса аспараген дейилади. Радикалнинг табиатига қараб, аминокислоталарни шартли равишда *ациклик* зан-

жирли ва циклик (ёпиқ занжирли) гурухларга бўлиш мумкин. Циклик аминокислоталар кўпчилик ҳолларда ароматик (хушбўй) аминокислоталар ҳам дейилади. Аминокислоталарнинг сувда эриш даражаси турлича бўлиб, улар эритмаларда биполяр ионлар ҳолида бўлади. Аминокислоталарнинг амино- ва карбоксил группалари ўзаро пептид ($-\text{CO}-\text{NH}-$) боғлари орқали бирикиб, оқсил молекуласини ҳосил қиласди;



Оқсилларда пептид боғлар билан бирга дисульфид $-\text{S}-\text{S}-$ ва водород боғлар ҳам учрайди. Оқсиллар юқори молекулали бўлганлиги туфайли уларнинг молекуляр массаси бир неча мингдан бир неча миллионгача бўлади.

Оқсилларнинг биологик активлиги улар молекуласининг структурасига боғлиқ. Оқсил молекулаларининг тўртта структураси мавжуд. Оқсилнинг бирламчи структураси оқсил молекуласини ташкил этадиган бир ёки бир неча полипептид занжирдаги аминокислоталар қолдифининг кетма-кет жойлашишидан ҳосил бўлади. Бу структурани кўп такрорланадиган пептид боғи ($-\text{CO}-\text{NH}-$) ҳосил қиласди.

Оқсилларнинг иккиласми структураси оқсил молекуласида ги полипептид занжирининг спиралсимон шаклда тузилишидан ҳосил бўлади. Иккиласми структура спирал ўрамлари карбоксил ва амин гурухлари ўртасида ($\text{C}-\text{O}-\text{N}-\text{H}$) ҳосил бўладиган водород боғлари ёрдамида бир-бирига тортилиб туради. Оқсилларнинг учламчи структураси спирал тузилган полипептид занжирларнинг ҳар хил куч таъсирида ўзига ҳосил тарзда букланиши натижасида ҳосил бўлади. Учламчи структура ҳосил бўлишида бир қанча кимёвий боғлар иштирок этади. Аммо уларнинг энг муҳими спирал ўрамлар ўртасидаги дисульфид ($-\text{S}-\text{S}-$) боғлардир. Шунингдек, радикаллараро боғланишлар (ион, водород ва бошқалар) ҳам муҳим аҳамиятга эга. Оқсилларнинг тўртламчи структураси иккита ва ундан ортиқ полипептид занжирли оқсиллар учун ҳос бўлиб, оқсил молекулаларини ҳар хил боғлар ёрдамида ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади. Ўндаги ҳар бир полипептид занжир протомер, яъни кичик бирлик, молекуланинг ўзи эса мультимер, яъни эпимолекула дейилади. Тўртламчи структура ҳосил бўлишида оқсиллар молекуласида учрайдиган барча кимёвий боғлар, хусусан водород, дисульфид, электростатик ва гидрофоб боғлар иштирок этади. Оқсилларнинг тўртламчи структурасига гемо-

глобин оқсилидаги түртта оқсил молекуласининг Fe (темир) элементи ёрдамида бириккан ҳолатини күрсатиш мумкин.

Оқсилларнинг турли физик ва кимёвий таъсирлар туфайли ўзининг табиий хусусиятларини йўқотиши денатурация дейилади. Денатурация натижасида оқсил молекуласининг фазовий тузилишини белгилайдиган турли хил боғлар, асосан водород ва дисульфид боғлар бузилади. Таъсир кучига биноан денатурация қайтар ва қайтмас бўлиши мумкин. Оқсил чўккандан сўнг унга сув қўшилганда яна дастлабки ҳолатга қайтса, бу ҳодиса оқсилларнинг қайтар чўкиши дейилади. Оқсилларнинг қайтар чўкишига уларнинг спирт, ацетон ва баъзи туз эритмалари таъсирида чўкишини кўрсатиш мумкин. Қайтмас чўкишда эса оқсил чўкмаси сув қўшилганида ўз ҳолатини тиклай олмайди. Бунга оқсилларнинг юқори ҳарорат, ионлаштирувчи нурланиш, ультратавуш сингари физик таъсирлар ва кучли ишқор ёки кислота, оғир металлар тузлари, органик эритувчилар таъсирида чўкиши мисол бўлади.

Оқсилларнинг аҳамияти. Оқсилларда ҳаёт учун хос бўлган барча асосий хусусиятлар мужассамлашган. Оқсиллар ҳужайранинг қурилиш материали бўлиб, ундаги барча органоидлар таркибиغا киради. Улар ферментатив хусусиятга эга. Моддалар алмашинуви жараённида борадиган барча кимёвий реакциялар фақат ферментлар таъсирида катализаланди. Ферментлар кимёвий реакцияларни жадаллаштирувчи биологик катализаторлар бўлиб, табиатига кўра энг юқори даражада ихтинослашган оқсил моддаларди. Реакцияга фермент молекуласининг ҳамма қисми эмас, балки унинг фаол марказ деб атала-диган қисми таъсир қиласди. Ҳар бир фермент маълум бир реакцияни жадаллаштиради. Оқсиллар ҳайвонларнинг мускуллари, қисқарувчи толалари, миофабриллари, хивчинлари ва киприкчалари таркибиغا кириб, қисқарувчанлик ва ҳаракатланиш жараёнларида иштирок этади.

Оқсиллар тирик организмларда ҳимоя вазифасини бажаради. Улар организмга кирган ёт моддаларни емирувчи махсус танаачалар — антителалар ҳосил қиласди.

Биологик актив моддаларни боғлаш ва ташишда ҳам оқсиллар қатнашади. Масалан, эритроцитлар таркибидаги гемоглобин оқсили O₂ ва CO₂ ни, қон зардобидаги альбумин оқсили ёғсимон моддалар ва гормонларни ташийди.

Оқсиллар энергетик функцияни ҳам бажаради. Бир грамм оқсил парчаланганда 17,6 кЖ ёки 4,2 қкал энергия ажралади. Бу энергия ҳужайранинг турли ҳаётний жараёнларига сарфланади.

Углеводлар ўсимлик таркибий қисмининг 80—90% ни, одам ва ҳайвон организмининг атиги 2% ни ташкил этади. Углеводларнинг озиқ сифатидаги аҳамияти тўқималарда осонлик билан парчаланиб, ҳаётий жараёнлар учун зарур энергияни ажратиб чиқаришига боғлиқ. Ўсимликларда углеводлар фотосинтез жараёнида ҳосил бўлади. Углеводлар целлюлоза

шаклида ўсимлик ҳужайралари қобиғини ҳосил этади ва ўсимлик дони, уруғи, илдизи ва мевасида запас ҳолида түпланади.

Углеводлар тузилишига биноан моносахаридлар (глюкоза, фруктоза) олигосахаридлар (сахароза, лактоза, раффиноза) ва полисахаридлар (крахмал, целлюлоза, гликоген, инсулин) га бўлинади.

Углеводлар ўсимликларда структура (қурилиш) материали вазифасини бажаради. Ҳайвонларда улар оқсилилар билан комплекс ҳолида суюклар, тоғайлар, пайлар таркибига киради. Углеводлар парчаланганида (1 г. ҳисобига) 17,6 кЖ еки 4,2 ккал энергия ажралади. Углеводлар барча тирик организмлар учун асосий энергия манбай бўлиб ҳисобланади. Улар яшил ўсимликларнинг ҳужайраларида фотосинтез жараёнида синтезланади.

Липидлар ўсимлик ва ҳайвонлар организмида учрайдиган ёғлар ва ёғсимон моддалардан иборат. Улар ҳужайранинг барча структура компонентлари, биринчи навбатда, мембранные таркибига киради. Липидлар гидрофоб, яъни сувда эримаслик хусусияти билан бошқа органик моддалардан фарқ қиласди. Липидларнинг кўпчилиги икки компонентли бўлиб оддий липидлар дейилади. Оддий липидларга химиявий жиҳатдан уч атомли спирт, глицерин ҳамда ёғ кислоталаридан ташкил топган ёғлар, мумлар, стероидлар каби моддалар киради.

Ёғлар организмдаги вазифасига кўра икки гуруҳ: захира ва протоплазматик ёғларга бўлинади. Захира ёғлар тери ости ёғ қавати, чарви, буйрак, юрак, жигар атрофида түпланади. Шунингдек, захира ёғлар ўсимлик уруғи, меваси, донида ҳам қўп бўлади. Протоплазматик, яъни структура ёғлар ҳужайра протоплазмаси таркибига киради ва оқсилил ҳамда бошқа моддалар билан мураккаб комплекслар ҳосил қиласди. Протоплазматик ёғ организмда сарфланмайди.

Липидлар организмдаги жуда муҳим хилма-хил функцияларни бажаради.

Ёғлар организмда асосий энергия манбай бўлиб ҳисобланади. 1 г ёғ тўла парчаланганда 38,9 кЖ, яъни 9,3 ккал энергия ажралади. Липидлар иссиқлик ва нерв импульсларини ўтказади, оқсилилар билан мураккаб комплекслар ҳосил қилиб, органоидлар таркибига киради. Ёғлар организмда ҳимоя вазифасини ҳам бажаради. Ўсимлик ва ҳайвонлар таркибидаги мум ҳам ёғлар гуруҳига мансуб.

Нуклеин кислоталар. Нуклеин кислоталар барча тирик организмларда кенг тарқалган юқори молекулали полимер моддалардир. Уларни биринчи бўлиб 1870 йилда швейцариялик олим Ф. Мишер лейкоцитлар ҳужайраси ядроидан ажратиб олган («нуклеус» — ядро демакдир). Нуклеин кислоталарнинг асосий вазифаси ирсий белгиларни сақлаш ва наслдан-наслга ўтказиш, яъни ҳаётнинг узлуксизлигини таъминлашдан иборат. Ҳар қандай ҳужайра таркибига икки хил нуклеин кислота: дезоксирибонуклеин (ДНК) ва рибонуклеин (РНК) кислота


киради. Нуклеин кислоталар мономерлари нуклеатидлар ҳисобланади. Ҳар бир нуклеотид азотли асосдан, бош углеродли дезоксирибоза ёки рибозадан ва фосфат кислотадан иборат. Нуклеин кислоталарни ташкил этувчи нуклеотидлар бир-биридан фақат азотли асослари билан фарқ қиласди. Нуклеотидларнинг ўзи ҳам ана шу азотли асослар орқали номланади. Масалан, аденинли нуклеотид (А) аденин, гуанинлик нуклеотид (Г) гуанин, цитозинли нуклеотид (Ц) цитозин, тиминли нуклеотид (Т) тимин, урацилли нуклеотид (У) урацил азотли асосидан ҳосил бўлади.

Нуклеотидлар ҳужайрада эркин ҳолда ҳам учрайди ва жуда кўп физиологик жараёнларда иштирок этади. Бир қанча нуклеотидлар фаол кофермент гурухлар сифатида ферментларнинг катализитик реакцияларини таъминлайди. Улар қаторига оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида водородни қабул қиливчи акцепторлардан никотинамидаденин динкулеотид (НАЛ) ва никотинамидаденинфосфат (НАДФ), flavin мононуклеотид (ФМН) ва flavинаденин нуклеотид (ФАД), ацилацетил гурухларни ташувчи коэнзим А—КоА ва бошқалар киради. Эркин нуклеотидлар орасида энг асосийси АТФ ҳисобланади.


Баъзи нуклеотидлар фосфорланиши, яъни бир ёки иккита фосфор кислота қолдиқларини биректириши натижасида ди-ва трифосфор нуклеотидлар ҳосил бўлади. Энергияга бой бундай бирекмаларнинг гидролизланиши (парчаланиши) дан анчагина энергия ажралиб чиқади. Масалан, АТФ (аденозинтрифосфат кислота)нинг тўла парчаланишидан 80 кЖ энергия ажралади. Чунки АТФ молекуласидаги фосфат кислота қолдиқлари бир-бири билан энергияга бой (макроэргик) боғлар билан боғланган бўлиб, ҳар бир боф узилганида 40 кЖ энергия ажралади. АТФ даги макроэргик боғларнинг сони эса иккита. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳужайраларда энергия алмашинувида АТФ етакчи ўринни тутади. АТФ ҳужайралардаги кимёвий реакциялар учун бирдан-бир энергия манбайдир.

ДНК тузилиши моделини биринчи бўлиб АҚШ олимни Уотсон ва инглиз олимни Крик аниқлашган. Улар ўзларининг бу ишлари учун 1953 йилда ҳалқаро Нобель мукофотига сазовор бўлишган. Олимлар кашф этган моделга асосан, ДНК молекуласи қўш спираль шаклида буралган полинуклеотид занжиридан иборат. Унинг таркибига азот асослари: аденин, цитозин, тимин ва гуанинлар, углевод компонент — дезоксирибоза ҳамда фосфат кислота қолдиги киради. ДНК молекуласи қўш спираль шаклида бўлиб, ундаги нуклеотидлар азотли асослари ўртасидаги водород боғлари орқали биреккан (81-расм). Қўш спиралнинг бир занжиридаги А (аденин) иккинчи занжиридаги Т (тимин) билан, Г (гуанин) эса Ц (цитозин) билан боғ ҳосил қиласди. А билан Т ўртасида иккита, Ц билан Г ўртасида эса учта водород боғи вужудга келади. Бундай боғланиш бир-бирини тўлдирувчи комплементар боғланиш деб аталади.


азотли аденин
ёки гуанин,
ёки цитозин,
ёки тимин



1



2



3

81-расм. ДНК занжирилниг тузилиши:


1 — ДНК нуклеотидининг тузилиш схемаси, 2 — полип-
нуклеотид занжир, 3 — ДНКниң құш спиралі.

Нуклеин кислоталар қолдиқлари үзаро фосфат кислота воситасида бирикади.

ДНК молекуласининг иккита комплементар занжирдан ташкил топғанлығи ирсий белгиларнинг наследан-наслыға үтишида ҳамда оқсилқынинг биологик синтезләнешидә мүхим аҳамиятта әга.

Хужайраларнинг бүлиниши олдидан ДНК молекуласи иккисе ошади. Бу жараён *редупликация* ёки *репликация* дейилади. ДНК редупликациясини амалга оширишда ДНК — полимераза ферменти қатнашади. Фермент ҳужайралар бүлиниши олдидан ДНК құш спиралини бирлаштириб турған водород боғларини узганлығи туғайли занжир иплари бир-биридан

йироқлашади ва алоҳида-алоҳида ажралиб чиқади. Сўнгра ҳар бир занжир ипи ўзининг қаршисида етишмаган қисмини тўлдира бошлайди, яъни ажралиб чиқсан занжирдаги нуклеотидларнинг қарама-қарши томонида шу нуклеотидларга мос нуклеотидлар йиғила бошлайди. Масалан, А қаршисида Т, Ц қаршисида Г жойлашади. Натижада янги ҳосил бўлган занжир ипидаги нуклеотидларнинг жойлашуви аввалги ажралиб кетган занжир или нуклеотидлари билан бир хил бўлиб қолади. Бу ҳодиса ДНК молекуласининг ўз-ўзидан кўпайиши бўлиб, уни қўйидагича ифёдалаш мумкин:



Дастлабки ДНК. Кўпаяётган ДНК. Ёш занжир. Ёш занжир.

Натижада янгидан пайдо бўлган иккала ёш занжир дастлабки қўш занжир билан айнан бир хил бўлади.

РНК қўш занжир ҳосил қилмайди. У бир неча минг нуклеотидлардан ташкил топган ягона занжирдан иборат. Шунингдек, РНК да дезоксирибоза ўрнига рибоза, азотли асос тимин ўрнига урацил бўлади. Ҳужайраларда асосан уч хил РНК бўлиб, улар бир-биридан молекуласининг массаси, кимёвий тузилиши ва вазифалари билан фарқ қиласди.

Информацион РНК (т—РНК)нинг ҳужайрадаги умумий миқдори барча РНК ларнинг 5% ни ташкил қиласди. Бу РНК ҳужайра цитоплазмасида ва ядросида учрайди; молекуляр массаси 300 мингдан 3 млн га яқин бўлиб, ядрода синтезланади. Нуклеотидлар сони и-РНК да ҳар хил, лекин уларнинг жойланиш тартиби ДНК молекуласидагига ўхшаш бўлади. Информацион РНК оқсил молекуласи тўғрисидаги хабарни оқсил синтез қиласдиган рибосомаларга олиб боради.

Транспорт РНК (т-РНК) ҳужайрада умумий РНК нинг 10—15% ни ташкил этади. т-РНК нинг асосий вазифаси аминокислоталарни оқсил синтезланётган жойга (рибосомаларга) ташишдан иборат. Ҳар бир аминокислотанинг ўзига хос т-РНК си бўлади. Транспорт РНК нинг молекуляр оғирлиги 25—35 минг, ундаги нуклеотидлар сони 60—90 га етади (82-расм).

Рибосомал РНК (р-РНК) нинг ҳужайрадаги миқдори умумий РНК миқдорининг 80% га яқин. Молекуляр массаси 1,5—2 млн. га яқин, 4—6 минг нуклеотидлардан иборат. Улар рибосомаларнинг катта ва кичик бирликларини ҳосил қиласди.



АМИНОКИСЛОТА

82-расм. Транспорт t-RNКнинг түзилиш схемаси.

чи элементлар шаклланади, парчаланади ва янгиланади. Масалан, одам организми тўқималари таркибига кирадиган оқсиллар тахминан 80 кун давомида емирилиб янгидан ҳосил бўлади, жигар ва қон зардobi оқсилларнинг ярмиси ҳар 10 кунда, жигардаги айрим ферментлар ҳар 2—4 соатда янгилаади.

Моддалар алмашинуви энергия алмашинуви билан узвий боғланган. Чунки ҳужайрада мураккаб органик молекулалар парчаланганида кимёвий боғлар ҳолида жамғарилган потенциал энергия бошқа хил энергияга айланиб, ҳужайранинг таркиби ва функцияси учун зарур бўлган бошқа биримларнинг синтезланниши, тана ҳароратини доимий сақлаш, ҳаракатланиш ва бошқа жараёнлар учун сарф бўлади. Моддалар алмашинуви катализатор — ферментлар иштироқида муайян тартибда борадиган жуда кўп реакциялардан иборат. Шунинг билан бирга, ҳар бир тур, генетик жиҳатдан белгиланган, ўзига хос моддалар алмашинувига эга бўлади.

Моддалар алмашинуви ўзаро узвий боғланган, организмда бир вақтнинг ўзида содир бўлиб турадиган жараёнлар: *ассимиляция, яъни анаболизм ва диссимилияция, яъни катаболизмдан иборат*.

Ассимиляция, яъни пластик алмашинув жараёни натижасида ҳужайраларда оддий моддалардан мураккаб моддалар (масалан, аминокислоталардан оқсиллар, моносахаридлардан полисахаридлар, нуклеотидлардан нуклеин кислоталар) синтезланади. Синтез маҳсулотлари ҳужайранинг ўсиши, ривожланиши, структура компонентларини янгилаш ва бошқа жараёнларда фойдаланилади. Синтез реакциялари айниқса ёш организмларда тез кечади. Умуман моддаларнинг ҳужайрадаги борадиган синтез жараёни биологик синтез ёки **пластик алмашинув** деб аталади. Синтез жараёнлари энергияни ўзлаштириш

Оқсил синтезида рибосомаларни и-РНҚ занжирида силжиш p-RNҚ молекуласига боғлиқ.

ҲУЖАЙРАДА МОДДАЛАР ВА ЭНЕРГИЯ АЛМАШИНУВИ

Моддалар алмашинуви тирик оғацизмда содир бўлиб турадиган, унинг ўсиши, ривожланиши, кўпайиши, ҳаракатланиши, ва ташқи муҳит билан муносабатларини тъминловчи кимёвий жараёнлар мажмуидир. *Метаболизм* деб аталадиган бу жараёнларда ҳужайра таркибига кирадиган молекулалар парчаланади ва синтезланади; ҳужайра ва ҳужайра оралиги таркибига кирув-

орқали боради. Ассимиляция жараёнида содир бўладиган реакциялар *анаболизм* реакциялар, бу жараён эса *анаболизм* деб ҳам аталади.


Диссимилляция, яъни **энергия ўзгариши** жараёни ассимиляция жараёнининг тескариси бўлиб, унда оксидлар, нуклеин кислоталар, углеводлар, липидлар каби юқори молекуляр бирикмаларнинг парчаланиб, моддалар алмашинувининг охирги маҳсулотлари — сув, карбонат ангидрид, амиак, сийдикчили ва бошқа моддалар ҳосил бўлади. Диссимилляция жараёнида энергия ажralиб чиқади ва ҳужайра бу энергиядан ўз фаолиятида фойдаланади. Диссимилляция жараёни катаболизм, бу жараёнда содир бўладиган реакциялар **катаболитик реакциялар** деб аталади.

Ассимиляция ва диссимилляция жараёнлари ўзаро ва ташқи муҳит билан бевосита боғланган. Организм ташқи муҳитдан озиқ маҳсулотларни олади. Бу маҳсулотларнинг парчаланишидан ҳосил бўлган оддий моддалар ва энергия органик моддалар биосинтезига сарфланади. Ҳужайра фойдалана олмайдиган моддалар эса ҳужайрадан ташқи муҳитга чиқарилади. Ҳужайрада борадиган барча ферментатив реакциялар, яъни ассимиляция ва диссимилляция жараёнлари мажмуаси метаболизм деб аталади. Моддалар алмашинуви ҳужайрадаги ҳаёғ жараёнларининг асосини ташкил этади.

ЭНЕРГИЯ АЛМАШИНУВИ

Озиқ моддалар организм учун энергия манбай ва қурилиш материали бўлиб ҳисобланади. Организмда содир бўладиган энергия алмашинуви кетма-кет келадиган тайёргарлик, кислородсиз ва кислородли учта босқични ўз ичига олади. **Тайёргарлик босқичида** ичакка тушган озиқ таркибидағи мураккаб биополимерлар мономерларга, масалан, оқсиллар аминокислоталарга, крахмал глюкозага, ёғлар глицерин ва ёр кислоталарига парчаланиб, қонга ёки лимфага сўрилади. Бу босқичда жуда оз энергия ҳосил бўлади, унинг ҳаммаси ташқи муҳитга тарқалиб кетади. **Кислородсиз босқич** биринчи босқичда ҳосил бўлган моддаларни цитоплазмада анча мураккаб ферментатив жараёнлар натижасида ўзгаришидан иборат. Қуйида глюкозанинг кислородсиз парчаланиши — **гликолизни** кўриб чиқамиз.

Гликолизда глюкоза дастлаб сут кислотасигача парчаланади. Бу жараёнда охирги маҳсулот икки молекула сут кислота ҳосил бўлади ва 200 кЖ энергия ажralиб чиқади. Агар бу жараён кислотали муҳитда амалга ошса, сут кислотали ачиш деб аталади:



Гликолиз ачитқилар иштирокида ўтганида этил спирти ва карбонат ангидрид ҳосил бўлади. Бу жараён спиртли ачиш (бижгиш) дейилади:




Гликолизнинг ҳар икки шакли ҳам кетма-кет келадиган ўнта реакциядан иборат.

Кислород етарли бўлган аэроб шаронтда парчаланиш давом этиб, гликолизнинг оралиқ маҳсулоти — сут кислота дегидрирланиб, яъни 2 та водородини йўқотиб, пироузум кислота эса (пируват) ни ҳосил қиласди:




Бу жараёнда 2 молекула АТФ ва водород атомлари ҳосил бўлади. Водород атомлари ўтказувчи НАД⁺ (никотинамида-дениндинуклеотид) билан бирикиб, уни қайтаради:




Навбатдаги кимёвий реакцияларда пируват оксидланиб, углеводлар алмашинувининг охирги маҳсулотлари СО₂ ва H₂O ни ҳосил қиласди, водород атомлари дегидрирланиш коферменти НАД га қўшилиб НАДН₂ ни ҳосил қиласди. Охирги босқичда НАДН₂ даги водород кислород билан бирикиб гидропероксид H₂O₂ га, сўнгра H₂O га айланади. Бу жараённи учта босқичга бўлиш мумкин: 1) пироузум кислотасининг декарбоксилиши; 2) трикарбон кислоталар цикли (Кребс цикли); 3) электрон ташилиш занжири.

Биринчи босқичда пироузум кислотаси коэнзим А (қисқача КоА) билан таъсирланиб, катта энергияли ацетил коэнзим А ни ҳосил қиласди. Бу жараёнда пироузум кислотасидан бир молекула СО₂ ва водород ажралади. Водород НАД·Н+Н⁺ шаклида жамғарилади.


Кребс цикли деб аталадиган иккинчи босқичда ацетил КоА тўрт углеродли оксалоацетат кислота билан бирикади ва лимон кислотасини ҳосил қиласди. Бундан кейинги жараёнлар бир неча органик кислоталарнинг ҳосил бўлиши орқали борадиган ўнта кимёвий реакцияни ўз ичига олади. Кетма-кет борадиган реакциялар натижасида оксалоацетат асл ҳолида қайта тикланади. Циклда уч молекула сув сарфланиб, тўрт жуфт водород атоми ва икки молекула СО₂ ҳосил бўлади. Водород атомлари коферментлар ФАД ва НАД ни қайта тиклайди.



Шундай қилиб, аэроб фазада бир молекула пироузум кислотасининг парчаланиши (пироузум кислотасининг декарбоксилирланиши ва Кребс цикли) натижасида 3СО₂, 4НАД·Н+Н⁺, ФАД·Н+Н⁺ ҳосил бўлади. Гликолиз, декарбоксилирланиш ва Кребс цикли реакцияларининг умумлаштирилганида қуйидаги кўринишга эга бўлади:



Электрон ташилиш занжири деб аталадиган учинчи босқичда гликолизда ва Кребс циклида дегидрланиш реакцияларида ҳосил бўладиган оралиқ маҳсулотлардан ажralиб чиқадиган бир жуфт водород атомлари молекуляр кислород билан оксидланиб сув ҳосил қиласди; АДФ эса АТФ га айланади. Бу ҳодиса водородни НАД·Н⁺+Н⁺ ва ФАД·Н⁺+Н⁺ дан ажратиб ташувчилар занжири бўйлаб узатилишида содир бўлади. Водород жуфтини 2Н⁺+2e⁻ шаклида ёзиш мумкин. Бу ҳолда водород ташувчилар занжири бўйлаб узатилиади. Водород ва электронларнинг битта ташувчидан иккинчисига узатилиши **оксидланиши** — қайтарилиши жараёнидан иборат. Бунда электрон ёки водород берадиган молекула оксидланади, электрон ёки водород оладиган молекула қайтарилади. Потенциаллар ўртасидағи фарқ водород ташилишининг асосий кучи ҳисобланади. Ташувчилар орқали Н⁺ ва электронлар мембраннынг ички томонидан унинг ташқарисига, яъни митохондрия матриксидан мембраналараро бўшлиққа чиқарилади. Водород атомлари ва электрон ташувчилар ўзаро таъсиrlаниши туфайли протонлар мембраннылар орасидаги бўшлиққа ажralиб чиқади. Ташувчи бир жуфт электронни НАД дан кислородга ўтказаётганда мембраннынг 3 марта кесиб ўтади. Бу жараёнда 6 та протон мембрана ташқарисига чиқарилади. Жараён сўнгида электрон мембраннынг ички қисмига ўтиб кислород билан бирикади. Ўз навбатида кислород 2Н⁺ ни қабул қилиб, сув ҳосил қиласди:




Кўрсатилган жараёnlар туфайли митохондриялар ички мембранасининг ташқи томонида протонлар тўпланиб, уларнинг **электрокимёвий градиенти**, яъни **протон градиенти** пайдо бўлади. Протонлар градиенти эркин энергия резервуари бўлиб, бу энергия протонлар мембрана орқали қайта ўтаётганида АТФ синтези учун сарфланади. Протон градиенти энергияси баъзан, масалан, осмотик иш, моддаларни мембрана орқали улар концентрацияси градиентига қарама-қарши томонга ташилишида, механик иш бажаришда фойдаланилади.

Шундай қилиб, хужайра 2 хил, яъни кимёвий ва электрокимёвий энергияга эга. Кимёвий энергия АТФ билан, электрокимёвий энергия мембраналар билан боғланган бўлади. Энергиянинг бу икки шакли бир-бирига айланиши мумкин. АТФ синтезида электрокимёвий энергиядан фойдаланилади, АТФ парчаланганида ажralиб чиқадиган энергия электрокимёвий энергия шаклида тўпланади.

Митохондриялар мембранаси орқали Н⁺ ионларининг ўтказилиши натижасида АТФ нинг синтезланиши жараёни **оксидланиши-фосфорилиланиши** дейилади. Бу жараён АТФ синтетаза ферменти иштирокида боради. Водород ионлари мембранадан

максус канал орқали ўтказилади (4-схема). Бу жараёнда икки молекула пироузум кислотасининг парчаланиши натижасида 36 молекула АТФ (шу жумладан 2 молекула Кребс циклида ва 34 молекула Н⁺ ионларини мембрана орқали ўтказилишида) ҳосил бўлади.



4-с х е м а. Митохондрияларда АТФ синтези.

Аэроб нафас олишни қүйидагида умумлаштириш мүмкін:
 $C_6H_{12}O_6 + 6O_2 + 6H_2O \rightarrow 6CO_2 + 12H_2O + 38AT\Phi$.

Юқорида келтирилган жараёнда кислородли (аэроб) нафас олиш анаэроб нафас олиш (гликолиз)га нисбатан 18 марта күп энергия беради. Кислород танқислигига аэроб нафас олиш тұхтайди. Чунки у водороднинг охирги акцептори ҳисобланади. Ҳужайрада кислород етишмаганида ташувчи молекулаларнинг ҳаммаси түйиниб қолса, водород занжир бўйлаб ўтказилмай қолиши оқибатида АТФ ҳосил қиласын асосий манба энергия занжиридан узилиб қолади.


ПЛАСТИК АЛМАШИНУВ

Автотроф ва гетеротроф ҳужайралар. Органик моддаларни анорганик моддалардан синтезлай оладиган ҳужайралар, яъни *автотрофлар* деб аталади. Автотроф ҳужайралар CO_2 , H_2O ва бошқалардан турли оддий ва мураккаб бирикмаларни синтезлайди. Автотрофларга фотосинтез қилувчи яшил ўсимликларни ва хемосинтезловчи бактерияларни кўрсатиш мумкин.

Гетеротроф ҳужайралар тайёр органик моддалар билан озиқланувчи организмлар бўлиб, улар органик моддалар синтез қилолмайди. Гетеротрофларга бактериялар, замбуруулар ва ҳайвонлар мисол бўлади.


Фотосинтез. Фотосинтезни инглиз олимни Жозеф Пристли 1771 йилда кашф қилган эди. Америка олимлари М. Кальвин ва Л. Арнон эса унинг механизмини очиб берди. Ёруғлик энергияси ҳисобига борадиган органик бирикмалар синтези фотосинтез дейилади. Фотосинтез жараёнининг асосий иштирокчиси ҳужайра хлоропластларидағи **хлорофилл** пигменти ҳисобланади.

Фотосинтез мураккаб, кўп поғонали жараён бўлиб, ёруғлик ва қоронгилик фазаларидан иборат. Фотосинтезнинг ёруғлик фазаси хлоропластлар тилакоидлари (қирралари)да, қоронгилик фазаси унинг стромасида ўтади. Ёруғлик фазасида учта жараён: сувнинг парчаланиши — фотолиз; водород ионлари ва электронларини НАД·Н+Н⁺ га бирикиши ҳамда АТФ синтези содир бўлади. Ёруғлик фазаси Қуёш нурининг хлоропластларга тушиши билан бошланади. Қуёш энергияси хлорофилл молекуларидаги электронларни қўзғатиб, уларни юқори орбитага олиб чиқади. Электронлар тилакоидлар ташқи мемранаси сиртида тўплана бошлайди. Электронини йўқотган хлорофилл сув молекуласидан электрон олиб уни парчалайди. Сув фотолизи натижасида эркин кислород ҳосил бўлади:




Ҳосил бўлган молекуляр кислород атмосферага ажralиб чиқиб кетади, водород протонлари эса тилакоидларнинг ички мемранаси ички юзасида тўплана бошлайди. Шундай қилиб, ички мемрананинг ички томонида мусбат зарядланган протонлар, ташқи томонида манфий зарядланган электронлар йиғилиб қолади. Натижада мемрананинг икки томонида потенциаллар фарқи ортиб боради. Фарқ критик нуқтага етгандан сўнг Н⁺ протонлари қирра мемранасида жойлашган АТФ синтетаза ферменти ичидаги протон канали орқали ташқи мемранага ўта бошлайди. Протон каналдан чиқиш жойида юқори даражали энергия ҳосил бўлиб, у АТФ синтезига сарфланади.

Ҳосил бўлган АТФ (АДФ+Ф→АТФ) хлоропластларнинг стромасига ўтиб, СО₂ ўзлаштирилиш жараёнларида иштирок этади. Н⁻ протонлари қирра мемранасига чиққандан сўнг электронлар е билан бирикиб Н атомини ҳосил қиласади.




Бу водород НАДФ⁺ каби ўтказувчиларнинг тикланишига сабаб бўлади:



Ерүглик фазаси

Коронгилик фазаси



5-с х е м а. Фотосинтез. Хлоропластларнинг фермент системаси митохондрияларга нисбатан қарама-қарши томонга йўналтирилган. Митохондрияларда H⁺ резервнари ички мембраннынг ташки томонида, хлоропластларда эса уининг ички томонида жойлашган.

Фотосинтезнинг қоронгилик фазасида CO₂ биректириш реакцияси муҳим ўрин тутади. Фотокимёвий ва кимёвий реакцияларнинг мураккаб занжири натижасида ҳаводаги CO₂ молекуласи баргларда органик моддага айланади. Бу реакциялар турли ферментлар ҳамда АТФ ва НАДФ·Н₂ иштироқида боради. Натижада аввал моносахаридлар, сўнгра дисахаридлар ва полисахаридлар ҳосил бўлади. Бу жараённи қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Оралиқ

CO₂ + акцептор маҳсулотлар → моно → ди → полисахаридлар
(органик модда)

Ер шаридаги ўсимликлар олами ҳар йили 120 млд тонна органик модда ҳосил қиласди. Ўсимликлар томонидан 200 млд

тонна CO_2 қабул қилиниб, ҳавога 145 млд тоннага яқин эркин кислород чиқарылады. Аммо фотосинтез жараёни нисбатан секин борадиган ва кам самарали ҳисобланади. Чунки яшил барг унга тушадиган қуёш энергясининг атиги бир фоизига яқинини фотосинтез учун сарфлайди. Унинг маҳсулдорлиги ҳар хил ўсимликлар учун турлича бўлиб, шу ўсимликларнинг 1 m^2 барг юзаси ҳисобига бир соатда ҳосил бўлган органик модданинг граммлар ҳисобидаги миқдори билан ўлчанади. Ёз мавсумида 1 m^2 барг бир сутка давомида 15—16 г органик модда ишлаб чиқаради. Органик моддаларнинг миқдори ёруғлик кучига, ўсимликларнинг турига ва яшаш шароитига боғлиқ. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиш шароитларини яхшилаш билан уларнинг маҳсулдорлигини ошириш мумкин.

Бактериялар фотосинтези. Фотосинтез қилувчи (яшил олтингугурт, қирмизи олтингугурт) бактериялар чучук сув, денгиз, нам тупроқ, ҳовуз ва кўлларда учрайди. Улар ўсимлик сингари фотосинтезда сувдан фойдалана олмайди, шунинг учун улар фотосинтез қилганида кислород ҳосил бўлмайди. Уларнинг бактериохлорофилл ва бактериофитин пигменти фотосинтез қиласи. Ёруғлик энергияси бу пигментлар томондан ютилади ва реакция марказига ўтказилади. Электрон зарядлари бактериохлорофилл мемранаси орқали ўтганида АТФ ва НАД·Н⁺ Н⁺ (НАД·Н₂) синтезланади. Деярли барча бактерияларда Кальвин циклидаги ферментлар топилган.

Яшил бактериялар электрон манбаи сифатида водород сульфид, олтингугурт ёки баъзан тиосульфатдан; қирмизи бактериялар — карбон ва дикарбон кислоталар, спиртлар ва бошқалардан фойдаланади. Фотосинтез бактериялар учун электронларнинг энг асосий манбаи водород сульфид ҳисобланади:




Водород сульфид стишмаганида олтингугуртнинг ўзи ҳам электрон манбаи бўлади:



Фотосинтез бактериялар энг қадимги автотроф организмлар қаторига киради.


Хемосинтез. Хемосинтез фақат айрим бактериялар учун хос. Хемосинтезда энергия манбаи айрим моддий анорганик моддалар: водород сулфид, олтингугурт, аммиак, водород, азот кислотаси, темир ва марганец оксиди ҳисобланади. Хемосинтез жараёнини рус олими С. Н. Виноградарский кашф этган.

Нитрофикацияловчи бактериялар органик қолдиқлар чиришида ҳосил бўладиган аммиакни нитритларга, сўнгра нитратга оксидлаб, бу жараёнда ишлаб чиқариладиган энергиядан фойдаланади:



Азот кислотаси тупроқдаги минерал тузлар билан бирикіб үсімлік үзлаштирадын азотли үрітлар ҳосил қиласы.


Рангсиз олтингугурт бактериялари водород сульфидни оксидлаб үз танасида олтингугурт тұплайды:



Водород сульфид етишмаганида бактериялар үз танасида тұпланиб қолған олтингугуртни олтингугурт кислотасигача оксидлайды.



Темир бактериялари 2 валентли темирни уч валентли темиргача оксидлайды:



Водород бактериялари молекуляр водородни оксидлайды, углерод манбаи сифатида углерод (11) оксидидан фойдаланиб, органик модда синтезлайды.



Хемосинтез реакцияларыда ажралиб чиқадын азот кислотаси тупроқда катта ақамиятга эга. Нитрификация бактериялари тұруғын азот билан бойтады. Олтингугурт бактериялары ҳосил қылған сульфат кислота тоғ жинсларининг аста-секин емірилишига сабаб бўлади. Темир бактериялари фаолияти натижасыда ҳосил бўлган Fe(OH)_3 темир рудасини ҳосил қиласы.

Водород бактериялари арzon озиқ ва ем оқсили олиш ҳамда ёпиқ тириклик системаларыда ҳавони регенерация қилиш (қайта тиклаш) учун фойдаланилади.

Оқсиллар биосинтези. Оқсиллар биосинтези ҳужайрада борадын асосий жараёнлардан бири ҳисобланади. Ҳужайра ҳаёт фаолиятида оқсил молекулалари аста-секин эскириб боради ва яроқсиз ҳолга келади. Уларнинг ўрнига янги оқсил молекулалари мунтазам синтезланиб туради. Ҳар бир ҳужайра ўзига хос оқсилни синтезлайды. Масалан, ошқозон ва ошқозоности безлари ҳужайралари пепсин ва трипсин ферментларини, жигар гемоглобинни, мускуллар — миозин оқсилини синтезлайды.

Оқсиллар молекуласи аминокислоталар молекуласининг мураккаб занжирига, бирикиши орқали ҳосил бўлади. Ҳар бир оқсил молекуласыда аминокислоталар муайян бир тартиби бирикади. Молекулада аминокислоталарнинг бирикиш тартиби оқсилнинг маълум бир физиологик вазифаны бажариши билан боғлиқ.

Ҳужайраларда оқсилнинг синтезланиш ҳусусияти ҳар бир организмнинг ўзига хос ирсий ҳусусияти бўлиб, унинг ҳаёти давомида сақланиб қолади. Оқсилнинг тузилищ тартибини

белгилашда нуклеин кислоталар мұхим ўрин тутади. ДНК молекуласыда шу ҳужайрада синтезланиши керак бўлган оқсил ҳақида ахборот сақланади. ДНКнинг муайян бир оқсил молекуласи ҳақида ахборот сақлайдиган қисми ген деб аталади. ДНК молекуласыда бир неча минглаб генлар бўлади. Синтезланиши лозим бўлган оқсил молекуласидаги аминокислоталар тартибини эса ДНК таркибига кирадиган тўрт хил нуклеотидлар белгилайди.

Генетик код. Оқсил молекуласыда аминокислоталарнинг жойлашиш тартиби аденинли, гуанинли, тиминли, цитозинли, нуклеотидларининг бирикиш тартиби билан белгиланади. Ҳар бир аминокислотага нуклеотиднинг кетма-кет жойлашган учта молекуласи (триплет) тўғри келади. Масалан ТТГ — лизин, АЦА — цистеин, ЦАА — валинга тўғри келади. ДНК молекуласидаги тўртта нуклеотид учтадан жойлашганида ҳосил қилиши мумкин бўлган комбинациялари сони 64 га teng бўлади. Аминокислоталар 20 та бўлганидан нуклеотидлар ҳужайрадаги ҳар бир аминокислотани кодлаши (белгилаши) учун бемалол етади. ДНК молекуласидаги 4 хил нуклеотиддан аминокислотани белгиловчи учта нуклеотид тўплами генетик код дейилади.


Ҳужайрада борадиган оқсил синтези жараёни цитоплазмада аминокислоталарнинг активланиши; ДНК асосида и-РНКнинг синтезланиши ва эндоплазматик тўрда жойлашган рибосомаларда оқсилинг синтезланишидан иборат уч босқични ўз ичига олади.

Цитоплазмада жойлашган эркин аминокислоталар АТФ ёрдамида активлашиб, аминоацилденилатни ҳосил қиласди. Бу активлашган аминокислота ўзига хос т-РНК га туташади. Ҳар бир аминокислота учун ўзининг т-РНК си бўлади. т-РНКнинг шаклини беда баргига ўхшатиш мумкин. Ўнинг бир учига аминокислота бирикади, иккинчи қарама-қарши томонида эса ана шу аминокислотага хос учлик (антикодон) жойлашган. Антикодон бу ДНК молекуласыда шу аминокислотани белгиловчи кодга мос келувчи учликдан иборат.


Оқсил синтезининг иккинчи босқичида ген тузилиши тўғрисидаги ахборот ДНК молекуласидан информацион и-РНК га кўчирилади. Бу транскрипция (кўчириш) жараёни туфайли амалга ошади. Натижада муайян генга мос келадиган и-РНК синтезланади, яъни ДНК дан матрица (қолип) олинади. Синтезланган и-РНКда фақат ДНК молекуласыда тиминли нуклеотид ўрнини урацилли нуклеотид эгаллайди. Ҳосил бўлган и-РНК оқсил синтезланувчи рибосомаларга боради.

Оқсил синтезининг учинчи охирги босқичида рибосомаларда оқсил матрица синтези амалга оширилади (83-расм). Матрица (қолип) сифатида ДНК асосида занжирида синтезланган и-РНК иштирок этади. Бу жараён трансляция (таржима қилиш) дейилади. Матрица типидаги реакциялар тирик организмларнинг насл қолдириш хусусияти билан боғлиқ.

Рибосомаларга келган и-РНК да бўлажак оқсил молекула-



83-расм. Рибосомада оқсил биосинтези схемаси.



84-расм. Хромосомаларнинг тузилиши:

(1 — чўпсизон, 2 — ҳар хил елкали, 3 — тенг елкали), Б, В — хромосомаларнинг структураси (1 — центромераси, 2 — спирал ўралган ДНК ли, 3 — хроматида, 4 — ядроча).

сида жойлашадиган аминокислоталар ҳақидаги маълумотлар кодлашган бўлади. Рибосомаларнинг ўзи и-РНҚ нинг чап учидан кириб кела бошлайди. Шу пайтда фаоллашган аминокислоталарни ташувчи т-РНҚ ҳам цитоплазмадан рибосомаларга кириб кела бошлайди. (84-расм). Агар и-РНҚ даги аминокислота кодонига т-РНҚ дан узилиб, рибосоманинг катта бўлагига тушади ва рибосома бир қадам ўнгга силжийди. Бу жараён и-РНҚ кодига мос келувчи оқсил молекуласи синтезлангунича давом

этади. Рибосома и-РНК охирига етгач, синтезланган оқсил билан биргаликда и-РНКдан тушиб кетади. Рибосомаларнинг бир нечтаси и-РНК орқали туташиб, полирибосома ёки полисома ҳосил қилиш хусусиятига эга. Бу тузилма оқсил синтезланадиган марказ ҳисобланади. Оқсил синтези учун зарур энергияни АТФ нинг парчаланиш реакцияси етказиб беради. Бундан ташқари оқсил синтезида бир қанча ферментлар иштирок этади. Синтезланган оқсил бирикмалари эндоплазматик түр каналлари орқали ҳужайранинг керакли жойларига етказиб берилади.

Хужайра кимёвий активлигининг ўз-ўзидан бошқарилиши. Хужайра ўзининг таркиби ва барча хоссаларини маълум бир дараҷада сақлаш хоссасига эга. Масалан, АТФ сарфланиб туришига қарамасдан унинг ҳужайрадаги миқдори доимий (0,04 %) бўлади. Анаэроб ва аэроп шароитларда синтезланиб турган АТФ миқдори маълум бир кўрсаткичга етганда глюкозанинг парчаланиши ва АТФ ҳосил бўлиши тўхтайди. Шунингдек, цитоплазмага турли ишқорий ва кислотали муҳитдаги моддалар кириб турса ҳам ички муҳити (рН) доимий сақланади. Ҳужайрадаги жараёнларнинг ўз-ўзидан бошқарилиши *авторегуляция* деб аталади, бу жараёнда бир қанча ферментлар қатнашади. Ферментлар эса ДНК занжиридаги генлар туфайли синтез бўлади. Ферментлар авторегуляциясини молекуляр генетика ўрганади.

ОРГАНИЗМЛАРНИНГ ҚУПАЙИШИ ВА ИНДИВИДУАЛ РИВОЖЛАНИШИ

ҲУЖАЙРАЛАРНИНГ БУЛИНИШИ. МИТОЗ

Хромосомалар. Хромосомалар ҳар бир организмнинг ирсий хусусиятларини белгиловчи ҳужайра органоиди бўлиб, ядрода жойлашган. Ҳар қайси хромосома битта ДНК молекуласидан иборат. Соматик (тана) ҳужайраларда хромосомалар жуфт бўлади. Ҳар бир хромосоманинг ўзига айнан ўхшаш бўлган гомологи (жуфти) бўлади. Ҳужайрадаги хромосомалар йиғиндиси *хромосомалар тўплами* дейилади. Соматик ҳужайралардаги хромопластлар тўплами жуфт сонли — *диплоид* ($2n$) бўлади. Жинсий ҳужайраларда эса хромосомалар соматик ҳужайралардаги хромосомалар сонининг ярмисини ташкил этади ва хромосомалар жуфтсиз, яъни *гаплоид* (п) бўлади.

Хромосомалар ҳужайра бўлинишининг маълум даврларида шаклланади. Ҳар бир хромосома иккита хроматид (қиззлик хромосомалар)дан иборат бўлиб, маҳсус сиқиқлик белбоғлари ёрдамида бир неча қисмга ажралиб турадиган таёқчани эслатади. Хромосоманинг марказий белбоғи, центромера (бирламчи белбоғ) дейилади. Хроматидлар ана шу центромерлар ёрдамида бир-бирига илашиб туради. Ҳар қайси жуфтдаги хромосомалар бошқа жуфтлардагилардан катта-кичиклиги, шакли ёки

бошқа белбоғларининг жойлашуви билан фарқ қиласи (84-расм).


Хромосомалар түплами организмларнинг ҳар бир тури учун алоҳида ва доимий бўлади. Масалан, жавдар ўсимлигига хромосомаларнинг диплоид түплами 14 та, яъни 7 жуфт, гаплоид сони 7 та бўлади. Одам соматик ҳужайраларнинг диплоид хромосомалар түплами 23 жуфт ($2n = 23$), яъни 46 та, жинсий ҳужайраларида гаплоид хромосомалар түплами 23 та ($n = 23$) бўлади. Дрозофилада пашшасининг диплоид хромосомалари түплами $2n = 8$; гаплоид ҳолатда $n = 4$ деб ёзиш мумкин.

Ҳужайранинг бўлиниши. Митоз Организмларнинг кўпайиши ва ривожланиши улар танасини ташкил этувчи ҳужайраларнинг бўлиниши орқали содир бўлади. Соматик ҳужайралар бўлинишининг асосий усули митоздир. Митоз жараёни ҳужайра

бўлиниши оралиғидаги давр — интерфазани ҳамда кетма-кет борадиган тўртта давр — профаза, метафаза, анафаза ва телофазаларни ўз ичига олади (85-расм).

Интерфаза бўлинишга тайёрланиш даври дейилади. Бу даврда АТФ, оқсиллар ва ДНК молекуласи синтезланади. Натижада хромосомалардаги ДНК молекуласи сони икки марта ошади ва ҳужайрадаги диплоид ($2n$) хромосомаларнинг ҳар бири иккитадан хроматидлар (қиз хромосомалар)га эга бўлади. Ҳужайра органоидлари сони ҳам икки марта ортади (20-жадвал). Интерфаза даври бўлиниш даврларига қараганда жуда узоқ, баъзан бир неча ой, ҳатто йил давом этади.

Профаза даврида хромосомалар спираллашади. Натижада улар калта ва йўғон бўлиб қолади. Ҳар қайси хромосомалар жуфти ўзига хос



85-расм. Митоз схемаси:

- 1 — интерфаза, 2, 3, 4 — профаза,
- 5 — метафаза, 6 — анафаза,
- 7, 8, — телофаза.

шаклга киради. Ядро мемранаси ва ядроча емирилиб, хромосомалар цитоплазмага тарқалиб кетади. Профазанинг охирда центриоллар бўлиниб, ҳужайра қутбларига жойлашиб олади. Улар ўртасида жуда ингичка ипчалардан иборат бўлиниш ёйи ҳосил бўлади.

Метафазада хромосомаларнинг спираллашуви ва йўғонла-

22- жадвал. Ҳужайранинг митоз бўлинишида содир бўладиган жараёнлар

Митоз даврлари	Ҳужайрада содир бўладиган жараёнлар	Хромосомалар ҳолати
Интер-фаза	Оқсил, АТФ, ДНҚ синтезла-нади, ДНҚ редупликацияла-нади, органоидлар сони икки марта ортади, ҳужайранинг ўсиши тугалланади	Алоҳида хромосомалар ёруғлик микроскопида кўринмайди
Профаза	Центриоллар бўлиниб, ҳужайра қутбларига тарқалади, бўлиниш ёйи ипчалари ҳосил бўлади. Ядро мембрanasи ва ядроча емирилиб кетади	Хромосомалар спираллашиб, калталашади ва йўғонлашади. Уларнинг ҳар қайсиси иккита хроматиддан иборат бўлади
Мета-фаза	Бўлиниш дуки ипчаларининг ҳосил бўлиши тугалланади. Ипчалар хромосомаларга илашиб олади	Хромосомалар спираллашуви тугалланади, улар бўлиниш ипчалари экваторига жойлашиб олади. Хроматидлар бирбиридан узоқлаша бошлади
Анафаза	Цитоплазманинг ёпишқоқлиги камаяди, бўлиниш дуки ипчалари тортилиб, қисқаради	Хроматидлар янги хромосомаларга айланади. Хромосомалар ҳужайра қутбига жойлашиб олади.
Тело-фаза	Ядро мембрanasи ва ядроча шаклланади, иккита қиз ҳужайра вужудга келади. Цитоплазма бўлиниб иккита янги ҳужайра ҳосил бўлади.	Хромосомалар спирали ёзилади, хромосомалар узун ипчаларга айланади ва ёруғлик микроскопида кўринмайдиган бўлиб қолади

шуви давом этади. Улар ҳужайранинг марказида, бўлиниш ёйи экваторида жойлашиб олади. Бу даврда хромосомалар ўзининг центромерлари билан бўлиниш ёйи ипчаларига илашиб олади.

Анафазада ҳар қайси хромосоманинг хроматидлари ажраплиб кетади, хроматидларнинг ҳар қайсиси ёй ипчаларининг қисқариши туфайли ҳужайранинг қарама-қарши қутбларига тортилади ва қутбларда жойлашиб олади.

Телофазада хромосомалар спирали қайта ёзилади, узун ипчалар (хроматидлар) шаклига киради ва микроскопда кўринмайдиган бўлиб қолади. Ядро мембрanasи ва ядроча шаклланади. Бу даврда цитоплазма ҳам бўлиниб, иккита янги ҳужайра ҳосил бўлади.

Митоз жараёни натижасида она ҳужайра хромосомалари

янги ҳосил бўлган иккита қиз ҳужайра ўртасида тенг тақсимланади. Митоз ирсий белгиларни она ҳужайрадан қиз ҳужайраларга аниқ ўтиб қолишини таъминлайди.

ОРГАНИЗМЛАРНИНГ КЎПАЙИШ УСУЛЛАРИ

Табиатда тирик организмлар икки хил усуlda — жинссиз ва жинсий йўл билан кўпаяди.

Жинссиз кўпайиш ҳамма ўсимликлар ва кўпчилик, асосан тубан тузилган ҳайвонлар учун хосдир. Жинссиз кўпайишида битта организм иштирок этади. Кўпайишга киришган индивид она ва кўпайишдан кейин ҳосил бўлган янги индивидлар эса қизлиқ индивидлар дейилади. Жинссиз кўпайиш бир неча хил бўлади.

Оддий бўлинниш орқали кўпайиш жинссиз кўпайишнинг энг оддий усулидир. Прокариот организмлар (бактериялар)нинг танаси ўртасидан бўлиниб, иккита қизлиқ индивидларини ҳосил қиласди. Бир ҳужайраги эукариот ҳайвонлар (сохтаоёқлилар, хивчиниллар, споралилар, инфузориялар) ва яшил ўсимликлар (сув ўтлари)нинг жинссиз кўпайиши организм танасининг митоз усулида икки ёки ундан кўпроқ бўлакларга бўлинишидан иборат.

Куртакланиш билан кўпайиш ачитқи замбуруғлари, гидрасимонлар, коралл полиплар, айрим денгиз кўп тукли чувалчанглари учун хосдир. Куртакланишда она индивиди танасида кичик бўртиқ ҳосил бўлади, кейинчалик у ўсиб куртакчага айланади. Куртакча она индивиддан ажralиб кетиб, янги мустақил индивидни ҳосил қиласди (гидраларда). Айрим ҳолларда эса куртакча она индивиддан ажralmasдан унга ёпишиб олиб колония ҳосил қилиши (дэнгиз гидрополипларида, коралл полипларда) мумкин.

Тананинг бир неча бўлакларга бўлиниши орқали кўпайиш бир қанча ясси чувалчанглар (оқ планария), денгизларда яшовчи кўп тукли чувалчанглар (нереида) ва айрим медузаларнинг полип даври (аурелия медузаси) учун хосдир. Оқ планария танаси қулай шароит вужудга келиши билан кўп майдада бўлакчаларга ажralиб кетади, кейинчалик бундай бўлакчаларнинг ҳар қайсисидан мустақил планария ривожланиб чиқади. Нереида танаси эса жуда кўп кўндаланг куртакларга ажralади, куртаклар бирин-кетин ажralиб мустақил яшовчи қизлиқ чувалчангларни беради. Гидралар, ёмғир чувалчанглари ва дэнгиз медузаларида ҳам шунга ўхшаёт хусусиятни кўриш мумкин. Уларнинг танаси бир неча бўлакка бўлиб ташланганида ҳам ҳар қайси бўлагининг етишмаган қисми қайтадан тикланади. Бу ҳодиса регенерация дейилади.

Споралар ёрдамида кўпайиш сув ўтлари, замбуруғлар, лишайниклар, мохлар, папоротниклар учун хосдир. Споралар гаплоид хромосомали ҳужайралар (сув ўтларида) хивчинли бўлиб, ҳаракатчан, қуруқликда яшовчи ўсимликлар (мохсимон-

лар, папоротниклар) да хивчинсиз бўлади ва ҳаракат қилмайди. Споралар қаттиқ пўст билан қопланган, ноқулай шароитга чидамли бўлиб, шамол, сув ва ҳайвонлар ёрдамида тарқалади.

Вегетатив йўл билан кўпайиш ўсимликлар орасида кенг тарқалган бўлиб, вегетатив органлар иштирокида кўпайишни ўз ичига олади. Вегетатив кўпайиш хилма-хил бўлади. Кўпчилик дараҳт ва буталар пархеш қилиш (ток, смородина, олхўри, ёнғоқ ва бошқалар), жингалаклар (қулуңпай, айиқтовон), илдиз бачкилари (қайрағоч, олча, терак, ёввойи олма), новда қаламчалари (тол, терак, ток), пиёзбошчалар (лола, пиёз), тугунақлар (картошка), илдизпоялар (ялпиз, сафсар, ғумай, ажриқ) орқали кўпаяди. Вегетатив кўпайиш қишлоқ хўжалигида мевали дараҳтлар ва қишлоқ хўжалиги экинларининг янги чиқарилган серҳосил навларини, гул ва манзарали ўсимликларнинг хусусиятларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришда, янги ўрмон зоналарини барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларни кўкаламлашириш ишларида қўл келади.

ЖИНСИЙ КЎПАЙИШ

Жинсий кўпайишда иккита индивид иштирок этади. Унинг моҳияти урғочи ва эркак индивидлар ўртасида генетик информация (ирсий белгилар) алмашинувидан иборат. Жинсий кўпайиш жинсий ҳужайралар (гаметалар) ҳосил бўлиши, уларнинг қўшилиши, яъни уруғланишдан иборат.

Жинсий ҳужайралар. Урғочилик жинсий ҳужайра — тухум юмалоқ ва ҳаракатсиз бўлиб, иккита пўст — сариқлик ва оқсил парда билан ўралган. Унда эмбрионнинг ривожланиши учун зарур озиқ моддалар ҳам бўлади. Умуртқали ҳайвонлар орасида балиқлар, амфибиялар, айниқса, судралиб юрувчилар ва қушларнинг тухум ҳужайралари йирик, сутәмизувчиларнинг тухум ҳужайралари жуда кичик бўлади.

Уруғ ҳужайралари (сперматазоидлар) тухум ҳужайрасига нисбатан анча кичик бўлиб, узун ипча шаклида бўлади. Ҳайвонлар ва кўпчилик спорали ўсимликларнинг ҳаракатчан сперматазоидларининг танаси бошча, бўйинча ва думдан иборат. Бошча сперматазоиднинг кенгайган қисми, унда ядро жойлашган, думи хивчинга ўхшаш тузилган бўлиб, ҳаракатланиш органоиди ҳисобланади.


Жинсий ҳужайраларнинг ривожланиши. Жинсий ҳужайралар жинсий безларда, яъни тухумдан ва уруғдонларда ривожланади. Ҳар қандай жинсий без кўпайиш, ўсиш ва етилиш зонасидан иборат (22-жадвал). Кўпайиш зонаси жинсий безнинг энг учки қисмида жойлашган, бу жойда бирламчи (гаметалар ҳосил қилувчи) ҳужайралар митоз бўлинади, ҳосил бўлган ҳужайралар кейинги ўсиш зонасига ўтиб йириклашади (86-расм). Бу жараён айниқса тухум ҳужайралари ҳосил бўлишида тезлашади. Охирги етилиш зонасида ўзига хос икки марта бўлиниш (мейоз) натижасида тўрттадан гаплоид ҳужайралар

23-жадвал. Жинсий ҳужайраларнинг ҳосил бўлиши.

Зонаси	Хужайраннинг бўлиниши тили	Сперматогенез	Овогенез
Кўпайиш	Митоз	Сперматоген (уруг ҳужайра ҳосил қилувчи) гўқима ҳужайралар бўлиниб, бир хроматидни диплоид хромосомали ($2n = 2c$) 1-тартиб сперматоцитлар (диплоид) ҳосил қиласди	Оogen (тухум ҳужайра ҳосил қилувчи) тўқима ҳужайралари бўлиниб, хроматидни диплоид хромосомали ($2n = 2c$) 1-тартиб овоцитлар ҳосил қиласди
Ўсиш	Интер-фаза	1-тартиб сперматоцитлаф йириклишади. ДНК синтез бўлади ва иккичи хроматид ($2n = 4c$) шакланади	1-тартиб овоцитлар йириклишади. ДНК синтез бўлади ва иккичи хроматид ($2n = 4c$) шакланади
Етилиш	Мейоз	1-тартиб сперматоцитлар бўлиниади. Биринчи (редукцион) бўлинишда 2-тартиб сперматоцитлар ($1n = 2c$) ҳосил бўлади Иккичи (митоз) бўлинишда улардан гаплоид сперматозоидлар ($1n = 1c$) ҳосил бўлади. Ҳар бир 1-тартиб сперматоциддан 4 тадан бир хроматидлик гаплоид хромосомали сперматозоидлар ($1n = 1c$) ҳосил бўлади	1-тартиб ооцитлар бўлиниади. Биринчи (редукцион) бўлинишда 2-тартиб ооцитлар ($1n = 2c$) ҳосил бўлади Иккичи (митоз) бўлинишда: 2-тартибдаги ооцитлардан битта тухум ҳужайра ($1n = 1c$) ва йўналтирувчи танача ($1n = 1c$), бу таначадан яна иккита янги танача ҳосил бўлади. Мейоз натижасида битта тухум ҳужайра ва учта йўналтирувчи ҳужайра ($1n = 1c$) ҳосил бўлади. Ҳамма ҳужайралар гаплоид, хромосомалар бир хроматидли бўлади.

ҳосил бўлади. Бу ҳужайраларнинг ҳар қайсисидан биттадан сперматозоидлар етишиб чиқади. Тухумдонларда эса 4 та ҳужайралардан фақат битта энг йириги тухум ҳужайрага айланади. Йўналтирувчи таначалар деб аталадиган учтаси ҳалок бўлади.

Мейоз. Мейоз — жинсий ҳужайраларнинг етилиш зонасида хромосомалар тўпламиининг икки марта камайиши орқали содир бўладиган бўлиниш. Мейоз жинсий ҳужайра ҳосил қилувчи овоцит ва сперматоцитларнинг кетма-кет икки марта бўлиниши тариқасида содир бўлади (87-расм). Мейознинг ҳар бир бўлинишида ҳужайралар митозда бўлгани сингари фазаларни ўтасида содир бўлади.




86-расм. Сперматозоидлар ва тухум ҳужайрасининг ривожланиши схемаси:

A — күпайиш зонаси, *B* — ўсиш зонаси, *C* — етилиш зонаси.
1 — бирламчи жинсий ҳужайралар, *2* — ооцит, *3* — тухум ҳужайраси,
4 — йўналтирувчи таначалар, *5* — сперматоцит, *6* — сперматозоид, *7* — вигота.

ди. Мейознинг митоздан фарқи қўйидагилардан иборат: 1) митоз бир марта, мейоз эса икки марта бўлиннишдан иборат; 2) мейозда биринчи бўлинниш редукцион бўлинниш бўлиб, натижада хромосомалар сони 2 марта камаяди; 3) мейозда 1-бўлинниш профазаси анча узоқ давом этади, бу даврда гомологик хромосомалар чалкашуви (коньюгацияси) натижасида улар ўртасида генетик информация алмашинуви содир бўлади; 4) мейоз 1-анафазада хроматидларни туташтириб турувчи центромерлар бўлинмаслиги туфайли хромосомаларнинг ҳар қайси жуфтидан қарама-қарши қутбларга битта яхлит хромосома тарқалади; 5) биринчи ва иккинчи мейоз бўлинниш оралиғидаги интерфаза даври жуда қисқа бўлиб, бу даврда ДНК синтез бўлмайди; 6) мейоз натижасида ҳосил бўлган жинсий ҳужайралар (гаметалар) гаплоид хромосомалар тўпламига эга бўлади (25-жадвал). Мейоз жараёни ва ундан хромосомалар редукциясини 87-расмда тасвирланган схемадан тушуниб олиш мумкин.

Уруғланиши. Уруғланиш гаплоид жинсий ҳужайралар — тухум ва уруғ ҳужайраларининг қўшилиши натижасида диплоид



87-расм. Жинсий ҳужайра (сперматозойд)ларнинг ҳосил бўлиши:

n — хромосомалар сони, *c* — хромосома ҳосил қилувчи материал (хроматидлар)нинг сони; 1 — хромосомалар редупликацияси, 2 — конъюгация ва кросинговер, 3, 4 — иккинчи методик бўлиниш, 5 — этишган гаметалар.

зиготанинг ҳосил бўлишидан иборат. Зигота — уруғланган тухум ҳужайра. Уруғланишдан кейин зиготада хромосомалар тўплами қайтадан яна диплоид ($2n$) бўлиб қолади, лекин хромосомаларнинг ярми тухум ҳужайрага, қолган ярми эса уруғ ҳужайрага тегишли бўлади.

Гулли ўсимликларда жинсий ҳужайраларнинг ҳосил бўлиши ва уруғланиши. Гулли ўсимликларнинг уруғ ҳужайралари — чанг споралари чангдонларда етилади. Чангдонларда дастлаб жуда кўп диплоид ҳужайралар бўлади. Уларнинг ҳар қайиси мейоз усулида бўлинib, тўртта гаплоид чанг ҳужайраларни ҳосил қиласди. Шундан сўнг ҳар бири митоз орқали вегетатив ва генератив ҳужайралар деб аталувчи ҳужайраларни ҳосил қиласди. Генератив ҳужайра яна митоз орқали бўлинib 2 та уруғ ҳужайра (спермийлар) ҳосил қиласди. Шундай қилиб, чангдонларда етилган чанглар 3 та ҳужайра — битта вегетатив ва

23- жадвал. Митоз ва мейозда содир бўладиган жараёнларни солишириш

Боекич	Митоз	Мейоз
Интерфаза	Хужайра йирнеклашади; РНК-ва оқсиллар синтезланади; ДНК редупликацияланади, центриоллар сони 2 марта ошади	Митоздаги каби жараёнлар содир бўлади
1 Профаза	Хроматидалар спираллашиб, йўғонлашади; хромосомалар шаклланана бошлайди; центриоллар қутбларга ажралади; ядро қобиги ва ядрочалар емирилади	Профазадаги сингари жараёнлар билан бир қаторда хромосомалар конъюгацияланади; кроссинговер содир бўлади
1 Метафаза	Бўлининш дуки щаклланади, хромосомалар шаклланиши тугалланади; хромосомалар экватор бўйлаб якка тартибда жойлашади	Бўлининш дуки щаклланади; хромосомалар шаклланиши тугалланади; хромосомалар ҳужайра марказида жуфтжуфт бўлиб жойлашади
1 Анафаза	Хромосомалар хроматидлари бир-биридан ажралиб, алоҳида хромосомаларга айланади; хромосомалар қутбларга тарқалади	Гомологик хромосомалар бир-биридан ажралиб, қутбларга тарқалади
1 Телофаза	Хромосомалар қутбларда жойлашади; хромосомалар спирали ёзилиб, хроматидларга айланади; ядро қобиги ҳосил бўлади; иккита диплоид ҳужайра ҳосил бўлади	Хромосомалар қутбларда жойлашади; спирали ёзилиб хроматидларга айланади; ҳужайра бўлининб, 2 та гаплоид ҳужайра ҳосил бўлади
Интерфаза	Бўлмайди	Жуда қисқа бўлади
2 Профаза	Бўлмайди	Хроматидлар спираллашиб йўғонлашади; хромосомалар шаклланади
2 Метафаза	Бўлмайди	Хромосомалар шаклланиши тугалланади; хромосомалар ҳужайра марказида жойлашади
2 Анафаза	Бўлмайди	Хромосомалар бир-биридан ажралиб, алоҳида хромосомалар ҳолида қутбларга тарқалади
2 Телофаза	Бўлмайди	Хромосомалар қутбларга жойлашади, спирали ёзилиб хроматидларга айланади; ҳужайра бўлининб, 4 та гаплоид ҳужайра ҳосил бўлади

2 та генератив (спермийлар) ҳужайраларидан иборат бўлади.

Гулли ўсимликларда урғочилик жинсий ҳужайраси уруғуртак ичидаги ривожланади. Уруғуртак ҳужайраларидан бири мейоз йўли билан кетма-кет бўлинниб 4 та гаплоид ҳужайрани ҳосил қиласди. Улардан биттаси яна 3 марта бўлинниб, муртак халтасининг 8 та гаплоид ядрони ҳосил қиласди. Бу ядролар

4 тадан бўлиб муртак халтасининг иккӣ томонида жойлашган. Шундан кейин ҳар икки томондан муртак халтасининг марказига биттадан ядро тушади. Ҳар иккала ядро қўшилганидан сўнг муртак халтасининг диплоид ($2n$) хромосомалик марказий ҳужайраси ҳосил бўлади. Чангчи кирадиган тешикча ёнидаги 3 та гаплоид ҳужайрадан бири тухум ҳужайра ҳисобланади.


Чангланишдан сўнг уруғчининг тумшуқчасига тушган чангчиларнинг вегетатив ҳужайраси ўсиб, чанг найчасини ҳосил қиласди ва 2 та спермийлар ана шу найча ичидан бориб, чангчи тешикчаси орқали муртак халтасига киради. Спермийлардан бири гаплоид тухум ҳужайрани, иккинчиси муртак халтасининг диплоид марказий ҳужайрасини уруғлантиради. Натижада тухум ҳужайра диплоид хромосомали, марказий ҳужайра эса полиплоид хромосомали бўлиб қолади. Гулли ўсимликларда бу жараён қўш уруғланиши дейилади. Бу жараённи биринчи марта рус ботаниги С. Г. Новашин таърифлаб берган эди. Уруғланишдан сўнг тухум ҳужайрадан уруғнинг муртаги, марказий ҳужайрадан унинг озиқ модда сақловчи эндосперми ҳосил бўлади.

Партеногенез. Партеногенез организмларнинг уруғланмаган тухум ҳужайрасидан ривожланишидан иборат. Партеногенез ҳодисаси умуртқасиз ҳайвонлар (қисқичбақасимонлар, тўгарак чувалчанглар, ҳашаротлар) орасида айниқса кенг тарқалган. Партеногенез эркак индивидлари камроқ учрайдиган ёки учрамайдиган ҳайвонлар ўртасида кўпроқ учрайди. Партеногенез натижасида фақат урғочи ёки эркак жинслик насл пайдо бўлади. Масалан, асаларилар оиласида уруғланмаган тухумлардан фақат эркак арилар, шира битларида эса фақат урғочи ҳашаротлар етилиб чиқади. Партеногенез қулай муҳит пайдо бўлганида индивидлар сонини кескин оширишга ёрдам беради. Партеногенез ҳодисаси икки йиллик ўсимликларда эркаклик индивидининг йўқолиб кетиши, бир йиллик ўсимликларда эса эркаклик гулининг йўқолиб кетиши билан боғлиқ. Партеногенез ҳодисаси ўсимликлар орасида ҳам жуда кўп учрайди. Кўпчилик қоқигулдошлар, буғдоидошлар, атиргулдошлар, карамгулдошлар ва бошқалар (масалан, малинанинг кўпчилик навлари, қоқиётлар) партеногенез усулида кўпайиш ҳусусиятига эга.

ҲАЙВОЛЛАРНИНГ ИНДИВИДУАЛ РИВОЖЛЯНИШИ

Организмларнинг уруғланган тухум ҳужайрадан етук давр гача бўлган ривожланиши *индивидуал ривожланиши*, яъни онтогенез дейилади. Онтогенез ҳайвонларда икки давр — эмбрионал ва постэмбрионал ривожланиши давларига бўлинади.

Эмбрионал ривожланиш даври. Бу давр уруғланган тухум ҳужайрасининг она қорнида ёки тухум ичидан ривожлана бошлинишидан ўш организмнинг она қорнидан ёки тухум пўстидан чиқишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Эмбрионал ривожланиш бир неча босқичдан иборат.



88-расм. Ланцетник ривожланишининг дастлабки даврлари:

А — сперматозоид, Б — тухум ҳужайраси, В — бластомерлар, Г — бластула, Д — гастрula, Е — органларнинг ҳосил бўлиши: 1 — эктодерма, 2 — эндодерма, 3 — мезодерма, 4 — хорда, 5 — нерв пластинкаси.

Майдаланиш, яъни ургулган тухум ҳужайра — зиготанинг кетма-кет бўлиниб, 2, 4, 8, 16, 32, 64 ва ундан ҳам кўпроқ бластомерлар деб аталадиган майда ҳужайраларнинг ҳосил бўлиши. Бўлиниш митоздан иборат, лекин бўлиниш интерфазаси жуда қисқа бўлганидан ҳосил бўлган ҳужайралар ўсишга улгурмайди, улар бўлиниш туфайли тобора майдаланиб боради (88-расм).

Бластула. Майдаланиш натижасида қулупнай ёки тут мева-сига ўхшаш ғуж жойлашган ҳужайралар ҳосил бўлади. Бу ҳужайралар бир қават бўлиб жойлашиб, ичи бўш шарсимон

бластула ҳосил бүлади. Бластула ҳосил бүлиши билан майдаланиш тугалланади.

Гаструла ва эмбрион варақларининг ҳосил бүлиши. Бластула деворининг бир чети бластула бүшлигига ботиб кириши, бир қанча ҳолларда эса бластула девори ҳужайраларидан айримлари бластула бүшлигига кўчиши ва кўпайишдан кейин тартиб билан бир қават жойлашиши натижасида иккинчи эмбрион варағи ҳосил бүлади. Бу икки қаватли ривожланиш даври *гастрula* дейилади. Гаструла ҳужайраларининг ташқи қавати эктодерма бүлади. Қейинчалик эктодерма ва эндодерма орасида учинчи оралиқ қават — мезодерма ҳосил бүлади. Бу қаватлар эмбрион *варақлар* дейилади. Ички қават билан чегараланган бўшлиқ *бирламчи ичак* бўлиб, ундан ташқарига очиувчи тешик *бирламчи оғиз* дейилади.

Органларнинг ҳосил бўлиши. Айрим ҳайвонлар бутун ҳаёти давомида танаси девори икки қаватдан иборат, тана ҳужайралари эса унча кўп ихтисослашмаган бўлади (масалан, бўшлиқичиллар). Кўпчилик ҳайвонларда эса эмбрион варақлари ҳужайралари ихтисослашиб, тўқима ва органларни ҳосил қиласди. Хусусан, эктодермадан тери ва унда жойлашган соч, тирноқлар, нерв найи ҳосил бўлади. Нерв найидан кейинчалик бошмия ва сезги аъзолари шаклланади. Эндодермадан ўрта ичак, жигар ва нафас олиш органлари ривожланиди. Мезодермадан эса мускуллар, скелет, қон айланиш ва айирув системаси органлари, жинсий безлар ҳосил бўлади.

Постэмбрионал ривожланиши. Организмнинг она қорнидан туғилган ёки тухум ичидан чиқсан давридан бошлаб жинсий вояга етгунга қадар ўтган даврни ўз ичига олади. Постэмбрионал ривожланиш икки йўл билан боради.

1. Ўзгаришсиз, яъни тўғридан-тўғри ривожланиш. Бундай ҳайвонларнинг туғилган янги насли ҳар томонлама вояга етган ота-она организмига ўхшаш бўлади (масалан, сутэмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар, тўғарак чувалчанглар, чучук сув қисқичбақасимонлари, ҳалқали чувалчанглар, бирламчи қаногиз ҳашаротлар, ўргимчаклар, чаёнлар, сольпугалар ва бошқалар).

2. Ўзгаришли ривожланишда тухумдан чиқсан ёш ҳайвон ота-онасига қисман ўхшайди ёки бутунлай ўхшамайди. Ўзгариш орқали ривожланиш ҳам икки хил бўлади:

а) *чала ўзгариш билан ривожланиши.* Бу хилдаги ривожланиш асосан ҳашаротлар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, унда тухумдан чиқсан личинка вояга етган ота-она ҳайвонга кўп жиҳатдан ўхшаб кетади, лекин айрим белгилари, масалан, қанотларининг ва жинсий безларининг ривожланмаганилиги билан фарқ қиласди (чиғирткалар, чирилдоқлар, ниначилар, қандалалар, шира битлари);

б) *тўла ўзгариш билан ривожланиши.* Бунда метаморфоз йўл билан ривожланадиган ҳайвонларининг тухумдан чиқсан ёш даври вояга етган ота-она организмидан кескин фарқ қиласди.

Бу фарқ ташқи тузилишида, озиқланиш усули, ҳатто яшаш мұхитида намоён бўлиши мумкин. Масалан, бақанинг тухумидан чиққан итбалиқнинг думи ва ён чизиги бўлади, жабралар билан нафас олади. Бақаларда эса дум бўлмайди, ўпка билан нафас олади. Капалак, қўнғиз, ари ва чивинларнинг құртсимон личинкаси мутлақо вояга етган ҳашаротларга ўхшамайди.

Метаморфоз, яъни ўзгаришли ривожланадиган ҳайвонларда вояга етган даври билан уларнинг личинкаси ҳар хил муҳитда яшашга мослашганлигидан улар жой ва озиқ учун ўзаро рақобат (конкурентлик) қилмаслиги туфайли яшаб қолиши учун катта имконият беради. Бу турнинг ривожланиши ва яшаб қолиши учун катта имкониятлар беради.

ГЕНЕТИКА АСОСЛАРИ

ОРГАНИЗМ ИРСИЯТИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Генетиканинг предмети, вазифалари ва методлари. Генетика тирик организмларнинг ирсияти ва ўзгарувчанлигини ўрганади. *Ирсият* туфайли ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмлар тури, нави, зоти, штаммлари учун хос бўлган белгилар наслдан-наслга ўтказилади ва сақланиб қолади. Белгилар наслдан-наслга кўпайиш орқали ўтади.

Ўзгарувчанлик организмларнинг индивидлари ривожланиши жараёнида янги белгиларни ҳосил қилиш хусусиятидир. Ўзгарувчанлик туфайли бир турнинг индивидлари, битта ота-онадан туғилган болалар, битта дараҳтнинг мевалари ва барглари бир-биридан фарқ қиласиди («Эволюцион таълимот» мавзусига қаранг).

Чех олим Григор Мендель (1822—1884) генетика фанининг асосчиси ҳисобланади. У ҳар хил нўхатларни чатиштириш устида кузатиш олиб борди ва бир қанча ирсийланиш қонуниятларини очиб берди. Мендель гибридологик таҳлил қилиш методини ишлаб чиқди.

Гибридологик таҳлил қилиш генетиканинг асосий методи ҳисобланади. Бу метод бир-биридан кескин фарқ қилувчи белгиларга эга бўлган индивидларни чатиштириб, дурагайларда фақат текширилаётган белгиларни анализ қилишни, ҳар қайси индивиддан олинган наслни алоҳида ўстириш ва анализ қилишни, шунингдек текширилаётган белгилар бўйича дурагайларни ҳисоб-китоб қилиб боришни кўзда тутади. Гибридологик анализда чатиштириш учун олинган ота-она организмлари лотинча Р ҳарфи билан, чатиштириш X, гибрид F билан белгиланади. Авлоднинг тартиб номери F нинг индексида F_1 , F_2 ва ҳоказо кўрсатилади. Чатиштиришда урғочилик белгиси одатда биринчи, эркаклик белгиси иккинчи ўринда ёзилади.

Жинсий кўпайишида белгиларнинг наслдан-наслга ўтиш қонуниятларини Г. Мендель 1865 йилда эълон қилган, лекин бу

24- жадвал. Генетика қонунлари ва қонуниятлари

Номи	Муаллиф	Ифодаси
Биринчи авлод дурагайларининг бир хиллиги қонудаси (Менделнинг биринчи қонуни)	Г. Мендел, 1865 й.	Монодурагай чатиштиришда биринчи авлод дурагайларида фақат доминант белги юзага чиқади. Доминантлик — фенотип жиҳатидан бир хилдир.
Ажралиш қомуни (Менделнинг иккинчи қонуни)	Г. Мендел, 1865 й.	Биринчи авлод гибридлари ўз-ўзидан чангланганида уларнинг наслида ажралиш 3:1 нисбатда юз беради, яъни икки хил фенотипик гурӯҳ (доминант ва рецессив) ҳосил бўлади
Мустақил ирсийланиш қонуни (Менделнинг учинчи қонуни)	Г. Мендел, 1865 й.	Дидурагай чатиштиришда дурагайларда ҳар бир белги мустақил (бери иккincinnисига боғлиқ бўлмаган ҳолда) ирсийланади. Тўрт хил фенотипик гурӯҳ 9:3:3:1 нисбатда ҳосил бўлади. Бунда ҳар қайси жуфт доминант белгини рецессивга нисбатан 3:1 тарзида ирсийланади
Гаметаларнинг соғлиғи назарияси	Г. Мендел, 1865 й.	Ҳар бир организмда мавжуд бўлган альтернатив белгилар гаметалар ҳосил бўлиш жараёнида аралашиб кетмасдан ҳар бир жуфтдан биттадан гаметаларга соғ ҳолда ўтади
Бириккан ҳолда ирсийланиш	Т. Морган, 1911 й.	Битта хромосомада жойлашган бириккан генлар битта бирикниш гурӯҳини ҳосил қиласди ва биргаликда ирсийланади
Ирсий ўзгарувчанликнинг гомологик қаторлари қонуни	Н. И. Вавилов, 1920 й.	Генетик жиҳатдан ўзаро яқин турлар ва уруғлар ирсий ўзгарувчанлигининг ўхаш қаторлари билан характерланади

Қонунийят узоқ вақт тан олинмаган. 1900 йилдагина бу қонунийят қайтадан кашф этилди ва тан олинди.

Генетика қонунийтлари селекция фани назарияси ва методларини ишлаб чиқиши, янги зот ва навларни яратиш учун илмий асос бўлиб келади.

Монодурагай чатиштириш битта белгиси (масалан, гулнинг ранги) билаи бир-биридан фарқ қиласидиган бир турнинг индивидлари ўртасида олиб борилади. Мендель қизил ва оқ гулли нұхатларни чатиштириб F_1 индивидларининг ҳаммаси бир хил бўлишини, яъни ота-оналардан фақат бирининг белгиси (қизил

ранг) юзага чиқишини, иккинчисининг белгиси (оқ ранг) юзага чиқмаслигини аниқлади. F_1 да юзага чиқадиган белги **доминант** (устунлик қиладиган), юзага чиқмайдигани эса **рецессив** (тобелик қилувчи) деб аталади. Бу қонуният **доминантлик қоидаси** ёки **Менделнинг биринчи қонуни дейилади** (24-жадвал).

Мендель F_1 дурагайларини ўз-ўзидан чанглантирганида, F_2 да доминант ва рецессив белгилар (қизил ва оқ гуллар) юзага чиқиши ва уларнинг миқдори 3:1 нисбатда бўлишини аниқлади. Бу ҳодиса **иккинчи авлод дурагайларининг ажралиши**, яъни **Менделнинг иккинчи қонуни дейилади**.

Юқорида текширилган қонуниятларни тушунтириш учун Мендель **гаметалар софлиги назарясини** илгари сурди. Унинг кўрсатишича ҳар қандай белги материал—омил (фактор) таъсирида шаклланади. Доминантлик омилини Мендель бош ҳарф А билан, рецессивлик омилини кичик а ҳарфи билан белгилади. Ҳар бир индивидда битта белги иккита (жуфт) омил (ген) таъсирида юзага чиқади. Дурагай бу омилларнинг бирини она, иккинчисини ота индивиддан олади. Жинсий ҳужайралар ҳосил бўлганида ҳар бир гаметага фақат битта омил ўтади. Монодурагай чатиштириш қўйидагича ёзилади.

Р	Фенотип:	қизил		оқ
	Генотип:	AA	x	aa
F_1	Гаметалар:	A	A	a
	Генотип:	Aa	Aa	Aa
	Фенотип:	қизил	қизил, қизил,	қизил,

Шундай қилиб, монодурагай чатиштиришда F_1 нинг ҳамма дурагайлари бир хил генотип ва фенотипга эга бўлади.

F_1 дурагайлар гаметаларининг ярми доминант омил (A), қолган ярмиси рецессив омил (a) га эга бўлади. F_1 дурагайлари ўз-ўзидан чанглантирилгандан кейин эса қўйидаги эҳтимол тутилган натижага эришини мумкин:

F_1	Фенотип:	қизил		қизил
	Генотип:	Aa		Aa
F_2	Гаметалар:	A	a	A a
	Генотип:	AA	Aa	Aa aa
	Фенотип:	Қизил	қизил	қизил оқ

Шундай қилиб, F_2 да ажралиш генотип бўйича 1AA:2Aa:1aa; фенотип бўйича 3 та қизил ва битта оқ бўлади.

Наслдан-наслга ўтишнинг цитологик асослари. Менделнинг генетикада очган қонуниятлари, хусусан гаметаларнинг софлиги назарияси жинсий кўпайиш ва жинсий ҳужайралар (гаметалар)нинг ҳосил бўлиш жараёни ўрганилгандан сўнг тўлаётукис тасдиқланди.

Организмларда генлар (Менделда омиллар) хромосома-

ларнинг бир қисми ҳисобланади. Жинсий ҳужайралардан ташқари ҳамма ҳужайраларда хромосомалар жуфт (диплоид) бўлади, улар гомологик хромосомалар дейилади. Юқорида биз ҳар бир белги иккита (жуфт) ген таъсирида юзага чиқишини айтган эдик, жуфт генлар гомологик хромосомаларда, хусусан, уларнинг ўхшаш қисмларида жойлашади. Гомологик хромосомаларнинг ўхшаш қисмларида жойлашган генлар аллель генлар дейилади. Жинсий ҳужайраларнинг ҳосил бўлиш жараёни (мейозда) ҳар қайси гаметага гомологик хромосомалардан фақат биттаси ўтганидан жинсий ҳужайралар гаплоид (тоқ) сонли хромосомаларга эга бўлади. Ота-она гаметалари қўшилишидан кейин ҳосил бўлган зиготаларда ва ундан ривожланниб чиқадиган организм ҳужайраларида хромосомалар яна жуфт (диплоид) сонга эга бўлади.

Гомозиготалар ва гетерозиготалар тушунчасини генетика фанига Г. Мендель киритган. Гомозиготалар ўз-ўзидан чаңгланишидан кейин текширилаётган белгига нисбатан бир хил насл берадиган индивидлардир. Гомозиготалар наслида ажralиши бўлмайди, чунки уларнинг гомологик хромосомалари бир хил аллель генлар (AA ёки aa) тутади, ўша генларга нисбатан бир хил типдаги (A ёки a генли) гаметалар ҳосил қиласди.

Гетерозиготалар — муайян белгига нисбатан наслида ажralиши берадиган индивидлардан иборат. Гетерозиготали гомологик хромосомаларда ҳар хил аллель генлар (Aa) бўлади. Жинсий кўпайишида улар икки хил типдаги (A ва a генли) гаметаларни ҳосил қиласди.

Ажralишининг оралиқ характеристики. Баъзан F₁ дурагайларида тўлиқ доминантлик намоён бўлмаганлиги сабабли, ҳосил бўлган белгилар оралиқ характеристерга эга бўлади. Бу хилдаги ирсийланиш оралиқ доминантлик, яъни чала доминантлик дейилади. Чала доминантликда ҳам F₁ да ҳамма авлодлар фенотипи бир хил, F₂ да эса ажralиши 1:2:1 нисбатда бўлади.

Дидуррагай чатиштириш. Менделнинг учинчи қонуни. Дидуррагай чатиштириш иккита белги (масалан, уруғнинг ранги ва шакли) билан бир-биридан фарқ қиласидиган бир турнинг индивидлари ўртасида олиб борилади. Мендель дидуррагай чатиштиришда бири иккинчисидан донининг шакли ва ранги билан фарқ қиласидиган сариқ силлиқ ва яшил буришган донли нўхатларни чатиштирган. Уларнинг авлодида ҳамма нўхатлар фақат сариқ силлиқ донни ҳосил қилишига асосланниб, бу белгиларнинг доминантлиги ва F₁ дурагайларининг бир хиллиги қондасини кўриш мумкин. F₁ дурагайлари ўзаро чатиштирилганда F₂ дурагайларида 4 хил, яъни сариқ силлиқ, яшил буришган, сариқ буришган ва яшил силлиқ фенотипга эга бўлган индивидлар ҳосил бўлган. Бундан кўриниб турибдики, дидуррагай чатиштиришда ҳам белгилар бир-биридан мустакил ирсийланади. Дурагайларни таҳлил қилиб, уларнинг нисбати 9:3:3:1 ёки (3:1)² бўлишини, ҳар қайси белги бўйича доминантликнинг рецессивликка нисбати 3:1 бўлишини кўриш мумкин.

	Сариқ силлиқ	Яшил бужмайған
P	ААВВ	аавв
Гаметалар:	AB	X
F ₁	AaBb	ав

сариқ силлиқ

Гаметалар: ↓ →		AB	Ab	aB	ab
F ₂	AB	ЛАВВ	ААВв	АaВВ	АaВв
	Ab	ЛАВв	ААВв	АaВв	Аавв
	aB	АaВВ	АaВв	aaВВ	aaВв
	ab	АaВв	АaВв	aaВв	аавв

Бу белгиларнинг мустақил ирсийланиш схемасидир. Белгиларнинг бундай тарқалиши *ирсийланишинг мустақиллиги* қонуни ёки Менделнинг иккинчи қонуни деб аталади ва уни F₁ (AaBb) дурагайлари хромосомаларининг мейоз бўлиниши ва гаметаларнинг ҳосил бўлиши жараёндаги ҳаракати билан тушунтириш мумкин. Чунки биринчи мейотик бўлинишинг анафаза фазасида бўлинаётган ҳужайра қутбларидан бирига AB, Ab, aB, ab генли хромосомалардан бири тасодифан ўтиши мумкин. Бундан F₁ дурагайлари ўзаро чатиштирилганда бир хил миқдорда AB, Ab, aB, ab генли гаметалар ҳосил қилиш эҳтимоли бор, деган холосага келиш мумкин. Шундай генли гаметалар ўзаро чатишганда эса F₂ дурагайлари генотиплари бўйича: AAbb — 1, AaBb — 4, AABb — 2, AaBb — 2, AAbb — 1, aaBb — 1, Aabb — 2, aaBb — 2, aabb — 1 бўлади. Бунда ЛАВВ, ЛАВв, АaВВ, АaВв генотипга эга бўлган дурагайлар сариқ силлиқ (ҳаммаси бўлиб 9 та), AAbb ва Aabb — сариқ бужмайған (3 та); aaBb ва aabb — яшил силлиқ (3 та), aabb — яшил бужмайған (битта) бўлади. Бунда сариқ уруғли ўсимликларнинг яшил уруғлиларга, силлиқ уруғлиларнинг бужмайған уруғли ўсимликларга нисбати, яъни F₂ дурагайларида белгиларнинг тарқалиши 3:1 ёки (3:1)² нисбатда боришини пайқаш қийин эмас.

Мустақил ирсийланиш қонуни фақат генлари ҳар хил хромосомалар жойлашган белгилар учун амал қиласди.

БИРИККАН ҲОЛДА ИРСИЙЛANIШ. ХРОМОСОМАЛАРНИНГ ЧАЛКАШУВИ

Бириккан ҳолда ирсийланиш. Ҳар қандай организм ҳужайрасидаги хромосомалар сони доимо чекланган, лекин ҳар бир индивидни бошқасидан фарқ қилишига ёрдам берадиган генлар сони эса чексиз кўп бўлади. Масалан, дрозофила пашшасида фақат 4 жуфт хромосомалар бўлгани ҳолда, уларда жойлашган генлар 10 мингга етади. Шу сабабли ҳар бир хромосомада жойлашган белгиларнинг ирсийланиш хусусиятини америкалик генетик олим Томас Морган 1911 йилда тушунтириб берди. Олим икки хил белги билан бир-биридан фарқ

қилувчи кулранг тана нормал қанотли дрозофила (мева пашшаси)ни қора тана калта қанотли пашшалар билан чатиштирганда F_1 гетерозиготали дурагайлари ҳаммасининг танаси кулранг, қанотлари мөъёрда бўлган. Бу ҳодиса тананинг кулранглиги ва қанотларнинг мөъёрда бўлиши доминантлик қилишини кўрсатади. Лекин F_1 дурагайларидаги пашшалар рецессив белгиларга эга бўлган қора танли калта қанот пашшалар билан чатиштирилганда ажralиш қонунида бўлганидек 4 хил — кулранг танали нормал қанот, кулранг танали калта қанот, қора танали нормал қанот ва қора танали калта қанотли пашшаларни ҳар қайси фенотипга нисбатан 25 фоиздан бўлиши керак эди. Аслида дастлабки ота-она белгилари (кулранг танали нормал қанот ва қора танали калта қанот)га эга бўлган пашшалар 1:1 нисбатда ҳосил бўлган. Бу ҳодиса кулранг тана нормал қанот ёки қора тана калта қанот белгиларнинг генларини битта хромосомада жойлашуви ва уларни бир-бири билан бириккан ҳолда наслга ўтиши оқибатида бўлиши мумкин. Чунки битта хромосомада жойлашган генлар ажralиб кетмайди ва бириккан ҳолда наслга ўтади. Буни қуйидаги схема ёрдамида тушунтириб бериш мумкин.

P	Кулранг нормал қанот	Қора калта қанот	Кулранг нормал қанот	Қора калта қанот
	A _____ B _____ a _____ b		A _____ B _____ a _____ b	
	A _____ B _____ a _____ b		A _____ B _____ a _____ b	
Гаметалар	A _____ B X a _____ b		A _____ B _____ X a _____ b	
			ва	
			a _____ b	
F ₁	A _____ B _____ A _____ B	A _____ B _____ F ₂	A _____ B _____ A _____ B	a _____ b _____ a _____ b
	а _____ в _____ а _____ в		а _____ в _____ а _____ в	а _____ в _____ а _____ в
	а _____ в _____ а _____ в		а _____ в _____ а _____ в	а _____ в _____ а _____ в
	Кулранг танали нормал қанот пашшалар		Кулранг тана нормал қанот	Қора тана калта қанот

Шундай қилиб, битта хромосомада жойлашган генлар бирикиш группаси ҳосил қиласи ва биргаликда наслга ўтади. Бу ҳодиса *Морган* қонуни дейилади (24-жадвал). Бирикиш группалари сони ҳар бир турнинг гаплоид хромосомалари сонига teng бўлади.

Бирикишнинг бузилиши, хромосомалар чалкашуви. Хромосомаларнинг бирикиши муқобил бўлмайди. Т. Морган чатиштиришда F_1 гетерозиготали урғочи пашшани рецессив белгили эркак пашша билан чатиштирганда ҳар доим 2 фенотип эмас, балки дидурагай чатиштиришда бўлгани каби 4 фенотип ҳосил бўлиши, лекин фенотипларнинг нисбати бутунлай бошқаароқ

бўлишини аниқлаган. Чунончи, чатиштириш учун олинган ота ва оналар белгисига (кулранг тана, нормал қанот ва қора тана, калта қанот) эга бўлган пашшалар 41,5 фоизни, шу белгиларнинг комбинацияси (кулранг тана калта қанот ва қора тана нормал қанот) эса анча кам — 8,5 фоизни ташкил этган. Ота-она белгилари комбинациясига эга бўлган пашшаларнинг пайдо бўлиши гаметалар ҳосил бўлиш жараёнида ургочи пашшаларда гомологик хромосомалар орасида генетик ахборот алмашинув содир бўлганлигини кўрсатади. Бундай ахборот алмашинув биринчи мейоз бўлиниш профазасида хромосомалар конъюгация жараёнида содир бўлади. Хромосомалар чалкашуви натижасида илгари битта хромосомада жойлашган генларнинг айримлари бошқа-бошқа хромосомаларга ажралиб кетади. Гаметалар ҳосил бўлганидан сўнг улар ҳар хил гаметаларга ўтиб қолади. Генларнинг бундай ажралишуви уларнинг хромосомалардаги ўрнига боғлиқ. Генлар бир-биридан қанча узоқ жойлашган бўлса, улар ўртасида шунча кўп ажралиш содир бўлади. Аксинча, бир-бирига яқин жойлашган генлар ўзаро мустаҳкам бириккан бўлиб, улар мейозда ажралиб кетмайди. Шу қонуният асосида организмлар хромосомалари генлари ўртасидаги нисбий масофани кўрсатиб бериш ва хросомалар генетик картасини тузиб чиқиши мумкин. Хросомалар ўртасида генлар қисмлари билан бундай алмашинув генларнинг қайта тақсимланишига ҳамда ирсий ўзгарувчанликнинг кучайишига олиб келади.

ГЕНЛАРНИНГ ЎЗАРО ВА КЎП ТОМОНЛАМА ТАЪСИРИ

Организмдаги кўп белгилар Мендель қонунида кўрсатилганидек-фақат битта ген таъсирида ирсийланмайди, балки аллел бўлмаган бир неча жуфт генларнинг ўзаро таъсирида ирсийланади. Бундай ирсийланиш генларнинг комплементар, эпистатик, плейотроп ёки полимер таъсири натижасида рўй бериши мумкин.

Генларнинг комплементар (тўлдирувчи) таъсири икки ёки ундан кўпроқ аллел бўлмаган генлар таъсирида ирсийланishiдан иборат. Масалан, ошқовоқ мевасининг шакли аллел бўлмаган икки жуфт А ва В генларнинг комплементар таъсири билан боғлиқ. Агар икки ген ҳам доминант ($AABB$, $AABv$, $AaBV$, $AaBv$) бўлса, меваси гардишсизон; улардан фақат бир жуфт доминант ($AAbv$, $aABV$) бўлса юмaloқ; иккала ген ҳам рецесив ҳолатда ($aabb$) узунчоқ мевалар пайдо бўлади. Агар иккита юмaloқ мевали ўсимликлар ($aaBV \times AAbv$) чатиштирилганда фақат гардишсизон, иккита гардишсизон мевали ўсимликлар чатиштирилганида эса 9 та гардишсизон, 6 та юмaloқ ва 1 та узунчоқ мевали ўсимликлар пайдо бўлади.

Генларнинг эпистаз таъсирида белгиларининг ирсийланishi бир генни аллел бўлмаган иккинчи генга нисбатан доминант бўлишидан иборат. Масалан, товуқлар патининг оқ ёки қора

бўлиши икки жуфт аллел бўлмаган генлар (С ва J) га боғлиқ. С гени доминант ҳолатда пигментнинг ривожланганлигини, рецессив ҳолатда эса пигментнинг бўлмаслигини кўрсатади. Иккинчи ген ингибитор бўлиб, доминантлик ҳолатда С геннинг таъсирини тўхтатади, натижада пат ранги оқ бўлади. Ана шунинг учун иккита гетерозиготли оқ товуқлар чатиштирилганида олинган жўжаларнинг 16 тасидан 13 таси оқ, 3 таси қора патли бўлади.

Генларнинг эпистатик таъсирини қўёнларда жун рангининг ирсийланиши мисолида ҳам кўриш мумкин. Жун ранги икки жуфт аллел бўлмаган генларга боғлиқ бўлиб, улардан бирини (C-c) пигментнинг ҳосил бўлишига, иккинчиси (A-a) пигментнинг тақсимланишига таъсир кўрсатади. Иккала геннинг доминант ҳолати пигментнинг ривожланганлиги ва уни жунлар асосида тўпланганлигини кўрсатади. Бундай қўёнлар кулранг бўлади. Биринчи (C) гени доминант, а гени рецессив бўлганда, иккинчи ген пигмент тарқалишига таъсир кўрсатмайди, яъни пигмент жун бўйлаб бир текис тарқалиши туфайли қўёнлар жуни қора бўлади. Биринчи ген (c) рецессив бўлганида иккичи ген доминант ёки рецессив (C-c) бўлишидан қатъи назар қўёнлар оқ жунли бўлади.

Генларнинг полимер таъсири (полимерия) функцияси ва таъсир кучи жиҳатидан бир хил бўлгац генларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Масалан, қизил ва оқ донли буғдой навлари чатиштирилганида F_1 да пушти донли буғдой пайдо бўлади, F_2 да эса оқдан пуштигача бўлган 5 хил рангга эга бўлган (1-қизил, 4-оч қизил, 6-пушти, 4-оч пушти, 1-оқ) донли ўсимликлар ҳосил бўлади. Ўсимлик ва уй ҳайвонларининг хўжалик учун қимматбаҳо бўлган ирсий белгилари (массаси, сутдорлиги, ёғлилиги, бўйи, ҳосилдорлиги) генларнинг полимер таъсири туфайли ривожланади. Шундай қилиб, полимерияда янги белгилар пайдо бўлмайди. Белгилар миқдорий жиҳатдан ривожланади. Ривожланиш даражаси полимер генлар сонига боғлиқ.

Генларнинг кўп томонлама (*плейотроп*) таъсирида белгиларнинг ирсийланиши битта геннинг бир неча белгиларнинг ривожланишига таъсиридан иборат. Масалан, гулнинг тўқ қизил рангда бўлишига таъсир қилувчи ген ўсимлик поясини ҳам тўқ қизил рангда бўлишини таъминлайди, оқ гулли атиргул навлари пояси яшил рангли бўлади. Сичқонлар жунининг сариқ ёки қора ранги бир жуфт (A, a) ген билан боғлиқ. Сариқ жунли сичқонлар Aa генотипга, қора жунли сичқонлар aa генотипга эга бўлади. Лекин сариқ сичқонлар орасида AA генотиплиги учрамайди, чунки доминант гомозиготали сичқонлар эмбрион даврида ҳалок бўлади. Шунинг учун сариқ ва қора жунли сичқонлар 3:1 нисбатда эмас, балки 2:1 нисбатда пайдо бўлади.

Шундай қилиб, маълум бир белгининг шаклланишига кўп генлар ёки организмнинг бутун бир генотипи таъсир кўрсатиши

мумкин. Ўз навбатида ҳар бир ген бир неча белгилар ёки аниқрорги бутун бир организмнинг шаклланишига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли генотип генларнинг оддий тўплами бўлмай, балки ўзаро таъсир кўрсатувчи генларнинг тарихий ташкил топган системасидан иборат.

ЖИНС ГЕНЕТИКАСИ

Кўпчилик турларнинг эркак ва ургочи индивидлари бирбиридан бир қанча белгилари билан фарқ қиласди. Бундаи фарқланувчи белгилар жинсий хромосомалардаги генлар орқали юзага чиқади. Бир турга мансуб бўлган ургочи ва эркак индивидларда хромосомалар сони тенг бўлади, лекин улар жинсий хромосомалар деб аталувчи бир жуфт хромосомаларнинг тузилиши билан бир-биридан фарқ қиласди. Одатда ургочи организмда жинсий хромосомалар жуфти бир хил — таёқчасимон шаклда бўлиб, уни X (иккес) хромосома, иккинчиси эса бошқача тузилян, яъни елкали бўлиб, уни Y (игрек) хромосома дейилади. Ҳужайрадаги бошқа ҳамма хромосомалар ургочи ва эркак организмларда бир хил бўлади, улар Y аутосомалар дейилади. Масалан, одам ҳужайрасида 23 жуфт хромосомалардан бир жуфти жинсий хромосомалар, 22 жуфти аутосомалар, аёлларнинг хромосомалар комплекси 44A+XX, эркакларники 44A+ +XY бўлади. 4 жуфт хромосомали дрозофила пашшаларининг хромосомалар комплекси ургочиларида 6A+XX, эркакларида — 6A+XY бўлади. Бир хил хромосомаларга эга бўлган ургочи индивидлар фақат бир типдаги (Х — хромосомали) гаметалар ҳосил қиласди ва улар гомогаметалик жинс дейилади. Эркак индивидлар эса икки типдаги (Х ва Y — хромосомалик) гаметалар ҳосил қилганидан улар гетерогаметалик жинс бўлади. Барча сутэмизувчилар, кўпчилик ҳайвонлар ва бир қанча ҳашаротларнинг ургочилари гомогаметали, эркаклари гетерогаметали бўлади. Қушлар, балиқлар, судралиб юрувчилар ва айрим бошқа ҳайвонларда эса аксинча эркаклари гомогаметали, ургочиси гетерогаметали бўлади. Мейоз жараёнида гетерогаметалик индивидлар бир хил миқдордаги Х ва Y хромосомали гаметалар ҳосил қиласди. Шу сабабли, жинсий кўпайишдан кейин ҳосил бўлган эркак ва ургочи индивидлар сони тенг бўлади. Қўйида эркак индивидлар гетерогаметали бўлган организмларда жинснинг ирсийланиши кўрсатилган:

P Генотип	XX	XY
F ₁ Генотип	X X XX	X Y XY
Фенотип	Эркак	
Фенотип	Ургочи	Эркак

Айрим ҳашаротларда (масалан, қандалалар, темирчаклар) Y — хромосома бўлмайди, эркагида фақат битта жинсий X — хромосома бўлади. Эркак гаметалар бўлинини даврида бу

хромосома гаметаларнинг бирига ўтади, натижада сперматозоидларнинг ярмиси X — хромосомали бўлади, қолган ярмисида эса жинсий хромосома бўлмайди. Тухум ҳужайраси X — хромосомали уруғ ҳужайра билан уруғланганида ундан урғочи, X — хромосомаси бўлмаган уруғ билан уруғланганида эса эркак организм ривожланади.

Жинс орқали бириқиш. X — хромосомаларда жинсни аниқловчи белгилар билан бир қаторда жинсга алоқаси бўлмаган генлар ҳам бўлади. Жинсий хромосомалар орқали ирсийланадиган белгилар жинс орқали бириккан белгилар дейилади. Масалан, одамнинг X — хромосомасида қоннинг ивиши ва рангларни нормал ажратишини белгиловчи генлар жойлашган, лекин бу генлар Y — хромосомаларда бўлмайди. Эркак кишининг X — хромосомасида қоннинг ивимаслигини белгиловчи рецессив генлар пайдо бўлганида гемофилия (қон кетиш) ва дальтонизм (қизил ва яшил рангни ажратолмаслик) касалликлари юзага чиқади. Хотин-қизларнинг X — хромосомаларининг бирида бу генлар бўлганида ҳам касаллик юзага чиқмайди, лекин бундай хотин-қизлар касаллик гени ташувчилари бўлиб ҳисобланади. Эркак киши нормал, лекин хотин киши касаллик гени ташувчи бўлган оиласдаги ўғил болаларнинг бир қисми гемофилия ёки дальтонизм билан касалланган бўлиши мумкин:

Генотип:	$X_A X_a$	\times	X_Y		
P					
Гаметалар:	X_A X_a		X_A Y		
Генотип:	$X_A X_y$	$X_A Y$	$X_A X_a$ Y		
F ₁	Фенотип:	нормал қиз	нормал ӯғил	касаллик ташувчи қиз	касал ӯғил қиз

Ирсиятнинг хромосома назарияси. Бу ирсий белгиларнинг ҳужайралардаги хромосомалар орқали ирсийланishi тўғрисидаги таълимотдир. Бу таълимот таъбир этишича организмларнинг тузилиши ва ҳаёт кечириш хусусиятларининг авлоддан-авлодга ўтиши уларнинг хромосомалари орқали содир бўлади. Ирсиятнинг хромосома назарияси Г. Бовери ва У. Сеттонлар томонидан XX аср бошида таклиф этилган ва кейинчалик Т. Морган ҳамда унинг шогирдлари томонидан ишлаб чиқилган. Дастребу назария ҳайвонлар жинсининг генетик механизмини аниқлашда, хусусан урғочи дрозофила жинсий хромосомаларида содир бўладиган ўзгаришлар жинс билан бирикадиган белгиларнинг ўзгаришига олиб келиши сабабларини тушунтиришда ўз ифодасини топди.

Хромосома назарияси бўйича ирсий белгилар хромосомалардаги генлар орқали аждодлардан авлодларга ўтади. Ҳар қайси хромосомада бир неча ўн минглаб ген бўлади. Битта хромосомада жойлашган генлар битта бирикши гуруҳини ташкил қиласди ва биргаликда ирсийланади. Бирикши гуруҳларининг сони

ҳар бир тур учун доимий бўлиб, гаплоид хромосомалар сонига тенг. Генларнинг бирикиши билан боғлиқ бўлган белгилар ҳам бириккан ҳолда ирсийланади. Бирикиш орқали ирсийланиш хромосомалар чалкашуви (кроссинговер) натижасида бузилиши мумкин. Бу назарияга биноан белгиларнинг қайта комбинацияси (комбинатив ўзгарувчанлик) мейозда хромосомаларнинг мустақил тарқалиши ва гомологик хромосомалар чалкашувиди, хромосомалар айrim қисмларининг алмашинуви натижасида содир бўлади. Мутация генлар ва хромосомаларда содир бўладиган ўзгаришлар билан боғлиқ. Морган томонидан бириккан ҳолда ирсийланиш ва кроссинговернинг тушунтириб берилиши хромосомалар генетик картасини тузиш учун асос бўлди. Генларнинг тузилиш механизми ва ДНК занжиридаги нуклеин кислоталарнинг ирсий белгиларни ташибдаги аҳамиятининг кўрсатиб берилиши билан ирсиятнинг хромосома назарияси янада ривожлантирилди.

ОДАМ ГЕНЕТИКАСИ

Одам ирсиятини ўрганиш усуллари. Ер юзида яшаётган ва яшаб ўтган кишиларни айнан бир-бирига ўхшамаслигини генетика нуқтai назаридан яхши тушуниб олиш мумкин. Одамда 23 жуфт хромосома бўлади. Агар ота-она она организми хромосомалар жуфтидаги фақат битта гени бўйича фарқ қилганида ҳам улар ўртасидаги генотипик комбинациялар сони 2^{23} га тенг бўлар эди. Ота-оналар ўзаро кўп генлар билан фарқ қилиши ва гомологик хромосомалар ўртасида чалкашув бўлиши ҳисобга олинадиган бўлса, ирсий комбинацияларнинг сони ақл бовар қилмайдиган даражада кўп бўлишини тушуниб олиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир одам генетик жиҳатдан ягона ва ўзига хос бўлади.

Ирсият қонунлари одамга ҳам тегишли бўлиб, инсоният учун foят катта аҳамиятга эга. Одам ирсиятини ўрганишнинг тўрт хил: генеологик, эгизаклар, цитогенетик ва биохимиявий усуллари мавжуд.

Генеологик усул одамларнинг насл-насабини ўрганиб чиқишидан иборат. Бу усул билан кўпгина нормал белгилар (соҳ ва кўзнинг ранги, бўйнинг пакана ёки узунлиги); полидактилия (ортиқча бармоқлилик) шунингдек, музика ва математикага бўлган қобилият наслдан-наслга ўтиши аниқланган. Кўпгина касалликлар, масалан, қандли диабет, нерв системасидаги камчиликлар билан боғлиқ бўлган ақлий заифлик, шизофрениянинг айrim хиллари, гемофилия, туғма карлик, соқовлик ва кўрлик ҳам генеологик усул билан аниқланган.

Эгизаклар усули битта тухумдан пайдо бўлган эгизакларни уларни бутун ҳаёти давомида ўрганиб боришидан иборат. Бу усул ташки муҳит таъсирида бир хил генотипга эга бўлган организмлар жисмоний ва руҳий хусусиятларининг ривожланишини ўрганишга имкон беради. Одатда одам ва баъзи юксак

сүтэмизувчилар биттадан бола туғади. Лекин баъзан бир ҳомиладорликда икки ёки ундан күпроқ болалар (эгизаклар) туғилиши мумкин. Эгизаклар битта сперматазоид билан уруғланган битта тухум ҳужайрадан ёки ҳар хил сперматозоидлар билан уруғланган икки ёки ундан күпроқ тухум ҳужайралардан ривожланган бўлиши мумкин.


Бир тухумли эгизаклар тухум ҳужайраси уруғлангандан сўнг майдаланишнинг дастлабки даврида бластомерлар ажрабиб, мустақил ривожлана бошлиши ва уларнинг ҳар бири бир бутун эмбрионга айланishi туфайли пайдо бўлади. Бу ҳодиса майдаланишнинг икки бластомерлик босқичида содир бўлса иккита, тўрт бластомерлик даврида содир бўлса тўртта бир хил эгизаклар туғилади. Майдалана бошлаган тухум ҳужайрадан бир бутун нормал организмнинг ривожланиши **эмбрионал регуляция** дейилади.

Бир тухумли эгизаклар битта сперматазоид билан уруғланган битта тухум ҳужайрасининг митоз бўлиниши туфайли ҳосил бўлади. Ана шу сабабдан бундай эгизакларнинг фенотипи ва генотипи ҳам ўхшаш бир хил жинсга мансуб бўлади. Икки хил тухумли эгизаклар ҳар хил сперматозоид билан уруғланган зиготалардан ривожланганидан улар бир-бирига айнан ўхшамайди. Улар ҳар хил ёки бир хил жинсга мансуб бўлади, фенотипик ва генотипик жиҳатдан опа-сингил, ака-ука ёки ака-сингил, опа-укаларга ўхшаш бўлади.

Эмбриогенезнинг илк даврларида баъзан бластомерлар тўлиқ ажрабиб кетмаслиги мумкин. Уруғланганидан сўнг эмбрион ривожланишининг биринчи ҳафтасида содир бўладиган нуқсонлар туфайли бир-бирига ёпишган бир тухумли эгизаклар пайдо бўлади (89-расм). Эгизаклар танасининг ҳар хил қисмлари, хусусан кўкраги, қорни, думғазаси ёки бошқа томонлари орқали бир-бирига ёпишган бўлиши мумкин. Бундай эгизаклар одатда она қорнидаёт ҳалок бўлади, баъзан тирик туғилиши ҳам мумкин. 1811 йилда Сиам (Тайланд)да шундай эгизаклар туғилган. Сиам эгизаклари номи билан машҳур бўлган Чанг ва Энг исмли эгизаклар 63 йил умр кўришган. Айрим ҳолларда битта умумий тана, лекин мустақил иккита бошга эга бўлган эгизаклар ҳам туғилади. АҚШда туғилган бундай эгизаклар танасининг умумий қисмидаги ички органлари ҳам умумий бўлган.

Юқорида айтиб ўтилган бир-бирига ёпишган эгизаклар **симметрик эгизаклар** дейилади. Асимметрик эгизаклардан бири нормал ривожланган, иккинчиси эса яхши ривожланмаган бўлиб, шишига ўхшаш тугунча шаклида биринчиси танасига ташқи ёки ички томондан ёпишган бўлади.

Цитогенетик усул хромосома ва ген мутациялари орқали юзага чиқадиган белгиларни аниқлашда қўлланилади. Йрсий касалликларнинг кўпчилиги рецессив белги бўлиб, ударнинг юзага чиқиши иккита рецессив аллел генларнинг битта зиготага тушиб қолиши билан боғлиқ. Хромосома мутациялари хро-



89-расм. Ептта тухумдан ривожланган эгизакларниң пайдо бүлиши:

I — эгизакларниң алохид аистомерлардан ривожлапиши, *II* — ҳужайра бластоциста массасининг бүлиниб, иккита эгизак ҳосил қилиши, *III* — ҳужайра бластоциста массасининг тұлық бүлиниб кетмасдан бир-бiriغا ёншішкан сиам эгизакларни ҳосил қилиши.

мосомалар сони ва тузилишининг ўзгариши билан боғлиқ. Хромосома мутациялари микроскоп остида хромосомалар сони ва тузилишига қараб аниқлаб олинади. Бунинг учун хромосомалар махсус бўёқлар билан бўяб текширилади. Одатда хромосомалар сонининг биттага ортиб, 47 та бўлиб қолиши Даун касаллигига сабаб бўлади. Даун касаллигида одамнинг боши жуда кичик, кўз ёриқлари тор, ақли заиф бўлади.

Биокимёвий усул организмда моддалар алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ бўлган касалликларни аниқлашда катта аҳамиятга эга. Қанд алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ бўлган қандли диабет, аминокислоталар алмашинувининг бузилиши — **фенилкетонурия**, нуклеин кислота ҳосил қилувчи пуринлар ва пиrimидинлар бузилиши **подагра**, ёф алмашинувининг бузилиши — **Гоше касаллиги** ва бошқалар бунга мисол бўлади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига қараганда одамларда 1000 дан ортиқ ирсий касалликлар учрайди. Ҳар йили туғилган чақалоқларнинг 4—5 фоизида ирсий камчиликлар учрайди. Атроф муҳитнинг мутаген радиоактив ва кимёмий моддалар билан ифлосланиши одамларда зарарли мутацияларнинг кучайиб боришига олиб келади.

Ота-оналар, айниқса ҳомиладор ва эмизикли хотинларнинг чекиши, спиртли ичимликлар ва яхши текширилмаган дори-дармонларни истеъмол қилиши ҳам ёш гўдаклар организмида зарарли мутацияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шу сабабли бутун инсоният саломатлиги йўлида атом қуролининг тақиқланниши ва атроф муҳитнинг ифлосланмаслиги учун кураш олиб бориш зарур. Қашандалик ва спиртли ичимликларнинг зарарини кишилар онгига сингдириб бориш зарур.

ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАР

Одамдаги ирсий касалликларни тиббиёт генетикаси ўрганади. Бундай касалликлар хромосома ва ген мутациялари туфайли пайдо бўлиши мумкин.

Хромосома мутациялари хромосомалар сони ва тузилишининг ўзгариши билан боғлиқ. Автосомалар сонининг биттага ортиб кетиши туфайли **Даун синдроми** пайдо бўлади. Бунда 21-жуфт хромосома биттага ошиб кетиши, яъни **трисомик бўлиши** туфайли диплоид хромосомалар 47 та бўлади. Даун синдромида беморнинг боши ва кўзлари нисбатан кичик, юзи кенг, оғзи чала очиқ; ақли заифроқ; бепушт бўлади. Бу касаллик ташқи муҳит таъсирида ёки онанинг ёши 35—40 дан ошиб фарзанд кўрганида пайдо бўлиши мумкин.

Жинсий хромосомалардан X хромосомаси сони битта ортиқ, яъни XXU бўлиши эркакларда учраб туради. **Клейнфельтер синдроми** деб аталадиган бу касалликда ҳам хромосомалар сони 47 та бўлади. Қасал одамнинг қўл ва оёқлари ҳаддан ташқари узун, елкаси чаноғига нисбатан тор, баданида аёллар-

никига ўхшаб ёғ түпланади. Балоғатта етгандан сұнг ақлий ривожланишдан биғоз орқада қолади.

Аёлларда жинсий хромосомалардан бириңнинг бўлмаслиги оқибатида *Шеревский — Тернер синдроми* пайдо бўлади. Бундай аёлларда хромосомалар сони 45 та бўлади. Касал аёлнинг бўйи жуда паст, бўйни жуда қисқа, тухумдонлари ривожланган, иккиламчи жинсий белгилари ҳам суст ривожланган бўлади. Клайнфельтер синдроми тахминан ҳар 500 та ўғил боладан биттасида, Шеревский — Тернер синдроми эса ҳар 5000 қиздан бирида учрайди.

Одамда аутосомаларда жойлашган генларда пайдо бўладиган мутациялар туфайли *синдактилия* (панжаларнинг туташиб кетиши), *полидактилия* (қўшимча бармоқлилик), *микроцефалия* (юз қисмининг ғайри табиий катта, бошнинг жуда кичик бўлиши) ирсий касалликлари пайдо бўлади. Бу касалликлар доминант ҳолда ирсийланганидан уларни осон аниқлаб, даволаш чорасини кўриш мумкин. Микроцефалияга учраган bemorlarнинг ақли заиф бўлади.

Одамда рецессив мутациялар туфайли найдо бўладиган касалликлар ҳам аниқланган. Бундай касалликлар рецессив ген гомозигот ҳолатига ўтгандагина пайдо бўлади, гетерозигот ҳолатда эса нормал болалар туғилади. Агар рецессив ген аутосомаларда бўлса, касаллик ўғил ва қиз болаларда ҳам бир хилда пайдо бўлади. Бунга мисол қилиб, фенилкетонурия касаллигини олиш мумкин. Касалликда нерв системасининг қаттиқ шикастланганлиги туфайли ақли заифлик кузатилади.

Жинсий хромосомалар орқали ирсийланадиган рецессив мутацияларга бундан олдинроқ қайд этиб ўтилган гемофилия ва дальтонизм касалликларини кўрсатиш мумкин. X хромосомаси орқали ирсийланган касалликлар бу хромосомаларнинг гомологи бўлмаслиги туфайли эркакларда кўпроқ учрайди.

У хромосома орқали ирсийланадиган белгиларга мисол қилиб трихофития (қулоқ супрасида жун бўлиши) ва бармоқлар орасида парданинг ривожланишини кўрсатиш мумкин. Бу белгилар фақат эркакларда учрайди.

Белгиларнинг ирсийланиш қонуниятларини билib олиш орқали айрим касалликларнинг пайдо бўлишини олдиндан айтиб бериш мумкин. Масалан, «Резус-омил» антиген оқсилининг хосил бўлиши аутосомалардаги доминант ген билан боғлиқ. Бу ген рецессив гомозигот ҳолида резус-омил синтез бўлмайди ва организм резус-манфий бўлади. Резус-манфий хотин резус-мусбат эркак билан турмуш қурганида резус-мусбат ҳомила ривожланади. Лекин ҳомиладорликнинг охирида ўйлдош орқали она организмига кирадиган резус-омилга қарши она организми антитела ҳосил қиласди. Биринчи ҳомиладорликда бу хавфли эмас. Лекин иккинчи ва ундан кейинги ҳомиладорликда она организми резус-омилга қарши кўп антитела ишлаб чиқаради. Бу оқсили ҳомилага ўтиб, унинг эритроцитларини емириши туфайли туғилган чақалоқ сарғайма касали билан оғриб, ҳалок

бўлиши мумкин. Бу касалликниг ирсийланиш қонуниятларини ва ота-она генотипини билиб олиш орқали резус-конфликтниг пайдо бўлишини олдиндан айтиб бериш ва ҳомиланинг ҳалок бўлишининг олдини олиш мумкин.

МОДИФИКАЦИОН ЎЗГАРУВЧАНЛИК

Фенотипниг юзага чиқишида генотип ва ташқи муҳит шароитининг аҳамияти. Ҳар қандай организм фенотипи унинг генотипи билан ташқи муҳит шароитларининг ўзаро таъсири натижасида шаклланади. Бир хил генотипга эга бўлган организмлар ҳар хил муҳит шароити таъсирида турлича фенотипга эга бўлиши мумкин. Генотип ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ана шу ўзгарувчанлик модификацион ёки ирсий бўлмаган ўзгарувчанлик дейилади («Эволюцион таълимот» бўлимидағи «эволюциянинг ҳаракатлантирувчи кучлари» мавзусига қаранг).

Реакция меъёри. Модификацион ўзгарувчанликнинг чегараси, яъни ташқи муҳит таъсирида ўзгарувчанлик даражаси реакция меъёри дейилади. Битта организмнинг турли белгилари ҳар хил реакция нормасига эга бўлади. Масалан, қорамолнинг сутдорлиги боқиш ва парвариш қилишга қараб кенг чегарада ўзгарса, сутдаги ёғ миқдори эса қисқа чегарада ўзгаради ва у асосан мол зотига боғлиқ бўлади. Сутэмизувчилар юнгининг ранги эса ташқи шаронгта боғлиқ бўлмаган доимий белги ҳисобланади. Буғдой ва ғўза ўсимлигининг шохланиши, узунлиги ва ҳосилдорлиги уларни экиш муддатлари ва парвариш қилиши (ўғитлаш, суфориш)га кўп жиҳатдан боғлиқ. Доннинг массаси ва бошоқнинг зичлиги парвариш таъсирида кам ўзгаради. Дон ва бошоқнинг ранги, бошоқнинг қилтиқли ёки қилтиқсиз бўлиши эса ташқи муҳит таъсирига боғлиқ бўлмайди. Шундай қилиб, ҳар бир нав ёки зотга хос бўлган реакция меъёрини генотип белгилаб беради. Наслдан-наслга белги (генотип) эмас, балки аниқ бир муҳит шароити таъсирида организмнинг маълум бир фенотип ҳосил қилиш лаёқати ўтади. Реакция нормаси организмларни муҳитнинг ўзгариб борадиган шароитига мослашувига на насл қолдиришига ёрдам беради. Реакция нормаси тўғрисидаги билимлар ҳайвонлар ва ўсимликларнинг ривожланиши ва ўсиши учун энг қулай шароит яратиб бериш орқали юқори маҳсулдор ва ҳосилдор навларни яратиш имконини беради.

Модификацион ўзгарувчанликнинг статистик қонуниятлари. Организмлар бир хил генотипга эга бўлса-да, лекин яшаш шароитлари айнан бир хил бўлмаслиги сабабли улардаги модификацион ўзгарувчанлик даражаси турлича бўлади. Масалан, битта далада ўсаётган буғдой майсалари бўйининг узунлиги, бошоқлардаги донларнинг миқдори, ҳосилдорлиги ва бошқа бир қанча белгилари билан бир-биридан фарқ қиласи. Бу фарқ тупроқ структураси ва намлиги, ундаги минерал моддалар миқдори, шунингдек ўсимликларнинг қалинлиги даланинг ҳамма қисмида бир хил бўлмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Модификацион ўзгарувчанлик миқдорий күрсаткичлар орқали ифодаланади. Масалан, маълум бир навли 100 та буғдой бошоғидаги донларни санаб чиқиб, уларнинг сони 17 тадан 23 тагача ўзгаришини билиб оламиз. Бошоқларни улардаги донлар миқдорини ортиб бориши тартибида жойлаштириб чиқиб, донларнинг ўзгарувчанлик қатори, яъни вариацион қатор ҳосил қиласмиз. Шундай қилиб, вариацион қатор муайян белгининг ўзгарувчанлик даражасини күрсатади. Белгининг ўзгарувчанлиги одатда вариацион қаторнинг ўртacha қиймати орқали ифодаланади. Бунинг учун 17, 18, 19 ва ҳоказо донли бошоқлар сонини ҳисоблаб чиқиб, уларни қўйидагича ёзиб чиқамиз:

Бошоқдаги донлар сони 17 18 19 20 21 22 23

Бошоқлар сони 6 12 18 30 20 14 4

Бу ердаги рақамларнинг устки қатори вариантларни, пастки қатори эса ҳар бир варианти неча марта тақрорланишини күрсатади. Ўртacha арифметик қийматни қўйидаги формула орқали ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$M = \frac{\sum(v \cdot p)}{n}$$

бу ерда:

M — ўртacha қиймат,

v — вариант,

P — вариантларнинг тақрорланиш сони,

n — вариацион қатордаги вариантларнинг сони,

Σ — умумлаштириш белгиси.

Юқоридаги мисол бўйича ўртacha қиймат қўйидагича бўлади:

$$M = \frac{17 \times 6 + 18 \times 12 + 19 \times 18 + 20 \times 30 + 21 \times 20 + 22 \times 14 + 23 \times 4}{100} = \frac{2080}{100} = 20.8.$$

Ўзгарувчанлик даражаси вариацион эгри чизиқ орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бунинг учун график тузилади, унинг горизонтал абсесисса ўқида вариантлар ошиб бориши тартибида, вертикал ордината ўқида эса вариантларнинг тақрорланиш сони қўйиб чиқилади. Уларнинг ўзаро тўғри келадиган учларини туаштириб, бошоқдаги буғдой донлари сонининг ўзгаришини ифодаловчи чизиқни ҳосил қиласмиз.

МУТАЦИОН ЎЗГАРУВЧАНЛИК ВА УНИНГ САБАБЛАРИ

Мутацион ўзгарувчанлик. Организмнинг генотипига таъсир қиладиган ўзгарувчанлик мутацион ўзгарувчанлик, яъни мутагенез ёки генотипик ўзгарувчанлик дейилади. Айрим мутацион ўзгарувчанликлар эса мутациялар дейилади. Мутацион ўзгарувчанлик ирсий, яъни тасодифан пайдо бўладиган ўзгарувчанликдир. Мутацион ўзгарувчанлик организм тузилиши ва хусусиятларининг турли томонларига дахлдор бўлади. Мутациялар организм учун фойдали, заарарли ёки бефарқ бўлиши

мүмкін. Мутагенез назариясінін голланд ботаниги Г. Дефриз (1903) ишлаб чиққан. Америкалик олим Г. Миллер физик омиллар таъсирида сун'йіл ген мутациялари пайдо қилиш усуларини яратди.

Табиатда инсон иштирокисиз пайдо бўладиган мутациялар табиий ёки *спонтан мутациялар* дейилади. Сун'йіл омиллар таъсирида юзага келадиган мутациялар эса сун'йіл ёки *индирланган мутациялар* деб аталади. Генотипда содир бўладиган ўзгаришлар хусусиятларига биноан ген, хромосома ва цитоплазматик мутацияларни ажратиш мүмкін.

Ген мутациялари ёки нұқтали мутациялар бошқа хил мутацияларга нисбатан кўп учрайди. Ген мутациялари ДНК занжиридаги нуклеотидлар таркибининг ўзгариши, нуклеотидларнинг тушиб қолиши ёки қўшимча нуклеотидларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. ДНК кимёвий структурасининг бундай қайта тузилиши ДНК кодининг ўзгаришига олиб келади. Бу ҳолат ўз навбатида ДНК молекуласи асосида синтез бўладиган РНК молекуласининг ўзгаришига сабаб бўлади. Информацион РНКнинг ўзгариши эса унинг асосида синтез бўладиган оқсил полипептиди занжиридаги аминокислоталар таркиби ва синтезланадиган оқсил молекуласи хоссаларининг ўзгаришига олиб келади. Бундай ўзгаришлар ферментлар ва бошқа моддалар синтезига таъсир этиши натижасида организм белгиларини ўзгартыриши ва ҳатто уни ҳалок этиши мүмкін. Дро зофила пашиасида кузатиладиган қанотларнинг ҳар хил катталиқда бўлиши, кўзлар пигментацияси ва шакли, одамда брахидақтилия (калта бармоқлик) ген мутацияларига мисол бўлади.

Хромосома мутациялари хромосомалар структураси ва сонининг ўзгариши, яғни хромосомалар айрим қисмларининг ўрин алмашинуви ёки тушиб қолиши бошқа гомологик бўлмаган хромосомаларга ўтиб қолиши ёки хромосомаларнинг 180° га бурилиши билан боғлиқ. Бундай мутацияларни микроскопда кўриш мүмкін. Хромосома мутацияларининг кўпчилиги организм учун зарарли бўлиб, унинг ҳаётчанлигининг пасайишига олиб келади.

Хромосомалар сонининг ўзгариши натижасида пайдо бўладиган мутациялар *полиплоидия* ёки *гетероплоидия* типида бўлади. Полиплоидия хромосомалар сонининг бир неча марта ортиши билан боғлиқ. Бу ҳодиса митоз ёки мейозда ҳужайранинг нормал бўлинишининг бузилиши билан боғлиқ. Митотик полиплоидия соматик ҳужайралар учун характерли бўлиб, унда хромосомалар сони икки марта ортади, лекин ҳужайра бўлинмаганлиги сабабли улар битта ҳужайранинг ўзида қолади. Натижада хромосомаларнинг сони икки баробар ошиб тетраилоид (4n) ҳужайра ҳосил бўлади. Мейотик полиплоидия жинсий ҳужайраларнинг ҳосил бўлиш жараёнида конъюгацияланувчи хромосомаларнинг қарама-қарши қутбларга ажралиб кетмасдан диплоид хромосомали гаметалар ҳосил қилиш нати-

жасида пайдо бўлади. Уруғланишда бундай гаметалар нормал диплоид гаметалар билан қўшилганда *триплоид* (3п) хромосомали зигота ҳосил бўлади. Агар гаметаларнинг иккаласи ҳам диплоид бўлса, у ҳолда тетраплоид (4п) зигота ҳосил бўлади.

Полиплоидия ҳайвонларнинг яшовчанлигини камайтиради, шунинг учун ҳайвоилар орасида деярли учрамайди, лекин ўсимликлар ўргасида кенг тарқалган. Полиплоид ўсимликлар диплоидлардан одатда бўйининг баландлиги, ҳужайралари, барги, гули, уруғи, мевасининг жуда йириклиги ва бошқа белгилари билан кескин фарқ қиласи. Ҳосилдор ўсимликлар навларини яратишда полиплоидлардан кенг фойдаланилмоқда. Қўчилик экинлар полиплоидлар ҳисобланади. Масалан, кам ҳосилдор ёввойи буғдоидаги хромосомаларнинг диплоид сони 14 та бўлса, ҳосилдор маданий қаттиқ буғдои навлари тетраплоид (4п) 28 хромосомалик жуда ҳосилдор юмшоқ буғдои навлари гексаплоид (6п)—42 хромосомалик—бўлади. Ўсимликларнинг қандлавлаги, узум, гречиха, маккажӯхори, ялииз, пиёз каби 500 дан ортиқ полиплоид турлари мавъум. Ўзбекистонда нахга майдонларининг ҳаммасида ғўзанинг тетраплоид (4п- 52) навлари экилади.

Ҳужайранинг бўлиниш ўқини емирадиган, лекин ҳужайра-га зиён етказмайдиган омиллар—кимёвий моддалар (масалан, конхиолин), рентген нурлари, юқори ёки паст ҳарорат таъсири этиш орқали ўсимликларнинг полиплоид формаларини сунъий йўл билан олиш мумкин. Тоқ хромосомали подиплоид (3п, 5п ва ҳоказо) ўсимликлар юқори ҳосилдор, лекин пуштесиз бўлали, улар уруғ ҳосил қилмайди. Жуфт хромосомали полиплоидларгина серпушт бўлади. Гетероплоидия гомологик хромосомалардан бирининг этишмаслиги ёки ортиқча бўлиб қолиши натижасида пайдо бўлади. Бу хилдаги мутациялар мейознинг бузилиши билан конъюгацияга киришган хромосомаларнинг ажралиб кетмасдан битта гаметага ўтиб қолиши натижасида со-дири бўлади. Гетероплоидия организм учун заарли ҳисобланади. Масалан, одам хромосомаларининг 21-жуфтидаги ортиқча хромосоманинг пайдо бўлиши *Даун синдроми* деб агалувчи ақли заифлик касаллигини келтириб чиқаради. Агар организм генотипида битта хромосома этишмаса, уни *моносомик* дейилади. Ҳозир буғдои ва ғўзанинг моносомик линиялар коллекциялари яратилган. Моносомик линиялар хромосомаларнинг генетик картасини тузишда катта аҳамиятга эга, лекин селекция ишларида улардан фойдаланилмайди.

Жинсий ҳужайраларда пайдо бўладиган мутацияларгина ирсий бўлади ва улар наслдан-наслга ўтади, бундай мутациялар *генератив мутациялар* дейилади. Соматик (тана) ҳужайраларида рўй берадиган мутациялар эса *соматик мутациялар* дейилади. Бундай мутациялар фақат организмни ўзгарган ҳужайраларидан ҳосил бўлган қисмининг ўзгаришига олиб келади. Соматик мутацияларнинг жинсий кўпаядиган организм-

лар учун аҳамияти йўқ, лекин жииссиз вегетатив ўсулда кўпаядиган ўсимликлар учун аҳамияти катта. И. В. Мичурин мевали дараҳтларнинг янги навларини яратишда соматик мутациялардан кенг фойдаланган. Масалан, 600 граммли Антоновка олма нави соматик куртак мутацияни вегетатив кўпайтириш орқали яратилган.

Мутациялардан селекция ишларида кенг фойдаланилади.

Цитоплазматик мутациялар ўзида ДНК сақловчи цитоплазма органоидларининг ўзгариши билан боғлиқ. Масалан, бариларнинг ола-чиор бўлиши хлоропластлар ДНК сидаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Цитоплазматик мутация урочи линиялар томонидан наслдан-наслга ўтади. Чунки уруғланган зигота цитоплазманинг ҳаммасини тухум ҳужайрадан олади.

Ирсий ўзгарувчанликдаги гомологик қаторлар қонуни. Атоқли генетик олим Н. И. Вавилов (1887—1943) ўзаро қариндош турлардаги мутацияларни ўрганиб чиқиб, бир-бира га яқип бўлган турлар ўхшаш ирсий ўзгарувчанликлар ҳосил қилишини аниқлаб берди. Бу ҳодиса *ирсий ўзгарувчанликнинг гомологик қаторлар қонуни* номи билан машҳур. Гомологик бир хилдаги мутацияларнинг пайдо бўлиши, ўзаро яқин турлаф генотипининг бирлиги, яъни улар келиб чиқишининг умумийлиги билан боғлиқ. Ирсий ўзгаришларнинг гомологик қаторлар қонуни кўрсатишича бирор турга хос бўлган ирсий ўзгаришлар билиб олинганидан сўнг, шу турга яқин бўлган бошқа турларда рўй бериши лозим бўлган бошқа ирсий ўзгаришларни ҳам олдиндан айтиб бериш мумкин. Н. И. Вавилов алколоидсиз люпин ўсимлиги ҳам бўлиши мумкинлигини башорат қилганида, нўхат, ловния ва бурчоқдошлар онласига мансуб бўлган бошқа озиқбоп ва ем-хашак эквилиари орасида алколоидсиз формалари борлигини назарда тутган эди. Буғдоидошлар онласига мансуб бўлган буғдой, шоли, арпа, сули ва бошқа ўсимликлардаги ирсий ўзгарувчанликлар (доннинг ранги, таркиби, қилтиқлиги, совуққа чидамлилиги ва бошқа хусусиятлари) ўхшаш бўлади. Одамлар учун характерли бўлган бир қанча гомологик ўзгаришлар, масалан, альбинизм (ҳужайранинг ранг берувчи пигмент синтез қилмаслик хусусияти) ҳамма одамлар ирқлари, шунингдек бир қанча сутэмизувчилар (кемирувчилар, йиртқичлар, маймунлар) орасида ҳам маълум. Айрим ирсий камчиликлар масалан, гемофилия, диабет, кўз катаракти каби касалликлар ҳайвонлар орасида ҳам учрайди.

Ўзгарувчанликнинг гомологик қаторлари қонунини билиб олиш янги нав ва зотларни яратиш учун зарур бўлган ирсий ўзгаришларга эга бўлган индивидларни қидириб топишни енгиллаштиради.

Тажриба йўли билан мутациялар олиш. Мутация ҳосил қилиш геннинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Лекин ген жуда камдан-кам мутация беради. Геннинг бу хусусияти катта биологик аҳамиятга молик бўлиб, турнинг нисбий доимишлиги ва унинг атроф муҳитга мослашувини сақлаб

қолиши имконини беради. Ҳар қайси организм бир неча үн минглаб генга эга бўлганилиги сабабли табиатда мутациялар доимо ҳосил бўлиб туради. Масалан, дрозофилада пашшаси гаметаларининг 5% ҳар хил мутацияларга эга бўлиши аниқланган. Лекин кўпчилик мутациялар рецессив бўлганилиги сабабли фенотипда юзага чиқмайди.

Мутацияларнинг ҳосил бўлиш сабаблари яхши аниқлагманган, аммо ҳужайранинг физиологик ҳолати, озиқланиш режими, ҳарорат ва бошқа бир қанча табиий омиллар мутацияларга сабаб бўлиши мумкин. Тажрибаларда организмларга колхицин, пирит, этиламин ва бошқа бир қатор химиявий моддалар, радиоактив изотоплар, ионлаштирувчи нурланиш, рентген ва ультрабинафша нурлар таъсир эттирилганда мутациялар сони бир неча юз марта ортиши аниқланган.

Организмларда мутациялар пайдо қилувчи омиллар мутагенлар дейилади. Улар таъсирида табиатда ҳосил бўлган мутациялар табиий ва сунъий танланиш учун манба бўлиб ҳисобланади. Мутагенлар таъсир этиб тажриба йўли билан сунъий мутациялар олиш мумкин. Мутацияларнинг кўпчилиги фойдасиз ҳисобланса-да, улар орасидан табиатда учрамайдиган айрим фойдалари формаларни ажратиб олиб, янги навларни яратишда фойдаланиш мумкин.

МУТАЦИЯЛARНИНГ АҲАМИЯТИ

Мутациялар — сунъий ва табиий танланиш учун бирламчи манба. Органик олам эволюциясининг омиллари ўзгарувчаник, ирсият, яшаш учун кураш ва табиий танланиш эканлигини биламиз («Эволюцион таълимот» мавзусига қараанг). Дарвин фикрича сунъий ва табиий танланиш учун прсий ўзгарувчалик жуда муҳим аҳамиятга эга. Ирсий ўзгарувчаникнинг асосий негизини мутациялар ташкил этади. Шунинг учун мутациялар эволюция жараёни учун бирламчи материал бўлиб хизмат қиласди ва бирламчи материал беради деб айтиш зарур. Мутациялар кам бўлса-да, организмларда доим содир бўлиб туради. Жинсий кўпайиш жараёнида бир хил мутацияга эга бўлган индивидлар мутациясиз ёки бошқа хил мутацияга эга бўлган индивидлар билан чатишади. Генларнинг комбинацияси туфайли янги генотип ҳосил бўлади. Шу тариқа хромосома ва генларда содир бўладиган мутациялар аста-секин индивидлар орасида тарқалиб кетиб, популяцияларда кўпайиб боради. Янги нав, зотлар ҳамда турларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган сунъий танлаш ва табиий танланишлар учун дастлабки материални ана шундай мутациялар беради.

Узоқ давом этган сунъий танлаш жараёнида одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар орасида, гарчи оз бўлса-да, ўзини қизиқтирадиган мутантлар танлаб олиб, наем олинида фойдаланишган. Фойдали мутациялар авлоддан-авлодга ўтиб, тўпланиб борган. Ана шу тариқа дастлабки индивидлардан бутунлай

фарқ қиласынан яшігі ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари келіб чиққан. Сунъий танлашдан олдин үтказыладын чатишириш эса мутациялар сонини кескін оширады ва танлаш учун хилма-хил материал берады.

Табиий танлаш жараёнида хилма-хил популяция индивидлари орасыда фақат организм учун фойдалы бўлган ва уни ташқи муҳит шароитига мослашувига кўпроқ имкон берадиган мутацияга эга бўлган индивидлар сақланиб қолади ва насл қолдиради. Бундай мутацияга эга бўлмаган индивидлар эса яшашиб учун кураш ва табиий танланиш жараёнида қирилиб кетиб насл қолдирмайди.

Табиий муҳитнинг мутагенлар билан ифлосланиши ва унинг оқибатлари. Табиий муҳитни саноат ва уй-рўзғор чиқиндилари ҳамда чала ёниш маҳсулотлари билан ифлосланиши тирик организмлардаги мутацияларнинг кучайиб кетишига олиб келиши мумкин. Қишлоқ хўжалигига турли заҳарли моддаларнинг қўлланилиши, радиоактив ва химиявий моддалардан саноат, энергетика, медицина ва қишлоқ хўжалигига эҳтиесизлик билан фойдаланиш натижасида атроф муҳитнинг мутагенлар билан ифлосланиши тирик организмлардаги мутацияларни жуда тезлаштириб юборади. Кўпчилик мутациялар тирик организмлар учун заарли бўлиб, кераксиз ўзгаришларни пайдо қиласи, уларнинг ирсий хусусиятларини ўзгаришига олиб келади. Мутагенлар айниқса инсон саломатлигига катта зиён келтиради, организмда ҳар хил кутилмаган ирсий касалликларни келтириб чиқаради. Ядро қуролларини синаш ва қўллаш, атом электростанцияларида техника хавфсизлигига эътиборсизлик оқибатида келиб чиқадиган авариялар атроф муҳитни жуда қучли мутагенлар — радионизотоплар билан ифлосланишига сабаб бўлади. Атроф муҳитда радиоактив моддалар миқдорининг кескін ошиб кетиши тирик организмларнинг ҳаётига катта хавф туғдиради ва уларни ҳалокатга олиб келади.

ГЕНЕТИКА ВА ЭВОЛЮЦИОН ТАЪЛИМОТ

Популяция генетикаси. Ҳар қандай тур популяциялар ҳолида мавжуд бўлиб, элементар (бошланғич) эволюцион жараёнлари ана шу популяциялар ичиде бошланади («Эволюцион таълимот» мавзусига қаранг). Популяциялардаги турли генотиплар ва аллель генларнинг нисбати популяциянинг генетик структурасини ёки унинг генофондини ташкил этади. Английлик олим, математик Харди ва немис олимни врач Вайнберг идеал муҳитда популяциялардаги генотипи ва аллель генларнинг нисбати ҳамма авлодларда ҳам донмий бўлиб қолишини кўрсатиб беришди. Масалан, популяциялардаги индивидлар бир жуфт аллель ген билан фарқ қиласа ва доминант (AA) генли индивидларнинг рецессив (aa) генли индивидларга нисбати 1:1 бўлганида F_1 да ҳамма дурагайлар гетерозиготали (Aa) бўлади. F_2 да эса ажралиш рўй бериб, генотиплар нисбати AA—

$2Aa$ — аа бүләди. F_2 дурагайларыда А ва а генлик гаметаларнинг сони тенг (4 тадан) бўлганлиги сабабли, ҳосил бўлган зиготаларнинг генотипи яна $4AA - 8Aa - 4aa$ (яъни, AA—2Aa—aa) бўлади.

	2A	2a
2A	4AA	4Aa
2a	4Aa	4aa

Юқоридаги жадвалдан А ва а генли гаметаларнинг сони тенг ($0,75$) бўлишини ва кейинги авлодларда ҳам генотиплар ҳамда доминант ва рецессив генли гаметаларнинг нисбати ўзгармасдан қолишини осон тушуниб олиш мумкин.

Харди-Вайнберг қонунининг амал қилиши учун бир қанча шароитлар бўлиши зарур, чунончи популяциялар етарлича катта бўлиши, генларнинг тасодифан қўшилиш эҳтимоли тўла таъминланиши, янги мутациялар ва танланиш бўлмаслиги, шунингдек бошқа популяциялардан ўзгача генотипга эга бўлган индивидлар миграция қўлмаслиги лозим.

Табиий популяцияларда мутация, табиий танланиш ва индивидларнинг миграцияси тўхтовсиз давом этиб туради. Шу туфайли уларнинг генофондидаги гаметалар ва генларнинг нисбати доимий бўлмасдан, ўзгариб туради. Ҳар қайси индивиднинг генотипида рўй берадиган мутацияларнинг жуда кўпчилиги рецессив бўлганидан фенотипда намоён бўлмайди. Лекин бундай ирсий ўзгаришлар популяцияларда тўпланиб боради. Рус олими С. С. Четвериков табиий популяциялар фенотипик жиҳатдан бир хил бўлса-да, турли-туман рецессив мутацияларга бой бўлишини кўрсатиб берди. Мутациялар жинсий кўпайиш натижасида популяция ичida тобора кенгроқ тарқала боради. Гетерозигота ҳолатидаги мутациялар фенотипида юзага чиқмайди. Лекин рецессив мутациялар тобора тўплана бориши билан уларнинг жинсий кўпайиш даврида комбинациялашуви эҳтимоли ҳам орта боради. Аллель рецессив генларга эга бўлган икки индивиднинг чатишуви натижасида мутациялар фенотипида юзага чиқади ва табиий танланиш назоратига тушиб қолади. Рус олими И. И. Шмальгаузен ҳар қандай турва унинг популяциялари ўзида ирсий ўзгарувчанлик резервини сақловчи мураккаб гетерозигота системасидан иборат эканлигини, бу резерв популяцияларнинг яшаш шаронти ўзгариб қолганида сафарбар этилишини кўрсатиб берди.

Табиий танланиш шакллари. Табиий танланишнинг ҳаралантирувчи ва стабиллаштирувчи шакллари мавжуд. Танланиш қайси шаклининг амал қилиши мухит шароитининг хусусиятига боғлиқ? Юзага келадиган ирсий ўзгаришлар фойдали бўладиган шароит туғилганида танланиш маълум бир йўналишга қараб таъсир ўtkазиб боради. Танланиш орқали фенотип аста-секин ўзгариб боради ва реакция нормаси маълум

бир йўналишга ўтиб олади. Танланишнинг бу шакли ҳаракатлантирувчи танланиш дейилади. Бунга мисол тариқасида саноати ривожланган Европа шаҳарларида 20 йил давомида қайин дараҳтида яшайдиган одимчи капалак қуртининг қора мутантлари оқ мутантларни аста-секин суреб чиқарганлигини кўрсатиш мумкин. Ҳаракатлантирувчи танланиш туфайли от эволюциясида беш бармоқли панжадан бир бармоқли туёқ тарақкий этган. Шундай қилиб, ҳаракатлантирувчи танланиш эволюцион жараённида мосланишнинг ривожланишида асосий ўрин тутади.

Турғуллаштирувчи танланиш муҳит нисбатан доимий бўлган шароитда популяциялар ичидаги юзага келадиган, турни ўзгартирадиган мутацияларнинг йўқолишига олиб келади. Турғуллаштирувчи танланиш туфайли ҳашаротлар билан чангланаидиган ўсимликлар гулнинг қисмлари кам ўзгарамади, Чунки гулнинг тузилиши ҳашаротлар хартумининг катта-кичиклигига мослашган, бирмунча кенг доирадаги ўзгарувчанлик гулнинг чангланишини қийинлаштиради ва турғуллаштирувчи танланиш таъсирида йўқотилади.

Ҳаракатлантирувчи ва турғуллаштирувчи танланиш шакллари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлади.

Популяциялар ичидаги борадиган генетик жараённи генетика фанининг бир бўлимни ҳисобланган популяциялар генетикаси ўрганади. Генетика фани организмларнинг ўзгарувчанлиги тўғрисидаги билимларни чуқурлаштиришга ҳамда тур ҳосил бўлиш жараённида танланишнинг таъсир этиш механизмини аниқ тушуниб олишга ёрдам беради.

СЕЛЕКЦИЯ АСОСЛАРИ

Селекция фани. Селекция сўзи лотинча «селекти» — танлаш деган маънони англатади. Унинг вазифаси инсон эҳтиёжи ва жамият ишлаб чиқарувчи кучлари тараққиёти талабларига мос келадиган янги ўсимлик навлари, ҳайвон зотлари ва микроорганизмлар штаммларини яратиш ҳамда уларни яхшилашдан иборат. Селекция соҳасида олиб бориладиган текшиширишлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатнинг кўпгина тармоқларини хомашё билан тўла-тўқис таъминлашга қаратилган.

Ўсимликлар нави, ҳайвонлар зоти ва микроорганизмлар штаммлари муайян ирсий белгилари, морфологик ва физиологик хусусиятлари, маҳсулдорлиги ва реакция нормаси билан характерланадиган, инсон томонидан сунъий йўл билан яратилган популяциялардан иборат. Нав, зот ва штаммларнинг қиймати уларнинг маҳсулдорлиги, маҳсулотларнинг сифати, яшаш муҳити шароитига мослашуви ва бошқа бир қанча хусусиятлари билан белгиланади. Ҳар қайси нав, зот ва штаммнинг ташқи муҳит шароитига нисбатан талаби ҳар хил бўлади. Уларнинг ижобий хусусиятлари фақат муайян усульда парвариш

қилиш, озиқлантириш ва иқлім шароити таъсирида намоён оулади. Шунинг учун бирор жойда етиштириб чиқарилған навеки зотлар бошқа иқлім еки тупроқ зонаси учун яроқли бўлмаслиги мумкин.

Селекцияда бошланғич материалнинг аҳамияти. Селекциянинг замонавий асосларини атоқли генетик олим Н. И. Вавилов яратиб берган. Вавиловнинг курсатишича селекция соҳасида мұваффақиятли иш олиб бориш учун бошланғич материал хилма-хил булиши, унинг ирсий узгарувчанлиги, белгиларининг ирсийланиши ва унга мұхит шароитининг таъсири, шунингдек бу белгиларни аниқлаш ва мустаҳкамлаб қолиш учун зарур оулган танлаш усуllibарини билиб олиш ва улардан фойдалана оилиш зарур.

Селекция ишларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бошланғич материалнинг хилма-хиллиги ва унинг келиб чиқишига боғлиқ. Бу соҳада Н. И. Вавиловнинг маданий ўсимликларнинг келиб чиқиши маркази ва ўсимликлар коллекциясини ташкил этиш ҳамда улардан янги навларни яратишда фойдаланиш соҳасидаги ишлари жуда катта илмий аҳамиятга эга.

Маданий ўсимликларнинг келиб чиқиши марказлари. Н. И. Вавилов маданий ўсимликларнинг қуидаги 7 та келиб чиқиши марказларини таърифлаб беради. Жанубий Осиё (Ҳиндистон) гропик марказидан ҳозиргача маълум бўлган маданий ўсимликларнинг қарийб 50 фоизи, жумладан шоли, шакарқамиш, цитрус ва бошқа кўпгина мева ҳамда сабзавот экинлари келиб чиққан. Шарқий Осиё (Хитой) маркази 20 фоизга яқин экинларнинг ватани ҳисобланади. Бу ердан соя, тарик ва бошқа бир қанча ғалладошлар ва дуккакли ўсимликлар ҳамда бир қанча мева ва сабзавот экинлари келиб чиққан. Жанубий-Фарбий Осиё (Ўрта Осиё) маркази билан 14 фоизга яқин экинлар боғлиқ. Бу марказ юмшоқ буғдой турлари, жавдар, нўхат ва бошқа дошли дуккакли экинлар, шунингдек ток ва бир қанча меваларнинг маркази ҳисобланади. Ўртаер денгизи маркази билан маданий ўсимликларнинг 11 фоизга яқини боғланган, бу ердан зайдун, кўпгина ем-хашак (беда, ясмиқ), сабзавот (карам) ва озиқбоп экинлар келиб чиққан. Эфиопия (Абисин) марказидан сорго, кофе, буғдой ва арпанинг айрим турлари келиб чиққан. Марказий Америка (Жанубий Мексика) маркази — гўза, маккажӯхори, помидор, қовоқ, ловия, какаонинг ватанидир. Анд (Жанубий Америка) эса картошка ва айрим доривор ўсимликлар (хина дарахти, кокайи)нинг келиб чиқиши маркази ҳисобланади.

Ҳайвонларни хонакилаштириш географик марказлари маданий ўсимликларнинг келиб чиқиши марказларига тўғри келади.

ҮСИМЛИҚЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ

Селекциянинг методлари. Үсимликлар селекциясининг асосий методлари дурагайлаш ва сунъий танлашдан иборат (25-жадвал). Одатда ҳар иккала метод биргаликда олиб борилади. Танлашнинг ялпи ва индивидуал усуллари мавжуд.

Ялпи танлаш селекция учун зарур белгилар (фенотип)га эга бўлган бир гурӯҳ үсимликларни ажратиб олишдан ибораг бўлиб, одатда четдан чангланадиган үсимликлар орасида ўтказилади. Бу ишда бошланғич материал сифатида табиатда, айниқса, маданий үсимликларнинг келиб чиқиш марказларидаги популяцияларда содир бўлиб турадиган табиий мутациялардан, шунингдек навлар орасида маҳсус мутагенлар таъсирида ёки дурагайлаш натижасида ҳосил қилинадиган сунъий мутациялардан кенг фойдаланилади. Ялпи танлашда бошланғич материал сифатида бошқа иқлим шароитида чиқарилган навлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Четдан чангланадиган үсимликлар асосан гетерозиготали бўлади. Шунинг учун ялпи танлаш генотип жиҳатдан бир типда бўлган линияларни келтириб чиқаролмайди. Бу усул бир хил фенотипга эга бўлган үсимликларни ажратиб олишдан иборат.

Индивидуал танлаш зарур белгига эга бўлган бир неча индивидларни ажратиб олиш ва уларни алоҳида парвариш қилиб насл олишдан иборат. Бу метод үсимликларни ўзидан чанглантириш ўюли билан амалга оширилади. Ўзидан чангланишда гетерозиготалар камая боради, гомозиготалар сони эса ортиб боради. Натижада соф линиялар пайдо бўлади. Ўзидан чангланадиган битта индивиднинг насли соф линия дейилади. Индивидуал танлаш битта ёки бир неча соф линияли навларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Танлашнинг самарадорлиги дастлабки материал — генотипнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ. Ўзидан чангланадиган үсимликларда танлаш дастлабки материалдан соф линиялар олингунча давом этади. Кўпчилик генлари гомозигот ҳолагни ўтган линияларда танлаш амалда натижка бермайди. Бундай ҳолларда линияларнинг хоссаларини ўзгартириш учун комбинатив ўзгарувчанликдан фойдаланилади, яъни турли нав ёки линиялар ўртасида дурагайлаш ўтказилади. Муҳит шароитининг селекция вазифаларига мос келиши ҳам танлашнинг самарадорлигини оширади.

Сунъий танлаш навни ўзгартирувчи асосий восита бўлсада, лекин етиштирилаётган навнинг хусусиятларига табиий танланиш ҳам таъсир кўрсатади. Хусусан, селекция ишларида ташқи муҳитнинг бир қанча омиллари — ҳарорат, намлиқ, ёруғлик ва бошқаларнинг аҳамияти жуда катта. Табиий танланиш етиштирилаётган навларнинг ташқи муҳит шароитига мослашишига имкон беради.

Дурагайлашнинг яқин (ўзаро қариандош) формалари ора-

25-жадвал. Селекциянинг асосий методлари

Методлар	Ҳайвонлар селекцияси	Ўсимликлар селекцияси
Ота-оналарни танлаб олиш	Хўжалик жиҳатдан қимматли белгилари ва экстеръери (фенотип белгилари) мажмуми бўйича	Уларнинг келиб чиқиш жойи (географик узоқлиги) ёки генетик узоқлиги (қариндош бўлмаслиги) бўйича
Дурагайлаш: а) қариндош бўлмаган (аутбридинг) б) яқин қариндош бўлган (инбридинг)	Гетерозиготали популяциялар олиш ва гетерозис хусусиятларини намоён бўлиши учун бир-биридан белгилари бўйича кескин фарқ қиласидаги зотларни чатиштириш Исталган белгига эга бўлган гомозиготалик (соф) линиялар олиш учун ўзаро қариндош индивидлар ўртасидаги чатиштириш	Гетерозиготали ҳамда юкори ҳосилдор популяциялар олиш ҳамда гетерозис хусусиятларини рўёбга чиқариш учун тур ичидা, турлароро ва ургулараро чатиштириш ўтказиш Гомозигота (соф) линиялар олиш учун четдан чангланадиган ўсимликларни сунъий йўл билан ўз-ўзидан чанглантириш
Танлаш: а) оммавий б) хусусий	Қўлланилмайди Хўжалик жиҳатдан қимматли белгилари, чидамлилиги ва экстеръери бўйича қатъий хусусий танлаш ўғазинлади	Четдан чангланадиган ўсимликларга нисбатан қўлланилади Ўз-ўзидан чангланадиган ўсимликларда ўтказилиб, соф линиялар (битта ўзидан чангланадиган индивид авлоди) олинади
Эркак наслдор ҳайвонни насли бўйича синаш	Бир қанча насли бўйича синааб кўрилган энг яхши эркак ҳайвонлардан сунъий ургулантириш методлари қўлланилади	Қўлланилмайди
Экспериментал йўл билан полиплоидлар олиш	Қўлланилмайди	Анча маҳсулдор ва ҳосилдор навларни олиш учун генетика ва селекцияда қўлланилади

сіда (инбриодинг) ва қариндош бұлмаган формалари орасида үтказиладиган дурагайлаш (аутбридинг) усуллари мавжуд.

Яқин формалар орасидаги дурагайлаш четдан чангланадиган үсимликларни үзидан чанглатишдан иборат. Үзидан чангланыш рецессив генларни гомозигот ҳолатига үтишга, бинобарин индивидлар ирсий хусусиятларининг мустаҳкамланишига сабаб бўлади. Бу усул билан соф линиялар чиқарилади, нав учун зарур бўлган хусусиятлар мустаҳкамлаб олинади. Лекин рецессив мутацияларнинг гомозигот ҳолатига үтиши үсимликлар яшовчанлигининг кескин камайиб кетишига ёлиб келади. Шундай бўлса-да, үсимликлар селекциясида бу усул навларда одам учун маъқул бўлган белгиларни мустаҳкамлаш мақсадида кенг қўлланилади.

Қариндош бўлмаган формаларни дурагайлаш иккى хил — тур ичида дурагайлаш ва узоқ формаларни дурагайлашдан иборат. Тур ичидағи дурагайлаш бир турга мансуб бўлган турли навлар ва линиялар ўртасида үтказилади. Узоқ формаларни дурагайлаш эса ҳар хил тур ёки уруғга мансуб индивидлар орасида үтказилади. Қариндош бўлмаган формаларни дурагайлаш ҳар хил нав ёки турга мансуб индивидлардаги фойдали белгиларни битта үсимлика тўплаш учун қўлланилади.

Селекция ишларининг асосий босқичлари. Дастрлаб табиий популяциялар ёки инсон томонидан яратилган навлар орасидан селекция иши учун маъқул келадиган бир гурӯҳ үсимликлар (бошланғич материал) ялпи танлаш усули билан ажратиб сливнади. Ишнинг характеристига мувофиқ дастрлабки материал устида ялпи танлаш бир неча марта үтказилиши мумкин. Шундан сўнг танлаб олинган үсимликлар үзидан чанглатилади ва улар насли орасида танлаш үтказилади. Дурагайлаш бир неча соф линиялар келиб чиққунига қадар (одатда 6—7 йил) давом этади.

Селекциянинг кейинги босқичида үзидан чанглатиш йўли билан олинган соф линиялар бошқа (қариндош бўлмаган) линиялар билан чанглантирилади. Мазкур усул линиялараро дурагайлаш дейилади. Бундай дурагайлашда бир қанча ҳолларда гетерозис кучи намоён бўлиши сабабли хўжалик жиҳатидан қимматли навлар ҳосил бўлади. Гетерозиснинг сабаби тўла аниқланмаган, у дурагайнинг жуда юқори гетерозиготлик бўлиши билан боғлиқ деган тахминлар бор. Одатда гетерозис кучи биринчи авлодда намоён бўлади. Дурагай үсимликтининг ҳосилдорлиги 25—30 фоизга ошиб кетади. Үсимликлар жинсий қўпайганида гетерозис кучи иккиси чи авлоддан бошлаб камая бошлайди ва аста-секин бутунлай йўқолиб кетади. Гетерозис маккажўхори, помидор, пиёз, бодринг ва бошқа экинларнинг юқори навларини етиштиришда кенг қўлланилади.

Полиплоидия. Кўпчилик маданий үсимликлар ёввойи аждодларига нисбатан полиплоид ҳисобланади. Полиплоидлар диплоид формаларга қараганда юқори ҳосилдорлиги билан

ажралиб туради. Тажриба йўли билан сунъий полиплоидлар ҳам ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун ўсимлик чанглари, куртаги, униб чиқаётган уруғи ва бошқа ўсувчи ҳужайралари га радиоактив нурлар ёки химиявий мутагенлар (асосан колхицин) таъсир этилади. Шу усул билан пахча, буғдой, макка жўхорининг бир қанча сунъий мутагенлари ҳамда қандлавлаги, жавдар, гречиха ва бошқа ўсимликларнинг бир нечта полиплоид навлари яратилган.

Узоқ формаларни дурагайлашда наслсизликни бартараф қилиш. Дурагайлаш одатда тур ичидан олиб борилади. Айрим ҳолларда бир авлодга мансуб бўлган турларни ҳам дурагайлаш мумкин. Лекин узоқ формаларнинг дурагайлари насл бермайди. Чунки бунда чатиштириладиган ўсимликларнинг хромосомалари бир-биридан фарқ қилганини сабабли уларнинг наслнида жинсий ҳужайраларнинг конъюгацияси нормал бўлмайди, мейоз жараёни бузилади, оқибатда жинсий ҳужайралар етилмасдан қолади. Турлараро дурагайлашда наслсизликни бартараф этиш йўлини биринчи марта рус генетиги Г.Д. Карпеченко 1924 йилда кўрсатиб берди. У ҳар қайсисининг диплоид хромосомалар сони 9 тадан бўлган турп билан карамни чатиштиришга эришди. Одатда 9 тадан хромосомаларга эга бўлган турп ва карам гаметалари мейозда ўзаро конъюгацияланмайди. Шунинг учун уларнинг дурагайи наслсиз бўлади. Агар хромосомалар сонини икки баравар оширилса дурагайдага ҳар қайси тур хромосомалари диплоид (18 тадан) бўлади. Бу ҳолда ҳар қайси хромосома ўз жуфтига эга бўлади ва уларнинг нормал конъюгацияси учун имкон туғилади. Жинсий ҳужайраларда 9 тадан гаплоид турп ва карам хромосомалари бўлади, зигота (уруғ)да уларнинг сони яна 36 та бўлиб қолади. Шундай қилиб, турп ва карам дурагайи насл берадиган бўлади. Бу янги ўсимлик иккала ўсимликнинг белгиларига эга бўлади.

Узоқ формаларни дурагайлаш орқали кўпгина дошли ва мевали ўсимликларнинг қимматли навлари олинган. Академик Н.В. Цицин буғдой билан бегона ўт — буғдоиқни чатиштириб, қурғоқчиликка чидамли янги нав олган. Қейинчалик буғдой билан жавдар чатиштирилиши натижасида бутунлай янги ўсимлик олинди. Бу ўсимликка тритикалар номи берилган.

Ўсимликлар селекциясининг ютуқлари. Ўзбекистонда линиялар орасида дурагайлаш ва танлаш йўли билан серҳосил ва сифатли тола берадиган 108-Ф, С-4727, АН-402 ва бошқа ўрта толали, С-6030, Термиз ва бошқа ингичка толали гўза навлари яратилган. Гўза селекциясида келиб чиқинши жиҳатидан узоқ формаларни дурагайлаш орқали турли касалликларга чидамли бир қанча гўза навлари яратилди. Масалан, кўп йиллик ёввойи перу гўзаси ингичка толали гўза навлари билан чатиштирилиб, замбуруғ касаллигига чидамли навлар олинган. С.М. Мирахмедов бошчилигидаги селекционер олимлар кўп йиллик ёввойи мексика гўзасини ма-

даний навлар билан чатишириб, вилт замбуруғига чидамли ўрта толали Тошкент навларини яратищди.

Ғұза селекциясида турлараро дурагайлаш ҳам құлланилади. Ингичка толали барбадензе ғұза навларын ўрта толали навлар билан чатиширилиб, мұл ҳосилли ва сифатли тола берадиган навлар яратылған. Селекцияда радиоактив ва химиявий моддалар таъсирида ҳосил қилинған сунъий мутантлар ҳам құлланилади.

Үзбек селекционерлари томонидан кейинги йилларда шолининг 20, сабзавот ва полиз әкінларининг 50, узум ва мевали дараҳтларининг 60 дан ортиқ навлари яратылған.

ҲАЙВОНЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ

Ҳайвонлар селекциясинаң хусусиятлари. Үсимликлар селекциясидеги каби ҳайвонлар селекциясинаң асосида ҳам ирсий үзгаруучанлик ётади, унинг асосий методлари ҳам дурагайдан ва танлашдан иборат. Бирок ҳайвонлар фақат жинсий күпаяди ва кам насл беради. Шунинг учун уларнинг селекцияси айрим ўзига хос хусусиятларга эга.

Ҳайвонлар устида олиб бориладиган селекция ишларыда дурагайлаш учун мұлжалланған дастлабки ота-она ҳайвонларни танлашга катта әзтибор берилади. Бу жиҳатдан, айниқса чатиширишга олинадиган ҳайвонларнинг аждодлари шажараси ва уларнинг маҳсулдорлигини бирқанча аждодлари давомида ўрганиб чиқыш ва экстеръер белгилари (тана тузилиши ва тана қисмларининг ўзаро нисбати) ни ҳисобға олиш мүхим аҳамияттаға эга. Чunksи хұжалик жиҳатдан қимматли ҳисобланған белгиларнинг күпчилиги тананинг тузилиши билан боғлиқ. Масалан, серсүт ва сергүшт қорамол зотлари бир-биридан танаси турли қисмларининг ўзаро нисбати, қон томирлари, нафас олиш ва бошқа органлар системасининг тузилиши билан фарқ қиласы. Бундан ташқари, ҳайвонлар организмидеги турли белгилар ўртасидеги боғланишларни ҳам ҳисобға олиш зарур, чunksи маҳсулдорлық ҳайвон у ёки бу белгисининг ривожланиши билан боғлиқ.

Ҳайвонларда Дурагайлаш ва үрчитеш методлари. Селекция ишида танлаш ва чатишириш олдиндан белгиланған мақсадға мувофиқ ҳар хил усулда олиб борилади. Күзда тутилған мақсадға мувофиқ даставвал әркак ҳайвон танлаб олинади. Бунда уннинг аждодлари бир неча насли бүйіча ирсий белгилари, масалан, сутдорлиғи, тухум қилиши, гүштдорлиғи ёки бошқа белгилари ҳисобға олинади.

Ҳайвонларда чатиширишнинг асосан иккى усули — ўзаро яқын қариндош бўлган ва қариндош бўлмаган индивидларни чатишириш кенг құлланилади.

Яқин қариндош индивидлар дурагайланганида бир онадан туғилған әркак ва урғочи ҳайвонлар ёки ота-оналар ва уларнинг насллари бир-бири билан чатишириллади. Бундай дура-

гайлаш хўжалик жиҳатидан қимматли ҳисобланган рецессив белгиларни ирсиятда мустаҳкамлаш учун қўлланилади. Айни бир вақтда рецессив генларнинг гомозигот ҳолатга ўтиши билан одатда ҳайвонларда депрессия хусусияти кучаяди, яъни яшовчанлигини сусайтирадиган бир қанча заарли белгилар юзага чиқади: улар заиф, ташқи муҳит шароитига таъсиран ва турли касалликларга бардошисиз бўлиб қолади.

Қариндош бўлмаган чатиштириш ҳар хил зот, тур ва уруғларга мансуб ҳайвонларнинг хўжалик жиҳатдан қимматли ҳисобланган белгиларини битта организмда тўплаш ҳамда юқори маҳсулдор зотлар етиштириш мақсадида олиб борилади.

Ҳайвонлар селекциясида ҳам ўсимликларда бўлгани каби, дастлаб селекция иши учун зарур бўлган рецессив гомозиготлик соғ линиялар ҳосил қилинади. Шундан сўнг, ҳар хил соғ линиялар чатиштириллади. Натижада рецессив генлар гетерозигот ҳолатга ўтади ва уларнинг заарли таъсири сезилмасдан қолади.

Қариндош бўлмаган чатиштиришда ҳам ўсимликларда бўлганидек дурагай кучи ёки гетерозис ҳодисаси кузатилади, чатиштирилган ҳайвонлардан олинган насл кўпинча кучли ва маҳсулдор бўлади. Лекин бу хусусиятлар дурагайнинг кейинги наслларида сақланмасдан сўниб кетади. Гетерозисда дурагайлар сермаҳсул бўлганидан чорвачиликда ва паррандачиликда кенг фойдаланилади.

Наслдор ҳайвонларда селекция учун зарур бўлган ирсий белгиларни аниқлаш. Ҳайвонлар селекциясида эркакларнинг ирсий белгиларини уларда бевосита намоён бўлмайдиган белгилар, масалан, серсутлик, сутнинг ёғлилиги, паррандаларда эса сертухумлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун наслга қараб баҳолаш методи қўлланилади. Урчитиш учун танланган эркак ҳайвондан дастлаб бир неча урғочи насл олинади ва наслнинг маҳсулдорлиги она ҳайвон ҳамда уннинг зотининг ўртача маҳсулдорлиги билан солишириллади. Янги олинган урғочи наслнинг маҳсулдорлиги она ҳайвондан юқори бўлса, ундан зотни янада яхшилаш учун фойдаланилади. Наслдор эркак ҳайвонлардан анча кўпроқ насл олиш учун сунъий уруғлантириш методи қўлланилади.

Үй ҳайвонларининг қариндош бўлмаган формаларини чатиштириш. Үй ҳайвонлари селекциясида ҳам ўсимликларда бўлгани каби зотлараро ва турлараро чатиштириш қўлланилади.

Зотлараро чатиштириш орқали академик М. Ф. Иванов сермаҳсул оқ украин чўчқа зотини яратган. Бунинг учун у географик узоқ зотлар — маҳсулдор оқ эркак инглиз чўчқаси билан маҳаллий шароитга яхши мослашган маҳаллий урғочи украин чўчқасини чатиштириди (аутбридинг). Биринчи дурагайда она чўчқа ирсий белгилари кўпроқ бўлган. Эркак чўчқа белгиларини ошириш учун дурагай яна инглиз оқ чўчқаси билан қайта чатиштириллади (инбридинг). Индивидуал танлашдан сўнг қайта чатиштириб олинган наслнинг эркаги ва урғочиси ўзаро

чатиштирилиб бир неча линиялар олинган. Яқин қариндошлар орасида бир неча марта чатиштириш ва қатъий танлаш йўли билан йирик, тез етиладиган, юқори сифатли гўшт берадиган, ҳамда маҳаллий иқлимга яхши мослашган янги зот яратилди.

Зотлараро чатиштириш ва танлаш орқали сермаҳсул ва кўп жун берадиган қўй зотлари, бир йилда 14—16 минг литр сут берадиган кострома қорамол зоти яратилган.

Чорвачиликдаги селекция ишларида узоқ формаларни чатиштириш ҳам қўлланилади. Ҳайвонларнинг турлараро дурагайлари ҳам кўпинча пуштсиз, баъзан иккала жинс ҳам ёки фақат улардан бири пуштли бўлиб чиқади. Ҳайвонларда полиплоидлар ҳосил қилиб бўлмаганидан турлараро дурагайларнинг пуштсизлигига барҳам бериб бўлмайди. Лекин икки жинсдан бири пуштли чиққан ҳолларда ундан уй ҳайвонларининг зотларини яхшилаш учун фойдаланиш мумкин бўлади. Ҳатто пуштсиз дурагайлардан ҳам хўжаликда фойдаланиш мумкин. Одатда, узоқ формаларни чатиштириб олинган дурагайларда гетерозис ҳодисаси кузатилади. Масалан, бия билан эшакни чатиштириш орқали олинган хачир пуштсиз бўлади, лекин стона ҳайвонлардан ўзининг чидамлилиги ва узоқ умр қўғиши билан ажралиб туради. Икки ўркачли ва бир ўркачли туялар чатиштирилганида ҳам гетерозис намоён бўлади.

Н. С. Бутарин Қозоғистонда маҳаллий жунли қўйларни ёввойи тоғ қўчкори — архар билан чатиштириб, қимматли майин жун берадиган ва тоғ яйловлари шаронтига яхши мослашган архаромеринос қўй зотини яратди. Урта Осиёда тоғ ҳайвони — қўтос билан қорамол чатиштирилиб, тоғ шаронтига мослашган қорамол зотлари яратилган. Одатда, қўтос билан қорамолдан чатиштириш йўли билан олинган дурагайларнинг эркаклари пуштсиз, урғочилари пуштли бўлади. Пуштли урғочилардан қорамоллар зотини яхшилашда фойдаланилади.

Селекция ишлари балиқчиликда ҳам кенг миқёсда олиб борилмоқда. Чатиштириш ва танлаш йўли билан тез етиладиган, гўшти мазали ҳамда ташқи муҳит таъсирига чидамли ропша ва украин карп балиқ зотлари яратилган. Белуга ва стерлядь балиқларида турлараро чатиштириш ўтказилиб, тез етиладиган ва гўшти мазали бестер балиғи яратилган.

Қўриқхоналарда ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвон турлари сонини тиклаш ва кўпайтириш борасида ҳам бир қанча селекция ишлари олиб борилмоқда. Селекционер олимларнинг меҳнатлари туфайли зубр, қундуз, соболь ва бошқа бир қанча ҳайвонларнинг сони кўпайди, улар бутунлай йўқ бўлиб кетишдан сақланиб қолинди.

БИОТЕХНОЛОГИЯ ВА МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИКА

Биотехнология ва микроорганизмлар селекцияси. Биотехнология тирик организмлар ва биологик жараёнлардан саноат ишлаб чиқаришда фойдаланишдан иборат. Биотехнология жа-

раёнлари халқ хўжалиги ва тиббиёт учун зарур бўлган биологик фаол моддалар ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган тирик организмларни саноат миқёсида кўпайтириш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига ҳамда қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига ва касалликларга қарши курашнинг биологик усусларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Кўпчилик микроорганизмлар ва уларнинг маҳсулотларидан озиқ-овқат ва спиртли ичимликлар тайёрлашда; тиббиётда инсон саломатлиги учун зарур бўлган витаминалар ва антибиотик дори-дармонлар ишлаб чиқаришда кенг миқёсда фойдаланилади. Тиббиёт ва халқ хўжалигининг бошқа соҳалари учун зарур бўлган бундай моддаларни синтезлайдиган штаммларни яратиш биотехнологиянинг асосий вазифаси ҳисобланади. Инсоният қадим замонлардан сутдан қатиқ, буғдойдан бўза, мева шарбатидан шароб ёки сирка тайёрлаш билан ўзлари тушунмасдан микроорганизмлар фаолиятидан фойдаланиб келишган.

Бактерия клонлари ва штаммларини олиш Битта бактерия ҳужайрасининг кетма-кет бўлиниши туфайли олинган колония клон дейилади. Клонда ҳамма ҳужайраларнинг ирсий белгилари она ҳужайрага айнан ўхшаш бўлади. Клонлаш учун суюқ озиқда ўсаётган бактерия қаттиқ озиқ агар-агар устига ўтказилади. Одатда, фақат маълум бир мақсадга мос келадиган хоссаларга эга бўлган клонлар кўпайтирилади. Бироқ, табиатда бундай бактериялар доимо ҳам бўлавермайди. Шуннинг учун муайян мақсадга мос келадиган штамм (ирсий ўзгарган клон) мутаген моддалар таъсирида етиштирилади, сўнгра клонлаш орқали селекция қилинади. Микроорганизмларнинг янги штаммларини яратиша рентген ва ультрабиниша нурлар ва кимёвий мутагенлар таъсирида мутация ҳосил қилиш методидан кенг фойдаланилади. Бактерия ҳужайрасида мутация ДНҚ синтези жараёнида нуклеотидлар таркибининг бузилишидан келиб чиқади. Одатда, ҳар бир миллиард нуклеотиддан фақат биттаси нокомплементар синтезланганилиги туфайли бундай мутация жуда кам учрайди. Мутагенлар таъсирида мутация жараёнлари юзлаб марта тезлашади. Клонлаш орқали мақсадга мувофиқ штаммлар танлаб олинади. Ҳозир хоҳлаган геннинг истаган нуклеотидини алмаштириш, «яъни ўйналтирилган мутация» усули ишлаб чиқилган.

Трансформация — бирор организм ирсий хусусиятларини унинг ДНҚ сига бошқа организм ирсий молекуласининг кириб келиши туфайли ўзгаришидан иборат. Бу ҳодисани 1928 йилда Гриффирт кашф этган. У патоген (касаллантирувчи) пневмакокк бактериясининг ўлдирилган штамми билан унинг тирик патогенсиз штаммини аралаштириб сичқон қонига қўйганида сичқон ўлган. Бу ҳол касаллик туғдирувчи генни патоген бактерия штаммидан патогенсиз бактерия штамми ирсиятига ўтиб, унинг ирсиятини ўзгартирганлигини кўрсатади. Трансформа-

ция эукориотлар ҳужайрасига бегона ДНК киритишда ҳам қўлланилади.

Трансдукция — махсус тузилган ДНК молекуласидан бир бўлагини хромосома билан бирикиши ёки ундан ажралиб чиқиши. Бу ҳодиса 1953 йилда АҚШ олимни Лъвов томонидан кашф этилган. Трансдукция ҳодисасига бактерия ҳужайрасига фаглар кириши мисол бўлади. Фаг билан заарланган бактериялар лизис (емирилиш) бўлганидан бу ҳодисани фагларнинг *литик реакцияси дейилади*. Баъзан фагнинг ирсий молекуласи бактерия хромосомасини кесиб унга бирикиши туфайли фаол фаг бактерияни лизис қилолмайдиган нофаол профаг ҳолатига ўтади. Бу жараён *лизоген реакцияси*, бактерия эса *лизоген бактерия* дейилади. Фаг молекуласи бактериядан ажралиб чиқиб бошқа бактериялар ҳужайрасига ўтиши, уларни заарлантириши ёки профаг ҳолатига кириши мумкин.

Транспозонлар — *кўчиб юрувчи генетик элементлар*. Ҳужайрада транспозонлар мавжудлигини АҚШ олимлари Барбара Клинтон ва Аҳмад Бухорий, рус олимни Георгий Георгиев кўрсатиб берган. Транспозон молекулаларининг икки четида махсус нуклеотидлар тартиби, марказий қисмида ёпишқоқ учлар ҳосил қилиб, нотекис кесадиган *транспозаза* ферментини синтезлайдиган ген жойлашган. Фермент ДНК молекуласини кесиши билан бирга уни транспозон учларига ёпишириди. Яшаш муҳити кескин ўзгарганида транспозон ҳам ўз ўрнини ўзгартириши туфайли ирсий белгилар ҳам ўзгаради. Кўчиб юрадиган генетик элементлар ёрдамида бир қанча биотехнологик жараёнлар ишлаб чиқилган. Кўчиб юрувчи элементлар қаторига *плазмидлар ва реструкцион эндонуклеазалар* киради.

Бактериялар ва тубан эукариодларда (замбуруғлар) асосий хромосомалардан ташқари қўшимча хромосомалар — плазмидлар мавжуд. Плазмидларда 3—10 та ген бўлиб, икки гурухга бўлинади. Улардан бир гурухи ДНК ни *кесиб рекомбинацияланувчи*, яъни наслдан-наслга ўтувчи трансмиссибл плазмидлар, иккинчиси *автоном репликацияланувчи* плазмидлар дейилади. Трансмиссибл плазмидлар асосий хромосомага бириккач, ўз мустақиллигини йўқотади, яъни репликацияланмайди, лекин ўз фаолиятини бажаради ва асосий хромосома билан бириккан ҳолда наслга ўтади. Автоном плазмидлар асосий хромосома билан бирикмайди; мустақил репликацияланниб, сонини бир неча юзлаб марта оширади. Автоном плазмидлар бактерия ёки замбуруғ ҳужайрасида янги ҳужайралар ўртасида тасодифан тақсимланади, улар мембрана орқали бир ҳужайрадан иккинчисига ўта олади.

Плазмидлар асосан антибиотик ва токсинларни парчаловчи фермент синтезлайдиган генлардан иборат. Уларнинг генлари транспозонлар билан бирикиб, бир плазмиддан иккинчисига кўчиб ўта олади. Плазмидлар бактерия ва замбуруғларни антибиотик ва токсинларга чидамлилигини оширади.

Реструкцион эндонуклеазалар ҳужайрага кириб қолган ёт

генетик элементларни нуклеаза ферменти ёрдамида парчаловчилар ҳисобланади. Эндонуклезалар, янын рестриктазалар ДНК молекуласини кесувчи ферментлар ҳисобланади. Айрим рестриктазалар түрт ёки ундан күпроқ нуклеотид жуфтларини таниб кесиб олади, бошқалари ДНК қүш занжирини қайчи сингари иккига бўлади. ДНК молекуласини ёпишқоқ учлар ҳосил қилиб кесадиган рестриктазалар ҳам бор. Улар ёрдамида ДНК бўлакларини улаш мумкин. ДНК молекуласи жуда йирик, микроорганизмларда бир неча млн, ўсимлик ва ҳайвонларда юз млн. дан 1 млрд. гача нуклеотид жуфтларидан иборат. Эндонуклеазалар ёрдамида ДНК молекуласи жуда кўп бўлакларга парчалади. Парчаланган ДНК бўлаклари молекуласининг заряди ва ўлчамига қараб электрофарезда ажратиб олиниади.

ГЕН ВА ҲУЖАЙРА ИНЖЕНЕРИЯСИ

Ген (генетик) инженерия генотипга янги генлар киритиш орқали организм генотипини муайян йўналишда қайта қурини (рекомбинант генлар яратиш) билан шуғулланадиган молекуляр генетика бўлимий. Биринчи рекомбинант (гибрид) ДНК 1972 йилда Станфорд университети (АҚШ) лабораторияларидан бирида профессор П. Берг томонидан лямбда фаги ДНКсининг бир бўлагини ичак таёқчаси ДНК сига киритишда ДНК молекуласини белгиланган жойлардан алоҳида бўлакларга кесадиган рестриктаза ва ДНК бўлакларини бир бутун қилиб тикидиган ДНК—лигаза ферментлари асосий аҳамиятга эга.Faқат ана шундай ферментларни ажратиб олингандан сўнг сунъий генетик конструкция яратиш мумкин. Генетик инженерия қўйидаги босқичлар орқали амалга оширилади.

1. Зарур генларни топиб, ажратиб олиш (клонлаш) ва тузилишини ўрганиш.
2. Ажратиб олинган генини фаг геноми, траспозон ёки плазмид билан бириттириб вектор конструкция яратиш.
3. Вектор конструкцияни ҳужайрага киритиш ва трансген ҳужайра олиш.
4. Трансген ҳужайрадан трансген ўсимлик ўстириш.

Рекомбинат ДНК олиш ва генларни клонлаш. Рекомбинат ДНК олишни биринчи марта 1972 йилда АҚШ олимлари Бойер ва Коэн амалга оширганлар. Бунинг учун, ичак таёқчаси бактерияси ДНК си ва плазмидасига алоҳида идишларда рестриктаза ферменти таъсир эттирилган. Фермент плазмиданинг ҳалқасимон ДНК сини бир жойидан кесиб, ёпишқоқ учли очиқ ҳолатга ўтказган. Хромосома ДНК си рестриктаза ферменти ёрдамида кўп бўлакларга ажратилади. Электрофорез ва кучли электр майдонида ДНК бўлаклари хилланади ва маҳсус бўёқ билан бўялади. Электрофорез гелидан ажратиб олинган ДНК бўлаги очиқ ёпишқоқ учли ДНК плазмид ДНК си билан ара-

лаштирилади ва лигаза ферменти билан «тикилади». Плазмид таркибида ДНК бўлагининг кириши туфайли рекомбинат плазмид ҳосил қилинади. Бу генетик конструкция антибиотик таъсирга чидамсиз (яъни плазмидсиз) бактерияга киритилади. Рекомбинат плазмидли бактерия антибиотик таъсирида ўлмайди. Шунинг учун пробиркага антибиотик қўшилиб, ажратиб олинади ва қўпайтирилади, яъни клонланади. Клондаги бегона ДНК бўлаги бактерия қўпайган сари қўпайиб боради. Бу усул генларни клонлаш дейилади. Бу усулда ҳар қандай генни хоҳлаганча қўпайтириш ва улар ёрдамида оқсил синтез қилиш мумкин. Ошқозоности бези гормони — инсулин худди шу усулда синтезланади.

Ирсиятни ген инженерияси усули ёрдамида ўзгартириш. Ген инженерияси усули ёрдамида исталган ўсимлик ҳужайрасига қимматли ген киритилади ва ундан ўсимлик ўстирилади. Ген киритиш тупроқ бактерияси агробактериум ёрдамида амалга оширилади. Табиатда агробактер ўсимлик ҳужайрасини зарарлаб шиши ҳосил қиласи. Бу шишини плазмид геномининг шиши ҳосил қилувчи бўлаги пайдо қиласи.

Ирсиятни ўзгартириш учун плазмиднинг шиши ҳосил қилувчи қисми рестриктаза билан кесиб олинади ва плазмida билан бириттирилиб, клонланади. Ҳосил қилинган сунъий плазмид — вектор конструкциянинг шиши ҳосил қилувчи қисмига ўсимлик гени ўтказилади. Натижада ёт ген ДНК ни иккига бўлиб юбориб, хромосома шиши ҳосил қилиш қобилятини ўқотади. Вектор конструкция ўсимлик ҳужайрасига киритилиб, ўсимлик ирсиятига ўтказилади ва ҳужайрадан трансген ўсимлик олинади. Одатда, ген кўчириб ўтказилган ҳужайра тартибсиз бўлинади ва муайян программа асосида ривожланмайдиган ҳужайралар тўплами — каллус тўқима ҳосил бўлади. Каллус ҳужайраларидан айримлари гормонлар ва регулятор моддалар таъсирида маълум йўналишда бўлиниши мумкин. У ҳолда бундай ҳужайралардан аста-секини вояга етган трансген ўсимлик олинади. Трансген ўсимлик жинсий йўл билан қўпайтирилганда бегона ген ҳам наслдан-наслга ўтади.

Ген инженерияси ёрдамида кўзанинг кўсақ қуртига чидамили, картошканинг колорадо қўнғизига чидамли навлари етиширилган. Қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишида атмосфера азотини боғловчи бактериялар генини ғалла ўсимликлар ҳужайраси ДНК сига киритиш мухим аҳамиятга эга. Бу усул ёрдамида трансген ўсимлик олиниши жуда катта иқтисадий аҳамиятга эга.

Ҳужайра инженерияси организмдан ажратиб олинган алоҳида ҳужайраларни сунъий ўстириш, дурагайлаш ва қайта қуриш асосида янги типдаги ҳужайралар яратиш методи хисобланади. Тирик организмдан ажратиб олинниб, маҳсус шароитда ўстирилган ҳужайралар, одатда каллус тўқима ҳосил қиласи ва ўсимлик учун хос бўлган моддаларни ишлаб чиқараверади. Айрим ҳолларда алоҳида ажратиб олинган ҳужай-

ралардан яхлит организмни ҳам ўстириб вояга етказиши мумкин. Бундай ҳужайралар түплами ёки организм дастлабки ҳужайрани митоз усулида бўлниши туфайли ҳосил бўлганидан улар генетик жиҳатдан бир хил ҳужайралардан иборат. Ҳужайра инженериясининг бу методи клонлаш, ҳосил бўлган ҳужайралар ёки организм клон дейилади. Клонлаш микробиологияда микроорганизмлар штаммлари ва ўсимликшуносликда ўсимлик навларининг фойдали хусусиятларини сақлаб қолиш, ҳар қандай касалликдан ҳоли бўлган тоза (стерил) кўчаглар етиширишда кенг фойдаланилади.

Юксак ўсимликлар клонларини юқорида қайд этиб ўтилганидек алоҳида ҳужайраларни сунъий ўстириш орқали етишириш мумкин. Вегетатив кўпаядиган ўсимликлар клонлари вегетатив органлар (поя, илдиз, илдизпоя, тугунак ва бошқалар) ёки уларнинг бир бўлагини ўстириш орқали олинади. Фақат жинссиз йўл билан кўпаядиган юксак ҳайвонларни клонлаш биринчи марта 1977 йилда инглиз олими Ж. Гердон томонидан бақалар мисолида кўрсатиб берилган. Бунинг учун уруғланган қора бақа тухум ҳужайрасидан ядроси олиб ташланиб, уша оқ бақа ҳужайрасидан олинган ядро киритилган. Гибрид тухум ҳужайралардан фақат оқ бақалар ривожланган.

Сўнгги йилларда наслдор қорамол тухум ҳужайраси сунъий уруғлантирилгандан сўнг зотсиз қорамол бачадонига кўчириб ўтказиш (имплантация) йўли билан зотли қорамоллар клонларини яратиш биотехнологияси ишлаб чиқилди. Ҳозир организмдан ажратиб олинган соматик ҳужайраларни сунъий ўстириш орқали чорва моллари клонларини олиш усули яратилган.

Клонлаш орқали сунъий шароитда антитела синтез қиласидан ҳужайралар яратилган. Бунинг учун дастлаб бирон ҳайвон антиген билан иммунланади. Сўнгра бу ҳайвон организмидан антитела ҳосил қиливчи ҳужайра лимфоцит ажратиб олинниб, сунъий шароитда ўстириллади. Лекин сунъий ўстирилган лимфоцитлар жуда секин кўпайганидан кўп миқдорда антитела ишлаб чиқариб бўлмайди. Ҳозир ҳар хил ҳужайраларниг айрим қисмлари (ядро, цитоплазма, хромосомалари ва бошқалар) дан яхлит тирик ҳужайра ҳосил қилиш усувлари ишлаб чиқилган. Ҳужайра инженерияси методлари ёрдамида бир-бинридан анча узоқ турадиган (масалан, ҳар хил систематик гурӯҳларга мансуб бўлган), одатда жинсий йўл билан дурагайлаб бўлмайдиган организмлардан ажратиб олинган ҳужайраларни дурагайлаш мумкин. Бу усул орқали ўсимликлар билан ҳайвонларнинг соматик ҳужайраларини дурагайлаш мумкинлиги исботланган.

Молекуляр генетика, ген ва ҳужайра инженериясининг ривожланиши биотехнология учун жуда катта имконият яратади. Ҳозир ўсимлик ёки ҳайвонлар танасидан ажратиб олинган алоҳида ҳужайрани сунъий шароитда ўстириб, етук организм олиш биотехнологияси ишлаб чиқилган. Бу эса ирсий жиҳат-

дан бир хил, яъни тузилиши ва ҳаёт жараёнлари ўхшаш бўлган жуда кўп индивидларни етишириб чиқариш имконини беради. Генотипни реконструкция қилиш (қайта тузиш) ва генотипга янги генлар киритиш орқали организм генотипини маълум йўналишида ўзгартириш мумкин. Ген инженерияси методлари йўсий касаллик генларини топиб, уларни соғлом генлар билан алмаштириш имкониятини яратади.

ЭВОЛЮЦИОН ТАЪЛИМОТ

Эволюцион таълимотнинг моҳияти. Эволюцион таълимот тирик организмларнинг мукаммаллашуви, айрим ҳолларда соддалашуви орқали борадиган тарихий тараққиётни акс эттиради. Эволюцион таълимот органик олам тараққиёти тўғрисидаги илмий тушунчадан иборат. Бу таълимот дастлабки ҳаёт формаларининг пайдо бўлиши ва тарихий тараққиёти умумий қонуниятларини, шунингдек организмларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг яшаш мұҳитига мослашуви сабабларини ўрганиди.

Ч. ДАРВИНГАЧА БЎЛГАН ЭВОЛЮЦИОН ФОЯЛАР

Биология фани ривожланишининг дастлабки босқичлари. Тирик ва нотирик табиатнинг бирлиги тўғрисидаги дастлабки содда фикрлар милоддан аввалги V ва IV асрларга оид. Миср, Хитой ва Юнон олимлари ишларида учрайди. Қадимги ҳиндистонликлар ва хитойликларда (милоддан олдинги XX—XV асрларда) табиат, ер, сув, ҳаво, олов ва эфирдан иборат деган фикр ҳукм сурган. Ҳайвон ва ўсимликларнинг табиий келиб чиқиши, ўзаро боғлиқлиги ва ўзгариб туриши тўғрисидаги содда фикрлар қадимги юнон ва рим олимлари Фалес, Демокрит, Эмпидокл, Гиппократ, Арасту ва Теофраст асарларида учрайди. Юнон олимни Арасту асарларида бир қанча ўсимликлар ва ҳайвонларнинг тузилиши ва ҳаёти ҳақида тушунча берилади. Табиатда ўсимлик ва ҳайвонларнинг тарқалиши ва ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар қадимги Ўрта Осиё олимлари ишларида ҳам учрайди. Абу Наср Форобий одам ва ҳайвонлар ўртасида ўхшашлик ва табиатда танланиш мавжудлигини ёzáди. Абу Али ибн Сино табиатнинг ўзгариб туриши ва мұҳит таъсирида организмда касаллик пайдо бўлишини тушунтириб беради. Лекин фанда XVIII асрларга барча тирик организмлар бирданига яратилганлиги ва уларнинг ўзгармаслиги тўғрисидаги метафизик тушунча ҳукм сурар эди.

Ўйғониш даврида (XIV—XV асрлар) ва ундан кейин биология фанида жуда кўп кашфиётлар қилинди. Ҳусусан турли саёҳатлар давомида илгарн номаълум бўлган янги ўсимлик ва ҳайвон турлари топилди. Голландиялик табиатшунос олим А. Левенгук (1532—1723) ўзи яратган микроскоп ёрдамида бир ҳужайрали организмлар дунёсини кашф этди. Бу даврда ўсим-

Лік ва ҳайвонларнинг хилма-хиллиги тұғрисида ҳам жуда күп маълумотлар тұпланды.

К. Линней систематаси. Швед олимни Қарл Линней (1707—1778) үсімлик ва ҳайвонларнинг тузилиши тұғрисидаги маълумотларга асосланиб үзининг сунъий систематикасини яратди. У үзининг «Табиат системаси» асарида тур, уруғ, туркүм ва синф каби систематик категорияларни асослаб берди. Тур тушунчаси Линней систематикасининг асосини ташкил этди. К. Линней тур тузилиши үшаш бўлган ва серпушт насл қолдирадиган индивидлар йифиндисидан иборат деб тушунтиради. Олим тур номини иккита лотин сўз билан белгилашни таклиф этди; ундаги биринчи сўз (от) авлод, яъни уруғнинг, иккинчи (сифат) турнинг номини билдиради. К. Линней ҳайвонот дунёсини 6 синфга (сүтэмизувчилар, қушлар, даррандалар, ба-лиқлар, ҳашаротлар ва чувалчанглар), үсімликлар дунёсини эса 24 синфга ажратди. У одамни маймунлар билан битта туркүмга бирлаштириди ва унинг ҳайвонот дунёсидаги тутган ўрнини тұғри кўрсатиб берди. Линней системаси фанда бинар номенклатура номи билан машҳур. Линней таклиф этган синф, туркүм, уруғ ва тур тушунчалари, шунингдек у тасвирлаб берган кўп турларнинг номи ҳозирги замон систематикасида ҳам сақланиб қолган.

К. Линней үсімлик ва ҳайвонларнинг систематик ўрнини аниқлашда ихтиёрий олинган битта ёки бир нечта белгидан фойдаланды; улар ўртасида қон-қариндошлиқка эътибор бермади. Натижада бир-биридан анча узоқ формалар битта систематик гуруҳга кириб қолди ёки бир-бирига яқин турлар ҳар хил систематик гуруҳларга ажратиб юборилди. Линней системаси тирик организмлар ўртасидаги үшашликни кўрсатиб берган бўлса-да, улар ўртасидаги қариндошлиқни аниқлаб беролмади. Шунинг учун Линней системаси табиий эмас, балки сунъий система бўлиб қолди. Линнейнинг ўзи ҳам табиатга метафизик нуқтаи назардан қарап, турлар бирданига пайдо бўлган ва ўзгармас деб тушунар эди. Шунга қарамасдан К. Линней таклиф этган табиат системаси биология фанининг бундан кейинги тараққиётида ва турларнинг қариндошлигини аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ж. Б. Ламарк таълимоти. Француз натуралисти Жан Батист Ламарк (1744—1829) Ч. Дарвингача биринчи бўлиб яхлит эволюцион назария яратишга уриниб кўрди. У «Зоология фалсафаси» асарида табиатда ҳар хил турларни бир-бiri билан боғлаб турувчи оралиқ формалар мавжудлигига асосланиб турларнинг ўзгаришини кўрсатиб берди. Ламарк ҳайвонлар ва үсімликларнинг хилма-хиллиги органик дунёнинг қуидан юқори формаларга томонга юборадиган погонама-поғона тараққиёти натижаси деб тушунтиради. Бу тараққиётни у градация деб атади.

Ж. Б. Ламарк фикрича ташқи муҳит организм ўзгаришининг асосий сабабчисидир. Муҳитнинг ўзгариши организмда доимо

фойдали ўзгаришларга олиб келади. Тирик организмларнинг прогрессив ривожланиши организмлар ўз тузилишининг такомиллаштиришига ички интилиш туфайли содир бўлади. Масалан, ерда ўт кам бўлган муҳитда жирафа дарахт баргларини узиш учун бўйини мунтазам чўзиб туришга (машқ қилдиришга) мажбур бўлган. Натижада унинг олд оёқлари ва бўйни чўзилган.

Ламарк одамнинг пайдо бўлиш муаммосини ҳам умумий тарзда баён қилиб берди. Унинг фикрича, одам аввал дарахтда яшаб, кейин ерда юришга ўтган маймунсимон аждодлардан келиб чиқкан. Аммо Ламарк тарихий тараққиёт (эволюция)нинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва турлар ўзгариши механизми ни тўғри очиб беролмади.

Ч. ДАРВИННИНГ ЭВОЛЮЦИОН ТАЪЛИМОТИ

Ч. Дарвин таълимотининг асосий моҳияти. Ч. Дарвин «Табиий танланиш йўли билан турларнинг келиб чиқиши» (1859) асарида эволюцион таълимотни асослаб берди, органик олам тараққиётининг асосий қонуниятларини илмий материалистик нуқтаи назардан очиб берди. Таълимот ер юзида мавжуд бўлган ва турли яшаш шароитига мослашган турларнинг хилма-хиллиги табиатда тўхтовсиз юз бериб турадиган ҳар хил йўналишдаги ирсий ўзгаришлар ва табиий танланиш натижасида вужудга келишини кўрсатди. Организмларнинг жуда кўп насл қолдириши, лекин уларнинг фақат оз қисмигина яшаб қолиш хусусияти Дарвинда улар ўртасида яшаш учун кураш бориши ва бунинг оқибатида мавжуд шароитга кўпроқ мослашган организмларнинг яшаб қолиши, мослаша олмаганлари эса қирилиб кетиши тўғрисидаги фикри туғдирди. Ирсий ўзгаришлар ва табиий танланиш натижасида тирик организмларнинг тузилиши аста-секин мураккаблаша боради, турларнинг сони ортади. Ҳар хил турларнинг эволюцияси турли тезликда боради. Масалан, кўпчилик умуртқасиз ҳайвонлар ва судралиб юрувчилар миллион йиллар давомида ўзгармасдан келаётган бўлса, одамлар уруғида фақат сўнгги икки миллион йил давомида бир неча тур пайдо бўлган ва қирилиб кетган.

Ҳозирги замон фанлари нуқтаи назаридан мутация ва табиий танланиш эволюциянинг асосий омиллари ҳисобланади. Ана шу омилларнинг мажмун эволюцион жарабённи амалга ошириш учун асосий шарт-шароит бўлиб ҳисобланади. Танланиш бевосита организмнинг фенотипига таъсир қиласди, натижада айrim белгилар ёки аллеллар танланмайди, балки реакция нормасига эга бўлган бутун бир генотиплар табиий танланишга учрайди. Генетик жиҳатдан эволюция популяциялар генофондини муайян йўналишда ўзгариб бориши, яъни микроЭволюциядан иборат.

ТУР, УНИНГ МЕЗОНЛАРИ ВА ТАРКИБИ

Тур тушунчаси. Дарвин таълимотининг асосида тур тушунчаси ётади. У, тур тирик табиат тараққиётининг маълум бир звеноси бўлиб, эволюция жараёнида бошқа турлардан фарқланувчи механизмларга эга бўлган деган фикрларни илгари сурган эди. Ҳозир тур морфологик, физиологик ва биохимиявий хусусиятларига кўра ирсий ўхшаш, эркин чатишиб серпушт насл берадиган, муайян яшаш шароитига мослашган ҳамда табиатда маълум бир майдон—*ареални* эгаллаган индивидлар мажмун деб тушунилади.

Тур мезонлари. Бир турни бошқалардан фарқ қилувчи белгилар йигинидиси *тур мезонларини* ташкил этади. Тур мезонларининг асосийлари қўйидагилардан иборат: 1) морфологик (бир турга кирувчи индивидлар ташқи ва ички тузилишининг ўхшашлиги); 2) географик (тур индивидларининг муайян ареал ичida тарқалиши); 3) экологик (муайян яшаш жойи, экологик муҳитни эгаллаши); физиологик (ҳаёт жараёнларининг ўхшашлиги); 5) биохимиявий (ўзига хос оқсиллар ва бошқа органик моддалар ҳосил қилиши); 6) генетик (хромосомалар тўпининг бир хиллиги, индивидларнинг ўзаро чатишиб, серпушт насл бериши). Алоҳида олинган битта мезон турни аниқлашга имкон бермайди. Турни фақат юқорида келтирилган барча мезонлар асосида таърифлаш зарур.

Генофонднинг нисбатан турғуналиги турнинг асосий белгисидир. Бу турғуналлик турни бошқа турлар билан чатишмаслиги натижасида сақланиб қолади. Тур ичидаги индивидларнинг ўзаро эркин чатишуви эса турнинг нисбатан бир бутунлигини таъминлайди.

Тур структураси популяция. Табиатда экологик муҳит тур ареали чегарасида бир хилда бўлмаганлиги туфайли тур индивидлари ҳам бир текис тарқалмасдан табиий гуруҳлар — популяцияларни ҳосил қиласади.

Популяция ўзаро эркин чатишадиган, ареалнинг бир қисмida унинг бошқа қисмларидан ажралиб, узоқ вақт яшаб келаётган битта турга мансуб бўлган индивидларнинг табиий гуруҳидан иборат. Популяциянинг асосий хусусияти унинг генетик бирлигидир. Битта популяция индивидлари ҳар хил популяциялар индивидларига нисбатан кўпроқ ўхшаш бўлади. Шу билан бирга популяциялардаги индивидлар генетипик жиҳатдан айнан бир хил бўлмайди. Бу уларга ўзгариб турадиган муҳитга мосланиш ва эволюция учун жуда муҳим бўлган ўзгарувчалик имкоини беради.

Популяциялар ўртасидаги фарқни зофора балиқ мисолида кўриш мумкин. Йирик кўлларда бу балиқ иккита популяция ҳосил қиласади. Улардан бири қирғоқ яқинида яшаб, майда ҳайвонлар билан озиқланади ва секин ўсади, иккинчси кўлнинг чуқур қисмida яшаб, балиқлар билан озиқланади ва тез ўсади,

Популяцияда индивидлар сони бошқа ҳайвонлар, стихияли талафотлар ва бошқа омиллар таъсирида доимо ўзгариб туради. Табиатда популяцияларнинг тарқалиш чегараси одатда табиий тўсиқлар (сув ҳавзаси, ўрмон, чўл) билан мос келади. Популяцияларнинг аралашиб кетишига географик изоляция (ҳайвонларда жинсий аппаратнинг тузилиши, қуикиш муддатларининг ҳар хиллиги, ўсимликларда ҳар хил муддатда гуллаш) тўсқинлик қиласи.

Популяция эволюциянинг асосий бирлиги ҳисобланади. Чунки эволюцион жараён популяция ичida бошланади. Популяция индивидлари орасида доимо ирсий ўзгарувчанлик пайдо бўлиб туради. Жинсий кўпайиш туфайли бу ўзгарувчанликлар бутун популяцияга тарқалади ва унинг генотипи гетероген бўлиб қолади. Популяцияда ҳам яшаш учун кураш ва табиий танланиш амал қиласи. Натижада фақат фойдали ўзгаришларга эга бўлган индивидлар сақланиб қолиб насл беради. Эволюция жараёнида бир-бирга ўхшаётган популяциялар кенжада турни ҳосил қиласи.

Кенжада турлар муайян морфологик белгиларга эга бўлган, тур ареали доирасида маълум майдонни эгаллаган ҳамда шу тур ичида бошқа кенжада турлар билан эркин чатиша оладиган популяциялар гуруҳидан иборат. Жуда кенг ареалга эга бўлган турлар бир неча кенжада турга эга бўлади. Масалан, қуёнларнинг бир-биридан юнгининг ранги билан фарқ қиласидан ўнлаб кенжада турлари бор.

Нав ва зотлар кишилар томонидан сунъий яратилган маданий ўсимликлар ва уй ҳайвонларининг сунъий популяцияларидан иборат. Навлар ва зотлар бир-биридан морфологик тузилишининг баъзи бир хусусиятлари, ҳосилдорлиги ёки маҳсулдорлиги, муҳит шароитига бўлган талаблари, ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиласи.

ЭВОЛЮЦИЯНИНГ ҲАРАҚАТЛАНТИРУВЧИ ҚУЧЛАРИ

Ирсий ўзгарувчанлик, яшаш учун кураш ва табиий танланиш эволюциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларини ташкил қиласи.

Ирсият — организмларнинг тузилиш ва функцияларини сақлаб қолиш ва наслдан-наслга ўткизиш хусусиятидир. Ирсият туфайли тур, нав, зотларга хос белгилар келгуси авлодларда сақланиб қолади. Масалан, буғдой уруғидан буғдой униб чиқади, болалар ота-оналарига ўхшайди. Организмларнинг ирсий белгилари кўпайиш туфайли наслдан-наслга берилади. Организмнинг ирсий белгиларини ҳужайрадаги хромосомалар белгилаб беради. Хромосомалар генлар орқали ҳар қайси турга хос бўлган белгилар комплексини шакллантиради. Хромосомалар ҳужайра ядросида жойлашган. Ҳар бир ҳужайрада бир неча жуфтдан бир неча ўн жуфтгача хромосомалар бўлади. Хромосомалар минглаб генлардан иборат. Ҳар қайси тур

йндивиди учун хос бүлган генлар йиғиндиси *генотип* дейилади.

Ўзгарувчанлик — организмларнинг янги белгилар — тур ичидаги индивидлар ўртасида тафовутлар ҳосил қилиш хусусиятидан иборат. Ўзгарувчанлик индивидуал характерга эга бўлганлиги туфайли популяцияларда ҳар хил генотипга эга бўлган индивидлар пайдо бўлади. Масалан, битта ота-онадан туғилган болалар бир-биридан ва ота-оналаридан ўзгарувчанлик туфайли фарқ қиласи, битта дараҳтнинг ўзида айнан бир хил шаклдаги баргларни топиш қийин. Ўзгарувчанлик икки хил бўлади (26-жадвал).

Ирсий бўлмаган ёки модификацион ўзгарувчанлик организмнинг индивидуал ривожланиши даврида ташқи муҳит таъсирида пайдо бўлади. Масалан, озиқ мўл бўлса, ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги ошади. Муҳит таъсири тур индивидлари орасида бир хилдаги ўзгаришларни пайдо қилганлиги сабабли Ч. Дарвин ирсий бўлмаган ўзгарувчанликни *аниқ йўналишили*, яъни *гуруҳли ўзгарувчанлик* деб атади. Лекин ўзгарувчанлик чегараси ҳар хил индивидларда доимо бир хил бўлмайди. Ирсий бўлмаган ўзгарувчанлик наслга берилмайди ва эволюцион жараённи белгилаб беролмайди.

Ирсий, яъни генетик ўзгарувчанлик — генотипни ўзгартирадиган ва шу сабабдан наслдан-наслга бериладиган ўзгарувчанлик. У аниқ йўналишга эга бўлмайди, шунинг учун Дарвин уни аниқ бўлмаган ўзгарувчанлик деб атаган. Ирсий ўзгарувчанлик икки хил — мутацион ва комбинатив бўлади (27-жадвал).

Мутацион ўзгарувчанлик, яъни мутациялар ҳар бир организмнинг ўзига хос бўлиб, ҳар хил ташқи ва ички омиллар таъсирида пайдо бўлиб туради. Мутациялар организмнинг турли морфологик ва физиологик хусусиятларига, масалан ҳайвонларнинг катта-кичиклиги, ранги, серпуштлиги ва бошқа белгиларига таъсир кўрсатиши мумкин.

Комбинатив ўзгарувчанлик, яъни комбинация популяцияларда эркин чатишув ёки сунъий дурагайлаш жараёнида генларнинг комбинацияси жараёнида юзага чиқади (генетика асослари бўлимига қаранг). Натижада ота-она организмнига ўхшамайдиган янги комбинатив белгиларга эга бўлган организмлар пайдо бўлади. Табиатда ўзаро муносабатли, яъни *нисбий* (*коррелятив*) ўзгарувчанлик ҳам кўп учрайди. Бир хилдаги ўзгарувчанликда бир органнинг ўзгаришлари бошқа органларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Масалан, узун оёқли ҳайвонларнинг бўйни ҳам узун бўлади.

Ирсий ўзгарувчанлик табиий ва сунъий танланиш учун материал бўлиб хизмат қиласи. Шу туфайли у эволюция жараёнида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Яшаш учун кураш организмларнинг ўз ҳаётини сақлаб қолишига ҳамда ўз авлодларининг ҳаётини таъминлашга қаратилган жорий фаолиятидан иборат. Бу тушунчани Ч. Дарвин таклиф этган. Яшаш учун кураш организмлар ўртасидаги табиий

27- жадвал. Ўзгарувчанлик шаклларини солишириш

Таърифи	Модификацион ўзгарувчанлик	Мутацион ўзгарувчанлик
Ўзариш объекти	Реакция меъёри че- гарасидаги фенотип	Генотип
Танловчи омил	Атроф-муҳит шаро- итининг ўзгариши	Атроф муҳит шароитнинг ўзгариши
Белгининг ирсий- ланиши	Ирсийланмайди	Ирсийланади
Хромосомаларнинг ўзгаришга учраши	Ўзгаришга учрамай- ди	Хромосома мутациясида ўз- гаришга учрайди
ДНҚ молекуласи- нинг ўзгаришга учраши	Ўзгаришга учрамай- ди	Ген мутациясида ўзгаришга учрайди
Индивид учун аҳа- мияти	Ҳаётчанлик, маҳсул- дорлик ва мосланиш- ни кучайтиради ёки камайтиради	Фойдали ўзгаришларни яшаш учун курашда голиб чиқиши- га, зарарли ўзгаришларнииг нибуд бўлишига олиб келади
Тур учун аҳамияти	Яшаб қолиш имко- нини беради	Дивергенция түфайли янги популяциялар, турлар ва бош- қалар ҳосил бўлишига олиб келади
Эволюция учун аҳа- мияти	Организмларнинг муҳит шароитига мосланишига имкон беради	Табиий танланиш учун мате- риал беради
Ўзгарувчанлик	Муайян (гуруҳлик)	Ноаниқ (хусусий), комбина- тив
Тобелик қонунияти	Вариацион қаторлар- нинг статистик қо- нуниятига мос кела- ди	Ирсий ўзгарувчанликнинг го- мологик қаторлари қонунига мос келади

мусобақадан иборат. У организмларнинг жадал кўпайиши билан ҳар бир индивиднинг нормал яшаши учун зарур бўлган табиий ресурслар: озиқ-овқат, сув заҳираси, майдон ва бошқаларнинг етишмасдан қолиши натижасида келиб чиқади. Энг кам туғадиган ҳайвонлардан бўлган филнинг бир жуфти ҳам қулай шароитда кўпайганда 750 йилдан сўнг 19 млн. тага етар эди. Битта треска балиги бирданига 10 млн. тухум қўяди, мингдевона ўсимлигининг бир тури 400 минг дан ортиқ уруғ беради. Агар уларнинг кўпайишига ҳеч қандай тўсиқ бўлмаганида бирмунча вақтдан сўнг ҳамма сув ҳавзаларини ва қуруқликни эгаллаб олган бўлар эди. Лекин табиатда ҳеч қачон бундай бўлмайди. Чунки тур индивидларнинг кўпайиш тезлиги билан уларнинг ҳаёти учун зарур бўлган воситалар миқдори ўртасида номутаносиблик келиб чиқиши оқибатида яшаш учун кураш бошланиши туфайли индивидларнинг жуда кўп қисми нобуд бўлади.

Дарвин яшаш учун курашнинг уч хилини: тур ичидағи, турлараро ва организм билан анорганик табиатнинг ноқулай шароитига қарши курашни кўрсатиб берган (29-жадвал).

Тур ичидағи кураш бир тур индивидлари ўртасидаги конкуренцияни акс эттиради. Бу кураш бир турга, айниқса битта популяцияга мансуб бўлган индивидларнинг яшаш ва кўпайиб насл қолдириш учун бир хил шароит зарур бўлгани сабабли жуда мураккаб ва кескин бўлади. Мисол тариқасида эркак ҳайвонларнинг ургочиларини талашиб, йиртқичларини эса ўлжа талашиб ўзаро курашини кўрсатиш мумкин. Эволюция давомида бир турга кирувчи индивидлар ўртасидаги курашнинг барта-раф қилувчи турли мосланишлари пайдо бўлган. Масалан, тўнғизлар ва чумолилар ўзлари яшайдиган майдонни бирон белги билан чегаралаб чиқади. Айрим ҳайвонлар популяция сони ошиб кетганида ўз наслини еб қўяди (балиқлар, кемирувчилар) ёки эзиб ташлайди (қушлар).

Турлараро кураш ҳар хил турга мансуб бўлган индивидлар ўртасидаги курашни акс эттиради ва қуйидаги кўринишда, юзага чиқади: а) бир хил мұхитда яшаётган икки турга мансуб индивидларнинг яшаш шароити учун кураши (экинлар билан бегона ўтлар ўртасида намлик, ёруғлик, озиқ моддалар учун кураш); б) бир турдан иккинчи турнинг бир томонлама фойдаланиши (йиртқич билан унинг ўлжаси ўртасидаги муносабат); в) бир тур ўзига зарар ёки фойда етказмасдан бошқа тур учун қулайлик яратиши (ўсимлик уруғининг ҳайвонлар юнги орқали тарқалиши); г) ҳар хил турларнинг ўзаро қулайлик яратиши (ҳашаротлар, гулларни чанглатиб ўзлари учун озиқ йиғиши).

Мұхитнинг ноқулай шароитига қарши кураш организмларнинг ноқулай абиотик табиат омилларига қарши кураши тариқасида боради. Бу кураш ўта қуруқ ёки нам, иссиқ ёки соvuқ бўлган минтақаларда аниқ юзага чиқади. Эволюция жараёнига организмларда ўта ноқулай шароитда яшаб қолшига

28. ЖАДВАЛ. ЎЗГАРУЧАННИК ШАКЛЛАРИ

Ўзгаручанлик шаклди	Рүёбга чиқиш сабаблари	Ахамияти	Миссиялар
Ирсий бүлмаган модификациян (фенотипик)	Яшаш мұхиттіннің ўзгариши түфайы, организм генотипи томондан белгиланған реакция мөбөриңегарасыда ўзгаради	Адаптация — мұайин яшаш мүнхитига мослаши, яшаб қолиши, наслыни сақтабағының	Бош карам иссик икlimда болп үрәмайди. От ва қорамол зотларды шароитта паст бүйіл бүлип қолади
Мутацион Ирсий (генотипик)	Ташқи ва ини мутаген омыллар тасирда генлар на хромосомаларда пайдо бүлдиган ўзгарыштар	Табиий ва сунный тәнлаштын материал, чунки мутагенилар фойдалы, задарли ва фарқсыз, доминантта редесив бўлиши мумкин	Ұсимниклар полупляциларидаги айrim ҳайвонлар (ҳашаротлар, бараклар) да подинглид формаларнинг пайдо бўлиши Уларни репродуктив изолацияга, широкардида янги турлар ургулар хосил булиши — микрэволюция олиб келади
Комбинатив	Чатиштиришда наследа генларнинг янги комбинацияси матижасида популяциянида тасодиғдан пайдо бўлиши	Тәнлаш учун материал хи-собланадиган янги ирсий ўзгаришларни популяциянида тарқалиштига олиб келади	Оқ ва қизил наврӯз гуллари чатиштирилганида пушти гули ўсмилликлар пайдо бўлади. Оқ ва кулранг қуёйлар чатиштирилганида қора насл пайдо бўлиши мумкин
Нисбий (коррелятив), яъни муносабатли	Генларнинг битта эмас, балки бир неча белгиларининг ривожланнингга тасир килиш хусусияти	Ўзаро «богланган белгиларнинг доминиллiği», организмнинг система сифатида джайлитлгини саклаш	Узуноёкли ҳайвонларнинг бўйин ҳам узун бўлади. Йавлаги навларида илдизмезаси, барг банди ва томирлари раинги бир хилда ўзгаришга учрайди.

29. Жадвал. Яшаш учун кураш шакллары

Кураш шакллары	Кураш натижалари	Хайвонот дүнёсіндегі миссиялар	Үсімніктер дүнёсіндегі миссиялар
Түр ичидеги кураш (мұсабақа)	Күчсизларнинг ўтиши хосибыға побұялацая ва түрнің салынб қолынан	Ишрекчиларнинг ўжық талашып үзаро кураш; түр ичидеги каннибализм — популация соли ортоб кетапта да ёш индивидларнинг күріліп, тұда иңда хукмрондик үчүн кураш	Бір хил ёндігі пінабарғын Үрмонда бірхіл даражалар боланд үсіб, өргүрні яхши олады. Уларның илдізін чукурорқ Үсіб, сув вә озін мөдделардың яхши салын билан бішкіларнің сіңіб құяды; аңға ріважтансаң иедіншілдерларнан ¹ үз наслани тиқлана вә мүпайиш имконияты күпроқ будады
Түрлараро кураш	Бір турдан шеккіншіл тур озік сифатында, яның жоғын таңғалып, ушун фойдаланып, түрлінен шығындардан күштік күштік күштік	Европа наштардың асаңларыннан Авес-трия наштардың арилариниң сиңіб чиқарышы; бір үрүтка мансусб бүлган турлар күлранг күштілдер кураш (кулранг сұварақтар); палычылар, сарық ВА күрә сұварақтар); ішрекчиларнинг ўз үлжасынан ейншін	Карагай ғосында қора Карагай яхши үсайды. Үннинг ўшин аста-секин теззашыбынан балалар ол жағдайда сүйінде, қарағай майсаларын қора Карагай соясыда қарағай олмасады идобуда. Бегона үтілар маданий үсімнілдерларның күчсизлігін көріп құяды. Параразит үсімніктер вә хайвонлар үз хұжайшының ысабында озінелденеады
Нокулай шароитта қаршынан кураш	Нокулай ёки үзгарған шароитта әнші мослашынан организмдериннан яшаб қолып, үлкаларга үтіб кетады.	Күшінда хайвонлар үз ရашында үннинин калынлігіннен үзгартырады, үйкуга кетады. Күшлар қыш якынлашыши билан исекін күріп қолады; бегона үтілар жуда күп үрүхосил қылады вә вегетатив үйл болынан күпейді; параразит замбуруғлар жуда күп спора хосил қылады	Чүл үсімніктердің барлық редукцияята үчрайады, ылданан үзүн бүлжады; эфемерлар Ѽздада күріп қолады; бегона үтілар жуда күп үрүхосил қылады вә вегетатив үйл болынан күпейді; параразит замбуруғлар жуда күп

имкон берадиган бир қанча мосланишлар пайдо бўлган. Масалан, нам ва иссиқ иқлимда ўсадиган ўсимликларнинг барги йирик бўлади. Қуруқ ва иссиқ иқлимда эса ўсимликларнинг барги кичик бўлиб, туклар билан қопланган барг оғизчалари кам бўлади. Буларга сувни кам буғлантиришга имкон беради.

Табиий танланиш — муайян шароитда фойдали ирсий ўзгаришларга эга бўлган индивидларнинг яшаб қолиб, насл колдиришига олиб келадиган жараёндан иборат. Табиий танланиш мавжудлиги тўғрисидаги фикрни кўпгина табиатшунос олимлар (Ф. Уоллес, Э. Блайт, А. Уоллес ва бошқалар) айтишган. Лекин фақат Ч. Дарвин бу ҳодиса эволюциянинг асосий омили эканлигини асослаб берди ва табиий танланиш назариясини ишлаб чиқди. Популяцияларда юз берадиган мутацион ва комбинатив ўзгарувчанлик табиий танланиш учун материал беради. Бизга маълумки, ирсий ўзгарувчанлик тур учун фойдали, зарарли ёки бефарқ бўлиши мумкин. Лекин эволюция жараёнида ана шундай ҳар хил йўналишга эга бўлган ирсий ўзгарувчанликлардан муҳит шароитига кўпроқ мос келадиган ва тур учун фойдали бўлганлари сақланиб қолади ва тўпланиб боради. Табиий танланишнинг ҳаракатлантирувчи, барқарорлаштирувчи ва бошқа шакллари бор (30-жадвал).

Ҳаракатлантирувчи танланиш Ч. Дарвин фикрича ўзгарган муҳит шароитига мос келадиган янги белгиларга эга бўлган индивидларнинг яшаб қолиб насл беришидан иборат. Ҳаракатлантирувчи танланиш янги популяция ва кейинчалик турнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Масалан, Англия қирғозларида сувнинг органик моддалар билан тобора ифлосланниб бориши крабларнинг ифлосланган шароитда яашага мослашган янги популяциясининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Барқарорлаштирувчи танланиш нисбатан доимий муҳит шароитида ҳосил қилинган фойдали белгиларга эга бўлган индивидларнинг сақланиб қолиб, насл қолдиришидан иборат. Бу танланишда одатда муайян оптималь нормадан четга чиққан мутациялар ҳаётчан бўлмайди ва йўқотилади. Барқарорлаштирувчи танланишни рус эволюционист олими И. И. Шмальгаузен (1834—1963) таърифлаб берган. Муайян шароитга мослашган нав ва зотларнинг мавжудлиги, узоқ давр мобайнида яшаб келаётган «тирик қазилмалар» (ланцетниклар, панжа қанотли балиқлар, судралиб юрувчилар, тухум қўювчи сутэмизувчилар)нинг борлиги барқарорлаштирувчи танланиш мавжуд эканлигини кўрсатади. Барқарорлаштирувчи тапланишнинг таъсирини муайян ўзгармас ёпиқ муҳит шароитида (масалан, ёпиқ кўл ёки ҳовуз, жуда чуқур денгиз тубида) кўриш мумкин.

Дизеруптив танланиш. Баъзи ҳолларда муайян бир хил шароитда ҳаёт кечираётган, битта турга кирадиган индивидлар орасида фенотипик жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласидиган икки ёки ундан кўпроқ гуруҳлар пайдо бўлади. Масалан, икки


нуқтали хонқизи құнғизлари орасида қорамтира үзгәрткыш қанотли индивидлари учрайди. Қизғишиң қанотли құнғизлар қишки қаттық совуқда кам нобуд бұлади, лекин ёзда кам насл беради. Қорамтириң құнғизлар эса аксинча қишки совуққа нисбатан чидамсиз, лекин ёзда күп насл беради. Бу иккала гурүх құнғизлар ҳам йил фаслларига түрлича мослашиш туфайли яшаб келаверган.

Икки ёки ундан күпроқ ирсий үзгарувчанликка қулайлық туғыздырылған, лекин белгіни ўрта меъёрда ривожланишига имкон бермайдыған бундай танланиш *дизруптив танланиш* дейнілади. Дизруптив танланиш полиморфизмга олиб келади.

Жинсий танланиш — бир жинсга мансуб индивидлар (күпинча әркаклар) үртасида иккінчи жинс билан уруғланиш учун борадыған ўзаро курашдан иборат. Жинсий танланиш туфайли эволюция давомида күп ҳайвонларда иккіламчы жинсий белгилар ривожланған. Бир жинснинг күзға яққол ташланиб турадыған иккіламчы белгилари (чиroyли патлар, йирик шох ёки тишлар) иккінчи жинс эътиборини ўзига торғыши туфайли бундай белгилари яхши ривожланған индивидларнинг күнайиши имконияти күпроқ бұлади. Жинсий танланиш ғояси орқали, күп ҳолларда организмнинг яшаб қолиши, озиқ-овқат ва яшаш жойи учун курашда ҳеч қандай ақамияттаға эга бўлмаган, ҳатто заарарли белгилар (товуснинг узун ва ранг-баранг думи, буғулар әркагининг күп тармоқланған шохлари)нинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тушунтириш мумкин. Эркак ҳайвонлар үртасидаги кураш одатда озиқ-овқат ёки жой учун ҳаёт-мамот курашидан иборат эмас. Мағлуб бўлган ҳайвонлар одатда яшаб қолади, ҳатто насл қолдиришда қатнашиши ҳам мумкин. Жинсий танланиш кўпчилик ҳайвонлар ва барча ўсимликлар орасида содир бўлмайди. Жинсий танланиш организмлар тарихий тараққиётини белгиловчи омил сифатида фақат нерв системаси яхши тараққий этган ҳайвонлар (асосан сутэмизувчилар ва қушлар) орасида содир бўлади. Жинсий танланиш битта турга мансуб ҳар хил жинс индивидларининг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ бўлганлигидан табиий танланишнинг бир хили дейиш мумкин.

СУНЬИЙ ТАНЛАШ, ЗОТ ВА НАВЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Сунъий танлаш ҳайвонлар зоти ва ўсимликлар навлари орасидан хўжалик жиҳатидан энг қимматли индивидларини танлаб олиб улардан исталған хусусиятларга эга бўлган насл олиш учун фойдаланишдан иборат. Сунъий танлаш ғояси Ч. Дарвин томонидан «Турларнинг пайдо бўлиши» (1859) асаридан асослаб берилган. У жуда күп уй ҳайвонлари ва экинларни ўрганиш натижасида уларни бир неча умумий бошланғич турлардан келиб чиққанлиги тўғрисидаги хulosага келди. Ч. Дарвин нав ва зотлар бир-биридан одамнинг манфаатига мос келадыған белгилари билан фарқ қилишини, улар ҳар хил



90-расм. Ёввойи банкив товугидан сунъий танлаш орқали келиб чиққан товуқ зотлари:

А — ёввойи банкив товуғи, **Б** — уришқоқ товуқлари, **В** — япон товуғи, **Г** — ғ-май товуқлари, **Д** — родайлонд товуқлари, **Е** — оқ Москва товуғи.

Йўналишга эга бўлган табиий ўзгарувчанлик ва инсонлар томонидан олиб бориладиган сунъий танлаш натижасида келиб чиққанлигини исбот қилиб берди. Ҳозирги от зотлари ёввойи от тарпандан узоқ вақт олиб борилган сунъий танлаш орқали келиб чиққан. Одамлар ўз манфаати йўлида отлар орасида ҳар хил йўналишда танлаш олиб борганиклари туфайли чопқирик, оғир юқ ташувчи, ишчи, манзарали ва бошқа от зотларни яратишган. Дарвин сунъий танлашнинг онгсиз ва методик шаклларини кўрсатиб берган.

Онгсиз танлаш ҳайвонларни қўлга ўргатиш ва ўсимликларни маданийлаштиришнинг бирламчи поғонаси учун хос бўлади. Одамлар оқибати қандай бўлишини тасаввур қилмасдан минг йиллар давомида энг яхши индивидларни стихияли (кўркўроня) танлаб олиб, кўпайтириб келганлар. Худди шу йўл билан кўпчилик ўсимлик ва ҳайвонларнинг маҳаллий нав ва зотлари келиб чиққан.

Методик танлаш одамлар томонидан онгли равишда маълум бир мақсадни кўзлаб олиб борилади. Методик танлаш экинларнинг янги навларини ва уй ҳайвонларининг зотларини етиштиришнинг асосий усулидир. У икки хил: ялпи ва якка (индивидуал) танлаш усулида олиб борилади (20-жадвал). Ялпи танлашда чиқариладиган янги нав ёки зот учун қабул қилинган талабга жавоб бермайдиган барча индивидлар чиқариб ташланади. Якка танлашда эса ҳар қайси индивид си-

фаг белгиларига ва шу белгиларни ирсиятга ўтказиш хусусиятига қараб танланади. Методик танлаш 18-асрнинг охирларидан бошланган.

Дарвин маълум бир мақсад билан олиб борилган танлаш орқали турларни ўзgartириш мумкин эканлигини кўрсатиб берди. У сунъий танлашни ўрганиш асосида худди шундай жараён табиатда ҳам бўлиши мумкин, деган холосага келган эди. Сунъий танлаш ғояси селекция ишларининг назарий негизи ҳисобланади. Унинг асосида ўсимлик навлари, ҳайвон зоглари ва микроорганизмларнинг хилма-хил штаммларини яратишга имкон берадиган селекция методлари ишлаб чиқилган.

Сунъий танлаш қишлоқ ҳўжалиги экинларининг янги ҳосилдор, кўп оқсил ёки ёғ берувчи навларини; чорва моллари ва паррандаларнинг янги зотларини яратиш ишларида кенг қўлланилади (90-расм). Украян олимни В. С. Пустовойт сунъий танлаш йўли билан 1940—1963 йилларда кунгабоқар уруғи таркибидағи ёғ миқдорини 20% га кўпайтиришга эришди. Айрим ҳолларда сунъий танлаш учун хилма-хил материал олиш мақсадида танлашдан олдин чатиштириш ўтказилади. Машҳур орлов йўрға от зоти араб тулпори билан дания биясини чатиштириш ва танлаш натижасида яратилган.

ОРГАНИЗМЛАРНИНГ МОСЛАШГАНЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ХИЛМА-ХИЛЛИГИ

Мослашганликнинг хилма-хиллиги. Мослашганлик организмларнинг ички ва ташқи тузилиши, органларнинг функциялари ва ҳаёт тарзининг муайян яшаш муҳити шароитига мос келишинидир. Ҳайвонларда мослашганликнинг қўйидаги хиллари мавжуд.

1. Ҳимоя ранги ҳайвонлар рангининг атроф муҳит рангига мос бўлишидан иборат. Ҳимоя ранги уларни атроф муҳитда кўзга кам ташланадиган қиласи. Масалан, яшил ўтлар орасида яшайдиган чигиртка, қандала, бешиктерватларнинг ранги ҳам яшил; қуриб қолган ўтлар орасида яшайдиганлариники эса қўнғир тусда бўлади.

2. Огоҳлантирувчи ранг заҳарли ва чақувчи ҳайвонлар танасининг кўзга ташланадиган рангда бўлишидан иборат. Заҳарли ҳашаротларнинг ранги бунга мисол бўлади.

3. Мимикрия зарарсиз ҳайвонлар ранги ва тана шаклининг хавфли ва заҳарли ҳайвонларга ўхашалигидан иборат. Айрим заҳарсиз пащалар ва капалакларнинг ранги чақадиган заҳарли ариларга; заҳарсиз илонлар эса заҳарли илонларга ўхаш бўлади.

4. Ниқобланиш (маскировка) — ҳайвонлар танаси шакли ва рангининг атроф-муҳитдаги нарсаларга ўхаш бўлишидан иборат. Тропик ўрмонларда яшайдиган илонларнинг кўпчилигини лианлар орасидан ажратиб олиш қийин; сувўтлари ора-

сида яшайдиган денгиз отчаси сув ўтларига жуда ўхшаб кетади.

Серпуштилик ҳам мосланиш хилларидан бири бўлиб, у ҳаёт цикли давомида кўплаб қирилиб кетадиган организмларнинг турни сақлаб қолишга мосланишидан иборат (паразитчувалчанглар, шира битлари, бегона ўтлар).

Мослашганликнинг келиб чиқиши. Ч. Дарвин организмларнинг атроф муҳитга мослашганлиги эволюция жараёнида табиий танланиш натижасида келиб чиққан, деган хуносага келган. Чунки табиий танланиш натижасида муайян муҳитга энг

30- жадвал. Танлаш шакллари

Кўрсаткичлар	Сунъий танлаш	Табиий танланиш
Танлаш учун дастлабки материал	Организмнинг индивидуал белгилари	Организмнинг индивидуал белгилари
Танловчи омил	Одам	Гирик ва потирик табиий муҳит
Ўзгариш йўллари: а) қулай б) ноқулай	Танлануб кўпайиш учун қолдирилади. Танланади, бракка чиқарилади, йўқотилади	Қолдирилади, тўпланади ва авлодга ўтказилади. Яаш учун кураш жараёнида қириб ташланади
Таъсир қилиш характеристики	Ижодий — инсон учун фойдали бўлган белгиларнинг тўпланиши йўналишида	Ижодий — популяция ёки турлар учун фойдали бўлган янги формаларни ҳосил бўлишига олиб келадиган мосланиш белгиларнинг танланиши
Танлаш натижалари	Усмилларнинг янги навлари ва ҳайвонларнинг янги зотлари, микроорганизмлар янги штаммлари келиб чиқади	Янги турлар
Танлаш шакллари	Оммавий, хусусий, онгсиз (стихияли), методик (онгли)	Ҳаракатлантирувчи — ўзгариб турадиган шаронтда мос келадиган янги белгиларнинг сақланиб қолиши. Тургунлаштирувчи — доимий шаронтда мавжуд белгиларнинг сақланиб қолиши

кўп мослашган индивидлар яшаб қолиб, насл қолдиради. Мисол учун яшил ранглар орасида яшовчи ҳашаротларнинг аждодлари яшил ўсимликлар билан озиқланмаган ва бошқа рангла бўлган бўлиши мумкин. Бирор сабаб туфайли улар яшил ўсимликлар билан озиқланишга мажбур бўлган, мутациялар туфайли турли рангли ҳашаротлар ҳосил бўлган. Яшаш учун кураш жараёнида табиий танланиш туфайли улар орасидан танасида яшил пигменти бўлган индивидлар сақланиб қолиб, насл қолдиран. Бир неча авлод давомидаги ҳашаротларнинг ранги атроф муҳитга тобора мослаша борган. Мимикрия жараёнида ҳам танасининг шакли, хатти-ҳаракати, рангидан заҳарли ҳайвонларга ўхаш бирор белгига эга бўлган индивидлар яшаб қолиш ва насл қолдириш имконига эга бўлган. Бундай ўхашлик белгилари яшаш учун кураш жараёнида фойдали бўлганлиги туфайли табиий танланиш натижасида авлоддан-авлодга ўтиб тўплана борган, мимикрия ҳам кучайиб борган.

Табиий танланиш жараёнида организмларда муайян бир муҳитга мослашганлик келиб чиқсан. Лекин ҳар хил организмлар айнан бир муҳитга турлича мослашган. Масалан, денгиз ҳалқаличувалчанглари тана ўсимталари, балиқлар сузгич қанотлари, дельфинлар дум сузгичи, пингвинлар куракка айланган олд қанотлари ёрдамида сузади.

Мослашувнинг нисбийлиги. Организмларнинг мослашганлиги нисбий бўлиб, фақат шу мослашганлик келиб чиқсан муҳитда яшаб қолишга имкон беради. Ҳар қандай мослашганлик ҳам муҳит ўзгариши билан фойдасиз бўлиб қолади. Темирчакнинг яшил ранги унга яшил ўтлар орасида яширинишга имкон беради, ўтлар қовжираб қолганида темирчак ҳашаротхўр ҳайвонларнинг кўзига яхши ташланадиган бўлиб қолади. Оқ каклик корда кўзга чалинмайди, лекин қуёш чиқиб турганда сояси уни сезидириб кўяди. Тунги капалаклар асосан тунда яхши кўринадиган оқ гуллардан нектар йиғади, шунинг учун улар кечаси ўзини оловга уриб, нобуд бўлади. Ана шунинг учун мосланиш мутлақ бўлмай нисбийdir.

ЯНГИ ТУРЛАРНИНГ ҲОСИЛ БУЛИШИ. МИКРОЭВОЛЮЦИЯ

Янги турларнинг ҳосил бўлиши. Тур ҳосил бўлиш жараёни доимо пайдо бўлиб турадиган мутацияларга бой бўлган популяцияларда бошланади. Эркин чатишув натижасида популяцияларда янги генотип ва фенотипга эга бўлган индивидлар ҳосил бўлади. Яшаш шароитининг ўзгариши популяция индивидлари орасида белгиларнинг ажралишига, яъни дивергенцияга олиб келади. Натижада бошланғич популяция ҳар хил белгиларга эга бўлган бир қанча кичик формалар ҳосил қиласи. Ҳаракатлантирувчи танланиш таъсирида янги муҳитда белгилари бўйича бир-биридан энг кўп фарқ қилувчи индивидлар серпушт насл қолдириш ва яшаб кетиш имкониятига эга

бўлади. Чунки оралиқ белгига эга бўлган индивидлар бир-бири билан доимо рақобат қилганидан тезроқ қирилиб кетади. Шундай қилиб, бошланғич популяция ичida янги кичик гуруҳлар пайдо бўлади, улардан дастлаб янги популяциялар, сўнгра бир қанча дивергенциялар туфайли янги кенжা турлар ва турлар пайдо бўлади. Худди шу йўл билан уруғлар, оиласлар, туркумлар ва бошқа систематик гуруҳлар ҳосил бўлади. Демак, тирик организмларнинг хилма-хиллигини тур индивидлари ичida рўй берадиган дивергенция жараёни билан изоҳлаш мумкин.

Тур ҳосил бўлишининг географик ва экологик усуллари мавжуд.

Географик тур ҳосил бўлиши бошланғич тур ареалининг кенгайиши ёки табиий тўсиқлар (тоғ, дарё, чўл, ўрмон) туфайли алоҳида қисмларга ажralиб қолиши билан боғлиқ. Тур ареали кенгайганида тур индивидлари янги муҳит шароити (тупроқ, иқлим, тирик организмлар)га дуч келади. Популяциядаги ирсий ўзгаришлар, яшаш учун кураш ва табиий танланыш туфайли вақт ўтиши билан популяциянинг ген таркиби ўзгаради. Бу жараён янги тур ҳосил бўлишига олиб келади. Масалан, Европанинг ўрта минтақасида айиқтовон ўсимлигининг 20 тури ўсади. Бу турларнинг барчаси географик изоляция (алоҳидаланиш) туфайли бир турдан келиб чиқсан. Қирғовулнинг хива, мурғоб, кавказ, манжурия, япон кенжা турларининг келиб чиқшини ҳам географик изоляция орқали тушунириш мумкин.

Экологик тур ҳосил бўлиши популяция индивидларининг бир қисмининг тур ареали чегарасидан янги яшаш жойини эгаллаши билан боғлиқ. Янги шароитда табиий танланишнинг йўналиши ўзгаради. Бу эса популяциянинг ген таркиби, яъни генофондини ўзгаришига сабаб бўлади. Бундай ўзгаришларни бир неча авлод давомида тобора кучайиб бориши натижасида ўзгарган шароитга тушган популяция шу турнинг бошқа популяциялари билан чатишмайдиган бўлиб қолади. Шу тариқа биологик изоляция юзага келади ва муайян шароитга мослашган янги тур пайдо бўлади. Худди шу йўл билан Волга дарёсининг қўйи қисмида ялтиробш ва итқўноқ каби ёвойи ўтларнинг сув тошқинигача ва ундан кейин уруғ берадиган турлари келиб чиқсан. Севан қўлида гулмойи (форель) балиғининг турли популяциялари кўпайиш муддатлари, увилдириқ ташлаш жойи ва чуқурлиги билан фарқ қилиши ҳам экологик тур ҳосил бўлишига мисол бўлади. Читтакларнинг экологик изоляция натижасида ҳар хил озиқланишга мослашган 5 тури келиб чиқсан. Улардан катта читтак боғларда йирик ҳашаротлар билан, лазаревка дараҳт пўстлоғи ва куртакларидаги майда ҳашаротлар билан, кокилдор чигтак нина баргли дараҳтлар уруғи билан, гаичка ва московка турлари ҳар хил ўрмонларда асосан ҳашаротлар билан озиқланади.

Тур ҳосил бўлишининг географик ва экологик усуллари

ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг чёгарасини аниқлаш қийин. Турҳосил бўлишининг турли босқичларида географик изоляция экологик изоляция таъсирига қўшилиб кетиб биргаликда таъсир кўрсатиши ёки улар бир-бирининг ўрнини олиши мумкин.

Микроэволюция ва эволюциянинг элементар омиллари. Тур ичидаган таъсирига қўшилиб кетадиган ва уни ўзгаришга олиб келадиган эволюция жараёни *микроэволюция* дейилади. Микроэволюция ҳар хил генотипли индивидлардан иборат популяциялар ичидаги бошлиниади. Популяциядаги ҳамма индивидлар генотипи йиғиндиси *генофонд* дейилади. Популяция генофондига таъсири этадиган элементар (дастлабки) эволюция омили қўйидагилардан иборат: 1) янги ирсий мутацион ва комбинатив ўзгарувчанликларнинг юзага келиши ва популяцияларда янги генотипларнинг пайдо бўлиши; 2) популяциялар сонининг ўзгариб туриши, яъни популяциялар тўлқини; 3) географик ёки экологик (биологик) изоляция (алоҳидаланиш).

Популяциялар тўлқини ҳарорат, намлик, ёруғликнинг мавсумий ўзгариши (ҳашаротлар, бир йиллик ўсимликларда) озиқ миқдорининг кўп ёки оз бўлиши, стихияли талафотлар туфайли юз бериши мумкин. Популяциялар тўлқини айрим генларнинг тўпланишини ўзгартириши, улардан баъзиларининг йўқ бўлиб кетишига ва бошқаларининг кўпайшишига сабаб бўлиши мумкин.

Географик ёки биологик изоляцияда популяцияларнинг эркин чатишиши учун тўсиқ пайдо бўлганлиги сабабли уларнинг чекланишини тобора кучайшишига ва янги генотипга эга бўлган популяцияларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Юқорида келтирилган ҳамма ўзгаришлар тасодифий равишда пайдо бўлади ва турли йўналишга эга бўлади. Фақат табиий танланиш бу ўзгаришларни йўналтириш хусусиятига эгадир.

ЭВОЛЮЦИЯ НАТИЖАЛАРИ. ЭВОЛЮЦИОН ТАЪЛИМОТНИНГ АҲАМИЯТИ

Эволюция натижалари. Табиатда узлуксиз борадиган эволюция жараёни қўйидаги натижага олиб келади: 1) тирик мавжудотларнинг тузилиши аста-секин мураккаблаша боради; 2) организмлар ташқи муҳит шароитига нисбий мослаша боради; 3) турларнинг хилма-хиллиги ортади.

Дастлаб Ерда фақат прокариот микроорганизмлар, кейинроқ бир ҳужайрали эукариотлар, сўнгра кўп ҳужайралилар, шу жумладан умуртқасиз ҳайвонлар пайдо бўлган. Балиқлар асидан сўнг сувда ва қуруқликда яшовчилар асли, ундан сўнг судралиб юрувчилар асли бошлиниади. Уз навбатида судралиб юрувчилар асли қушлар ва сутэмизувчилар асли билан алмашинди. Кейинги минг йиллик давомида эса биосферада инсон ҳукмронлик қила бошлиниади. Шунинг билан бирга айрим организмларнинг тузилиши миллион йиллар давомида ўзгармасдан

қолған (масалан, бактериялар, бир ұжайрали ҳайвонлар, тирик қазилмалар), ұтто паразит организмларнинг тузилиши бирмунча соддашган. Лекин, умуман олганда, организмларнинг тузилиши эволюцион жараёнда тобора такомиллашиб борган.

Эволюциянинг асосий натижаларидан яна бири организмларнинг ўзлари яшаб турған мұхитта мослашғанлыгидир. Тирик организмлар танаисининг тузилиш хусусиятлари улар яшаб келаётганды мұхитта мұвофиқлашған бўлади. Айрим микроорганизмлар қайноқ вулқон булоқларида, нефтда ва ұтто сульфат кислотаси эритмасида яшай олади.

Қуёнларнинг тез чопа олиши, яхши эшитадиган қулоқлари, ҳид билиши ва ўткир күзлари уларни бўри, тулки ва бошқа йиртқичларга ем бўлишдан сақлади. Лекин йиртқичларнинг тузилиши ва хулқ-автори ҳам бирмунча нимжон, касал ва чопа олмайдиган ёки эҳтиётсизлик қилған қуёнларни тутиб олишга имкон беради. Паразитларнинг ёпишишига имкон берувчи тирноқлари ва хартумининг бўлиши ва жуда серпуштлиги ҳам уларнинг тана тузилишининг мұхитта мұвофиқлашувидан иборатdir. Кўрсичқон ва суваракнинг тана тузилиши ҳам мұхит шароитига мұвофиқлашған бўлади.

Ерда ҳаёт пайдо бўлганидан бўён табиатда ҳар қандай янги мавжудотлар дастлабки бирмунча содда тузилиган қадимги мавжудотлардан келиб чиқсан. Эволюция жараёнида дастлабки бирмунча содда тузилиган, битта турдан ўзгарувчанлик ва табиий танлаш натижасида бирданига бир неча турлар келиб чиқсан. Шундай қилиб, тарихий ривожланиш давомида турлар сони доимо ортиб борган.

Эволюцион таълимотнинг аҳамияти. Эволюцион таълимот органик оламнинг тарихий тараққиети йўлини ва тирик мавжудотларнинг хилма-хиллиги сабабларини кўрсатиб беради. Бу таълимог табиатнинг тарихий ривожланишини илмий материалистик нуқтаи-назардан тушунтириб берди ва барча биология фанларнинг ривожланиши учун асос яратди. Эволюцион таълимот зоология, ботаника, палеонтология, систематика, одам ва ҳайвонлар физиологияси, солиштирма анатомия, эмбриология ва бошқа фанларнинг асосий йўналишларини аниқлаб берди. Чунончи палеонтология фанининг асосий вазифаси органик оламнинг тараққиёт йўлини очиб бериш; систематика — турли таксономик групкалар ўртасидаги қариндошлик муносабатларини аниқлаш; эмбриология — организмларнинг индивидуал ривожланиш босқичларидаги ўхашашликларни текшириш; физиология — одам ва ҳайвонларнинг тузилиши ва ҳаёт фаолиятини ўрганиб, улар ўртасидаги қариндошлик муносабатларини кўрсатиб беришдан иборат.

Эволюцион таълимот генетика ва экология фанларининг шаклланиши ва тез ривожланишига сабаб бўлди, қишлоқ ҳужалигига селекция ишларини илмий асосда ташкил қилиш имконини яратди. Ўз павбатида экспериментал ва назарий ге-

нёттика соҳасида қилинган кашфиётлар туфайли ирсият ва ирсий ўзгарувчанлик механизмларининг очилиши эволюцион таълимотнинг янги далиллар билан бойитди ва янада ривожланиши учун кенг имконият яратиб берди.

Эволюцион таълимот табиатдаги турли организмлар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан тўғри фойдаланиш йўлини кўрсатиб, қишлоқ хўжалиги зааркунандаларига қарши биологик кураш методларини ишлаб чиқиш учун ҳам илмий асос бўлиб хизмат қиласди. Масалан, ғўзага катта зиён келтирувчи қўсак қурти, меваларнинг ҳар хил зааркунанда қуртлари, шира битлари ва бошқа зааркунанда ҳашаротларга қарши курашда турли касаллик туғдирувчи микроорганизмлар, йиртқич ва паразит ҳайвонлардан фойдаланилмоқда.

Табиатдаги тирик мавжудотлар ўртасидаги мураккаб боғланишларни тушуниб олиш қишлоқ хўжалигига алмашлаб экишини жорий этиш, табиатни муҳофаза қилиш ишларида, ҳамда янги дараҳтзорлар барпо қилишда катта аҳамиятга эга. Бундай боғланишларни назар-писанд қилмаслик хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. 20-асрнинг иккинчи ярмида мамлакатимизда қўриқ ерларнинг тез ўзлаштирилиши, қишлоқ хўжалигига заҳарли препаратлар ва химиявий ўғитларнинг кўп миқдорда қўлланилиши, атроф мухитнинг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши, узоқ вақт бир хил экинлар экилавериши ва бошқа сабаблар фойдали жониворларни қирилиб кетишига, табиатда азалдан мавжуд бўлган турғунликни бузилишига олиб келади. Масалан, заҳарли кимёвий моддаларнинг қўлланиши тупроқни юмшатиб, уни унумдор қиласиган ёмғир чувалчанглари; зааркунанда ҳашаротларни қириб фойда келтирадиган паразит ва йиртқич ҳашаротлар ҳамда қушларни, шунингдек ўсимликларни чанглатувчи ҳашаротларнинг сонини кескин камайиб кетишига олиб келди. Оқибатда тупроқнинг структураси кескин ёмонлашиб, унинг ҳосилдорлиги пасайиб кетди.

Қўпчилик йиртқич ҳайвонлар, юқорида кўрсатиб ўтилган-дек (яшаёт учун кураш ва табиий танлаш мавзуларига қаранг), биринчи навбатда табиатдаги заиф ва касал индивидларни ўқотиб фойда келтиради. Шунинг учун уларнинг сони камайиб кетса, фойдали ҳайвонлар ўртасида касаллик кўпаяди. Масалан, Канаданинг айрим районларида бўриларнинг қириб юборилиши касал буғуларнинг кўпайишига ва улар сонининг камайишига олиб келган.

Айрим мамлакатларда чумчуқларнинг қириб ташланиши эса қишлоқ хўжалиги зааркунанда ҳашаротлари (чиғирткалар) тез кўпайиб кетишига сабаб бўлган эди. Мавжудотлар ўртасидаги мураккаб муносабатлар мавжудлиги турларнинг хилма-хиллиги билан узвий боғлиқdir. Бу эса табиатни ва ундаги барча ўсимликлар оламини ҳамда ҳайвонот дунёсиин муҳофаза қилишни тақозо этади.

ОРГАНИК ОЛАМНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

ОРГАНИК ОЛАМ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ДАЛИЛЛАРИ

Макроэволюция. Турлардан авлодлар, оилалар, туркумлар ва бошқа йирик систематик гуруҳларнинг ҳосил бўлиш жараёни **макроэволюция, яъни турдан юқорида кечадиган эволюция дейилади.** Макроэволюция микроэволюция жараёнлари асосида боради ва унда микроэволюция учун хос бўлган сабаблар: яшаш учун кураш, табиий танланиш ва у билан боғлиқ бошқа омиллар амал қиласди.

Цитология, солиширма анатомия, эмбриология ва палеонтология фанлари органик олам тараққиёти ҳақида жуда кўп маълумотлар беради.

Цитология (хужайра тўғрисидаги фан) ҳамма тирик организмларнинг ҳужайралари бир хилдаги органоидлардан ташкил топганлиги, ҳужайраларнинг кимёвий таркиби, бўлиниш цикли ва генетик информацияни ўтказиш хусусияти ўхаш бўлишини кўрсатади.

Солиширма анатомия (организмлар тузилишини бир-бирига таққослаб ўрганадиган фан) тирик организмларнинг тузилиши ва келиб чиқиши ўхашлигини кўрсатиб берди. Масалан, ҳамма умуртқали ҳайвонлар икки томонлама симметрияли

за икки жуфт оёқли бўлиб, кўпгина органлари (бош, олд ва кейинги оёқ скелетлари, айриш, ҳазм қилиш, қон айланниш ва нерв системалари)нинг тузилиши ва жойланishi ўхаш бўлади (91-расм). **Гомологик органларнинг тузилиши,rudiment ва атавистик органлар**, оралиқ формаларнинг бўлиши ҳам умуртқалилар аждодларининг келиб чиқиши негизи битта эканлигини кўрсатади. Гомологик органларнинг бажарадиган функциясидан қатъи назар тузилиши ва келиб чиқиши ўхаш бўлади (сувда ҳам қуруқда яшовчилар, судрагиб юрувчилар, қушлар ва сутэмизувчиларнинг оёқлари).




91-расм. Одам (A) ва сувда ҳам қуруқликда яшовчилар (B) скелети тузилишининг умумий пла- ни ва симметрияси.

Рудиментлар — эволюция жараёнида ўз функциясини йўқотган ва йўқолиб бораётган органлар. Бунга мисол қилиб ҳайвонлар учун хос бўлган бир қанча органларни одамларда ҳам ривожланмасдан сақланиб қолишини (кўричакнинг чувалчангисимон ўсимтаси, дум умуртқалари, учинчи қовоқ) кўрсатиш мумкин. Атавизм қадимги аждодларга хос бўлган белгиларнинг юзага чиқишидан иборат. Айрим ҳолларда думли, танаси жун билан қоп-

ланган ёки күп эмчакли болаларнинг туғилиши ҳам одамнинг аждодлари ҳайвонга ўхшаш бўлганлигини кўрсатди. Солиштирма анатомия текширилари ҳозирги ҳайвонлар орасида бирмунча тубан ва юксак тузилган «тирик қазилмалар» деб аталувчи оралиқ формаларнинг борлигини кўрсатиб берди. Тубан сутэмизувчилар орасида ўрдакбурун ва ехидна клоака тешиги бўлиши ва тухум қўйиши билан судралиб юрувчиларга ўхшайди. Лекин боласини сут билан боққани ва танаси жун билан қопланганлиги учун сутэмизувчилар синфига киритилади. Аналогик органлар ҳам органик олам эволюцияси далиллари ҳисобланади. Аналогик органларнинг тузилиши ва келиб чиқиши турлича, лекин бир хил функцияни бажаради. Ҳашаротлар қаноти тери қоплағичидан, қушларнинг қаноти олдинги оёқларидан ҳосил бўлган. Аналогик органлар систематик жиҳатдан бир-биридан узоқ турадиган организмларда **конвергенция** (турли организмлар тузилиши белгиларини бир хил муҳит шароитига мослашуви натижасида ўхшаш бўлиб қолиши) орқали пайдо бўлади.

Эмбриология (организмлар муртагининг ривожланиши тўрисидаги фан) ҳамма кўп ҳужайрали организмлар жинсий ҳужайраларининг ҳосил бўлиши (гаметогенез) бир хил бўлиши ва барча организмларнинг ривожланиши битта ягона ҳужайра—зиготадан бошланишини кўрсатиб берди. Ҳамма умуртқали ҳайвонлар эмбриони ривожланишининг бошлангич давлари ўхшаш бўлади (92-расм). Чунончи, уларда жабра ёриқлари ривожланган, гавдаси бош, тана ва дум бўлимларидан иборат. Эмбрионнинг ривожланиши давомида муртакда дастлаб синлага, кейинроқ туркум, ургу ва энг кейин турга тегишли белгилар пайдо бўлади. Бу ҳодиса ҳамма умуртқалиларнинг битта умумий аждоддан келиб чиқсанлиги ва эволюция давомида улар орасидаги фарқ иучайиб борганлигини кўрсатади. Шундай қилиб, ҳар бир организм индивидуал ривожланиши (**онтогенез**)да турнинг тарихий тараққиёти (**филогенез**)ни қисқача такрорлайди. Бошқача қилиб айтганда, онтогенез филогенезнинг қисқача такрорланишидан иборат. Бу қонунни немис олимлари Ф. Миллер (1864) ва Э. Геккель (1866) кашф этишган бўлиб, биогенетик қонун деб аталади. Кейинроқ А. Н. Северцев (1866—1936) биогенетик қонунни янада тўлдириди. У онтогенезда тур тарихий тараққиётининг айрим давлари тушиб қолиши ва турнинг вояга етган даври эмас, балки муртак даври такрорланишини; эмбрион ривожланишида ота-оналарга хос бўлмаган белгилар мутация орқали пайдо бўлишини; тур учун фойдали белгилар наслга берилиб, филогенезга кишини тушунтириб берди. Шунинг учун онтогенез филогенезни тўғридан-тўғри такрорлаб қолмасдан, янги филогенезни йўналтирадиган манба ҳам бўлади.

Палеонтология (қирилиб кетган организмларнинг қазилма қолдиқларини ўрганадиган фан) қадимда яшаб, қирилиб битган ҳайвонлар билан ҳозирги ҳайвонлар ўртасида қаршиломпи-



А

Б

В

Г

92-расм. Умуртқали ҳайвонлар эмбрионининг ҳар хил ривожланиш даврлари:

А — балиқники, Б — калтакесакники, В — құёничи, Г — одамники.

лик борлигиниң күрсатади. Масалан, панжа қанотли балиқлар скелетининг топилиши сувда ҳам қуруқликда яшовчиларнинг келиб чиқишини, қадимги құш — археоптерикснинг сүяк ва патларининг изи эса құшларни қадимги судралувчилардан пайдо бўлганлигини кўрсатади. Палеонтологлар қазилма қолдиқларига асосланиб түёқли ҳайвонлар ва моллюскалар айrim турларининг филогенетик қаторини тиклаганлар. Мисол тариқасида отни кўрсатиш мумкин. Отларнинг энг қадимги аждодлари олд оёқлари тўрт бармоқли, кейингиси уч бармоқли, катталиги тулкича келадиган ўтхўр ҳайвонлар бўлган. Улар илиқ ва нам иқлимли жойларда қалин ўтлар орасида сакраб юрган, гишлари бўртиқли ўтхўр типда бўлган. Неоген даври охирига келиб, ўт-ўланларнинг сийраклашуви билан улар душманлардан тез югуриб қутулишигина мумкин бўлиб қолган. Яшаш учун кураш ва табий танланиш жараёнида уларнинг оёқлари узайган, бармоқлар сонининг камайиши ҳисобига гав-

дасининг таянч юзаси кенгайган, умуртқа пофонаси мустаҳкамланган. Бу эса уларнинг тез югуришига имкон берган. Озиқнинг дағаллашуви бурмали тишларнинг ривожланишига сабаб бўлган.


ЭВОЛЮЦИЯНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Биологик прогресс ва регресс. Эралар ва даврлар давомида барча тирик организмлар Ердаги иқлим ва геологик жараёнлар таъсирида тараққий этиб борган. Органик олам эволюциясининг бош йўналиши биологик прогрессдан иборат бўлган. **Биологик прогресс** органик оламнинг ривожланишини оддийдан мураккабга, тубан шакллардан юксак шаклларга томон боришининг, бир тур индивидлари сонининг ортиши ва ареалининг кенгайишини билдиради. **Биологик прогресс баъзан морфофизиологик регресс**, яъни тузилишнинг соддалашуви орқали ҳам амалга ошиши мумкин. Масалан, паразит чувалчанглар ва ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтган айрим ҳайвонлар тана тузилишининг соддалашуви улар индивидлари сонининг ортиши ва ареалининг кенгайишига олиб келган.

Табиятда биологик прогресс билан бирга биологик регресс ҳам содир бўлиб туради. Биологик регресс тур индивидлари сонининг камайиши ва улар ареалининг қисқариши билан ифодаланади, турнинг қирилиб кетишига олиб келади. Ҳозирги даврда қирқбўғимлар, плаунлар, халталилар ва тухум қўювчи сутэмизувчиларда биологик регресс кузатилмоқда. Энг қадимги сувда ва қуруқликда яшовчи судралиб юрувчилар ва сутэмизувчилар биологик регресс натижасида қирилиб кетган. Инсон фаолияти ҳам биологик прогресс ёки регресс учун кучли омил бўлиб ҳисобланади. Мисол гарпиқасида сув ҳавзалаrinинг ифлосланиши билан кўк-яшил сувўтларининг тез ривожланиши ёки заҳарли препаратлар таъсирида фойдали ҳашаротлар ва қушларнинг камайиб кетишини кўрсатиш мумкин. Денгиз мушуги, тюлень, кит, сувсар каби ёввойи ҳайвонлар гўшти ва мўйнаси учун кўплаб овланиши биологик регрессга сабаб бўлади.

Биологик эволюцияниг йўналишлари ва йўллари А. Н. Северцов томонидан ишлаб чиқилган. У биологик прогресс учхил: *проморфоз*, *идиоадаптация* ва *дегенерация* йўли билан амалга ошишини кўрсатиб берган (93-расм).

Ароморфоз организмлар умумий тузилишининг юксалишига ва ҳаёт фаолияти жадаллашувининг кучайишига олиб келадиган эволюцион морфофизиологик ўзгаришдан иборат. Ароморфоз организмларнинг гор доирадаги мосланишлари билан боғлиқ бўлмайди. Одатда, ароморфозлар йирик геологик ва иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган яшаш муҳитининг ўзгариши таъсирида пайдо бўлади. Масалан, геологик ўзгаришлар натижасида иқлимининг қуруқлашуви ўсимлик ва ҳайвонларнинг қуруқликка чиқишига, иқлимининг совиши эса иссиққонли



93-расм. Ароморфоз, идиоадаптация ва дегенерациянинг ҳисбати
(А. Н. Северцовдан).

ҳайвонларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Ароморфолар янги шароитда организмларнинг яшаб қолишига, улар ареалининг кенгайишига олиб келади. Тирик табиятда жинсий процесс, фотосинтез ва кўп ҳужайрали организмларнинг пайдо бўлиши энг муҳим ароморфолардан ҳисобланади. Ароморфоз фақат биологик прогрессга олиб келади, у орқали янги йирик систематик гуруҳлар келиб чиқади.

Идиоадаптация (грекча “идиом” — турли) муайян яшаш шароитига мосланишга ёрдам берадиган кичик эволюцион морфофизиологик ўзгаришлардир. Идиоадаптация хусусий мосланишлардан иборат бўлиб, организмлар умумий тузилишининг юксалишига, унинг ҳаёт фаолияти жадаллашувининг кучайишига олиб келмайди, фақат уларнинг муайян муҳит шароитда яшашига имкон беради. Масалан, скат ва камбала балиқларининг танаси япалоқ, терисининг ранги сув туби рангига мос келиши уларни сув тубида яшашига имкон беради. Гулларнинг шамол ёки ҳашаротлар ёрдамида чангланишга мослашувининг хилма-хиллиги ҳам бунга мисол бўлади. Идиоадаптация орқали бирмунча кичикроқ систематик гуруҳлар—турлар, авлодлар ва оиласлар келиб чиқади.

Умимий дегенерация организм тузилишининг соддалашувига, яъни морфофизиологик регрессга олиб келадиган эволюцион ўзгаришлардан иборат. Бу жараён паразит ва ўтроқ яшашга ўтган организмларда кузатилади. Одатда, бу организмларда тузилишининг соддалашуви янги яшаш шароитида турли мосланишлар — сўрғичлар, илмоқлар, ўта серпуштлилик пайдо бўлишига олиб келади. Бу ҳодисани ясси чувалчанглар ва зарпечак мисолида кўриш мумкин.

ЕРДА ҲАЁТНИИГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЕТИ

«Ҳаёт» тушунчасининг таърифи. Оқсил барча тирик организмларнинг асосий таркибий қисмидир. Оқсилларнинг яшаш усули эса моддалар алмашинувидан иборат бўлиб, бу жараён

туфайли уларнинг табиий шакли сақланиб қолади ва улар доимо янгиланиб туради.

Қейинги 100 йил ичида ҳар хил фанлар соҳасида қўлга киритилган буюк ихтиrolар асосида «ҳаёт» тушунчаси яна ҳам тўлдирилди. Замонавий тушунчалар бўйича организм — бу ташки мұхит билан тўхтосиз моддалар ва энергия алмаси-нуви туфайли мавжуд бўлган очиқ система; тирик жисмлар ҳаёт фаолиятини ўз-ўзидан бошқариб турадиган хусусиятга эга, шу туфайли организмлар мұхитнинг доимо ўзгариб турадиган шароитида ўз хусусиятларини сақлаб қолади; организмларнинг ўз-ўзини қайта ҳосил қилиши, ДНК молекулаларининг ўз-ўзидан тикланиши туфайли содир бўлади; оқсил синтези, ирсий маълумотларнинг сақланиши ва наслга ўтиши нуклеин кислоталар иштирокида юз беради.

Рус олим М. В. Волькенштейн: «Ерда мавжуд бўлган тирик жисмлар ўз-ўзини бошқарадиган ва ўз-ўзини бунёд этадиган биополимерлар (оқсиллар, нуклеин кислоталар) даи иборат очиқ системалар»—деб таърифлайди.

Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисида А. И. Опарин назарияси. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисида ҳар хил назариялар мавжуд. Қўпчилик олимлар томонидан эътироф этилган замонавий назариялардан бири рус олим академик А. И. Опарин томонидан ишлаб чиқилган. Унинг фикрича, Ернинг дастлабки даврлардаги ҳарорати жуда юқори (1000°C дан юқорироқ), термоядро ва кимёвий реакциялар жуда фаол кечганилиги туфайли бирламчи атмосфера аммиак (NH_3), метан (CH_4), углерод оксиди (CO_2) ва бошқа газлар ҳамда сув билан тўйинган. Ҳарорат 100°C даи пасайғандан сўнг сувнинг газ ҳолатидан суюқлик ҳолатга ўтиши оқибатида ҳар хил минерал моддалар ва газлар билан тўйинган дастлабки океанлар пайдо бўлган.

Ерда ҳаёт пайдо бўлишининг биринчи босқичи электр зарядлари (чақмоқ), ультрабинафша нурлар энергияси ва вулканлар отилиши таъсирида дастлабки океан сувида эриган анорганик моддалардан абиоген йўл билан (тирик организмлар иштирокисиз) органик бирикмалар (углеводлар, аминокислоталар, азотли бирикмалар ва бошқалар) синтезланган. Узаро кимёвий реакциялар туфайли бу органик моддалардан оддий оқсиллар, нуклеин кислоталар ва бошқа биологик полимерлар синтезланган. А. И. Опариннинг бу тахминлари америкалик олим С. Миллер, рус олимлари А. Г. Пасинский, Т. Е. Павловская ва бошқалар томонидан ўтказилган тажрибаларда тасдиқланган. Лабораторияларда қадимги Ер мұхитига яқин бўлган мұхит шароитида (юқори босим, электр зарядлари, ультрабинафша нурлар таъсирида) абиоген йўл билан H_2O , CO_2 , NH_3 ва CH_4 дан деярли ҳамма биополимерларнинг полимерлари — аминокислоталар, пириналар, пиридимидлар, ёф кислоталари ва углеводлар синтезланиши аниқланган.

Ерда ҳаёт пайдо бўлишининг иккинчи босқичи кўп моле-

кулали комплекслар — кооцерват томчилар ҳосил бўлишидан иборатдир. Бу жараён юқори молекулали моддалар эритмаларининг муайян шароитда (масалан, электролитлар таъсирида) турли концентрацияга эга бўлган ва бир-бири билан аралашив кетмайдиган икки қаватга ажралиш хусусияти билан боғлиқ. Кооцерватлар атроф муҳитдан ҳар хил озиқ моддаларни қамраб олиб ютиши туфайли йириклишаб борган. А. И. Опарин фикрича кооцерватлар орасида табиий танланишга ўхаш жараён туфайли чидамлилари сақланиб қолган. Лекин кооцерватлар ўз таркибига кирувчи молекулаларни ўzlари ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлмаган.

Ҳаёт пайдо бўлишининг кейинги энг муҳим босқичи кооцерватларнинг ибтидоий тирик мавжудотларга айланишидир. Бу босқич ўз-ўзини ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлган молекулаларнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Бу жараён қандай содир бўлганлигини изоҳлаш қийин. Эҳтимол, бир-биридан алоҳида синтезланган оддий биологик бирикмалардан биополимерлар пайдо бўлган. Ҳаёт пайдо бўлишининг дастлабки босқичи ДНК информасиясининг оқсил структурасига ўтиши ва бутун ДНК—оқсил комплексининг ўзини-ўзи қайта ҳосил қилиш хусусияти билан боғлиқ.

Ибтидоий организмлар ҳозирги энг содда ҳайвонларга нисбатан ҳам жуда содда бўлган. Ибтидоий организмлар гетеротроф бўлиб, атроф муҳит (океан суви)даги тайёр органик моддалар билан озиқланган. Яшаш учун кураш натижасида улардан энг фаол ва мукаммал тузилишга эга бўлганлари омон қолган.

Атроф муҳитда органик моддалар тобора камайиб бораётган шароитда айрим организмлар тасодифан оддий анорганик моддалардан органик моддалар синтез қилиш хусусиятига эга бўла бошлаган. Шу тариқа дастлабки автотроф (хемосинтезтовчи)лар пайдо бўлган.

Ҳаёт пайдо бўлган дастлабки даврларда сувда ва атмосферада эркин кислород бўлмаган. Шунинг учун организмлар энергияни кислородсиз парчаланиш реакцияларидан олган. Фотосинтез жараёнининг вужудга келиши билан сувда ва ҳавода эркин кислород пайдо бўлган, энергия ажратиб олишининг янги жуда самарали йўли пайдо бўлди, органик олам эса ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига ажралди. Атмосферада кислороднинг пайдо бўлиши билан организмларнинг қуруқликка чиқиши учун имкон туғилади.

ОРГАНИК ОЛАМНИНГ ТАРИХИ

Ер ва ундаги ҳаётнинг ривожланиш тарихи *катахей*, *архей*, *протерозой*, *палеозой*, *мезозой* ва *кайназой* эраларига, эралар эса даврларга бўлинади (геохронологик жадвалга қаранг). Эралар ва даврларнинг давомийлиги жинслардан олинган намуналардаги радиоактив элементларнинг парчаланиш маҳсус

лотлари миқдорига қараб аниқланади. Масалан 100 млн. йил давомида 1 кг урандан 985 г қолади, 13 г қўрғошиндан 2 кг гелий ҳосил бўлади. Жинс таркибидаги қўрғошин ва гелий миқдорини аниқлаб, шу жинснинг ёшини айтиб бериш мумкин. Геохронологик жадвалда Ердаги ҳаётнинг ривожланиши акс эттирилган.

Ер планетаси бундан 5 миллиард йил илгари шаклланган. Узоқ вақт давомида шароит етарли бўлмаганилиги сабабли Ерда ҳаёт бўлмаган. Архей эрасининг дастлабки даврларида атмосферадаги газлар ва сув буғидан электр зарядлари (чақмоқ) ва ультрабинафша нурлар ёрдамида органик моддалар синтезланган. Бу моддалардан узоқ вақт давом этган табиий танланиш натижасида бундан тахминан 3,5 млрд. йил илгари океан сувида дастлабки тирик организмлар пайдо бўлган. Архей эрасида асосан прокариот организмлар (бактериялар ва кўк-яшил сувўтлари) ривожланган. Протерозой ва палеозой эрасининг бошларигача ўсимликлардан фақат сув ўтлари кенг тарқалган (31-жадвал). Бу даврда денгизларда умуртқасиз ҳайвонлар ҳамма типларининг вакиллари пайдо бўлган. Хусусан трилобитлар ва маржонполиплар кенг тарқалган. Палеозой эрасининг силур даврида (бундан 2—2,5 млрд. йил илгари) ўсимликлар қуруқликка чиқсан. Ўсимликларда тўқима ва органларнинг ҳосил бўлишидан иборат ароморфоз уларнинг қуруқликка чиқишига имкон берди. Дастлабки қуруқликда яшашга ўтган ўсимликлар *псилофитлар* бўлган. Улар спора ҳосил қилиб қўпайган.

Дастлабки скелегли ҳайвонлар протерозой эрасининг кембрий даврида пайдо бўлган. Палеозой эрасининг силур ва девон даврларида бўғимоёқлилар ва моллюскалар қуруқликка чиқа бошлаган, панжа қанотли балиқлар пайдо бўлган. Дастлабки қуруқликда яшашга ўтган умуртқалилар — *стегоцефаллар* силур даврида (бундан 1,5 млрд. йил илгари) ароморфоз натижасида пайдо бўлган.

Тошкўмир даврида қадимги қирқбўғим, плаун, қирқулоқлар (папоротниклар) жуда катта ўрмонларни ҳосил қиласди. Бу даврда сувда ҳам қуруқликда яшовчилар жуда кенг тарқалган дастлабки судралиб юрувчилар, қанотли ҳашаротлар, чаёнлар, ўргимчаклар пайдо бўлган.

Қадимги уруғли папоротниклар тошкўмир даврида пайдо бўлган. Перм даврига келиб очиқ уруғли ўсимликлар кенг тарқала бошлаган, тошкўмир даври ўрмонлари йўқолиб кетган. Бу даврда судралиб юрувчилар кенг тарқалди, йиртқичтишли судралиб юрувчилар пайдо бўлди, трилобитлар қирилиб кетди.

Мезозой эрасининг ҳамма даврларида қуруқликда судралиб юрувчилардан динозаврлар, учар калтакесаклар, тошбақалар, сувда: ихтиозаврлар ва тимсоҳлар хукмронлик қилган. Дастлабки сутэмизувчилар ва суюкли балиқлар мезозой эрасининг дастлабки триас даврида, дастлабки қуш (археоптеркис)

31. ЖАДВАЛ. Ер мөзжаның ҳайнозининг рибозложланиши

Эралар (ёши м.н., ыил)	Даирлар	Пайдо бүткән ҳайнозлар	Хүкмрон бүткән ҳайнозлар	Күпилиб көтөлгөн ҳайнозлар
1	2	3	4	5
Кайнозой (62—70)	Антропоген тарақкый этиши	Одамның пайдо бүлүшіни за Хозирги ҳайнозонот дүнеші	Гигант сутэмизувчилар (мамонт- дар, қының тишиң күлбарс, шохсиз каркидон, ғор айнқары ва ар- лонлар)	
Неоген	Одамсамон маймұнлар сутэмизувчилар	Сутэмизувчилар, құшлар, балиқ- лар, шаралар, думлы, лемур- лар, ҳашаротлар	Судралиб юрувчилар, башқоқтын моллюскалар, халтады ва түхум құючы сутэмизувчилар	
Палеоген	Денгиз сутэмизувчилари, ту- йылдар, ҳашаротхүрлар, бап маймұнлар	Қушлар, сутэмизувчилар, балиқ- лар, ҳашаротлар, чуvalчанлар, бүшінкічілдер	Қадимғы сутэмизувчилар, қадим- ғы судралиб юрувчилар, башқоқ- тын, белгіннілдер (моллюска)	
Мезозой (240)	Бұйр	Хозирғи қушлар, майда шүл- дошын сутэмизувчилар	Сүяқты балиқтар, дастлабки (тиши) қушлар, майда сутэмиз- увчилар, ҳашаротлар, сохтаөк- лилар	Гигант судралиб юрувчилар, баш- қоқтын моллюскалар
Ора		Тишили қушлар, ҳозирғи сув- да ҳам күрүкда жишенілдер ва судралиб юрувчилар		
Триас		Сүяқты балиқтар, майда ма- тады на түхум құючы сутэмиз- увчилар, диназаврлар	Иирткің вә ўтқұр судралиб юрувчилар, сұлақ ҳам күрүк- ликта яшевчилар, башқоқтын моллюскалар	Қадимғы балиқтар

Даекми

Әразар (ёши млн. км²)		Даирлар	Пайдо бўлган ҳайвоналар	Хукмрон бўлган ҳайвонлар	Кирилиб кетадиган ҳайвонлар
1	2		3	4	5
Палеозой	Пермъ	Ииртқиц тишли сурдариб юрувчилар, ўтхўр сурдариб юрувчилар	Акулалар, сурдариб юрувчилар, дентиз умурткасизлари, ҳашаротлар	Грилобитлар, стегоцефаллар	
Тошкўмир		Қанотли ҳашаротлар, дастлабки сурдариб юрувчилар, акулалар	Стегоцефаллар, иккичама нафас олуви балиқлар, акулалар, қуруғмоёйлилари, ҳашаротлар, моллюсклар	Трилобитлар, панжаканотли ва совутли балиқлар	
Девон		Икки ҳил нафас олуви ва панжаканотли балиқлар, стегоцефаллар (сувда ҳам курукинда яшовчилар), жагли совутли балиқлар	Моллюсклар, трилобитлар, ўргимчаклар, чаёнилар, жагнизовутли балиқлар	Моллюсклар, сохтаёқилар, коралл полиплар	
Сагулур		Үргимчаксимонлар (чаёнилар) қанотсиз ҳашаротлар, жагнизовутли балиқлар	Бошоёйли моллюсклар, трилобитлар, коралл полиплар, қисқибака, чаенилар		
Ордовик, Кембрий		Дастлабки совутли балиқлар, моллюсклар	Бир ҳужайратилар, ғонактанилилар, чупалчагилар, бўшик ичибитлар, иннатеристилар		
Прогерозой (2600)			Бошкунисизлар, чувалчагилар, бир ҳужайратилар, бўғимоёйлилар		
Археї (3500)			Бир ҳужайратилар		

эса юра даврида пайдо бўлган. Юра даврида очиқ уруғли ўсимликлар ҳукмронлик қилган. Ёпиқ уруғли ўсимликлар мезозой эрасининг бўр даврида пайдо бўлган. Бу даврда юксак сугэмизувчилар ва ҳақиқий қушлар пайдо бўлган. Очиқ уруғли ўсимликлар камайиб кетган.

Кайнозой эрасининг палеоген даврида йирик судралиб юрувчилар ва бошоёқли моллюскаларнинг кўп гуруҳлари қирилиб кетган. Юксак сутэмизувчилардан приматлар (лемурлар, узунтоворонлар, дриопитеклар) пайдо бўлган, ҳашаротлар жуда кенг тарқалган. Ўсимликлар орасида ёпиқ уруглилар барқ уриб ривожланган. Шу эранинг неоген даврида эса сутэмизувчилар ва қушлар ҳукмронлик қилди. Антропоген даврида эса одам пайдо бўлган. Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳозирги кўришига эга бўлди.

ОРГАНИК ОЛАМ ЭВОЛЮЦИЯСИДАГИ АСОСИЙ АРОМОРФОЗЛАР

Ароморфоз — организмлар тузилишини юқори даражага кўтарадиган ва янги муҳитда фойдали мосланиш хусусиятига эга бўлган ўзгариш эканлигини биламиз. Органик олам ривожланишининг дастлабки босқичларида учта йирик ароморфоз юз берган: 1) жинсий жараён, 2) фотосинтез, 3) кўп ҳужайралик. Жинсий жараёнда эркак ва урғочи жинсий ҳужайраларнинг қўшилиши билан ота ва она генотипларига, яъни ҳар хил ирсий белгилар комбинациясига эга бўлган организмлар ҳосил бўлади. Бу табиий танланишнинг таъсир докрасини кенгайтиради, организмларнинг янги муҳит шароитига мосланиш имкониятини, яъни уларнинг яшовчанлигини оширади. Фотосинтезнинг пайдо бўлиши эса органик оламни турли озиқлашиш усулига эга бўлган ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига ажралишига олиб келди. Яшил ўсимликларнинг пайдо бўлиши билан органик моддаларнинг қуёш нури таъсирида углерод оксиди, сув ва бошқа минерал моддалардан ҳосил бўлиш имконияти туғилди. Озиқнинг мўл бўлиши, сув ва атмосферанинг кислород билан тўйиниши, атмосферада озон қатламининг пайдо бўлиши ҳайвонот дунёсини сувда барқ уриб ривожланишига, кейинчалик уларни қуруқликни ҳам эгаллашига олиб келди. Кўп ҳужайралик организмлар тузилишини мураккаблаштириб боради. Тўқима ва органлар ихтисослашади. Улар функциялари мукаммаллашади.

Икки томонлама симметриялик ҳайвонларнинг пайдо бўлиши ҳам муҳим араморфозлардан биридир. Чунки бу жараён ҳайвонларнинг олдинги ва кейинги, орқа ва қорин томонларнинг ихтисослашувига, бинобарин сезги органлари ва марказий нерв системаси жойлашадиган бош қисмининг ажралиб чиқишига олиб келди. Натижада ҳайвонларнинг турқ-атвори мураккаблашди; чақон ва тез ҳаракатланадиган бўлиб қолди; умуман ҳаёт фаолияти кучайиб кетди.

Ҳайвонларда қаттиқ хитин қоплағич ва қаттиқ скелетнинг пайдо бўлиши эса уларда ҳаракатланиш **органларининг ривожланишига** сабаб бўлади. Ҳақиқий юриш оёқларининг ривожланиши ҳам энг муҳим ароморфозлардан биридир. Чунки бу жараён ҳайвонларнинг қуруқликка чиқишига имкон берди.

Ҳайвонлар овқат ҳазм қилиш, айриш, нафас олиш, қон айланиш системаларининг пайдо бўлиши ва уларнинг янада мукаммаллашган системалари билан алмашинуви ҳам ароморфозларни ташкил этади. Масалан, жабралар ўрнига трахея ва ўпканинг пайдо бўлиши ҳайвонларнинг қуруқликда тарқалишига имкон яратди. Ички уруғланиш эса эмбрионнинг қуруқликда тухум ичидаги ривожланишига олиб келди. Кўп камерали юракнинг пайдо бўлиши қон айланиш системасининг иккита (катта ва кичик) доирага ажralиши, иссиқ қонлиликнинг келиб чиқиши ҳам ҳайвонлар организми тузилишининг юқори даражага кўтарилишига; совуқ музлик даврида сақланиб қолишига имкон берган ароморфозлар ҳисобланади. Қушларда олдинги оёқларининг қанотга айланиши уларнинг ҳаво муҳитини эгаллашига олиб келди. Сутэмизувчиларда йўлдошнинг пайдо бўлиши эса уларга Ер юзининг ҳамма миңтақаларида яшаш имконини берди. Ҳайвонлар эволюциясида ароморфозлар уларнинг нерв системаси ва сезги органларининг ривожланишига, бинобарин рефлексларининг мукаммаллашувига ҳам тааллуқлидир. Бош миянинг ажralиб чиқиши, катта мия яримшарларининг ривожланиши ва унда бурмаларнинг пайдо бўлиши ҳам муҳим ароморфозлардан ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси умуртқали ҳайвонлар нерв фаолиятининг мураккаблашуви; шартли рефлексларнинг пайдо бўлиши ва мукаммаллашувига; бинобарин, улар турқатворининг мураккаблашувига олиб келди. Ароморфоз натижасида инсон ҳайвонот оламидан **ажralиб чиқди**.

Ўсимликлар эволюциясида йирик ароморфозлар уруғдан кўпайишининг пайдо бўлиши, гулли ўсимликларнинг келиб чиқиши, ҳашаротлар билан чангланишга мослашув билан боғлиқдир.

КАЙНОЗОЙ ЭРАСИДА ЎСИМЛИКЛАР ВА ҲАЙВОНЛАР ЭВОЛЮЦИЯНИНГ АСОСИЙ ЙÙНАЛИШЛАРИ

Қайнозой эраси сўнгги 60—70 млн. йилдан буён давом этмоқда. Бу эра давомида қитъалар ва дengizlар шаклланди: Ер курраси ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳозирги кўринишга эга бўлди. Қайнозой эраси палеоген; неоген ва антропоген даврларга бўлинади (31-жадвалга қаранг).

Палеоген даврда иқлим иссиқ бўлган. Ер юзининг ҳамма жойида иссиқсевар ёпиқ уруғли тропик ўсимликлар (қорақайин, сарви, жўка) барқ уриб ривожланган. Бу даврда тоғлар, шимолдаги барча ороллар ҳам доимо яшил ўсимликлар билан қопланган эди. Палеогеннинг иккинчи ярмида тоғ ҳосил бўлиш

жараёни натижасида иссиқ денгизлар ўрнида Альп, Карпат, Крым, Кавказ, Апеннин, Химолай. Пиреней төг тизмалари пайдо бўлди. Төг тизмалари шимолий зоналарни тропик иқлимдан ажратиб қўйганлиги сабабли иқлим совиди, доимо яшил ўсимликлар ўрнини аста-секин барг тўкувчи ўсимликлар (заранг, терак, эман ва бошқалар) эгаллади. Ҳозирги Сибирь, Мўғулистан, Ўрта Осиё тропик ўрмонлари ўрнини доимий ўтлоқлар эгаллади. Идиоадаптация натижасида ўсимликларнинг маҳалий шароитга мослашган жуда кўп янги формалари пайдо бўлди.

Неогеннинг охири ва антропогеннинг бошларида Скандинавия тогларидан кўчган музликлар ўз йўлидаги кўпчилик ўсимлик ва бошқа жониворларни йўқ қилиб юборади. Фақат музликларнинг этагида паст бўйли ўсимликлар сақланиб қолган ва улардан ҳозирги Арктика флораси таркиб топган. Тропик ва субтропик флора айрим төг этакларида, хусусан Қора дениз ва Қаспий денизи соҳилларида, Талиш ва Уссурий ўлкасида қисман сақланиб қолган. Музликлар етиб бормаган төг ён бағирларида совуқча энг чидамли нинабаргли ва бошқа дарахтлар сақланиб қолган. Бу ўсимликлар музлик эриб кетгандан сўнг шимол флораси учун асос бўлган. Антропоген даврда Ер флораси ҳозирги кўринишга эга бўлган.

Кайнозой эрасида умуртқасиз ҳайвонлардан қориноёқли ва икки паллали моллюскалар, айниқса ҳашаротлар барқ уриб ривожланган. Ҳашаротларнинг ривожланишида бир қанча ароморфозлар содир бўлган. Трахея системасининг пайдо бўлиши ҳашаротларнинг қуруқликка чиқишига имкон берди, улар та-насидағи моддалар алмашиниш жараёнининг тезлашишига, бинобарин ҳаёт фаолиятининг фаоллашувига, қанотларнинг ривожланиши эса уларнинг қуруқликда кенг тарқалишига ва кўпроқ муҳитларни эгаллашига олиб келди. Кемирувчи оғиз органларининг ривожланиши эса ҳашаротларга юмшоқ озиқ билан бирга ўсимлик ва ҳайвон тўқималарини ўзлаштириш, бинобарин озиқ манбани кенгайтириш имконини берди.

Идиоадаптациялар орқали ҳашаротларнинг муайян шароитга мослашган жуда кўп янги формалари пайдо бўлган. Уларнинг ҳозирги мавжуд турларининг сони 1,5 млн.га етади.

Кайнозой эрасида қушлар ва сутэмизувчилар ҳукмронлик қилган. Тана температурасининг доимийлиги туфайли улар совуқ иқлимда ҳам яшаб, кенг тарқалиш имкониятига эга бўлган. Улар икки хил муҳит—ҳаво ва Ер юзасини эгаллаганлиги сабабли бир-бири билан кам рақобат қилган. Қушлар эволюциясида энг муҳим ароморфозлар қанот ва пат қопламасининг пайдо бўлиши, тишли жағ ўрнига шоҳсимон тумшуқнинг ривожланиши, тана скелетининг енгиллашуви, нафас олиш ва айирув системалари, бош мия тузилишининг мураккаблашуви ни кўрсатиш мумкин.

Сутэмизувчиларнинг эволюциясида бош мия пўстлоғида бурмаларнинг ҳосил бўлиши, олд оёқларнинг сузуви орган-


ларга айланиши, тишларнинг озиқ турлариға қараб ихтисослашувини, тери устида юнг қопламининг пайдо бўлиши каби ароморфозларни кўрсатиш мумкин. Кайнозой эрасида гулли ўсимликларнинг барқ уриб ривожланиши билан сутэмизувчилар ва қушлар янги озиқ манбаига эга бўлади. Гулли ўсимликларнинг ривожланиши, улар билан боғланган ҳайвонлар (ҳашаротлар, қушлар, сутэмизувчилар)нинг ривожланишига сабаб бўлди.

Ароморфоз йўли билан дастлабки сутэмизувчилардан ҳозирги кемирувчилар, ҳашаротхўрлар, китсимонлар, қўлқанотлилар, ўтхўрлар, йиртқичлар, приматлар ва бошқа туркумлар келиб чиқсан. Тубан тузилган приматлар кайнозой эрасининг палеоген даврида пайдо бўлган. Бу даврнинг охирида қирилиб кетаётган йирик судралиб юрувчилар ўрнини юқори тузилган сутэмизувчилар эгаллаган. Шу эранинг неоген даврида қушлар ва сутэмизувчилар ҳукмронлик қилган. Приматлар орасида юз берган яна битта ароморфоз, бундан 30 млн. йил илгари ўтган антропоген даврида одамнинг ҳайвонот дунёсидан ажralиб чиқшиига олиб келди. Антропоген даврида ҳайвонот дунёсининг ҳозирги мавжуд бўлган ҳамма йирик систематик гурӯҳлари шаклланган.

ОДАМНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

ОДАМНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ТЎГРИСИДА Ч. ДАРВИН ФИКРИ

К. Линней ўзи ишлаб чиқсан системасида одамни маймунлар билан битта туркумга киритган эди. Лекин у одамнинг маймунлар билан қариндош эканлигини инкор этган. Ж. Б. Ламарк биринчи бўлиб одам дараҳтда яшашдан ерда юришга ўтган маймунсимон аждодлардан келиб чиқсан деб ёзган эди. Лекин фақат Ч. Дарвин одамнинг пайдо бўлиши муаммосини илмий асослаб беришга муваффақ бўлди. У «Турларнинг пайдо бўлиши» асарида инсон тирик организмлар ривожланиши занжиридаги юксак даражада тузилган юқори ҳалқа, одам билан одамсимон маймунлар умумий бўлган узоқ аждодларга эга эканлигини кўрсатиб беради. Бу улар скелети (94-расм), қўл, оёқлари, ҳамма асосий органлар системаси, эмбрионнинг она қорнида ривожланиши, сут безлари, кўкрак диафрагмаси ўхашлиги,rudimentlar ва атавизмларнинг бир хиллиги билан исботланади. Одам ҳайвонот дунёсининг битта биологик тури бўлиб, хордалилар типи, умуртқалилар кенжা типи, сутэмизувчилар синфи, приматлар туркуми, одамсимон маймунлар оиласи ва ақлли одам (*Homo sapiensis*) турига киради. Одам билан ҳайвонлар ўтасида жуда кўп фарқ мавжуд. Ҳусусан, тик юриш, калла суюгининг тузилиши, миясининг ҳажми, маъноли нутқи, абстракт фикрлаши, меҳнат қуроллари ясали ва ундан фойдалана билиши билан одам одамсимон маймунлардан фарқ



94-расм. Одам ва одамсизон маймунлар скелети
(A) ва бопт мияси (B)

қилади. Дарвин одам эволюциясининг ҳаракатлантирувчи кучи табиий танланиш деб кўрсатган эди.

Меҳнат пайдо бўлиши билан одам тараққиётида биологик қонуниятлар социал қонуниятлар билан алмашинади, одам меҳнат жараёнида табиатга таъсир кўрсатиб, уни ўзгартиради, айнан бир вақтда унинг ўзи ҳам ўзгаради. Одам ижтимоий меҳнат туфайли фан ва маданиятни ривожлантиради. Социал омиллар таъсирида одамда иккинчи сигнал системаси (маъноли нутқ) пайдо бўлган. Одам эволюцияси антропогенез деб аталади.

Антропогенезнинг ҳаракатлантирувчи кучлари. Ч. Дарвин одам эволюцияси — антропогенезда ҳам органик олам эволюцияси асосий омиллари — ирсий ўзгарувчанлик, яшаш учун кураш ва табиий танланиш амал қилганлигини кўрсатиб берган эди. Бу омиллар таъсирида қадимги одамсизон маймун организми бир қанча морфологик ўзгаришлардан сўнг тик юриш қобилиятига эга бўлди, унда қўл ва оёқ функциялари алоҳида ажралиб чиқди. Лекин антропогенезни фақат биологик қонуниятлар асосида тушунитириш етарли бўлмайди, уни социал омиллар орқали аниқлаш зарур. Одамнинг меҳнати ҳайвонлар меҳнатидан ўзининг ижтимоий хусусияти билан фарқ қилади. Одам меҳнати меҳнат қуроллари ясашдан бошланади. Тик юришга ўтиш маймуннинг одамга айланишида ҳал қилувчи қадам ҳисобланади. Тик юришга ўтиш билан одам аждодларининг тана тузилиши ўзгариб борган. Улар танасининг вазни

ортган, умуртқа поғонаси S — шаклида әгилган; оёқ кағи гүмбаз шаклига кирган; чаноқ суяги кенгайған; думғаза сұяклари бирикіб мустаҳкамланған; жағлары эса анча енгиллашған. Фақат тик юриш туфайли құллар таяңч вазифасидан озод қилиниб, хилма-хил ва мұраккаб ҳаракатлар қилишга, бинобарин, меңнат қуроллари ясаш ва уларни ишлатышға лаекатли бўлиб қолған. Энг оддий меңнат қуроллари ҳам одамнинг табиятга қарамлигини камайтириш билан бирга унинг тафаккурини кенгайтирди. Меңнаг фаолиятининг ривожланиши билан антропогенезда биологик омилларнинг таъсири камайиб, социал омилларнинг таъсири кучая боради.

Ижтимоий ҳаёт ҳам антропогенезда катта ўрин тутган. Одам аждодлари тұда бўлиб яшаган, құл меңнат органига айлана бориши билан улар жиспеслишиб, жамоа бўлиб яшаға ўтишган; биргалиқда йиртқич ҳайвонлардан ўзларини ҳимоя қилишган; ов қилишган ва болаларини тарбиялашған. Кейинчалик жамоада меңнат тақсимоти вужудга келган. Қатта ёшдаги жамоа аъзолари қурол ясаш, оловни сақлаш ва ов қилиш каби касб-хунарни жамоанинг ёш аъзоларига ўргатған.

Оловнинг кашф қилиниши ва пиширилған озиқни истеъмол қилиш қадимги одамлар жағ сұяклари вазнининг камайиши ва чайнаш мускулларининг қисқаришига олиб келди. Натижада жағларнинг ҳаракатланиши осонлашди.

Маъноли нутқнинг пайдо бўлиши ҳам одам эволюциясида муҳим аҳамиятта эга бўлди. Жамоа бўлиб яшағ жамоа аъзоларининг бир-бирлари билан мұомала қилиш заруриятини туғдирди. Дастребки одамлар ўзаро имо-ишора билан ҳар хил товушлар чиқариб мұомала қилишган. Дастребки сўзлар ҳам иш ҳаракатини билдирган, нарсалар номи эса кейинроқ пайдо бўлған. Ирсий ўзгарувчанлик ва табиий танланиш натижасида маймунларнинг яхши ривожланған ҳиқилдоғи ва оғиз органи маъноли нутқ органларига айланған. Шу тариқа одамда маъноли нутқ пайдо бўлди ва одам иккинчи сигнал системасига эга бўлди. Нутқ пайдо бўлиши билан одамларнинг меңнат жараёнидаги ўзаро мұомаласи кучайди; натижада ижтимоий муносабатлар ҳам тез ривожланди.

Тафаккур ҳам антропогенезнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири ҳисобланади. Эволюция давомида меңнат фаолиятининг мұраккаблашуви билан бош миянинг вазни ошиб борди; айниқса, катта яримшарларнинг пўстлоқ қисми кучли ривожланиб борди; ундағи бурмалар сони ортди. Натижада мия пўстлоғининг рефлекторлик функцияси ва у билан боғлиқ бўлған жараёнлар: онг, тафаккур ва нутқ ривожланиб, одамнинг хатти-ҳаракатлари тобора мұраккаблашиб борди.

Шундай қилиб, антропогенезда социал иа биологик омиллар биргалиқда таъсир этган. Одам эволюциясининг дастребки даврларидә биологик омиллар (ирсий ўзгарувчанлик, яшағ учун кураш ва табиий танланиш) устунлик қилған. Инсоният жамиятининг эволюцияси давомида биологик омилларнинг

тāъсири камайиб, социал омиллар (меҳнат фаолияти, ижтимоий ҳаёт, нутқ, тафаккур) асосий ҳаракатлантирувчи кучларга айланган.


ОДАМ ЭВОЛЮЦИЯСИННИГ ЙУНАЛИШЛАРИ

Мезозой эрасида дастлабки сутэмизувчилар-ҳашаротхўрлар орасидан маймунларга ўхшаш ҳайвонлар — парапитеклар ажралиб чиқсан. Улар дараҳтларда ва Ерда яшаб, мевалар ва ҳашаротлар билан озиқланишган. Парапитеклардан чала маймунлар, маймунлар ва одамларнинг қадимги аждодларига олиб келувчи гуруҳлар (дриопитеклар) ажралиб чиқсан (б-схема). Дриопитеклар маймунларга ўхшаш бўлиб, дараҳтларда ҳаёт кечирган. Иқлиминг совиши, ўрмонларнинг сийраклашуви билан улар ерда яшаши ўтишган.

Одам пайдо бўлишининг биринчи босқичи маймунсимон маҳлуқларнинг яшаш учун кураш ва табиий танланиш жараённида икки оёқда юришга ўтишидан иборат бўлди. Таянч ва ҳаракат функцияларидан ҳоли бўлиб қолган олдинги оёқлар эса меҳнат қуролини ишлатувчи орган — қўулларга айланди. Уларнинг бу хусусияти наслдан-наслга ўтиб мустаҳкамланиб борди. Одамнинг энг қадимги аждоди австралопитеклар (лотиндаи: австралопитек — жанубий маймун) — бундан 3—5 млн. йил илгари Жанубий ва Шарқий Африка ҳамда Жанубий Осиёда яшаган. Уларнинг бўйи 120—140 см, мия қутиси ҳажми 500—600 см³ бўлиб, очиқ жойларда, тошлар орасида ҳаёт кечирган; асосан гўшт билан озиқланган. Улар икки оёқда тик юрган; тош, чўп ва ҳайвонларнинг суягидан меҳнат қуроли сифатида фойдаланишган. Лекин австралопитеклар меҳнат қуроли ясашни билишмаган.

Инсоният тарихи дастлабки энг оддий меҳнат қуроли ясашдан бошланган. Онгли равишда меҳнат қуролининг ясалиши одам пайдо бўлишининг энг муҳим босқичи ҳисобланади. Энг қадимги одамлар питекантроплар (маймун одамлар) бўлиб, улар бундан 1 млн. йил илгари яшаган, уларнинг қолдиқлари Ява ороли, Африка ва Европа қитъаларидан топилган. Пите-кантропларнинг бўйи 150 см, мия қутисининг ҳажми 900—1100 см³, пешонаси жуда қия, қош усти бўртиқлари бўлган; жафлари олдинга туртиб чиқсан, ияги ривожланган. Улар тўдатўда бўлиб, форларда яшаган; тошдан жуда содда меҳнат қуроллари ясашган; оловдан фойдаланишни билишган; лекин бошпана қуришни ва кийим кийишни билишмаган.

Пите-кантроплардан кейинроқ яшаган синантронлар (хитой одами) қолдиғи Пекин яқинидаги фордан топилган. Уларнинг ташқи кўриниши питекантропларга яқин бўлган, лекин мия ҳажмининг каттароқ (850—1220 см³) бўлиши билан фарқ қилган. Синантроплар бундан 400 минг йил илгари тўп-тўп бўлиб яшашиган. Оддий бошпана қуришни, оловдан фойдаланишни,



6-схема. Одам шажараси.

тош ва суюклардан меңнат қуроллари ясашни билишган, ҳайвонлар терисини ёпиниб юришган. Питеекантроп ва синантролар одамлар авлоди ва маймун одамлар кенжə авлодининг икки тури ҳисобланади. Энг қадимги одамлар учун каннибализм, яъни одамхўрлик хос бўлган.

Одам эволюциясининг навбатдаги босқичида тик юришнинг такомиллашуви, бош мия ва организм тузилишининг бошқа хусусиятларини янада юксак поғонага кўтарилиши билан қадимги одамлар — неандерталлар пайдо бўлган. Неандерталларнинг скелетлари дастлаб Германиянинг Неандер дарёси водийсида, кейинчалик Осиё ва Африка қитъаларида ҳам топилган. Узбекистоннинг жанубий Сурхондарё водийсидаги Тешиктош горидан неандертал боланинг яхлит суюги топилган.

Неандерталларнинг бўйи 155—165 см, мия ҳажми 1400 см³, мия бурмалари ҳали унча кўп бўлмаган; пешонаси қия, қош усти бўртмаси бўлган; ияги жуда кам ривожланган. Улар бундан 150 минг йил илгари тахминан 100 кишидан иборат гуруҳларга бирлашиб ғорларда яшашган, оловдан овқат тайёрлаш учун фойдаланишган, тери ёпиниб юришган, ўзаро имо-ишоралар ва оддий сўзлар ёрдамида алоқа қилишган. Неандерталлар тошлар ва ёғочдан ҳар хил меҳнат қуроллари ясашган. Улар орасида дастлабки меҳнат тақсимоти юзага келган. Неандерталлар одамлар авлодининг иккинчи кенжা авлоди — қадимги одамларни ташкил қилади.

Музлик даврининг энг оғир шароитида яшаган неандерталлар орасидан табиий танланиш натижасида энг кучли, жасур, чаққон ва ақллилари яшаб қолган ва насл қолдирган. Охирги неандерталлар бундан 28 минг йил илгари яшаган.

Дастлабки ҳозирги одамлар — кроманьонлар бундан 30—40 минг йил илгари яшаган; уларнинг скелети биринчи марта Франциянинг жанубидаги Кроманьон деган қишлоқ яқинида топилган. Улар Африка, Осиё ва Европанинг кўп жойларида, шунингдек Австралияда ҳам топилган. Кроманьонларнинг бўйи 180 см гача, миясининг ҳажми 1600 см³ гача етган. Пешонаси кенг ва тик бўлиб, қош усти дўнглиги бўлмаган; пастки жағида тутиб чиқсан ияги бўлган. Улар уруғ, жамоа бўлиб яшаган, бошпана қуришни, ҳайвонлар терисидан кийим тикишни билишган. Бошпаналарини ҳар хил суратлар (асосан ов манзаралари) билан безатишган. Ўзаро муносабатда нутқдан фойдаланишган; ҳайвонларни қўлга ўргатишган; экин экишни билишган. Кроманьонлар тош ва ёғочлардан ҳар хил меҳнат қуроллари ясашган; кулолчилик билан шуғулланишган Кроманьонлар ҳозирги одамлар билан бирга одамлар авлодининг учинчи кенжা уруғига кирувчи ақлли одам — *Homo sapiensis* турини ташкил этади. Кроманьонлардан бошлаб одам аждодлари биологик эволюциясидан социал эволюция йўлига ўтган.

Шундай қилиб, мураккаб ва узоқ давр мобайнида давом этиб келаётган эволюция натижасида одам аждодлари ҳайвонот оламида энг юқори поғонага кўтарилиб, ҳозирги замон одамларига айланган.

ОДАМ ИРҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Одамларнинг қадимги аждодлари бирмунча мўътадил тропик иқлимли мұхит шароитида яшашган. Одам гавдасининг жисемоний шаклланиши асосан кроманьон одамларнинг пайдо бўлиши билан тугалланган. Улар гавдасининг бундан кейинги ўзгариши фақат иккиласи белгиларга тегишли бўлган. Кроманьон одамлар меҳнат қуролларининг такомиллашуви, иссиқ кийим тикишни, бошпана қуришни ва оловни сақлаш ҳамда

ундан фойдаланишни ўрганиб олишлари уларни ҳар хил иқлим шароитига бардош бериш имконини яратди. Даастлабки ҳозирги одамлар аста-секин Ернинг турли қисмларига тарқалиб кетган ва унча катта бўлмаган гуруҳларга бўлиниб, ҳар хил муҳит шароитида яшаб қолишган. Худди шу йўл билан австралоид, европоид, негроид, монголоид ирқлари пайдо бўлди. Бу ирқлар бир-биридан терисининг ранги, кўз қийифи, бурун, лаб ва соchlарининг ташки қўриниши билан фарқ қиласди. Бундай фарқлар одамлар популяциясининг турли табиий шароитда яшаши сабабли келиб чиқсан. Барча ирқларга мансуб одамлар ички органларининг тузилиши, қон группалари, ақлий қобилияти бир хил бўлади, улар ўзаро осон чатишиб серпушт насл беради. Бу белгилар ҳамма ирқларнинг битта турга мансуб эканлигини кўрсатади.

Олимларнинг фикрига кўра, ирқлар кроманьон одамлар шаклланаётган даврда пайдо бўлган. Одамнинг ватани жануби-шарқий Осиё ва унга қўшни шимолий Африка ҳамда жанубий Европада даастлаб жануби-ғарбий ва шимолий, шарқий ирқлар пайдо бўлган. Қейинчалик биринчи гуруҳдан негроид ва европоид ирқлари, иккинчи гуруҳдан монголоид ирқи келиб чиқсан.

Ирқларнинг келиб чиқишини Н. И. Вавилов очган рецессив генга эга бўлган индивидларнинг шу индивид пайдо бўлган марказдан четга чиқиши қонуни орқали тушунтириш мумкин. Бу қонунга мувофиқ тур келиб чиқсан марказни доминант белгиларга эга бўлган, унинг атрофини рецессив белгили гетерозиготали индивидлар, энг чеккасини эса рецессив гомозиготали индивидлар эгаллайди. Тоғли халқлар кўзининг ранги мовий бўлиши бунинг исботи ҳисобланади.

Одамнинг келгуси даврдаги эволюцияси. Ҳозирги даврда одам эволюцияси тугалланган, шунинг учун келгусида одам эволюциясида катта ўзгаришлар бўлмайди. Унинг эволюцияси бундан кейинги ижтимоий ақл-идрокнинг ривожланиши орқали давом этаверади.

Шундай қилиб, одамнинг ривожланиши уч даврга бўлинади. Биринчи давр ўз-ўзини англаш, яъни тафаккурининг ривожланиши даври дейилади. Бу давр бундан 40—50 минг йил олдин содир бўлган бўлиб, одамлар ҳайвонларни бир-биридан фарқлай бошлашган. Иккинчи даврда кишилар ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатишган, дехқончилик билан шуғуллана бошлашган. Инсон ривожланишининг учинчи босқичи илмий-техника революцияси билан боғлиқ.

ЭКОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

«Экология» сўзи (грекча «ойкос» — турар жой, бошпана, «логос»—фан, билим) фанга немис биологи Э. Геккель томонидан 1866 йилда киритилган. Лекин экология фан сифатида фақат XX асрнинг 30-йилларида тараққий эта бошлади.

Экология организмлар ва улар популяцияларининг атроф муҳит билан ўзаро муносабатларини ўрганади. Экологиянинг асосий текшириш объектлари алоҳида индивидлар ва улардан юқори турадиган системалар — популяциялар, биогеоценозлар ва бошқа табиий гуруҳларни ўз ичига олади. Замонавий экология З асосий таркибий қисмдан — индивидлар экологияси, популяциялар экологияси ва табиий ўюшмалар (жамоалар) экологиясидан иборат.

Индивидлар экологияси тирик организмларнинг атроф муҳит билан муносабатларини, уларнинг муҳит шарт-шароитларига чидамлилиги ва талабини ҳамда муҳит шарт-шароитлари таъсирида организмларнинг морфологик, физиологик ва хулқида содир бўладиган ўзгаришларни ўрганади. Организмларнинг ҳар хил иқлим шароитида тарқалиши; улар миқдори ва активлигини ҳам индивидлар экологияси фани ўрганади.

Популяциялар экологияси эса турларни ташкил этувчи популяциялар сонинининг ўзгариш қонунларини ва унинг сабабларини ўрганади. Табиий жамоалар экологияси ёки биоценология табиий жамоалар структурасини ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларини ўрганади.

Бундан ташқари, айрим таксономик гуруҳларга мансуб бўлган организмларнинг ташқи муҳит билан ўзаро муносабатларини ўрганувчи хусусий экология фанлари (масалан, ўсимликлар экологияси, ҳайвонлар экологияси) ҳам мавжуд. Кейинги йилларда экологиянинг кишилик жамияти билан ташқи муҳит ўртасидаги муносабатларини ўрганувчи олам экологияси, яъни социал экология; организмлар билан улар ҳосил қиласидаги системалар ўртасидаги муносабатларни ўрганадиган физиологик экология ёки бошқа палеоэкология эволюцион экология каби тармоқлари ҳам вужудга келди.

Экология фани ҳалқ ҳўжалиги бир қанча тармоқларининг ривожланиши учун назарий асос бўлиб хизмат қиласи. Экология соҳасидаги текширишлар табиатни муҳофаза қилиши; табиий бойликлар (ер, сув, ўрмон, тупроқ, ҳайвонот дунёси) ни асраб-авайлаш ва улардан тежаб фойдаланиш, дәхқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Асримизнинг иккинчи ярмидан бошлаб инсон фаолиятининг биосферага таъсири жуда кучайиб кетиши туфайли «экологик кризис» ҳолатининг вужудга келиши билан экологиянинг амалий аҳамияти янада ортиб бормоқда; кўпгина табиий фанлар экологиялаштирилмоқда (масалан, кимё экологияси, одам экологияси). Кўпгина ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва бошқа муаммоларни экологик нуқтаи назардан ечишга асосий ёътибор берилмоқда.

ЯШАШ МУҲИТИ, ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР

Яшаш муҳити табиатнинг тирик организм яшаб турган ва у билан тўғридан-тўғри ўзаро боғланган бир қисмидан иборат. Ҳар қандай муҳит ўз таркиби ва хусусиятига қараб жуда хилма-хил ва ўзгарувчан бўлади. Шунинг учун тирик организмлар ўз ҳаётий фаолиятини бошқариш орқали табиий муҳитга мослашиб боради. Ер юзида тирик мавжудотлар бир-биридан кескин фарқ қиласиган — сув, қуруқлик, тупроқ ва ҳавода кенг тарқалган. Тирик организмлар эса ўзига хос бешинчи муҳитни ташкил этади.

Организмларнинг яшаш муҳитига мослашиши *адаптация* дейилади. Адаптация тирик организмларда турли миқёсда — ҳужайра, алоҳида организм, популяция ва экосистемалар дарражасида содир бўлиши мумкин.

Экологик омиллар. Муҳитнинг организмга таъсир кўрсатадиган алоҳида хусусиятлари ёки элементлари **экологик омиллар** дейилади. Экологик омиллар хилма-хил бўлиб, организмга турлича таъсир этади. Улардан бир хиллари организм учун фойдали ва унинг яшаб қолишига ва кўпайишига имкон берса, бошқалари аксинча заرارли бўлиб, организмнинг яшаб қолиши ва кўпайишига тўқсинглик қиласиди. Экологик омиллар учгуруҳ: абиотик, биотик ва антропоген омилларга бўлинади.

1. Абиотик омиллар — анерганик табиатнинг тирик организмларга тўғридан-тўғри ёки бошқа омиллар орқали таъсир кўрсатадиган хусусиятлари (элементлар)дан иборат бўлиб, ҳарорат, намлик, ёруғлик, ҳаво босими, шўрланиш, сув оқими, шамол, радиоактив нурланиш, жой рельефи ва бошқаларни ўз ичига олади.

2. Биотик омиллар — тирик организмларнинг бир-бирига таъсир кўрсатиш хусусиятларини ўз ичига олади. Ҳар бир тирик организм бошқа организмларнинг бевосита таъсирига ёки бошқа омиллар орқали билвосита таъсирига учрайди; организмлар ўз тури индивидлари ҳамда бошқа ўсимлик, ҳайвон ёки микроорганизмлар индивидлари билан боғланган бўлади. Ўз навбатида организмнинг ўзи ҳам бошқа организмларга таъсир кўрсатади. Организмлар ўртасида бундай мураккаб боғланишлар экологик системалар турғунлигининг асосий шартидир.

3. Антропоген омиллар кишилик жамиятининг тирик организмлар яшаш муҳитининг ўзгаришига сабаб бўладиган ёки уларнинг ҳаётига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган фаолиятини ўз ичига олади.

Одам фаолияти — экологик омил. Инсоният тарихининг ибтидоий жамияти даврида одамларнинг тирик табиатга таъсири жуда чекланган, асосан овқат қидириб топиш билан боғлиқ бўлган. Меҳнат қуролларининг такомиллашуви, одамлар сонининг ўсиб бориши билан одамларнинг тирик табиатга таъсири ҳам тобора кучая борди. Замонавий ов қуролларининг пайдо бўлиши, қишлоқ хўжалиги, саноат ва техниканинг ривожла-

ниши билан одамлар табиатта тобеликдан унинг устидан ҳукмронлик құлувчи күчтегі айланды. Инсон фаолияти эса табиатни тамоман үзгартыриб юборишга қодир бүлган құдратли экологик омил бўлиб қолди. Ҳозирги даврда Ер юзида мавжуд бўлган барча тирик организмларнинг тақдиди инсоният қўлида бўлиб, унинг фаолияти билан боғлиқ. Инсоният жамияти фаолиятининг құдратини биосфера миқёсида кечётган улкан жараёнлар билан солишиши мумкин. Масалан, тоғ ва қурилиш саноатларининг үзизда ишилаётган құдратли машиналар бир йил давомида Ер юзидағи ҳамма дарёлардан тупроқ эрозияси (емирилиши) натижасида оқиб келадиган миқдордан ҳам кўпроқ жинсларни суриб ташлайди. Одам фаолияти планета иқлимини үзгартыриши ва атмосфера ҳамда океан сувларининг таркибига таъсир қилиши мумкин. Ёввойи ҳайвонларнинг кўплаб овланиши, янги ерларнинг үзлаштирилиши туфайли ҳайвонлар яшайдиган ва ўсимликлар ўсадиган табиий мухитнинг бузилиши бир қанча турларнинг бутунлай йўқолиб кетишига ёки улар сочининг кескин камайишига олиб келди. Инсон хўжалик фаолиятининг ҳозирги даврида экология қонуниятларини қўпол равиша бузилиши жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Дунё океанининг нефть маҳсулотлари билан ифлосланиши натижасида денгиз ҳайвонлари ва сувда яшовчи қушларнинг кўплаб кирилиб кетиши бунга яққол мисол бўла олади.

Чекловчи омиллар. Экологик омиллар организмга тўғридан тўғри таъсир этиб қолмасдан, балки билвосита, яъни бошқа омилларнинг үзгариши орқали ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Эволюция жараёнида ҳар қайси тур экологик омилларнинг маълум бир интенсивлигига мослашган бўлади. Маълум бир омилнинг организм ҳаёт фаолияти учун энг қулай бўлган интенсивлиги (миқдори) оптимал ёки оптимум дейилади. Омилларнинг организм яшаб қолиши учун зарур бўлган энг қуий (минимум) ва энг юқори (максимум) чегарасида үзгариши чидамлилик чегараси дейилади. Омиллардан бирортаси чидамлилик чегарасидан чиқадиган бўлса, бошқа омиллар қулай бўлганида ҳам организм яшай олмайди. Максимум ёки минимум чегарасидан чиқадиган омиллар чекловчи омиллар дейилади. Одатда, оптимал миқдорга нисбатан энг кам интенсивликка эга бўлган омиллар чекловчи омиллар дейилади. Масалан, қурғоқчилик йилларида намликтарнинг жуда кам бўлиши организмлар ҳаётий фаолиятини чеклаб қўяди.

Фотопериодизм. Тирик организмларнинг бир кечакундуз давомида ёруғлик давомийлигининг үзгаришига жавоб реакцияси фотопериодизм деб аталади. Баҳорда кунларнинг узайиши, ҳароратнинг кўтарилиши билан ўсимликлар ўсиб гуллай бошлайди; қушлар учиб келиб, бола очади; ҳашаротлар қишки тиним ҳолатидан чиқади. Ёзда кўпчилик ўсимликларнинг уруғи ва меваси етилади. Кузда организмлар қишининг ноқулай шаротига тайёрлана бошлайди. **Ўсимликлар озиқ моддаларини жамғаради;** барг тўқади; **сутэмизувчилар туллайди;** қушлар иссиқ

ўлкаларга учиб кетади. Қиши даврида ўсимликлар ва пойкилотерм ҳайвонлар организмидага моддалар алмашинуви кескин сусайиб кетади; айрим организмлар қишининг қаттиқ совуғида — *анабиоз* (ҳаётин жараёнларнинг вақтингчалик тұхтаб қолиши) ҳолатига ўтади.

Күн ва тун давоми йлигининг бир кечакундуз давомида ўзгариши организмлар ҳаётида мавсумий ўзгаришларни юзага келтиради. Бу ҳодиса *биологик ритм* деб аталади. Шундай қилиб, фотопериодизм организмларга мавсумий ҳодисаларни идора этувчи умумий мосланишлардан иборат.

Фотопериодизм тирик организмларда кечакундуз давомида күн ва туннинг давоми йлигини аниқлашга имкон берадиган мослама — «*биологик соат*» борлыгини күрсатади. Фотопериодизми ўрганиш асосида организмлар ҳаётидаги мавсумий ўзгаришларни идора этиш мүмкін. Масалан, баҳорда күнларнинг узайиши құшлар жинсий безларининг фаолияттнни активлаштириші аниқланған. Қисқа қиши ва баҳор күнлары товуқхоналарни құшымча сунъий ёритиш орқали товуқлардан күпроқ тухум олиш мүмкін. Баҳорда күнларнинг узайиши күпчилик ўсимликларнинг гуллашига сабаб бўлади. Бунақа ўсимликлар *узун күн ўсимликлари* дейилади (масалан: буғдои, арпа, сули ва бошқа фалла экинлари, мевали дараҳтлар, зифир, ғұза ва бошқалар). Айрим ўсимликлар (масалан, хризантема, георгинлар)нинг гуллаши учун аксинча, қисқа күнлар зарур. Бундай ўсимликлар асосан жанубдан келиб чиққан бўлиб, қисқа *күнлик* деб аталади. Иссикхоналарда күн узунлигини бошқариш орқали йил давомида сабзавот ва манзарали ўсимликлар етишириш мүмкін.

ТУР. ПОПУЛЯЦИЯ ВА УЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ТАЪРИФИ

Турнинг экологик таърифи. Эволюция жараённанда ҳар бир турда муайян яшаш шароитига мосланиш пайдо бўлган. Масалан, Арктиканинг қор ва музликларида паст ҳароратда яшашга мослашган ҳайвонлар оқ рангли; иссиқ ва қуруқ иқлимда яшашга мослашган чўл ва саҳро ҳайвонлари қўнғир рангли бўлади. Тур индивидлари тур ареали ичидаги бир текис гарқалмасдан алоҳида гуруҳлар — популяцияларни ҳосил қиласди.

Тур — бир бутун яхлит система. Турнинг яхлитлигини унинг ёши ва жинси жиҳатидан турли индивидлардан ташкил топганлигида ва бу индивидлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда кўриш мүмкін. Ҳар қандай тур таркибига эркаги, урғочиси ва турли ёшдаги индивидлар киради. Турнинг яхлитлиги уни ташкил этувчи эркаги ва ургочилари, ота-оналари билан болалари, пода, гала ёки оила индивидлари ўртасида хилма-хил муносабатлар (насли ҳақида ғамхўрлик, ҳар хил сигналлар ёрдамида информация алмашинув, биргаликда ҳимояланиш ва бошқалар) орқали намоён бўлади.

Популяцияларнинг экологик таърифи. Ҳар бир популяция

яшаш шароити, индивидларнинг муайян сони, ўзгариши, ареали, ёш ва жинс таркиби билан бошқа популяциялардан фарқ қиласи. Популяциялар эгаллаган майдоннинг катгалиги популяция индивидларининг ҳаракатчанлигига боғлиқ. Илдам калтакесакнинг битта популяцияси 0,1 га, шимол буғусининг битта популяцияси эса 100 км² майдонни эгаллади.

Популяцияда индивидлар сони йил фасллари ва йиллар давомида ўзгариб туради. Одатда, узоқ умр кўрадиган ва пушти кам бўлган ҳайвон ва ўсимликлар популяцияси серпушт ва қисқа умр кўрадиган турлар популяциясига нисбатан барқарор бўлади. Майда кемирувчилар (лемминглар, сичқонлар) ва ҳашаротлар (чиғирткалар, ширалар) популяциясидаги индивидлар сони айрим йиллари жуда тез кўпайиб кетганлиги маълум. Популяцияда индивидлар сони маълум бир чегарадан камайиб кетиши, популяцияларнинг бутунлай қирилиб кетишига олиб келиши мумкин. Тасодифий сабаблар туфайли (ёнғин, сув тошқини, об-ҳавонинг ўзгариши) индивидлар сони бир неча юзтадан камайиб кетган популяцияларда туғилиш ўлимнинг ўрнини босолмасдан қолиши мумкин.

Популяцияларда содир бўлиб турадиган айрим ўзгарувчаник ва табиий танланиш янги мосланишларни вужудга келтиради. Аста-секин мосланиш бутун тур индивидлари орасида тарқалиши туфайли тур янгича мосланиш белгиларига эга бўлади. Шундай қилиб, популяциялар турнинг яшаш шакли бўлиб, унинг аниқ бир муҳит шароитига мосланишига ёрдам беради.

Турларни сақлаб қолиш муаммоси популяция индивидлари ёш ва жинс таркибини, уларнинг серпуштилиги ва сонининг ўзгариб туриш қонуниятларини билишни талаб қиласи. Турларнинг йўқ бўлиб кетиши ва улар индивидлари сонининг камайиб кетишига йўл қўймаслик учун камёб турларни ҳимоя қилиш ва ҳайвоnlарни овлашни тартибга солиши зарур.

Турлардан оқилона фойдаланиш ва улар хилма-хиллигини сақлаш. Кишилик жамиятининг мавжудлигини ва тараққиётини тирик организмларсиз тасаввур қилиш қийин. Тирик организмлар одамларни озиқ-овқат ва кийим-кечак, саноатни хомашё билан таъминлайди. Барча ёввойи ўсимликлар ва ҳайвонлар янги зот ва навлар яратиш учун генофонд бўлиб хизмат қиласи.

Кейинги даврда саноатнинг тез суръатлар билан ривожланиши, аҳоли сонининг ортиб бориши билан инсоннинг табиий муҳитга таъсири жуда кучайиб бормоқда. Атмосфера кислородининг асосий манбаи ҳисобланган тропик ўрмонларнинг 40% дан кўпроғи йўқ бўлиб кетди. Ҳозирги кунда ҳам ҳар бир минут давомида 20 га тропик ўрмон кесилиб кетмоқда. Бир мингдан ортиқ ҳайвон ва 24 мингга яқин ўсимлик турлари қирилиб кетиш хавфи остида турибди. Бунинг асосий сабаблари ўсимлик ва ҳайвоnlар яшаш муҳитининг бузилиши; уларни кўплаб йиғиш ва овлаш; атроф муҳитни турли химиявий моддалар бি-

лан ифлосланиши; табиий ресурслар (ер, сув, ўрмон ва бошқалар)дан тұғри фойдалана билмаслик ҳисобланади.

Инсон фаолиятининг табиатта заарарлы таъсири бизнинг аждоддаримизга ҳам маълум эди. 1900 йилда ёк сутэмизувчиларнинг 65 тури, қушларнинг 140 тури Ер юзидан бутунлай йўқолиб кетган. Ҳозирги даврда айрим китлар, каркидонлар, тошбақалар, оққушлар, тувалоқлар, силовсинлар, уссурий йўлбарси, турналар, бир қанча балиқ турлари, эчкемарлар, айрим калтакесаклар, илонлар қирилиб кетиш арафасида турибди.

Одам фаолияти кўпинча заарарли организмларнинг тез кўпайиши ва ривожланишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги заараркундаларига қарши кўп миқдорда кимёвий заҳарли моддаларнинг қўлланилиши, бир жойда ҳар йили бир хил экинларнинг экилавериши фойдали ҳашарогларнинг кескин камайиб, заараркундалар сонининг ортиб боришига олиб келди. Дарё ва денгизларнинг оқава сувлар, саноат чиқиндилари билан ифлосланиши натижасида сув ҳавзаларида заарарли кўкяшил сув ўтлари ва микроорганизмларнинг тез кўпайиб кетиши ва фойдали ҳайвонларнинг қирилиб кетиши юз бермоқда. Ана шу ҳолат туфайли Қаспий ва Қора денгизларда балиқ овлаш кейинги вақтларда бархам топди. Сув ресурсларидан оқилюна фойдалана билмаслик оқибатида Орол денгизининг сатҳи тобора қисқариб бормоқда.

Ноёб ва йўқолиб бораётган турларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун турли мамлакатлар ўзаро ҳамкорлик қилиши зарур. Ана шу мақсадда 1948 йилда **Табиатни Муҳофаза Қилиш Халқаро Иттифоқи** (ТМҚХИ) тузилди. Бу Иттифоқ халқаро «Қизил китоб»ни таъсис этди. 1983-йилда Ўзбекистон «Қизил китоби» таъсис этилди, 1984-йилда унинг 1-жилди чоп этилди. «Қизил китоб»га киритилган турлар тўрт гуруҳга: йўқолиб бораётган, ноёб, сони камайиб бораётган ва ноаниқ турларга ажратиб кўрсатилган.

БИОГЕОЦЕНОЗЛАР, ЭКОЛОГИК СИСТЕМАЛАР

Биогеоценозларнинг таърифи. Табиатда тирик организмлар тартибсиз ва тасодифан тарқалмасдан, балки улар барқарор комплекслар — уюшмаларни ҳосил қиласди. Муайян майдонда нисбатай бир хил шароитда ҳаёт кечирадиган тирик организмлар яшаш муҳити билан биргаликда биогеоценозларни ҳосил илади.

Биогеоценоз («биос» — ҳаёт, «ге» — ер, «койнос» — умумий) тушунчасини фанга рус олими В. Н. Сукачев киригган. Биогеоценозлар *биоценоз* — тирик организмлар комплекси ва *биотип*, анерганик табиат муҳити (тупроқ, намлик, атмосфера)дан таркиб топган табиий системадир. Унинг органик (тирик) компонентлари анерганик компонентлари билан, моддалар ва энергия алмашинуви орқали узвий боғланган. Биогеоценозлар ўз-үзини бошқариш хусусиятига эга бўлиб, ундаги индивидлар


тартиби нисбатан доимий бўлади. Чет эл илмий адабиётларида бундай системалар одатда экологик системалар деб аталади.

Биогеоценозларда популяцияларнинг ўзаро боғланиши. Биогеоценозларни ташкил қилувчи организмлар озиқланиш ва энергия ҳосил қилиш усулига биноан иккита гурӯхга — автотрофлар ва гетеротрофларга бўлинади. Автотрофлар қўёш энергияси (яшил ўсимликлар) ёки оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида ажralиб чиқадиган энергия (хемотрофлар) ҳамда атроф муҳитдаги анорганик моддалардан фойдаланиб органик моддалар синтезлайди. Гетеротрофлар (одамлар, ҳайвонлар, замбуруғлар ва бактериялар) автотрофлар синтезлаган органик моддалар билан озиқланади. Биогеоценозларда авторофлар атроф муҳитдан анорганик моддаларни ўзлаштириб, органик моддалар ҳосил қиласди. Гетеротрофлар фаолияти натижасида органик моддалар парчаланиб яна атроф муҳитга қайтарилади. Шу йўл билан биогеоценозлар моддалар алмашинувининг туташ давраси вужудга келади. Бу жараёнда қўёш энергияси автотроф организмлар (яшил ўсимликлар) ёрдамида кимёвий энергияга ўтади. Гетеротроф организмлар озиқланганида органик моддалар ҳосил қиласди. Гетеротрофлар фаолияти натижасида органик моддалар парчаланиб яна атроф муҳитга қайтарилади. Шу йўл билан биогеоценозларда моддалар алмашинувининг туташ давраси вужудга келади. Бу жараёнда қўёш энергияси автотроф организмлар (яшил ўсимликлар) ёрдамида кимёвий энергияга ўтади. Гетеротроф организмлар озиқланганида органик моддалардаги кимёвий энергиянинг кўп қисми организмнинг ҳаёт фаолияти учун механик ва ички энергия ҳолида сарфланади; озроқ қисми яна органик моддаларнинг синтезланиш жараёни учун сарф бўлиб, кимёвий энергия ҳолатига ўтади. Шундай қилиб, биогеоценозларда анорганик моддалар ҳаракати айланма равишда давом этаверади, улардан қайта-қайта фойдаланилади. Бу жараёнда энергия оқими циклик бўлмасдан, фақат бир томонга йўналган бўлади.

Моддаларнинг циклик айланиси ва энергия алмашинуви ҳамма биогеоценозлардаги ҳаётнинг зарур шартиdir. Бунинг учун биогеоценозларда автотроф ва гетеротроф организмларнинг бўлиши зарур.

Деярли барча биогеоценозлар асосини *продуцентлар* (органик модда ҳосил қилувчи яшил ўсимликлар) ташкил қиласди. Биогеоценозлар таркибига *консументлар* — ўтхўр ва йиртқич ҳайвонлар, шунингдек *редуцентлар* — органик моддаларни парчаловчи микроорганизмлар ҳам киради. Ўтхўр ҳайвонлар 1-тартибдаги, йиртқичлар 2-тартибдаги консументлар, йиртқичлар билан озиқланадиган йиртқичлар ва паразитлар 3,4-тартибдаги консументларни ҳосил қиласди. Ўз навбатида консументлар ва редуцентларнинг ҳар қайси гурухи ҳам жуда кўп турлардан ташкил топган.

Биогеоценозлар турларининг хилма-хиллиги, популяцияларнинг маълум майдон чегарасидаги зичлиги ва биомассаси (бар-



95-расм. Озиқланиш занжири схемаси:

А — қүёш, Б — ўсимликтар (продуциент), В — ўтхўр ҳайвонлар (1-консумент), Г — йиртқич ҳайвонлар (2-консумент), Д — мурда билан озиқланадиган ҳайвонлар (2,3-консумент), Е — паразиттар (2—4-консумент), Ж — айириш маҳсулотлари, З — парчаловчи бактериялар.

ча организмлардаги органик моддалар ва уларнинг таркибидаги энергия миқдори) билан таърифланади.

Озиқланиш занжири. Озиқланиш занжири яшил ўсимликлар орқали кимёвий боғланган қүёш энергиясининг биогеноздаги организмлар томонидан кетма-кет ўзлаштирилишидан иборат (95-расм). Озиқланиш занжирининг биринчи қуийи погонасида яшил ўсимликлар, охирги юқори погонасида эса йиртқич ҳайвонлар туради. Масалан, яшил ўсимликлар билан озиқланган ўтхўр ҳайвонлар (ҳашаротлар) этхўр ҳайвонлар (қушлар) учун озиқ бўлади. Этхўр ҳайвоннинг ўзи ҳам йиртқич ҳайвонларга ем бўлади. Бу жараённинг ҳар бир погонасида организмлар озиқ таркибидаги энергиянинг бир қисмидан фойдаланади. Энергиянинг қолган қисмини бошқа организмлар ўзлаштиради. Бу ҳодисани соддалаштириб қўйидагича тушунтириш мумкин. Ўтхўр ҳайвонлар организмида ўсимликлар танасидаги органик моддаларнинг тезакириб кетади. Ҳайвонларнинг тезакириб кетади. Ҳайвонларнинг тезакириб кетади. Ҳашаротлар ахлатида ҳам бирмунча органик моддалар сақланиб қолади. Бу моддалардан бактериялар ва замбуруғлар ўз ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган энергияни олади.

Табиий шароитда озиқланиш занжирини ҳосил қилувчи турлар сони бир неча юз ва ҳатто мингдан ҳам ошиб кетади. Чунки озиқ занжиридаги ҳар бир турлар билан озиқланиши, ўзи ҳам бир қанча турга озиқ бўлиши мумкин. Юқорида эслатиб ўтилган яшил ўсимликлар — ҳашаротлар — ёашаротхўр ҳайвонлар — йиртқич ҳай-


вонлар — сапрофаг ҳайвонлар типида озиқланиш занжирининг ҳар бир поғонаси бир неча юзлаб турдан ташкил топган. Бу занжир ҳалқасида ҳар бир ҳашарот тури бир неча турдаги ўсимлик билан озиқланади ва бир неча турдаги ҳашаротхўр ҳайвонларга ем бўлади. Ўз навбатида, ҳар бир ҳашаротхўр ҳайвон ҳам бир неча турдаги ҳашаротни тутиб ейди ва бир неча тур йиртқичларга ем бўлади. Шу сабабли, биоценозларда озиқланиш занжиридан тушиб қолган айрим турлар ўрнини бошқалари эгаллаганлиги туфайли озиқланиш занжирни узилиб қолмайди.

Экологик пирамидалар қоидаси. Ўсимликлар танасида тўпланган энергиянинг озиқланиш занжирни орқали кетма-кет ўтишида кўп миқдорда энергия сарфланади. Одатда, озиқ занжирининг ҳар бир поғонасида яшил ўсимлик тўқималарида жамғарилган потенциал энергиянинг 80—95% иссиқлик энергияси сифатида организмлар фаолияти учун сарф бўлади. Энергиянинг 5—20% эса организм танасининг барпо этилишига сарфланади; яъни янги потенциал энергия ҳосил қиласди. Шу сабабдан, озиқ занжиридаги ҳалқалар (поғоналар) сони чекланган бўлиб, одатда 3—5 тадан ошмайди. Озиқ занжирининг ҳар қайси поғонасида энергиянинг 10% потенциал энергия сифатида ғамланадиган бўлса, 1000 кг ўсимлик еган ўтхўр ҳайвоннинг массаси 100 кг га ошади. Ана шу ўтхўр ҳайвон гўшти билан озиқланадиган йиртқич ёки одамнинг массаси эса 10 кг га ортади. Фитопланктон—зоопланктон—майдада балиқлар—йиртқич балиқлар — одам типидаги озиқланиш занжирида одам танасининг 1 кг ортиши учун 10000 кг фитопланктон зарур бўлади.

Шундай қилиб, озиқ занжирни поғонасининг ҳар бир кейинги поғонасини ташкил этувчи организмлар массаси ундан олдинги поғонасидаги организмлар массасига нисбатан бир неча баравар камайиб боради. Бу қонуният **экологик пирамида қоидаси** дейилади (96-расм). Экологик пирамидани организмлар масаси, энергия сарфи ва сонларининг ўзгариши бўйича тузиш мумкин.

Биоценозларнинг ўз-ўзини бошқариши муайян муҳит шароитида популациялар индивидлари учун хос бўлган хусусиятдир. Популациядаги индивидлар сони ана шу ўртача миқдор атрофида ўзгариб туради. Ўртача миқдордан ҳар қандай четланишдан сўнг популациялар сони яна дастлабки миқдорга қайтади. Популациялар сонининг популациялар миқдори билан боғлиқ бўлган бундай ўзгариши ўз-ўзини бошқариш дейилади. Ўз-ўзини бошқариш кучи популациялар миқдорига боғлиқ. Популациядаги индивидлар сони қанча кўп бўлса, бошқариш кучи шунча катта бўлади.

Биогеоценозларда ўз-ўзини бошқарувчи куч сифатида турлараро ва тур ичидаги муносабатларни кўрсатиш мумкин. Туслараро муносабатларга йиртқич ва унинг ўлжаси ўртасидаги муносабатлар мисол бўла олади. Қулай экологик шароитда зааркунанда ҳашаротлар тез кўпайиб кетганида улар билан



96-расм: Сонлар бўйича соддалаштирилган экологик пирамида.

озиқланадиган ҳашаротлар ҳам озиқ мўл бўлгани сабабли тез кўпайиб кетади. Натижада зааркунандаларнинг сони яна камая бошлайди ва маълум бир миқдорга етганидан сўнг каманишдан тўхтайди.

Популяциялар ичидаги ўз-ўзини бошқариш механизми **конкуренция** (рақобат), **каннибализм** (ўз тури индивидларини ўлдириш), серпуштиликнинг ўзгариши, **миграция** (кўчиб ўгиш) каби чекловчи омиллар орқали намоён бўлади. Популяциялар сонининг ошиши билан популяция индивидлари ўртасидаги озиқ ва яшаш майдони учун кураш, бир жинсдаги индивидлар ўртасида рақобат (масалан, эркаклари ўртасида урфочиларини талашиб курашиш) кучайиб боради. Айрим йиртқич ҳайвонлар (тилла кўз пашшалар, бешиктерватлар) популяциялари сони ортиб кетганда ўз наслини ҳам ея бошлайди. Чайка қушлари ўз наслининг бир қисмини қириб ташлайди, чумолилар ва асаларилар колониясида индивидлар сони кўп бўлганида индивидларнинг бир қисми колониядан ажралиб чиқиб кетади (ғулланади).

Биоценозлардаги ўз-ўзини бошқариш механизми жуда хилма-хил ва мураккаб бўлади: масалан, ўрмон биоценозлари таркибига бир неча минглаб организмлар киради. Улар орасида автотроф яшил ўсимликлар, йиртқичлар, паразитлар, чиринди-хўрлар, ўлимтиксўрлар бўлади. Ҳар бир гурӯҳнинг ўзи ҳам юз-

лаб турлардан ташкил топган. Биогеоценозлардаги турлар ва популяциялар сони қанча кўп бўлса, ўз-ўзидан бошқариш механизми ҳам шунча хилма-хил ва мураккаб бўлади.

Биоценозларда популяциялар сонининг ўзгаришида экологик системанинг чекловчи омиллари (масалан, намлик, ҳарорат ва бошқалар) ҳам бирмунча аҳамиятга эга бўлади; бошқарувчи омиллар эса асосий ўрин тутади. Популяциялар миқдорининг ўз-ўзидан бошқарилиши популяцияларнинг сақланиб қолиши ва биоценозларнинг турғун бўлиб қолишида катта аҳамиятга эга.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	5
I. БОТАНИКА	5
Гулли ўсимликлар	6
Ўсимликлар систематикаси	34
Юксак ўсимликлар	46
Плаунлар бўлими	53
II. ЗООЛОГИЯ	66
Бир ҳужайралилар	68
Бўшлиқчилйлар типи	78
Ясси чувалчанглар типи	81
Тўғерак чувалчанглар типи	85
Ҳалқали чувалчанглар типи	88
Моллюскалар типи	91
Бўғимоёқлийлар типи	93
Хордалилар типи	109
Балиқлар катта синфи	113
Сувда ҳам қуруқлиқда яшовчилар синфи	118
Судралиб юрувчилар синфи	122
Қўшлар синфи	126
Сутэмизувчилар синфи	134
III. ОДАМ ВА ҮНИНГ САЛОМАТЛИГИ	142
Таянч-ҳаракат системаси	147
Қон	160
Нафас олиш системаси	172
Ҳазм қилиш системаси	178
Айриш системаси	193
Ички секреция безлари	199
Нерв системаси	205
IV. УМУМИЙ БИОЛОГИЯ	219
Цитология асослари	220
Ҳужайраңинг кимёвий таркиби	251
Организмларнинг кўпайиши ва индивидуал ривожланиши	263
Генетика асослари	286
Селекция асослари	295
Биотехнология ва молекуляр генетика	300
Эволюцион таълимот	326
Ерда ҳётнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти	335
Одамнинг пайдо бўлиши	342
Экология асослари	351

**ОЧИЛ МАВЛОНОВ, АКМАЛ ҚОСИМОВ,
ЖАҲОНГИР СИДДИҚОВ**

БИОЛОГИЯ

(Маълумотнома)

Toшкент «Ўқитувчи» 1999

Бўйлум мудири Б. Акбаров

Муҳаррир Д. Аббосова

Бадиий муҳаррир Ф. Некқадамбов

Муқова рассоми М. Калини

Техн. муҳаррир С. Турсунова

Мусаҳиҳа М. Иброҳимова

ИБ № 7487

Теришга берилди 16.04.99 Босишга рухсат этилди 25.08.99 Формати $60\times90/16$. Тип. қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси: Юқори босма усулида босилди. Шартли б.т. 22,0. Шартли кр.-отт. 23,0. Нашр т. 21,69. 3000 нусхада босилди. Буюртма №223.

«Ўқитувчи» нашриёти, 129. Навонӣ кӯчаси, 30. Шартнома 19—99—98.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кӯчаси, 1. 1999.